

БУРИБОЙ АҲМЕДОВ

ТАРИХДАН САБОҚЛАР

ТОШКЕНТ «УЎҚИТУВЧИ» 1994

Ўзбек халқи, Урта Осиёнинг бошқа халқлари каби, кўҳна ва бой тарихга эга. Бу тарих Хоразм ва Сурхон, Тошкент ва Фарғона воҳаларидан, қўйинги республикамызнинг кўп вилоят ва туманларидан топилган археологик топилмалар, жаҳон кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма китобларнинг зар-варақларида сақланиб қолган.

Кичик-кичик лавҳалардан тузилган ушбу китоб кўҳна тарихимизнинг яхши маълум бўлмаган ва кам ўрганилган айрим муҳим масалалари, узоқ ўтмишимизни баён этувчи қимматли қўлёзма китоблар, тарихимизга дахлдор бўлган буюк алломалар, шунингдек ижтимоий-иқтисодий, маъмурий ва ҳарбий атамалар ҳақида кенг маълумот беради.

Китоб институт, университетларнинг муаллимлари, талабалари ва ўзбек халқининг тарихи билан қизиққан барча китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ҳамид Зиёев

Тақризчилар:

Тарих фанлари доктори, профессор **Ғ. Аҳмаджонов** ва тарих фанлари номзоди, доцент **Н. Норқулов**

СУЗБОШИ УРНИДА

Биз ўзбеклар ҳам, куррайи заминдаги бошқа халқлар каби, қадимий халқимиз, кўп асрлик тарихга эгамиз. Хоразм ва Сурхон воҳасидан, Самарқанд билан Бухородан, Шош ва Илоқ воҳасидан, Фарғона, Қува ва Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимидан кейинги 30 йил ичида топилган археологик ва антропологик ашёлар (меҳнат ва уруш қуролилари, уй-рўзгор ва зеб-зийнат буюмлари), улкан ва ҳашаматли қасрлар, қўрғонлар, масжиду мадрасалар, сув иншоотларининг қолдиқлари ва, ниҳоят, отабобларимизнинг ақлу заковати билан яратилган минг йилдан ортиқ тарихимизни ўз ичига олган қўлёзма китоблар бунга далил-исботдир.

Лекин, бахтга қарши, биз юртимиз ва аждодларимиз тарихини яхши билмаймиз. Чунки биз уни яхши ўрганмадик. Тўғриси, кўҳна юртимиз устидан 135 йил ҳукм юргизиб келган мустамлакачилар бунга йўл беришмади.

Мапа, уч-тўрт йил бўлдики, яратганга шукр, бизларнинг ҳам кўксимизга озодлик ва мустақиллик шабадаси тегди. Бизни 1917 йилдан бери беармон талаб ва таҳқирлаб келган «қизил империя» чилпарчин бўлди. Ўзбекистон ҳам, бошқа қардош эл-юртлар қатори, мустақиллик ва истиқлол йўлига чиқиб олди. Эндиликда «биз ҳам қадимий ўлкамиз, кўҳна ва бой тарихга эгамиз», деб барала гапириш имкониятига, ўз тарихимизни ўрганиш ва ёзиш ҳуқуқига эга бўлдик.

Қўлингиздаги ушбу қўлланма муаллифнинг қарийб 35 йиллик илмий фаолиятининг айрим самараси бўлиб, Урта Осиё, хусусан Ўзбекистон халқлари тарихининг ҳали яхши ўрганилмаган ва унинг «оқ» ва «қора» доғли тарафларини очиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган қирқдан ортиқ катта-кичик мақолаларни ўз ичига олади ва Урта Осиё халқлари тарихини ўқитиш ва ўрганиш ишига яқиндан ёрдам беради.

Мазкур қўлланма уч қисмдан иборат. Унинг биринчи қисмида Урта Осиё ва Ўзбекистон халқлари тарихининг яхши ўрганилмаган, баъзи ҳолларда нотўғри талқин этилган масалаларига бағишланган мақолалар (кўчманчи ўзбеклар давлати,

феодал жамиятда мусулмон руҳонийларининг тутган ўрни ва роли, сўнги темурийлар, шаҳарлар тарихи ҳақида янги маълумотлар, Чигатой улусининг ижтимоий-сиёсий тарихи, ўзбек халқининг келиб чиқиши ва ҳ. к.), фанимиз ифтихорлари: Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Хондамир кабиларининг ҳаёти ва илмий фаолиятига оид мақолалар берилган.


Мазкур қўлланманинг «Қадимги қўлёзмаларни варақлаганда» деб номланган иккинчи қисмида умуман тарихни ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланган ноёб ва ҳали кам ўрганилган қўлёзма китоблар («Темур тузуклари», Клавиҳонинг «Кундалиги», Мирзо Улуғбекнинг «Тарих-и арбаъ улуси», «Чингизнома», «Тарихи Абулхайрхоний», Бадриддин Кашмирийнинг «Равзат ар-ризвон» асари, Абулғозихон ва унинг «Шажарайи турк» китоби ва ҳ. к.) таҳлил қилинади, бу асарларнинг тарих учун муҳим тарафлари кўрсатиб берилади.

Қўлланманинг учинчи қисми «Сиймолар, сулолалар, атамалар» деб номланади. Унда тарихда из қолдирган шахслар (Баҳром Чубин, Темур Малик, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Хондамир, Абулфазл Алломий ва бошқа тарихшунос олимларнинг ҳаёти ва фаолияти), сулолалар ва давлатлар (Араб халифалиги, Мўғул империяси, Олтин Ўрда, Оқ Ўрда, Темурийлар, Темурийлар давлати, Бобурийлар давлати, Бухоро хонлиги ва ҳ. к.), муҳим воқеалар (мўғуллар истилоси, Анқара жанги), шунингдек бир қатор ижтимоий-иқтисодий атамалар (иқтоъ, баримта) ҳақида қисқа, лекин муҳим маълумотлар келтирилади. Фикримизча, қўлланмага киритилган мақолалар, уларда келтирилган фактик материал Ўрта Осиё ва Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганишда зарур қўмакчи манба бўлиб хизмат қилади.

Муаллиф мазкур тўпلامни тайёрлашда қимматли маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам берган барча дўстларга, хусусан тарих фанлари докторлари, профессорлар Ҳ. З. Зиёев ва Ғ. А. Аҳмаджоновларга, тарих фанлари номзодлари Н. Норкулов ва А. Зиёевларга, шунингдек амалий ёрдамини аямаган Улайсун Мирисмоиловага ўзининг чексиз миннатдорчилигини изҳор қилади.

Албатта, ҳар қандай асар бенуқсон бўлмайди. Бундан фақат Қуръони Карим билан муқаддас Ҳадис китоблари мустасно, холос. Шундай бўлгач, мазкур қўлланма ҳам баъзи жузъий камчиқлардан холи бўлмаса керак, деб ўйлаймиз. Мутахассислар ва ҳурматли китобхонларнинг мазкур қўлланма хусусида билдирган фикрлари ва мулоҳазалари китобнинг иккинчи нашрини тайёрлашда муаллифга беқиёс ёрдам бериши мумкин.

Муаллиф.



I. ОЛИС АСРЛАР САДОСИ

АКАДЕМИК В. В. БАРТОЛЬД ТОШКЕНТДА

Академик Василий Владимирович Бартольд (1869—1930) Туркистоннинг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихи, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид «Мўғуллар истилоси даврида Туркистон» (1900), «Орол денгизи ва Амударёнинг қуйи оқи-мидаги ерларнинг қадим замонлардан то XVII асргача бўлган аҳволи ҳақида маълумотлар» (1902), «Туркистонни суғориш тарихида» (1914), «Улуғбек ва унинг даври» (1918), «Ўрта Осиёда қадимдан то руслар келганига қадар ўтган даврда пахтачилик» (1924), «Туркистоннинг маданий ҳаёти» (1927) каби ўнлаб зўр илмий ва амалий қимматга эга бўлган асарлар ёзиб қолдирган улкан шарқшунос олимдир. Шунини айтиш кифояки, олим чоп эттирган 685 асарнинг қарийб ярми, аниқ қилиб айтганда бўлса 320 нафари, Туркистоннинг тарихи, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти таҳлиliga бағишланган. Бундан ташқари, В. В. Бартольд республикамизда, хусусан унинг пойтахти Тошкентда илмий, илмий-педагогик ва ўлкашунослик муассасаларини таъсис этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшди.

В. В. Бартольд ҳаёти ва илмий фаолиятининг катта бир даври Туркистон, хусусан Ўзбекистон ва Тошкент билан боғлиқ. У фақат 1893—1928 йиллар орасида Тошкентга етти марта келиб кетди ва унинг ҳар бир сафари катта, кўп ҳолларда ечимини кутиб ётган илмий ва илмий-ташкилий масалалар билан боғлиқ эди.

Олим Тошкентда дастлаб 1893—1894 йилларда, яъни ўзининг Туркистонга қилган биринчи илмий сафари вақтида бўлди. В. В. Бартольд ўлкага ўшанда Россия Фанлар академияси ва Санкт-Петербург университети шарқ тиллари факультетининг йўлланмаси билан келган эди. Ушбу сафardan кузатил-

ган мақсад, олимнинг ўз сўзлари билан айтадиган бўлсак, «Ул-канинг ўтмиш тарихига оид мавжуд ёзма ахборотларга қўшим-ча тарзда ўша ерларда қадимда истиқомат қилган одамларнинг қолдиқлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва имкони борича қадимий шаҳарлар ва қалъаларнинг қолдиқларини тавсиф этиш»дан иборат бўлган. Бошқа сўз билан айтганда, қадим замонларда туркий халқларнинг Ўрхун-Енисей бўйлари ва Слтойдан Чу ва Ила водийлари орқали Ўрта Осиё билан боғланганликларини текширишга алоқадор эди.

Ушанда В. В. Бартольд ва унинг ҳамроҳи этнограф С. М. Дудин (1863—1929) Тошкентга ўша йил (1893) нинг ёзида етиб келдилар ва бу ерда бир неча кун дам олганларидан кейин, Авлиё Отага (ҳозирги Жамбулга) жўнаб кетдилар. Улар ўша йили Сайрам, Чимкент, Авлиё Ота ва уларнинг теварак-атрофидаги диққатга сазовор жойларни, шунингдек, Талос водийсини кўздан кечириб улгурдилар, холос. Йўлда юз берган бахтсиз ҳодиса (Василий Владимирович отдан йиқилиб оёғини синдириб олди ва бунинг оқибатида бир умрга оқсоқ бўлиб қолди) натижасида илмий экспедиция ўз ишини вақтинча тўхтатишга мажбур бўлди. Жароҳатланган Бартольд дастлаб Авлиё Отага, у ердан Тошкентга олиб келинди ва ҳарбий госпиталга ётқизилди. Шундай бўлса-да, касал бўлишига қарамай, олим бу ерда ўлкашунослик ишларининг умумий аҳволи билан қизиқди ва унинг умумий аҳволи билан танишишга муваффақ бўлди.

Тўғри, Бартольд келаси йили, яъни 1894 йили экспедиция ишларини давом эттирди ва Талос ҳамда Чу водийлари, Норин дарёси ва Иссиққўлнинг теварак-атрофидаги осору атиқаларни бориб кўрди. Лекин, нима бўлганда ҳам, унинг 1893—1894 йилларда, хусусан Тошкентда олиб борган илмий ва илмий-ташқилий ишлари алоҳида ўрин тутди. В. В. Бартольд Туркистонда биринчи илмий-ўлкашунослик тўғараги — «Туркистонлик ҳаваскор археологларнинг тўғараги»ни таъсис этишда фаол иштирок этди. Бу илмий тўғарак 1895 йилнинг 11 декабридан ўз фаолиятини бошлаб, 1917 йилга қадар ишлаб турди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, В. В. Бартольд бу ва бошқа тўғаракларнинг ишига, умуман илмий ишга маҳаллий кадрларни жалб этиш, уларнинг билим ва тажрибаларидан фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор берди. Масалан, «Табиат, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамияти Туркистон бўлими»нинг 1893 йил 11 декабрь куни бўлиб ўтган йиғилишида Бартольд Туркистонда археологик тадқиқотларнинг умумий аҳволи ва оан олдида турган вазифалар ҳақида қилган маърузасида ўлкада илм-фанни ривожлантириш учун Тошкентда янги илмий жамият тузиш, унга маҳаллий билимдонларни ҳам жалб қилиш ўта зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. «Ўлка тарихини ўрганиш,— деб якулади у маърузасини,— олдинда турибди ва су ишда асосий ролни маҳаллий билимдонлар ўйнайдилар. Уй-лайманки, бу ерда ўлтирганлар менинг бу фикримга қўшилади-лар».

1893—1894 йилларда В. В. Бартольд «Туркестанские ведомости» ва «Окраина» газеталари билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилди. Анигини айтганда, у ўша «Окраина» газетасининг муҳаррирларидан бири эди. Олим мазкур газета саҳифаларида ўзининг бир қатор муҳим илмий мақолаларини эълон қилди. «Тошкентда илмий жамият» («Окраина», 1894, 16-сон), «Туркистонда археологик тадқиқотлар масаласига доир» («Туркестанские ведомости», 1893, 99-сон), «Христианлар қишлоғи Вазгерд хусусида» (Туркестанские ведомости, 1894, 21-сон), «Туркистонда илм-фаннинг умумий аҳволи» («Окраина», 1894, 52-сон) шулар жумласидандир. Кўриб турибсизки, В. В. Бартольднинг ҳатто газеталарда кенг ўқувчилар оммаси учун ёзган мақолалари ҳам илм-фан муаммоларига бағишланган экан.

1902 йилда В. В. Бартольд яна Тошкентга келди. Ўзининг сўзларига қараганда, бу сафар у Санкт-Петербург университетини шарқ тиллари факультетининг топшириғига биноан келган. Факультет раҳбарияти олимнинг олдига «маҳаллий билимдон одамлар билан илмий алоқа боғлаш, бу алоқаларни кенгайтириш, Туркистон ўлкасида жамоат муассасалари ҳамда шахсий одамлар қўлида бўлган қўлёзма асарлар, шунингдек, вилоят бошқармаларида сақланиб турган вақфномалар билан танишиш» вазифасини қўйган. Бундан ташқари, В. В. Бартольд Туркистонда Осиё музейи (ҳозир Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлими)нинг ўша йиллардаги директори академик К. Г. Залеман (1894—1916) нинг илтимосига кўра музей кутубхонаси учун қўлёзма асарлар сотиб олиш билан ҳам машғул бўлди.

В. В. Бартольд 1902 йилдаги сафари вақтида, Тошкентдан ташқари, Ашхобод, Самарқанд, Қўқон, Марғилон, Андижон ва Ушда ҳам бўлиб, бу шаҳарларда сақланаётган ва илм-фаннинг бир талай соҳалари (тарих, жўрофия, адабиёт, илоҳиёт, тасаввуф, фалакнёт ва ҳ. к.) га оид кўпгина қўлёзма асарларни диққат эътибор билан кўздан кечирди. Масалан, Тошкентда у бир қанча жамоат муассасалари ва шахсий одамларга тегишли кутубхоналар билан танишини шарафига муваффақ бўлди. Туркистон халқ кутубхонаси (1870 йилда таъсис этилган, ҳозирги Алишер Навоий номидаги Халқ кутубхонаси) да тўпланган махсус қўлёзма асарлар коллекцияси билан яқиндан танишди. Уша пайтда бу коллекция 281 жилдан иборат эди, холос. Бартольд ўзининг илмий ҳисоботида шу асарлардан иккитасига: Ғиёсиддин Алшининг жаҳонгир Амир Темурнинг 1398—1399 йилларда Ҳиндистонга уюштирган босқинчилик юриши тарихини ўз ичига олган «Рўзнома-йи ғазавот-и Ҳиндистон» (1399—1403 йиллар орасида ёзилган) ҳамда хоразмлик муаррих Утамиш ҳожи қўлёзма мансуб бўлган «Чингизнома» асари (XVI аср бошида битилган) га алоҳида тўхталиб ўтган.

Олим ўша йили тошкентлик бир неча китобсеварлар: генерал Жўрабек (1840—1906), Муҳиддин қози, Саид Боқихон қози.

тужжор Мирза Абдулла Исамухаммедов, шунингдек ўша пайтда Нискентда истиқомат қилиб турган кошгарлик Бекқулибекнинг шахсий кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма асарларни ҳам бориб кўрди. В. В. Бартольд танишган кутубхоналар орасида айниқса генерал Жўрабек Қаландарбек ўғлининг (у 1876 йилда Санкт-Петербургда бўлган шарқшуносларнинг халқаро конгрессида иштирок этган) шахсий кутубхонаси бойлиги билан бошқалардан тамоман ажралиб турарди. Генерал Жўрабекнинг кутубхонасида Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таворих» («Солномалар мажмуаси»), Шамсуддин Муҳаммад Шаҳридузийнинг «Тарих-и ҳукамо» («Донишмандларнинг таржиман ҳоли») китоби, XVII асрда ўтган ўрта осийлик қомусий олим Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор» («Сирлар денгизи») каби ўта қимматли асарлар бор эди. Шунинг учун ҳам генерал Жўрабекнинг коллекцияси Тошкентдан қайтганидан кейин ҳам академик Бартольднинг диққат-эътиборини ўзига жалб этди.

Маълумки, генерал Жўрабек 1906 йилда ўзининг Қорасув ёнидаги (Тошкентнинг жануби-шарқ тарафида жойлашган хушхаво манзил) дала ҳовлисида номаълум шахслар тарафидан ўлдириб кетилди. В. В. Бартольд бу қонли фожиадан хабар топиши ҳамано, машҳур шарқшунос ва ўлкашунос олим Н. Ф. Петровский (1837—1908) ва Туркистон генерал-губернаторлиги Бош бошқармасида хизмат қилиб турган яна бир шарқшунос олим А. А. Семёнов (1873—1958) ларга хат ёзиб, генерал Жўрабек кутубхонасининг тақдири ҳақида хавотирланаётганлигини маълум қилди. «А. А. Семёнов, — деб ёзади В. В. Бартольд 1911 йилнинг сентябрида ёзган бир мактубида, — [Жўрабекнинг] қўлёзмалари унинг Қорасув бўйидаги ҳовлисида Тошкентга олиб келинганлиги ва махсус китоб жавонида сақланаётганлигини лутфан маълум қилди». Лекин, афсуски, Тошкентга Жўрабекка тегишли китобларнинг фақат бир қисми (33 та асар) олиб келинган, холос. Китобларнинг қолган қисми эса марҳумнинг ўлимидан кўп вақт ўтмай ўғирлаб кетилган эди.

В. В. Бартольд бу сафар ҳам Туркистоннинг бошқа шаҳарларида бўлиб, ўша жойларда меҳнат қилаётган ўлкашунослар ва мавжуд илмий тўғарақларнинг иш фаолияти билан қизиқди, уларнинг йиғилишларида иштирок этди.

У «Туркистонлик ҳаваскор археологлар тўғараги»нинг 1902 йил 16 августда бўлиб ўтган йиғилишида ўзининг мазкур йилда Туркистонга қилган сафари ва унинг натижалари ҳақида ахборот берди. Олимнинг ушбу ахбороти «Туркестанские ведомости» газетасининг 1902 йилги 66-сонида чоп этилган. Уша йили унинг Туркистон халқ кутубхонасининг ишини, айниқса қўлёзмалар фондининг аҳволини яхшилаш масалаларига бағишланган «Туркистон халқ кутубхонаси ҳақида бир-икки ориз сўз» («Туркестанские ведомости», 1902, 54-сон) деган мақоласи ҳам ёсилиб чиқди. Бундан ташқари, В. В. Бартольд ўша йили яна бир неча илмий мақолалар: «Уйғур тилидаги бир ҳужжат ҳақида» («Протоколи Туркестанского кружка любителей архео-

логий», 1902, 7-сон, 34—36 бетлар), «Ҳаким Отанинг ватани масалаларига доир» («Туркестанские ведомости», 1902, 17-сон), «Уш» («Русский Туркестан», 1902, 189-сон) билан ҳам қатнашди.

Туркистон халқ кутубхонаси, унинг қошидаги музейнинг умумий аҳволи, уни яхшилаш чоралари В. В. Бартольднинг 1916 йил ёзида қилган Туркистон сафарининг ҳам диққат марказида бўлди. Ушанда олим ўзининг якуний ҳисоботида: «Туркистон халқ кутубхонаси ва музейнинг аҳволи ниҳоятда аянчли... Уни қайтадан ташкил этиш жуда зарур», деб ёзган эди. В. В. Бартольд ўша йили Тошкентда эълон қилган яна бир мақоласида Туркистон халқ кутубхонаси ва музей ишларини тартибга келтиришнинг аниқ чора-тадбирларини кўрсатиб берди.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, узоқ ўтмишдан қолган ёдгорликларни тўплаш, авайлаб сақлаш ва қунт билан ўрганиш масаласи ҳам олимнинг ҳамма вақт диққат марказида турар эди. У ўша 1916 йилда «Туркистонлик ҳаваскор археологлар тўғараги» ҳамда «Рус жўрофия жамиятининг Туркистон бўлими» кенгашларида қилган маърузаларида Туркистондаги узоқ ўтмишдан қолган ёдгорликларни ҳисобга олиш ва уларни авайлаб асраш жуда ҳам зарур эканлигини қайта-қайта таъкидлади.

1916 йили олим Тошкентдан бошқа Қўқон, Самарқанд, Бухоро ва Чоржўй шаҳарларида ҳам бўлди ва қадимий маданият ёдгорликлари, шунингдек шахсий коллекционерлар билан ҳам яқиндан танишди. Чунки Туркистон тарихига оид қадимий қўлёзма асарларни аниқлаш ва ўрганиш олимнинг ҳар бир сафардан кузатган асосий мақсади эди. Масалан, Тошкентда бўлган кезлари А. А. Семёнов, Боқижонбой ва бошқаларнинг шахсий кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма асарларни бирмабир кўриб чиқди. Ушанда В. В. Бартольд Боқижонбойнинг кутубхонасида сақланаётган Шарқий Туркистоннинг XV—XVI асрлардаги ижтимоий-сиёсий тарихдан ҳикоя қилувчи Шоҳ Маҳмуд Чурос қаламига мансуб бўлган «Тарих» номли қимматли асарга алоҳида эътибор берди.

В. В. Бартольд Октябрь «инқилоби»дан кейин ҳам Туркистонга келиб кетди. Олим жуда қисқа вақт ичида, яъни 1920—1928 йиллар орасида Тошкентда уч марта бўлди.

Олимнинг 1920 йил август-декабрь ойларидаги Туркистон сафари (Россия Фанлар академиясининг йўлланмаси билан) олдинга қўйилган вазифаларнинг мураккаблиги ва долзарблиги билан унинг бошқа сафарлари ичида алоҳида ўрин тутди. Василий Владимирович бу сафар ҳам Туркистон халқ кутубхонасининг иши билан бевосита танишиб, унинг фаолиятини янада яхшилашга ёрдам бериши, жамоат ташкилотлари ҳамда айрим шахслар қўлида сақланаётган қўлёзма асарлар, шунингдек тарихий обидаларни кўздан кечириб чиқиши, уларни сақлаш хусусида олимлар ва кутубхона ходимларига тавсиялар бериши керак эди. Олим бу ишларни ҳам ўзига хос қунт ва эътибор билан амалга оширди. Бундан ташқари, у 1920 йили Тош-

контда таъсис этилган Туркистон университетининг илмий ташкилий ишларига ҳам қатнашди. Университет ҳузурида Шарқ тарихи кафедрасини ташкил қилиш ва уни малакали кадрлар билан таъминлаш ишининг тепасида турди, тарих-филология факультетида Туркистоннинг қадимги ва ўрта асрлар тарихидан (милоддан аввалги IV асрдан то милоднинг XIX асригача бўлган тарихи бўйича) дарс берди, аспирант ва талабаларнинг илмий мунозараларида иштирок этди.

Таъбир жоиз бўлса шуни алоҳида таъкид этиб ўтиш керакки, академик В. В. Бартольд Туркистонда университет ташкил қилиш ишига ҳамма вақт зўр эътибор бериб келган илғор фикрли рус олимлари жумласидан эди. Масалан, 1917 йилнинг кунда Тошкентда университет очиш масаласи ўртага қўйилганда Санкт-Петербург олимлари бу олижаноб ташаббусни жондиди билан қўллаб-қувватладилар. Ушанда бу катта ишга яқиндан ёрдам бериш учун махсус комиссия ҳам таъсис қилдилар. Бу комиссияга Санкт-Петербург университетининг профессорлари, йирик шарқшунос олимлар Н. И. Веселовский, С. Ф. Ольденбург, Н. Я. Марр ҳамда В. В. Бартольд қўшилдилар. Мазкур комиссия Туркистон университетининг лойиҳасини ишлаб чиқишда фаол иштирок этди. Хусусан, академик Бартольд мазкур университет тарих-филология факультетининг лойиҳасини ҳозирлади, факультетда ўқитилиши лозим бўлган фанларни аниқлаб берди.

Уша йили, яъни 1920 йили В. В. Бартольд Туркистон Шарқ институтида (1918 йил охирида таъсис этилган) ислом маданияти тарихидан дарс ўқиди, мазкур институтнинг илмий-педагогик ишлари билан қизиқди, институт раҳбариятига ўқув-тарбия ишларини яхшилаш хусусида фойдали маслаҳатлар берди.

Мазкур сафар чоғида академик В. В. Бартольд яна бир муҳим илмий экспедицияда — Бухоро амирлиги М. В. Фрунзе бошчилигида Русиянинг «қизил» қўшини тарафидан ағдарилгандан кўп вақт ўтмай, 1920 йил сентябрь ойининг охирида Туркистон Марказий архив бошқармаси тарафидан ташкил этилган экспедицияда ҳам иштирок этди. Ушбу экспедиция олдида Бухородаги тарихий обидалар, шунингдек, қувғин остига олинган амир Олимхон (1910—1920) ва йирик мансаб эгалари (масалан, қушбеги) дан қолган қўлёзма асарлар ва архивни ҳисобга олиш ва сақлаш ишларини ташкил қилиш вазифаси қўйилган эди. Ана шунда, олимнинг сўзларига қараганда, 380 нафар қимматли қўлёзма талон-торождан асраб қолинди.

Академик В. В. Бартольд кексайиб қолганлиги ва саломатлиги яхши эмаслигига қарамай, ҳамиша ва ҳамма вақт Туркистон ва Тошкентга интиларди. Лекин айрим сабабларга кўра, 1925 йилга қадар бунга имкони бўлмади. Ниҳоят, 1925 йилнинг март ойида Қадимий ёдгорликлар, санъат ва табиатни ўрганиш Урта Осиё қўмитаси (Средазкомстарис) нинг таклифи билан олим яна Туркистонга отланди. «Агар шу йили ҳам Тошкентга бера олмайдиган бўлсам,— деб ёзган эди ўшанда у,— бу ме-

нинг учун афсусу надомат бўлур эди». В. В. Бартольд қадимдан қолган обидаларнинг сақланиши ва бунинг борасида Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабзда олиб борилаётган ишларнинг кўлами билан яқиндан танишди, юқорида тилга олинган қўмитанинг мажлисларида иштирок этди. Шунинг билан бирга, олим бўш пайтларида, Тошкентда ҳам, бошқа шаҳарларда бўлганида ҳам, жамоат ва шахсий одамларнинг кутубхоналарида бўлган қўлёзма асарлар билан танишишда давом этди, янги топилган тарихий асарлар ҳақида ўзининг фикр-мулоҳазаларини билдирди.

В. В. Бартольд ўзининг Туркистонга қилган сўнгги сафари (1927—1928 йил) вақтида Туркистон университетида, Қозоқ олий педагогика институтида ва бошқа илмий-текшириш муассасаларида Туркистоннинг мўғуллар истилосидан то XIX асригача бўлган тарихи, Урта Осиёнинг туркий халқлари, уларнинг келиб чиқиши ва тарихи ҳақида дарс ўқиди. Қадимий ёдгорликлар, санъат ва табиатни ўрганиш Урта Осиё қўмитаси ва ўлкашунослик жамиятларининг ишлари билан танишди.

Олим ёшлигидан касалманд (унинг буйраги хаста эди) бўлган. Шунга қарамай, у илм-фан жаҳҳасида баракали меҳнат қилди ва ўзидан улкан илмий мерос қолдирди. Унинг асарлари, хоҳ ҳажм жиҳатдан катта бўлмасин, хоҳ кичик, ўзининг бой фактик материалга асосланганлиги, илмий жиҳатдан пухталиги ва юксак илмий савияси билан ажралиб туради. Лекин, шунга қарамай, манманлик каби ёмон хислатлар унга ёт эди. У ҳамма вақт ўзини камтарона тутарди, тез ва шошилиб меҳнат қиларди. Буни биз олимнинг 1891 йил куз кунларидан бирида устози В. Р. Розенга (1849—1908) ёзган мактубида яққол кўра-миз. У, хусусан, бундай деб ёзган эди: «Саломатлигим ҳозирча ўртача, лекин барибир, бир қарашдаёқ беморга ўхшайман. Уйлашимча, кўп умр кўрмасам керак. Шу сабабдан... Умримнинг қолган қисмида... гарчанд асарларим талабалик чоғида ёзилган ишларга ўхшаш шунчаки материал бўлса-да, кўпроқ иш қилишга ҳаракат қилишим керак».

Дарҳақиқат, у кўп умр кўрмади, бор-йўғи 61 йил яшади, холос. Лекин фактик материалга бой, илмий жиҳатдан пухта асарлар яратдики, ҳар бир шарқшунос, тарихчи, жўғроф, филолог ундан баҳраманд бўлиб келмоқда, В. В. Бартольдни эса ўзига устоз деб ҳисобламоқдалар.

В. В. Бартольднинг Тошкент ва Ўзбекистоннинг узоқ ўтмиши тарихи устида қилган меҳнати нақадар катталигини ҳис қилиб, ундан ҳамиша миннатдор бўлиб яшаймиз.

АТОҚЛИ ШАРҚШУНОС ОЛИМ

(А. К. Арендснинг тугилган кунига 100 йил тўлиши муносабати билан)

1993 йилнинг 16 октябрида тарих фанлари доктори, профессора, кўпгина ўзбек шарқшуносларининг устози Альфред Карлович Арендснинг таваллудига юз йил тўлади.

Жумҳуриятимиз ва жаҳон шарқшунослари А. К. Арендснинг маданий меросимизнинг толмас тадқиқотчиси сифатида жуда яхши биладилар. Унинг илмий изланишлари кўламини кенг эди. У ўз сиймосида истеъдодли тилшунос олим, Ўрта Осиё ва қўшни Шарқ мамлакатлари тарихчиси, истеъдодли манбашунос, тарихшунос ва ўнлаб ёш мутахассисларни етиштирган ажойиб устоз ва мураббийлик хислатларини ўзида уйғунлаштирган одам эди.

Альфред Карлович Арендс фан майдонига асримизнинг 20-йилларида кириб келди. У Санкт-Петербург Шарқ тиллари институти аспиранти эканлигидаёқ форсча илмий-техникавий истилоҳлар масаласи устида илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Унга профессор А. А. Ромаскевич (1895—1942) ва Ю. Н. Марр (1897—1935) раҳбарлик қилдилар. Альфред Карлович нинки йил давомида форс тилида бўлган техникавий фанларни ўрганиб чиқди. Шу изланишлар натижаси ўлароқ мазмунли ва қимматли ҳозирги замон форс тили лексикаси бўйича зўр илмий қимматга эга бўлган китоб юзага келди. Бу 1928 йилда Ленинградда чоп бўлган «Форсча-русча физикавий истилоҳлар луғати» эди. Китоб академик С. Ф. Ольденбург (1863—1934) таҳририда нашрдан чиқди. Профессор Ю. Н. Марр ўз дарсларида Альфред Карлович Арендснинг бу китобига юксак баҳо бериб, унинг биринчи жаҳон урушигача Эронда бошланғич ва ўрта таълимнинг аҳволига доир жойларидан намуналар ўқиб берарди. Олим форс тили луғатшунослигидан ўз билимини чуқурлаштира бориб, бу борадаги буржуазия фани ғояларини танқид қилади. Шу муносабат билан унинг 1932 йил июнида Тил ва тафаккур институтида «Форс тили илмий-техникавий луғатининг ижтимоий омиллари ва шаклланиш йўриқлари» мавзусида қилган маърузаси эътиборга лойиқдир. Альфред Карловичнинг тамомлашмай қолган ва ҳозирда дастхати Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган «Форс илмий луғатшунослигини тадқиқ этишдаги сўз ясалиши» деган монографияси ва «Ҳофиз-и Убаҳийнинг тожикча-форсча изоҳли луғати» асари ҳам лингвистика фанининг мазкур соҳасига тааллуқлидир («Труды института востоковедения АН Узбекской ССР», вып. III, Тошкент, 1954, 83—106-бетлар). Унинг «Ҳофиз-и Убаҳийнинг тожикча-форсча изоҳли луғати» асари XV—XVI асрлар форс тили луғатшунослиги масалаларига тегишли бўлиб, толмас тадқиқотчининг илмий ҳофизаси нақадар кенг бўлганлигидан далолат беради. Альфред Карлович

бу китобида ўрта аср форс луғатшунослиги хусусиятларини кўрсатиш билан бир қаторда луғатнинг XI асрга доир энг қадимги изоҳли луғатлардан Асадий Тусийнинг «Китоби луғати фурс» («Форсларнинг луғат китоби») билан ирсий алоқадорлигини таъкидлайди.

Альфред Карловичнинг эрон филологияси тараққиётига қўшган ҳиссаси у яратган наҳв (синтаксис) китоби бўлди. «Ҳозирги замон форс адабий тили наҳви» («Синтаксис современного литературного персидского языка») дарслиги 1941 йилда чоп этилди. Китоб эроншуносларнинг завол билмас мулкига айланди ва бу соҳадаги дастлабки илмий тадқиқот бўлди. У олий ўқув юрларида ягона ўқув қўлланма бўлиб қолди ва умуман зўр эътибор қозонди.

Олим фақат Эрон тилларигагина эътибор бермасдан, бу мамлакат феодаллари, инглиз империалистлари ва чор Русияси зулми остида эзилаётган меҳнат аҳли ҳаётини ҳам ўрганди. Санкт-Петербург Шарқ институтида Эроннинг халқ ҳўжалиги фани бўйича ўтадиган дарслари учун қўлланма тарзида нашр қилинган «The English-Persian Oil» («Инглизча-форсча нефть атамалари», Ленинград, 1929), «Эроннинг Русия ва Ғарбий Оврупо билан XIX аср ўрталаригача олиб борган савдо муносабатлари» (Ленинград, 1934) асарларида, «Консуллик ҳисоботлари тўплами. Жанубий Эрон» китобининг танқидий таҳлили» («Библиография Востока», НКВД, 1933, 2-сон) мақола-сида олим Эрон халқи бойлигини аёвсиз талаётган империалистик давлатларнинг кирдикорларини ўзига хос принципиаллик билан фош қилади.

Альфред Карлович Эрон халқи ижтимоий ҳаётининг яна бир соҳаси — биринчи жаҳон уруши арафасидаги мактаб таълими аҳволи билан ҳам қизиқди (А. К. Арендс. Школьное образования в современном Иране. «Восточные записки», Ленинград, 1929, 2-сон). Эрон манбаларидан олинган бой маълумотлардан фойдаланиб, олим мамлакатдаги мактаб таълимининг ёрқин манзарасини ёритиб бера олди.

Альфред Карлович Арендснинг тарихшунослик ва манбашунослик соҳасидаги хизматлари ҳам улкандир. Ҳозирги замон илм-фани учун муҳим бўлган қўлзма манбаларни илмий муомалага киритиш хусусида жидду жаҳд кўргизди. У 30-йилларда Ҳасанбек Румлунинг туркманлар тарихи учун муҳим манба бўлган «Аҳсан ут-таворих» (XV—XVI асрлар), XIX аср туркманлар ва Туркменистон тарихига доир афғон солномаси «Сирож ут-таворих» асарларидан парчаларни форс тилидан рус тилига таржима қилди («Материалы по истории туркмен и Туркмении». II жилд, М. — Л., 1938, 52—65-бетлар). 1940 йилга келиб у Низомий Ганжавий (1147—1209)нинг «Иқболнома» дostonини форс тилидан русчага таржима қилиб тугатди. Таржима буюк Озарбайжон шоири таваллудининг 800 йиллиги юбилей комиссияси топшириғи билан амалга оширилган эди. Шу даврга келиб Альфред Карлович бошқа бир илмий ишини

ҳам охирига отказди. Урта Осиё. Кавказ орти ва Эрон халқлари тарихи ва доир Фазлуллоҳ Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таворих» асарининг катта қисмини (III жилдини) русчага таржима қилди. Мазкур таржима 1946 йилда Санкт-Петербургда нашр этилди. Нашр ва таржима жараёнининг оғирлигини айтиб ўтирмасам ҳам бўлади, фақат жонли ва классик тилли мукамал билган, манбада акс этган давр тарихини яхши ўрганган кишигина бундай машаққатли ишнинг уддасидан чиқа оларди. Альфред Карлович Арендс, шубҳасиз, шундай хислатлар соҳиби эди. Асл нусханинг ҳар бир сўзини диққат ва эътибор билан, ёдгорликлар тарихини ва у яратилган даврни ўрганишдаги саъй-ҳаракатлар, тинимсиз меҳнат туфайли тарих фани рус тилида ажойиб далил-ҳужжатларга эга бўлди. Яна шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш керакки, Альфред Карловичнинг таржималари унинг юксак таржима санъати соҳиби бўлганлигидан далолатдир.

Тарихшунослик ва XI аср бадий насрининг ажойиб ёдгорлиги ҳисобланган Абулфазл Байҳақий қаламига мансуб бўлган «Тарих-и Масъудий» асарининг таржимаси ва тадқиқоти Альфред Карловичнинг манбашуносликка қўшган беқиёс ҳиссаси бўлди. Мазкур таржима 1962 йилда Тошкентда, 1969 йилда тўлдиришлар ва зарур истилоҳлар билан биргаликда Москвада чоп этилди. Нашр таниқли матншунос ва шарқшуносларнинг олқиши ва эътирофига сазовор бўлди.

Яна «Ганс Гоффмейстер, ҳамроҳи Омарийнинг Эронга саёҳати» асари (қўлёзмаси Санкт-Петербург Шарқшунослик институтида сақланади) таржимаси ҳам эътиборга моликдир. Таржима босилиб чиқмаган, аммо XVII аср Эрон ва Кавказ орти юртлири тарихи бўйича қимматли маълумот беради.

Олим Абу Али ибн Сино (980—1037) ва Абу Райҳон Беруний (973—1048) илмий меросини ўрганиш ишида ҳам муносиб роль ўйнади. Ибн Синонинг «Ал-қонун фи-т-тиб» асарининг чоп этилишига катта ҳисса қўшди. У асар таржимасининг масъул бадий муҳаррири ҳамдир. Альфред Карлович қонун ҳақида қимматли мақолалар ҳам эълон қилди.

Альфред Карлович ўзининг илмий-тадқиқот фаолиятидан ташқари ёш мутахассислар тайёрлашни ҳам ўзининг устозлик бурчи деб билди. Ҳаётининг охирида Альфред Карлович талабанигидаёқ—Санкт-Петербург жонли Шарқ тиллари институтининг учинчи босқичида ўқиб юрган кезларидаёқ бошлаган эди. Институтни битиргач, шу институтда форс тилидан дарс берди, аспирантлар тайёрлади. Доцент Альфред Карлович 1926—1939 йилларда Ленинград Шарқ институти форс бўлимига мудирлик ҳам қилди. Олим 1947 йилдан бошлаб ёш шарқшунослар тайёрлашни Тошкентда давом эттирди. 1947 йилдан 1952 йилгача Эрон филологияси кафедрасига мудир, 1952 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзма манбаларни тадқиқ ва нашр этиш бўлими мудирлиги бўлиб ишлади.

Бундан аввал Урта Осиё Давлат университети (ҳозирги Тошкент университети) да ишлади. Альфред Карлович бу ерда моҳир ўқитувчи ва мураббий сифатида обрў-эътибор топди.

А. К. Арендс ўзбек манбашунослик илмининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган. Жуда кўп манбалар унинг таҳрири ва ёрдами билан чоп этилди. Р. Г. Муқминованинг «Вақфонома» (1967), О. Д. Чеховичнинг «Бухоро хонлигидаги аграр муносабатлар тарихига доир манбалар» (1954), «XIV аср Бухоро манбалари», Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон Исфохонийнинг «Меҳмонномаи Бухоро» асарининг русча нашри (1976), Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор» (1977) каби ўнлаб йирик китоблари шулар жумласидандир.

Санкт-Петербурглик машҳур шарқшунос олим А. Н. Болдиров «Альфред Карлович Арендс эроншунос филологларнинг ноёб мутахассислари сирасига мансуб бўлди, у шу фанга таллуқли билимлар мажмуасини мукамал ўрганган, меҳнатсевар, айниқса замонавий илмий тадқиқот усулларининг соҳибидир», деган эди.

Олим Абу Райҳон Беруний замонага доир бир қатор мақолалар ёзди ва уларни ибн Сино ва Беруний юбилейлари муносабати билан тузилган тўпламларда чоп этди.

Альфред Карлович умрининг охирида Гардизий (XI аср)нинг «Зайн ул-ахбор» асарини форсчадан рус тилига таржима қилиб, унга кириш сўзи ва изоҳлар ёзди, Абу Райҳон Берунийнинг «Хоразм тарихи» асари йўқолган қисмларини тўплаш билан шугулланди, «СССРда Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таворих» нини ўрганиш» деган катта мақоласини инглиз тилида 1970 йилда «Сентрал Азиатик жорнал» 14-жилдида чоп этди.

Азиз устозимизнинг ёрқин сиймоси ҳаминша қалбимизда қолади.

БЕРУНИЙНИНГ УРТА ОСИЁЛИК ЖАВҲАРШУНОС ИЗДОШЛАРИ

(XVI—XVII асрнинг биринчи ярми)

Абу Райҳон Берунийнинг ўрта осийлик жавҳаршунос издошлари унинг «Минералогия» китобида келтирилган ва олдинга сурилган амалий ва назарий хулосаларга таянганлар. Лекин фан тарихи учун аҳамиятлиси шуки, издошлар Беруний ғояларини янги шароитда ривожлантирдилар ва қимматли фактик маълумотлар билан бойитдилар. Уларнинг баъзи бирлари жавоҳиршуносликка алоҳида бир рисола бағишладилар, бошқалари эса унга ўз асарларининг бирон бобини ажратдилар. Масалан, Умар Хайём (1048—1123) жавоҳиршунослик илмига оид «Мизон ул-ҳикма» («Ҳикматлар мезони») деган махсус асар ёзди, ал-Ҳазиний (тахм. 1121—1122 йилларда вафот этган) «Китоб мизон ул-ҳикма», Носириддин Тусий (1201—1274)

«Тансуқнома», Муҳаммад ибн Мансур (XV аср) «Жавоҳирнома» деган муҳим китоб ёзиб қолдирганлар.

Лекин жавоҳиршунослик илмининг XVI—XVIII асрлардаги умумий аҳволи қандай бўлганлиги шу кунларгача номаълум қолиб келди. Беруний «Минералогия»сининг рус тилига таржимони А. М. Беленицкий бундай деб ёзган эди: «Бизни қизиқтирган масала (минералогия—Б.А.) тилга олинган асар XVI асрдан кейин ёзилгани бизга маълум эмас. Лекин XVI аср охири ва XVII аср бошида қимматбаҳо тошларнинг вазни ҳақида маълумотларни ҳиндистонлик муаррих Абулфазл Алломийнинг подшоҳ Акбар империяси тавсифига бағишланган «Ойини Акбарий» китобида учратамиз. Мазкур китобнинг хазиналар аҳволига бағишланган махсус бобида бир қатор қимматбаҳо тошлар ва металлларнинг вазни ва қиймати тавсифланган... Бунинг натижасида Берунийнинг кашфиёти XIX асрдаёқ бутун Оврупога маълум бўлди». Кўришиб турибдики, Абулфазл Алломийнинг зикр этилган китоби маълум амалий мақсадларни кўзлаб ёзилган ва қимматбаҳо тошлар ва металллар билан машғул бўлган мутахассисларга мўлжалланган.

«Ойини Акбарий»га ўхшаш қўлланмалар XVII—XVIII асрларда ҳам ёзилди. Уларнинг кўплари жаҳондаги турли қўлёзмалар фондида сақланиб қолган. Бундай асарлар асосан Ўрта Осиё ва Ҳиндистонда ёзилган. Омонулло исмли олимнинг бобурийлардан Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир (1605—1627) га бағишланган «Миръот ул-жавоҳир» («Жавоҳирлар кўзгуси») асари, ўзбек тилида битилган «Жавоҳир рисоласи» номли муаллифи маълум бўлмаган асар шулар жумласидандир. Хазинадор ва жавоҳиршунослар учун тузилган махсус қўлланмалар ҳам бўлган. Масалан, «Жавоҳир ас-санойи» («Хунармандчиликлар жавоҳири») деган китоб сунъий қимматбаҳо тошларни яратиш ва заргарлик санъатига бағишланган.

XVI—XVII асрларда битилган қўлёзма асарларни ўрганиш пайтида бир неча гео-космографик асарларга ҳам дуч келдик. Бу китобларнинг махсус боблари, айрим ҳолларда бутун бир қисми, жавоҳиршунослик илмига бағишланган. Мана шу асарлардан учтасига тўхталиб ўтамиз.

Булардан бири балхлик муаррих ва жўроф олим Султон Муҳаммад Балхий (1573 йилнинг 13 майида ёки 1574 йилнинг 3 майида вафот топган) қаламига мансуб. Асар «Мажмуъ ал-ғаройиб» («Ғаройиботлар мажмуаси») деб аталади ва Балх хони шайбоний Пирмуҳаммадхон (1546—1566) нинг топшириғи билан ёзилган. Асар кўп нусхада сақланган. Тахминларга қараганда, жаҳон кутубхоналарида асардан 100 нусха сақланиб қолган. Асарда тарихий, жўрофий, шунингдек илми нужум (астрономия) ва жавоҳиршуносликка оид қимматли маълумотлар мавжуд.

«Мажмуъ ал-ғаройиб»нинг ўн тўртинчи боби жавоҳиршунослик масалаларига бағишланган. Унда бир қатор қийматли (ёқут, зумрад, лаъл, фируза, олмос, инжу) ва ўрта қийматга эга (магнотус, хажар жолиб ли-л-матар, яъни ёмғир чақирув-

чи тош, хароз ал-ҳаёт, яъни илон тош) тошларнинг илмий тавсифи берилган. Тавсиф характериға кўра, рисола муаллифи ушбу махсус бобни амалий мақсадни кўзлаб ёзган ва асар муқаддимасида айтилишича, уни «қимматбаҳо тошлар билимдонлари» (жавоҳирий соҳиб иъёр) ва «ҳозирги замон бозорларида қимматбаҳо тошларни баҳоловчилар» (саррофони рўзгор) учун ёзган.

Султон Муҳаммад Балхий келтирган маълумотлар кўп жиҳатдан Абу Ғқуб ал-Қиндий (801—866), Абу Райҳон Беруний (уни ҳожа Абу Райҳон деб атайдим) ҳамда юқорида номи зикр этилган Муҳаммад ибн Мансур асарларига, шунингдек ўзи тўплаган фактик материалга таяниб ёзилган. Бошқа олимларнинг асарларидан олинган маълумотлар асосан қийматли тошлар ҳақидаги айрим ҳикоятлар, баъзан уларнинг турлари ва навлари, шунингдек уларнинг нуқсонларини аниқлаш ва тuzатиш хусусидаги материаллардир. Масалан, Ғазнага Хоразмдан соға тариқасида олиб келинган ёқут сопли пичоқ, шунингдек Султон Маҳмуд Ғазнавий (998—1030) ва унинг ўғли Султон Масъуд (1030—1041) хазинасида сақланаётган қийматли инжулар ҳақидаги ҳикоятлар Абу Райҳон Беруний «Минералогия» сидан олинган. Ёқут сопли пичоқ ҳақидаги маълумот Беруний «Минералогия» сида сақланган, лекин Султон Маҳмуд билан Султон Масъуд хазиналаридаги қийматли инжулар ҳақидаги маълумотлар Беруний «Минералогия»сида йўқ. Лекин, хайриятки, бу ҳақидаги маълумот Султон Муҳаммад Балхийнинг биз юқорида тилга олган «Мажмуъ ал-ғаройиб» китобида сақланиб қолган экан. Биз бу маълумотни келтирамиз: «Ҳожа Абу Райҳондан нақл қилишларига қараганда, Султон Маҳмуднинг хазинасида уч мисқол¹ ва икки доник² вазнидаги ва тажрибали ийёр 100 минг динор³ ҳажмида баҳолаган бир бўлак инжу бўлган. Султон Масъуд хазинасида 50 нафар йирик инжу осилган шода бўлган. Уларнинг ҳар биттасини тажрибали ийёр 20 минг динор қийматга баҳолайдилар».

Қимматбаҳо ва ўрта қийматли тошлар тавсифи худди Муҳаммад ибн Мансур асарида келтирилган тавсифга ўхшаш. Аввал тошларга тавсифнома, сўнг уларнинг турлари ва навлари ҳақида, уларнинг қиймати, конлари, хосиятлари ҳақида маълумотлар келтирилади. Аммо навлари, турлари ва қиймати ҳақида батафсилроқ гапирилади. Масалан, Султон Муҳаммад фирузанинг беш нави, яъни нишопурий, ғазний, илоҳий, кирмоний ва хоразмий нави хусусида маълумот келтиради. Олимнинг фикрича, улардан энг аълоси нишопурийи бўлиб, ўз навбатида унинг етти нави: оби исҳоқий, азҳарий, сулаймоний, зарҳуний, хокий, обдулмажидий ва андалусий навлари бўлган. Бу-

¹ Мисқол — 4,464 гр. га тенг оғирлик ўлчови.

² Доник (донг) — 0,8 гр га тенг оғирлик ўлчови.

³ Динор — ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида муомалада бўлган ва 4,235 гр га тенг олтин пул.

лардан энг аълоси оби исҳоқий ва азҳарий навлари бўлиб, баҳоси бирмушча юқори бўлган. «[Агар фируза] ярим мисқол оғирликда бўлса,— деб ҳикоя қилади Султон Муҳаммад Балхий,— 7 мисқолдан 10 диноргача нархда баҳоланган; бир мисқол оғирликда бўлса, 20—30 динор нархда баҳоланади; бордию оғирлиги икки мисқол бўлса, 50—70 динор баҳоланган; у уч мисқол вазнда бўлса, 100—150 динорга олганлар».

Султон Муҳаммад Балхий фирузанинг даволаш (масалан, кўзни равшан қилади) ҳамда сеҳрли хусусиятларига ҳам тўхтаб ўтади. У, масалан, бундай дейди: «Айтишларича, қадимда олимлар янги Ой туғилган кун одатда фирузага боққанлар. [Шунинг учун] кимдаки фируза бўлса, одамлар наздида ҳурмат-эътибор қозонган ва душмани устидан ғолиб келган. Подшоҳлар кўкламда Қуёш кеча-кундуз баробарлашган пайтда мажлисларига фируза олиб кирганлар ва [мажлис аҳли] навбатманавбат унга боққанлар. Сўнгра уни жаннат ичимлигидай сифатга эга бўлган май қадаҳига ташлаганлар ва ундан бир қултум-бир қултумдан тановвул қилганлар. Бу одатни тож-тахт соҳиблари муқаддас деб билганлар».

Ёқутнинг навлари, хосияти ва нархи хусусида асарда келтирилган яна бир ҳикояни эсга олайлик: «Ёқутнинг,— деб ёзди Султон Муҳаммад Балхий,— олти нави мавжуд: қизил, сариқ, қора, оқ, сабза ранг, тиниқ кўк. Энг аълоси қизил, сўнгра сариқ, зардоли туслиги, ундан кейин сабз рангисини ва қораси. Оқ тусдаги ёқутнинг баҳоси биллур баҳосига тенг... [Ёқутнинг] баҳоси: бир тасуж¹ вазндагиси — уч динор, ярим дониги — 7—10 динор; уч тасуж вазндагиси — 20 динор; бир дониги — эллик динордир. Бир мисқол вазндаги қизил тусли соф ёқутнинг баҳоси 5 минг динор... сариқ тусдагиси эса, агар у сифатли бўлса, у ҳам 5 минг динор баҳоланади...»

Ёқутнинг хосияти шулки, агар уни одам ёнида олиб юрса, вабо ва бошқа ўлатлардан сақлайди. Агар уни оғизда тутилса юракни қувватлантиради, хафақонликни кеткизади, [одам] чанқоқ сезмайди, у доимо шоду хуррам юради».

Жавоҳиршунослик илмига доир яна бир асар Муҳаммад Тоҳир ибн Абулқосимнинг «Ажойиб ат-табақот» («[Ер] табақаларининг ажойиботлари») асаридир. Китоб Балх хони Нодир Муҳаммадхон (1606—1642) нинг топшириғи билан ёзилган. «Ажойиб ат-табақот» ҳам, юқорида зикр этилган Султон Муҳаммаднинг асари сингари, кенг тарқалган, лекин кам ўрганилган. «Ажойиб ат-табақот» кўп жиҳатдан компилятив асар. У Муҳаммад Закария ал-Қазвиний (1203—1283), Ҳамдуллоҳ Қазвиний (1281—1349) ва юқорида тилга олинган Султон Муҳаммад ал-Балхий ва бошқа жўғроф олимларнинг асарларига асосланган. Лекин жавоҳирлар ва металллар (филлизот) ҳақидаги материал рубъи маскун (дунёнинг инсон истиқомат қилиб турган тўртдан бир қисми) да жойлашган мамлакатлар ҳақидаги маъ-

лумотлар билан бирга келтирилган. Масалан, Тошкент ҳақида гапирилган бобда унинг теварак-атрофидаги тоғларда нефть, фируза, темир, кумуш ва олтин конлари борлиги айтилади ва конлар ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади.

Асарнинг яна бир муҳим хусусияти бор — унда «Мажмуъ ал-ғаройиб» га қараганда қимматбаҳо тошлар ҳақида кўпроқ маълумот келтирилади. «Ажойиб ат-табақот»да қимматбаҳо, ўрта даражадаги ва бошқа хосиятли тошлар тавсифи билан бир қаторда металллар, қотишмалар, уларнинг қазиб олинishi, хосияти ва баҳоси ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтирилади.

Муҳаммад Тоҳир асарининг муҳим тарафи шундаки, унинг шарофати билан XVI—XVIII асрларда кон саноатининг умумий аҳволи қандай бўлганлигидан хабардор бўлиш мумкин. Асарда келтирилган маълумотлар Мовароуннаҳрнинг замини турли табиий қазилмаларга бой эканлигидан далолат беради. Масалан, ўша замонларда Андижон билан Фарғонада олтин, кумуш, мис, темир, симоб, фируза; Ушда—ганч (карак) ва темир; Усрушонада (Уратепа)—фируза; Тошкентда — нефть, фируза, темир, кумуш, олтин; Туркистонда — олтин билан кумуш; Самарқандда — навшадил (нашатир); Қубодиёнда — шифобахш туз; Бадахшонда — олтин, кумуш, лаъл, ложувард ва табиий биллур қазиб олинган.

Муҳаммад Тоҳирнинг мазкур асарида, жавоҳиршунослик илмига тегишли бошқа асарлардан, хусусан, Султон Муҳаммад Балхийнинг «Мажмуъ ал-ғаройиб»идан ҳам фарқли ўлароқ, **фирузанинг** кўп навлари ҳақида маълумот берилган. «Шуни эсда **тўтиш** керакки, — деб ёзди олим, — **фирузанинг** конларига қараб... турли навлари, (хусусан) нишопурий, тусий, ғазний, илодий, кирмоний, хоразмий, усрушоний ва фарғоний навлари бўлади». Лекин фирузанинг навлари бу билан чекланмайди, унинг навлари Султон Муҳаммад ва Муҳаммад Тоҳир ўйлагандан кўпроқ. Бунинг сабаби кўп жиҳатдан муаллифнинг қаерлик бўлиши ва асарнинг қаерда ёзилганлигига ҳам боғлиқдир. Масалан, Султон Муҳаммад бир умр Балхда истиқомат қилган, «Ажойиб ат-табақот» бўлса Фарғонада ёзилган. Шу сабабдан ҳам Султон Муҳаммад Балхий фақат Балхда, Муҳаммад Тоҳир эса Фарғонада маълум бўлган навларни билган.

Муҳаммад Тоҳирнинг асарида Абу Райҳон Берунийнинг «Жавоҳирнома»сидан олинган, лекин унинг бизгача етиб келган нусхаларида учрамайдиган айрим парчаларни учратамиз. Шулардан биттасини келтираемиз: «Абу Райҳоннинг айтишича, ёриғи бўлмаган силлиқ чўзиқ шаклдаги бир бўлак соф қизил ёқутни 5 минг динорга сотганлар; тўқ қизил рангдагисини соф қизил ёқут баҳосининг учдан бирига, товус туслисини — унинг ўндан бир баҳосига, яшил рангдагисини — соф қизил ёқутнинг йнгирмадан бирига сотганлар. Агар ёқут силлиқ, тиниқ ва чиройли бўлса, унинг бир мисқолини 50 динорга сотганлар. Ёқутнинг бошқа турларини шу баҳодан келиб чиқиб сотадилар».

Аслида Беруний асаридан олинган, лекин фақат «Ажойиб

¹ Тасуж — 0,192 гр га тенг бўлган оғирлик ўлчови.

«т-табақот» саҳифаларида сақланган парчалар бир қанча. Афтидан, у Беруний «Минералогия»нинг бизгача стиби келмаган тўлиқ нусхасидан фойдаланган.

Муҳаммад Тоҳирнинг мазкур асарида жавоҳирлар ва металлларнинг шифобахш хосиятлари ҳақида ҳам ўта қимматли маълумотлар учратамиз. Бир нечта мисол келтираемиз: Зумраднинг майдаланган бир дониғи заҳарни дафъ этади. Унинг бир бўлагини ёнида олиб юрган ва тез-тез унга қараб турган одамнинг кўзи равшан бўлади. Майдаланган мис сурмага қўшилиб кўзга қўйилса кўздан сув келишини тўхтатади, кўзни равшан қилади. Мис кукундисини ярага сепса қонни тўхтатади. Мис саратон, талоқ, жигар ва қорин касалига даво бўлади. Қўрғошин ҳам саратон касалини даволайди.

XVII асрда Урта Осиёда жавоҳиршунослик илмининг умумий аҳволини кўрсатиб берувчи яна бир асарда тўхтаб ўтамиз. Бу асар балхлик қомусий олим Маҳмуд ибн Вали (1597 йилда таваллуд топган, вафот этган йили аниқланмаган) қаламига мансубдир. Асар «Баҳр ул-асрор фи маноқиб ул-аҳёр» («Олижаноб кишиларнинг жасорати ҳақида сирлар денгизи») деб аталади. У 1631—1641 йиллар орасида Балхда юқорида номи тилга олинган Нодир Муҳаммадхоннинг топшириғи билан ёзилган. Асар кўп жилдлик бўлиб, биринчи жилднинг катта бир қисми жавоҳиршунослик илмига бағишланган. Маҳмуд ибн Вали минералогияси ҳажм ва фойдали материалнинг кўплиги ва муҳимлиги билан юқорида тилга олинган иккала асардан ортиқ туради.

Маҳмуд ибн Вали минералогияси Абу Райҳон Беруний ва Муҳаммад ибн Мансур жавоҳирномасидан материалнинг жойлаштирилиши билан бир қадар фарқ қилади. Масалан, Беруний билан Муҳаммад ибн Мансурнинг асарида катта муқаддимадан кейин қимматли, шаффоф ва ўртача қимматдаги тошлар тавсифи берилган, сўнг асарнинг иккинчи қисмида металллар тавсифланган. Маҳмуд ибн Валининг асарида эса бунинг акси. Қисқача сўзбошида бутун мавжудот ва маҳлуқотнинг асоси тўрт унсур (аносири арбаъ)дан, яъни тупроқ, сув, ҳаво ва оловдан ташкил топганлиги ҳақида сўзланади. Асарнинг биринчи қисмида металллар ва турли қоришмалар тавсифланган, иккинчи қисмида металлларнинг вазн жиҳатдан қимматли тошларга бўлган нисбати, учинчи қисмда қийматли, ўртача қийматдаги ва хосиятли 180 дан ортиқ тошларнинг илмий тавсифи келтирилган. Бунга, фикримизча, XVII асрда товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан металлга, айниқса олтин билан кумушга бўлган эҳтиёжнинг ортиши сабаб бўлган, албатта.

Маҳмуд ибн Вали мазкур асарини ёзишда жуда кўп манбалардан: Аристотель (мил. авв. 384—322 йиллар), Жоллиус (мил. 130—200 йиллар), Абу Райҳон Беруний ва ибн Сино, Муҳаммад Закария ал-Қазвиний, Ҳамдуллоҳ Қазвиний ва Муҳаммад ибн Мансур асарларидан, шунингдек кўпгина изоҳли лугатлардан («Кутуб-и фарҳанг») фойдаланган. Шунингдек, ўзи-

нинг кўп йиллар мобайнида Мовароуннаҳр, Хуросон, Бадахшон ва Ҳиндистонга қилган саёҳатлари пайтида тўплаган маълумотлардан ҳам кенг фойдаланган.

Шу ўринда айтиш керакки, Маҳмуд ибн Вали, Маҳмуд ибн Мансурга ўхшаб, маъданларнинг асосини олтингургурт билан симоб ташкил этган, деган назарияни ёқлайди. Симобни металл деб айтувчи олимларга эътироз билдириб, у бундай дейди: «... Симоб [аксинча] металлнинг асли ва моддасини ташкил этади. Билиб қўйиш керакки, кўпчилик олимлар етти металл (олтин, кумуш, мис, қўрғошин, қалайи, темир, харчиний)нинг танасини симоб ва олтингургурт ташкил қилади. Шу боисдан алхимиклар (арбоби синоат ва кимё) металлни жоннинг онаси, олтингургуртни жасаднинг намлиги деб ҳисоблайдилар».

Маҳмуд ибн Валининг «Минералогия»си муқаддима ва икки катта қисмдан иборат.

Муқаддимада ҳар қандай металлнинг асосини симоб билан олтингургурт ҳосил қилиши хусусида фикр юритилади.

Биринчи қисмда етти қимматли металл: олтин, кумуш, мис, қўрғошин, қалайи, темир ва харчиний, яъни Хитой темири (рухнинг бошқа металллар билан қоришмаси)нинг батафсил тавсифи берилади. Бунда олим, худди Беруний ва Муҳаммад ибн Мансурга ўхшаб, аввал у ёки бу металл ёки қимматли тошнинг арабча, форсийча, туркча, баъзи ҳолларда юнонча ва ҳиндча номлари, шундан кейин унинг таркиби, турлари ва навлари ҳақида маълумот келтиради. Муҳими шундаки, машҳур конлар, у ёки бу маъданнинг қазиб олиш усуллари, металл ва тошларни қайта ишлаш йўллари ҳақида ҳикоя қилинади.

Яна бир муҳим гап. Қимматли тошлар ва металлларнинг сифатини аниқлашда асосий мезон Беруний учун ҳам, Маҳмуд ибн Вали учун ҳам тажриба ҳисобланган. Масалан, Маҳмуд ибн Вали олтиннинг сифатини текширишнинг қуйидаги икки содда ва синалган усулини тавсия қилади: 1) агар олтин соф бўлса, у ҳар қандай синовга бардош беради ва сифатини йўқотмайди, соф бўлмаса синовга бардош беролмай, парчаланиб кетади; 2) соф олтин симобдан оғир бўлади, агар уни симоб солинган идишга солсалар чўкади.

Ва яна ўша «Баҳр ул-асрор»нинг биринчи қисмида сунъий қоришмалар: оқ мис (суфри сафидруй), баранжа, таъли, толиқун, ҳафтжўш, дорору ва қаттиқ мис (сими саҳт)нинг қисқача тавсифи берилган. Маҳмуд ибн Валининг сунъий қоришмалар ҳақидаги маълумотлари эътиборга моликдир. Олимнинг, хусусан, уларнинг (сунъий қоришмаларнинг) таркиби ҳақидаги маълумотлари, фикримизча, зўр аҳамиятга эга. Масалан, пирит тозаланган мис билан тўтиё қоришмаси бўлиб, шабах (жез) деб аталади; жезнинг энг яхши навлари андалусий ва сурёнийдир. Талай эса қўрғошин билан мис қоришмасидан ҳосил этилган бўлиб, ундан ўтга чидамли қозон қуйганлар. Беруний билан Муҳаммад ибн Мансур асарларида бу ҳақда муфассал маълумот йўқ. Беруний бу қоришмани фақат дигруй деб атайди. Айниқса,

дорорунинг таркиби мураккаб бўлган. У бронза (мис, қўрго-
шин, қалайн ва алюминий қотишмаси), мис ва баранжа (пирит)
қоришмасидан ҳосил этилган. «Дорорудан,—деб ёзади Маҳмуд
ибн Вали,—кўпинча қўнғироқ қуйганлар. Қаттиқ ку-
муш қўргошин, кумуш ва мис қотишмасидан ҳосил этилган ва
у турли-туман бўёқ ишлаб чиқаришда ишлатилган».

Маҳмуд ибн Вали металлари, хусусан олтин билан кумуш-
ни тавсифлашда уларнинг пул-товар муомаласида тутган ўр-
нига алоҳида эътибор беради. Бу металлдан кўпчилик мам-
лакатларда пул зарб қилинган. Олим ислом мамлакатларида
зарб қилинган пулларнинг бир тарафида муқаддас сўзлар (ка-
лимайи таййиба), орқа тарафида эса — олий ҳукмдорнинг номи
зарб қилинганлигини таъкидлайди. Оврупо мамлакатларида эса
олтин ёки кумуш танганинг бир тарафига одам тасвири туши-
рилган. Бундай пулни Маҳмуд ибн Вали бутагий деб атайди.
Олимнинг олтин ва кумушдан зарб қилинган пулларнинг бош-
қа номлари ҳақида келтирган маълумотлари ҳам диққатга са-
зovorдир. Масалан, XIII—XIV асрларда Эронда зарб этилган
олтин пул ашрафий (уни биринчи бор зарб қилдирган Чўпоний
Малик Ашраф (1344—1356) шаънига шундай аталган) деб ном-
ланган. Ашрафийнинг вазни бир мисқолдан ортиқ бўлиб, XVII
асрда бир ашрафий 4 доникка, яъни 3 граммга тенг бўлган. Бун-
дай пул арабларда динор ёки қурайш, Балх билан Мовароун-
наҳрда танга деб аталган. Кумуш пуллар хусусида келтирил-
ган маълумотлар ҳам диққатга сазovorдир. XVII асрда унинг
бир мисқоллигини аббосий, ярим мисқоллигини шоҳий деб ата-
ганлар. Балх билан Мовароуннаҳрда эса асосан ярим мисқол-
лик кумуш тангалар муомалада юрган. Ҳиндистонда муома-
лада бўлган кумуш пул рупия деб аталган. Рупиянинг оғирлиги
4—6 мисқол бўлган. Диққатга сазovor яна бир маълумот шул-
ки, мўғуллар ўртасида пул зарб этиш одати бўлмаган, муома-
лада соф олтин ёки кумушнинг ўзи юрган. Муомалада юрган
қуйма олтин ёки кумуш болиш деб аталган. Одатда 100—500
мисқол вазндаги болишлар бўлган.

Маҳмуд ибн Вали «Минералогия»сининг иккинчи қисмида
қимматли ва маълум хосиятга эга бўлган тошлар тавсифи ва
улар ҳақидаги айрим маълумотлар келтирилади. Олим биринчи
навбатда бу тошларни уч тоифага — олий, ўрта ва қуйи тои-
фаларга бўлади.

Бу қисмда қимматли ва хосиятли тошлар батафсил тавсиф
этилган. Шунинг билан бир қаторда янги, оригинал маълумот-
лар ҳам кўп.

Келтирилган маълумотларга қараганда, Маҳмуд ибн Вали
замонида олтин ва кумуш қазиб чиқариш бирмунча сусайган,
ваҳоланки, конлар кўп бўлган. Олим олтин конлари ҳақида сўз-
лар экан, яна мана буларни айтади: «Олтин конларининг икки
тури бор. Булардан бири соф олтин, яъни бошқа маъданлар би-
лан аралашмаган олтин конлари. Булар кўпроқ Мағриб, Миср
мамлакатларида бўлиб, 30 даража шимолий кенглик билан

65 даража шарқий узунликда бўлган бир манзилда жойлашган...
Шундай қилиб, олтиннинг соф нави даҳдаҳи (яъни 100 фоиз
соф олтин) бўлиб, ҳиндларда уни даҳён деб атайдилар. Замон-
дошларимиз уни жаъфарий деб номлайдилар. Олтиннинг бу
нави ҳозирги замонда кам учрайди... [Олтиннинг] иккинчи
нави бошқа маъданлар билан қоришган ҳолда учрайдиганидир.
Унинг конлари кўп».

Кумушни олиб кўрайлик. Маҳмуд ибн Вали бу ҳақда мана
буларни ёзиб қолдирган: «Кумуш конлари шу қадар кўпки,
улар барча иқлим мамлакатларида учрайди... [Уларнинг] баъ-
зилари ишлаб турибди, қолганлари ташландиқ ҳолда». Шун-
дай конлар, олим келтирган маълумотларга қараганда, Хут-
талон ва Қандаҳорда ҳам учрайди.

Олтин ва кумуш қазиб олиш камайган бир пайтда, темир
қазиб чиқариш бир меъёрда давом этиб турган. Бу хусусда
олимнинг Бадахшондаги темир конлари ҳақида келтирган маъ-
лумоти диққатга сазovorдир. Темирга бўлган эҳтиёжнинг ортиб
бориши бунга асосий сабаб бўлганлигини таъкидлайди Маҳ-
муд ибн Вали. Чунки ундан меҳнат қуроллари ва бир талай
уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқарилган.

XVII асрда қимматли тошларни қазиб олиш ишлари ҳам
бирмунча ривожланди. Маҳмуд ибн Вали ёқут тавсифига ба-
ғишланган бобда мана буларни ёзади: «Ҳозирги кунларда, пол-
шоҳлик ва ҳоқонлик ишларида ҳушёр бўлган, ислом ҳомийси
Нодир Муҳаммадхоннинг, Оллоҳ унинг улуғлигини оширсин,
ҳукмронлиги даврида олий ҳазратларининг [қимматли тошлар-
ни] олиб сотувчи савдогарлари лаъл қазиб чиқариш билан
банд бўлиб, лаълга ўхшаш 3—4 мисқол вазндаги қимматли
тошларни қидириб топмоқдалар».

Шу ҳам эътиборга моликки, Маҳмуд ибн Вали ўша вақтда
топилган қимматли ва хосиятли тошларнинг қиймати ҳақида
ҳам муҳим маълумотлар келтирган. Мисол тариқасида зумрад
билан лаълни олиб кўрайлик.

Зумрад ҳақида гапирганда энг аввал унинг мавжуд етти
нави: зуббобий (дала каламуши тусида), райҳоний (райҳон
рангида), силкий (лавлаги барги рангида), занжорий (яшил
рангида), қурросий (тоғ пнэзи тусида), оҳуний (оҳу тусли) ва
собуний (ироқи совун тусида) бўлганлигини айтади олим: Улар-
дан энг яхшиси зуббобий нави бўлган. Агар у турли нуқсонлар-
дан холи бўлса бир дирҳами 50 динор, уч дирҳами — 200, беш
дирҳами — 1000 динор бўлган. Унинг райҳоний нави зуббобий-
нинг тўртдан уч баҳосида, собунийси — ўша зуббобий баҳоси-
нинг олтидан бир қисмининг ярим баҳосида юрган.

Зумраднинг бошқа навлари баҳоси собуний билан райҳоний
навлари ўртасидадир.

Лаълга келсак, унинг чаён (гаждумий) рангидаги тоза бир
бўлагининг нархи қуйидагича баҳоланган: бир дони — 2 ди-
нор, икки дони — 5 динор, ярим мисқол вазндагиси — 10 ди-
нор, тўрт донининг баҳоси — 20, беш дони — 30, бир мис-

қол вазндагиси — 50 динар, икки мисқоллиги — 200 динарға сотилган. Беш мисқолдагисининг эса умуман баҳоси оўлмаган.

Биз юқорида Беруний «Минералогия»сидан айрим парчалар Махмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор»ида сақланиб қолганлигини айтиб ўтган эдик. Шулардан яна биттасини мисол тариқасида қуйида келтирамиз: «Баъзилар табиий олтиннинг энг яхши нави бошқа нарса билан аралашмагани (зармушти афшор), яъни юмшоғидир, деб айтадилар. Бошқаларнинг сўзларига қараганда, бошқа нарса билан аралашмаган олтин табиий (маъданий) эмас, балки сунъийдир (маснуъ). Қандай бўлмасин, ҳозирги кунларда у (зармушти афшор) тенги йўқ олтиндир. Абу Райҳон Хоразмий айтган: «Қондан олинган бунақа олтинни мен Зобулистонда кўрганман». Абу Райҳон Берунийдан олинган бу парча «Минералогия»нинг бизгача етиб келган нусхаларида, хусусан А. М. Белицкий таржимасига асос бўлган Кренков чоп этган танқидий матнида йўқ. Унда фақат Урта Осиё ва Афғонистондаги олтин конларидан Хутталон ва Шугнондаги конлар тилга олинган, холос.

Мазкур мақолада Берунийнинг ўрта осиелик издошлари ҳақида фақат айрим маълумотларни келтирдик, уларнинг Беруний асарларига таянганликларини айтдик. Шунинг ўзи ҳам буюк олимнинг минералогия соҳасидаги улкан илмий кузатишлари ва ғоялари асрлар оша, ҳатто XVI—XVII асрларда ҳам барҳаёт экаплигини кўрсатади.

БУХОРО ХОНЛИГИНИНГ XVI—XVII АСРЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЕСИЙ ҲАЁТИДА ЖУЙБОР ХОЖАЛАРИНИНГ ТУТГАН МАВҚЕИ ҲАҚИДА

Жуйбор хожалари, хусусан, уларнинг Муҳаммад Ислон (тақрибан 1493—1563), хожа Саъд (1531/32—1589), Тожиддин Ҳасан (1574—1646), хожа Абдурахим (1575—1628/29) каби йирик намояндalари ҳаёти ва фаолиятига В. Л. Вяткин ва П. П. Ивановлар ўзларининг махсус асарларини бағишлаганлар. Бироқ В. Л. Вяткин энг йирик Жуйбор хожаларидан нақшбандия-хожагон диний-дарवेशлик тариқатининг йўлбошчиларидан бири, Жуйбор хожалари феодал хўжалигининг асосчиси Муҳаммад Ислоннинг таржиман ҳолини XVI аср биринчи ярмида рўй берган асосий сиёсий воқеалар асосида қисқача ёритиш билан чегараланган, холос. П. П. Иванов эса Жуйбор шайхларининг хўжалик ҳужжатлари (1544/45—1577/78 йилларга оид 385 та ҳужжат) ҳамда бир қатор тарихий («Абдуллонома») ва биографик («Матлаб ут-толибин») асарлар ва махсус илмий адабиётларга суянган ҳолда бу феодал хўжалик ҳақида йирик бир илмий асар ёзган. Шу билан бирга, Шайбонийлар ва Аштархонийлар давлатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида Жуйбор хожаларининг тутган ўрни ва роли, Жуйбор хожалари феодал хўжалигининг барпо этилиши ва шунга ўхшаш қатор ма-

салалар ҳануз изчил тадқиқотни талаб қилиб келмоқда. Афтидан, В. Л. Вяткин бошқа Жуйбор хожаларининг ҳаёти ҳамда уларнинг хўжалик ва сиёсий фаолиятларини тадқиқ қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган кўринади. П. П. Иванов эса ўзининг асосий мақсади қилиб Жуйбор хожаларининг хўжалик ҳужжатларини таржима қилиб, XVI асрда Бухородаги аграр муносабатларга қисқача тўхтаб ўтган ҳолда уларни нашрга тайёрлашни қўйган. Биз мазкур мақолада Жуйбор хожалари феодал хўжалигини ўрганишда, хожаларнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритишдаги бу олимларнинг катта хизматларини эътироф этган ҳолда, Муҳаммад Ислон, хожа Саъд, Тожиддин Ҳасан ва бошқа хожалар феодал хўжаликларининг барпо бўлиши йўллари ҳамда уларнинг XVI—XVII аср бошида Урта Осиё ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва таъсир доирасини кўрсатишга уриниб кўрамиз.

Бу борада асосий манба сифатида тилга олинаётган воқеаларнинг гувоҳлари, иштирокчилари ва жуйборий хожаларни яқиндан билган шахслар томонидан битилган тарихий, биографик ва агиографик (авлиёлар ҳаётига оид) асарлар хизмат қилади. Булар жумласига қуйидаги асарлар: Ҳофиз Таниш Бухорийнинг 1584—1590 йиллар оралиғида битилган «Абдуллонома»си, бобурийлардан Акбаршоҳ (1556—1605 йиллари Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган) нинг топшириғи билан Абулфазл Алломий томонидан ёзилган «Акбарнома», Мир Муҳаммад Амини Бухорийнинг «Убайдуллонома»си (1716 йилдан сўнг битилган), мулла Муҳаммад Вафойи Карманогий (1685—1769) ва домла Алимбек ибн Ниёзқулибек эшон Насафийларнинг «Тухфат ул-хоний» («Хон тухфаси») асари (1722—1782 йилларга оид воқеалар баёни), XVII аср иккинчи ярмида ижод қилган муаррих Муҳаммад Аминнинг «Муҳит ут-таворих», 1827/28 йилда битилган Муҳаммад Ёқуб ибн Амир Дониёлбийнинг «Гулшан ал-мулк», хожа Муҳаммад Ислоннинг шогирдининг «Хусайн ибн Мир Ҳусайн Сарахсийнинг «Саъдийа», хожа Саъднинг котиби Бадриддин Кашмирий тарафидан XVI асрнинг 80-йилларида битилган «Равзат ар-ризвон ва ҳадиқат ал-ғилмон» асари, П. П. Иванов томонидан кенг фойдаланилган Абулаббос Муҳаммад Толиб қаламига мансуб «Матлаб ут-толибин» рисо-ласи киради.

Жуйбор хожаларининг ер-суви ва бошқа мол-мулкнинг аниқ миқдорини белгилаш мумкин эмас. Чунки улар томонидан сотиб олинган, ё бўлмаса уларга хошлар ва султонлар томонидан ҳадя этилган ер-сувларнинг миқдори ҳамма вақт ҳам манбаларда кўрсатилмавермайди. Бугун эса фақат қуйидагиларгина маълум, холос.

Хожа Муҳаммад Ислон омбор ва сандиқларида сақланаётган нақд сармоя ва турли-туман қимматбаҳо матолардан ташқари, Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Марв ва бошқа вилоятларда 300 жуфти гов (2500 гектар) ер-сувга эга бўлган. Шунингдек, унинг қўл остида 10 минг қўй, 700 от, 500 туя, 104

хунармандчилик ва савдо дўконлари, 7 тегирмон, кўплаб ҳаммомлар, сардобалар ва бошқа мол-мулк бўлган.

Хожа Муҳаммад Исломининг ўғли ва вориси хожа Саъд эса 2 минг жуфти гов (17 минг гектар) сермахсул ер, 2,5 минг қўй, 1 минг туя, 1 минг йилқи, 12 ҳаммом, 10 сардоба, 2 қарвонсарой эгаси ҳисобланган. Ана шуларнинг ҳаммасидан у йилига 1,6 миллион танга даромад қилган. Шунингдек, қалмоқ, ўрис ва ҳиндлардан иборат унинг 1 мингта қули ҳам бўлган.

Хожа Саъднинг ўғиллари хожа Тожиддин Ҳасан ва хожа Абдураҳимлар ҳам жуда катта мол-мулк эгаси бўлганлар. Масалан, хожа Тожиддин Ҳасанга қарашли мулкий ерлар ҳисоби 1 минг қитъадан иборат бўлган. Бундан ташқари, унинг 50 та чорбоғи, 20 минг қўйи, туялардан 20 қатори (ҳар қаторда 6 тадан 100 тагача туя бўлган), 50 қули, кутубхонасида минг жилд қимматли китоблари бўлган. Экинзорнинг ўзидан 150 минг ман¹ бугдой йиғиб олинган. Шунингдек, унга тобе бўлган деҳқон ва кўчманчиларнинг умумий сони 25 минг кишини ташкил этганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Хожа Абдураҳимнинг мол-мулки 800 қитъа мулкий ер, 44 та чорбоғ, туялардан 15 қатор, 1 минг от, 8 сардоба, 2 ҳашаматли сарой, 7 та тимча, бир қанча тегирмонлар ва 400 ғуломдан иборат бўлган.

Мана шу мол-мулкларнинг келиб чиқиш манбаини аниқлаш муҳимдир. Маълумки, хожа Муҳаммад Ислом ва унинг авлодлари ўзларини аслзода ва валийлар авлоди эканликларини кўрсатиш мақсадида, ўз шахсларини ота томонда Муҳаммад пайгамбар авлодларига, она томонидан эса нақд Чингизхон ва Жўчига олиб бориб улайдилар. Хожа Муҳаммад Ислом ва айниқса хожа Саъднинг таржимаи ҳоли тўлиқ баён этилган «Равзат ар-ризвон» китобида хожа Саъднинг шажараси қуйидагича келтирилган: хожа Муҳаммад Саъд — хожа Муҳаммад Исломхожа Аҳмадхожа — Яҳё — хожа Муҳаммад Ислом — хожа Тоҳир — хожа Музаффар — хожа Алоуддин — Мужиддин — хожа Заҳриддин — имом Ҳусайн — Али ибн Абу Толиб. Тариқат тарафдан эса шажарасини хожа Убайдулла Ахрор (1404—1490), хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1389 йилда вафот қилган), хожа Юсуф Ҳамадоний (1140 йилда вафот қилган) ва Абу Язид Бистамий (875 йилда вафот топган) каби машҳур мутасаввуфлар билан боғлайдилар ва то Муҳаммад пайгамбаргача олиб бориб улайдилар. Бадриддин Қашмирийнинг ёзишича, хожа Саъд аслида она тарафдан теурий амалдорлардан Муҳаммад Тумон манғитнинг набираси бўлган. Муҳаммад Тумон манғит Султон Ҳусайн Бойқаронинг (1470—1506) замондоши, унинг амир ул-умароси бўлган. Бадавлат ва нуфузли шахс сифатида Муҳаммад

Тумон куёви ва набирасининг мавқеи ва давлат орттиришига шароит яратган¹.

Аслзодалик ва тариқатдаги юқори мавқеларига кўра, Жуйбор хожалари сомонийлар давридан бошлаб давлат ишларида муҳим лавозимларни эгаллаганлар. Улар нақиб ал-нуқабо (улуғ нақиб) ва шайхулислом каби юқори даражаларга эга бўлганлар. «Саъдий»да ёзилишича, масалан, имом Абубакр Аҳмад Ҳалокухон (1256—1265) томонидан нақиб ул-нуқабо деб номланган, Бадриддин Қашмирий эса Чингизхон томонидан Абубакр Аҳмадга бутун Бухорони тортиқ қилганини айтади. Хожа Муҳаммад Ислом ва хожа Саъд XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухорода шайхулислом лавозимини эгаллаб турганлар. Аштархонийлардан Абдулазизхон (1645—1681), Субхонқулихон (1681—1702) ва Убайдуллахон (1702—1711) даврларида бу лавозимни хожа Абдураҳимнинг набираси Муҳаммад Бокирхожа ва Ҳошимхожа жуйборийлар эгаллаганлар. Шу хонадоннинг бошқа бир намояндаси Ҳабибуллохожа муфтий мансабида фаоллият кўрсатган.

Маълумки, имом Абубакр Аҳмад Бухоро яқинидаги Чорбакр деган жойда отаси хожа Абубакр Саъд ёнида дафн этилган. Уларнинг мазори мусулмонлар томонидан кўп ардоқланган ва кўплаб вақф ерларига ва бошқа ер-мулкка эга бўлган. Имомнинг авлодлари — жуйборий хожалар эса шу мазорнинг шайхлари бўлганлар. Бу мазорнинг барча вақф хўжалиги ҳам уларнинг қўлида бўлган. Қисқаси, аслзодалик ва нақшбандия-хожагон тариқатидаги юқори мавқеи Жуйбор хожалари учун мол-мулк, сиёсий нуфуз ва мусулмонлар устидан ҳукмронлик қилиш учун восита бўлган.

Энди жуйборий хожалар моддий фаровонлигининг асосий манбалари масаласига тўхтаб ўтайлик. Унинг асосини авлодан-авлода ўтиб борадиган меросий мол-мулклар ташкил қилган. Шубҳасиз, жуйборий хожалар мол-мулкнинг асосий манбаини хонлар, султонлар ва бадавлат шахслар томонидан тортиқ қилиниб туриладиган ер-сув ва қимматбаҳо ҳадялар ташкил қилган. Бу ҳақда кўплаб маълумотлар бор. Бирон-бир йирик воқеа, масалан, янги ҳукмдорнинг тахтга ўтириши ёки янги юртлар забт этилгандан кейин амир ва султонлар билан бир қаторда нақшбандия-хожагон тариқатининг йўлбошчилари ҳам тақдирланганлар. Чунончи, Абдуллахон 1552 йили шайбоний Қилич қора султонни мағлубиятга учратиб Насафни эгаллайди. Ушанда мазкур вилоятдан хожа Муҳаммад Исломга Мудин қишлоғи тортиқ қилинади. Шайбонийларнинг 1512 йили

¹ Муҳаммад Тумон ҳаёт чоғидаёқ Хуросондаги ер-мулкни куёви хожа Муҳаммад Исломга мерос қилиб берган эди. Бу ҳақдаги ҳужжат Султон Ҳусайн, Бадиуззаман, Музаффар Ҳусайн ва Алишер Навоий муҳрлари билан тасдиқланган. 1588 йили хожа Саъд Ҳофиз Ҳайдарқули орқали бу ҳужжатни Абдуллахонга кўрсатади. Шундан сўнг хон мазкур ҳужжатни янгилаш ва бу ер-мулкни хожа Саъднинг меросий мулки деб эътироф этиш ҳақида фармон берган.

¹ Ман — оғирлик ўлчови; бир ман — 20 килограммга тенг.

Ғиждуновда қизилбошлар устидан қозонган ғалабаси муносабати билан шайбоний Убайдуллахон (1533—1539) хожа Муҳаммад Исломига Сумитонга туташ қишлоқлардан 200 жуфти говер ва ўнлаб қулларни тортиқ қилган. Абдуллахон 1584—1585 йилларда Бадахшон ва Кўлоб учун катта кураш олиб борди. Ғалабадан кейин хон хожа Саъдга Кўлобнинг забт этилиши муносабати билан, 1586 йилнинг 11 июнида юборилган мактубдан шу маълум бўлишича, бутун Бадахшонни тортиқ қилган. Аммо ҳазрати эшон, «Матлаб ут-толибин» муаллифининг гувоҳлик беришича, Арханг вилоятидан фақат 200 жуфти говер олишга розилик берган. Бадриддин Қашмирийнинг сўзларига қараганда эса эшон ҳар ҳолда анчагина ер-сувни, яъни Бадахшондаги Арханг сарой вилояти ва Кўлобдаги Вахшни ўз тасаруфига киритиб олган. Ўз вақтида Тожиддин Ҳасаннинг тўнғич ўғли хожа Юсуфга (1595—1652) аштархонийлардан Имомқулихон (1611—1642), Нодир Муҳаммадхон (1642—1645) ва Абдулазизхон бир нечтадан қишлоқларни тортиқ қилганлар. Жуйборий хожаларнинг хазинасига тушадиган нақд ақча, қимматбаҳо кийим-кечак, турли-туман матолар, мол-қўй, олтин ва кумуш буюмлар ва бошқа ноёб молларнинг ҳисоби бўлмаган. Иккита мисол келтирамиз. 1606—1609 йилларда Бухоро хони аштархоний Вали Муҳаммадхон ва унинг жиёнлари, вилоят ҳокимлари бўлмиш Имомқулихон ва Нодир Муҳаммадхон ўрта-ларидаги муносабатлар жиддийлашган вақтда хожа Тожиддин, Вали Муҳаммадхоннинг илтимосига кўра, уч маротаба Балхга бориб келади ва ҳар сафар у ердан Нодир Муҳаммадхон, унинг онаси ва балхлик амирлар томонидан унга тортиқ қилинган катта-катта тухфалар билан қайтади. Умум ҳисобда эшон ўшанда Балхдан 106 минг танга нақд пул, юзлаб бош қўй, от, беҳисоб ғиламлар, чодирлар, қимматбаҳо матолар, кийимлар, ноёб буюмларга эга бўлиб қайтади. Хожа Тожиддиннинг ўғли Абулаббос Муҳаммад Толиб: «Ўша вақтда келтирилган мол-мулкнинг кўпчилигидан уйимиздаги энг катта хона парча, бахмал ва бошқа қимматбаҳо матоларга тўлиб-тошиб кетганди», деб эслайди.

XVII асрнинг 20-йилларида Имомқулихон ва хожа Абдурахим ораларига совуқчилик тушганлиги сабабли 1628 йилда хожа Мовароуннахрни тарк этишга мажбур бўлади ва ҳажга отланади. Аммо йўлда аввал Балх, сўнгра Ҳиндистон сафарига чиқади. Бобурийлардан Жаҳонгир (1605—1627/28) уни зўр ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олади. Жўнаб кетиш олдидан эса эшонга қимматбаҳо тошлар билан безатилган камар ила ханжар, қимматбаҳо кийим-кечак ва 50 минг рупия нақд пул тақдим қилади. Жаҳонгирнинг рафиқаси Нуржаҳон бегим, Осафхон ва Абулҳасан каби олий мансабдорлар ҳар бири хожага 10 минг рупиядан нақд пул тортиқ қилганлар. Абулаббос Муҳаммад Толибнинг маълумотларига кўра, Кошғар, Эрон ва бошқа мамлакатларнинг ҳукмдорлари ҳам Жуйбор хожаларига катта-катта ҳадялар юбориб турганлар. Чунончи, 1563 йили Жуйборга

Ерканд хони Абдурашидхоннинг (1533—1567/68) элчиси қимматбаҳо газмоллар, кийим-бошлар, ноёб буюмлар ва 20 минг танга нақд пул билан келиб хожаларнинг мулозимларига топширган. Эшонлар Ойуқхон ва Абдулкаримхон (1560—1591) каби бошқа Кошғар хонларидан ҳам ҳадялар (хитойлик ҳунармандлар ишлаган буюмлар, қалмоқ отлари, мушк ва ҳ. к.) олиб турганлар. Тилга олинган Жаҳонгир икки маротаба тухфалар (парчалар, қимматбаҳо нўстин, фил суяги, отлар, ов қушлари) ва нақд пул (ҳар гал 50 минг хонийдан) юборган.

Хонлар Жуйбор хожаларини ер-сув, нақд пул ва қимматбаҳо ҳадялар билан тақдирлаш билан чегараланмасдан, улар билан қавм-қариндошликка интиланлар. Чунончи, Имомқулихон хонлик тахтига ўтиргач, синглисини Тожиддин Ҳасанга хотинликка беради ва унга суюрғол сифатида Бухородаги Пирмаст, Ҳисордаги Денов (Деҳи нав) ҳазораларини, 20 минг хоний нақд пул, бир неча қатор туя ва от, фаррошхона, бовурчихона ва бир неча тўққиз-тўққиз қимматбаҳо газмоллар, кийим-кечаклар тақдим этади. Вали Муҳаммадхоннинг опаси Тожиддин Ҳасаннинг ишиси Абдихожанинг рафиқаси бўлган. Абдихожанинг ўлимида (1607) сўнг хон синглисини Абдурахимхожага, яъни Абдихожанинг акасига беради. Ушанда Абдурахимхожага суюрғол сифатида бир неча қишлоқлар тегади. Абдулазизхон ҳам хожалар билан қариндошлик ришталарини борлаган. У қизини Юсуфхожанинг ўғли Ёқубхожага беради ҳамда унга йиллик даромади 20 минг хоний бўлган Суюнчи қишлоғини суюрғол қилиб беради.

Хожалар мол-мулкнинг бошқа бир қисмини турли шахслардан арзон баҳода харид қилинган ер-сув, савдо ва ҳунармандчилик дўконлари ва бошқалар ташкил қилган. Бу ҳақда зикр этилган жуйборий шайхларининг ҳужжатлари ҳамда уларнинг таржимаи ҳоллари баён этилган асарлардаги маълумотлар гувоҳлик беради.

Хожалар, айниқса, Муҳаммад Исломи, хожа Саъд ва Тожиддин Ҳасанлар вафот этган қариндошларининг мулкни ўзига қўшиб олиш ва олий мартабали оилалар билан қариндошчилик муносабатларини ўрнатиш йўллари билан ҳам бойиб борганлар. Юқорида айтиб ўтилганидек, хожа Муҳаммад Исломи ва унинг ўғли хожа Саъд йирик теурий амирлардан Муҳаммад Тумон билан қариндош эди. Хожа Муҳаммад Исломи ўша номи зикр этилган амирнинг қизига уйланганди, хожа Саъд эса унинг набираси эди. Абдуллахон II томонидан Хирот олингандан (1588) сўнг Муҳаммад Тумоннинг катта мол-мулки, хоннинг кўрсатмаси билан, хожа Саъдга берилган. Жуйбор хожалари, айниқса Муҳаммад Исломи, хожа Саъд ва Тожиддин Ҳасанлар ўз мулкларининг бўлиниб кетмаслиги ва қариндошларига қарашли мулкнинг ортиб бормаслигининг олдини олганлар. Афтидан худди шу ниятда хожа Муҳаммад Исломи икки ўғли: хожа Баҳоддин Умар ва хожа Муҳаммад Қосимларни меросдан маҳрум қилиб, барча мол-мулкни катта ўғли хожа Саъдга васият

қилиб қолдирган. Васиятнома хон томонидан тасдиқланган. Шуниси диққатга сазоворки, хожа Муҳаммад Ислоом вафотидан 20 кун кечгач, гоят сирли шарт-шароитда хожа Баҳоуддин Умар, 4 йилдан кейин эса хожа Муҳаммад Қосимлар вафот топадилар.

Одатда мол-мулкнинг бўлиниб кетиши ва бегоналар қўлига ўтишининг олдини олиб, бир ота авлодлари ўртасида ўзаро никоҳга йўл очиб берилган. Бу урфга Жуйбор хожалари ҳам риоя қилиб келганлар. Чунончи, хожа Тожиддин ўз авлодлари билан никоҳ аҳдини тузиш воситаси орқали уларнинг бойликларини бора-бора ўз тасарруфига киритиб олган. Масалан, у ўғиллари Юсуфхожа, Муҳаммад, Тойибхожа, «Матлаб ут-толибин» асарининг муаллифи Муҳаммад Толибларни ўз иниси Абдурахимхожанинг қизларига уйлантирган. Ўз қизларини эса Абдурахимхожанинг ўғли Муҳаммад Сиддиқхожа ва Абдихожанинг ўғли Ибодуллохожаларга никоҳлаб берган. Абдихожанинг вафотидан (1607) сўнг сағир қолган унинг икки ўғли Ибодуллохожа ва Қудратуллохожаларнинг тақдирлари ҳам айнан шундай бўлган. Улар хожа Тожиддин Ҳасаннинг, яъни амакисининг қарамоғида бўлганлар. Ибодуллохожа кейинчалик Балхга жўнаб кетишга мажбур бўлган ва у ерда Нурмуҳаммадхоннинг хизматига кирган. Қудратуллохожанинг тақдирини эса номаълум.

Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг серунум яйловларида боқилиб турган беҳисоб подалар ва ер-сувлардан ташқари, Жуйбор хожалари Урта Осиёнинг катта шаҳарларида жойлашган ва ўзларига тегишли кўплаб ҳунармандчилик дўконлари, савдо расталари, тимлар, тегирмонлар, ҳаммом ва карвонсаройлардан келадиган катта даромад ҳисобига ҳам ўз бойликларини орттириб борганлар. Шунингдек, улар ўзларининг Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарларида жойлашган кўплаб омборларида сақланиб турган дон-дунларини пуллаб ҳам катта даромадга эга бўлганлар. Булар хусусидаги кўплаб фактик маълумотларни «Равзат ар-ризвон», «Матлаб ут-толибин», Жуйбор хожаларининг хўжалик ҳужжатларидан топиш мумкин. Демак, П. П. Иванов таъкидлаганидек, Жуйбор хожаларининг таъсир доираси «маҳаллий савдо-сотик ва ҳунармандчилик корхоналари, демак, иқтисодийётнинг мазкур соҳаларига боғлиқ бўлган кишиларни (аҳолини) ўз таъсир доирасига олган». Бундан ташқари, қўлёзма манбалардаги маълумотларга кўра, хожалар халқаро савдо-сотик ишларида ҳам фаол иштирок этганлар. Масалан, уларнинг Жонмуҳаммад ва Ермуҳаммад сингари махсус вакиллари бўлиб, улар хожа Саъд ва хожа Тожиддин Ҳасанларга қарашли савдо карвонларига бош бўлиб, Қозон, Масков, Булғор, Русиянинг бошқа шаҳарлари ҳамда Қошғарга қатнаганлар. Бу хусусдаги диққатга сазовор маълумотлар «Саъдийа» ва «Равзат ар-ризвон» асарларида келтирилган.

Яна бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтишни лозим топамиз. Манбаларда таъкидланишича, катта шаҳар ва қиш-

лоқларда хожаларнинг махсус вакиллари бўлиб, улар янги ер-сув ва бошқа мол-мулк сотиб олиш билан шуғулланганлар. Масалан, Самарқандда бундай иш билан Темурхўжа шуғулланган ва унинг ёрдамида хожа Муҳаммад Ислоом маълум хожа Убайдулло Аҳрор авлодларининг баъзи бир мулкларини сотиб олган. Муҳаммад Толибнинг гувоҳлик беришича, унинг отаси (хожа Тожиддин Ҳасан) ўз саркорларига бирон-бир ерда ер-сув ва мулкнинг сотилишидан беҳабар қолмасликларини қаттиқ тайинлаган.

Жуйбор хожалари ўз бойликларини, таъбир жоиз бўлса, «ўлик ерларни» тирилтириш, яъни янги ерларни ўзлаштириш йўли билан ҳам ошириб борганлар. Чунончи, фақатгина 1557—1579 йиллар орасида шу мақсадда Сомончуқ, Ачшона, Севинчи калон каби Бухоро қишлоқлари ҳамда Чоржуй, Марв ва Вахшдаги ерларда каналлар қазилиб, уларга «жон ато қилинган». Абдуллахон II нинг «Равзат ар-ризвон» да келтирилган бир қатор фармонларига кўра, мазкур ишларда хожаларни олий ва маҳаллий ҳукмдорлар жуда қўллаб-қувватлаганлар, уларга катта ёрдам берганлар. Мисол тариқасида мазкур хоннинг 1585 йилда Ҳисор, Денов ва Қубодиён ҳокимларига юборган фармонини келтириб ўтамиз:

«У (Оллоҳ) бирон-бир нарсага муҳтож эмас.

Абулғози Абдулла Баҳодирхон сўзимиз.

Ҳисор, Денов, Қубодиён вилоятларининг арбоблари, қалангорлари ва раияти, Шаҳри сафода истиқомат қилувчи аймақлар ушбу фармонни олиши билан, олийҳазрат Қутбиддин хожа Калонхожа, ул зотнинг умри зиёда бўлин, мулкда канал қазиниш учун 10 минг мардикор ажратсинлар, унинг вакиллари хусусида ғамхўрлик қилсинлар, мазкур фармонни бузмасликлари ва бу ишда бирон-бир нуқсонга йўл қўймасликлари зарур.

993 йил жумади ул-аввал ойда битилди».

Жуйбор хожаларининг, хусусан уларнинг катта нуфузга эга бўлганлари: хожа Муҳаммад Ислоом, хожа Саъд ва Тожиддин Ҳасан хожалар бойликларининг ортишида яна бир нарса. Уларга тегишли ер-сув ва мол-мулкнинг ҳисоби ва миқдорини аниқлаб бўлмаган, улар барча солиқлардан озод этилганлар ва бундай ҳол олий ва маҳаллий ҳукмдорларнинг фармонлари билан тасдиқланган. Мисол тариқасида зикр этилган шайбоний Абдуллахоннинг яна бир фармонини келтирамиз:

«У (Оллоҳ) бирон-бир нарсага муҳтож эмас.

Абулғози Абдулла Баҳодирхон сўзимиз.

Ушбу халифатпаноҳ хонадонга насиб қилгон барча бахту иқбол олий ҳазратларининг (хожа Калоннинг) эзгу ниятлари ва мададлари туфайлигина амалга ошди. Шу важҳдан ҳам олий ҳазратларининг ушбу алоҳида ва олий-ҳиммат мурувватларига миннатдорчилигимиз рамзида ул зотнинг барча сўзу-мулоҳазаларини ўзимиз учун қонун деб биламиз. Ушбу фармон берилишидан мақсад шулким, эндиликда маълум бўлдики, Марви шоҳижаҳон вилоятида жойлашган мулк ва суюрғол тариқасидаги қишлоқлар, наҳрлар, экинзорлар олий даражали, вилоятпаноҳ ҳақиқат йўли посбонлари қавмининг сардорини, олий даражалининг зурриёти, диёнат ва олижаноблик меваси, донишмандларнинг истиқболга етказувчи хожа Калонга меросий мулкдир. Бизнинг равшан фикримиз ул олий ҳазратларининг экинзорлари ва бошқа мулклари тўғриси-

да қайғуриш билан банд экан, буюрамизки, мазкур қишлоқлар, наҳрлар ва экинзорларни ул олий ҳазратнинг мулк ва суюрғоллари доб эълон қилиниб, моду жиҳот¹, муқаррарий², ихрожат³, миробона⁴, кох⁵, тарх⁶, собун (сабон)⁷ ва бошқа сәлиқлар борасида ул зотни безовта қилмасинлар, ундан бирон нарса талаб қилинмасин, ул зотнинг раиятларини бошқа жойларга кўчирилмасин. Зикр этилган вилоятнинг олий мартабали амирлари, ишбилармон ва-зирлари, мансабдорлари, ҳокимлари, кахдудолари ушбу фармонга риоя қилишлари ва ўз ҳолича бирон-бир фаолият кўрсатмасликлари вожибдир; олий ҳазратларнинг ёбисот⁸ ерларидан танобана олинмасин; ул ҳазратнинг мулк-лари меросий деб тан олиниб, уни дарубаст деб ҳисоблансин; ул зотнинг ер-лари қайта ўлчанмасин ва у кишидан бошқа бирон-бир нарса талаб қилин-масин; ушбу фармони вожиб деб билиб, унинг мулозимларига ғамхўрлик кўрсатилсин; ушбу қонундан четга чиқилмасин, унга амал қилиб, олий фар-моннинг ҳар бир сўзига итоат қилинсин; ҳар йили фармоннинг янгилашичи талаб қилинмасин, ўзларини юқлатилган мажбуриятлардан олиб қочилмасин.

Х. 980 йил раби II ойда битилди.

Котиб: жаноби олийлари хоннинг содиқ хизматкори ва унга яхшилик истовчи Ҳайдар Муҳаммад мунший, уни Оллоҳнинг ўзин кечирсин».

Хожа Тожиддиннинг Бухоро вилояти ва туманотида жой-лашган 20 минг таноб атрофидаги ер-мулкларидан солиқ олмас-лик ҳақидаги маълумотлар Абулаббос Муҳаммад Толиб томо-нидан ҳам келтирилган.

Жуйборий хожалар ўзларининг Бухоро, Миёнқол, Самар-қанд, Тошкент, Саврон, Туркистон, Ахсикат, Насаф, Ҳисор, Термиз, Қубодиён, Балх, Бадахшон, Ҳирот, Марви шоҳижаҳон, Мурғоб, Моҳон, Машҳад, Андхуд ва бошқа жойлардаги мав-жуд йирик ер-сувлари, беҳисоб мол-мулкларини кўплаб амал-дорлар ёрдамида бошқарганлар. Энг аввало уларнинг ер-сув-лари ўнта: Руди шаҳар, Бухоро, Самарқанд, Насаф, Ҳисор, Термиз, Балх, Бадахшон, Хуросон, Марви шоҳижаҳон саркор-ликларига тақсимланган бўлиб, уларнинг ҳар бири саркорлар томонидан бошқарилган. Хожалар ўз шахсий девонларини, дафт-тархона, яъни барча мулкни (жумлат ул-мулк) назорат қилиб турувчи молиявий идораларни ҳам ташкил қилганлар. Дафтар-хонада дафтардор (ҳисобчи) ва муҳаррир (котиб) каби амал-дорлар ишлаб турганлар. Шунингдек, қушбеги, мирохур, мири шикор, мушриф, қози баковул, керак яроқчи каби бир қатор мансаблар ҳам мавжуд бўлган. Хожаларга тобе бўлган кўч-манчи қабилалар (эл ва аймоқот) устидан махсус амалдор — доруға ҳукмфармолик қилган. Кўриниб турибдики, Жуйбор

¹ Моду жиҳот — маҳсулот ва нақд пул билан олинадиган ер солиги

² Муқаррарий — аниқ ёки бевосита солиқ.

³ Ихрожат — давлат хизматчиларининг маоши ва давлат муассасалари-нинг сарф-сурфи учун йиғиладиган солиқ.

⁴ Миробона — мироб фойдасига йиғиладиган солиқ.

⁵ Кох — ем-хашак солиги, қўшин учун зарур пичан-похол тайёрлаш мажбурияти.

⁶ Тарх — давлат омборидаги дон ва бошқа молларнинг аҳоли томони-дан юқори нархда мажбурий равишда харид қилиниши; деҳқонларнинг эса ўз маҳсулотларини паст баҳода давлатга сотиши.

⁷ Собун (сабон) — қадимий туркча сўз; «ер ҳайдаш», «ҳўкиз қўшиб ер ҳайдаш», афтидан аҳолини мажбурий равишда ер ҳайдашга сафарбар этиш; «хашар» атамасининг меънодоши.

⁸ Ёбисот — ташландиқ ёки қўриқ ер.

хожалари маълум давлат идора услубига ўхшаш бошқарув идорасини тузганларки, бу ўз ўрнида уларнинг мамлакат иж-тимой-сиёсий ҳаётидаги куч-қудрати ва мавқеидан далолат беради.

Маноқибларнинг муаллифлари одатда бир нарсага, дин пешволарининг, хусусан, Жуйбор хожаларининг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги нуфузи, хонларнинг тахтга ўтири-ши, маҳаллий ҳокимлар, амалдорларни тайинлаш, бир ердан бошқа жойга ўтказиш ва вазифасидан озод этиш каби тадбир-лардаги мутлақ ҳуқуқларига кўпроқ урғу беришга ҳаракат қила-дилар. Бундай таъкидларда кўпроқ урғу беришга ҳаракат қила-дилар. Бундай таъкидларда кўпроқ урғу беришга ҳаракат қила-дилар. Бундай таъкидларда кўпроқ урғу беришга ҳаракат қила-дилар. Бундай таъкидларда кўпроқ урғу беришга ҳаракат қила-дилар. Бундай таъкидларда кўпроқ урғу беришга ҳаракат қила-дилар.

«...Олий ҳазратларнинг (хожа Саъдинг) дунё безаги бўлмиш ҳукмла-рига маълум бўлсинки, шу кунларда бизнинг олий даргоҳимизга Ҳиротдан Алиқулихоннинг элчиси ташриф буюрди ва камина қўлингизга қимматбаҳо пешкашлар тақдим қилди. Уларни эзгу аломати сифатида қабул этиб, бир тўққиз безақли камон, кумуш ўки билан ва бир неча кийимлик парча атлас-дан Сизга юбормоқдаман, токи Сиз ҳам буни эзгулик аломати деб билгайсиз. Шунингдек, қароргоҳингизга Алиқулихоннинг мактуби ва шахсан арз қилиш учун элчисини ҳам юбормоқдамиз».

Хожа Саъдинг XVI—XVII асрларда ҳозирги Марказий Афғонистонда истиқомат қилган тулкичи қабиласини авф этни тўғрисидаги илтимосига жавобан Абдуллахон қўйидагиларни ёзган эди:

«Ҳамду сано ва илтижодан сўнг маълум бўлсинки, Наврўз ва Алимар-дон баҳодир Сиз олий ҳазратларнинг тулкичи қабиласининг айбини кечи-риш ҳақидаги илтимосингизни бизга етказдилар... Бу қabila бизга кўп озор етказди; то ҳозиргача улардан ҳеч ким тегишли солиқни тўлаганича йўқ. Пирмуҳаммадхон¹ даврида эса улар ҳар йили ошлиг [солнги]дан ташқари, хазинага 12 минг бош қўй етказиб келгандилар. Маълумингизким, бундай ҳолларда кўчманчлар юрти устига гонат уюштирилади. Улар эса уч йилдир-ки, солиқ тўламайдилар ва 36 минг бош қўй қарздор бўлиб қолдилар. Авва-лига уларнинг юрларини гонат қилиб, [ҳар бири]н бирма-бир қиличдан ўт-казиш ниятида эдик. Аммо Назарбий арзномасидан маълум бўлдиким, солиқ тўлашдан бўйин товлашда [уларнинг] ҳаммаси эмас, балки баъзиларигина айбдор экан. Шу вазҳдан ҳам аввал айбдорларни аниқлаб, сўнгра уларни жазолашга қарор қилдик. Лекин Сиз бу халқни жазодан халос этишга жазы қилган экансиз, биз уларнинг барчаларига авф умумий бергаймиз...»

Абдуллахоннинг хожа Саъдга йўллаган яна бир мактубини келтирамыз:

¹ Балхда 1546—1567 йилларда ҳокимлик қилган; 1556—1561 йилларда Шайбонийлар давлатининг олий ҳукмдори.

² 1572—1582 йилларда Балхдаги шайбонийлар ҳокими.

«Содиқлигимиз ва илтижо баёнидан сўнг арз шулким, Қулбобо кўкалтош ва Жултойбийларни Балхга жўнатдик, уларга бир оз аввал ўша ердан келган Симок ва Бектошларни ҳам ҳамроҳ қилдик. Қулбобо кўкалтош қайтгач, маълум қилдикки, биз Саиғи суроҳга егиб боришимиздан илгарироқ у ерга бошқа тарафдин ишимиз Динмуҳаммад султон¹ келадилар. Учрашувдан сўнг у билан бўладиган муомаламиз маълум бўлади. Маълумиғизким, то шу дамгача каминанинг қалби ташвиш ва хавотир ила чулганган эди. Эндиликда биз аввалги ниятларимиздан қайтамыз ва бундан буён соғу ҳаёт эканмиз, унга муносабатимиз ёмонлик фикрларидан йироқ бўлади...»

Вилоят ҳокимлари бўлмиш шайбоний ва аштархоний султонлар олий ҳукмдор билан ўзаро муносабатларини йўлга солиш юзасидан тез-тез Жўйбор хожаларига ёрдам сўраб мурожаат қилиб турганлар. «Равзат ар-ризвон»да шунга оид 50 дан ортиқ хат-арзноналарнинг нусхалари келтирилган. Намуна сифатида баъзиларини келтириб ўтамиз:

«Султон Саидхоннинг акаси «Худойберди султон² мактубларидан: ...ҳамду саю ва илтижолардан сўнг олий ҳазратларининг нур таратувчи ҳукмларига маълум бўлсинким, биз ва бахтиёр оғамиз муҳтарам Музиддин Абдулла Баҳодир билан орамиздаги дўстлик ва иттифоқ юксак даражададир. Умид шулки, келажакда ҳам шу даражада қолажак. Қелишмовчиликлар бартараф этилмай. Алқисса, икки султон ўртасидаги можаро ва муҳолифатлар сабаб бўлиб, Шайхин ва Офаринкент туманлари халқининг аксарий қисми тарқоқликка юз тутиб, Бухоро ва Миёнқол томонларга кўчиб кетдилар. Алқисса, мусулмонларнинг осойишталиги тўғрисида қайғуриб, улуғ жанобимизнинг оқ соғихаларига умид боғлаб, кечиктирмай уларни ўз жойларига қайтаришларини илтимос қиламиз. Табааларимиз ва оғамиз қарамоғидаги райят ўртасидаги борди-келди кўпайгани ваҳидан, истардикки, оғамиз ва унинг мулозимлари фуқароларимиз билан яхши муомалада бўлиб, у ердан дон-дун олиб кетувчилар, бу ердан у ерга эса ўз майлига кўра, бирон-бир нарса олиб ўтаётганларга тўсқинлик қилинмаса. Жонқуярлик, нитилиш ва эзгу ишларни амалга ошириш диёнатли кишиларга хосдир... Улуғ авлиёлар ва олижаноб шайхлар бу мактовга сазовор йўлни ўзларига қонда деб билиб, юқори даража ва мавқега эга бўлганлар. Олий ҳазратлари замон ҳукмдори ва давр шарафи эканлар, бу келишмовчиликларни ул зотнинг эзгу ниятлари асосидагина бартараф этиш мумкин...»

«Хусрав Муҳаммад Султон³ мактубларидан. Ҳамду саю ва илтижолардан сўнг олий ҳазратларининг ҳукмларига маълум бўлсинким, ул зот марҳамат кўрсатиб, қулай вазиятда шон-шуҳрат эгаси олий ҳазрат хон, Оллоҳ ул зотнинг салтанатини зиёда қилсин, диққат-эйтиборига каминанинг аҳволини етказсалар. Бизнинг аҳволимиз, вилоятнинг харобалиги ва навкарларимизнинг қувватсизлиги ҳаммага маълум. Алқисса, агар у (хон) биз билан иттифоқ ниятида бўлса, саховат кўрсатиб, илгари оталаримизга тегишли бўлган Карминанинг аҳволини бу томондан жойланган ерларни бизга қайтариб берсин. Агар бунга рози бўлмасалар, Суюнч Муҳаммад султонга, Оллоҳ унинг қабрини нурлантирсин, қилинганидек Бухоро вилоятининг ўзидан бизга улуш ажратсин. Борди-ю, бу таклифларнинг биронтасини қабул қилмасалар, бундан кейин бизнинг иттифоқ ва хизматимизга умид қилмасин. Агарда бирон-бир нохушлик содир бўлса, унда биздан ўпкаламасинлар».

¹ Сўз юқорида тилга олинган Балх хони Пирмуҳаммадхоннинг тўнғич ўғли. Балх ҳокими ҳусусида бораётир.

² Худойберди султон — шайбонийлар сулоласидан; 1552 йилдан Насаф ҳукмдори.

³ Хусрав Муҳаммад Султон — юқорида зикр этилган Ўзбекхоннинг ўғли, шайбоний.

Сулаймон Султоннинг ўғли Маҳмуд султоннинг арзномасидан:

«...иккинчидан, арзга етказиладики, Нур қишлоғида каминанинг онасига тегишли икки қориздан¹ иборат мулк бўлиб, то ҳозиргача илгарини хонлар ва султонлар бу мулкни даҳу ду² солиғидан озод қилиб келганлар. Энди маълум бўлдики, олийҳазрат хоқон (Абдуллахон) Нур қишлоғига келиб, ўша мулкка даҳу ду солиғи солиш тўғрисида амр қилдилар. Ҳатто Самарқанд ва Тошкент ҳокимлари биз Балхга жўнаб кетганимизда ҳам бу мулкни даҳу ду солиғидан озод қилганлар. Шу сабабдан, камина адабсизлик қилиб Сизга мурожаат этадики, мурувват кўрсатиб олий ҳазратларига камина ҳақида эслатиб қўйсангиз ва уни ҳимоя қилсангиз. Бу фақирларни сийлаш ва уларга ҳомийликнинг рамзи бўлур эди».

Маъкур султоннинг яна бир мурожаатномаси эйтиборга моликдир: «итоат ва содиқлик ила маълум қилнадики, хоқон жаноблари, Оллоҳ ул зотнинг салтанатини абадий қилсин, Ҳушибийни оталиқ этиб тайинлаганларидан сўнг бу вилоятдан³ 30 минг хоний нақд пул йиғиш ва давлат ҳазинасига жўнатиш ҳақида ёрлиқ юборилганига бир йил кечди. У эса каминанинг тасарруфидаги барча муҳим ишларнинг бошқарувини ўз қўлига киритиб олди. Олий ҳазратларига маълум бўлсинким, [шу кунларда] биз давлат ишларида иштирок этишдан четлаштирилганмиз...»

Алқисса, у оталиқ этиб тайинланган кейинги бир йил давомида олий ҳазратлари хонимизнинг дилини ранжитмаслик мақсадида, биз унга бирон-бир танбех бермадик. Оталиқ эса ўз хоҳишига кўра вилоят ишларини бошқаришни давом эттирапти, подшоҳ девонига тегишли ниманки бўлса, ўз тасарруфига олиб муқаррарий, ихрожат, ғаллот⁴, мол⁵, ва бошқа солиқлардан келаятган даромадларни сунистеъмоқ қилмоқда. Ваҳоланки, бу солиқлар камина девонига тушиши керак эди. Шу билан бирга у бу ҳақда бизни умуман маълум қилмайдди. Оқибатда вилоят тангликка юз тутди. Бу вақт давомида мол солиғини бекаму кўст тўлаб келган аслзода ва озод кишилар энди қуллиқ ҳолатига тушиб қолдилар. Оталиқнинг барча зулмига ҳеч ким жиддий эътибор бераётгани йўқ. Аҳвол шу ерга бориб етдики, бу кишилар мени Сизга шикоят ила мурожаат этишга мажбур қилдилар. Олий ҳазратлари оталиқнинг ноҳўя ишларини билиб қўйишлари керак...»

Наврўз Аҳмадхоннинг ўғли Муҳаммад Амин султоннинг арзномасидан: «...иккинчидан, олий ҳазратларининг эзгу ниятларига равшан бўлсинким, қадимдан тамом жаҳоннинг ранку ҳасадини қўзғатиб келган Мовароуннаҳр, аслида бир отадан тарқатган ва қон-қариндош, ака-укаларнинг ўзаро муҳолифликлари ва чиқинмовчиликлари орқасида, биз агар аҳиллик билан уни бартараф этмасак, тангликка учраши мумкин. Агар бу аҳвол авж олса, на афсус, на тавба-тазарруъ аҳволни тузата олмайди. Шу вақтдан олий ҳазратларининг хизматларига бизнинг, самимий дўстларингизнинг илтимоси шундан иборатки, сазй-ҳаракат қилиб ака-укаларнинг ўзаро келишмовчиликларини ҳамжиҳатлик ва иноқликка буриб, мусулмонлар орасида осойишталик ва эмну-омонлик ўрнатнига таъсир кўрсатсалар. Маъкур илтижони етказувчи асиларимиз ичигаги энг аслзодаси ва бизнинг самимий дўстимиз, бизнинг азалий ва собит хайрихоҳимиз Бузрук Баҳодир бошқа ишлар тўғрисида сўйлаб беради...»

Ё бўлмаса, Жўйбор хожаларининг шайбонийлар ўртасидаги тожу тахт учун бўлган курашга аралашуви масаласини олиб кўрайлик. Маълумки, бу кураш XVI асрнинг 50—60-йилларида кескинлашган ва сулола асосчисининг (Шайбонийхоннинг) авлодлари ва вилоят ҳокимлари ўртасида олиб борилган. Улар-

¹ Қориз — ер остидан қурилган сугориш иншооти,

² Даҳу ду — ўндан икки, яъни хирожнинг ўндан икки қисми;

³ Бу ерда сўз Бадахшон ҳақида кетаяпти.

⁴ Ғаллот — қўшин таъминоти учун раиятдан йиғиладиган маҳсулот со-

лиғи.

⁵ Мол — ер солиғи («хирож» атамасининг синоними).

нинг сони кўп, ammo энг фаоллари бир тарафда Шайбонийхоннинг набираси Муҳаммадёр султон ва Убайдуллахоннинг набираси Бурхон султон, иккинчи тарафда эса Жонибек султоннинг авлодлари Пирмуҳаммадхон ҳамда Абдуллахон ҳисобланган. Чунончи, Пирмуҳаммадхон Абдулазизхоннинг ўлимидан (1550) кейин Бухорога келиб, таъзияда иштирок этади, сўнг тахт воқеяси Муҳаммадёр султондан эпчиллик ила давлат тизгинларини тортиб олади. Лекин тез орада у ҳокимиятни унинг қонуний эгаси Муҳаммадёр султонга қайтариб бериб, ўз юрти — Балхга қайтиб кетишга мажбур бўлади. Унинг тахтга ўз одами Ўзбек султонни ўтказиш йўлидаги уринишлари ҳам беҳуда бўлади. Бунинг сабаби, биринчи навбатда, бу ишда уни Бухоро феодал доиралари, кўпчилик шайбоний султонлар ва, энг муҳими, Жуйбор хожалари қўллаб-қувватламаганликларидадир.

Хожаларнинг ҳаёти ва фаолиятдан ҳикоя қилувчи асарларда, одатда, мусулмон руҳонийларининг тутган ўрни шу қадар бўрттириб кўрсатилади ва алоҳида эътибор Жуйбор хожаларига қаратилади. Хожа Муҳаммад Ислоом ва хожа Саъднинг таржимаи ҳолларида қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Рамазон ойи кунларидан бирида олий ҳазратлари хожа Муҳаммад Ислоом Пирмуҳаммадхон, Абдулла султон, Ибодулла султон, Дўстим султон ва бошқалар иштирок этган ифтордан сўнг Пирмуҳаммадхон давлат ишлари хусусида сўз очиб, Ўзбек султонга ишора қилиб деди: «Ҳам ёш жиҳатдан, ҳам улугликда устун ҳисобланган, шон-шухрат эгаси бўлмиш оғамиз бор». Эшон ҳазратлари унга жавобан: «Биз кўпроқ Абдуллахонга суянамиз. Унинг қўли билан кўплаб вилоятлар забт этилажак. Сизлар ҳам унга нисбатан бепарво бўлмаслигингизни маслаҳат кўра-миз». Сўнгра, ҳамма тарқалгандан кейин, ҳазрати эшон Бўриясовул ва Жаҳоншоҳ баковулларни ҳузурига чақиртириб: «Хонингизга айтиб қўйингки, у мамлакатда янги бидъат ва тартиб таъсис этиб, фақирларга озор етказди. Агар Бухорога подшоҳ бўлиб қолишни истаса, бу бидъатларни бекор қилсин, акс ҳолда хожалар бунақа аҳволга тоқат қилолмайдилар ва у бундан суён Бухоро подшоҳи бўлиб қололмайди». Пирмуҳаммадхон шундан сўнг ҳам Бухорони тўла қўлга киритиб олиш учун ҳаракат қилиб кўрди. Ва ҳатто 1561 йили Балхни Бухорога айирбошлаш хусусида Абдуллахон билан келишиб ҳам олди. Лекин бу сафар ҳам унинг йўлига хожа Муҳаммад Ислоом ва шак-шубҳасиз, Бухоронинг феодал доиралари тўғаноқ бўлдилар. Хожа Муҳаммад Ислоом бу ҳақда хабар билан Жуйборга келган Қулбобо кўкалтош ҳузуринда ўз хизматкорларига қарата: «Абдуллахон биз билан бемаслаҳат Бухорони Балхга айирбошлабди. Балким у Бухорода ҳокимиятни бирор-бир кимсанинг мададисиз ўз қўлимда тутиб турибман деб хаёл қилаётгандир. Хоҳлаган ишини қилсин, ҳокимиятни истаган кишига берсин... кўрамиз (бу билан) нимага эришар экан», деган. «Айирбошлаш ҳақидаги битим тузилганидан беш кун ўтгач, — деб давом этади «Абдулланома» муаллифи, — Абдуллахон Жуй-

борга борди ва олий ҳазратларига бўлган воқеани сўзлаб берди ва пушаймон бўлганлигини изҳор қилди».

Мусулмон руҳонийлари, хусусан Жуйбор хожаларининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган катта ўрни ҳақида Бадриддин Кашмирийнинг 1583 йилда Абдуллахоннинг тахтга ўтириш маросимида оид қуйидаги ҳикояси ҳам гувоҳлик беради: «Искандархонга тутилган мотам кушлари тугагандан сўнг, ислом жамоасининг қутби (хожа Саъд) қудратли султонлар ва нуфузли амирлар билан биргаликда қувонч ила Искандар мисол, икки саодатли сайёра соҳиби, Доро нишоқи билан тақдирланган олий ҳазрат хоқон Абдуллахонни оқ кигизга ўтказдилар; кигизнинг бир учини салтанат устун амир Қулбобо кўкалтош, иккинчисини — давлатнинг суюклиси Турдиқохон, учинчисини — саййид Ҳасанхожа нақиб, тўртинчи учини эса қутблар қутби, саййидлар паноҳи хожа Калонхожа ўзининг марҳаматли қўллари ила тутдилар...»

Жуйбор хожаларининг таржимаи ҳолини баён этувчиларнинг маълумотига кўра, хожалар бирон одамни юқори мансабга тайинлаш, мансабдан четлатиш ва бошқа вазифага тайин этишда ҳам маълум таъсир кўрсатганлар. Масалан, Имомқулихон томонидан Саид ота авлоди бўлмиш Иброҳимхожани нақиб вазифасига тайинлаш, Мўмин султонни Андижон ҳокимлигидан четлатиш, Ўзбекхонни Ҳисори шодмондан Тошкентга кўчириш ҳоллари шулар жумласидандир.

Бу каби мисолларни истаганча келтириш мумкин. Лекин Жуйбор хожаларининг шайбонийлар ва аштархонийлар даврида Урта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган мавқеининг қай даражада бўлганлиги келтирилган мисоллардан ҳам маълум бўлиб турибди.

ИБН СИНО ДАВРИ

Башарти ҳар қандай улкан арбоб, номи хоҳ адолат юзасидан, хоҳ адолатсизлик орқасида ўзлигини йўқотиб қўйган тузумнинг рамзига айлашиб қолган тақдирда унинг таржимаи ҳоли мазкур тизимда рўй берган муносабатларни, воқеа-ҳодисаларни худди кўзгуда акс эттиргандек бўлиб қолади. Ибн Сино ҳам бундан мустасно эмас, шу боисдан ҳам машҳур аллома яшаб, ижод этган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий вазиятни умумий тарзда баён қилиш билан чегараланмоқчимиз.

Ибн Сино сомонийлар даврида (819—1005), асосан Бухоро ва Хоразмда, сўнгра маҳаллий Эрон сулоласи зиёрийларнинг пойтахти Гурганжда (1009), сўнгра Исфахонда, бувайҳийлар қўл остида Ҳамадонда (1015—1023) ҳамда Султон Маҳмуд Ғазнавийга тобе бўлган Райда (1014—1015) яшаб ижод этди.

Аббосийлар халифалиги даврида бир бутун бўлган мазкур шаҳар ва вилоятлар X асрнинг биринчи чорагида ундан ажралиб чиқди. Бу бўлиниш то 935 йилларгача давом этди. Нати-

жада Месопотамия ҳамдонийлар (905—1004), Миср билан Сурия ихшидийлар (935—969) қўл остига, Ғарбий Эрон бувайхийларга, Табаристон билан Гўргон маҳаллий дайлимийлар сулоласи бўлмиш зиёрийларга, Мовароуннаҳр билан Хуросон сомонийлар қўлига ўтиб қолди. Тарихчилар ўхшатиб айтганларидек, халифага Бағдод билан Вавилониянинг бир қисмигина қолди, холос. Тўғри, маҳаллий ҳукмдорлар (мулк ат-тавоиф) ҳали ҳам халифа ҳокимиятини тан олар, унинг номини хутбага кўшиб ўқитар, тангаларда унинг номини ўз номлари билан бир қаторда зарб этар, вақт-вақти билан халифага ҳадялар юбориб турар эдилар. Аммо улар Бағдодга шунчаки қарам эдилар, холос. Халифа номинигина давлат бошлиғи бўлиб, ҳеч қандай реал ҳокимиятга эга эмас эди. «Ҳозирги вақтда,— афсусланиб ёзган эди ал-Масъудий,— исломнинг куч-қудрати инқирозга юз тутмоқда. [Бағдоддан] зиёратчиларнинг оёқлари узилиб қолди, газо урушлари эса сўниб бормоқда... Шу пайтгача исломга ғалаба ёр эди, ҳозир эса у бир қадар букиб қўйилган, асослари нураган; бу ҳодиса 943 йилда мусулмонлар ҳомийси, худо ишларимизни ўзи ўнгласин, халифа ал-Муттақий (940—944) даврида содир бўлди».

Халифалик вайронларида вужудга келган давлатларнинг энг каттаси Сомонийлар давлати эди. У Мовароуннаҳр ва Хуросондан Рай ва Қазвингача бўлган ерларни ўз ичига олган. Чунончи, Исмоил ибн Аҳмад (892—907) даврида мазкур сулоланинг кўзга кўринган намояндалари, Сомонийлар марказий давлат аппарати мустақкамлашдан манфаатдор бўлган феодал эодагонлар, дин пешволари, барча бадавлат деҳқон табақаларининг қўллаб-қувватлашлари билан хорижийларнинг етакчиларидан Амир Ҳусайини ағдариб ташлашга, Бухоронинг Барнод ва Ромитон туманларида бошланган деҳқонлар ҳаракатини бостиришга ҳамда тескаричи боёнларни давлат ишларидан четлаштириб ташлашга муваффақ бўлдилар; 893 йили қадимий Усрушонанинг маҳаллий ҳокимиятини ағдариб ташладилар ҳамда иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан аҳамиятга молик бўлган бу ноҳияни ўз тасарруфларига олишга муваффақ бўлдилар. Турккорлуқларнинг Сирдарё бўйидаги ерларга қилиб турган босқинини тўхтатиб, Тарозни босиб олдилар (893) ҳамда у ердаги аҳолини мусулмон динига киргиздилар. Масъудийнинг таъкидлашича, ўшанда 15 мингга яқин киши асир қилиб олинган. Қорлуқларнинг йўлбошчиси аҳлу оиласи билан асир тушган. Уша жангдан сўнг Исмоил Сомонийнинг лашкари шу қадар катта бойликни қўлга киритдики, ҳар бир суворийга 10 минг дирҳамга баробар ўлжа теккан. Тарихчи Наршахийнинг шохидлик беришича, Исмоил ўшанда Тароздаги бутхонани масжидга айлантирган.

Исмоил Сомонийнинг энг катта ҳарбий муваффақияти Хуросонда саффорийлар сулоласини ағдариб, Балх остонасида Амр ибн Лайс (879—901) устидан қозонган ғалабаси бўлди. Бу воқеа, ибн Холлиқоннинг таъкидлашича, ҳижрий 286 йилнинг 17

шаввалида (милодий 899 йилнинг 26 октябрида) содир бўлган. В. В. Бартольд, ибн Холлиқон берган маълумотларга асосланиб, Амр ибн Лайс билан амир Исмоилни бир-бирига қарши халифа ал-Муътадил (892—902) гиж-гижлатиб қўйган эди, деб ёзади. Унинг бундан кўзлаган мақсади, уларнинг ўртасидаги зиддиятдан фойдаланиб, ўзининг «дарз» кетган мавқеини мустақкамлаб олиш эди. «Кейинги йилларда (893 йилдан кейин),— деб ёзган эди ибн Холлиқон,— Амр Эронда ўзининг мустақкам ҳокимиятини ўрнатди. Ўз навбатида халифа ҳам [Амрнинг] барча хоҳиш-истакларини бажариши лозим эди. [Халифа]нинг талаби билан 898 йили барча Хуросон зиёратчиларини ўз саройига тўллаб, Исмоилнинг тахтдан туширилганлигини, Амр эса Мовароуннаҳр ноибни этиб тайинланганлигини эълон қилди. Кетма-кет Нишопурга, Амр ҳузурига, турли тухфалар ҳамда Мовароуннаҳрга ноиб этиб тайинланганлиги тўғрисидаги гувоҳнома билан элчилар юборилди. Аммо Амр мусулмонлар ҳукмдори юборган инъомларни энсаси қотиброк қабул қилди. Элчи Амр олдига ўзи олиб келган чопон ва кийимларни ёйиб қўйди. Амр халифага ҳурмат юзасидан чопонларни бирма-бир кийиб кўрди. Ниҳоят, элчи Амрга Мовароуннаҳр ноиблиги тўғрисидаги гувоҳномани узатди. Амр: «Буни нима қиламан, Исмоил қўлидан Мовароуннаҳрни 100 минг яланғоч шамширсиз олиб бўлмайди-ку»,— деди. Элчи эса: «Буни ўзинг биласан, ахир ўзининг хоҳиш-ироданг шундай эди-ку»,— деди. Амр гувоҳномани қўлига олиб ўпиб, бошига қўйди, сўнг олиб олди-га қўйди»...

Шундай қилиб, Сеистон (у ерда саффорийлар ҳукмрон эдилар), Гузганон (фаригунийлар ҳукмрон эдилар), Ғазна (дастлаб маҳаллий ҳукмдор Алп тегин қўл остида эди), Хоразм, Исфижоб, Чағониён ва Хутталондан (уларнинг ҳукмдорлари тобе эдилар) ташқари, улкан ҳудуд (Мовароуннаҳр, Хуросон) сомонийлар томонидан бўйсундирилганди. Улар бу ерда 100 йилча ҳукмронлик қилдилар.

Сомонийлар ўз давлатида жуда яхши йўлга қўйилган ҳукмронлик тизимини ўрнатдилар. Давлат бошида жуда катта ваколатларга эга бўлган амир турар эди. Сомонийлар давлатининг маъмурий тузилиши қуйидагича бўлган: даставвал бошқарув органи даргоҳ (олий ҳукмдор саройи) ва девон (давлат идораси) га бўлинган. Мамлакатнинг ички сиёсатида амирнинг шахсий гвардияси катта роль ўйнаган. Бу гвардия турк ғуломларидан сараланиб олинар, унинг бошлиқлари катта-катта давлат мансабларини эгаллар эдилар. Турк ғуломлари бундай шарафга узоқ йиллар садоқат билан хизмат қилишлари эвазига муяссар бўлар эдилар. Турк ғуломининг хизмат поғонасидан кўтарилиш жараёни муаррих ва давлат арбоби Низомулмулк (1018—1092) нинг машҳур «Сиёсатнома» асарида баён этилган. «Сомонийлар давридаёқ,— деб ёзади у,— шундай қоида мавжуд эди. Ғуломлар мансаб даражаси поғонама-поғона, қилган хизматига яраша кўтарилиб борган. Чунончи, ғуломни сотиб ол-

гач, у бир йил ниёда аскар бўлиб хизмат қилар ва зандоний матосидан тикилган қабо¹ кийиб сарой аҳли қаторида юрар эди. Булар бир йилгача хоҳ ошкора, хоҳ яширинча отга миња олмас эдилар. Сезиб-билиб қолсалар у жазога тортилларди. Бир йилдан сўнг висоқбоши² ҳожиб³ билан унинг хусусида гаплашар, ҳожиб унга югани билан турк отини, шунингдек оддий камар беришни буюрар эди. Фулом яна бир йил от устида хизмат қилгач, унга қоражур⁴ берар эдилар. Хизматнинг бешинчи йилида унга энг яхши эгар, юлдуз-юлдуз қилиб безатилган юган, дорой матосидан тикилган қабо, чўқмор берар эдилар: чўқморни фулом камарининг ҳалқасига илиб олар эди. Хизматнинг олтинчи йилида у анвойи кийим-бошлар олар, еттинчи йили 16 киши снғадиган чодир ҳамда ўз отрядига 3 фуломни олар эди ва уни висоқбоши деб атардилар. У кумуш билан безатилган қора кигиздан тикилган қалпоқ, ганжа қабосини кияр эди. Унинг мансаби, обрўси, биркитилган фуломлари сони йил сайин ошиб борар ва у ниҳоят дастлаб хайлбоши⁵, сўнгра ҳожиб мансабига сазовор бўлар эди. У қанчалик обрў-эътибор қозонмасин, қанчалик хизмат қилмасин, барибир 37 йил муддатдан кейингина уни вилоятларга амир қилиб тайинлар ҳамда унга ер-сув инъом этар эдилар».

Саройдаги энг улуғ мансабдор ҳожиби бузург (улуғ ҳожиб) бўлиб, унга сарой аҳлига кўз-қулоқ бўлиб туриш вазифаси юклатилган эди. Алоҳида хизмат кўрсатган ҳожиби бузурлар айрим туманларга ҳоким қилиб тайинланар эдилар.

Ҳожиби бузургдан кейин соҳиб ҳарас (сарой соқчилари бошлиғи) турган. Бу мансаб уммавийлар ва аббосийлар даврида ҳам мавжуд эди. У олий ҳукмдорнинг фармонларини ижро этувчи шахс бўлган. Бу ҳақда Низомулмулк бундай деб ёзади: «Амири ҳарас мансаби ҳамма вақт муҳим мансаблардан бири бўлган. Албатта, улуғ ҳожиб мансаби бундан мустасно. Амири ҳарас олий ҳукмдорнинг фармонларини ижро этувчи бўлганлиги сабабли, одамлар ундан ҳукмрондан кўра ҳам кўпроқ қўрқар эдилар». Сўнгра Низомулмулк халифа ал-Маъмун тили билан бундай дейди: «Менинг икки амир ҳарасим бор. Уларнинг ҳар иккиси эрта тонгдан то қоронғу тушганга қадар одам бошини танасидан жудо қилиш билан банд, [жиноятчиларнинг] оёқ-қўлларини чопиб ташлайдилар, чўқмор билан уриб зиндонга ташлайдилар».

Даргоҳнинг хўжалик ишлари билан вакил шуғулланган. «Ҳамма вақт бу иш тепасида,— деб таъкидлайди Низомулмулк,— машҳур ва ишончли одам турган. Шоҳ ошхонасидан тортиб, то май омборлари ва подшоҳ отхонасидан доимо огоҳ бў-

либ, ҳукмдорнинг саройи, бола-чақаси, шунингдек саройга тааллуқли кишилардан кўз-қулоқ бўлиб турувчи шахс; ҳар ойда, балки деярли ҳар куни, олий ҳукмдорнинг кенгашларида иштирок этган, у билан мулоқотда бўлган ва зарур пайтда саройга зудлик билан етиб келиб, олий мақомга ўз фикрларини изҳор этган ҳамда мамлакатда рўй бераётган воқеалардан уни ҳабардор қилган».

Кейинги ўринда хожайи бузург (улуғ хожа) мансабидаги шахс турган. Хожайи бузург сарой бюрократик аппаратининг бошида турган.

Булардан ташқари, даргоҳда ҳар хил хизматкорлар, масалан, эшик оға, дастурхончи каби кичик мансабдорлар ҳам бўлган.

Бюрократик аппарат Бухоро регистони атрофида жойлашган ўнта девон томонидан бошқариб турилган. Наршахийнинг таъкидлашича, улар қўйдагилар: девони вазир (улуғ вазир девони), девони муставфий (молия ишлари девони), кейинги вақтларда девони расонил ёки девони иншо деб аталган девони амир ал-мулк (давлат таянчи девони), девони соҳиб шурат (амир гвардияси бошлиғи девони), девони соҳиб барид (алоқа хизмати девони), девони мушриф (амир назоратчиси девони), девони ад-дийа (амирнинг шахсий мулкларини идора қилувчи девон), девони мухтасиб (кўча ва жамоа жойларидаги тартиботни текшириб турувчи девон), девони вақф, девони қуззот (қозилар девони). Шунга мувофиқ муставофий, хожайи оmid, соҳиб шурат, мушриф, мухтасиб, қози ал-қуззот ва бошқа мансаблар бўлган.

Жойларда ҳокимият сипоҳсолар (катта мулкларда) ва ҳокимлар (майда маъмурий идораларда) қўлида бўлган.

Сомонийлар даврида Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонда сомоний амирлар, уларнинг оила аъзолари, деҳқон зодагонлари, мусулмон дини арбоблари, юқори мансабдаги турк гвардияси вакиллари, чунончи, Алп тегин, Сабуқ тегин, Абу Али Симжурий, Фоиқ ва бошқалар, шунингдек, бадавлат савдогарлар ҳукмрон синф сирасига кирган. Уларнинг қўлида катта-катта ерсувлар, беҳисоб бойликлар тўпланган эди. Улар меҳнаткаш халқ оммасини, чунончи, жамоа деҳқонлари ҳамда шаҳар камбағалларини аёвсиз эзар эдилар. Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида деҳқон зодагонлари, шариат пешволари, айниқса турк гвардияси бошлиқлари катта роль ўйнаганлар. Чунончи, Алп тегин Нуҳ I ҳукмронлиги даврида (943—954) Хуросон ҳокими бўлган. У, манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, шу қадар катта бойликка эга бўлганки, бу унинг Сомонийлар давлати тақдирини ҳал этишига йўл очиб берган. «... Унинг Хуросон ва Мовароуннаҳрда,— деб ёзади Низомулмулк,— 500 дан ортиқ қишлоқни бирлаштирган мулки мавжуд эди. Бирон шаҳар йўқ эдики, унда бу одамга тегишли саройлар, боғ-роғлар, карвонсаройлар, ҳаммомлар бўлмаган бўлсин. Унинг кўплаб ғалла омборлари, минг-минглаб қўйлари, юз минглаб

¹ Камзулга ўхшаш устки кийим.

² 3 фуломга бош бўлган кичик командир.

³ Гвардиячи фуломларнинг олий мансаби.

⁴ Узун шамшир.

⁵ Гвардиячи фуломларнинг ҳожибдан кейинги, иккинчи мансаби.

от-туя ва хачирлари бўлган». Низомулмулкнинг мана бу сўзи ҳам эътиборга сазовор: «Алп тегин Нишопурда эканлигида Хуросон амири Нуҳ ибн Наср қазо қилди. Амирнинг яқин кишилари пойтахт Бухородан Алп тегинга мактуб йўллаб, «Хуросон амири қазо қилди, унинг 30 ёшли иниси ва 16 ёшли ўғли қолди. Шу икки кишидан бирини, сенга маъқул келганини, давлат тепасига қўймоқчимиз, чунки сен давлат устунисан».

IX—X асрларда сомонийлар даврида Хуросонда феодал-ер эгаллигининг қуйидаги шакллари мавжуд эди:

Мулки султоний (мамлақайи султоний). Шахсан амирга тегишли ер-сув ва бошқа мулк. Қишлоқ чорикорлари томонидан ижарага олиб экилган мазкур мулк махсус девон — девони аддийё томонидан бошқарилган.

Хусусий шахсларга тегишли мулк. Ҳукмрон табақа хонадонига, деҳқон зодагонларга, саййидлар ҳамда турк гвардияси бошлиқларига, бадавлат савдогарларга тегишли ер-сув.

Вақф ерлари — бу ҳақда тарихий адабиётларда жуда кўп гапирилган.

Мулки хирожий — бунга мулки султоний, хусусий мулк ерлари (мулк) ва қисман вақф ерлари киритилган.

Хирож ҳажми олинган ҳосил ҳажми билан ўлчанган (чунончи, учдан бир, тўртдан бир ва ҳ. к.).

Иқтоъ ерлари, яъни мулки султонийдан атоқли амалдорлар ҳамда лашкарбошиларга тожу тахт олдида қилган катта хизматлари учун инъом тариқасида ажратиб берилган ерлар. Мазкур ер эгалари (иқтоъдор) олинган даромаднинг катта бир қисmini, айрим ҳолларда уни тўлалигича ўз ҳисобига қолдирганлар.

Истаҳрий, ибн Ҳавқал ва Муқаддасий келтирган маълумотларга қараганда, Мовароуннаҳрнинг асосий вилоятларида, айниқса Зарафшон, Фарғона vodiylарида, Илоқда, Хоразмда қишлоқ хўжалиги ривожланган. Бу ерда бугдой, арпа, шол, тарик, пахта, ловня, пўхат, мош, каноп, беда сингари экимлар экилган. Боғларда узум, ўрик, шафтоли, нок, анор, беҳи, олча, олжўри, анжир ва қовун-тарвуз ештирилган.

Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг шаҳар-қишлоқларида аҳоли ҳунармандчилик билан шуғулланган. Самарқанд, Бухоро, Шош (Тошкент), Гурганж, Балх, Ҳирот, Марв ва Нишопурда ҳунармандчилик айниқса тараққий этган. Ҳунармандлар фақат икки бозор эҳтиёжлари учунгина эмас, балки ташқи бозорга ҳам ўз маҳсулотларини чиқариб турганлар. Ўрта Осиё шаҳарларидан Алқўшни мамлакатларга гоёт хилма-хил моллар чиқарилган. Алқўшни муқаддасийнинг сўзларига қараганда, четга моллар, масалаи, Термиздан — совун ва фата; Бухородан — юмшоқ матолар, жойнамозлар, гиламлар, меҳмонхона учун палослар, мис чироқлар, Табаристон матолари, маҳбуслар томонидан ишлаб чиқарилган узангилар, ушмун матолари, мой, қўй жуни, сочга суртилдиган мойлар; Карманадан — сочиқлар; Дабусия ва Ведарладиган мойлар; Карманадан — сочиқлар; Дабусия ва Ведарладан — ведар матолари, эшитишимча, Бағдод султонларидан би-

ри буни Хуросон кимхоби деб атаган; Рабинжондан — қизил жундан тўқилган қишки чакмонлар, жойнамозлар, қалайдан ясалган идишлар, тери, пишиқ каноп мато, олтингургут; Хоразмдан — сувсар, оқ сиқон, сассиққузан, латча (сувсарнинг бир тури), соболь, қундуз, қуён, шунингдек эчки терилари ҳамда мумлар, ўқ-ёйлар, қайин пўстлоғи, учлик қалпоқлар, балиқ слими, балиқ тиши, канакунжут мойи, анбар, ошланган от терилари, асал, ёнғоқлар, лочилар, шамширлар, совутлар, халанж дарахтининг илдизи, насроний қуллар, қўйлар, отлар келтирилган эди. Бундан ташқари, Фарғонадан — узум, майиз, бодом солинган сомсалар, сезам, йўл-йўл мовут, гиламлар, совғасалом учун кимхоблар, мулҳам матосидан тайёрланган рўйжалар, қулфлар, аронж матоси, камонлар (бу камонлардан жуда бақувват кишиларгина ота олганлар), рахбин (пишлоқнинг бир тури), зардоблар (ҳайвон қонидан тайёрланган дори), балиқ, қайиқлар (қайиқлар баъзан Термиздан ҳам олиб келинган); Самарқанддан — симгун, Самарқанд мис қозонлари, чодирлар, узангилар, қайиш-камарлар келтирилган; Жиззахдан — аъло нав жун матолар ва жун матолардан тикилган либослар; Баноқатдан — Туркистон матолари; Шошдан — от терисидан тайёрланган баланд эгарлар, зирҳ-совутлар, чодирлар, терилар (турклардан олиб келиниб ошланган), чакмонлар, жойнамозлар, елкапўшлар, дон-дун, ажойиб ўқ-ёйлар, паст сифатли игналар, пахта толасидан тўқилган матолар (асосан туркларга сотилган), қайчилар; Самарқанддан — бахмаллар (у туркларга сотилган), мумаржон номли қизил мато, синизи матоси, қўплаб ипак ва ипакли матолар, чақилган ва чақилмаган ёнғоқлар; Фарғонадан ва Исфижобдан — турк қуллари, оқ мато, мудофаа қуроллари, шамширлар, мис, темир; Тароздан (Таласдан) — эчки жунлари; Шелжадан — кумуш; Туркистондан ва Хутгалондан бу ерларга от ва хачирларни ҳайдаб келтирилганлар; хушбўй ва мазали Бухоро қовунлари, оқ-шок (ёки оқшар), Хоразм пиёзи, Шош идиш-товоқлари ҳамда Самарқанд қоғозлари келтирилган.

Ибн Ҳавқал Ўрта Осиёдан олиб кетиладиган матолар ичиде юқориде Муқаддасий томонидан кўрсатиб ўтилган ведарий (Самарқанд яқинидаги қишлоқ) матосига алоҳида эътибор берган. Унинг шоҳидлик беришча, мазкур матони «кесмасдан, бутунлигича, ёпиниб юрганлар». «Хуросонда на амир, на вазир, на қози, на боён, на оддий фуқаро ва на бирон сарбоз йўқки, қишда кийими устидан ведарий матосини ёпиниб юрмаган бўлса. Ҳатто Ироқдан келиб ушбу матони харид қилар ва уни кийганликларидан мағрурланиб юрардилар».

Наршахийнинг Шаҳристон билан Ҳавза ўртасида, Жомеъ масжиди ёнида жойлашган зардўёнӣ корхонаси тўғрисидаги ҳикояси диққатга сазовордир. Бу ерда қимматбаҳо палослар, дераза ва эшик пардалари, жойнамозлар, зар чопонлар тайёрланган. Мазкур корхона фақат сарой эҳтиёжлари учун хизмат қилган.

Шунигдек, тоғ ишлаб чиқариш «саноати» ҳам анча тараққий қилган эди. Манбалардан аниқлашганича (Истахрий, ибн Хавқал, Муқаддасий, «Худуд-ал-олам»нинг поматлум муаллифи), ўша замонларда Урта Осиё конларидан олтингугурт, қўроғшин, кумуш, олтин, мис, фируза, темир рудаси, тошкўмир, нефть, туз ва бошқалар қазиб олинган.

Урта Осиё шаҳарлари қадимдан Яқин ва Урта Шарқ, Волга бўйи ва Хитой билан карвон йўллари орқали боғланиб келганлар. Бу ҳақда ибн Хурдодбех, ибн Фадлан, Гардизий асарларида, шунигдек Хоразм ва Волга бўйида олиб борилган археологик қазилмалардан топилган фактик материаллар мавжуд.

Марказий давлат аппаратиининг ишбатаи мустаҳкамланиши, мамлакатда осойишталикнинг вужудга келиши натижасида деҳқонлар ҳамда шаҳар аҳолисининг аҳволи бирмунча яхшиланди. Халқ энди анча эркин нафас ола бошлади. Чунки у энди босқинчилик урушларидан, талон-торождлардан, оғир ҳарбий солиқ ва жарималардан анча ҳоли бўлган эди. Бундан ташқари, маҳаллий аҳоли араблар ҳукмронлиги даврида ўзи учун ҳақорат ҳисобланган муҳр босиш тартибидан қутилган эди. Аммо шунга қарамай, кенг меҳнаткаш омманинг аҳволи оғир эди. Зиратчилар асосий солиқ ҳисобланган хирождан ташқари яна кўплаб турли солиқ ва жарималар тўлашга, мажбурий ишларга — саройлар, йўллар, кўприклар, қалъалар, масжидлар, мадрасалар қурилишига, сув ҳавзалари ва ариқларни таъмирлашга жалб қилинар эдилар. Ижарачилар жуда оғир аҳволда эдилар. Маълумки, кўпчилик деҳқонлар катта мулк эгаларидан ерларни чоракор сифатида ижарага олиб ишлашга мажбур эдилар. Ижарачи — чоракорнинг ўз от-улови, омоч-бўйинтуруғи, уруғлиги бўлмаган ва ҳосилнинг ўндан бир қисми ҳисобига чоракорлик қилишган. Бундай ҳолда улар ўз мустақиллигини йўқотиб, ер-мулк эгасига батамом қарам бўлиб қолганлар. А. Ю. Якубовскийнинг таъкидлашича, «деҳқонлар амалдорлардан, айниқса молия-солиқ идораси хизматчиларидан кўп азиат чекканлар, чунки солиқ-хирож йиғиш ишлари бево-сита ўша идора тасарруфида эди».

Ҳукмрон синфга қарши кўтарилган бир қатор қўзғолонлар меҳнаткаш халқ оммасининг оғир аҳволдан шохидлик беради. Чунончи, Наршахийнинг таъкидлашича, амир Исмоил 260 йил рамазон ойининг 12 куни (874 йилнинг 1 июль куни) Бухорога келган куннёқ Ромитон ва Барҳадда кўтарилган қудратли деҳқон галаёнларига дуч келган. Қўзғолончилар сони 2000 кишидан зиёдроқ эди.

Наср II ибн Аҳмад (914—943) даврида, яъни 930 йили Бухорода кучли деҳқон галаёнлари бўлди. Мазкур қўзғолонга новвой ўғли ошпаз Абубакр бошчилик қилди. Ниҳоят, 961 йилда содир бўлган қўзғолонни эслаш жоиздир. Бунда қўзғолончилар сомонийлар саройини ёқиб юборганлар.

Наср II замонида рўй берган ижтимоий ҳодисалардан яна

бири шиалар ҳаракатидир. Бу ҳаракат шундай кучли бўлдики, ўз сафларига ҳатто Сомонийлар давлатининг юқори лавозимдаги амалдорларини, лашкарбошиларини, чунончи, Ҳусайн ибн Али Марвозий, бош ҳожиб Ойтош, амирнинг котиби (дабири хос) Абубакр ибн Абу Ашъос, Абу Мансур Чоғоний, Бухоро мухтасиби, молия идорасининг бошлиғи ва бошқаларни ҳам тортган эди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, Амир Наср II нинг ўзи ҳам карматлар сафига кирди.

Аммо мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий ҳаёт анча ривожлана бошлаган эди. Бу эса, ўз навбатида маданиятнинг юксалишига туртки бўлди. Сомонийлар даврида айниқса фан ва адабиёт ривожланди.

Манбаларда ўзларидан кейин ўлмас ноёб асарлар қолдирган кўплаб етук олиму фозилларнинг муборак исму шарифлари сақланиб қолган. Чунончи, кейинчалик Гардизий, ибн ал-Асир ҳамда Жувайний китобларига манба бўлган «Китоб фи-ахбор вулоги Хуросон» асарининг муаллифи Абу Али Ҳусайн ибн Аҳмад ас-Саломий, шунигдек, «Тарихи Бухоро»нинг муаллифи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Сулаймон ал-Бухорий (924 йилда вафот қилган) ҳамда юқорида номи зикр этилган Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Наршахий (959 йилда вафот этган), Самарқанд шаҳри тарихига оид «Китоб ал-икмал ли маърифат ар-рижол» китобининг муаллифи Абу Саид ибн Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Идрисий (1014 йилда вафот этган), саккиз жилдлик биографик асар «Китоб аҳволи Нишопур»нинг муаллифи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Байн ал-ҳақим ан-Найсабурий (1014 йилда вафот этган), «Китоб ал-муфохарат аҳли Кеш ва-н-Насаф»нинг муаллифи Абулхарис Асад ибн Хамдуй ал-Версий (927 йилда вафот этган), ва ниҳоят, «Таварихи Хоразм минха ал-кофи» номи Хоразмнинг қадимий тарихи тўғрисидаги китоб муаллифи Абу Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Саъд ибн ал-Қофий (957 йилда вафот этган) шулар жумласидан. Шу ўринда Табарийнинг машҳур асари «Тарих ар-расул ва-л-мулк ва-л-хулафо»нинг амир Абдулмалик I (954—961) ва Мансур I (961—976)нинг вазири Абу Али Муҳаммад Балъамий томонидан 974 йили амалга оширилган форсча таржимасини кўрсатиш мумкин. Мазкур асар ва унинг таржимаси бир неча марта нашр этилган¹. Жўгрофия билимдонларидан форс классик жўгрофия мактабининг асосчиси, фалакиёт ва жўгрофияга оид 60 дан ортиқ асарлар муаллифи (бу асарлардан иккитасининг: «Тақвим ал-булдон» ҳамда «Китоб ал-бадиъ ва-т-тарих»нинг номи сақланиб қолган) Абу Зайд Аҳмад ибн Саҳл ал-Балхий (850—934)ни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

¹ Матн Техронда 3 марта: Муҳаммад Жовид Машкур (1959), Муҳаммад Тоқи Баҳор (1962) ҳамда Мужтоб Минновий (1966) томонидан нашр этилган. 1961 йилда Куанпурда нашр этилган нусхаси ҳам маълум. Шунигдек, Г. Зотенберг томонидан француз тилига қилинган таржиманинг 4 жилди нашр этилган.

Сомонийлар давридаги жўгрофияга оид адабиётлар ичида Абу Зайд Балхийнинг ҳозиргача топилмаган асари муҳим ўринни эгаллаши мумкин эди. Вазир Жайҳоний Бухорога йўли тушган ибн Фалланин қизини кутиб олгани ҳам маълум. Жайҳоний асари ўша даврда одат бўлган анъанага кўра «Ғаройиб ад-дунё», «Ажойиб ал-булдон» деб аталган бўлиши мумкин. Масъудийнинг тубандаги сўзлари фикримизни тасдиқлайди: «Ал-Жайҳоний дунёни тавсифлаб ҳамда у ҳақда ҳикоя қилувчи, чунончи, ундаги ажойиботлар, шаҳарлар, пойтахтлар, дунё ва денгизлар, халқлар ва уларнинг яшаш маконлари ва бошқа ғаройиб воқеа-ҳодисалар тўғрисида асар яратди».

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, сомонийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда риёзиёт, фалакиёт, тиббиёт, фалсафа, тарих ва бошқа шу сингари фанлар тараққий этди. IX—X асрларда ал-жабр асосчиси ҳамда «Китоб мухтасир фи-ҳисоб ал-жабр ва-л-муқобала», «Ал-китоб фи-ҳисоб ал-ҳиндий», «Китоб сураат ал-арз» ва бошқа асарлар муаллифи Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, «Китоб ал-ҳаракат ас-самовия ва жавомеъ илм ал-нужум» («Осмон жисмлари ҳаракати тўғрисида ва фалакиётга оид китоб»), «Мадҳал ал-нужум» («Фалакиётга кириш»), «Китоб ал-комил фи-л-устурлоб» китобларининг муаллифи Аҳмад ал-Фарғоний (861 йилда вафот этган), Шарқнинг улугъ файласуфи Абу Наср Ғаробий (873—950), буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний, ибн Сино ва бошқалар етишиб чиқдилар ҳамда баракали ижод қилдилар.

Сомонийлар даврида аниқ фанлар — математика, айниқса геометриянинг ривожланиши ажойиб нодир бинолар қурилшига туртки бўлди. Чунончи, Бухородаги Сомонийлар мақбараси, Тимдаги Аработа мақбараси, Эски Термиз ташқарисидаги Қирқ қиз саройи, Афросиёбдаги Сомонийлар саройи қолдиқлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Сомонийлар даврида, шунингдек, адабиёт ҳам анча ривож топди. Манбаларда (Авфий ва бошқалар) назм намояндаларидан ўттизга яқин кишининг номлари сақланиб қолган. Илмий китоблардан фарқли ўлароқ, назм бу даврда бутунча форсий-дарий тилига ўтиб олган эди. Е. Э. Бертельс тўғри таъкидлаганидек, «шоирлар ҳукмрон зодагонлар саройида истиқомат қилишга мажбур эдилар, зеро, уларнинг яшаш учун бошқа манбалари йўқ эди». Шейриятнинг ғоявий мазмуни ҳам ана шунга боғлиқ бўлди. Хулласи калом, шейрият ҳукмрон зодагонларни мадҳ этарди. Аммо бунга қарамай, айрим шоирлар ўзларининг юксак маҳоратлари билан форс-тожик адабиётида сезиларли из қолдирдилар. Чунончи, Абу Абдуллоҳ Жаъфар ибн Муҳаммад Рудакий Самарқандий (855 ёки 860—940), унинг шогирди Шоҳиди Балхий, моҳир қасиданавис ва сатира устаси Абу Зарраъа Ғурғоний, «Офариннома» (ахлоққа оид асар) муаллифи Абу Шукр Балхий (915 йилда таваллуд топган), лирик шейриятнинг моҳир устаси Абу Тоҳир Таййиб ибн Муҳаммад Хусравоний, илк бор «Шоҳнома» яратишга уринган, ўз

замонасининг моҳир лирик шоири Абу Мансур Муҳаммад ибн Аҳмад Дақиқий (997 йилда вафот этган) шулар жумласидандир.

Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарлари (Бухоро, Самарқанд, Насаф, Марв, Ҳирот)да форс тилидаги шейрият билан бир қаторда араб тилида ҳам ажойиб шейрий асарлар ижод этилди. Бу ҳақдаги маълумотларни ас-Саолибий (961—1038)нинг «Иътибат ад-даҳр фи маҳоси аҳл-наسر» («Замондошлар фазилатига оид аср дурдонаси») номли мажмуасидан топиш мумкин¹.

Ибн Сино яшаб, ижод этган давр қисқача ана шундай эди. Жуда ёшлик даврида ноқ ибн Синодаги ўткир қобилият яққол кўзга ташлана бошлади. Унда илм-фанга муҳаббатнинг пайдо бўлишида отаси Абдуллоҳ ибн Ҳасаннинг роли ғоят катта бўлган. Абдуллоҳ ибн Ҳасан асли балхлик бўлиб, ўз замонасининг ўқинишли, анча бадавлат кишиларидан бўлган ва молия-солиқ идорасида хизмат қилган. У ўғлининг ҳар тарафлама чуқур билим олиши учун ғамхўрлик қилди: муаллимлар ёлладн, уйда барча шарт-шароитларни яратиб берди. Бунинг натижасида ибн Сино ўн ёшида Қуръон ва адаб (стилистика, грамматика, поэтика) илмини, 16 ёшида эса фалсафа, фикҳ ҳамда тиббиёт илмларини мукаммал ўрганди. Ибн Сино ўзининг илк устозини деб унга «Ҳинд ҳисоб»ни ўргатган бир савдогарни эслади. Шунингдек, фикҳ илмининг ўткир билимдони Исмоил Зоҳидий, файласуф Абу Абдуллоҳ ибн Иброҳим Нотилий ва атоқли табиб Мансур Ҳасан ибн ал-Қамарийларни ҳам устоз деб билган. Лекин унинг асосий муаллими китоб эди ва уни олим ёшлигидан дўст тутарди.

Ибн Синонинг тибб ва фалсафа олими бўлиб шаклланишида, фикримизча, машҳур тибб олими Абубакр ар-Розий (925 йилда вафот этган), Али ибн Аббос (994 йилда вафот топган) ва Абу Наср Ғаробий (873—950)ларнинг асарлари катта ўрин тутди. Ибн Сино учун 17 ёшли пайтида, яъни 997 йилда амир Нуҳ II ибн Мансур (976—997)ни оғир дарддан ҳоли қилгани ва бунинг эвазига унга мукофот тариқасида сомонийларнинг бой кутубхонасига кириб ишлаш ҳуқуқининг берилиши муҳим воқеа бўлди. Олим бу кутубхонада қарийб 10 йил, яъни то Хоразмга кетганига қадар ишлаб илминини чуқурлаштирди. Ушбу кутубхонада «шундай китобларни кўрдимки,— деб ёзган эди

¹ Мазкур асар Шарқда бир неча марта: 1873 йилда Байрутда, 1886 йилда Дамашқда, 1945 йилда Қоҳрада нашр этилган. Мажмуанинг охириги қисмидан олинган айрим парчалар Барбье де Менар томонидан француз тилида чоп этилган. Бунда Барбье де Менар Саолибий тилга олган барча муаллифларнинг номларини келтиради. Шунингдек, Дитеричининг докторлик диссертацияси ҳам мажмуа асосида тайёрланган. «Иътибат ад-даҳр» материалларидан Р. Дворжак, К. Хуарт, Р. Никольсон, Е. А. Кримский, В. В. Бартольд, И. Ю. Крачковский, Е. Э. Бертельс ва бошқа олимлар фойдаланганлар. Мажмуанинг 4-қисми И. Абдуллаев томонидан ўзбек тилида нашр этилган.

ибн Сино ўзининг «Таржиман ҳол»ида, — кўпчилик ҳатто уларнинг номини ҳам билмайди. Мен бунақа [китоблар]ни бундан аввал ҳам, кейин ҳам кўрган эмасман. Мен ўша китобларни ўқидим ва ўзим учун [кўп] фойда олдим, ҳар бир олимнинг илм-фандаги ўрнини англадим».

Лекин кўп ўтмай, 1005 йилда (бошқа маълумотларга кўра 1000 йил бошларида) олим ўзининг Бухоройи шарифда илмий машғулотларини тўхтатишга ва Хоразм пойтахти Гурганжга жўнаб кетишга мажбур бўлади. Гурганж ўша вақтда Шарқнинг йирик савдо-сотик, сиёсий ва маданий шаҳарларидан бири эди.

Олимнинг Бухорони тарк этишига X асрнинг 90-йилларида Сомонийлар давлатининг оғир иқтисодий ва сиёсий бўҳрон исканжасида қолиши сабаб бўлди. Тарихчи Наршахийнинг сўзларига қараганда, Абдулмалик ибн Нуҳ (954—961) вафот этгандан кейин оқ аскарлар орасида ғалаёнлар бошланган, мамлакат икки қисмга бўлинди. «Ноибларнинг ҳар қайси-си, — деб ёзади олим, — ўзини подшоҳлардай тута бошлади». Яна бир катта тарихчи Утбий ҳам шундай фикр айтган. «Вилоятларнинг кўпчилиги, — деб ёзади у, — исёнчилар қўлида қолди, ҳукуматнинг даромади қисқарди, сипоҳийлар аҳолини таъкиб остига олдилар, ҳокимият турклар (турк ғуломлари — Б. А.) қўлига ўтди, вазирларнинг қарорлари эса икки пул бўлиб қолди». Хулласи калом, амир Нуҳ ибн Мансур (943—954) даврида бошланган ўзаро феодал кураш X аср 90-йилларининг ўрталарига келиб Кўҳистон, Балх, Ҳирот, Чағониён ва Хоразмнинг Сомонийлар давлати таркибидан ажралиб чиқишига олиб келди. 987 йилга келиб эса Амударёнинг сўл тарафидаги вилоятлар турк амирларидан Абу Али ибн Абулҳасан Симжурийнинг, 996 йили эса ҳаммага маълум ва ғазнавийлар сулоласининг асосчиси турк Сабуктагиннинг қўлига ўтиб қолди. Турклар истиқомат қилиб турган ва Сирдарёнинг ўнг тарафида жойлашган Исфижоб (Сайрам), Марка ва бошқа вилоятлар ҳам сомонийлар назоратидан чиқиб кетди. Бунинг устига мамлакатнинг шимоли-шарқ тарафидан қорахонийларнинг ҳарбий-сиёсий тазйиқи ҳам ортиб бораётган эди. Хазина ғариб бўлиб қолиб, феодалларнинг исёнини бартараф қилиш ва қорахонийлар тазйиқини синдириш учун на куч ва на етарли маблағ бор эди.

Бундай оғир шароитда сомоний амирлар аҳолидан тўпладиган солиқ ва жарималарни бирмунча кўпайтирдилар. Тарихчи Муқаддасийнинг гувоҳлик беришича, юқорида номи зикр этилган амир Нуҳ ибн Мансур подшоҳлиги йиллари деҳқонлардан йилига икки мартадан солиқ тўплай бошладилар, айрим ҳолларда солиқлар барвақт — йил бошида ундирилди.

Сомонийлар давлати иккирозининг ташқи сабаблари ҳам бор эди. Хусусан, қорахонийларнинг Қошғар ва Еттисув тарафидан бостириб кириши бу тарихий жараёни тезлаштирди. Масалан, қорахоний хонларидан Абу Мусо ал-Ҳасан (Хорун) ибн

Сулаймон амир Абу Али Симжурий билан келиши билан (уртада тузилган шартномага биноан Мовароуннаҳр тўлиғича қорахонийлар қўлига ўтадиган, Амударёнинг жанубий соҳилида жойлашган вилоятлар эса амир Абу Али Симжурийнинг ихтиёрида бўладиган бўлди) 992 йили Боласоғундан қўшин билан чиқди ва ҳеч қандай қаршиликсиз Исфижобни эгаллади. Сўнг Мовароуннаҳрнинг ичкари ноҳияларига бостириб кирди ва кўп ўтмай Бухоро остоналарида пайдо бўлди. Қорахонийларнинг бу қадар енгил ғалаба қилишига сомонийлар хизматида бўлган Фоиққа ўхшаган баъзи амирларнинг хоинлиги, мусулмон рухонийлари бошлиқларининг қорахонийларни ёқлагани сабаб бўлди. Уша йили қорахонийлар вақтинча бўлса-да, Бухорони ҳам эгалладилар.

Қорахонийлар орадан тўрт йил ўтиб, 996 йили Мовароуннаҳрга яна бостириб кирдилар. Ушанда қорахоний Наср ибн Али билан нуфузли сомоний амирларидан Сабуктагин ўртасида имзоланган шартномага биноан Самарқанднинг жанубидаги Қативон дашти Қорахонийлар давлати билан Сомонийлар давлатининг чегараси деб эътироф қилинди. Амир Мансур II вафот этгандан (999) кейин Мовароуннаҳр бутунлай қорахонийлар тасарруфига кириб қолди.

Юз берган мана шундай оғир шароитда ҳам ибн Сино тинимсиз ва унумли меҳнат қилди, шуҳрат қозонди. Бунга олимнинг 997 йили буюк замондоши Абу Райҳон Беруний билан ёзишмаларига Арастунинг «Физика» ва «Осмон ҳақида китоб» асарлари хусусида келтирган илмий далил-исботлари ва бу хусусда илгари сурган ғоялари мисол бўлиши мумкин. Ёзишмаларга қараганда, олимнинг «Китоб уш-шифо» ва «Ал-қонун фи-т-тибб» китобларининг ёзилиш режаси ўша пайтларда Бухоройи шарифда туғилган.

Бу вақтларда Абдулҳасан Али ибн Маъмун (997—1009) қўлида бўлган Гурганж шаҳрида ибн Сино 7 йилга яқин истиқомат қилади. Олим шу етти йил ичида хусусан қандай китоб устида иш олиб борганлиги, нималар билан машғул бўлгани ҳақида манбаларда маълумот учратмадик. Тахминимизча, у ўша йиллари Абу Саҳл ибн Яҳё ал-Масиҳий, Абулхайр ибн ал-Ҳаммор, ибн Ироқ каби буюк олимларнинг мажлисларида қатнашган, кўпроқ беморларни муолажа қилиш билан машғул бўлган. «Ўрта осеёлик машҳур фан ва маданият арбоблари билан олиб борган мувоҳиса ва суҳбатлари, — деб ёзган эди В. Н. Терповский, — ибн Синога илм-фаннинг бир қанча соҳалари, хусусан тибб илми бўйича билимини чуқурлаштиришга ёрдам берди». Олиб борган муолажалари ҳам бунда катта роль ўйнади. Ибн Сино Хоразмда бўлган ўша йиллари «Ал-қонун фи-т-тибб» асари учун кўп материал ҳам тўплади.

Тез орада Хоразмнинг бошига ҳам қора кунлар тушди. Хоразм шоҳи Абулаббос ибн Маъмун давлат ишлари билан шуғулланмай, машаат ва кайф-сафога берилиб кетди. Хоразм учун аяникли бўлган 1016 йил тўғрисида Беруний бундай деб ёзади:

«Мазкур йил [мамлакатнинг] вайрон ва талон-торож қилиниши билан якунланди. Хоразмшоҳ эса бу ҳодисага узоқ вақт фарқ қараб келди, чунки кўп йиллардан бери кайф-сафо ва маънават билан машғул эди». Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи томони шундаки, Султон Маҳмуд ҳозирги Афғонистон, шунингдек Эроннинг катта қисмини ўзига бўйсундириб ҳамда Мовароуннаҳрда қорахонийлар билан сулҳ тузиб олиб Хоразмга тажовуз қила бошлади. Урта асрларда мавжуд бўлган анъанага мувофиқ, Султон Маҳмуд Хоразмшоҳдан мамлакатдаги барча олиму фозилларни, шу жумладан ибн Синони ҳам Ғазнага жўнатишни талаб этди ва Гурганжга Абу Абдуллоҳ ал-Ҳусайн ибн Али Микол бошлиқ махсус элчилар гуруҳини юборди. Хоразмшоҳ ғазнавийлар элчисини қабул қилишдан олдин ўз ҳузурига барча олиму фузалоларни тўплаб, элчиликнинг мақсадини баён этди. Абу Наср ибн Ароқ, Абулхайр ибн ал-Ҳаммор ва бошқа олимлар Ғазнага боришга розилик билдирдилар. Аммо Абу Саҳл Масиҳий ҳамда ибн Сино бундан қатъиян бош тортдилар ва Хоразмдан қочиб чиқиб кетдилар. «Султоннинг [элчи юборишдан кутган] асосий мақсади, — деб ёзади Низоми Арузи Самарқандий, — Абу Алини (Абу Али ибн Синони — Б. А.) ўз ҳузурига чорлаш эди». Шунинг учун ҳам у олимни қандай қилиб бўлса-да, қидириб топиб Ғазнага олиб келиш учун барча чораларни ишга солди. «Абу Наср Ароқ рассом эди. [Султон Маҳмуд] унга Абу Алининг сиймосини қоғозга туширишни буюрди ҳамда бошқа рассомларни тўплаб, ундан 40 донга нусха кўчиришни буюрди. Мазкур нусхалар подшо фармони билан [барча] вилоятларга юборилди ҳамда вилоят ҳукмдорларига «ушбу суратдаги киши Абу Али ибн Сино, бу кишини топиб менинг ҳузуримга юборинглар», деб буюрди. Аммо ибн Сино яхшилаб беркинишга муваффақ бўлган эди ва йигирма беш йил мобайнида Гурганжда (1012—1014), Райда (1014—1015), Ҳамадонда (1015—1023), Исфаҳонда (1023—1037) истиқомат қилди, ижод этди. Аммо олимнинг ҳаёти турли хавф-хатарлардан ҳоли эмас эди. У Ҳамадондаги Фаражон қалъасида тутқунликда яшади. Шамсуддавллага (997—1021) қарши исён кўтарган лашкар-ғулмлар уни (ибн Синони) қатл этишни талаб этдилар. Аммо бундай қийинчиликларга қарамай, ибн Сино тинмай меҳнат қилаверди, касалларни даволади, шогирдлари билан шуғулланди, бутун умри давомида тўплаган материалларини жамлади, «Китоб аш-шифо», «Қонун», «Ҳайй ибн Йақзон», «Донишнома» китобларини яратди. Унинг иш куни тартиби тўғрисида шогирди бундай деб ёзган эди: «У (ибн Сино) тонг отмасдан уйғонар ва «Китоб аш-шифо» устида ишлар эди. тонг отгач эса шогирдларини қабул қиларди. Эрталабки вақти шогирдлари билан банд бўларди. Бу пайтда ҳовли беморлар билан гавжум бўлар эди... Ибн Сино то пешини намозигача шогирдлари билан машғулот ўтказар эди...» Аммо шунга қарамай, Абу Убайд Жузжонийнинг таъкидлашича, у (ибн Сино) бир кунда баъзан эллик варақча илмий асарлар ёзган. Бу

ерда ибн Сино ўзининг «Китоб аш-шифо», «Ал-қонун фи-т-тибб», «Донишнома», «Ҳайй ибн Йақзон» сингари шоҳ асарларини ёзиб тугатган.

Оғир дарбадарликда ўтказилган ҳаёт, илмий асарлар устида тиним билмай ишлаш, ўз вақтида дам олмаслик олимнинг соғлиғига путур етказди. Ибн Сино ҳижрий 428 йил рамазоннинг биринчи куни (1037 йил 18 июлда) 58 ёшида вафот этди. У ўз ўлими олдидан барча мол-мулкни камбағал, бева-бечораларга тақсимлаб берди. Улими олдидан у: «Биз ўламиз, аммо ўзимиз билан бир нарсани, ҳеч нарса билмаслигимизни олиб кетамиз», — деган эди.

ИҚТОЪ ФЕОДАЛ ИНСТИТУТИ

(Урта Осиё, XVI—XVIII аср бошлари)

Тарихий китобларда «иқтоъ» феодал институтининг XVI—XVIII аср бошларида Урта Осиёда тутган ўрни ва мавқеи ҳақида ҳанузгача аниқ бир фикр айтилмаган. Махсус китобларда бу масала хусусида П. П. Иванов томонидан бундан ўттиз-қирқ йил муқаддам билдирилган кўп ҳам аниқ бўлмаган фикр ҳамоз ҳукм суриб келади. Ваҳоланки, тарихий манбаларда бу масала хусусида аниқ фикр юритишга имкон берувчи маълумотлар анчагина учрайди.

«Иқтоъ» атамаси XIV асрнинг иккинчи ярмида муомаладан чиқиб, ўрнини «суюрғол» атамасига бўшатиб берган бўлса-да, XVI аср ўрталаридан бошлаб яна Урта Осиё манбаларида қўлланила бошланган ва бу ҳол XVIII асрнинг 20-йилларига қадар давом этиб келган.

Тадқиқотчиларнинг «иқтоъ» атамаси ва унинг моҳиятига берган баҳолари қай даражада? деган савол туғилади.

Бухоролик йирик тарихчи олим Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома» (бошқа номи «Шарафнома-йи шоҳий») асарини ўрганиш жараёнида П. П. Иванов биринчи бўлиб «иқтоъ» атамасига тадқиқотчиларнинг диққат-этиборини жалб қилди ва қуйидаги хулосага келди: «Бу ерда сўз Эронда мўғуллар даврида (XIII—XIV асрларда — Б. А.) кенг тарқалган «ҳарбий иқтоъ» устида бораётир». «Суюрғол», «иқтоъ» ва «танҳо» атамаларининг бир маънода қўлланишларини таъкидлаб, у яна бундай дейди: «Суюрғол» ва «иқтоъ» атамалари билан бир қаторда Урта Осиёда XVI асрдан бошлаб биринчи мартаба муомалага кирган ва афсуски, зикр этилган («иқтоъ» ва «суюрғол» атамалари — Б. А.) билан бир маънода қўлланилган «танҳо» атамаси ҳам учрайди... ва бу ерда сўз бир хил ипъомлар хусусида кетяпти. Фикримизнинг далили сифатида кўрсатиш мумкинки, XVII асрдан бошлаб «иқтоъ» атамаси Урта Осиё манбаларида учрамайди ва ўз ўрнини тўла ҳолда «танҳо» атамасига бўшатиб беради. Бундан хулоса қилиш мумкинки,

XVI асрда «иктоъ» атамаси афтидан китобий ибораларнинг анъанавий қолдиғи сифатидагина сақланиб қолган.

Тахминан шундай фикрни йирик шарқшунос олим И. П. Петрушевский ҳам билдирган. У хусусан бундай деб ёзади: «Шубҳасиз, «иктоъ» феодал институт сифатида XVI—XVIII асрларда ишлатилмаган ва ўз ўрнини — «суюрғол» ва «тиул» институтларига бўшатиб берган.

«Иқтоъ» атамаси XVI—XVII ва ҳатто XVIII аср тарихий манбаларида учраб туради. «Суюрғол» ва «тиул» атамалари ва улар ифода этган институтлар эса кенг тарқалган эди. Аммо XVI—XVII аср тарихий манбаларида «иктоъ» атамаси аниқ юридик маънони ифода этмаган, балки инъом маъносида, яъни «иктоъ» ўрнини олган феодал институтларни ифодаловчи синоним сифатида қўлланилган.

Таниқли шарқшунос олим М. А. Абдураимовнинг фикрича, «иктоъ» атамаси XVI—XVII асрларда мустақил бир маънога эга бўлмаган ва «танҳо»нинг синоними сифатида ишлатилган. Унинг ёзишича, «танҳо» феодал институти (муваққат, шартли тортиқ) иқтоънинг бошланғич шаклидаги маъносига яқин маънода қўлланилган... бу даврда ҳар икки атама («танҳо» ва «иктоъ» — Б. А.) муваққат шартли инъом маъносини билдирган.

Кўрииб турибдики, бир гуруҳ мутахассис олимлар «иктоъ» XVI—XVIII асрларда «суюрғол», «тиул» ва ҳатто «танҳо» феодал институтларининг синоними сифатида қўлланилган, деган фикрни илгари сурганлар. Аслида шундаймикан? «Иқтоъ», «суюрғол» ва «танҳо» атамалари ўхшаш маънога эга бўлганмикан? деган савол туғилади.

«Суюрғол» атамасини олиб кўрайлик, XVI—XVII аср манбаларида у «иктоъ» атамаси билан бир қаторда «инъом» маъносида тушунилади. Аммо ҳар икки атаманинг («иктоъ», «суюрғол») моҳияти ҳамма вақт ҳам бир хил бўлмаган. Чунончи, XVI асрда ҳар иккала атама: «иктоъ» ва «суюрғол» институтлари бир маънога эга бўлган ва шартли равишда сулола аъзолари, ҳарбий бошлиқлар ва кўзга кўринган давлат арбобларига тожу тахт олдида кўрсатган махсус хизматлари эвазига берилган инъом (вилоятлар, ноҳиялар) маъносини билдирган. «Иқтоъ» ва «суюрғол» эгалари молиявий ва маъмурий имтиёзларга эга бўлганлар. Масалан, XVI асрнинг иккинчи ярмида Шаҳрисабз ва унинг атрофидаги туманлар Абулхайр султоннинг иқтоъси бўлган. Насаф эса Худойберди султонга суюрғол қилиб берилган. Ҳисор — Ўзбек султонга иқтоъ тарзида инъом этилган. Самарқанд иқтоъ сифатида ўзбеклар ҳукмдори Абдуллахон II (1583—1598 йиллари расмий равишда Бухоро тахтида ўлтирган)нинг иниси Ибодуллоҳ султонга ҳадя этилган эди.

Кейинчалик, яъни XVII—XVIII асрларда, суюрғол маъноси ўзгариб боради. Юридик ҳужжатларда ҳам, тарихий китобларда ҳам, у мусулмонларнинг йирик пешволари ва уламоларига

берилган турли ҳадялар (ер участкалари, маблағ)ни англатган.

XVII аср тарихчиси Маҳмуд ибн Вали умуман инъом ҳақида сўз борганда ҳар икки атамани: «суюрғол» ҳамда «иктоъ»ни бир маънода (инъом маъносида) ишлатади ва уларнинг қўлланилишини аниқлаштиради. Масалан, суюрғол деганда у давлат олдида кўрсатган алоҳида хизматлари эвазига шайхлар, уламолар ва шоирларга берилган инъомларни назарда тутаяди. Чунончи, аштархонийлардан Вали Муҳаммадхон (1606—1611) 1607 йили Тошкентни Ишим султон тасарруфидан озод қилгандан кейин кўрсатган катта ёрдамлари эвазига тошкентлик шайхлар, уламо ва олимларни тўғфалар ва суюрғоллар билан тақдирлайди. Яна бир аштархоний — Нодир Муҳаммадхон даврида (1642—1645) мавлоно Абдулмўмин Миёнқолий, мударрис Шохбек кўкалтош (Балхда), Малик Интиҳоб номини олган қасиданавис шоир ва олим мавлоно Ниёз, Шайх Низойи ва мавлоно Шариф Воло каби шоирлар унча катта бўлмаган суюрғол эгалари бўлишган.

Р. Н. Набиев томонидан Бухоронинг шайбонийлар ва аштархонийлар сулолаларига мансуб ҳукмдорлари ва уларнинг Тошкент ва Андижондаги ҳокимлари ёрлиқларининг ўрганилиши ҳамда А. Жувонмардиевнинг ҳозирги Наманган вилоятидаги Караскон ва Қизил работ қишлоқларида жойлашган Султон Саид авлиё авлодларига тегишли суюрғолларни ўргаништон бағишланган асарлари шуни кўрсатадики, XVII асрда «суюрғол» саййидлар, шайхлар, уламо ва йирик шоирларга тақдим этилган ҳар турли инъомни англатган. Бу ҳолни Маҳмуд ибн Валининг юқорида тилга олинган маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Афтидан, бу ерда биз XVIII аср охирида битилган «Ушрия ва хирожия ерлари ҳақида рисола» муаллифи бухоролик фақиҳ Ибодулло ибн хожа Ориф Бухорий томонидан ҳам аниқ таърифланган ва ўша давр учун ўта хос бўлган шартли тарзда берилган инъомнинг айнан ўзини кўриб турибмиз. Мазкур рисолада хусусан бундай дейилади: «Агар динпаноҳ подшоҳ девои ихтиёридаги ерни (мамлакат) кимгадир инъом қилгудай бўлса ва у (яъни мулк) уламо ва саййидларга берилса, суюрғол деб аталади; борди-ю ҳарбийларга (муқотилин) ҳадя этилса унда танҳо деб аталади». Кўрииб турибдики, XVII асрдан бошлаб суюрғол ва иқтоъ бир маънода қўлланилмаган.

Юқорида зикр этилган рисолада (Ибодулло хожа Бухорий асарида) тўғри кўрсатилганидек, XVI асрнинг иккинчи ярми — XVIII аср бошида «танҳо» (танҳоҳ) атамаси ҳам тамоман бошқа маънога эга бўлган. Аниқ маълумотларга мурожаат қилайлик. «Абдуллонома» муаллифи юқорида тилга олинган бухоролик ҳукмдор шайбоний Абдуллахон II билан Насаф ҳокими Худойберди султон ўртасидаги 1552 йили содир бўлган уруш ҳақида ҳикоя қиларкан, мана буларни ёзади: «Абдуллахон ғалаба байроғини Қасби вилояти устига тиккандан кейин Насаф-

волни биз 1611 йили Вали Муҳаммадхоннинг ҳокимиятини қайтариб олиш учун Эрон аскарлари ёрдамида Урта Осиёга бостириб киришига оид воқеалар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ушанда Имомқулихон (1611—1642) Мовароуннаҳр иқтўдорларининг кўмагида ғанимни мағлубиятга учратиб, олий ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолишга муваффақ бўлган эди. Яна бошқа бир ерда Маҳмуд ибн Вали Муҳаммадхоннинг 1607 йили Кўлобга, исёнкор Мирза Ҳасанга қарши юриши ҳақида ҳикоя қилар экан, бу ҳарбий юришда Мовароуннаҳрнинг 42 нафар иқтўдори қатнашганлигини айтади. Юриш муваффақиятли тугагандан кейин уларнинг барчаси бой ўлжалар билан ўз иқтўварига қайтиб кетишган. Иқтў эгалари (иқтўдор)нинг бу ерда қайд этилган сони бу феодал институтнинг биз сўз юритаётган даврда Урта Осиёда кенг тарқалганлигидан далолат беради.

Энди иқтўнинг инъом этилиши тартибига келсак, энг аввало бу шартли тарзда бўлган, яъни вақтинча берилган. Юқорида зикр этилганидек, олий ҳукмдор иқтў ерларининг ҳажмини қисқартириши ёки кенгайтириши, иқтўдорларни у мулкдан бошқасига ўтказиши, кези келганда, асосли сабаблар бўлганда, иқтўдорни бу ҳуқуқдан маҳрум этиши ҳам мумкин бўлган. Ўзбек султоннинг тақдир бунга яққол мисол бўлиши мумкин. У шайбонийлар орасида энг кўзга кўринганлардан, ёш жиҳатдан Абдуллахондан анча улуғ, унинг амакиси бўлганди. Маълумки, турк-мўғул халқлари орасида сақланган расм-русмга кўра, ёш жиҳатдан улуғлар махсус имтиёзларга эга бўлганлар. 1559 йилнинг август ойида унга Насаф ва Шаҳрисабздек йирик вилоятлар иқтў тарзида инъом этилган эди. 1570/71 йили Абдуллахоннинг Балхга, Динмуҳаммадхонга (1567—1573) қарши юришида Ўзбек султон Андхудни эгаллаб олгандан кейин, Абдуллахондан юз ўгириб Балх ҳокимига хайрихоҳлик изҳор қилади. Ушанда Абдуллахон унинг иқтўсини тортиб олади ва 1559 йилда Ибодулло султонга берилган (иқтў тарикасида) Самарқанд мулкига қўшиб юборади. Ўзбек султон тўрт йил давомида Абдуллахоннинг мурувватини кутса-да, хон барибир унинг аввалги иқтўсини қайтариб бермайди. Фақат 1574/75 йилдагина Абдуллахон Жўйбор ҳожаларидан хожа Саъд, Қулбобо кўкалтош ва бошқа йирик мансабдорларнинг илтимосларини инобатга олиб Ўзбек султоннинг гуноҳидан ўтади, аммо аввалги иқтўсини (Кўлобни) қайтариб бермайди: унга фақат Ҳисор вилоятинигина қолдиради, холос. «Абдулланома» муаллифининг гувоҳлик беришича, Ўзбек султон кейинги йилларда марказий ҳукуматга сидқидилдан хизмат қилади, Абдуллахоннинг барча ҳарбий юришларида фаол иштирок этади. 1585 йили Ҳасанбек Шайх Умарий ва Бобо Вали етакчилик қилган бадахшонликлар кўзғолонини бостиришдаги фаол иштироки учун Абдуллахон қўшимча равишда унга Кўлоб вилоятини инъом этиб, унинг иқтўсини кенгайтириб беради.

Бу хусусда қуйидаги мисол ҳам аҳамиятга моликдир. 1611 асрнинг кўзга кўринган тарихчиларидан Мир Муҳаммад Аминий Бухорий шуни таъкидлайдики, хон иқтў ҳажмини кенгайтиришда айрим ҳолларда қўл остидагиларнинг содиқлиги ва фаоллигидан келиб чиқиб спёсат юргизган. Олим шундай ҳикоя қилади: «Амирлар ва лашкарбошилар довиорак ҳукмдорнинг Балхга, Маҳмудбийга қарши юриш зарурлиги ҳақидаги бу сўзларини эшитишлари биланоқ, уларнинг ҳаммаси тиз чўкиб, бош эгдилар ва шундай дедилар: «Олий ҳукмдорнинг ҳишларини амалга ошириш йўлида жонимизни ҳам аямаймиз, найза ва қилчларни ишга солиб, Таңгрининг ипояти билан, бу хиёнаткор ғанимни бартараф қилишга қасамёд қиламиз. Олам подшосининг нафосат таратувчи фикри бандаларига жондир. Шунинг учун қайғурмасалар ҳам бўлади. Биз қулларингизнинг жонимиз битта, борди-ю мингта бўлганда ҳам, не қилардик? Албатта, уни султонимиз отларининг туёқлари остига ташлаган бўлардик». Подшоҳ амирлари ва лашкарбошиларининг ўз ҳаётларини у учун қурбон қилишларига тайёр эканлигини эшитгач, уларнинг иқтў ва маошлари миқдорини ошириб, туҳфалар тақдим этиб, бахтиёр қилади.

Шу ҳам диққатга сазоворки, ўрта осиелик ҳукмдорлар хорижий мамлакатлардан келиб қолган султонларга ҳам уларнинг хизматларини инобатга олиб, иқтў инъом этганлар. Чунончи, қозоқ султонлари Шифойхон ва унинг ўғли Таваккал султонлар Абдуллахоннинг Тошкент ва Туркистон ҳукмдори Бобохон авлодларига қарши курашида кўрсатган ёрдамлари учун 1581 йили Хўжанд вилоятини иқтў тарзида оладилар. Худди шундай мавқега хоразмлик султонлардан бири Аҳмад султон XVII асрнинг биринчи чорагида Балхда эришган.

Балхда ҳам Мовароуннаҳрдагидек иқтў ҳажми бир хилда бўлмаган ва иқтўдорнинг ижтимоий мавқеи билан боғлиқ бўлган. Хусусан, йирик амирлар ва кўчманчи қабилаларнинг сардорларига тегишли иқтў фақат битта вилоят билан чега-раланган. Масалан, Қундуз — Абдурахмон оталиқнинг иқтўси, Термиз — Ўразбий оталиққа тегишли, Жузжон — Хўжамбек тўқсабоннинг иқтўси, Андароб — Едгор кўрчига тегишли бўлган. Шаҳзодаларнинг иқтўси эса жуда катта ҳудудларни ўз ичига олган. Чунончи, 1630/31 йили Нодир Муҳаммадхон қуйидаги вилоятларни фарзандларига иқтў қилиб берган: тўнғич ўғли Абдулазизга Балх мулки ғарбий вилоятларининг катта қисмини, яъни Маймана, Шибирғон, Дарзоб ва Форёбларни инъом қилган. Орадан беш йил ўтгач, 1635/36 йили уларга Андхуд ва Жузжон вилоятларини ҳам қўшиб берди. Бу иқтўнинг шарқий ҳудуди деб Хатабот кўприги, ғарбда — Мурғоб дарёси, шимолда — Амударёнинг жанубий қирғоғи ва жанубда — Ғур вилояти қабул қилинди. Ҳажм жиҳатидан Нодир Муҳаммадхоннинг бошқа ўғилларига тегишли бўлган иқтўлар ҳам Абдулазиз султоннинг иқтўсидан қолишмаган. Масалан, Баҳром султон Хутталондек катта ўлканинг эгаси бўлган ва Вахш, Бал-

жуон, Қубодиён, Номир ва Хашт ноҳияларини ўз ичига олган. Хусрав султонга эса тақрибан ўттиз ноҳияни (Айбак, Арханг сарой, Бағлон, Ғури, Кишм, Норин, Рустоқ, Толиқоғ, Фархор, Хуст ва бошқаларни) ўз ичига олган Тохаристон иқтоъ тарзида инъом этилган. Нуфузли амирлардан олчин қабиласидан бўлмиш Ялангтўшбий ҳам йирик иқтоъ эгаси бўлган. Унга Дарайи суф, Мулгон, Қоҳмерд вилоятлари, тулкичи, сайқанчи чиранги, килаги, ҳазораникудорий сингари кўчманчи қабилаларнинг юртлари, яъни Ғазна ва Қандоҳоргача бўлган ҳудудни ўз ичига олган Гарчистон иқтоъ тарзида инъом этилган. Рус элчиси Аннсим Грибов (1641) ҳам Ялангтўшбийга тегишли иқтоъ ҳудудларини тақрибан зикр этилганидек тартибда баён этади. Унинг ахборотида, чунончи, қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Балхдан солиқ йиғиш учун Ҳиндистон давлати сарҳадларида жойлашган Ҳиндикуш қишлоқларигача борилади. Балхдан то Ҳиндикуш бағридаги ҳинд қишлоқларига олиб борувчи йўл отлиқ учун 7 кун, туяда эса 14 кунлик йўл ва ундан кўпроқни ҳам талаб қилади. Балх ва ҳинд сарҳадлари ораллигидаги қишлоқлар, шаҳарлар Бухоро ва Балх хонларининг яқин кишилари билан бўлмиш амир Ялангтўшнинг мулки ҳисобланади». «Балх ул-асрор» муаллифи Ялангтўшбийни хондан кейин иккинчи, энг бадавлат шахс деб таърифлайди, унинг мол-мулки миқдорини эса давлат хазинаси билан қиёслайди.

Шундай қилиб, кўриниб турибдики, иқтоъ — бу кенг қамровли ва ўзига хос феодал институтдир. Феодал мулкчиликнинг иқтоъ шакли тараққиёти бора-бора маҳаллий феодалларнинг мустақамланиши ва иқтоъ эгаларининг мустақилликка тобора интилиб боришларига йўл очиб берди. Бу тўнтариш (яъни йирик ер эгалигининг тараққиёти — Б. А.), — деб ёзган эди Ф. Энгельс, — шуниси билан диққатга сазоворки, давлатни бирлаштириш, мулкдорларни олий ҳокимиятга қарам этиш ва бу билан подшоҳларнинг марказий ҳокимиятини кучайтириш йўлида қўлланган восита бўлишига қарамай, у охир-оқибатда тождорларнинг нуфузини тамоман кесиб қўйди, мулкдорлар мустақиллигига йўл очиб берди ва давлатнинг таназзулига олиб келди. Ф. Энгельснинг XVIII аср олмонлар жамияти ҳаётига тегишли бу сўзлари XVI—XVIII асрлар Ўрта Осиё феодал жамияти учун ҳам тўлалигича хосдир. Эътиборга молик бир неча мисоллар келтириб ўтамиз. 1582 йил 19 сентябрда Абдуллахон II ўз ўғли ва тожу тахт вориси Абдулмўмин султонга Балх ва унга тобе вилоятларни иқтоъ қилиб беради. 1585—1586 йиллари Абдулмўмин отасининг ҳарбий ёрдами билан Тохаристон ва Бадахшоннинг бир қисмини ҳамда Хутталон вилоятини ўз мулкига қўшиб олишга муяссар бўлади. Шундай катта мамлакатда ўз мавқеини мустақамлаб олган Абдулмўмин бир йилдан сўнг, 1587 йили Бухорога, яъни отасига тобеликдан бош тортиб, ўз мулки мустақиллигини эълон қилади. Аҳвол шу даражага бориб етадики, ҳар икки томон жадал суръатлар билан урушга тайёргарлик кўра бошлайдилар. Аму-

дарё бўйларида ўз кўшинларини йиғишга киришадилар. 1587 йилдаёқ улар бир-бирларига қарши ҳарбий юришни бошлашга шай эдилар. Фақат Абдуллахоннинг тўсатдан вафот этиши (1598 йил 9 февраль) Балх билан Бухоро ўртасида содир бўлиши муқаррар бўлган қирғин-барот урушининг олдини олди.

1645 йили Бухоро тахтидан ўз ўғли Абдулазиз султон томонидан ағдарилган Нодир Муҳаммадхон илгариги мулки Балхга қараб қочди. Сўнгра бухоролик лашкарларнинг Балхга ҳужумидан хавфсизраб бобурийлар кўмагида чегараларни мустақамлашга киришди. Аммо унинг ўғил ва набиралари (Субхонқули султон — Жузжонда, Қутлуқ султон — Қундузда, Қосим султон — Маймана ва Андухда) бирин-кетин марказий ҳукумат тобелигидан бош тортиб исён кўтардилар. Бундай шароитда Нодир Муҳаммадхон Ҳиндистон подшоси Шоҳжаҳонга (1628—1657) ёрдам сўраб мурожаат этишга мажбур бўлди; мамлакат ҳинд аскарлари томонидан забт этилди.

Келтирилган материал ва баён этилган фикрлардан қуйидаги хулосага келиш мумкин:

- 1) XVI—XVIII аср бошларида иқтоъ маълум ҳудудни, яъни маъмурий суд ва солиқ дахлсизлиги билан вақтинчалик ва шартли равишда бериладиган инъомни англатган;
- 2) иқтоъ эгалари ҳукмдор хонадоннинг аъзолари, йирик амирлар ва ҳарбий кўчманчи аслзодалардан иборат бўлган;
- 3) иқтоъ миқдори инъом этилаётган шахснинг жамиятда тутган ижтимоий-сиёсий мавқеига боғлиқ бўлган;
- 4) иқтоъ хирожининг маълум қисмини марказий давлат хазинасига тошириб туриш ва ҳарбий хизмат кўрсатиш шартли билан берилган;
- 5) мамлакатнинг иқтоъларга тақсимланиши, айниқса катта миқдордаги иқтоълар, охир-оқибатда ўзаро феодал курашнинг кучайиб кетиши ва марказий ҳокимиятнинг заифлашуви ва бошбошдоқликларга олиб келди.

КУЧМАНЧИ УЗБЕКЛАР ДАВЛАТИ

Кириш

Ўзбек халқи кўнгила бошқа халқлар сингари қадимий халқлардан бири бўлиб, кишилик жамияти босиб ўтган барча ижтимоий-иқтисодий формацияларни бошдан кечирган. Ўтмишдан қолган ва бизнинг замонамизгача етиб келган тарихий ва бошқа ёдгорликлар ўзбекларнинг ота-боболари қадимдан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаганлиги ҳамда унинг асосий аҳолисидан бири бўлганлигини тасдиқлайди. Лекин ўзбек халқининг қадимий ва бой тарихи ҳозирга қадар муфассал ўрганилмаган.

Ўзбекларнинг келиб чиқиши ҳақида олимлар томонидан турлича фикрлар айтилган. Баъзи бир олимлар ўзбеклар ўз

номини Олтин Урда хони Ўзбекхон (1312—1342) дан олган деб айтадилар.

Н. А. Аристовнинг фикрича, «ўзбек» номи Ўзбекхонгача умуман тарихда учрамайди. «Шунинг учун ҳам ўзбеклар ўз номини ана шу хондан олган, деб ҳисоблаш керак», деб хулоса қилади бу олим. А. Ю. Якубовский «ўзбек» сўзи форсча — «ўзбекиён» — ўзбекни (кўплиги — ўзбекларни) сўзидан келиб чиққан деб тахмин қилиб, у ҳам ўзбеклар ўз номини юқорида тилга олишган Ўзбекхондан олган, деб айтади. Машҳур Урта Осиё тарихчиларидан П. П. Иванов ҳам шундай фикрда бўлган. «Ўзбек» сўзининг келиб чиқиши, — деб ёзади у, — бизнинг фикримизча, Олтин Урда хони Ўзбекнинг номи билан боғлиқдир». Чет эл тарихчиларидан Г. Ховорс, А. Вамбери, М. А. Чапличка ҳам ўзбекларнинг келиб чиқишини Ўзбекхоннинг номи билан боғлайдилар. В. В. Григорьев бу тўғрида маълум бир фикр айтмаган бўлса ҳам, ўзбекларнинг келиб чиқиши ҳақида айтилган юқоридаги фикр асоссиз эканлигини ўз вақтида биринчи бўлиб кўрсатди. Профессор А. А. Семёнов В. В. Григорьевни қувватлаб, «ўзбек» сўзи Ўзбекхондан қарийб 100 йил кейин Оқ Урдада келиб чиққанлигини, XVI—XV асрда яшаган Урта Осиё ва Эрон тарихчилари Оқ Урданинг турк-мўғул кўчманчи қабилаларини шу ном билан атаганликларини айтади. Яна бир гуруҳ тарихчилар ҳам (П. Пельс, А. П. Чулошников) борки, уларга Дашти қипчоқнинг кўчманчи турк-мўғул қабилалари ўзларининг эркинлиги туфайли «ўзи бек» деб аталган ва шу сабабдан улар «ўзбек» номини олган, деб ёзадилар.

Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихини ўрганишда М. Г. Ваҳобовнинг 1960 йилда нашр қилинган «Ўзбек социалистик миллати» номли китоби ҳам диққатга сазовордир. Муаллиф китобнинг қарийб бир бобини (9—54-бетлар) ўзбекларнинг келиб чиқиши ва уларнинг этник таркибига бағишлаган. М. Г. Ваҳобов ўзбекларнинг Урта Осиёдаги энг қадимий халқлардан бири бўлганлигини эътироф қилиб, унинг асосан XIX асрдаги этник таркиби ва этник ҳудудини кўрсатиб берган бўлса-да, лекин ўзбек халқининг этник жиҳатдан расмийлашувида муҳим роль ўйнаган кўчманчи ўзбеклар¹ эканлигини ва уларнинг этник таркибини очиб бермаган.

«Ўзбек» атамаси Жувайний ва Рашидиддин (XIII аср) замонидан маълум. Элхон Абақохон (1265—1282) замонида яшаган машҳур шоир Пури Баҳо (Тождиддин ибн Баҳовуддин)нинг «Мўғул қасида»сида ва Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таворих» асарида ҳам «ўзбек» атамаси учрайди. Абақохоннинг замондоши шоир Пури Баҳонинг бир қасидасида «ўзбек» атамаси қандай маънода (атоқли ёки халқ номими) келтирилганлиги тўғрисида бирор нарса дейиш қийин. У этник атама бўлмай, балки бирон шахснинг исми бўлиши ҳам мумкин. Рашидиддиннинг

¹ XIII—XV асрларда Дашти қипчоқда яшаган турк-мўғул қабилалари назарда тутилади.

китобида келтирилган «ўзбек» сўзи ҳам бирон қabila ёки уруфнинг номи бўлмай, балки Жўчхоннинг еттинчи ўғли Букалнинг набираси, Мингқударнинг ўғли шахзода Ўзбекнинг помидир.

Ҳамдуллоҳ Муставфий Казвиний (1281—1350)нинг машҳур «Тарихи гузида» асарида, аниқроғи Казвинийнинг ўғли Зайнуддин томонидан ёзилган бу китобнинг охири қисмида «Мамлақати ўзбеки», «Улуси ўзбек» сўзлари учрайди. Бу сўзлар «Ўзбеклар мамлақати» ёки «Ўзбеклар улуси» деган гап эмас. Бу ерда сўз, шубҳасиз, Ўзбекхон ва бир вақтлар унинг ҳукмронлиги остида бўлган Олтин Урда тўғрисида бораётир.

Оқ Урда ва Шайбон улусида кўчиб юрган турк-мўғул кўчманчи қабилалари XIV асрнинг ўрталаридан бошлаб «ўзбек» номи билан юритила бошлади. Низомуддин Шомий XIV асрнинг 60-йилларида Оқ Урда хони Урусхон (1361—1380) билан Тўхтамиш (1376—1395) ўртасида тахт учун бўлган кураш ҳақида ҳикоя қилганда, Урусхонни «ўзбекларнинг хони» деб атайди. XIV асрнинг иккинчи ярмида яшаган араб тарихчиси ал-Калқашондий ҳам (1418 йилда вафот этган) Тўхтамишни «ўзбеклар мамлақатининг подшоҳи» деб ёзади.

Кўчманчи ўзбеклар Тўхтамишхон қўшинининг асосий қисмини ташкил қилган эди. Алишер Навоийнинг замондоши бўлган тарихчи Хондамир бу тўғрида анча қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган. Бундай маълумотлар бошқа манбаларда мутлақо учрамайди. Масалан, Хондамир 1388—1391 йил воқеалари тўғрисида, яъни Амир Темур билан Тўхтамишхон ўртасида бўлиб ўтган урушлар тўғрисида ҳикоя қилар экан, Тўхтамишхон қўл остида бўлган қўшинни ҳамаша «снопоҳи ўзбек» («ўзбек снопоҳи») деб атайди. XIV аср охири — XV асрнинг бошларида ўтган яна бошқа бир тарихчи Муинуддин Натанзий Едидида ўтган урушлар тўғрисида ҳикоя қилган аскарларни ҳам ўзбеклар деб атайди. Миш билан жанг қилган аскарларни ҳам ўзбеклар деб атайди. Ҳаттоки, Едигей ва унинг акаси Исабек, шунингдек Олтин Урданинг кўзга кўринган бошқа амирлари, XV асрнинг биринчи ярмида Олтин Урдада хошлик қилган Шодибек, Пўлодхон, Улуг Муҳаммад (Муҳаммадхон) ва бошқалар ҳам юқорида зикр қилинган тарихчилар томонидан «Дашти қипчоқ ва ўзбеклар вилоятининг хони», «амирлари ва подшоҳи» (подшоҳи Дашти қипчоқ ва вилояти Ўзбек») деб номланганлар ва ҳатто Едигейнинг ўзи «Идику ўзбек» деб аталган. Бу ерда «Вилояти ўзбек» деб Оқ Урда назарда тутилаётир.

Шуниси ҳам характерлики, Низомуддин Шомий ва Абдуразоқ Самарқандий Темурнинг 1380 йили Тўхтамишга ва ўша вақтда Мўғулистон ҳокими бўлган Анқо тўрага қарши Дашти қипчоқ устига қилган зўр ҳарбий юриши тўғрисида сўз юритганларида, Дашти қипчоқни, яъни Оқ Урдани «Ўзбеклар диёри» (Диёри ўзбек»), унинг қўл қисмини эса «Ўзбеклар саҳроси» («Саҳройи ўзбек») деб атаганлар.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, XIV асрнинг иккинчи ярмида Дашти қипчоқнинг катта қисми,

хусусан, Оқ Урда ва Шайбон улусида кўчиб юрган турк-мўғул қабилалари «ўзбеклар», бу бепоеи ҳудуд эса «Ўзбеклар вилояти» деб атала бошланди. Бундан ўзбеклар Дашти қипчоқда фақат XIV асрнинг иккинчи ярмидан пайдо бўлган, деган хулоса келиб чиқмайди. Ҳозирги ўзбеклар, шунингдек қозоқлар, қорақалпоқлар, бошқирлар, татарлар ва бошқа туркийзабон халқларнинг ота-боболари қадим замонлардан шу халқлар ҳозирги яшаб турган ҳудудда ҳаёт кечирганлар.

Масъуд ибн Усмон Куҳистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний» номли тарихий асарида кўчманчи ўзбеклар ва уларнинг XV асрда ташкил топган давлати тўғрисида қимматли маълумотлар бор. Бу китобда кўрсатилишича, Оқ Урда ва Шайбон улусида XV асрнинг бошларида: буркут, қиёт, қушчи, ийжон, қўнғирот, найман, чимбой, қорлиқ, кенағас, дурмон, курловут, тубон, манғит, нукуз, тангут, уйғур, хитой, тоймас, эчки, туман-минг қабилалари истиқомат қилган. Камолiddин Биноий XV асрнинг 80-йилларида Шайбонийхон теварағига уюшган қабилалар орасида шодбоқли қабилалари ҳам бўлганлигини айтиди. Маҳмуд ибн Валининг ёзишича, кўчманчи ўзбеклар қўшинида уйрот, можор ва қипчоқларнинг лашкарлари ҳам бўлган.

Бу қабилалар ўзларининг келиб чиқиши жиҳатдан турличадир. Масалан, қўнғирот, нукуз, қиёт ва уйротлар аслида мўғул, тангутлар эса тибетлик бўлганлар. Хитойларга келсак, уларнинг ота-боболари бўлган киданлар X—XI асрларда Шимоли-Шарқий Хитойда яшаганлари маълум. Лекин бу қабилалар Дашти қипчоқда қадимдан яшаб келган туркий қабилалар билан қўшилиб кетган ҳамда уларнинг таъсири остида ўзининг она тилинигина эмас, ҳаттоки, урф-одатлари ва антропологик белгиларини ҳам қисман йўқотиб, турклашиб кетганлар.

Абулхайр Фазлуллоҳ Рузбеҳонинг «Меҳмонномаи Бухоро» деган асарида ҳам ўзбеклар ҳақида қимматли маълумотлар учратамиз. Унинг фикрича, ўзбеклар (кўчманчи ўзбеклар) асосан уч тоифадан, яъни қабилалар иттифоқидан: Шайбон улусига кирган қабилалар (Шайбоний), қозоқлар ва манғитлардан ташкил топган.

XVI асрнинг бошида юқорида кўрсатилган қабилаларнинг бир қисми ўша Муҳаммад Шайбонийхон етакчилигида Урта Осиёга бостириб кирдилар ва ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ўрнашиб олдилар. Шу вақтдан бошлаб «ўзбек» атамаси халқ номини билдирувчи этник атама бўлиб қолди. Бундан ўзбек халқининг келиб чиқишини XVI асрдан бошламоқ керак, деган хулоса чиқмайди. Бу ерда фақат ўзбек сўзининг бир этноним сифатида келиб чиқиши ҳақида сўз бораётир. Урта Осиё ҳудудида қадимдан жуда кўп туркий ва турк тилида сўзлашувчи халқлар яшаганлиги маълум. Бу ўлкани XVI аср бошида босиб олган кўчманчи ўзбеклар эса Мовароуннаҳрнинг туркийзабон халқларини билан аралашиб кетди ва унга фақат ўз номинигина берди, холос. Мана шундай қилиб, кўчманчи ўзбеклар ўзбек

халқининг бир халқ сифатида шаклланишида катта роль ўйнади.

Ана шу кўчманчи ўзбеклар XV асрнинг 20-йилларида Дашти қипчоқнинг бир қисмида (ҳозирги Қозоғистоннинг ғарбий қисми ва Ғарбий Сибирда)— Шайбон улусида ўз давлатларини туздилар. Бу давлатга Жўчихоннинг авлоди Абулхайрхон (машҳур шоир ва давлат арбоби Муҳаммад Шайбонийхоннинг бобоси) асос солди. Бу давлат қирқ йилдан ортиқ вақт ҳукмронлик қилди. Лекин бу давлат Урта Осиё ва Қозоғистон халқларининг келажак тақдирини белгилашда катта роль ўйнади. Абулхайрхон ва кўчманчи ўзбеклар XV асрнинг ўрталарига бориб, Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган Сигноқ, Саврон, Арқуқ, Ўзганд, Оққўрғон, Сузоқ шаҳарларини ҳам эгалладилар. Шундай қилиб, кўчманчи ўзбеклар давлати ўша вақтда ҳозирги Қозоғистоннинг катта қисми ва Жануби-Ғарбий Сибир устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Тарих фанида бу давлатнинг ташкил топиши, тараққиёти ва инқирозга юз тутиши, шунингдек, ана шу бепоеи ҳудудда XV аср давомида кўчиб юрган турк-мўғул қабилаларининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳанузгача чуқур ўрганилмаган.

Шундай бўлса-да, кўчманчи ўзбеклар давлатининг тарихи на бизнинг мамлакатимизда, ва на чет элларда илмий тарзда ҳали ёзилган эмас. Масалага оид манбаларнинг камлиги, ўша вақтда кўчманчи ўзбеклар давлати назорати остида бўлган ана шу ҳудудда археологик текширишлар етарли даражада олиб борилмаганлиги бунга асосий сабаблардандир.

Кўчманчи ўзбеклар XV аср давомида Дашти қипчоқда жуда катта ғарбий-сиёсий кучни ташкил қилдилар, кўчманчи ўзбеклар тузган давлат эса ўзбеклар тарихида мўғуллар истилосидан кейин тузилган биринчи давлатдир. Шу сабабдан, шубҳасиз, уларнинг тарихини ўрганиш ўзбек халқининг, шунингдек қозоқ халқининг ҳам бир халқ бўлиб ташкил топиши масаласини тўғри тушуниш учун катта ёрдам бериши мумкин.

1-б о б. Кўчманчи ўзбеклар давлатининг ташкил топиши арафасида Жўчи улусининг умумий аҳволи

XIV асрнинг бошларидаёқ Жўчи улуси икки мустақил давлатга (Кўк Урда ва Оқ Урдага) бўлиниб кетди. Гарчанд, Оқ Урда Кўк Урдага расмий бўйсундирилган бўлса-да, унинг тегнасида Жўчи наслидан бўлган мустақил сулола (Жўчининг яна бир ўғли Урда Ичан авлоди) турар эди. Оқ Урдада асосан Урда Ичандан бошқа Шайбонийнинг авлодлари ҳам, Кўк Урдада бўлса, Ботухон ва Тўқай Темур авлодлари ҳукмронлик қилди. Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтмоқ керакки, Жонибек (1341—1357) вафот қилгандан кейин Олтин Урда тахти учун Урда Ичан, Шайбон ва Тўқай Темур авлодлари ўртасида кураш бепиҳоят кучайиб кетди.

Шуниси характерланки, 1360—1380 йиллар орасида Олтин

Урданинг бир ўзида Чингизхон наслидан бўлган 25 хон биринкетин ҳукмронлик қилдилар. Бу хонлар маълум феодал гуруҳлар қўлида шунчаки бир қўғирчоқ бўлиб қолган эдилар. XVI асрнинг 60-йиллари бошида бу ерда тахт учун курашган икки хон — Мурод ва Абдулланинг тақдири бунга яққол мисол бўлади. Маълумки, 1361 йилда Олтин Урда тахтини Оқ Урда хони Саси Буқа (1309—1315)нинг ўғли Хизрхон эгаллаб олади. Хизрхон бир йил чамаси ҳукмронлик қилади. У ҳам илгари Олтин Урдада хон бўлган Бердибек, Кулнахон, Наврўзхонлар сингарини фитначи феодаллар томонидан ўлдирилади. Фитнада иштирок этган унинг ўғли Темирхўжа ҳокимият тепасига чиқади, лекин бир ҳафта ўтар-ўтмас олтин ўрдалик йирик феодаллардан Мамай ва унинг тарафдорлари томонидан тахтдан туширилади ва у Волганинг ўнг соҳили томонига қочиб кетади. Орадан бир ой ўтгач, Мамайнинг одамлари томонидан ўлдирилади. Шундан кейин Олтин Урда майда-майда қисмларга бўлиниб кетади.

Мамай Темирхўжа устидан ғалаба қилган бўлса-да, Олтин Урдада тартиб ўрната олмади, шаҳзода Мурод атрофида тўнланган бир гуруҳ феодалларнинг унга қарши уюштирилган фитнаси туфайли қочиб кетиб, Волганинг ўнг соҳилида шаҳзода Абдуллани хон қилиб кўтарди.

Рус солномаларининг маълумотларига қараганда, 1362 йилда олтин ўрдалик йирик феодаллардан Булоқ Темур Булғор ва Волга дарёси бўйидаги талайгина шаҳарларни ўзига қаратиб олган. Тўрғой исмли яна бир феодал Мокша дарёси атрофидаги ерларда ҳукмрон бўлиб қолди.

Абдулла билан Мурод Олтин Урда учун ўзаро қаттиқ кураш олиб бордилар, лекин бу курашдан бирон натижа чиқмади. Кейинчалик Москва князи Дмитрий Иванович (1350—1389) Абдуллага тобе бўлиши натижасида унинг мавқеи анча мустаҳкамланди. Мамайнинг мавқеи ҳам кам эмас эди. Мамай даслаб, 1362 йили Қримни ҳам босиб олди ва бу ерда ўз помидан пул чиқарди. Мурод бўлса, ўша йилиёқ тахтдан туширилди ва ўлдирилди. Олтин Урда тахтини ўша йили Шайбон наслидан бўлган Пўлодхўжа (Мирпўлот) эгаллаб олди, у 1365 йилгача бу ерда ҳукмронлик қилди. Ундан кейин хон бўлган Азиз Шайхнинг ҳукмронлиги эса бир йилча давом этди, холос.

1366 йили Мамай билан Абдулла Олтин Урда пойтахти Сарой Беркани босиб олди ва яна улар Хоразмда ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатдилар. Булғор бўлса, ўз мустақиллигини сақлаб қолди ва бу ерда 1370 йилларда Ҳасан деган амир, 1376 йилларда эса Муҳаммад Султон ҳукмронлик қилдилар. Лекин Мамай ва Абдулланинг Олтин Урда устидан ҳукмронлиги кўпга бормади. 1369 йили улар саройдан қувилдилар. Нумизматиканинг берган маълумотларига қараганда, ўша йили саройини Булғор ҳокими Ҳасан босиб олган. Мамай ва Абдулла яна Волганинг нариги тарафига қочиб кетдилар. 1373 йили Мамай Абдуллани тахтдан туширди ва унинг ўрнига Муҳаммад Булоқни

хон қилиб кўтарди. Муҳаммад Булоқ 1376 йилгача Қрим, Хожитархон (Астрахань) ва Можор устидан ҳукмронлик қилди, аммо унинг Олтин Урда пойтахтини эгаллаш учун олиб борган кураши бирор натижа бермади.

XIV асрнинг 70-йилларида Олтин Урдада феодал кураш янада кескинлашди. Бу курашда айниқса шайбонийлар фаол иштирок этдилар. Булар орасида Тулунбекахоним, Илбон (Илпон), Алихўжа, Арабшоҳ, Қоонбекларни учратиш мумкин. Тулунбекахонимнинг 1371 йили Сарой Беркада ҳукмронлик қилганлиги маълум, лекин унинг ҳукмронлиги қанча вақт давом этганлиги аниқ эмас. 1374 йилда Сарой Берканинг Ойбекхоннинг ўғли Қорихон қўлида бўлганлиги аниқ. XIV асрда яшаган араб тарихчиси ибн Халдуinning кўрсатишича, Қорихон Сарой Беркани Ҳожи Черкас қўлидан тортиб олди. Ана шу йили Сарой Оқ Урда хони Урусхон (1361—1375) қўлига ўтди. Бундан кўриниб турибдики, Тулунбекахонимнинг ҳукмронлиги узоққа бормаган. Шу ҳам характерлики, 1374 йилда Урал (Ейиқ) дарёсининг қуйи оқимида жойлашган ва Оренбургдан 150 км масофада бўлган Саройчик шаҳрида шайбонийлардан Илбон (Илпон) ва Алпхўжанинг ҳукмронлик қилганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар бор. Бу шунга кўрсатадики, Саройчик XIV асрда шайбонийларнинг муҳим қароргоҳларидан бири бўлган.

Юқорида 1374 йили Сарой Урусхон томонидан босиб олинганлигини айтиб ўтган эдик. Лекин бир йилдан кейин, яъни 1375 йили бу ерда шайбонийлардан Қоонбек ҳукмронлик қилганлиги аниқланди. Уша йилларда Олтин Урда тахти учун фаол кураш олиб борган шайбонийлар орасида Арабшоҳни ҳам кўрсатиш мумкин. У 1373 йили Сарой Беркада ҳукмрон эди. Арабшоҳ, рус солномасида ёзилишича, ўша йилнинг ўзидаёқ «Ейиқ дарёси ва Орол денгизи бўйларида қочиб» август ойининг бошларида Нижний Новгород остоналарида пайдо бўлди. У Волчьи воды деган жойда рус отрядини тор-мор келтириб, кўп асир ва ўлжа билан қайтиб кетган. Орадан кўп вақт ўтмай, Арабшоҳ Сура дарёси бўйида рус қишлоқларини талаган ва вайрон қилган. Бу сафар у Рязани ҳам босиб олган. Нумизматика маълумотларига қараганда, Арабшоҳнинг Олтин Урда устидан ҳукмронлиги 1377 йилгача давом этган. Юқорида келтирилган маълумотлар шайбонийлар Олтин Урданинг сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаганлигини кўрсатади.

Феодал ва тожу тахт учун бўлган курашлар натижасида Олтин Урда кун сайини тушкунликка юз тутган бир пайтда, Оқ Урда тобора кучайиб борди. Бу айниқса, Урусхон ва Тўхтамиш ҳукмронлик қилган даврга тўғри келди. 1380 йилда Тўхтамиш Олтин Урда билан Оқ Урдани бирлаштириб олишга муваффақ бўлди. Тўхтамишнинг бу қадар тез муваффақият қозонишига Амир Темурнинг (1370—1405) Тўхтамишни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаганлиги сабаб бўлди.

Тўхтамиш тарқала бошлаган Жўчи усулини йиғиш ва унинг ягона ҳукмрони бўлиб олиш учун тинмай курашди ва бу йўл-

да маълум ютуқларни қўлга киритди. У Волга бўйи ва Хожитархондан то Булғор ва Қримгача бўлган ҳудудда ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Тўхтамиш 1384 йили Хоразмни ҳам ўзига бўйсундирди. Бироқ Тўхтамишнинг ҳам Жўчи улуси устидан ҳукмронлиги узоққа бормади. Кўп ўтмай Темур Қутлуғ ва Урусконнинг ўғли Қўйричоқ ўғлон унга қарши кураш бошлади. Амир Темур Тўхтамишнинг кучайиб бораётганидан чўчиб, Темур Қутлуғ ва Қўйричоқ ўғлонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Шу сабабдан ўша йиллари Темурийлар давлати билан Жўчи улуси, тўғриси, Амир Темур билан Тўхтамиш ўртасидаги муносабатлар бузилди. Натижада Амир Темур билан Тўхтамиш ўртасида уруш бошланиб кетди. 1391 йилнинг июнь ойида Қундузча дарёси бўйида (ҳозирги Самара вилояти ўрамини) Амир Темур билан Тўхтамиш қўшинлари орасида шиддатли уруш бўлди. Бу уруш Тўхтамишнинг мағлубияти билан тугади. 1395 йилда ҳар икки ўртада Терек дарёси бўйида (Шимолий Қафқаз) бўлган жангларда ҳам Амир Темур ғалаба қозонди. Тўхтамиш бир гуруҳ мулозимлари ва қолган-қутган аскарлари билан жанг майдонидан қочиб қутилди. У дастлаб Булғор ўрмонларида яшириниб юрди, кейинчалик иттифоқдоши бўлмиш Улуғ Литва князи Витовт (1392—1430) ҳузурига, Киевга қочиб борди. Уша йили Сарой ва Олтин Урданинг талайгина шаҳарлари Амир Темур аскарлари тарафидан хароб қилинди. Темур Олтин Урда тахтига Темур Қутлуғни ўтказиб (1395—1401), ўзи Самарқандга қайтди. Бироқ, орадан кўп вақт ўтмай, Тўхтамиш Олтин Урда пойтахтини яна эгаллаб олди, лекин 1396 йили Темур Қутлуғ уни тамоман тор-мор келтирди ва Саройдан қувиб чиқарди. Тўхтамиш яна Киевга қочиб кетди. У 1399 йили Витовт билан бирликда Темур Қутлуғга қарши яна қўшин тортди, аммо Ворскли дарёси бўйида ҳар икки орада бўлган жангда Темур Қутлуғ ва Едигей (Идику) ўзбек иттифоқчилар устидан ғалаба қозондилар.

Темур Қутлуғдан кейин Едигей Олтин Урда тахтига Шодибекни ўтқизди. Шодибек ҳукмронлик қилган йилларда (1401—1407) Олтин Урда яна кучая бошлади. Уша йиллари Олтин Урда Булғор, Хожитархон, Қрим устидан яна ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Едигей 1406 йили темурийлар ўртасида тожу тахт учун курашнинг кучайиб кетганигидан фойдаланиб, Хоразмни босиб олди. Шунинг ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, шу йиллардан бошлаб, Едигей Олтин Урданинг ягона ҳукмдори бўлиб қолди.

XV асрнинг биринчи чорагида Олтин Урдада феодал кураш кескинлашди. Фақат 17 йил ичида (1400—1417) Олтин Урдада чингизийлардан саккиз кишининг (Шодибек, Пўлодхон, Темирхон, Жалолиддин султон ва бошқалар) бирин-кетин тахтдан туширилганлиги бунга яққол мисолдир.

XIV асрнинг 80-йилларидан бошлаб манбаларда «Ўзбеклар улуси» ёки «Ўзбеклар вилояти» деб аталган Оқ Урдада ҳам феодал кураш кучайди.

Маълумки, Оқ Урда хони Урусконнинг ўғли Қўйричоқ ўғлон ҳам Амир Темур билан Тўхтамиш ўртасида қизгин кураш борган XV асрнинг 80-йилларида Амир Темур ҳузурига қочиб келган ва унинг хизматида бўлган. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Тўхтамиш 1395 йилда Терек дарёси бўйида тор-мор келтирилгандан сўнг, Амир Темур Волга бўйида Қўйричоқ ўғлонни Жўчи улусининг ҳокими этиб тайинлаган. Лекин Тўхтамишдан кейин Олтин Урдада Темур Қутлуғ, ундан сўнг Шодибекнинг ҳукмронлик қилганлигини биламиз. Бизнинг фикримизча, Қўйричоқ ўғлон ўша йилларда Оқ Урда тепасида турган бўлса керак. Унинг ҳукмронлиги қанча давом этганлиги ҳам маълум эмас, лекин 1418—1419 йиллари Ўзбек улуси учун Қўйричоқ ўғлоннинг ўғли Бароқхон билан Тўқай Темур авлодидан бўлган Улуғ Муҳаммад (Муҳаммадхон) ўртасида кураш борганлиги маълум. Натижада бу кураш аввал Улуғ Муҳаммаднинг ғалабаси билан тугади. Бароқхон Самарқандга, Улуғбек Мирзо (1409—1449) ҳузурига қочиб келди. Улуғбек уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади ва Улуғ Муҳаммадга қарши отлантирди. Лекин Бароқхон яна мағлубиятга учради. 1423 йилгача Ўзбек улуси атрофида кезиб юрди. Рус солномаларининг маълумотларига кўра, Бароқхон ўша йиллари Жанубий Русь ерларида ҳам бўлган ва рус қишлоқларини талаган. Абдураззоқ Самарқандийнинг айтишича, 1422/23 йили Бароқхон Улуғ Муҳаммад устидан ғалаба қозонган ва Ўзбек улусининг тахтига ўлтирган. У Улуғ Муҳаммадга қарши курашни яна давом эттириб, 1423—1425 йиллар ичида Сарой ва Олтин Урданинг бир талай шаҳарларини қўлга киритган. XV асрда яшаган араб тарихчиси ал-Айнийнинг сўзларига қараганда, Бароқхон ўша йиллари яна бир рақиби — Давлатберди устидан ҳам ғалаба қозонган. Бароқхоннинг ҳукмронлиги кўпга чўзилмади. У 1428/1429 йили ўлдирилди. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, у Мўғулистонда Султон Маҳмудхон билан бўлган жангда ҳалок бўлган. Ғаффорийнинг фикрича, у бир гуруҳ фитначи феодаллар томонидан тахтдан туширилган ва ўлдирилган. Ҳар ҳолда, ҳижрий 832 йилдан кейин Бароқхоннинг номи Олтин Урда ва Оқ Урда тарихида бошқа учрамайди.

Ал-Айний 1424—1425 йиллари Дашти қипчоқда феодал кураш кучайиб кетганини айтади ва «Чингизхон наслидан бўлган бир неча хон бу курашда ғолиб чиқди... уларнинг ҳар бири маълум бир вилоят устидан ҳукмронлик қилди, лекин улардан биронтасининг ҳам иши юришмади», — деб ёзади. Булар ичида энг фаоллари Улуғ Муҳаммад, Кичик Муҳаммад ва унинг ўғиллари Маҳмудхон билан Аҳмадхон, шунингдек, Тўхтамишнинг ўғиллари Давлатберди ва Кепакхон эди. Ал-Айний ўша йилларда Шайбон улуси қандай аҳволда бўлганлигидан беҳабар бўлиши мумкин, лекин унинг Олтин Урда ва Оқ Урда тўғрисида юқорида айтган гаплари тўлиғича Шайбон улусига ҳам тааллуқлидир.

Шайбон улусини оладиган бўлсак, авваламбор бу улуснинг

эгаллаган ўрнини аниқ чегаралаб кўрсатини қийин. Хива хони ва машҳур тарихчи Абулғозихон (1644—1663)нинг ёзишича, Шайбон (Жўчихоннинг бешинчи ўғли; XIII аср) ёзда Урал тоғининг эгаклари, Тобол, Ёйиқ (Урал), Илек, Иргиз дарёларининг ўрта оқимида, қиш фаслида эса Орол денгизи, Чуйсув, Сарисув дарёлари бўйида кўчиб юрган. Ундан ташқари, Шайбоннинг бу улусни қачон ва кимдан олганлиги ҳам маълум эмас. Жувайний, Рашидиддин ва улардан кейин ўтган тарихчиларнинг асарларида бу ҳақда маълумот топмадик. Маҳмуд ибн Вали ва Абулғозихоннинг ёзишларига қараганда, Шайбон бу улусни 1238 йили Ботухондан олган.

Манбаларда маълумот йўқлигидан, XV асрнинг биринчи чорагигача Шайбон улусининг сиёсий аҳволи қандай бўлганлигини айтиб бериш ҳам қийин. Маҳмуд ибн Вали ва Абулғозихонлар Шайбондан кейин бу улусда Баҳодирхон, Жўчи Буқо, Бадақул, Минг Темур ва Пўлодларнинг ҳукмрон бўлганликларини қайд қилиб ўтганлар, холос.

XV асрнинг 20-йилларида Шайбон улусида бир неча мустақил хонлик мавжуд бўлган. Бу хонликлардан бири — Жумодуқхон (1425—1428)нинг улуси Орол денгизининг шимолида, яъни Сарисув ва Эмба дарёларининг ўрта оқимида бўлган. Унинг отаси Оқ Сўфи 1425 йилда кўчманчи феодаллар томонидан тахтдан туширилган. Жумодуқхоннинг шажарасида қуйидагилар ёзилган: «1425 йилда [унинг] отаси ҳаёт бўлишига қарамай, [феодаллар] жамоати уни [Жумодуқхонни] тахтга ўтказди». Маҳмуд ибн Валининг ёзишича, Давлатшайх ўғлон (Абулхайрхоннинг отаси) вафот қилгандан (1425) кейин, шайбонийлар орасида тожу тахт учун кураш кучайиб кетган ва оқибатда унинг балоғатга етмаган ўғли Абулхайрхон тахтдан туширилиб, ҳокимият дастлаб Оқ Сўфи, кейинчалик эса унинг ўғли Жумодуқхон қўлига ўтган.

Уша йиллари Шайбон улусида мустақил ҳукмрон бўлиб олган хонлардан яна бири Маҳмудхожахондир. У юқорида номи қайд этилган Қоонбекнинг ўғли бўлиб, унинг улуси Тобол дарёсининг ўрта оқимида жойлашган. Сибирдаги Тура шаҳри ва унинг атрофидаги ерлар буркут қабиласининг бошлиқлари Адаббек ва Кепакбекларнинг қўлида бўлган. Отбосар дарёсининг (Ишим дарёсининг ўнг irmoғи) сўл қирғогидаги ерларда йирик ўзбек хонларидан Мустафоҳон ҳукмронлик қилган.

Хуллас, кўчманчи ўзбеклар давлати ташкил топиш арафасида Шайбон улуси ҳам майда-майда қисмларга бўлинган, Жўчи улусининг сиёсий аҳволи эса, юқорида қайд қилинганидек, оғир эди.

2- б о б. Абулхайрхон бошлиқ кўчманчи ўзбеклар давлатининг ташкил топиши

Юқорида XV аср бошларида Шайбон улусида ҳам феодал кураш кескинлашганлиги ва натижада бу улус бир неча мустақил улусларга ажралиб кетганлиги қайд этилган эди. Манбаларда бу улусларнинг ички аҳволи тўғрисида тўла ва батафсил маълумот йўқ. Аммо мавжуд бўлган айрим маълумотларга кўра, бу улуслар ўртасида доимо кескин кураш бўлиб турган. Маҳмуд ибн Валининг кўрсатишига қараганда, Жумодуқхон ҳукмронлигининг дастлабки ойларидаёқ, Шайбон улусида тартибсизликлар ва феодал кураш кучайиб кетган. Бу кураш ва тартибсизликлар дастлаб 1425—1426 йилларда Манғит улусида юз берди. Масъуд ибн Кўҳистоний бундай деб ёзади: «Жумодуқхон ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Идикубий (Едигей — Б. А.)нинг ўғилларидан Ғозибий манғит отасининг кўрсатмасига биноан [ўз] уруғи ва қабиласининг бошлиғи бўлиб қолди, [барча] аймақ ҳамда кўчманчиларни ўзига бўйсундирди. [У] ҳокимият тепасига чиқиб олгач, жабр ва ситамкорликка қўл урди. У [тариқат ва] ҳақиқат йўлидан чиқиб кетди. Дашти қипчоқнинг ҳокимлари унинг [Ғозибийнинг] зулмига бардош беролмай, ундан юз ўғирдилар ва [ҳаммалари] бирлашиб уни ўлдирдилар... ва улар [манғитларнинг сардорлари] Жумодуқхоннинг ўрдасига бордилар ва унинг мулозимлари қаторига ўтишга муяссар бўлдилар. Вақти келиб, бу [манғит] амирлар [Жумодуқ] хон марҳаматидан умид узиб, унинг ўрдасини ташлаб кетдилар ва Жойтар жолқин деган жойга [қочиб] келдилар [ва шу ерда] Жумодуқхонга нисбатан рақиблик камарини белга боғлаб иттифоқлашдилар ҳамда унга қарши қўзғолон кўтардилар». Балки, бу манғит амирлари Жумодуқхонни Манғит улусига Ғозибийдан кейин сардор бўлиб олган Ваққосбийга қарши отлантирмоққа ҳаракат қилган бўлсалар керак. Жумодуқхон Ваққосбий ва манғитлар билан душманлашишни истамаган ва ўша исёнчи амирларни жазоламоқчи бўлган бўлиши ва бу амирлар буни фаҳмлаб қолиб, Жойтар жолқинга қочиб кетган бўлишлари керак. Маҳмуд ибн Вали манғитларнинг сардори Ғозибийнинг Жумодуқхонга тобе бўлганлигини очиқ айтиб, бундай деб ёзади: «Амир Идикубийнинг ўғилларидан бўлган Ғозибий манғит отасининг кўрсатмаси билан [ўз] халқининг ва улусининг бошлиғи бўлиб олди ва [барча] аймақ ҳамда кўчманчиларни ўзига бўйсундирди ва ҳазрат Жумодуқхоннинг мулозимлари қаторига ўтиш шарафига муяссар бўлдилар». Жумодуқхоннинг исёнчи манғит амирларига нисбатан яхши муносабатда бўлмаслик сабаблари мана шундай бўлса керак.

Шуниси характерлики, Жойтар жолқинда қўзғолон кўтарган манғит амирлари буркут, нукуз қабиласидан бўлган кўчманчиларни ҳам ўз томонига оғдириб олиб, 17 минг кишилиқ қўшин тўплаб олишга муваффақ бўлган. Жумодуқхон қўзғолончи-

ларга қарши қўшин тортди, лекин жангда мағлубиятга учради. Жумодуқхон қўшинининг кўнгина бошлиқлари, шу жумладан Жумодуқхоннинг ўзи ҳам асир олинди ва манғит бошлиқларининг буйруғи билан қатл қилинди. Бу жангда Жумодуқхон қўшинининг жавонғири (сўл қаноти)га қўмондонлик қилган ёш Абулхайрхон ҳам асир олинди ва Сариг Усмон томонидан қамаб қўйилди. Масъуд ибн Усмон Қўҳистонийнинг ёзишича, Сариг Усмон Абулхайрхонни шайбонийхонлар наслдан бўлганлигини билгач, уни ўз ҳимоясига олган ва унга хайрихоҳлик билдирган. Орадан кўп вақт ўтмай, уни сафар анжомлари билан таъминлаб, ўз улусига кетишга рухсат берган.

Сариг Усмон Абулхайрхонни шайбонийлар наслдан бўлганлиги учун қўйиб юбормади, аксинча, бундан ўз манфаатини ўзлаштирди. Урта осёлик кўчманчи халқлар, айниқса, ўша замонда ҳозирги Қозоғистон ҳудудида кўчиб юрган халқларнинг онда «оқсуяк»ларга яъни Чингизхон наслдан бўлганларга сиғиниш кучли эди. Бу наслдан бўлган, ўша вақтда ҳокимият учун курашиб юрган хонлар, султонлар кўп бўлиб, йирик феодал Сариг Усмондек одамлар булар ичидан истаган кишини танлаб олиб, қўллаб-қувватлаши мумкин эди. Лекин кўчманчи феодаллар ўз манфаатига хизмат қилувчи хонларнигина қўллаб-қувватлар эдилар. Сариг Усмон ҳам Абулхайрхонни қўллаганда худди шу мақсадни кўзда тутди. Шубҳасиз бу ерда Абулхайрхон ҳокимиятни қўлга олгач, Сариг Усмонга зўр имтиёзлар берман деб сўз берган. Шундан кейингина Сариг Усмон уни қўйиб юборган. Дарҳақиқат, Абулхайрхон тахтга ўтиргандан кейин, Сариг Усмон хоннинг зўр илтифотларига сазовор бўлди ва унинг энг яқин мулозимлари қаторидан ўрин олди. Абулхайрхонни ўша йили қўллаб-қувватлаган Алаша баҳодир ҳам хоннинг зўр илтифотига сазовор бўлди, юқори давлат мансабларига кўтарилди.

Абулхайрхон асирликдан қутулиб, ўз улусига қайтишда Шанвай Манглаб деган жилада қишлади ва келаси йилнинг баҳорда ўша Алаша баҳодирнинг аймағи орасига келиб тушди. Масъуд ибн Усмон Қўҳистоний бу аймақ катта аймақлардан бири бўлиб, бу ерда Алаша баҳодир ва унинг аймағидаги феодаллар Абулхайрхонга тобелик билдирдилар, деб ёзади. Абулхайрхон Алаша баҳодирнинг ёрдами билан каттагина ҳарбий куч тўплаб олди ва орадан кўп вақт ўтмай, ўз улусига қайтиб борди. Бу ерда қиёт, манғит, дўрмон, қушчи, ўтарчи, жайман, тубойи, тоймас, жот, хитой, қорлиқ, ушун (усун), қурловут, эчки, тангут, тумон-минг, кўнғирот ва бошқа кўчманчи қабилаларнинг бошлиқлари ҳамда руҳонийлар, султонлар, ўғлонлар уни хон қилиб кўтардилар. Бундан Абулхайрхонни Дашти қипчоқдаги турк-мўғул кўчманчи қабилаларнинг кўпчилиги қувватлаганлиги яққол кўриниб турибди. Маҳмуд ибн Валининг кўрсатишича, Абулхайрхонни хон қилиб кўтаришда икки юздан ортиқ сардор, яъни қабила ва уруғларнинг бошлиқлари қатнашган. Шубҳасиз, қабилалар ва улуслар ўртасида тез-тез бўлиб тур-

ган ўзаро урушлар, шунингдек, кўчманчи омманинг феодал зулмига қарши ғалаён кўтариш хавфи кўчманчи феодалларни хон атрофига уюшишга ва меҳнаткаш оммани итоатда тута оладиган марказий давлат аппаратини тузишга мажбур этган. Абулхайрхон давлати фикримизни тасдиқлайди. 1428/29 йилда кўчманчи ўзбеклар Абулхайрхон бошчилигида Жануби-Ғарбий Сибирдаги Тура шаҳрини эгалладилар. Шаҳар ҳукмдорлари Адаббек билан Кепакбек шаҳарни ҳеч қандай қаршилик кўрсатмасдан Абулхайрхонга топширдилар. Бу ерда Абулхайрхон номига хутба ўқилиб, пул чиқарилди. Тура шаҳри эса кўчманчи ўзбеклар давлатининг пойтахти деб эълон қилинди ва 1446 йилга қадар шундай бўлиб қолди.

Абулхайрхоннинг бу дастлабки муваффақиятлари тез фурсатда Дашти қипчоқ бўйлаб тарқалди. Кўнгина ўғлонлар ва султонлар Абулхайрхон ҳузурига — Турага келиб, унинг хизматига кирдилар. Булар орасида Арабшоҳ авлодидан бўлган Бахтиёр султон ҳам бор эди. У то умрининг охиригача (1457 йили ўлдирилган) Абулхайрхоннинг энг яқин сафдошларидан бири бўлиб, унинг қўшинига қўмондонлик қилди.

1429 йили Абулхайрхон юқорида номи зикр этилган Маҳмудхўжахонга қарши қўшин тортди ва уни Тобол дарёси бўйида тор-мор келтирди. Маҳмудхўжахоннинг ўзи асир олиниб, Абулхайрхоннинг амри билан қатл этилди, унинг ўрдаси бўлса тамоман талон-торож қилинди. Абулхайрхон Маҳмудхўжахоннинг улусини ўз улусига қўшиб, сўнг Турага қайтди.

Шундай қилиб, жуда қисқа бир вақт ичиде (1428—1431) Абулхайрхон илғари майда қисмларга бўлиниб кетган Шайбон улусининг катта бир қисмини бирлаштиришга ва унда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлди. «Баҳр ул-асрор»да ёзилишича, Абулхайрхон ўша йиллари ўз давлатини Кўк Ўрда (Олтин Ўрда)дан мустақил деб эълон қилган. Бундан кўриниб турибдики, Шайбон улусида сўнгги йилларда ҳукмронлик қилган хонлар (Давлатшоҳ ўғлон, Жумодуқхон, Маҳмудхўжахон) Олтин Ўрдага тобе бўлганлар.

1431/32 йили кўчманчи ўзбеклар Хоразмга катта юриш уюштирдилар. Масъуд ибн Усмон Қўҳистонийнинг ёзишича, Абулхайрхон Хоразмни ҳам ўз ҳукмронлигига бўйсундирмоқчи бўлган.

Маълумки, кўчманчилар орасида ҳар қандай сиёсий иттифоқнинг ташкил топиши, пировардида, қўшни мамлакатларни босиб олишга олиб келади, чунки бундай урушлар кўчманчи феодаллар учун бойлик тўплаш манбаигина бўлиб қолмай, қабила ва уруғлар ичидаги ижтимоий қарама-қаршиликларни бартараф қилиш воситаси ҳам бўлган. Бундан ташқари, кўчманчилар учун бўш ва кенг ҳудудлар мол боқишда энг зарур бир шароитдир; бундай бўш ва кенг ҳудудлар кўпинча қўшни ўтроқ аҳоли ерларининг кўчманчилар томонидан босиб олинган йўли билан барпо этилади. Шунинг учун В. В. Бартольднинг кўчманчи ўзбекларнинг Хоразмга юриш қилишдан фақат

аҳолини талаб қайтиш мақсадигина кўзланган эди, деган фикри кўп ҳам тўғри эмасдир.

Кўчманчи ўзбеклар Хоразмнинг кўп шаҳар ва қишлоқларини босиб олдилар ҳамда унинг пойтахти Урганччи қамал остига олдилар. Темурийларнинг Хоразмдаги ҳокими амир Иброҳим ва унинг қўл остида бўлган қўшин ўзбекларга қаршилик кўрсатмай, шаҳарни жўнгина уларга топширди. «Баҳр ул-асрор»да ёзилишича, шаҳар қамал этилгандан кейин Абулхайрхон амир Иброҳим олдига қўйидаги талабни қўйган: Хоразм Чингизхон замонидан бери Жўчихон ва унинг авлодларига тобе бўлган, шу туфайли бу ўлка яна Чингизхон авлодига, хусусан, Абулхайрхонга бўйсундирилиши зарур. Бу талаб ҳам ўзбеклар Хоразмни тамоман босиб олиш ниятида эканлиги тўғрисида юқорида айтилган фикримизни тасдиқлайди. Манбалар («Тарихи Абулхайрхоний», «Баҳр ул-асрор» ва ҳ. к.)нинг кўрсатишича, Урганчнинг кўзга кўринган уламо ва аёнларининг кўпчилиги амир Иброҳимни Абулхайрхоннинг талабини қабул қилиш ва шаҳар дарвозаларини ўзбекларга очиб бериш тўғрисида буйруқ беришга мажбур этган. Шундай қилиб, Хоразм ва унинг пойтахти кўчманчи ўзбекларга таслим этилди ва шафқатсиз равишда талон-торож қилинди.

Лекин, барибир, ўзбеклар кўп ўтмай Хоразмни ташлаб, яна Дашти қипчоққа қайтиб кетдилар. Масъуд ибн Усмои Кўхистонийнинг ёзишича, бунга Хоразмнинг кўчманчилар учун ноқулай иқлими сабаб бўлган. XV асрда ўтган араб тарихчиси ал-Мақризий ўша йиллари Дашти қипчоқда қаттиқ қурғоқчилик бўлганлиги ва натижада вабо касали тарқалиб, кўп аҳоли ва чорваларнинг ўлиб кетганлигини айтади. Машҳур шарқшунос олимлар А. Ю. Якубовский ва А. А. Семёновлар ана шу фикрини қувватлаб, кўчманчи ўзбекларнинг Хоразмдан тез фурсатда чиқиб кетишларига вабо касалининг тарқалиши сабаб бўлган, деб ёзадилар. Абдураззоқ Самарқандий, Шоҳруҳ (1409—1447) тарафидан Хоразмга кўчманчи ўзбекларга қарши қўшин юборилгандан кейин, ўзбекларнинг Хоразмдан чиқиб кетганликларини таъкидлайди. П. П. Иванов ҳам худди шу фикрни айтади. Бизнинг фикримизча, ўзбекларнинг Хоразмдан бунчалик тез фурсат ичида чиқиб кетганларига яна бошқа бир сабаб ҳам бор: ўша вақтда Хожитархон хони Орол денгизи атрофида кўчиб юрган Кичик Муҳаммаднинг ўғли Маҳмудхон ва унинг укаси Аҳмадхон Абулхайрхонга қарши катта қўшин тўплаб, унинг улуси чегараларида пайдо бўлган ва унга бостириб кириш хавфини туғдирган. Дашти қипчоқда юз берган кейинги воқеалар фикримизнинг тўғри эканлигини кўрсатади. Абулхайрхон Хоразмдан қайтгач, кўп ўтмай, зўр тайёргарлик кўриб, Маҳмудхон ва Аҳмадхонларга қарши қўшин тортди. Ҳар икки ўртада Икри туб деган жойда катта уруш бўлди. Масъуд ибн Усмои Кўхистоний бу жангда Абулхайрхон тўла ғалаба қозонганлиги, Маҳмудхон ва Аҳмадхонларнинг ўрда бозор деб аталган

қароргоҳини босиб олганлигини айтади. Маҳмудхон ва Аҳмадхонлар Хожитархонга қочиб кетган ва ўша ерга яширинган. Бу жангда Абулхайрхон ва унинг аскарлари қўлига катта ўлжа (чорполар, чодирлар) ва асирлар тушган. Ўрда бозорда Абулхайрхон номига хутба ўқилиб, пул зарб қилингандан кейин, Ўрда бозор, Маҳмудхон ҳамда Аҳмадхонларнинг улуслари кўчманчи ўзбеклар давлатига бўйсундирилганлиги эълон қилинган. Хўш, Ўрда бозор нима ва у қаерда жойлашган? Одатда, хонлар кўчиб юрган вақтда уларнинг қўнадиган жойлари эди. Шунинг учун бу ер Ўрда бозор деб аталган. Шунинг ҳам айтиш керакки, ҳар бир хоннинг бир неча Ўрда бозори бўлган. Абулхайрхон босиб олган бу Ўрда бозор, Масъуд ибн Усмои Кўхистонийнинг ёзишича, бир вақтлар Саинхон (Ботухон)нинг асосий ёзлик турар жойларидан бўлган. Абулхайрхон босиб олган бу Ўрда бозорнинг қаерда бўлганлиги маълум эмас. Лекин у Маҳмудхонларнинг асосий Ўрда бозори бўлган. 1750 йилда Оренбург генерал-губернаторининг топшириғи билан Қирғизқайсоқ ўрдасига бориб, унинг харитасини чизиб қайтган муҳандис-подпоручик Ригельманнинг келтирган маълумотларига қараганда, Ўрда бозор Оренбургдан 150 км қуйроқда, Қорасув дарёси бўйларида жойлашган, деб тахмин қилиш мумкин.

1431—1446 йиллар ўртасида Абулхайрхон катта босқинчилик урушлари олиб бормади. Бунга қўйидагилар сабаб бўлди. Биринчидан, Ибоқхон, Бурка султон, Оқ Ўрда хони Бароқхоннинг ўғиллари Жонибек ва Гирайхон сингари кўпгина султонлар Абулхайрхонга тобе бўлишдан бош тортидилар ва Абулхайрхон ҳокимият тепасига келган биринчи кунлардан бошлаб унга қарши кураш олиб бордилар. Булар ичида энг кучлиси Мустафоҳон бўлиб, уни манғитларнинг бир қисми қўллаб-қувватлаб турар эди. Шунинг учун ҳам Абулхайрхон ўша йиллар ичида ички феодал кураш билан банд бўлди. Иккинчидан, Абулхайрхон ўша йилларда Ўзбек улуси чегараларида кўчиб юрган яна бир шайбоний — Саид Аҳмад ва, айниқса, Аҳмадхоннинг кучайиб бораётганлигидан чўчир эди. Шу туфайли у мудофаа урушларига ҳозирланиб туришга мажбур бўлди.

XV асрнинг 40-йилларида Олтин Ўрдада, кўчманчи ўзбекларга қўшни бўлган Мўғулистонда ва Темурийлар давлатида феодал кураш бениҳоят кучайиб кетди. Бу ҳол Абулхайрхон ва кўчманчи ўзбекларга Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган вилоятларни босиб олиш учун йўл очиб берди. Бундан ташқари, 1446 йили Абулхайрхон ўзининг энг кучли рақибларидан бири Мустафоҳон устидан ғалаба қилди. Бу ҳам Абулхайрхонга ҳарбий юришларини яна бошлаб юбориш имкониятини берди. Абулхайрхон бу қулай фурсатдан фойдаланиб, 1446 йили Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган Сигноқ, Оққўрғон, Арқуқ, Узганд ва Сузоқ шаҳарларини ўзига бўйсундирди. Кўчманчи ўзбеклар давлатининг пойтахти ана шу йили Турадан Сигноққа кўчирилди. Кўчманчи ўзбеклар Сирдарё бўйидаги ерларни ишғол қилиб, Темурийлар давлатининг ён қўшнисини бў-

либ қолдилар ва Мовароуннаҳрнинг қишлоқ ҳамда шаҳарларини тез-тез талон қилиб турдилар. Бундан ташқари, улар теурийларнинг тожу тахт учун олиб борган ўзаро курашларига ҳам фаол аралаша бошладилар ва ҳокимият учун курашган теурийлардан гоҳ унисини, гоҳ бунисини қўллаб-қувватладилар.

XV асрнинг 30—50-йилларида Абулхайрхон ўзбек кўчманчи феодаллари ва, айниқса, чингизий султонларнинг сепаратистик ҳаракатларига қарши кураш олиб боришга мажбур бўлди. У айрим феодалларнинг хон ҳокимиятига қарши чиқишларини шафқатсизлик билан бостирди. Абулғозихоннинг ёзишича, хон ҳокимиятига қарши чиққанларнинг биронтаси ҳам Абулхайрхоннинг қаҳр-ғазабидан қочиб қутулолмаган. Лекин, барибир, Абулхайрхон айрим султонларнинг қаршилигини синдира олмаган. Бароқхоннинг ўғиллари Гирайхон билан Жонибек султон, Ҳожи Муҳаммадхоннинг ўғли Ибоқхон, Едгор султоннинг ўғли Бурка султон шулар жумласидандир.

Ибоқхон, Дашти қилчоқда юз берган кейинги воқеаларга қараганда, Ғарбий Сибирда ҳукмронлик қилган. Буни қуйдаги фактлардан ҳам кўрамиз. XV асрдан қолган рус давлат ҳужжатларидан бирида 1481 йилда Ибоқхоннинг ўзаро савдо ва бошқа муносабатлар ўрнатиш тўғрисида улуг рус князи Иван III (1462—1505) билан музокаралар олиб борганлиги, орадан икки йил ўтгач, яъни рус қўшинлари Угрияни ишғол қилган 1483 йилда рус подшосига ўзаро дўстлик иттифоқи тузишни таклиф этганлиги айтилади. Рус солномаларида Ибоқхон «шибан» ёки «нўғайларнинг подшоси», деб ёзилган. Рус подшоҳларининг 1575—1584 йиллардан қолган ҳужжатларида Ибоқхон Сибирь хони Кучумхоннинг бобоси ва Тюмень подшоҳи деб аталган. Рус подшоси Фёдор Иванович (1557—1598)нинг 1559 йилда Кучумхонга юборган мактубида ҳам Ибоқхоннинг бир вақтлар Сибирь хони бўлганлиги таъкидланади.

Кейинги йилларда юз берган воқеаларга қараганда, XV асрнинг 70-йилларида Ибоқхон Едигей авлодидан бўлган манғит амирларидан Муса мирза ва Ёмгурчи билан бириккан. Фикримизча, ўша йиллари манғитлар Ибоқхоннинг тобелигига ўтган бўлсалар керак. Кейинчалик уни Қозон хони деб атаганлар ва Муҳаммад (Мамат) деган киши томонидан ўлдирилган, деб айтилади. Ибоқхоннинг қачон ва қайси йўл билан Қозонни олганлиги ҳақида ҳеч нарса билмаймиз. Маълумки, 1481 йил январь ойининг бошларида Ибоқхон юқорида номлари зикр қилинган манғит амирлари билан бирга Жанубий Русь ерларини талаб қайтиб келаётган Олтин Ўрда хони Аҳмадхонни Донецкнинг Дон дарёси билан қўшилган жойида пойлаб турган ва уни шу ерда ўлдирган. Шунинг учун ҳам Ибоқхон Қозонни ё 70-йиллар охирида ёки 80-йиллар бошида олган бўлиши керак, деб айтиш мумкин. Бундан кўришиб турибдики, Ибоқхон жуда катта ҳудуд устидан ҳукмронлик қилган йирик шайбоний хонлардан бўлган.

Бурка султон бўлса, XV асрнинг 30-йилларида Дашти қил-

чоқда бўлган воқеаларга қараганда, Сирдарёнинг қуйи оқими атрофидаги ерларда ҳукмронлик қилган. Масъуд ибн Усмои Кўхистонийнинг ёзишича, Бурка султон Абулхайрхонга тобе бўлган. Аслида эса у Абулхайрхон билан душманлик мақомида бўлган султонлардан эди. Масалан, у Абулхайрхон олиб борган урушларнинг биронтасида ҳам иштирок этмаган. Ундан ташқари, Абулхайрхон атрофида бўлган амирларнинг тўлиқ рўйхати келтирилган «Тарихи Абулхайрхоний» китобида Бурка султон эсага олинмаган. Фақат китобнинг бир ерида, яъни Улуғбекнинг набираси Муҳаммад Жўқийнинг 1460/61 йилларда Самарқанд тахти учун, султон Абу Саидга қарши курашмоқ учун Абулхайрхонга ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, хон унинг ихтиёрига Бурка султон ва Пешкада ўғлон бошчилигида қўшин берганлиги айтилган. Фикримизча, Бурка султон Муҳаммад Жўқийнинг илтимосига кўра, ўз ихтиёри билан ёрдамга келган бўлиши керак. Бурка султоннинг сўнгги тақдари кўп ҳам маълум эмас. «Шайбонийнома»да айтилишича, у XV асрнинг 80-йилларида Сирдарёнинг қуйи оқимидаги тўқайларда Шайбонийхон тарафидан ўлдирилган.

Гирайхон билан Жонибекхон тўғрисида 1456—1457 йилларга қадар маълумот йўқ. Бароқхон ўлдирилгандан кейин улар Оқ Ўрдада ҳукмронлик қилган бўлишлари мумкин. Урта осиелик машҳур тарихчи Муҳаммад Ҳайдарнинг (XVI аср) маълумотларига қараганда, улар 1455/56 йилда Абулхайрхоннинг таъқиби остида Мўғулистонга кўчиб кетган. Мўғулистон хони Эсон Буғохон (1428—1462) уларни иззат-икром билан кутиб олган ва уларга Чу ва Қўзибоши деган ерларни (Ғарбий Мўғулистон, яъни ҳозирги Чу водийси ва Еттисув ўлкаларининг бир қисмини) берган. Эсон Буғохон бу иши билан уларнинг ёрдамида Мўғулистоннинг ички ноҳияларини қалмоқлар ва кўчманчи ўзбекларнинг тез-тез қилиб турган хуружларидан ҳимоя қилиш мақсадини кўзлаган.

Кейинчалик Ғарбий Мўғулистон Абулхайрхон таъқибидан қочган кишилар учун бошлана бир жой бўлиб қолди. Муҳаммад Ҳайдарнинг айтишича, бу ерга қочиб келганлар орасида Жонибек ва Гирайхондан бошқа яна кўпгина султонлар ҳам бўлган. Худди мана шу ерда бўлажак қозоқ хонлигига асос солинади. Бу хонлиқнинг асосчилари Гирайхон ва Жонибекхон бўлган, хонлиқнинг ташкил топган вақти деб ҳижрий 870 (милодий 1465/66) йилни ҳисобламоқ лозим.

Сепаратист феодалларнинг Абулхайрхон ҳукуматига қарши чиққанларидан яна бири — кўчманчи ўзбек хонларидан Мустафоҳон эди. Мустафоҳон 1428 йилда Абулхайрхон билан бириккан эди, лекин Тура шаҳри олингандан кейин, у хондан яна ажралаб кетди. Бир қатор тарихий манбаларнинг берган маълумотларига қараганда, Мустафоҳон Ишим дарёси ва унинг irmoғи бўлган Отбосар дарёси теварагидаги ерларда кўчиб юрган. Абулхайрхон билан Мустафоҳон ўртасида уруш ҳаракатлари бошланмасдан бурун манғитлар йўлбошчиси Ваққосбий

яширин тарзда ўз қабиласи билан Абулхайрхонни ташлаб кетган ва Мустафоҳон билан бирикиб, уни Абулхайрхонга қарши гиж-гижлай бошлаган. Масъуд ибн Усмон Кўҳистоний Мустафоҳон ва Ваққосбийнинг Абулхайрхонга қарши катта куч тўплаганлигини ҳикоя қилади. Ҳар икки ўртада Отбосар дарёсининг чап қирғоғида катта уруш бўлади ва бу уруш, юқорида айтиб ўтганимиздек, Абулхайрхоннинг тўла ғалабаси билан якунланади. Масъуд ибн Усмон Кўҳистонийнинг маълумотларига қараганда, бу урушда Мустафоҳон қўшинида 4500 киши (бундан қарийб 1000 киши зодагонлар) ҳалок бўлган. Мустафоҳон қолган аскарлари билан Мингқишлоққа қочиб кетади.

Мустафоҳон XV аср ўрталарида Хоразмнинг жануби-ғарбий қисмини қўлга киритиб олади. Хондамирнинг сўзларига қараганда, у ўша пайтда Урганчи ҳам босиб олган ва шаҳар аҳолисининг бир қисмини ўзи янгидан қурдирган Вазир шаҳрига кўчириб олиб кетган. В. В. Бартольднинг ёзишича, Вазир Урганчдан 30—35 км жануброқда бўлиб, баланд бир тепалик устида жойлашган. С. П. Толстов шаҳар қалъаси қадимий шаҳар ўрнига қурилганлигини, Вазирнинг эса мустаҳкам девор ва бошқа мудофаа истеҳкомлари билан ўралган замонавий бир шаҳар бўлганлигини аниқлаган. 1558—1559 йилларда Урта Осиёда бўлган машҳур инглиз сайёҳи ва савдогар Антоний Женкинсон (1610/11 йилда вафот этган) ўша Вазирда бўлган ва унинг тўғрисида қимматли маълумотлар қолдирган. П. И. Ричковнинг маълумотларига қараганда, Вазир XVIII аср охирларида ҳам Хива хонлигига қарашли бўлган икки шаҳардан бири ҳисобланган.

Мустафоҳоннинг Хоразмдаги ҳукмронлиги 1460/61 йилгача давом этади. Уша йили кўзга кўринган кўнғирот амирларидан бири Усмон кўнғирот (Муҳаммад сўфининг ўғли) Еқуб ўғлон исмли бир шахс билан биргаликда бу ерда ҳокимиятни ўз қўлига олган. Унга қадар Усмон кўнғирот Мустафоҳон хизматида бўлиб, унинг энг яқин кишиларидан ҳисобланган. Манбаларда бу ҳақда бошқа маълумот ҳам бор. Масалан, Хондамирнинг ёзишига кўра, аслида Вазир аҳолиси Мустафоҳонга қарши кўзғолон кўтарган. Усмон кўнғирот бўлса бундан ўз манфаати учун усталик билан фойдаланган. Мустафоҳон бу гал ҳам Мингқишлоққа кетиб қолган. Унинг келгусидаги тақдирини ҳақида манбаларда ҳеч қандай маълумот учрамайди. Унинг иниси Пир Бурдоғ султон эса Олтин Ўрда хони Аҳмадхон билан курашда ҳалок бўлади.

Шундай қилиб, кўчманчи ўзбеклар давлатида бошланган феодализм ва тожу тахт учун кураш бу давлатни охир-оқибатда инқирозга учратган асосий сабаблардан бири бўлди. Абулхайрхон давлатини инқирозга олиб келган асосий сабаблардан яна бири — кўчманчи ўзбеклар билан қалмоқлар ўртасида 1457 йили Сигноқ яқинида бўлган қирғинбарот уруш бўлди.

Маълумки, қалмоқлар ўтмишда Дашти қипчоқ ўзбеклари сингари кўчманчи халқ бўлган. XV аср ўрталарида улар Абул-

хайрхон давлатининг шарқий ҳудудларида пайдо бўлдилар. XV асрнинг бошларида (1408 йилда) қалмоқлар Мўғулистон хонлигига қарашли шаҳарлардан Бешбалиқни босиб олган эдилар. Мўғулистон хони Увайсхон (биринчи марта 1418—1421, иккинчи марта 1425—1428 йилларда) қалмоқларнинг хуружлари кучайиб кетгани сабабли ўз ўрдасини Шарқий Туркистондан Еттисувга, тўғрироғи, Илибалиқ шаҳрига (Олмалиқ шаҳрининг жануби-ғарбида, Ила дарёси бўйида жойлашган) кўчиришга мажбур бўлади. Увайсхон бу ерда Эсон тойши кўмондонлиги остида бўлган қалмоқлар билан кўп бор уруш қилади. Лекин унинг қалмоқларни Чу водийси ва Еттисувдан суриб чиқариш йўлида қилган ҳаракатлари бирор натижа бермаган. Увайсхон вафот қилгандан кейин 1428 йилда қалмоқларнинг Мўғулистоннинг ички туманларига қилган хуружлари яна ҳам кучайган ва улар шу вақтдан бошлаб Чу водийси ва Еттисувда катта бир ҳарбий-сиёсий куч бўлиб қолганлар.

Қалмоқлар 1457 йилнинг баҳоринида Уз Темур тойши бошчилигида Сирдарё бўйларида пайдо бўлдилар. Шу йили Сигноқдан кўп ҳам олисда бўлмаган Кўк кошона ёнидаги Нуртўқай деган жойда кўчманчи ўзбеклар билан қалмоқлар ўртасида катта уруш бўлди. Бунда кўчманчи ўзбеклар мағлубиятга учрадилар. Абулхайрхон қолган-қутган аскарлари билан чекинишга ва Сигноқнинг мустаҳкам деворлари орқасига яширинишга мажбур бўлади. Қалмоқлар бўлса Ясси, Тошкент, Шоҳруҳия (Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қўшиладиган жойида бўлган ўрта аср шаҳари)ни талон-торож қилиб, Чу водийсига қайтиб кетганлар. Муаллифи маълум бўлмаган «Таворихи гузида, нусратнома» деган асарда Уз Темур тойши Абулхайрхоннинг набираси, Муҳаммад Шайбонийхоннинг иниси уч ёшли Маҳмуд султонни ўзи билан бирга омонат тариқасида олиб кетганлиги ва шаҳзода қалмоқлар орасида етти йил юриб қайтганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Абулхайрхон вафот қилгандан кейин, кўп ўтмай, кўчманчи ўзбеклар давлати сиёсий инқирозга учради. Масъуд ибн Усмон Кўҳистоний Абулхайрхон вафот қилгандан сўнг «барча кўчманчилар, каттасидан-кичигигача [Абулхайр] хоннинг тожу тахтига хуруж қилдилар», деб ёзади. «Абулхайрхон вафотидан кейин,— деб ҳикоя қилади Мирзо Муҳаммад Ҳайдар,— Ўзбек улуси инқирозга юз тутди, унда катта ғалаёнлар бошланди. [Шундан кейин] кўпчилик [халқ] Гирайхон ва Жонибекхоннинг ҳузурига қочиб кетди. Натижада уларнинг [Гирайхон ва Жонибекхоннинг] ҳузурига қочиб кетганларнинг умумий сони 200000 кишига етди».

Маълумки, Абулхайрхондан кейин унинг ўғли Шайх Ҳайдархон хон қилиб кўтарилди. Бу пайтда Абулхайрхоннинг барча душманлари бирлашиб, Шайх Ҳайдархонга қарши кураш бошладилар. XVI асрнинг машҳур шоир ва тарихчиларидан Қамолiddин Биноий (1453—1512) нинг ёзишича, Шайх Ҳайдархоннинг ҳукмронлиги узоққа бормаган. У тахтга ўтирган

биринчи кунлардаёқ кўпгина қабила ва уруғларнинг бошлиқлари унга бўйсунмай қўйган. «Таворихи гузида, нусратнома»да ҳам айнан шундай дейилган. Биноий Шайх Ҳайдархоннинг феодаллarning сепаратистик ҳаракатларига қарши курашини батафсил талқин қилади. Унинг сўзларига қараганда, Ибоқхон, Бурка султон, Жонибекхон, Гирайхон, манғит амирларидан Ёмгурчи ва Мусо мирза қўшилишиб, Шайх Ҳайдархонга қарши уруш очган, лекин дастлаб уни енга олмаганлар. Кейин улар Олтин Урда хони Аҳмадхон билан иттифоқ тузиб, охир оқибатда Шайх Ҳайдархон устидан ғалаба қозонганлар. Шайх Ҳайдархоннинг ўзи урушда ҳалок бўлган. Шайх Ҳайдархондан кейин Ибоқхон ва унинг иттифоқчилари Абулхайрхоннинг қариндош-уруғлари ва тарафдорларини қирғин қилганлар. Бундан фақат Муҳаммад Шохбақт (Шайбонийхон), унинг иниси Маҳмуд султон, Абулхайрхоннинг ўғиллари Суюнчхожагон, Кўчкунчихон ва юқорида номи зикр этилган Бахтиёр султоннинг ўғиллари Маҳдий султон, Ҳамза султон ва бошқа бир неча беклар ҳамда мулозимлар қочиб қутилганлар.

Шундай қилиб, кўчманчи ўзбеклар давлати инқирозга учради. Лекин бу давлатнинг инқироzi вақтинча бўлиб, орадан кўн вақт ўтмай, XV асрнинг 80-йилларида Муҳаммад Шайбонийхон бу давлатни қайта тиклади. Абулхайрхон давлатининг инқирозга учрашига қуйидагилар асосий сабаб бўлган: 1) ўтроқ аҳоли билан кўчманчи аҳоли ўртасида мустақкам иқтисодий алоқалар йўқ эди. Кўчманчи ўзбеклар давлати таркибига кирган ғарбий ноҳиялар Волга бўйидаги шаҳарларга, шарқий ноҳиялар эса Мовароуннаҳрга тортим эди; 2) қабилалар ўртасида ҳам мустақкам иқтисодий алоқа йўқ эди; 3) кўчманчи феодалларнинг мустақиллиги кучли бўлгани ҳолда марказий давлат аппарати нисбатан кучсиз эди; 4) Урда Ичел, Шайбон ва Тўқай Темур авлодлари ўртасида тожу тахт учун ва феодал кураш бешиқоғ кучли эди.

3-б о б. Кўчманчи ўзбеклар давлатида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва давлат тузуми

Кўчманчи ўзбеклар давлати кўчманчи ва ўтроқ аҳолиси бўлган жуда катта ҳудуд устидан ҳукмронлик қилди. Юқорида айтилганидек, бу давлатга ҳозирги Қозоғистоннинг катта бир қисми, Жануби-Ғарбий Сибирь ва Хоразмнинг жануби-ғарбий қисми қарар эди. Бу катта ҳудудда шаҳарлар ва қишлоқлар ҳам бўлиб, аҳолининг бир қисми зироатчилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланар эди. Лекин аҳолининг асосий қисми чорвачилик билан машғул бўлган.

Ўтроқ аҳоли, асосан, ҳозирги Жанубий ва Марказий Қозоғистон ҳамда Жануби-Ғарбий Сибирь халқи бўлган. Бу ноҳияларда Сигноқ, Савран, Арқуқ, Ўзганд, Оққўрғон, Сузоқ, Саройли, Туройли, Тура сингари шаҳарлар ҳам бўлган. 1509 йилда Шайбонийхоннинг қозоқ хони Бурундукхонга қарши ўтказган

катта ҳарбий юришида қатнашиб, Жанубий Қозоғистонда бўлган машҳур тарихчи ва илҳият олими Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳон (1457—1530) бу ерларда зироатчилик ҳам ривожланганлигини ёзади. 1874 йилда Чу ва Сирдарё вилоятларида бўлган ўрис мансабдори Г. С. Загряжский бу ерлар Қоратөвдан оқиб тушадиган Бурун, Чаён, Буржор, Икан дарёлари воситаси билан, Сигноқ атрофидан Жулекгача бўлган ерлар эса Сирдарёдан чиқарилган жуда кўп ариқлар воситаси билан суғорилганлигини аниқлаган. XIV асрда Марказий Қозоғистонда бўлган Рубрук ҳам бу минтақада суғий суғоришга асосланган зироатчилик тараққий этганлигини айтади. Ҳатто, ер шароити зироатчилик учун қулай бўлмаган жойларда ҳам аҳоли «чиғир» деб аталган махсус қурилма ёрдамида сув чиқариб зироатчилик қилган. Зироатчилик тараққий қилган ноҳияларда (асосан Жанубий Қозоғистонда) пахта, кўзги ва баҳорги буғдой, жўхори ва дуккакли экинлар экилган. Баъзи ноҳияларда (айниқса, Марказий Қозоғистонда) аҳоли зироатчиликни ярим кўчманчиликка асосланган чорвачилик билан боғлаб олиб борган. Арқуқ, Ўзганд, Оққўрғон, Сигноқ, Сузоқ ва бошқа шаҳарларнинг аҳолиси асосан ҳунармандчилик ҳамда савдо-сотиқ билан шуғулланган. А. Ю. Якубовский ҳамда А. Х. Маргулан тарафидан Сигноқ ва Сузоқда ўтказилган археологик кузатишлар бунга яққол тасдиқ этади. Бу шаҳарларда теридан, металлдан турли буюмлар, шунингдек, заргарлик буюмлари, турли идиш-товоқ ва ҳарбий қуроллар ҳам ишлаб чиқарилган. Рузбеҳоннинг айтишича, кўчманчи аҳоли қисман ҳунармандчилик билан ҳам шуғулланган ва тери ҳамда жундан турли матолар ишлаб чиқарган. Улар қаданг (оқ қайин) дарахтидан яши ва мустақкам аравалар, ўқ-ёй ва бошқа ёғоч буюмлар ишлаганлар.

Шуни ҳам айтиш керакки, кўчиб юриш имкониятидан маҳрум бўлган кўчманчилар ҳам ўтроқликка ўтиб турардилар. Бундай ҳол, асосан, жут вақтида, яъни чорполар совуқ ёки биронта касаллик (ўлат) натижасида оғир аҳволга тушиб қолган пайтларда, феодал зулмнинг кучайиши ва қабилаларнинг бир-бирига қарши қилиб турадиган талончилик урушлари натижасида юз берарди.

Юқорида кўчманчи ўзбеклар давлати таркибига кирган ҳудудда аҳолининг асосий қисми чорвачилик билан машғул бўлганликларини айтиб ўтган эдик. Чорвачилик одамлардан жуда кўп меҳнат талаб қилувчи соҳа. Чорва молларини қиш фаслидан бошқа ҳамма вақт яйловдан-яйловга ҳайдаб боқишга тўғри келарди. Ундан ташқари, кўчманчи чорвадор ҳар жойда қудуқ қазиш, кўп қор ёғиб қолганда ем-хашак қидириб топиш каби оғир юмушларни бажаришга мажбур эди.

Ёз фаслида чорва моллари ўтга сероб дарё ва кўлларнинг бўйлари, тоғ этаклари, қудуқ бўлган даштлик ерларда боқиларди, қишда бўлса улар қор тўзонларидан тўсилган, қамши ва бошқа ўтлар кўп бўлган жойларда сақланарди. Сирдарёнинг бўйлари худди ана шундай қулай қишловлардан бири бўлган.

Рузбеҳоннинг ёзишича, Сирдарё бўйидаги қишлоқларда ўт, тўғрироғи, қамиш пиҳоятда кўп бўлиб, у 300 фарсах (1800—2100 км) масофага чўзилган.

Кўчманчи халқ ҳаётида овчилик ҳам маълум роль ўйнаган. Улар йил давомида йиртқич ҳайвонлар ва паррандаларни ов қилардилар, шунингдек, балиқчилик билан ҳам шуғулланардилар. Овдан олиб келинган ўлжа уларнинг озиқ-овқат заҳирасини тўлдириб турарди.

Савдо-сотиқ ишлари кўчманчи аҳоли ўртасида кам ривожланган эди. Улар асосан бош айирбошлаш йўли билан савдо-сотиқ қилиб, кўпинча сотиш учун ажратилган ҳайвонларни Сирдарё бўйидаги ва Сибирдаги шаҳарларга ҳайдаб келиб, уларни кийим-кечак, газмол, оёқ кийими ва уй-рўзгор буюмларига айирбошлардилар. Кўчманчилар ўртасида савдо-сотиқнинг кам ривожланганлигига ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққий этмаганлиги ҳамда меҳнат тақсимотининг такомиллашмаганлиги сабаб бўлди.

Қўшни ўтроқ аҳолили ноҳиялардаги аҳоли устига босқин қилиш кўчманчилар ҳаётида асосий ўрин тутарди, уларнинг талончилик юришлари ҳарбий феодал синфга «оддий кўчманчиларни эксплуатация қилишдан кўра кўпроқ даромад келтирарди» (И. П. Петрушевский). Шу сабабдан улар бундай юришларга алоҳида эътибор қилардилар. Кўчманчиларнинг Мовароуннахрнинг ўтроқ аҳолили ноҳиялари устига қилинадиган талончилик юришлари кўпинча қиш фаслида бўларди, чунки қишда чорва молларини боқиш бирмунча оғирлашар, улардан олинадиган даромад бўлса жуда камайиб кетарди. Натижада кўчманчилар ҳаётида бирмунча қийинчиликлар содир бўларди.

Кўчманчиларнинг талончилик юришлари кўпинча Урта Осиёнинг ўтроқ аҳолили ноҳиялари устига уюштирилар эди. Абдураззоқ Самарқандий кўчманчиларнинг ҳар қишда Самарқанд ва Бухоро остоналаригача келиб, теварак-атрофдаги барча қишлоқларни талаб қайтганликлари ҳақида қимматли маълумотлар келтиради.

Кўчманчи феодаллар ўзаро ва қўшни мамлакатлар билан бўлган урушлардан ҳам нафланар эдилар. Проф. И. П. Петрушевский ўрта асрлар давлатлари тепасида турган хон ва подшоҳларнинг доимий уруш қилиб туришининг сабабларига тўхталиб, улар бойлик манбаи ҳисобланган талончилик урушини мухтазам ўтказиб турганларида ва уни тобора кенгайтирганларидагина феодал ҳукмдорлар уларни қўллаб-қувватлаганлигини айтади. Ундан ташқари, бундай урушлар феодалларга босиб олинган ўтроқ аҳолини эзиш, қолаверса, кўчманчи феодаллар билан оддий кўчманчилар ўртасида тобора кучайиб бораётган синфий қарама-қаршиликни, қисқа вақтга бўлса ҳам, кучсизлантириш имконини беради. Абулхайрхон ва унинг атрофига уюшган кўчманчи феодаллар Жўчи наслидан бўлган бирмунча улус хонларига (Маҳмудхўжа, Маҳмудхон, Аҳмадхон, Ҳожи Муҳаммадхон, Мустафохон) ва темурийларга

қарши (1431—1435, 1450) олиб борилган урушдан озмунча даромад ортирмадилар.

Кўчманчиларнинг Урта Осиёнинг ўтроқ аҳолили ноҳияларига қилиб турган талончилик юришлари масаласига китобнинг сўнгги бобида тўхтаб ўтилади. Бу ерда эса фақат ҳарбий ўлжа ва унинг тақсим қилиниши масаласига қисқача изоҳ берилади.

Талончилик вақтида қўлга киритилган ўлжа қандай тақсим қилинар эди? Биринчидан, талончилик юришида қатнашган ҳар бир шахс ўзи қўлга киритган ўлжани хон ҳузурига келтириши лозим эди. Хон ва унинг ҳарбий бошлиқлари бундай бўлиши учун қўлидан келган ҳамма чора-тадбирларни кўрар эди: хон тўпланган ўлжанинг бешдан бир қисмини ўзига олиб, қолган қисмини эса лашкар ва ҳарбий бошлиқлар ўртасида тақсимларди. Тақсим вақтида ҳар бир кишининг жамиятда тутган ўрни алоҳида ҳисобга олинарди. Масалан, отлиқ аскарга пийда аскарга қараганда икки баробар кўпроқ ўлжа тегарди. Шунинг ҳам айтиш керакки, тархонлар (ҳазинага ҳар қандай солиқ ва жарималар тўлашдан озод этилган ва бошқа имтиёзларга эга бўлган феодаллар) ва баҳодирлар (ҳарбий феодаллар)нинг олган ўлжалари умумий тақсимотга кирмас эди.

Манбаларда кўчманчи ўзбеклар бирмунча маълумотлар учрайди. Қўллар кўчманчи феодалларнинг хўжалигида турли юмушларни (асосан чорва молларини боқиш) бажарардилар. Қолаверса, уларни Сирдарё бўйидаги ва Сибирдаги шаҳарларга олиб бориб сотиш мумкин эди.

Кўчманчилар қўшни ноҳияларга талончилик қилганларида, зироатчилик ва ҳунармандчилик маҳсулотларидан ташқари, минглаб кишиларни асир қилиб олиб кетар ва уларни қул (барда, банда) қилиб, ўз хўжаликларида ишлатар ёки четга сотиб юборардилар. Рузбеҳон 1508 йили қозоқ султонларидан Аҳмад султоннинг Самарқанд ва Бухоро атрофларини талаб, у ердан 50 мингдан ортиқ кишини асир қилиб олиб кетиб, қўлга айлантирганини ҳикоя қилади. 1451, 1462 йилларда Абулхайрхон ва кўчманчи ўзбеклар темурийларнинг тожу тахта ташлаш қилган курашларига аралашиб, Урта Осиёга катта юриш қилган, минг-минглаб кишини асир қилиб олиб кетганлар ва уларни қулга айлантирганлар. Шайбонийхон 1501—1502 йили Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхонга қарши қўшин тортиб борганда йўл-йўлакай Шоҳруҳия ва Хўжанд атрофларини талон-торож этган. Ушанда унинг аскарлари 200 минг бош қўй, 5 минг от ва 300 минг қулни ўлжа қилиб олган.

Рузбеҳон ва Масъуд ибн Усмон Кўхистоний кўчманчи ўзбеклар Урта Осиё ва бошқа чет ўлкалардан олиб келинган асирларининг эмас, балки ўзаро урушларда енгилиб қолган ва асир тушган ҳар бир кишини, шу жумладан, ўз халқини ҳам қулга айлантирганлигини айтади.

Рузбеҳон бундай деб ёзади: «Ўзбекларга уч «халқ» [тоифа]

кирган... Шу кунда [булардан бири] — шайбонийлар, ...иккинчи «халқ» [тоифа] — қозоқлар, ... учинчи халқ [тоифа] — мангитлардир... Бу уч «халқ»нинг хонлари ҳаммаша бир-бири билан қарама-қарши бўлиб, бир-бирига таҳдид қилиб туради. Қачонки, [бири иккинчи устидан] голиб чиқса, бири иккинчисини [қулликка] сотиб юборади, мол-мулк ва чорполарини бўлса, ўлжа тариқасида олиб кетадилар. [Улар] ҳеч вақт бу қоидадан четга чиқмайдилар. Борди-ю, [улардан] биронтаси «нима сабабдан сен ўз халқингди қулликка сотасан?» деб, бу [удум]ни инкор қилса, улар бунга таажжубланардилар ва «бу одам ақлдан озийди, у ўлжани менсимаётди», — деб айтадилар».

Юқорида кўчманчи ўзбеклар ижтимоий ҳаётининг баъзи бир масалаларига қисқача тўхталиб ўтдик. Манбаларда мавжуд бўлган баъзи бир қисқа маълумотлар ва археологик тадқиқотлар натижасида тўпланган материаллар ва бошқа фактлар шуни кўрсатадики, хўжайиннинг умумий қолоқлиги ва патриархал сарқитларнинг мавжудлигига қарамай, XV асрда Дашти қипчоқнинг кўчманчи жамияти феодализм йўлидан тараққий этиб борди. Бу масала қийин ва уни махсус синчиқлаб ўрганиш лозим. Биз бу ерда шу масала юзасидан айрим дастлабки мулоҳазаларимизни айтиб ўтмоқчимиз.

XV асрда Дашти қипчоқнинг кўчманчи қабилалари орасида уруғчилик ва қабилачилик анча кучли бўлган. Бу қабилаларнинг тепасида кўчманчи аристократия: хонлар, султонлар, ўғлонлар (чингизийлар — «оқсуяклар»), баҳодирлар, бийлар, тархонлар турар эди. Улар қабиладошлари ва уруғдошларининг бутун ҳаёти устидан ҳукмронлик қилган.

Кўчманчилар ўртасида уруғчилик таъсири кучли бўлганидан кўчманчи ўз уруғидан ажралиб, бирон бошқа уруғ турган ерларга кетолмаган. Ўз уруғи ва уруғ оқсоқоли — феодали ташлаб кетган киши қонундан ташқари ҳисобланган, у келиб қўшилган бошқа уруғ бўлса, уни ўзининг тўла ҳуқуқли аъзоси деб ҳисобламаган. Феодали синф бу тартибдан ўз уруғ ва қабиладошларини эзиш учун фойдаланган.

Яйловлар ва уларнинг атрофида бўлган суғоритиш манбалари ва биноларга феодали синф эгадик қилган ва ер-сув уларнинг шахсий мулки ҳисобланган. Рузбеҳон Жўчихон ва Шайбонийхон замонидан бери яйловларнинг ёсо ва юсун¹ асосида феодалиларга мулк ҳисобланиб келинаётганлигини айтади. «Ҳар тоифа бир улусни ташкил қилади ва маълум бир ноҳия (маҳалла) да яшаб туради, — деб ёзади Рузбеҳон. Ҳар бир улусда, — деб давом этади у, — Чингизхон авлодидан бўлган бир султон ҳукмронлик қилади ва ҳар бир жамоа қадим замонлардан, яъни Жўчихон ва Шайбонийхон замонидан бери маълум бир жойда яшаб келади». Абдураззоқ Самарқандий Оқ Урда хони — Бароқхоннинг Улуғбекка Сигноқ ва унинг атрофидаги яйловлар

ҳамда бинолар қонун ва шариат бўйича ўзининг (Бароқхоннинг) мулки эканлигини айтиб, ундан буни эътироф этишини талаб этганлигини ҳикоя қилади. Дашти қипчоқда бўлган Плато Корпини ҳам бу ерда хусусий мулкчилик мавжудлигини кўзатган. Мана бу фактлар патриархал-феодали муносабатлар юзасидан кўпдан бери олиб борилган мунозараларнинг ташкилотчиларидан бири проф. Л. П. Потаповнинг ўрта аср кўчманчи жамиятида ерга хусусий мулкчилик мавжуд бўлганлиги тўғрисидаги фикрини яна бир бор тасдиқлайди.

Хон яшидан босиб олинган вилоятларни ўз авлодларига ва яқин кишиларига инъом қилар эди. Масалан, 1446 йилда Сирдарёнинг ўрта оқимдаги шаҳарлар кўчманчи ўзбеклар томонидан босиб олингандан кейин Сузоқ шаҳри ва унинг атрофидаги ерлар Бахтиёр султонга, Сигноқ вилояти Манадон ўғлонга, Узгад эса Ваққосбийга берилган. 1428 йилда Тура шаҳри олингандан кейин Жануби-Ғарбий Сибирь Бахшибек тархон ва Қутлуғ Буқо тархонга берилганлигини ҳам айтиб ўтмоқ лозим. Биз кўрган манбаларда инъомнинг бундай шакли суюрғол деб айтилмайди, аммо, бизнинг фикримизча, бу суюрғолнинг айнан ўзидир. Мулкнинг суюрғол шакли Олтин Урдада ва Темурийлар давлатида кенг тарқалганлиги маълум. Суюрғол Оқ Урдада ҳам амалда бўлганлигини биламиз. Низомуддин Шомий айтадики, Оқ Урданинг ҳарбий бошлиқларидан Улуғ Темур 1377/78 йили Тўхтамиш билан қўшилиб Самарқандга қочиб кетгани учун Урусхон унинг мулк ва ерларини Тойча исмли бир амирга суюрғол қилиб берган.

Кўчманчи ўзбеклар давлатида тархонлик ҳам мавжуд бўлган. Абдулҳайрхон ҳукмронлик қилган йилларда Жануби-Ғарбий Сибирь, Шайбонийхон замонида эса Арқуқ ва унга тобе ерлар тархонлик ерлар бўлган. Тархонлик ва суюрғол ёрлиқлари кўпинча катта ҳарбий хизматлар бадалига берилар эди.

Қабила ва уруғларнинг бошлиқлари бўлган феодалилар оддий кўчманчиларни ҳар томонлама эксплуатация қилар эдилар. Патриархал инқобга ўралган феодали муносабатлар феодалиларга ўзларига тобе бўлган кўчманчиларни ҳар томонлама эзиш ва уларни асоратда тутиш имкониятини берарди. Оддий кўчманчилар ўзлариники билан бирга хўжайиннинг чорполарини ҳам боқар, бир жойдан иккинчи жойга кўчганда, бошқа хўжалик ишларда ҳам уларга ёрдам берардилар. Ҳарбий юришлар вақтида эса улар ўз от, яроғ-аслаҳа, озиқ-овқати билан бирга бўлишга, вақт-вақти билан хўжайинларни йўқлаб туришга мажбур эдилар.

Бундан ташқари, оддий кўчманчилар ўз хўжайинларига турли солиқ ва жарималарни ҳам тўлаб турардилар. Бу солиқ ва жарималар қуйидагилардан иборат бўлган:

Ясоқ (қубур ясоғи). Бу солиқ чорпо бошидан олинган солиқ бўлиб, чорва молларининг юздан бир қисми ҳажмида олинган. Қубур ясоғи кейинчалик ўтроқ аҳолидан ҳам тўпланган ва ҳар юз бош ҳайвондан 70 танга олинган.

¹ Ёсо ва юсун — Чингизхон замонидан қолган қонун-қоида.

Ўнда: бир. Бу солиқ, асосан, ўтроқ аҳолидан олиниб, даромаднинг ўндаи бир қисми миқдориди бўлган.

Ошлиғ. Озиқ-овқат солиғи бўлиб, ўтроқ аҳолидан йиғилган. Муҳаммад Солиҳнинг сўзларига қараганда, ошлиғни асосан уруш пайтида тўплаганлар. Демак, уни фавқулодда тўпландиган солиқлар жумласидан деб айтиш мумкин.

Тоғор. Бу ҳам озиқ-овқат солиғи бўлиб, қўшиннинг таъминоти учун сарфланган. Унинг миқдори маълум эмас. Бизнинг фикримизча, хон ва феодаллар тоғорни ўзлари истаган миқдорда белгиланган ва тўплаган. Масалан, Шайбонийхоннинг 1509 йилги қозоқ султонларига қарши юришида Туркистон вилоятининг аҳолисига қарийб 50 минг кишидан иборат бўлган қўшиннинг таъминоти учун бир ойга етадиган миқдорда тоғор солиғи юкланган.

Зако́т ва савоим зако́т. Зако́т—хон ва султонларнинг шахсий хазинаси учун чорпо бошидан тўпландиган солиқ. Манбаларимизда бу ҳақда етарли маълумот бўлмаганлигидан, унинг миқдорини тахминан бўлса ҳам айтиш қийин. Савоим зако́т бўлса ҳар қирқ чорпо бошидан бирини ташкил этган.

Жарималардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Сўғум. Қадимдан кўчманчилар қишда истеъмол учун ўз чорполаридан бир қисмини кузда сўйиб олар эдилар. Бу одаи уларда «сўғум суюв» деб аталарди. Сўғум сўйиш вақтида ҳар бир хонадон (чодир) хонга, султонларга ва ўз хўжайинига унинг сўғуми учун яхши боқилган бир ҳайвонини берган.

Шибоғу (сибоғу). Хонлар, султонлар ва ўғлонлар бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиб, овуллардан ўтаётганларида уларга аҳолидан тўплаб бериладиган озиқ-овқат жаримаси. У кўпинча пиширилган гўштдан иборат бўлган.

Совурин ва пешкаш. Бу ҳам шибоғуга ўхшашдир, лекин у кўпинча қимматбаҳо буюмлар, оқча ва кўлаб от ҳамда бошқа чорполардан иборат бўлган. Ҳаттоки қимматли китоблар ва қўллар ҳам пешкаш қилинган. Совурин ҳам пешкаш сингари бўлган, лекин у кўпинча мағлуб томоннинг халқидан тўпланиб, голиб чиққан хонга тортиқ қилинар эди.

Кўчманчиларнинг, хусусан кўчманчи ўзбекларнинг давлат тузуми яхши ўрганилмаган. Манбаларда бу тўғридаги маълумот кам бўлиши бунга асосий сабабдир. Шунга қарамай, теурийлар ва ўзбеклар (шайбонийлар) замониди ёзилган тарихий манбаларда бу ҳақда учраган баъзи маълумотлар мазкур сатрлар муаллифига кўчманчи ўзбеклар давлатининг тузилиши ҳақида айрим фикрлар айтиш имкониятини берди.

Давлат тепасиди қабила ва уруғларнинг бошлиқлари томонидан сайлаб қўйилган хон турган. Лекин давлатни бошқаришда унинг ҳуқуқлари қисман чекланган эди. Уруш ва сулҳ масалаларидан тортиб, то шахзодаларнинг тарбиячилари (оталиклар)ни тайинлашгача бўлган ҳар қандай тадбир қабила ва уруғ бошлиқларининг, руҳонийлар, султонлар ва ўғлонларнинг маслаҳатсиз амалга оширилмаган. Хон тарафидан белгиланган

ҳар қандай тадбир дастлаб унинг ҳузурига чақирилиб туриладиган кенгаш (машварат)да муҳокама қилинган. Муҳокамага қўйилган тадбир кенгаш аҳли томонидан ёқлангандагина кучга кирган. Бундан кўришиб турибдики, хон ҳузуриди чақирилиб туриладиган бундай мажлислар кўчманчи ўзбеклар давлатиди катта роль ўйнаган.

Абулхайрхон ва умуман бошқа хонлар ўз фаолияти билан ҳукмрон синф — кўчманчи феодалларнинг манфаатини ҳимоя қилиши ва қуролини куч ёрдамида меҳнаткаш оммани итоатди тутини зарур эди. Шундай қилиб, хон ҳокимияти меҳнаткаш оммани ҳукмрон синф томонидан эксплуатация қилиш қуроли бўлиб хизмат қиларди.

Маълумки, Абулхайрхонни хон қилиб кўтаришди кўпгина кўчманчи қабилалар ва уларнинг бошлиқлари иштирок этди ва то 1457 йилгача уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватладилар. Лекин қабила ва уруғ ичиди ҳокимият тўлиғича кўчманчи феодаллар қўлиди эди. Улар фақат ҳарбий юришлар вақтидагина хон ҳузурига ўз лашкари билан келар, юриш тугагач, яна ўз юртига қайтиб кетар эди.

Давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётиди руҳонийларнинг макен ҳам зўр эди. Қўлмуҳаммад саййид ва Қора саййид исмли руҳонийларнинг Абулхайрхоннинг энг яқин маслаҳатчилари бўлиб, давлат ишларида фаол иштирок этганликлари маълум. Бир-икки мисол келтирамиз. 1431 йили Хоразмга юриш бошлаш олдидан хон ҳузуриди чақирилган қабила бошлиқларининг кенгашиди баъзи қабила бошлиқлари ва давлат арбоблари юриш Теурийлар давлати билан, хусусан, Шоҳруҳ билан муносабатини жиддийлаштириши мумкин деб, бу юришга қарши чиқдилар. Лекин юқориди номлари кўрсатилган саййидлар хон томонини олиб, Хоразмга юришини ёқладилар. Шундан кейингина мажлисди қатнашган барча амирлар Хоразмга юришга рози бўлдилар. Иккинчи мисол. Шайбонийхон 1509 йили қозоқ хонларига қарши юриш олдидан давлат кенгаши чақириб, эгаси ташлаб кетган ер-сувин девон ихтиёрига олиш масаласини ўртага қўйган. Шунди бир гуруҳ руҳонийлар, Самарқанд вилоятининг қозиси мавлоно Абдуғаффор ва Рузбсҳон хонга эътироз билдириб, фақат эгаси қидириб топилмаган тақдирдагина, яъни ўлган бўлса, бундай мулкни девон ихтиёрига олиш тўғри бўлишини айтганларида, мажлис қатнашчилари хоннинг таклифини эмас, балки руҳоний арбобларнинг таклифини қабул қилган.

Кўчманчи ўзбеклар давлатининг тузилиши қандай бўлганлиги аниқ эмас. Манбаларди учраган айрим фактларга қараганди, бу давлат марказлашмаган ва аппарати такомиллашмаган бир давлат бўлган. Биз фойдаланган манбаларди кўрсатилишича кўчманчи ўзбеклар давлатиди кўчманчи мансаб лавозимлари бўлган:

Оталиқлар (отака, кўкалтош). Улар аслиди шахзодаларнинг тарбиячилари ҳисобланган ва балоғатга етгунча уларнинг улус-

ларини бошқариб турган. Манбалардан кўринишича, оталиқлар хизмати сингган ва кўзга кўринган амирлардан тайинланган. Оталиқлар ўзларининг тарбиясида бўлган шаҳзодалар ба-логатга етиб мустақил ҳукмдор бўлганларида ҳам уларга зўр таъсир кўрсатиб турганлар. Бунга бир мисол келтирамиз. 1536 йилда Хива ва Бухорога келган рус элчиси И. Д. Хохлов Ру-сияга қайтиб кетаётганда, Колпан (Устюртда) деган жойда шаҳзода Абеш (Аванеш)нинг одамлари уни ва ҳамроҳларини тутиб қолганлар. И. Д. Хохлов ана шу шаҳзоданинг оталиғи бўлган Давлат исмли амирга мурожаат қилганда, у шаҳзода Абешни Хохлов ва унинг одамларини қўйиб юбориш тўғрисида буйруқ беришга кўндирган.

Девонлар. Абулхайрхон давлатида девонларнинг қанча бўлганлиги ва уларнинг вазифалари нималардан иборат бўлганлиги маълум эмас. «Тарихи Абулхайрхоний»да девон хизматчилари қушчи қабиласидан бўлган Давлатхожа ва уйғур қабиласидан чиққан Ябағуларнинг исмлари келтирилган. Ҳар ҳолда икки девон: молия ишлари ва ҳарбий ишлар девони бўлган, деб тахмин қилса бўлади. Манбаларда девонларнинг султонлар ҳузурида ҳам бўлганлиги айtilган.

Ичкилар. Баъзан эшик оғабоши, эшик ихтиёри деб ҳам аталган. Улар хонлар ва султонлар ҳузурида бўлиб, уларнинг сарой ишларини бошқариб турганлар.

Қози калон. Абулхайрхон даврида бу лавозимда Қулмуҳаммад саййид, Шайбонийхон даврида эса Камолуддинхожа турганлар. Қози калон давлатнинг суд ишларини бошқарган.

Иноқлар. Улар, бизнинг фикримизча, хоннинг яқин кишилари, яъни маслаҳатчилари бўлган. Иноқлар кучли ва бообрў амирлардан тайинланган эди.

Ноиблар. Ноиб, Л. Будаговнинг сўзларига қараганда, ва-зирларнинг ўринбосарлари бўлиб, улар йўқ пайтларда вазифаларини бажарганлар. Манбаларда ноибларнинг хон ҳузурида ҳам бўлганлиги айtilади. Бизнинг фикримизча, хон ва ва-зирлар ҳузуридаги ноиблар кенг ҳуқуққа эга бўлган мансабдор ҳисобланган.

Амири шикор. Маълумки, ов феодал ҳукмдорлар ҳаётида катта ўрин тутар эди. Бу лавозим эгаси хон ва султонларнинг овларини уюштириб туриши керак эди. Шикоргоҳ атрофидаги қишлоқлар аҳолисининг ўз от-улови, қурол-аслаҳаси билан келиб хон ва султонларнинг ов ўтқазishiда уларга ёрдам бериши, улар қўниб қолганларида қўноқ ҳамда озиқ-овқат билан таъминлаш ишлари ҳам амири шикорнинг вазифаси ҳисобланар эди.

Ясовуллар. В. В. Бартольднинг фикрича, ясовуллар хонларнинг уй хизматчилари бўлган. А. А. Семёновнинг айтишича, улар даставвал хонларнинг ёсо ва юсунга асосланган буйруқларини ижро қилувчи шахслар бўлиб, кейинчалик хонлар ҳузурида кичик лавозимдаги хизматчилар бўлганлар ва уларнинг амр-фармони ва кўрсатмаларини ижро этиб турганлар. Биз кўр-

ган манбаларда айтилишича, улар солиқ тўплаш, урушда тушган ўлжани ҳисоб-китоб ва ундан хонга тегишли қисминини ҳисоблаб ажратиб олиш вазифаларини ҳам ўтаган.

Меҳмон худой. Дастлабки ўзбек хонлари, тўғрироғи, Шайбонийхон ҳузурида бундай лавозим бўлганлигини фақат Рузбехон айтади, холос. Унинг сўзича, бу лавозим эгаси хоннинг махсус йиғилишлари (мажлиси ҳумоюн)ни тўплашга жавобгар бўлган.

Мубоширлар. Улар, одатда, хоннинг чопарлари вазифасини ўтаган ва унинг ёрлиқларини вилоятларга етказиш вазифасини бажарганлар.

Доруғалар. Доруғалар хон ва султонлар томонидан айрим шаҳар ва ноҳияларга тайинланган ҳокимлардир. Уларнинг зиммасига хазинага келиб тушиши лозим бўлган солиқларни тўплаш ва бошқа бир қатор маъмурий вазифалар (аҳолини рўйхатга олиш, хон қўшини учун лашкар тўплаш ва ҳоказо) ҳам юклатилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, давлат лавозимларига асосан қушчи ва уйғур қабилаларининг намоёндаларидан тайинланган. Бундан бу қабилаларнинг катта нуфузга эга бўлганлиги ва бошқа ўзбек қабилалари орасида алоҳида ўрин тутганлиги кўриниб турибди.

Кўчманчи ўзбеклар қўшини мўғуллар ва темурийлар қўшини тартибидан тузилган. У асосан барча қабилалардан тўпландиган лашкарлардан иборат эди. Хон, султонлар ва қабилаларнинг бошлиқлари — феодалларнинг доимий хизматида эса фақат уларнинг навқарларигина бўлган. Навқарлар ҳарбий кишилар бўлиш билан бирга, ўз хўжайинларининг уй хизматкори ҳам ҳисобланганлар.

Кўчманчиларда ҳар бир эр киши — ҳарбий киши ўз бошлигининг биринчи чақириғи биланоқ отланиб ва қуролланиб, унинг ҳузурига тўпланган. Улар етарли озиқ-овқатини ҳам ўзлари билан бирга олиб келганлар. Мамлакат миқёсида лашкар тўплаш иши тавочи деб аталган махсус мансабдорлар зиммасига юклатилган. Тавочилар катта ҳуқуққа эга бўлиб, лашкар тўпланидан ташқари, ҳарбий юришлар пайтида қўшин учун тўхташ жойларини белгилаш ва айни вақтда қўшин тўхтаган ерда ов ташкил қилиш билан ҳам шуғулланганлар. Лашкар тўплаш иши жарчи деб аталадиган амалдорларга ҳам топширилиб турилган.

Ўзбек лашкари ҳарбий юриш вақтида ўзининг озиқ-овқат заҳирасини аҳолининг қўлида бўлган ортиқча озиқ-овқатни му-содара қилиш йўли билан тўлатиб турган. Бундай тарзда озиқ-овқат тўплаш «юртовул» («юрт овламоқ») деб аталган. Бунда хон султонлардан бирининг бошчилигида йўл ёқасидаги қишлоқларга махсус ҳарбий қисм юборар ва бу қисм аҳолидан озиқ-овқат ва чорполарни тўплаб келар эди.

Кўчманчи ўзбеклар қўшини ҳам қадимги турклар ва мўғул қўшини сингари 10, 100, 1000, ва 10 000 тартибидан тузилган. У

ўнг, сўл қанотлардан ва илғор (манғлай) қисмдан иборат бўлиб, ўнг қанотни дўрмон, тубойи, чимбой ва уйғур қабилаларининг лашкари, сўл қанотни эса бурқут, қиёт, қўнғирот, найман, қўшчи, манғит, ушун (уйшин), ийжонлар ташкил этган. Танғут, ўтарчи, ўкариш-найман, жот, хитой, қорлиқ, кенагас, эчки, туман-минглар бўлса, фикримизча, манғлай, қанбул ва қоровулни ташкил этган.

Шу факт ҳам диққатга сазоворки, кўчманчи ўзбек султонларидан баъзи бирлари фақат бир миллатдан иборат бўлган мунтазам қўшин тузишга ҳам ҳаракат қилганлар. Шайбонийларнинг Тошкентдаги ҳоқими Суюнчхожахон Шайбонийхоннинг 1509 йилги юришида ўзининг 13 миң кишилиқ қўшини билан қатнашган. Бундан ўн мингги фақат ўзбеклардан тузилган отлиқ аскар бўлган. Рузбехон бу қўшиннинг ҳамжиҳатлик ва қаҳрамонлик намунасини кўрсатиб жанг қилганлигини ҳикоя қилади.

Манбаларда ўзбек лашкарларининг ҳарбий маҳорати ва санъати тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Заҳририддин Муҳаммад Бобур ўзбекларнинг «тўлғама» (душман қанотларини айланиб ўтиб, орқадан ҳужум қилиш) деб аталган жанг усулини мактаб ёзади. Рузбехон ўзбекларнинг жанг олдидаи жуда тез тўплана олиши, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик билан жанг қилишини ўз асарида таъкидлаб ўтади.

XV асрда кўчманчи ўзбекларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг асосий тарафлари мана шулардан иборат.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Оқ Урда ва Шайбон улусининг кўчманчи жамияти илк феодал жамият, тўғрироғи, патриархал-феодал жамият бўлиб, феодал эксплуатация патриархал урф-одатлар билан (қабил ва уруф бошлиқлари ҳукмронлигининг наслдан-наслга ўтиб туриши, кўчманчи аҳолининг талайгина жарималар тўлаб туриши, ўз хўжайинларининг мол-қўйини боқиб бориши ва ҳоказо) чамбарчас боғланиб кетган. Қулчилик бўлса (феодалларнинг мол-қўйларини боқиш ва уларнинг уй хизматларини бажариш) уклад тарзида сақланган.

4-б о б. Кўчманчи ўзбеклар билан темурийлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар

Дашти қипчоқнинг кўчманчи аҳолиси билан Урта Осиёда истиқомат қилиб турган ўтроқ аҳоли ўртасида қадим замонлардан бери ўзаро иқтисодий (савдо) ва сиёсий муносабатлар давом этиб келган. Биз бу муносабатларнинг асосан сиёсий томонларигагина тўхталиб ўтамиз, чунки масаланинг иқтисодий тарафи анча мураккаб ва алоҳида илмий-тадқиқот ишлари олиб боришни талаб қилади.

XV асрда кўчманчи аҳоли билан ўтроқ аҳоли ўртасида бўлган савдо муносабатлари тўғрисида манбаларда тўлиқ ва батафсил маълумотлар бўлмаса-да, ҳар икки томон бир-бири билан мунтазам равишда савдо-сотик олиб бориб турган. Ҳатто,

Оқ Урдада низолар ва феодал кураш кучайган XV асрнинг 20-йилларида ҳам ҳар икки ўртада савдо-сотик ишлари тўхтамаган. Абдураззоқ Самарқандий ана шу йиллари ўрта осийлик савдогарларнинг Дашти қипчоққа бориб савдо-сотик қилиб, ўз юртига эсон-омон қайтиб келганликларини ҳикоя қилади. XV асрнинг 80-йилларида Шайбонийхон ва қозоқ хонлари (Бурундўқхон, Қосим султон ва бошқалар) ўртасида Ўзбек улусида сиёсий ҳокимият учун кучли курашлар бўлиб туришига қарамай самарқандлик ва бухоролик савдогарларнинг карвонлари Дашти қипчоққа узлуксиз қатнаб турган. Икки хонлик ўртасида, ҳатто, нотинч йилларда ҳам савдо-сотик бўлиб турган, тинчлик ҳукм сурган йилларда эса бундай муносабатлар, шубҳасиз, бирмунча ривожланган.

Урта осийлик савдогарлар Дашти қипчоққа ип ва ипак газлама, кийим-кечак, уй-рўзгор буюмлари олиб бориб, у ердан қўй, қорамол, жун, тери ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини олиб қайтганлар. Бундай савдодан ҳар иккала тараф ҳам наф кўрар эди.

Дашти қипчоқ кўчманчилари рус савдогарлари билан ҳам ана шундай савдо қилиб турганлар. Рус солномалари 1474 — 1476 йилларда Дашти қипчоқлик савдогарлар Москва, Нижний Новгородга минглаб от олиб келиб сотганларини хабар қилади. Ўз навбатида рус савдогарлари Дашти қипчоққа газлама, пойабзал ва бошқа жуда кўп турдаги товар олиб келиб сотар эдилар.

Ўзбек улусининг бир қатор савдо йўллари (Астрахань — Саройчик, Урганч — Бухоро; Волга — Сарой; Ишим — Улатов, Қоратол — Еттисув; Хитой — Бухоро — Илон ўтди — Жиззах — Арқуқ — Ўзғанд — Сигноч) устида жойлашган бўлиши бу ҳудудда истиқомат қилувчи халқларни қадим замонлардан бери бошқа халқлар, хусусан, ўтроқ халқлар билан савдо-сотик олиб бориш доирасига тортди. Ясси, Утрор, Сигноқ, Саврон, Арқуқ, Ўзғанд ва Сирдарё бўйида жойлашган бошқа бир қатор шаҳарлар кўчманчилар билан Урта Осиёнинг ўтроқ аҳолиси ўртасида олиб борилган савдонинг маркази ҳисобланар эди.

Кўчманчиларнинг Урта Осиёнинг ўтроқ аҳолига ноҳияларига қилиб турадиган талончилик юришлари Амир Темур вафот қилгандан кейин бирмунча кучайди.

Кўчманчи ўзбеклар билан темурийлар ўртасида Хоразм учун катта кураш борди ва бу кураш ҳар икки ўртадаги муносабатларининг муҳим бир томонини ташкил қилади. Биз бу масалага, шунинг билан бирга, Хоразмнинг XV асрдаги сиёсий ҳаётига ҳам қисқача тўхтаб ўтамиз, чунки бу масала тарихда жуда кам ёритилган ва кўп ноаниқликлар бор. Қолаверса, энг муҳими, Хоразм тарихи Олтин Урда ва Чигатой улуси тарихи билан боғлиқдир.

Урта Осиё мўғуллар тарафидан истило қилингандан (1219—1220) кейин Хоразм Чингизхоннинг ўғиллари Жўчихон ва Чигатой ўртасида тақсимлаб олинган эди. Ушанда ўлканинг ғар-

бий қисми Урганч шаҳри билан биргаликда Жўчи улусига, шарқий қисми Кот ва Хива шаҳарлари билан Чигатой улусига ўтган эди.

Олтин Урда ва Чигатой улусида феодал кураш бениҳоят кучайган XIV асрнинг 60-йилларида кўзга кўринган қўнғирот бекларидан Хусайн сўфи Хоразмда ҳокимиятни қўлга олди ва ўз номидан пул зарб қилдирди. «Аноним Искандар»да айтилишича, Хусайн сўфи 1361 йилда Олтин Урда пойтахти Саройда Келдибек томонидан ўлдирилган нуфузли амирлардан Нонгадойнинг ўғли бўлган. Бизнинг фикримизча, амир Нонгадой Хоразмнинг илгариги ҳокими Кутлуғ Темурнинг авлодидан бўлиб, унинг вафотидан. (1335/36) кейин Хоразмда ҳукм сурган.

Амир Темур Чигатой улусининг катта бир қисмида ўз ҳукмронлигини ўрнатгач (1370), Хоразмнинг илгари Чигатой улусига қарашли бўлган қисмини қайтариб олиш учун қўнғиротлар билан қаттиқ кураш олиб борди, лекин у фақат бешинчи юришдан кейингина (1388) бунга муваффақ бўлди. Хоразмнинг Амир Темур тарафидан фатҳ этилиши масаласида профессор А. Ю. Якубовский томонидан икки хил фикр айтилган. Бир жойда Тўхтамиш ҳукмронлигининг дастлабки йилларида (1380—1382). Хоразм тўлиғича Темурийлар давлатига қўшиб олинди, деб айтилади. Бошқа жойда эса Амир Темур икки марта ўтказилган ҳарбий юришдан кейин (биринчи юриш 1371 йилда, иккинчи юриш 1373 йилда бўлган) Хоразмнинг илгари Чигатой улусига тобе бўлган қисмини ўз давлатига қўшиб олди, деб ёзади олим. Бу фикрлар тўғрими? Ҳақиқатда эса Амир Темур бунга фақат бешинчи юришдан кейин, яъни 1388 йилда муваффақ бўлган. Фикримизнинг исботи учун ўша йиллари Хоразмда юз берган сиёсий воқеалар устида қисқача тўхталиб ўтамиз. 1375/76 йили Хоразм ҳокими Юсуф сўфи (1372—1380) Амир Темур Урусхонга қарши кураш билан банд бўлганлигидан фойдаланиб, Кот ва Хива шаҳарларини босиб олди. Амир Темур Утрордан Хоразмга элчи юбориб, Юсуф сўфидан бу шаҳарларни яхшиликча бўшатиб чиқишини талаб қилди. Лекин Юсуф сўфи аксинча элчини қамаб қўйди ва Амир Тўйбуғо бошчилигида Бухоро ва Самарқанд атрофларида жойлашган қишлоқларни талаб учун Хоразм қўшинини юборди. Улар ўшанда Бухоро атрофида жойлашган бирталай қишлоқларни ва шу ерларда кўчиб юрган туркманларни талаб қайтди. Амир Темур фақат 1379 йили Юсуф сўфига қарши қўшин тортишга муваффақ бўлди ва уч ойлик қамалдан сўнг Урганч Темур қўшинлари томонидан ишғол этилди. Абдураззоқ Самарқандий Урганч Темур аскарлари томонидан қамал қилинган кунлари у ерда Юсуф сўфи билан Манг (Минг?) сўфи ўртасида ҳокимият учун катта кураш борганлиги, натижада ҳокимият Манг сўфи қўлига ўтганлигини айтади. «Юсуф сўфининг тарафдорлари бўлган бир қанча амирлар, — деб ёзади у, — амир Хўжалоқ бошчилигида шаҳар дарвозаларини, Темур аскарларига очиб бердилар». Бу — Амир Темурнинг Хоразм устига қилган учинчи юри-

ши эди. Бу сафар Урганч мисли кўрилмаган даражада талон-торож қилинди, шаҳарнинг барча хунармандлари ва олимлари Самарқандга ҳайдаб олиб кетилди. Урганчда Амир Темур ва Суюрғатмиш номига хутба ўқилди ва пул зарб қилинди. Лекин Амир Темур Хоразмнинг жануби-шарқий қисмидагина ўз ҳукмронлигини ўрната олди, ўлканинг ғарбий қисми бўлса, яна қўнғиротлар сулоласи қўлида қолди. Уша йили Манг сўфини ҳокимият тепасидан туширган Сулаймон сўфи Тўхтамиш билан иттифоқ тузди ва унга тобелик билдирди. 1379/80, 1387—1388 йиллар ичида Урганчда Тўхтамиш номи билан пул чиқарилди.

1387/88 йили Тўхтамиш Мўғулистон ҳукмдори Қамариддин (1363—1389) билан бирлашиб, Мовароуннаҳрга бостириб кирди ва унинг бир қатор туманларини талон-торож қилди. Бу катта юришда Сулаймон сўфи ўз қўшини билан уларга қўмаклашди. Муъиниддин Натанзийнинг хабар беришига қараганда, бу юришда Тўхтамиш ва Қамариддин тарафида урушда қатнашган Хоразм қўшинига Оқча ўғлон ва 1371 йили хонлик қилгани учун Амир Темурнинг буйруғи билан қатл этилган Хутталон беги Қайхусравнинг ўғли (исми маълум эмас) бошчилик қилган. Бунга жавобан Амир Темур 1388 йилда Хоразмга яна қўшин тортиди ва бу гал Урганч тамоман вайрон қилинди. Сулаймон сўфи ва Илпигмиш (Илтутмиш?) ўғлон Амир Темур аскарларидан Қумкент (Вазирнинг шимоли-ғарбий тарафида, ундан 78 км масофада жойлашган мавзе) ёнида яна мағлубитга учраб, Тўхтамиш ҳузурига — Дашти қипчоққа қочиб кетди. Ана шу йилдан бошлаб Хоразм тўлиғича Темур қўлига ўтди ва у амир Мусиқа (Муса ака?) ни бу ерга ҳоким этиб тайинлади. Соҳибқирон ўша амирга Хоразм пойтахтини тиклаш ишини ҳам топширди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Амир Темур вафот қилгандан сўнг, 1406 йилнинг бошларида Олтин Урданинг бош амира Едигей (Идику ўзбек) Хоразмни босиб олди. Амир Мусиқа эса Самарқандга қочиб кетди. Едигей Олтин Урда амирларидан Инқани бу ерга ҳоким этиб тайинлади. Пўлодхон ҳукмронлик қилган йилларда (1408—1410) Инқа вазифасидан бўшатилиб, унинг ўрнига Қолжа исмли амир тайинланди. 1410—1411 йилларда бу ерда Едигейнинг кенжа ўғли Муборакшоҳ ҳукмронлик қилди.

Маълумки, 1409 йили Шоҳруҳ Халил султон устидан ғалаба қилди ва Мовароуннаҳрда ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Шу ғалаба муносабати билан аввал Самарқандда, сўнгра Ҳиротда зўр тантаналар бўлди. Бу тантаналарда қўшни мамлакатлардан, шунингдек, Олтин Урда ва Хоразмдан келган элчилар ҳам қатнашиб, Шоҳруҳни ғалаба билан қутладилар ва Едигей юборган катта инъомларни унга топширдилар. Абдураззоқ Самарқандий Шоҳруҳнинг ўша элчиларга қўшиб Хоразм ва Дашти қипчоққа амир Ҳасан бошчилигида ўз элчиларини юборганлигини айтади. Ҳиротлик элчилар Пўлодхонга, Едигейга ва Исабекка (Едигейнинг катта акаси, Олтин Урданинг мўътабар

амирларидан) карвон-карвон совғалар юборган. Шоҳруҳнинг элчилари Едигейдан унинг қизини Шоҳруҳнинг ўғли Муҳаммад Жўқийга хотинликка беришни илтимос қилган. Мана шу фактлар ҳар икки томоннинг дўстона муносабатлар ўрнатишга интиланлигини ва, қолаверса, Шоҳруҳнинг Хоразмнинг қўлда кетиши факти билан вақтинча бўлса ҳам муроса қилаётганлигини кўрсатади.

Шоҳруҳ 1409/10 йили Ўзбек вилоятига Обон тавончи бошлиқ яна элчи юборди. Элчилар 1410/11 йилнинг илк баҳорида Дашти қипчоқдан қайтиб келиб, Бодҳисда дам олиб ётган Шоҳруҳга Едигейнинг совға-саломларини топширдилар. Шуниси характерлики, Едигей Шоҳруҳга ёзган мактубида ўзининг унга тобелик билдиришга тайёрлигини маълум қилган. Едигейнинг бу хатти-ҳаракатини англаш қийин эмас, албатта. Маълумки, Пўлодхон вафот қилгандан сўнг 1410/11 йил ўрталарида Олтин Ўрда тахтини Темирхон эгаллади. Кўп ўтмай, янги хон билан Едигей ўртасида қарама-қаршилиқ кучайди. Муъиниддин Натанзий кўпгина амирларнинг хон томонини олганлигини ва Темирхон билан Едигей ўртасида бир-икки марта қуролли тўқнашув бўлиб, натижада Едигейнинг мағлубиятга учраб, Хоразмга қочиб кетганлигини ҳикоя қилади. Темирхон унга қарши Ужуқ баҳодир ва Ҳозон бошчилигида қўшин юборди. Улар Едигейни Шом деган жойда (Устюртда — Урганчдан 10 кунлик масофада бўлган жой) қувиб етдилар, лекин Едигей жанг қилмай, Урганчга қараб чекинди ва шаҳар қалъаси ичига яширинди. Ужуқ баҳодир ва Ҳозон уни олти ой мобайнида қамал қилганлар. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, бу воқеа 1411/12 йилнинг бошларида юз берган. Ужуқ баҳодир ва Ҳозон Едигейни қамал қилиб турган кунлари Олтин Ўрдада яна давлат тўнтариши содир бўлди. Темирхон Тўхтамининг ўғли Жалолиддин султон ва унинг тарафдорлари томонидан тахтдан туширилди. Темирхон ҳам Едигейга ўхшаб Хоразмга қараб қочди, лекин йўлда Жалолиддин султон қўйган одамлар томонидан ўлдирилди.

Ужуқ баҳодир ва Ҳозон Жалолиддиннинг кўрсатмасига биноан, Едигей билан музокаралар олиб бордилар, натижада икки ўртада тинчлик шартномаси имзоланди. Шартномага биноан, Едигей Жалолиддин султонга тобелик билдирди, аммо ордан кўп вақт ўтмай, Жалолиддин тинчлик аҳдини бузиб, Едигейга қарши амир Кужилой бошчилигида уч минг кишидан иборат қўшин юборди. Кужилой Булукия деган жойда Хоразмдан қайтиб келаётган Ужуқ баҳодир ва Ҳозонни учратиб, улардан Хоразмга қайтиш ва Едигей билан курашни давом эттиришни талаб қилди. Ужуқ баҳодир ва Ҳозон бу талабга бўйсунмай, Дашти қипчоққа қайтдилар, Кужилой бўлса ўз қўшини билан Урганчга қараб юрди. Едигейнинг ҳарбий кучи Кужилой қўшинидан кам бўлишига қарамай, унинг қаршисига чиқди ва жангда унга катта шикаст етказди. Едигей аскарларининг қўлига катта ўлжа ва кўп киши асир бўлиб тушди. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Едигейнинг кўрсатмаси билан бу асирлар

Урганч аҳолиси ўртасида тақсимлаб берилган ва аҳолидан уларни боқиш ва асраш талаб қилинган. Шубҳасиз, бу ҳол кўп-лаб солиқ ва турли жарималар туфайли беҳад эзилган Урганч аҳолисининг сабр косасини тўлдирди. 1413 йили шаҳар аҳли Едигей истибдодига қарши қўзғолон кўтарди, аммо Муборакшоҳ қўзғолонни бостирди.

Шоҳруҳ Хоразмда бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатиб турди ва ҳижрий 815 йили Хоразмга Алайка кўкалтош, Саид Али тархон ва амир Илёсхўжа бошчилигида катта қўшин юборди. Улуғбек томонидан амир Мусиқа бошчилигида юборилган беш минг кишилик қўшин ҳам унга келиб қўшилди. Уша кунлари Едигей Хоразмда эмас эди. Бу ерда Муборакшоҳнинг ўзигина қолган эди. Едигейнинг қаёққа кетиб қолгани номаълум.

1419—1420 йилларда Едигей Олтин Ўрдада илгариги мавқеини йўқотди.

1412 йили темурийлар қўшини Хоразмни ололмади. Фақат келгуси йили амир Шоҳмалик хоразмлик амирларни ўз томонига оғдириб олишга муваффақ бўлди ва темурийлар қўшини Хоразмни ишғол қилди. Шу йилдан бошлаб Хоразм Темурийлар давлати таркибига қўшиб олинди ва амир Шоҳмалик бу ерга ҳоким этиб тайинланди. Шоҳмалик вафотидан (1425/26) кейин унинг ўғли амир Иброҳим бу ерда ҳукмронлик қилди.

Маълумки, Шоҳруҳ Амир Темур сингари бошқа мамлакатларни босиб олиш учун узлуксиз урушлар олиб бормади. У фақат Темурийлар империясини бошқа халқлар, хусусан, тобора кучайиб бораётган кўчманчи ўзбеклар ҳужумидан мудофаа қилишга интилди. Хоразмга қилинган юриш ҳам шу мақсадни кўзлаган эди. Унинг ўғли Улуғбек бўлса бобосидан намуна олиб, бир қатор босқинчилик урушлари олиб борди. Лекин унинг Мўғулистон ва кўчманчи ўзбеклар мамлакатига қилган юришлари бирор натижа бермади. Улуғбек ва Бароқхон замонида кўчманчи ўзбеклар билан темурийлар ўртасидаги муносабатлар В. В. Бартольднинг «Улуғбеки его время» деган китобида батафсил ёритилган. Б. Д. Греков ва А. Ю. Якубовскийларнинг «Золотая Орда и ее падение» деган асарида ҳам бу тўғрида муҳим фикрлар айтилган. Шу сабабдан, бу масалага қисқа тарзда тўхталиб, баъзи бир янги маълумотларни баён қилиш билан kifояланамиз.

1417 йил март ойининг ўрталарида Улуғбек катта қўшин билан Шоҳруҳга қалъасининг рўбарўсига, яъни Сирдарёнинг бўйига келиб тушди, уша ойнинг охирида эса дарёни кечиб ўтди. Шу ерда Олтин Ўрда ва Ўзбек улусида катта тўполонлар бошланганлиги тўғрисида хабарлар олинди. Шунга қарамай, Улуғбек кўчманчи ўзбекларга қарши юришни давом эттирмади ва апрель ойининг бошларида Самарқандга қайтди. Балхда ва Бадахшонда фитналар ва феодал курашнинг кучайиб кетганлиги сабабли Шоҳруҳ Улуғбекка юришни тўхтатиб, Самарқандга қайтиш тўғрисида кўрсатма берган бўлиши мумкин.

Ўзбек улусида Бароқхон билан Улуғ Муҳаммад ўртасида ҳокимият учун кураш кучайган йиллари (1419—1423) бу хонлар билан темурийлар ўртасида ўзаро муносабатлар яна кучайди. Улуғбек Бароқхонни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлади, Шоҳруҳ бўлса Улуғ Муҳаммад билан дўстона муносабатлар ўрнатди. 1422 йили Шоҳруҳнинг элчиси Султон қушчи Ўзбек улусига бориб қайтди, келаси йили эса Ҳиротга Улуғ Муҳаммаднинг элчиси — Алимшайх ўғлон ва амир Пўлод келдилар. Улар Шоҳруҳга Улуғ Муҳаммад номидан катта инъом топширдилар. Улуғ Муҳаммаднинг элчилари Шоҳруҳ билан нима ҳақда музокаралар олиб борганликлари тўғрисида манбаларда маълумот учрамайди. Лекин элчиларнинг Шоҳруҳ ёрдами билан Улуғбек ва Бароқхон ўртасидаги иттифоқни бузишга ва Улуғ Муҳаммаднинг Ўзбек вилояти учун курашда темурийларни бетараф қилишга ҳаракат қилганликлари ўз-ўзидан кўриниб турибди. Шунга қарамай, Улуғбек билан Бароқхон ўртасидаги иттифоқ тобора мустаҳкамланиб борди. 1420 йилнинг сентябрида Самарқандга Бароқхоннинг элчиси Сўфи ўғлон келди ва Улуғбекка Бароқхоннинг қимматли совғаларини топширди. Улуғбек бўлса унга ўз ёрдамини тобора кучайтирган эди.

Бароқхон 1423 йили Улуғбекнинг ёрдами билан Улуғ Муҳаммад устидан ғалаба қозонди ва Ўзбек улусида ҳокимиятни қўлга киритди. Улуғбек шундан кейин ҳам уни қўллаб-қувватлаб турди. Мирхонд қўйдагиларни ҳикоя қилади: «Бароқхон Ўзбек улусида ҳукмронликни қўлга киритиб олгандан кўп вақт ўтмай, унинг элчиси Жумодуқ катта совғалар билан Самарқандга келди. Улуғбек элчини иззат-ҳурмат билан кутиб олди. У элчидан Бароқхонга катта совғалар бериб юборди». Мирхонд бу совғаларни номма-ном кўрсатади: зардўзий чопонлар, тилла камарлар, кумуш узанги, қимматбаҳо эгар-жабдуқ, наслдор отлар ва кўп миқдорда ақча. Элчининг илтимосига кўра, Улуғбек мулозимларидан Товсоқ ўғлонни элчининг ихтиёрига топширди. Элчини Ўзбек улусигача махсус қўриқчи қисм ва ноғорачилар кузатиб қўйдилар. Бу факт Улуғбекнинг Бароқ ўғлон хусусида қанчалик зўр ғамхўрлик қилганлигини кўрсатиб турибди. Лекин кўп ўтмай (1427 йилнинг ёзида), Улуғбек билан Бароқхон ўртасидаги муносабатлар бузилди. Бунга Бароқхоннинг босқинчилик хатти-ҳаракати сабаб бўлди. У Сигноқни босиб олди ва илгари темурийларга қарашли бўлган Сирдарё бўйидаги бир қатор шаҳарларга ҳам «кўз тика» бошлади. Бу ҳол ҳар икки томонни қуролли тўқнашувга олиб келди. Улуғбек катта қўшин тўплаб, Бароқхонга қарши отланди. Унга ёрдам бериш учун Хуросондан ўз қўшини билан иниси Муҳаммад Жўқий ҳам келди. Лекин Сигноқ ёнида бўлган жангда Бароқхон уларни тор-мор келтирди ва Самарқандгача таъқиб қилиб борди. Шоҳруҳ бундан хабар топиб, катта қўшин билан Мовароуннаҳрга қараб юрди. В. В. Бартольд Шоҳруҳ олиб келаётган бу қўшиннинг кўп сонли эканлиги ва уни Амударёдан 200 кема бир ой мобайнида ташиб ўтганлигини ҳикоя қилади. Шоҳруҳ кўчман-

чи ўзбеклардан қасос олиш ниятида эди, деб айтиш қийин. Ўзбекларнинг янги хуружларининг олдини олиш, Мовароуннаҳрда тартиб ўрнатиш ва давлат чегараларини мустаҳкамлаш учун у шундай катта қўшин билан келган бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, Шоҳруҳ мамлакатда тартиб ўрнатиб, 1427 йилнинг октябрида яна Ҳиротга қайтиб кетди.

Юқорида Абулхайрхон ҳукмронлик қилган йилларда кўчманчи ўзбеклар Сирдарё бўйидаги бир қатор шаҳарларни, Хоразмнинг бир қисмини темурийлардан тартиб олганликларини айтиб ўтган эдик. Улар ана шу ноҳиялар орқали Мовароуннаҳр, Мозандарон, Астробод ва Эроннинг бошқа вилоятларига тез-тез талончилик юришлари қилиб турдилар. Бу юришлар XV асрнинг 30-йилларида шу қадар кучайиб кетдики, Шоҳруҳ ва Улуғбек Астробод, Мозандарон ва Мовароуннаҳр чегараларида йил бўйи катта қўшин тутишга мажбур бўлди. Гўрғои ва Астрободда жойлашган темурий қўшинларга Бойсунқур бошчилик қилди. Унинг вафотидан сўнг (1433 йил 20 декабрь) бу вазифа шаҳзода Алоуддавллага юклатилди, Улуғбек бўлса ҳар йили қишни Бухорода, Шоҳруҳияда ёки Тошкентда ўтказишга мажбур бўлди.

1431/32 йилнинг ёзида Улуғбек шошилинич равишда отаси ҳузурига — Сарахсга келди. Манбаларда бунинг сабаблари очиқ-ойдин кўрсатилмаган. Фикримизча, Улуғбек кўчманчи ўзбекларнинг Мовароуннаҳр ҳудудларида яна «ғимиллаб» қолганидан чўчиб, уларга қарши биргаликда чора-тадбир кўриш масаласини отаси билан муҳокама қилмоқ учун бу ерга келган. Бунинг Абдураззоқ Самарқандийнинг қўйдаги хабари тасдиқлайди. Улуғбек Сарахсга келмасдан сал илгари Шоҳруҳ Мозандаронга Бойсунқур, Алайка кўкалтош, Муҳаммад сўфи тархон, Муҳаммадшоҳ ва Муҳаммад Мирамлар бошчилигида катта қўшин юборган, Мовароуннаҳр аскарлари бўлса Дашти қипчоқ ва Мўғулистон томонга жўнатилган.

Юқорида кўчманчи ўзбекларнинг 1431 йили Абулхайрхон бошчилигида Хоразм ва унинг пойтахти Урганчни босиб олганликлари ҳақида айтилган эди, Шоҳруҳ уларга қарши катта қўшин юборди. Темурийларнинг аскарлари кўчманчи ўзбекларни Хоразмдан суриб чиқариш билан кифояланиб қолмай, уларнинг Хоразмда қилган ёвузликларига жавобан, Ўзбек улусини талон-торож этиш тўғрисида Шоҳруҳдан кўрсатма олган эдилар. Лекин улар Хоразмдан нарига ўтолмадилар. Кўчманчи ўзбеклар Хоразмни 1435 йили иккинчи марта талаб қайтди. Бу гал Шоҳруҳ уларга қарши қандай чора кўрганлиги номаълум. На Абдураззоқ Самарқандий, на Мирхонд ва на Хондамир бу тўғрида бир нима демаган. Шоҳруҳнинг ўша йиллари кўчманчи ўзбекларга қарши жиддий кураш олиб бориши қийин эди, чунки Эрон Озарбайжонидан қора қўюнлилар сулоласидан бўлган амир Искандар (1420—1437) тобора кучайиб, Хуросонга таҳдид қилаётган эди.

1440/41 йили кўчманчи ўзбеклар Мозандаронга бостириб

кирдилар ва ўша ерда турган Ҳожи Юсуф Жалил ва Шайх ҳожин бошчилигидаги темурий қўшинларга катта шикаст етказиб, аҳолини беҳад таладилар.

Шоҳруҳ мамлакатнинг шимоли-ғарбий ҳудудларини мустаҳкамлаш ва халқни кўчманчи ўзбекларнинг хуружларидан сақлаш мақсадида Мозандаронда турган қўшинларни бир қадар кучайтиришга мажбур бўлди. Бу ўринда Мирхонднинг қўйидаги маълумоти диққатга сазовордир: «Бахтиёр подшоҳ аъло ҳазрат Шоҳруҳ) жаноблари ҳар йили Журжонга баъзи туман бошлиқларини жўнатиб, уларга Дашти қипчоқ томондан бохабар бўлиб туришларини топширди. Ана шу йили (1444) бу вилоятда йирик амирлардан амир Ҳиндука (ўз қўшини билан) қоровуллик қилди». Бундан кўриниб турибдики, мамлакат ҳудудларини қўриқлашда темурий аскарлар ўртасида навбатчилик тартиби ўрнатилган экан.

Шоҳруҳ вафот қилгандан (1447) кейин темурийлар ўртасида тож-тахт учун кураш бениҳоят кучайиб кетди. Улуғбек Алоуддавла билан Абулқосим Бобурнинг бирлашган кучларини Хуросонда тор-мор келтириб, бу курашда ғолиб чиқди. Лекин Мовароуннаҳрдан олинган ташвишли хабар уни юришни тўхта-тиб, Хуросонни ташлаб чиқишга мажбур этди. Хўш, бу пайтда Мовароуннаҳрда қандай ҳодиса юз берди? Юқорида Абулхайроннинг 1446 йили Сигноқ ва Сирдарё бўйидаги бир қатор шаҳарларни босиб олганлигини айтиб ўтган эдик. 1447 йили баҳорда Абулхайрхон Шоҳруҳнинг вафот қилганлиги ва Улуғбекнинг Хуросонда эканлигидан хабар топиб, Самарқандга қараб қўшин тортди. Кўчманчи ўзбеклар Самарқандни қамал қилдилар, Самарқанд ва Бухоро атрофидаги қишлоқларни талон-торож этдилар. Абдураззоқ Самарқандий кўчманчи ўзбеклар ўшанда темурийлар ва уларга яқин бўлган барча аъёнларнинг Самарқанд атрофида бўлган боғлари ва қасрларини талаб, вайрон қилганликларини айтади. Вайрон этилган саройлар ичида Боғи майдондаги мирзо Улуғбекнинг «Чиннихона» деб аталган ва деворлари Хитой чинниси билан қопланган саройи ҳам бор эди. Мана шу воқеа Улуғбекни шошилич равишда Хуросондан Мовароуннаҳрга қайтишга мажбур қилди. Улуғбек ўз қўшини билан Марв яқинида Амударёдан ўтаётганда кўчманчи ўзбекларнинг ҳужумига дучор бўлди. Бу қўшин Улуғбекнинг йўлини тўсиш учун Амударё бўйига Абулхайрхон тарафидан юборилган бўлиши керак. Натижада Улуғбек қўшинининг бир қисми тор-мор этилди. Кўчманчи ўзбеклар қўлига кўп ўлжа ва асир тушди. Улуғбек қолган аскарлари билан вўр қийинчиликлардан сўнг Бухорога етиб олди, ўзбеклар бўлса Улуғбекнинг келаётганини эшитиб, қамални бўшатдилар ва теварак-атрофдаги қишлоқларни талаб, сўнг Дашти қипчоққа қайтиб кетдилар.

Улуғбек 1449 йилнинг кузида Самарқанд ёнидаги Димишқ қишлоғида ўз ўғли Абдуллатифдан енгилди. Ушанда уни ҳоким беклар на Самарқандга ва на Шоҳруҳияга киритдилар.

«Шундан кейин,— дейди Масъуд ибн Усмон Кўҳистоний,— Улуғбекда Абулхайрхон ҳузурига бориш ва ундан мадад сўраш фикри туғилди, лекин фикридан қайтиб, ҳокимиятни бешафқат ўғлига бериб, илму фан билан шуғулланиш ниятида Самарқандга қайтди ва ўзини қотил Абдуллатифнинг қўлига топширди. Улуғбек Абдуллатифнинг кўрсатмасига биноан ўлдирилди, лекин орадан олти ой ўтгач, Улуғбекнинг тарафдорлари Абдуллатифнинг ўзини ҳам ўлдирдилар.

1450 йили Самарқанд тахтига Мирзо Абдулла (1450—1451) ўтқазилди».

Мирзо Абдулла ҳукмронлигининг дастлабки ойларидаёқ кўчманчи ўзбеклар темурийларнинг ички ишларига фаол аралаша бошладилар. Сўзсиз, кўчманчи ўзбекларни бунга темурийларнинг ўзлари жалб қила бошладилар. Масалан, улар темурийлардан султон Абу Саидга Самарқанд тахтини эгаллашида яқиндан ёрдам кўрсатдилар. Маълумки, султон Абу Саид илгари Улуғбекнинг яқин мулозимларидан эди. У Улуғбек билан Абдуллатиф 1449 йилнинг ёзида Амударё бўйида бир-бирига қарши қўшин сафлаб турганларида Улуғбекнинг қароргоҳидан қочиб кетди ва аргин қабиласидан бўлган турклар иштироки билан Самарқандни қамал қилди. Лекин Улуғбекнинг шаҳарга яқинлашиб келаётганидан хабар топиб, қамални бўшатди ва ўша аргинлар билан уларнинг юртига қочиб кетди. Абу Саид кейинчалик Абдуллатифнинг одамлари томонидан тутилиб, Самарқандга олиб келинди ва Кўксаройга қамаб қўйилди. Орадан кўп вақт ўтмай, у Бухорога қочиб кетди. Унга, шубҳасиз, Абдуллатиф сиёсатидан норози бўлган мансабдор кишилар ёрдам берган, албатта. Бухоро аъёнлари қочоқ шаҳзодага дастлаб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатдилар, аммо шаҳар доруғаси ва қозиси Абдуллатифдан қўрқиб, уни қамаб қўйишди. Султон Абу Саид Абдуллатиф ўлдирилгандан кейин (1450) қамоқдан озод этилди ва қўшини тўплаб, яна Самарқанд устига отланди, лекин Мирзо Абдулладан енгилиб, аввал Бухорога, сўнг Туркистон томонга қочиб кетди.

Айни бир пайтда Хуросон тарафдан ҳам хавф-хатар кучли эди. Уша 1450 йили Алоуддавла Ҳисорни босиб олди ва Самарқандга таҳдид қила бошлади. Мирзо Абдулла катта куч билан унга қарши отланди. Султон Абу Саид бўлса бу қулай фурсатдан фойдаланиб, Яссини ўзига қаратиб олди, Мирзо Абдулла унга қарши икки марта қўшин тортди, лекин Абу Саидни Яссидан суриб чиқара олмади. Бу вақтда Мовароуннаҳрда ҳам, Яссидан ҳам унинг тарафдорлари анча кўпайиб қолган эди. Қолаверса, Абу Саид нақшбандия тариқатининг бошлиғи Хожа Аҳрор (1404—1490) билан тил бириктирди. Хожа Аҳрорнинг таржимаи ҳолига оид «Рашаҳоту айн ул-ҳаёт» («Ҳаёт чашмаларидан томчилар») деган китобда бу тўғрида қимматли маълумотлар бор. Абу Саид кейинчалик Хожа Аҳрорнинг маслаҳати билан Абулхайрхон ҳузурига, Сигноққа борди ва унга ёрдам

сўраб мурожаат қилди. Масъуд ибн Усмон Кўхистоний ва Маҳмуд ибн Валилар уларнинг иттифоқлашганликлари ва ўзбек хони унга аскар билан ёрдам кўрсатганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Хуллас, 1451 йилнинг ёзида султон Абу Саид Абулхайрхон билан биргаликда Мовароуннаҳр устига қўшин тортиди. Иттифоқчилар билан Мирзо Абдулла ўртасида Булунғур сойи бўйида уруш бўлди ва Мирзо Абдулла мағлубиятга учради. Бу воқеа, Масъуд ибн Усмон Кўхистонийнинг ёзишича, 1451 йилнинг июнь ойида, Хондамирнинг сўзларига қараганда, ўша йилнинг 21 июнида содир бўлган. Шундай қилиб, Абу Саид кўчманчи ўзбекларнинг ёрдами билан Самарқанд тахтини эгаллашга муваффақ бўлди. Кўчманчи ўзбеклар бўлса Абу Саиддан катта инъомлар олиб ва унга қўшимча ўлароқ, Самарқанд атрофларини талон-торож қилиб, Сиғноққа қайтиб кетдилар. Ушанда Абулхайрхон мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султон бегимга уйланди.

Хуросонда Абулқосим Бобур ҳукмронлик қилган йилларда (1452—1457) кўчманчи ўзбекларнинг талончилик хуружлари яна ҳам кучайди. Уша йиллари фақат биргина Астрободда теурийларнинг Гиёсиддин Али тархон, Шер ҳожи, Паҳлавон Ҳусайн Девона ва Ҳасан шайхлар қўли остидаги тумонлари кўриқчилик қилди, Нисо ва Язирни бўлса Низомуддин Аҳмад ва Муборизиддин Ҳусайн Жондор бошчилигидаги қўшинлар кўриқлаб турдилар.

Абулқосим Бобур вафот қилган (1457 йил 25 февраль)дан сўнг Хуросонда тожу тахт учун кураш бениҳоят кучайди. Ҳиротни Алоуддавланинг ўғли мирзо Иброҳим эгаллаб олди, Абулқосим Бобурнинг ёш ўғли ва тахт вориси Шоҳ Маҳмуд эса Машҳадга қочиб кетди. Султон Абу Саид бу қулай фурсатдан фойдаланиб, Хуросон устига қўшин тортиди ва Амударёнинг сўл қирғоғида мирзо Иброҳимни тор-мор келтирди, ҳеч қандай қаршиликка дуч келмай, 1457 йилнинг 20 июлида Ҳиротга кириб борди. Бироқ, бундан кўп вақт ўтмай, Балхда Улуғбекнинг набираси, Абдуллатифнинг ўғли Муҳаммад Жўқий унга қарши исён кўтарди. Лекин улар Абу Саид аскарлари билан бўлган жангларда мағлубиятга учрадилар. Султон Абу Саид Балхни ҳам эгаллади. Шу вақтда Бехризда турган мирзо Иброҳим яна Ҳиротни қўлга киритиб олди. Уша кунлари Алоуддавлани Нисо ва Абивард атрофида пайдо бўлди ва Ҳиротга — ўғли мирзо Иброҳимга чопар юбориб, ўзини маълум қилди.

Маълумки, Алоуддавлани 1452 йилда Бадахшонда Абулқосим Бобур томонидан тор-мор келтирилиб, тоғ ораларига қочиб кетган ва шундан кейин унинг қаёқда эканлиги номаълум эди. Манбалардан аниқланишича, у дастлаб Хоразмга ва кейинчалик Дашти қипчоққа кетиб қолган экан. Унинг Абулхайрхон ҳузурда бўлган-бўлмаганлиги аниқ эмас. Абдураззоқ Самарқандий унинг кўп вақт Обардибар деган жойда қийинчилик ва муҳтожликда ҳаёт кечирганлигини ҳикоя қилади. Бу жой-

нинг қаердалигини аниқлаб бўлмади, лекин Абдураззоқ Самарқандий Обардибарни Ўзбек улусида деб айтган. Давлатшоҳ унинг Абулқосим Бобурдан енгилгандан сўнг, Дашти қипчоққа кетиб қолганини ва кўп йиллар тамоман бедарак бўлганлигини айтади. Хондамир эса унинг Дашти қипчоқда ўзбеклар орасида кун ўтказганлигини айтади. Бундан Алоуддавлани кўчманчи ўзбеклар улусида бўлган, лекин улардан ёрдам олишга муяссар бўлолмаган, деб хулоса чиқариш мумкин.

1458 йилнинг апрель ойида султон Иброҳим отасини Санжоб сойи бўйида кутиб олди ва уни Хуросон тахтига ўтказди, лекин Алоуддавланинг ҳукмронлиги узоққа бормади. 1458 йил октябрь ойининг ўрталарида у туркманлар (қора қўюнлилар)нинг тазйиқи остида Ҳиротни Жаҳоншоҳга (1437—1467) ташлаб, Ғурга қочиб кетди. Кўп ўтмай, бу ерда ўғли билан келиша олмай, Жаҳоншоҳ томонига ўтди, кейинчалик унинг ҳузуридан ҳам қочиб, Марвга — мирзо Санжар олдига келди.

Жаҳоншоҳ гарчанд Хуросоннинг ҳукмдори бўлиб олган бўлса-да, унинг мавқеа мустаҳкам эмас эди. Бунинг устига Озарбайжонда ўғли Ҳусайн Али унга қарши исён кўтарди. Ундан ташқари, 1458 йилнинг илк баҳорида султон Абу Саид Мурғобдан ўтди ва бу ерни кўриқлаб турган Жаҳоншоҳнинг туркман бўлинмасини тор-мор келтирди. Жаҳоншоҳ оғир аҳволда қолди ва Абу Саиддан сулҳ сўрашга, у билан тинчлик аҳди тузишга ҳамда Хуросонни ташлаб кетишга мажбур бўлди. 1458 йил 16 декабрь кунини Абу Саид иккинчи марта Ҳиротни олди. Кейинчалик султон Санжар, Алоуддавлани ва султон Иброҳимларнинг бирлашган ҳарбий кучини тор-мор келтириб, Астробод ва Мозандаронни ҳам ўзига қаратди.

XV асрнинг 60-йил бошларига келиб, Абу Саид Шоҳруҳ вафотидан кейин парчаланиб кетган Теурийлар давлатини бирмунча тиклашга муваффақ бўлди. Теурийлар давлатига қўшни бўлган туркманлар, кўчманчи ўзбеклар ва қалмоқлар Абу Саид билан ҳисоблашишга ва у билан муносабатни яхшилашга урина бошладилар. 1460 йили қўшни давлатларнинг элчилари Ҳиротга келдилар. Манбаларда бу элчиларнинг Абу Саид билан нималар хусусида музокаралар олиб борганликлари тўғрисида маълумот йўқ. Фикримизча, кўчманчи ўзбеклар ва қалмоқлар ўзаро ва ички курашлар натижасида бирмунча заифлашиб қолган ва ўзларининг кучли қўшилари бўлган теурийлар билан муносабатни яхшилашга уринган. Абу Саид Ўзбек улуси ва қалмоқлар юртидан келган элчиларни яхши кутиб олди ва қайтишларида амир Муҳаммад Халилни уларга қўшиб элчи қилиб юборди. Бу факт Абу Саиднинг кўчманчи қўшилари билан ўзаро муносабатни яхшилашга иштилоётганлигини кўрсатади. Гап шундаки, Абу Саиднинг энг хавфли рақибларидан бўлган Муҳаммад Жўқий ва Султон Ҳусайн ўша йиллари кўчманчи ўзбеклар улусида бўлиб, Абу Саидга қарши курашда улардан фойдаланишга уринаётган эдилар. Қалмоқлар

бўлса темирликларга қарши Сирдарё бўйида жойлашган ноҳияларга талончилик хуружлари уюштирар ва бу билан Мовароуннаҳрга бостириб кириш хавфини туғдирар эдилар. Бу, албатта, Абу Саидни чўчитмай қўймас эди. Унинг кўчманчи ўзбеклар ва қалмоқлар билан ўзаро муносабатни яхшилашга уринганлигининг сабаби ҳам шунда.

Муҳаммад Жўқий Балхда Абу Саиддан енгилгач, Ҳиротга қочиб кетган, кейинчалик бу ердан Дашти қипчоққа, Абулхайрхон ҳузурига келган эди. Масъуд ибн Усмон Кўхистоний Абулхайрхон уни хотини Робия Султон бегимнинг қариндоши бўлганлигидан ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олинганлигини ва унга султон Абу Саидга қарши курашда аскар билан ёрдам кўрсатишга рози бўлганлигини ёзади.

1460 йилнинг июль-август ойларида Сеистон ҳокими амир Халил султон Абу Саидга қарши исён кўтарди. Айни пайтда Султон Ҳусайн ўз йиғитлари билан Мозандаронда пайдо бўлди, сўнг Сабзавор билан Нишопурга қараб от сурди. Султон Абу Саид амир Халил исёнини бостириш ва Султон Ҳусайнни бартараф қилиш учун ўзи катта қўшин билан Сеистон томонга қараб қўшин тортди.

Муҳаммад Жўқий бу қулай фурсатдан усталик билан фойдаланди ва Бурка султон ва Пешкада ўғлон қўмондонлиги остидаги ўзбек қўшини ёрдами билан Ясси, Сайрам, Тошкент, Ахсикет ва Шоҳруҳия шаҳарларини босиб олди, сўнгра Сирдарёдан ўтиб, Самарқандни қамал қилди. Самарқанд ҳокими Мазид арғун Самарқандда турган темирлик қўшини билан шаҳар ташқарисига чиқиб улар билан жанг қилди, лекин Кўҳак (Зарафшон) бўйида бўлган урушда енгилиб қолди. Шунга қарамай, Муҳаммад Жўқий ва кўчманчи ўзбеклар Самарқандни ололмадилар.

Султон Абу Саид бундан хабар топиб, Мовароуннаҳрга қараб қўшин тортди. Муҳаммад Жўқий юз берган аҳволни муҳокама қилмоқ, Абу Саид билан курашнинг бундан кейинги режасини тузиб олмоқ учун Куфинда ҳарбий бошлиқлар билан кенгаш ўтказди. Бурка султон, Пешкада ўғлон ҳамда бошқа ўзбек амирлари дарҳол Амударё томон бориш ва у ерда Абу Саиднинг йўлини тўсишни таклиф этдилар. Чиғатой амирлари ва Муҳаммад Жўқийнинг ўзи бу таклифга қўшилди. Лекин амир Нурсайдбек, Султон арғун ва кўпчилик чиғатой амирлари бунга қарши чиқдилар. Улар Сирдарёнинг ўнг соҳилига чекиниб, Шоҳруҳия қалъасига яшириниш ва яна шу ердан туриб Абу Саид билан кураш олиб боришни таклиф этдилар. Кўп мунозаралардан кейин чиғатой амирларининг ҳаммаси бу таклифга қўшилиб, Бурка султон билан Пешкада ўғлон яққаланиб қолдилар. Муҳаммад Жўқий, Нурсайдбек ва бошқа чиғатой амирлари ўз аскарлари билан Шоҳруҳияга қараб чекина бошладилар. Бундан дарғазаб бўлган кўчманчи ўзбеклар бўлса Бухоро ва Самарқанд атрофларини талон-торож қилиб, Дашти қипчоққа қайтдилар.

Шундай қилиб, Муҳаммад Жўқий Шоҳруҳия қалъасига яшириниб, мудофаа жангларига тайёрлана бошлади. Абдураззоқ Самарқандий Шоҳруҳия Мовароуннаҳрнинг жуда мустаҳкам қалъаларидан бири бўлганлигини ҳикоя қилади. «Бу қалъа,— деб ёзади у,— уч томондан Сайхун (Сирдарё) билан ўралган. Тўртинчи томони эса сув тўлатилган хадақлар ва зовурлар билан ўралган бўлиб, улардан сузиб ўтиш жуда мушкул эди».

Абу Саид тўрт ой давомида Шоҳруҳияни қамал қилиб турди, лекин Султон Ҳусайн исёни туфайли яна Хуросонга қайтишга мажбур бўлди. Султон Ҳусайн Абу Саиднинг Хуросонда йўқлигидан фойдаланиб, Хоразм тарафдан Мозандаронга бостириб кирди ва Астробод вилоятини эгаллади. Амир Шайххожа ва амир Оллоҳберди бошчилигида бу вилоятларни қўриқлаш учун қўйилган темирлик аскарлар Султон Ҳусайн томонидан тор-мор келтирилди, номлари зикр этилган амирларнинг ўзлари бўлса жангда ҳалок бўлдилар. Шундан сўнг Султон Ҳусайн Гўргонни ҳам эгаллаб, Ҳирот сари юрди. Пойтахт таҳлика остида қолди. Мана шу сабабдан Абу Саид Шоҳруҳия қамалини бўшатиб, шошилиш равишда Хуросонга қайтган эди.

Султон Ҳусайн исёни бостирилди. Шундан кейин Абу Саид яна Мовароуннаҳрга қайтди ва Шоҳруҳияни бир йил чамаси қамалда тутди, лекин исёни тинч йўл билан бартараф қилишга муваффақ бўлолмади. 1461 йилнинг 15 октябрида Муҳаммад Жўқий ўз амирлари билан қалъадан чиқиб таслим бўлди. Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд ва Хондамир бунда Хожа Аҳрор ва шайхулислом Хожа Бурхонуддин катта роль ўйнади. **Муҳаммад Жўқий** ва унинг амирларига гап уқдириб, уларни таслим бўлишга рози қилдилар, деб ёзадилар. Масъуд ибн Усмон Кўхистоний қамал қилинганлар **озик-овқатдан** жуда қийналиб кетганликлари, шу сабабдан Абу Саид билан яраштириб қўйишни сўраб, Хожа Аҳрорга мурожаат қилганликларини айтади. Абу Саид дастлаб исёнчиларга омонлик беришни ваъда қилган бўлса-да, кейин улардан қаттиқ ўч олди. У Муҳаммад Жўқийга Шоҳруҳия ва Самарқандда зўр ҳурмат-эҳтиром кўрсатди, лекин Ҳиротга қайтиб боргач, уни Ихтиёриддин қалъасига қаматтириб қўйди. Муҳаммад Жўқий ўша ерда уч йил қамоқда ётди ва 1464 йили вафот қилди.

Шундай қилиб, Абу Саид ўзининг яна бир хавфли рақибидан қутулди. Лекин Султон Ҳусайн ундан ҳам хавфли рақиб эди. У ўша йили Хоразм, Нисо, Язир ва Астрободда катта куч йиғмоқда эди.

Маълумки, Султон Ҳусайн 1460 йили Астрободни босиб олган эди. Лекин кўп ўтмай, Абу Саид юборган Али Фориси барлос, Ҳасан Шайх Темур, Нурсайд ва Саид Мазидлар бошчилигидаги қўшинлар томонидан у ердан суриб чиқарилди. Абу Саиддан енгилган Султон Ҳусайн Гўргон тарафга чекини ва кемачилар ёрдамида Амударёнинг ўнг соҳилига ўтиб олди. Бу ердан туриб Вазирга, Мустафоҳон ҳузурига амирларидан Абдурахмон Жондорни элчи қилиб юборди ва ўзбек хонини итти-

фоқ тузиб, Абу Саидга қарши биргалашиб курашишга давват қилди. Аммо элчи Вазирдан қайтгунча Султон Ҳусайн Мустафоҳоннинг иниси Пир Будоғ султонни ўз тарафига оғдириб олишга муваффақ бўлди. Хондамир Мустафоҳон билан Пир Будоғ султон ўртасида чуқур низолар мавжудлиги, бунга Пир Будоғ султоннинг оғасини тахтдан тушириб, ҳокимиятни ўз қўлига олишга уринаётганлиги сабаб бўлганлигини айтади. Султон Ҳусайн ака-ука ўртасидаги низодан усталик билан фойдаланди. У ҳатто Пир Будоғ султонга синглиси Бадиулжамол бегимни хотинликка бериб, у билан қариндош бўлиб ҳам олди. Кейинги воқеаларнинг шохидлик қилишича, Султон Ҳусайн ва Пир Будоғ султон бир-бирларига ҳарбий ёрдам кўрсатишга аҳдлашиб ҳам олишган. Султон Ҳусайн Пир Будоғ султон билан биргалашиб, Мустафоҳонга қарши отландилар ва Вазирни қамал қилдилар. Қамал 41 кун давом этди, лекин иттифоқчилар Вазирни ололмай, Мустафоҳон билан тинчлик аҳди тузишга мажбур бўлдилар. Шуниси ҳам характерлики, тинчлик аҳди имзолагандан кейин Султон Ҳусайн Адоққа борди ва 1461 йилнинг ўрталаригача ўша ерда қолди. Хондамир, Султон Ҳусайн Адоққа қўнғирот амирларидан бири Оқ сўфининг таклифи билан келган, деб айтади. Қандай бўлмасин, шундан кейин Адоқ Султон Ҳусайн учун Абу Саид билан курашда таянч жой бўлиб қолдики, у ўша ердан туриб Астробод, Гўргон ва Эроннинг бошқа ноҳияларига талон-торожлик хуружлари уюштириб турди, мағлубиятга учраган чоғларида эса шу ердан паноҳ топди.

1460—1461 йиллари Абу Саид Муҳаммад Жўқий исёнини бартараф қилиш билан банд бўлган пайтларда Султон Ҳусайн Мустафоҳонни ўз томонига ағдариб олиш учун яна ҳаракат қилиб кўрди, лекин ҳаракатдан натижа чиқмади, чунки ўша йили (1461) Муҳаммад Сўфининг ўғли Усмон қўнғирот Еқуб ўғлон деган бир бек билан қўшилиб, Мустафоҳонни тахтдан туширди ва хон Мингқишлоққа қочиб кетди. Хондамир Вазир халқининг Мустафоҳон истибодидан беҳад қисилганлигини айтади. Фикримизча, Вазир аҳолиси Мустафоҳонга қарши қўзғолон кўтарган, бунга эса Усмон қўнғирот раҳбарлик қилган бўлиши мумкин. Султон Ҳусайн Вазирда юз берган бу воқеалардан хабар топиб, дарҳол Амударёни кечиб ўтди ва Вазирни яна қамал остига олди. Бу сафар у оғир жанглардан кейин Вазирни олишга муваффақ ҳам бўлди. 1462 йили Султон Ҳусайн Урганч ва Хива шаҳарларини ҳам қўлга киритди. Лекин орадан бир йил ўтар-ўтмас Абу Саид уни Хоразмдан яна сиқиб чиқарди.

1462/63 йили Султон Ҳусайн Нисо вилояти атрофларида пайдо бўлди, бироқ Абу Саид томонидан унга қарши юборилган Хуросон лашкари таъқиб остида ҳозирги Туркменистоннинг чул ноҳияларига чекинди ва ўша ердан туриб Язир, Нисо, Туршиз ва Тун вилоятларига босқинчилик ҳужумлари қилиб турди. Абу Саид унга қарши амир Шер хожи ва Аҳмадёр бошчилигида катта қўшин юборди ва бу қўшин Султон Ҳусайнни

Туршиз яқинида тор-мор келтирди. Султон Ҳусайн қолган-қутган аскари билан яна Хоразм томонга чекинди. 1463/64 йили у Урганч, Хива, Хазорасп, Туршак (Тирсак) шаҳарларини қўлга киритди. Бу ерда у ўз қўшинини саралаб, тўлатиб олди ва яна Хуросон устига отланди, аммо Марв ёнида Абу Саид қўшинлари уни таъқиб остига олиб Хивани эгаллади, лекин Султон Ҳусайн кўн ўтмай Хивани яна қайтариб олди.

1464/65 йили Абу Саид Султон Ҳусайн исёнини тамоман бартараф қилиш, уни Хоразмдан бутунлай сиқиб чиқариш ниятида ўзи катта қўшин билан Марвга келди ва шу ерда қишламоқ учун тўхтади. Шуниси диққатга сазоворки, Абу Саид бу ерда 1464 йил февраль ойининг ўрталарида ўзининг мулозимларидан бирини Ҳиротга юборди ва у ерда кўпдан бери бандда ётган ўзбек ўғлопларидан Саидбекни озод қилиш ва уни подшооларча кийинтириб, Марвга кетишига рухсат берди. Абдураззоқ Самарқандий Саидбекни Абулхайрхоннинг иниси бўлганлигини айтади. Саидбек Марвга келтирилди ва Абу Саид уни зўр тантана билан кутиб олди, сўнгра катта инъомлар бериб, уни Ўзбек улусига юборди. Абу Саиднинг бу билан Абулхайрхоннинг кўнглини олмоқчи ва Султон Ҳусайн билан Абулхайрхон ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишига халақит бермоқчи бўлганлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди.

Абу Саиднинг 1464/65 йилги Султон Ҳусайнга қарши юриши муваффақиятли чиқмади ва у март ойининг охирида Марвдан Ҳиротга қайтиб келди. Бунга, бизнинг фикримизча, қуйидагилар сабаб бўлган: 1. Ўша йили Озарбайжонда Жаҳоншоҳ билан унинг ўғли ўртасида уруш ҳаракатлари бошланди. Маълумки, Абу Саид Озарбайжонни яна Темурийлар давлати таркибига қўшиб олишни кўпдан орзу қиларди. Абу Саид бу қулай фурсатдан фойдаланиб, ўз мақсадини амалга оширмоқчи бўлди; 2) Гармсир ва Қандаҳор вилоятларида ҳазора қабилалари ўша йили Темурийлар ҳукуматига қарши қўзғолон кўтардилар. Абу Саид қўзғолоннинг бошқа вилоятларга ҳам ёйилиб кетишидан қўрқарди.

Султон Ҳусайннинг 1467 йили қаерда бўлганлиги маълум эмас. Абдураззоқ Самарқандий 1465 йил воқеаларига тўхталиб, Хуросондан Мовароуннаҳрга Шужоҳиддин Шер хожи, Низомуддин Аҳмадёр ва бошқа амирлар бошчилигида қўшимча ҳарбий куч юборилганлигини айтади. Бу қўшинга Султон Ҳусайннинг хатти-ҳаракатларидан бохабар бўлиб туриш вазифаси юклатилган эди. Бундан ўша йиллари Султон Ҳусайннинг Мовароуннаҳр ҳудудларида юргани ўз-ўзидан кўриниб турибди. Ҳар ҳолда, у 1460 йил охирларида Хоразмда бўлмаган, чунки 1466—1468 йиллари бу ерда деярли тинчлик барқарор бўлиб, султон Абу Саид томонидан қўйилган амир Нурсаидбек ҳоким бўлган.

Султон Ҳусайн 1467 йили Хоразмда яна пайдо бўлди. Бу гал у, Абдураззоқ Самарқандий келтирган маълумотларча

қараганда, Дашти қипчоқ тарафдан келган. Унинг Абулхайрхон даргоҳида бўлган-бўлмаганлиги ноаниқ, лекин у Дашти қипчоқдан ўзига қўшин тўплаб олган. Амир Нурсайдбек унга ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмай Урганччи ташлаб қочади. Султон Ҳусайн Урганччи яна эгаллайди. Абу Саид Хоразмга шошилиш равизида катта қўшин юборади. Султон Ҳусайн бу қўшиннинг таъқиби остида яна Хоразмдан чекиниб, Дашти қипчоққа қочади.

Уша йили Султон Ҳусайн ҳақиқатан ҳам ёрдам сўраб Абулхайрхон ҳузурига борган. Хондамир унинг ўша йили Дашти қипчоқда бўлган кунларини батафсил ҳикоя қилади. Бунга кўра, у ўзининг 30 га яқин мулозими билан Абулхайрхон ҳузурига келган ва хон уни иззат-икром билан кутиб олган. Кўчманчи ўзбекларнинг урф-одатига кўра, Султон Ҳусайн келган куннинг эртасигаёқ унинг шарафига катта зиёфат берилган ва зиёфат вақтида ундан «тобуғ» деб аталган маросим (хоннинг оёқларига йиқилиш)ни бажариш талаб қилинган. Султон Ҳусайн аввал кишини бениҳоят камситадиган бу маросимни бажаришдан бош тортган, кейин зиёфат давомида кайфи сал ошғач, «тобуғ» маросимини бажарган. Уғлонлар, тумон бошлиқлари ва арқони давлатнинг бу йиғилишида Султон Ҳусайнга қуролли ёрдам кўрсатишга қарор қилинган. Лекин қарор амалга ошмай қолди. Бунга Абулхайрхоннинг тез орада бетоб бўлиб қолгани, сўнг вафот этгани халақит берган. Султон Ҳусайн ўзбекларнинг ёрдамисиз Дашти қипчоқдан қайтди. Маълумки, Абулхайрхон вафот қилгандан сўнг ўзбеклар ўртасида феодал кураш бениҳоят кучайиб кетди. Бу ҳол ўзбек феодалларининг темурийларнинг ички ишларига аралашувига ва Хуросонга бостириб киришларига тўсиқ бўлди.

Кўчманчи ўзбеклар Султон Аҳмад мирзо ҳукмронлик қилган 1469—1494 йилларда темурийларнинг Фарғона улусига ҳам талон-торожлик юришлари уюштирдилар. Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) уларнинг ўша йиллари Олмалик, Абулхайрхон вафот қилгандан сўнг ўзбеклар ўртасида феодал кураш бениҳоят кучайиб кетди. Бу ҳол ўзбек феодалларининг темурийларнинг ички ишларига аралашувига ва Хуросонга бостириб киришларига тўсиқ бўлди.

Султон Ҳусайн ҳукмронлик қилган йилларда Хоразм номигагина Темурийлар давлатига бўйсунар эди. Аслида эса бу ерда кўнғирот сулоласидан чиққан шахслар ҳукмронлик қилди. 1505 йилгача Хоразмда кўнғирот сулоласига мансуб бўлган Чин сўфи ҳоким эди. Чин сўфи замонида кўчманчи ўзбеклар Хоразмга яна бостириб кирдилар ва бу сафар уларга Абулхайрхоннинг набираси Муҳаммад Шоҳбахт (Шайбонийхон) бошчилик қилди. XV аср 80-йилларининг бошларида Шайбонийхон Суғундук (Қоратоғда, Сузоққа борадиган йўл)да қозоқ хонлари Бурундукхон (1480—1511) ва Қосим султон (1511—1518) лардан енгилгач, Мингқишлоққа қочиб келди ва бу ерда қишлади. 1482 йилнинг баҳорида у Мовароуннаҳр ҳукмдори Султон Аҳмад мирзонинг таклифи билан Самарқандга келди. Султон Аҳмад мирзо ундан Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхонга қарши курашда фойдаланмоқчи бўлган. Аммо Самарқанд бекларининг

унга қарши фитна уюштиргани туфайли Шайбонийхон Тошкентга ҳужум бошланган вақтда Чирчиқ дарёси бўйида Султон Аҳмад мирзони ташлаб, мўғуллар томонига ўтиб кетди.

1483 йили Шайбонийхон мўғуллар ёрдами билан Арқуқ, Ўзган, Сивноқ шаҳарларини босиб олди, лекин орадан уч йил ўтгач, Бурундукхон, Қосим султон ва Атиқ султон йирик манғит амирларидан Ҳамзабек билан иттифоқлашиб, Шайбонийхонни бу ерлардан суриб чиқарди. 1486 йили Шайбонийхон яна Хоразм тарифга қочди. Бу сафар у Хоразмдаги Тирсак қалъасини эгаллаб олди ва бу ерда ўз уғруқини (обозини) ҳамда шисси Маҳмуд султонини кичик бир ҳарбий қисм билан қолдириб, ўзи Урганч устига отланди. Султон Ҳусайн кўчманчи ўзбекларга қарши амир Абдухолик бошчилигида 20 минг кишидан иборат катта қўшин юборди. Шайбонийхон эса қамалини бўшатиб, Булдумсоз қалъасига борди. Қалъа ҳокими амир Халил найзачи ва шаҳар аъёнлари хонга кўп совға-саломлар юбориб, қалъани унга жангсиз таслим қилдилар. 1486 йили кўчманчи ўзбеклар Вазир ёнида темурийлар қўшинини тор-мор келтириб, шаҳарни истило қилдилар. Кейинчалик Шайбонийхон Адоқни ҳам эгаллади ва ўша ердан туриб Хуросоннинг шимоли-ғарбий ноҳияларига талон-торожлик юришлари қилиб турди.

Хуллас, Шайбонийхон ва кўчманчи ўзбеклар Хоразмда XV асрнинг 90-йилларигача қолдилар. Султон Ҳусайннинг уларни бу ердан суриб чиқариш борасида кўрган кўпдан-кўп чора-тадбирлари ҳеч қандай натижа бермади. 90-йилларда Шайбонийхон Султон Маҳмудхоннинг таклифи билан Утторга кетиб қолди. Шундан кейин Хоразм яна темурийлар қўлига ўтди.

Кўчманчи ўзбеклар 1505 йили Хоразмни тамоман босиб олдилар ва Хоразм (бу ерда сафавийларнинг қисқа вақт — 1510—1512 йиллари давом этган ҳукмронлигини ҳисобга олмаганда) шу вақтдан бошлаб кўчманчи ўзбеклар ҳукмронлиги остига ўтди.

Кўчманчи ўзбеклар билан темурийлар ўртасида XV асрда бўлган муносабатларнинг асосий томонлари мана шулардан иборат.

МИРЗО УЛУҒБЕК

(Ҳаёти ва илмий-сиёсий фаолияти)

1

Темур вафотидан (1405 йил 18 февраль) сўнг унинг улкан империяси ўзаро феодал ва тожу тахт учун бўлган курашлар исканжасига тушиб қолди. Мовароуннаҳр Темурнинг набираси Халил Султоннинг қўлига ўтди; Туркистон, Саврон ва, умуман, Сирдарёнинг шимолий соҳилидаги илгари Темурийлар давлатига қарашли бўлган ерларга амир Бердибек эга бўлиб олди;

Тошкент, Ашпара, Хўжанд ва Фарғонада амир Худойдод Хусайний мустақиллик байроғини кўтарди, Хоразм эса 1405 йилнинг декабри (ёки 1406 йилнинг январидан олтин ўрдалик нуфузли амирлардан Идику ўзбек (Едигей) томонидан босиб олинди.

Фарбий Эронда ҳам жиддий вазият юз берди. Мироншоҳ билан унинг ўғли мирзо Умар ўртасида кўпдан бери давом этиб келаётган зиддиятлар жалоирийлар (1336—1432 йилларда Ироқ, Курдистон ва Озарбайжонда ҳукмрон бўлган сулола) бошлиғи Султон Аҳмад ва унинг иттифоқчиси Қора Юсуф (1389—1420)нинг аралашуви билан урушга айланиб кетди. 1408 йил 21 апрель куни Мироншоҳ Қора Юсуф билан Табриз ёнида бўлган жангда ҳалок бўлди. Орадан икки йил ўтгач, 1410 йил Озарбайжон, Арманистон ва Фарбий Ироқ Қора Юсуф томонидан босиб олинди.

Уша йиллари Жаңуби-Шарқий Эрон ва ҳозирги Афғонистон ҳудудида ҳам вазият потинч эди. 1405 йили Тусда амир Сулаймоншоҳ, Сенстонда Шоҳ Али, Шоҳ Қутбиддин ва шоҳ Жалолиддинлар Шоҳруҳга қарши қўзғолон кўтардилар. 1407 йилнинг ёзида Форсада Умаршайх мирзонинг ўғли мирзо Рустам билан Мироншоҳнинг ўғли мирзо Абубакр ўртасида уруш бошланиб кетди. Уша йилнинг февралда вазир Пир Али Тоз бошлиқ бир гуруҳ фитначилар Балх ҳокими Пирмуҳаммадни ўлдириб, ҳокимиятни қўлга олдилар. Орадан бир ой ўтар-ўтмас Ғур вилоятида қўзғолон бошланди. Астрободда эса мирзо Умар исён кўтарди. Халил Султон бўлса жон-жаҳди билан Мовароуннаҳр қўшинларини Амударё соҳилига тўплай бошлади.

Лекин султон Шоҳруҳ 1409 йилга келиб мамлакатда бир оз тартиб ўрнатиб, Темурийлар давлатининг ягона ҳукмдори бўлиб олган бўлса ҳам, барибир, феодаллар ва тожу тахт даъвогарларининг курашини тамомила бартараф қилолмади. У умрининг охиригача ўғиллари ва қариндошлари билан тишимсиз кураш олиб боришга, қолаверса, империяни ғарбда қорақўюнликлар, шимолда эса кўчманчи ўзбекларнинг босқинчилик хуржларидан ҳимоя қилишга мажбур бўлди.

Улуғбек замони, бир томондан, илм-фан ва маданият юксалган давр бўлса, иккинчи томондан, темурийлар империяси иккирозининг бошланиш даври эди. Шоҳруҳ қанчалик ҳаракат қилмасин, барибир, ички ва ташқи зиддиятларни бартараф қила олмади. Феодал ва шаҳзодаларнинг бир томонлама ҳаракатлари темурийлар хонадони иккирозини тезлаштирди.

2

Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти, айниқса, унинг болалик йиллари ва йигитлик пайтлари ҳақида маълумотлар жуда кам. Лекин турли кутубхоналарда сақланиб қолган ўша даврга оид манбалар синчиклаб текширилса ва ўрганилса, бу хусусда айрим маълумотга эга бўлиш мумкин. Мирзо Улуғбек Шоҳруҳнинг тўн-

ғич ўғли бўлиб, онаси Гавҳаршод оға нуфузли қишқоқ амирларидан Ғиёсиддин тархоннинг қизи эди. У жаҳонгир Темурнинг Ироқ ва Озарбайжонга қилган ҳарбий юриши вақтида—1394 йил 22 мартда Эрон Озарбайжонининг Султония шаҳрида дунёга келди. Уша кунлари Темур ва унинг кўп сонли қўшини ал-Жазира (Ироқ)нинг Мордин қалъасини қаттиқ қуршовга олиб турган эди. Қалъа оғир жанглардан сўнг ўша йилнинг апрелида тингдан ўтказишни буюрди. Лекин Султониядан махсус чопар келтирган хушхабаргина қалъани бутунлай вайрон бўлишдан, халқни эса қирилиб кетишдан асраб қолди. Чопар келтирган бу хушхабар султон Шоҳруҳнинг ўғилли бўлганлиги ҳақидаги хабар эди. Темур бу хушхабардан беҳад хурсанд бўлиб, қалъа аҳли ва унинг атрофидаги аҳолига авф умумий берди ва ҳатто, Мордин ва унинг атрофидаги ерларни илгариги ҳокимнинг иниси султон Солиҳга инъом қилди. Темурнинг хоҳиши билан болага Муҳаммад Тарағай деб ном қўйдилар. Лекин у кўпроқ Улуғбек исми билан машҳур бўлди. 1394 йил 28 августда Шоҳруҳнинг хотинларидан яна бири (манбаларда унинг исми келтирилмаган) ўғил туғди ва унга Иброҳим Султон деб исм қўйилди. Темур саройида ҳукм сурган анъанага биноан шаҳзодалар бобосининг катта хотинлари Сароймулкхоним ва Қутлуг Туркон оғаларининг тарбиясига топширилдилар ва бир йил чамаси Султонияда бўлдилар. Темур 1395 йил 1 январда оиласи ва набираларини Шоҳруҳга қўшиб, Самарқандга жўнатди. Сўнг Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши отланди.

1397/98 йилга қадар Улуғбек ҳақида манбаларда маълумот учрамайди. Фикриимизна, у 1395—1398 йиллари Самарқандда турган бўлса керак. Амир Темур 1398 йили набираси Пирмуҳаммаднинг илтимоси билан Ҳиндистонга қўшин тортди ва Улуғбекни ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. Лекин уш Қобулдан Самарқандга қайтариб юборди. Темурнинг Ҳиндистонга қилган ҳарбий юриши тарихини («Рўзномаи ғазавоти Ҳиндистон») ёзиб қолдирган Ғиёсиддин Али Темур Ҳиндистоннинг ниҳоятда иссиқлиги сабабли Улуғбекни қайтариб юборган, дейди.

1399—1404 йиллари Темур яна ғарбга — Туркия султони Боязид Йилдирим (1389—1402) ва Миср султони Носириддин Фараж (1398—1405) га қарши юриш қилди ва Улуғбек ана шу йиллари ҳамма вақт катта онаси Сароймулкхонимнинг қошида бобоси билан бирга бўлди.

Темур Улуғбекни Хитой юришига (1404) ҳам бирга олиб кетган. Лекин соҳибқирон юришдан бир неча ой илгари, 1404 йилнинг сентябрида Конигил мавзеида зўр тўй-томоша ўтказди. Қарийб қирқ кун давом этган ана шу тўйда Темур ўзининг олти набирасини: Улуғбек ва Иброҳим Султонни (Шоҳруҳнинг ўғиллари), набираси Муҳаммад Султоннинг (1403 йили вафот этган) ўғли мирзо Жаҳонгирни, мирзо Бойқаро ва Санд Аҳмадни (Умаршайх мирзонинг ўғиллари) ва Мироншоҳнинг ўғли Оламгирни уйлантириб қўйди. Улуғбекка ўзининг сеvim-

ли ва эътиқод қўйган набираси Муҳаммад Султоннинг қизи Уғай бегимни олиб берди.

Кониғилдаги тўй тантаналари поёнига етгач, Темур шаҳарга (Самарқандга) қайтди ва махсус кенгаш ўтказди. Кенгашда бўлажак юришнинг режалари ҳар тарафлама муҳокама қилинди. Бу кенгашда Улуғбекка Сайрам, Янги, Ашпара ва Жете (Мўғулистон), Иброҳим Султонга эса Андижон, Ахсикат ва Қошғар инъом қилинди (лекин бу вилоятларнинг кўпчилиги ҳали темирйўллар тасарруфида эмас эди. Уларни бўйсундириш лозим эди).

1404 йил 28 ноябрда Амир Темур 200 минг кишилик катта қўшин билан Сирдарё соҳилларига қараб йўл олди ва 1405 йил январь ойининг бошларида ўзи Утторга, қўшинининг ўнг қаноти набираси Султон Ҳусайн қўмондонлигида Ясси ва Савронга келиб ўрнашди. Халил Султон бошчилигидаги сўл қанот эса Шохруҳия, Тошкент ва Сайрамда тўхтади. Улуғ жаҳонгир қишини ана шу туманларда ўтказиб, илк баҳорда Хитойга қараб юришни мўлжаллаган эди. Лекин Амир Темурнинг вафоти билан бу юриш амалга ошмай қолди. Мамлакатда эса тожу тахт талашишлар авжига чиқди, феодалларнинг ўзаро кураши бе-ниҳоят кучайди.

Улуғбекнинг болалик йиллари ҳақида яна шуни ҳам айтиш керакки, у ҳамиша бобосининг диққат-эътиборига сазовор бўлди. Темур бутун муҳаббатини мана шу зийрак, ҳамма нарсани билишга ҳаракат қилган набирасига қаратди, унинг тарбиясига зўр эътибор берди. Улуғбекни билимдон ва тажрибали мураббийлар тарбиялаб, хат-саводини чиқардилар, диний ва дунёвий илмларнинг асоси билан таништирдилар. Бир қатор манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, 1397/98 йилиёқ келажакда катта шоир ва машҳур олим бўлиб танилган, «Баҳмоннома» ва «Жавоҳир ул-асрор» («Сирлар жавҳари») каби бир талай асарлар муаллифи шайх Ориф Озарий Улуғбекнинг мураббийси қилиб тайинланган эди. Ёш Муҳаммад Тарағай ўз ўқитувчисидан кўп нарсаларни ўрганди. У ўзининг муаллимини шу қадар севар эдики, ҳатто орадан қирқ йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, дарвеш либосига бурканиб олган шайх Ориф Озарийни узоқдан таниди ва унга кўп навозишлар кўрсатди.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, Улуғбек жуда ёш бўлишига қарамай, давлат кенгашларига, масъул қабул маросимларига ҳам киритилар ва ҳамиша бобосининг чап томонида ўлтирар эди. Ғиёсиддин Али ва 1404 йили Самарқандга келган Кастилия (Испания) қироли Генрих III (1379—1406) нинг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо бу ҳақда қимматли маълумотлар келтирган. Демак, Темур бу набирасини — Улуғбекни ҳам давлат ишларини бошқаришга тайёрлаб борган.

Самарқандни Халил Султон эгаллаб олган кунларда мирзо Улуғбек амирлардан Шохмалик ва шайх Нуриддин, Бухоро ҳокими Ҳамза барлоснинг ёрдами билан Бухорога эгаллади. Лекин орадан бир неча кун ўтгач, шаҳарни Халил Султон юборган қўшин қуршаб олди. Улуғбек ва Иброҳим Султон номи юқорида зикр қилинган амирлар билан биргаликда зўрға қочиб қутулдилар ва Амударёдан ўтиб Хуросонга, Шохруҳ ҳузурига юзландилар. Ҳар икки мирзонинг хазинаси, бошқа бойлиги ва хотинлари Халил Султоннинг қўлига тушиб қолди.

Шундай қилиб, 1405 йилдан то 1409 йилгача Улуғбек отаси билан бирга бўлди ва унинг бир қатор ҳарбий юришларида иштирок этди. Масалан, у 1405 йилнинг ёзида Тус вилоятининг ҳокими Сулаймоншоҳ исёнини бостиришда қатнашиб, Жомга қадар қўшин билан бирга борди ва шу ерда подшоҳ уғруқи (подшоҳнинг хотин-халажлари, озиқ-овқат ва қурол-аслаҳа ортилган карвон)га бошлиқ қилиб қолдирилди.

Шохруҳ ўша йили Сеистонда Шох Али, Шох Қутбиддин ва Шох Жалолиддинларининг исёнини ҳам бостириб, келаси йили, яъни 1406 йилнинг кеч кузида Амударёнинг сўл соҳилига қўшин тўплай бошлади. У ерга биринчи бўлиб Улуғбек ва Шохмалик етиб келдилар ва дарёдан кечиб ўтиш ҳозирлигини кўрдилар. Шохруҳнинг ўзи эса асосий кучлар билан Бодҳис (Бодҳиз) воҳасидаги Қизил работ мавзеига келиб тушди. Режа бўйича Улуғбек ва Шохмалик дарёдан кечиб ўтишлари ва Пирмуҳаммад Султон билан қўшилиб, Шохруҳ қўшинининг дарёдан тўкист-тугал кечиб ўтишини таъминлашлари керак эди. Лекин дарёнинг ўнг қирғоғида шай турган Халил Султон Шохруҳнинг бу режасини барбод қилди. У шиддатли ҳужум уюштириб, Улуғбек ва Шохмаликнинг қоровул қисмларини улоқтириб ташлаб, дарё устига қайиқларда сол боғлаб қурган кўпригини эгаллаб олди. «Жомеъ ут-таворих-и Муъиний» («Аноним Искандар», муаллифи Муъинуддин Натанзий) номли қимматли тарихий асарда ёзилишича, ҳар икки томон (Шохруҳ ва Халил Султон) ўзаро сулҳ тузганлар ва бунга кўра Халил Султон Улуғбек ва Иброҳим Султоннинг хазинаси, бошқа молу мулки ва хотинларини қайтаришга сўз берган, Шохруҳ бўлса Амударёнинг ўнг тарафидаги ерлар Халил Султонга тегишли, деб эътироф этган. Сулҳдан ҳар икки томон ҳам манфаатдор бўлган. Сирасини айтганда, Шохруҳ ва Улуғбек Халил Султон билан жиддий курашга ҳали тайёр эмас эдилар. Қолаверса, Пирмуҳаммад ишни пайсалга солиб, ҳали Балхдан силжимаган эди. Аслида Халил Султоннинг аҳволи ҳам бундан дуруст эмас эди, чунки шимолдан Худойдод Ҳусайний Мўғулистон хони Шамъи Жаҳон (1393—1408) билан иттифоқлашиб Мовароуннаҳрга таҳдид солиб турар эди.

Сулҳ имзолангач, Халил Султон Самарқандга, Улуғбек, Шохмалик ва шайх Нуриддинлар эса Анхудга қайтдилар. Ле-

кин орадан кўп вақт ўтмай, Улуғбек ва Шоҳмалик шартномани буздилар. Шоҳмалик зудлик билан Балхга бориб, Пирмуҳаммад билан бирикди ва улар биргаликда Амударёни кечиб ўтдилар. Дарёни ўз қўшини билан Улуғбек мирзо ҳам кечиб ўтди ва улар қўшилишиб Самарқандга қараб юрдилар. Насаф (Қарши) атрофида ҳар икки ўртада — Халил Султон билан Улуғбек ва унинг иттифоқчилари ўртасида шиддатли уруш бўлди. Халил Султон иттифоқчиларни мағлубиятга учратди. Пирмуҳаммад Балхга, Улуғбек ва Шоҳмалик эса Хуросонга қараб қочдилар. Абдураззоқ Самарқандий ва В. В. Бартольднинг сўзларига қараганда, бу воқеа 1407 йилнинг февралда содир бўлди.

1406 йилнинг июнь ойида Астрободга қарашли Сиеҳ Балода Шоҳруҳга қарши қўзғолон кўтарган Пир подшоҳ, Саидхожа ва уларнинг иттифоқчилари билан бўлган жангда мирзо Улуғбек, амир Шоҳмалик ва амир Муса билан бирикди, Шоҳруҳ қўшинининг ўнг қанотига бошчилик қилди. Исён бостирилгандан сўнг Шоҳруҳ Улуғбекни Хуросонга ҳоким қилиб тайинлади, Астробод ва Сеистон эса Мироншоҳнинг ўғли мирзо Умарга берилди.

1407 йилнинг март ойида мирзо Умар, амир Шоҳмаликдан норози бўлган бир гуруҳ амирлар билан иттифоқлашиб, Хуросонга ҳужум қилди. Уша кунлари Улуғбек ва Шоҳмалик Тусда турган эдилар. Улуғбек содир бўлган бу воқеадан ана шу вақтда Бодҳисда турган отасини хабардор қилди. Жом ёнида бўлган жангда мирзо Умар мағлубиятга учради ва Мурғоб тарафга қараб қочди. Лекин бу ерда амир Музроб аскарлари билан бўлган жангда оғир ярадор бўлиб, асир олинди ва Ҳиротга олиб келинаётганда 1407 йилнинг 6 майида йўлда вафот қилди. Шундан кейин Улуғбекка Хуросондан ташқари Мозандарон ҳам нисбон қилинди. Лекин ўша йилнинг ёзида (август ойида) Пир подшоҳ Хуросонда мирзо Улуғбекка қарши исён кўтарди ва Астробод қалъасини қамал остига олди. Шоҳруҳ унга қарши яна қўшин тортинга мажбур бўлди, аммо Пир подшоҳ очик жанг қилишдан бош тортди, қамални бўшатишга мажбур бўлди ва Хоразм тарафга қочиб кетди. Улуғбек яна подшоҳнинг махсус фармони билан Хуросон ва Мозандаронга ҳоким этиб тайин қилинди.

Шоҳруҳ фақат 1409 йилдагина Мовароуннаҳр устига, Халил Султонга қарши юриш бошлаш имкониятига эга бўлди. У бутун рамазон ойи ичида (1409 йил январь-февраль ойлари) Бодҳисда туриб юриш ҳозирлигини кўрди. Бу ерга ҳамма вилоятлардан қўшин чақирилди. Ушанда Улуғбек ҳам ўз қўшинлари билан Тусдан чақиртириб олинди. Пирмуҳаммад ва Абубақр бир неча бошқа амирлар билан бирга туркманларнинг хатти-ҳаракатларидан бохабар бўлиб туриш учун ўз қўшинлари билан Сеистонга юборилди. Иброҳим Султон Ҳирот ҳокими қилиб, амир Жалолиддин Фирузшоҳ эса унга вазир этиб тайинланди. 1409 йилнинг апрель ойи охирида Шоҳруҳ Амударёдан кечиб ўтиб, Самарқанд устига юрди. Лекин бу вақтда яқин бир

воқеа содир бўлди. Уша кунлари Худойдод Ҳусайний ҳам Уратенадан чиқиб шиддат билан Самарқанд устига юрди. Шероз шаҳарчаси атрофида бўлган жангда у Халил Султонни асир олиб Самарқандни эгаллади. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишча, бу воқеа 1409 йил 13 апрель кунин содир бўлган. Худойдод Шоҳруҳ билан сулуҳ тузиб, Мовароуннаҳрни ўз қўлида сақлаб қолтиришга уриниб кўрди, лекин подшоҳ унинг таклифини рад қилди. Шоҳруҳ Самарқандга яқинлашиши билан Худойдод шаҳарни ташлаб, шимол тарафга қараб чекинди. 1409 йил 4 майда Самарқанднинг калитлари Шоҳруҳга топширилди.

Подшоҳ Мовароуннаҳрда бир йил чамаси турди ва ҳамма ишларни саранжом қилиб, 1410 йилнинг 8 январида Ҳиротга жўнаб кетди. Энди 16 ёшга тўлган мирзо Улуғбек Мовароуннаҳр ҳокими этиб тайинланди.

4

Улуғбек Мовароуннаҳр ва Туркистон ҳокими қилиб тайинлангандан кейин уч ой ҳам ўтмай, Туркистондаги ноиб шайх Нуриддин унга бўйсуншдан бош тортди, исён кўтарди. У 1411 йил апрель ойининг бошларида Самарқандга қараб қўшин тортди. Ҳисори Шодмон ҳокими мирзо Муҳаммад Жаҳонгир ва Худойдод Ҳусайнийнинг ўғли, Сайрам ва Янги ҳокими амир Абдуллоҳликлар ҳам у билан иттифоқликда, бир вақтнинг ўзида Самарқанд устига юрдилар. Шайх Нуриддин бу курашга кўчманчи ўзбекларни ҳам жалб қилди ва уларнинг бир қисми Чингиз ўғлон бошчилигида унга ёрдамга келди.

Улуғбек ва Шоҳмалик уларга қарши Самарқанддан чиқдилар, лекин шаҳарнинг ғарбий тарафида жойлашган Қизил работда бўлган жангда (1411 йил 24 апрель чоршанба кунин) мағлубиятга учрадилар. Улуғбек Амударё бўйига, Калифга қочиб кетди ва ўша ердаги қалъалардан бирига яширинди. Шоҳмалик бўлса дастлаб Қоратенага борди, лекин у ерда ҳам турулмай, Самарқанд билан Шаҳрисабз ўртасидаги Олақарар тоғларига яширинди.

Шайх Нуриддин ва унинг иттифоқчилари Самарқандни босиб олишга кўп уриниб кўрдилар, лекин бунга эришолмадилар. Шундай бўлса ҳам Мовароуннаҳрнинг баъзи (Самарқанд ва бошқа бир неча мустақкам қалъалардан бошқа) жойлари уларнинг тасарруфига ўтган эди.

Шоҳруҳ бу ташвишли воқеадан хабар топиб, Ироқ ва Озарбайжон устига, Қора Юсуфга қарши юриш ниятидан вақтинча қайтиб, Мовароуннаҳрда қўшин тортди ва кўп вақт ўтмай шайх Нуриддин исёнини бартараф қилди.

Ана шу йиллари Улуғбек билан Шоҳмаликнинг оралари бир қадар бузилиб қолди. Бунга Шоҳмаликнинг давлат ишларини бошқаришда Улуғбек билан мутлақо ҳисоблашмаслиги сабаб бўлди. Қолаверса, самарқандлик аъёнлар мутакаббур ва мансабпараст бу амирни ёқтирмай қолдилар. Қисқаси, Улуғбек

отасидан амир Шоҳмаликни чақириб олишни бир неча бор талаб қилди ва ниҳоят, 1411 йили Шоҳруҳ ўглининг бу талабини қондиришга мажбур бўлди.

Улуғбек гарчи Шоҳмаликнинг васийлигидан қутулган бўлса ҳам, барибир, мустақил ҳукмдор бўлолмади. Шоҳруҳ теурийлар давлатининг ягона ҳукмдори ҳисобланиб, империянинг турли вилоятларида ўлтирган ҳукмдорлар, шулар қатори Улуғбек ҳам, унга тўлиғича тобе эди. Хутба ўқилганда дастлаб Шоҳруҳнинг номи тилга олишарди; пул зарб этилганда эса фақат унинг исми зарб қилинар эди. Фикримизнинг исботи учун бир неча мисол келтирамиз. Маълумки, Шоҳруҳ мамлакатни идора қилишда Темур жорий қилган тартиб-қоидаларга суяниди: мамлакатни суюрғол тарзида ўз ўғиллари, қариндошлари ва кўзга кўринган амирларга тақсимлаб берди ва уларнинг ёрдами билан улкан мамлакатни идора қилди. Масалан, Андижон, Ахсикат ва Ўзганд Умар Шайхнинг ўғли Мирак Аҳмадга, Ҳисори Шодмон—Султон Муҳаммаднинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгирга, Қандаҳор, Қобул, Ғазна—шаҳзода Қайдуга, Балх, Тохаристон ва Бадахшон—Иброҳим Султонга, Мовароуннаҳр ва Туркистон—Улуғбек мирзога, Хуросон, Хабушон, Обивард—Бойсунқур мирзога, Ғарбий Эрон ва Ироқнинг бир қисми—Султон Муҳаммадга суюрғол қилиб берилган эди. Лекин Шоҳруҳ уларга тўла ишонмади. Маҳаллий ҳокимларнинг фаолиятини назорат қилиб туриш мақсадида ҳар бир вилоятга ишончли одамларини юборди. Масалан, Форс ҳукмдори Абдулло мирзо ҳузурига шайх Абулхайр, Фарғонага — амир Музроб ва амир Мусо, мирзо Қайду ҳузурига — Шамсуддин Учқора ва Букол барлос, Мовароуннаҳрга—дастлаб амир Шоҳмалик ва у чақириб олингандан кейин Носируддин Насруллоҳ Хавофий жўнатилган эди. Вазирлик лавозимига тайинланган бу амирлар маҳаллий ҳукмдорларнинг фаолиятини изчиллик билан назорат қилиб турдилар ва умуман мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнадилар. А. М. Беленицкий маҳаллий ҳокимларга ҳаттоки тўла молиявий эркинлик ҳам берилмаганлиги ва улар даромаднинг маълум қисмини марказий ҳукумат девонига юбориб туришга мажбур эканликларини айтди.

Маҳаллий ҳукмдорлар марказий ҳукуматнинг ҳар қадашда бошқа амр-фармонларини ҳам бажаришга, хусусан, Шоҳруҳнинг ҳарбий юришларида маълум миқдор қўшин билан қатнашишга мажбур эдилар. Масалан, Улуғбекни олсак, унга империянинг шимолий сарҳадларини кўчманчи ўзбеклар, Мўғулистон хонлари ва қалмоқларнинг босқинчилик ҳужумларидан қўриқлаш вазифаси юклатилган эди. Қолаверса, у отасининг ҳарбий юришларига ҳам қатнашиб туришга мажбур эди. Масалан, Шоҳруҳ 1512/13 йили Хоразмни Идику ўзбек тасарруфидан халос қилиш учун юриш қилганда Улуғбек Мовароуннаҳрдан амир Муса бошчилигида 5000 кишилик қўшин юборди. Бу воқеадан бир йил кейин, яъни Шоҳруҳ мирзо Искандар исёнини бостириш учун юриш қилган пайтга, Мовароуннаҳрдан кўпгина жан-

говор филлар ва қўшин юборилганлиги ҳам маълум. 1419 йили Шоҳруҳ Ироқ ва Озарбайжонга, қорақўнлиларга қарши юриш қилганда эса Мовароуннаҳрдан 2000 киши қатнашган. Бундай фактларни истаганча келтириш мумкин.

Маҳаллий ҳокимлар, шулар қатори Улуғбек ҳам, юқорида айтилганидек, марказий ҳукумат билан келишиб иш тутишга мажбур эди. Фикримизнинг исботи учун бир-икки мисол келтирамиз. Мирзо Искандар марказий ҳукуматга тобеликдан бўйин товлагани учун 1414 йили ундан Исфохон, Ҳамадон, Луристон ва Форс тортиб олинди ва бу вилоятлар мирзо Рустам билан Иброҳим Султонга бўлиб берилди. Бундан бир йил кейин шу айб билан мирзо Бойқародан унинг улуси бўлмиш Қум, Қошон, Рай ва Рустамдор тортиб олинди ва бу вилоятлар амир Илёсхожага инъом қилинди. Улуғбек 1427 йили ўзбошимчилик билан Оқ Урда хони Бароқхон (1423—1428) га қарши юриш қилгани (бу ҳақда қуйида тўхталиб ўтамиз) учун Шоҳруҳ тарафидан қаттиқ тафтиш қилинди ва улусидан ажраб қолишига бир баҳя қолди. 1434/35 йили Улуғбек Самарқандга қочиб келган Мўғулистон хони Юнусхон билан дағал муомалада бўлгани учун отасидан қаттиқ танбеҳ олди. Шундай қилиб, маҳаллий ҳукмдорлар, ўз саройи ва давлат аппаратига эга бўлишига қарамай, Амир Темур вақтидагидек, Шоҳруҳ замонида ҳам, марказий ҳукуматга тобе эдилар.

5

Теурийлар давлати, хусусан, Мовароуннаҳрнинг Оқ Урда (XIV асрнинг ўрталаридан бошлаб «Ўзбек улуси» ёки «Ўзбеклар мамлакати» деб юритилди) ва Мўғулистон билан XV асрда олиб борган сиёсий муносабатлари заминидан ўзаро сиёсий кўраш ётарди. Улуғбек кўчманчи ўзбеклар ва мўғулларнинг кўпроқ қиш фаслида Мовароуннаҳрга уюштириб турадиган талончилик хуружларини бартараф қилишга, Оқ Урда ва Мўғулистонни сиёсий жиҳатдан кучсизлантиришга интилди. Оқ Урда ва Мўғулистон хонлари эса Мовароуннаҳрда феодал ва тожу тахт учун бораётган курашларга аралашиб, бу ерда ўзларининг сиёсий мавқеини кучайтиришга ҳаракат қилдилар.

Амир Темур вафот қилгандан кейин мўғуллар Қошғарда яна ўз мавқеини мустақамлаб олдилар. Бу ерда ҳокимият амир Саид Алининг қўлига ўтди. Улуғбек Мўғулистонда Муҳаммадхон (1408—1416) даврида кучайиб кетган феодалларнинг уруш-талашидан фойдаланиб Қошғар учун кескин кураш олиб борди. Бу можаролар Улуғбекка яна шунинг учун ҳам керак эдики, юқорида номи зикр этилган Фарғона ҳокими Мирак Аҳмад унга бўйсунишдан бош тортди. У Саид Алининг ёрдамига таяниб Улуғбекка қарши очиқ кураш йўлига ўтиб олди. 1414/15 йили Улуғбек Мирак Аҳмадни «муҳим кенгаш» баҳонаси билан Самарқандга чақиртириб, уни йўқ қилмоқчи бўлди. Лекин Фарғона ҳокими буни фаҳмлаб қолди ва Самарқандга келишдан бош тортди. Сўнг Улуғбек Андижон устига қўшин

тортди. Мирак Аҳмад эса Қошғарга, Саид Али ҳузурига қочиб кетди. Улуғбек Андижон ва Ахсикатни осонгина бўйсундириб, Самарқандга қайтди. Мирак Аҳмад ва Саид Али эса бундан хабар топиб, Андижонга ҳужум қилдилар ва шаҳар ёнида бўлган жангда Улуғбекнинг амирлари Муҳаммад Тобон билан амир Мусани тор-мор келтирдилар. Келаси йили Улуғбек амир Сиддиқ, Али Такрит ва Али Тоғойи бошчилигида Андижон устига қўшин юбориб, Қошғарни ўзига бўйсундирди.

Улуғбек Қошғар ва Фарғонада ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида Мўғулистоннинг ички ишларига мунтазам равишда аралашиб турди, тожу тахт талашаётган хонлардан гоҳ унисини, гоҳ яна бошқа бирини қўллаб-қувватлади. У дастлаб Нақшижаҳон (1416—1418)га қарши курашган Вэйхонни, кейин эса унга қарши қурол кўтарган Шермуҳаммадхонни қўллаб-қувватлади; ўзаро можаролар кучайиб бораётган вақтларда у Мўғулистон ҳудудларига тез-тез кучли ҳарбий қисмларди юбориб турди.

Лекин Шермуҳаммадхон (1421—1425) мамлакатда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгандан кейин Улуғбекдан юз ўғирди ва ҳатто Мовароуннаҳрнинг, хусусан Қошғарнинг ички ишларига аралаша бошлади. Қошғар ҳокими Пир Али Такритнинг 1423 йили Мўғулистонга қочиб кетиши бежиз эмас эди, албатта. Улуғбек Пир Али Такритни тутиб беришни талаб қилди, лекин Шермуҳаммад валенъматининг бу талабини рад қилди. Бу ҳол ҳар икки мамлакат ўртасида низо чиқишига сабаб бўлди. Улуғбек катта қўшин тўплаб (1424 йил октябрь ойининг охирида) Шермуҳаммадхонга қарши юриш бошлади. Улуғбек қўшинининг амир Ҳарималик ва шайх Абусаид бошчилигидаги ўнг қаноти Андижон атрофида, қўшиннинг сўл қаноти эса Султон Увайс барлос, хожа Юсуф Таваккал барлос бошчилигида Қора Самонда (Ўттор ёнида), марказ қисм эса Улуғбекнинг ўзи бошчилигида Шохруҳияда қишлаш мақсадида тўхтади.

Юриш 1425 йил март ойида бошланди. Улуғбек мўғулларнинг амир Иброҳим ва Жаҳоншоҳ бош бўлган қўшинини Ашпара ва Оқсув ёнида тор-мор келтирди ва шаъбон (июнь) ойининг ўрталарида Мўғулистон хонининг қароргоҳи бўлган Юлдузни ҳам олди ҳамда катта ўлжа ва кўп асирлар билан Мовароуннаҳрга қайтди. Манбаларнинг хабар беришича, Улуғбек бу юришида иккита улкан яшм (нефрит) тошни ҳам олиб келган. Бу тошлар кейинчалик Амир Темурнинг қабри устига қўйилган.

Шермуҳаммадхон устидан қозонилган бу ғалаба Улуғбекнинг, умуман, биринчи ва охири ғалабаси бўлди. Лекин кейинчалик Оқ Урда хонлари ва кўчманчи ўзбеклар билан бўлган тўқнашувларда у мағлубиятга учради.

Мўғулистонга келсак, феодал ва тожу тахт учун бўлган курашнинг кучайишига ва қалмоқларнинг тўхтовсиз қилиб турган босқинчилик хуружларига қарамай, ўз мустақиллигини сақлаб қолди ва ҳатто Исо Буғохон (1428—1462) даврида Қошғарни

яна темурийлар тасарруфидан чиқариб олди. Қолаверса, мўғуллар Фарғона, Қандибодом ва Сайрамга тез-тез ҳужум қилиб, тинч аҳолини талон-тороғ қилиб турдилар.

Маълумки, Оқ Урда (Ўзбек улуси) кўчманчилари кўпинча қиш фаслида Мовароуннаҳрнинг ўтроқ аҳолили ноҳияларига ҳужум қилиб турар эдилар. Улар, Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотларига қараганда, ҳар қиш фаслида Бухоро, Самарқанд остоналарига келиб унинг теварак-атрофидаги ҳамма қишлоқларини талаб қайтардилар. «Меҳмонномаи Бухоро» асарининг муаллифи Рузбеҳон улар кўп миқдорда ўлжа билан бирга, минг-миглаб кишиларни асир қилиб олиб кетганликларини ҳикоя қилади. Кўчманчиларнинг Мовароуннаҳрнинг ўтроқ аҳолили ноҳияларига қилиб турган ҳужумлари Улуғбек замонида яна ҳам кучайди. Шунинг учун Улуғбек Оқ Урдада ҳам ўз ҳукуматининг сиёсий мавқеини кучайтиришга ҳаракат қилди. У шу мақсадда 1418—1423 йиллари бу ерда Ҳурхоннинг набираси Бароқ ўғлон билан Жўчихоннинг кенжа ўғли Туға Темур авлодидан бўлган Улуғ Муҳаммад (Муҳаммадхон) ўртасида бўлган тожу тахт талашувларига фаол аралашди. Улуғбек Бароқхонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади ва унинг ҳокимият тепасига келишига кўмаклашди. Биз буни қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин. 1419 йил 26 апрель кунг Узбек улусидан қочган Бароқ ўғлон бошпана қидириб Самарқандга, Улуғбек ҳузурига келди. Бундан ўзаро курашда Улуғ Муҳаммаднинг ғалаба қозонганлиги шундайгина кўриниб турибди. Улуғбек Бароқ ўғлонни иззат-ҳурмат билан кутиб олди ва унга қурол-яроғ бериб ўз юртига жўнатди. Аммо у яна мағлубиятга учради. Орадан бир йил ўтгач, 1420 йил август ойида Самарқандга катта инъомлар билан Бароқ ўғлоннинг элчиси Сўфи ўғлон келган. Элчи Улуғбекдан яна ёрдам сўраб келган бўлиши мумкин. 1422/23 йили Бароқ ўғлон Улуғбекнинг ёрдами билан Ўзбек улусида ҳокимиятни қўлга олди. Мирхондиннинг маълумотларига кўра, бундан кўп вақт ўтмай, Самарқандга унинг элчиси Юмадуқ ўғлон келган ва Бароқхоннинг тахтга ўлтирганлини айтиб, Улуғбекка унинг юборган совға-саломларини топширган. Улуғбек элчидан Бароқхонга турли-туман инъомлар ва кўп миқдорда пул ҳам бериб юборган. Бароқхон бу ёрдамга таяниб қисқа вақт (1423—1425) ичида Олтин Ўрдага қарашли бирмунча ерларни, шу жумладан, унинг пойтахти Сарой Беркани ҳам босиб олган.

Лекин кўп ўтмай (1227 йилнинг ёзида), Улуғбек билан Бароқхон ўртасидаги аввалги яхши муносабатлар бузилди. Бунга Бароқхоннинг Сиғноқ шаҳрини босиб олиши ва Темурийлар давлатига қарашли бўлган Сирдарё бўйидаги бошқа шаҳарларга ҳам қўл чўза бошлаши сабаб бўлди. Бу ҳол ҳар икки томонни қуролли тўқнашувга олиб келди. Улуғбек отаси томонидан Муҳаммад Жўқий бошчилигида юборилган Хуросон қўшинларини ҳам ўзига қўшиб Бароқхонга қарши отланди. Лекин Сиғноқ ёнида бўлган жангда қаттиқ мағлубиятга учради. Ушанг-

да Бароқхон уларни Самарқандгача таъқиб қилиб келди ва мамлакатнинг бир қатор шаҳар ва қишлоқларини талаб кетди.

Шоҳруҳ вафот қилгандан (1447 йил 12 март) сўнг теурийлар ўртасида яна тож-тахт учун кураш кучайди. Улуғбек Алоудавла ва Абулқосим Бобурнинг бирлашган кучларини тор-мор келтириб, бу курашда ғолиб чиқди. Улуғбек уларга қарши кураш билан банд бўлган вақтларда Абулхайрхон Мовароуннаҳрга бостириб кирди ва Самарқандни қамал қилди; Самарқанд, Бухоро атрофидаги қишлоқларни талон-торож қилди. Абдураззоқ Самарқандий ўшанда кўчманчи ўзбеклар теурийлар ва йирик феодалларнинг Самарқанднинг теварак-атрофидаги боғлари ва саройларини талаб, вайрон қилганликларини ҳикоя қилади. Вайрон этилган саройлар орасида мирзо Улуғбекнинг Боғи майдонидаги Чиннихонаси (деворлари хитой чинниси билан қопланган саройчаси) ҳам бўлган. Улуғбек бу воқеадан хабар топиб, Мовароуннаҳрга қайтишида кўчманчи ўзбеклар унга Амударё бўйида катта шикаст етказганлар.

Юқорида айтилганлардан қуйидаги хулосани чиқариш мумкин: Шоҳруҳ ҳам, Улуғбек ҳам Амир Темур сингари боқинчилик урушлари олиб бормаганлар. Уларнинг Мўғулистон ва Оқ Урда хонликларига қарши аҳён-аҳёнда олиб борган урушлари эса мудофаа характеридаги урушлар бўлиб, империянинг бус-бутунлиги ва хавфсизлигини сақлаб қолишга қаратилган.

6

Кўҳна Самарқанд Амир Темур ва унинг авлоди замонида, айниқса мирзо Улуғбек даврида гуллаб-яшнади: ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ривожланди, меъморчилик ва илм-фан равнақ топди.

Тарихий манбаларнинг, шунингдек археологик ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, Самарқанд XIV асрнинг сўнгги чораги ва XV асрнинг биринчи ярмида Шарқнинг йирик савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик марказларидан бирига айланган эди. Бу ерда жуда кўп ҳунармандчилик моллари ва буюмлари, турлитуман ипак матолар, ҳар хил газламалар, тилла ва кумушдан ишланган уй-рўзғор ашёлари, зеб-зийнат буюмлари, тиллоранг ва ложувард бўёқлар, аъло навли қоғоз, ҳарбий қуроолар ишлаб чиқариларди. Самарқанднинг мевалари ҳам жаҳон бозорларида шуҳрат топганди. Заҳриддин Муҳаммад Бобур Самарқанд ҳунармандлари ва усталари ишлаб чиқарган моллар ва шаҳар савдосига тўхталиб мана бундай деб ёзган эди: «Самарқанд ажиб ва ораста шаҳардур, бу шаҳарнинг бир хусусияти борким, ўзга кам шаҳарда андоқ бўлмай. Ҳар хирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут эмасдурлар, тавр расмедур. Хуб нонволиклари ва ошпазликлари бордур. Оламда яхши қоғоз Самарқанддин чиқар. Жувози қоғози суйи тамом Қонигилдин келадир. Самарқанднинг яна бир матои қирмизи махмалдурким, атроф ва жавонибка элтарлар». Кўриниб

турибдики, Самарқанд усталарининг моҳир қўли билан яратилган мато ва буюмлар Мовароуннаҳрнинг ўзидагина эмас, балки жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида зўр шуҳрат топган эди. Бу хусусда Амир Темур замонида Генуя, Венеция, Кастилия, Франция, Англия, Туркия билан олиб борилган элчилик ва савдо алоқалари, Шоҳруҳ ва Улуғбек даврида Ҳиндистон ва Хитой билан, шунингдек Олтин Урда, Мўғулистон ва кўчманчи ўзбеклар давлати ва бошқа мамлакатлар билан олиб борилган муносабатлардан кўп нарсани биламиз. Париж Миллий кутубхонасида 1402 йили Амир Темур Кўрагоннинг Франция қироли Карл VI (1380—1422) га юборган мактуби сақланмоқда (ш.в. № 1 937). Амир Темур бу мактубда ҳар икки мамлакат ўртасида савдо муносабатлари ўрнатиш ва Францияга юборилган мовароуннаҳрлик савдогарларга имтиёзлар беришни сўраган. «Уларни (яъни савдогарларни),— деб ёзади Темур,— азиз ва мукаррам тутсинлар ва бирор киши уларга таарруз қилмасин, чунки жаҳон савдогарлар билан ободдир».

Шунинг ҳам айтиш керакки, Узоқ ва Урта Шарқ мамлакатларидан Оврупо мамлакатларига борадиган савдо йўллари ҳам Урта Осиё шаҳарлари орқали ўтган, Самарқанд эса ана шу жаҳон савдосида фаол иштирок этган. Уша вақтларда Мовароуннаҳр бозорларида Хитой, Ҳиндистон, Олтин Урда, Миср ва бошқа мамлакатлардан келган савдогарларни учратиш мумкин эди. 1404 йили Самарқандга келган Кастилия (Испания) қироли Генрих III нинг элчиси Руи Гонсалес Клавихо Самарқанд бозорларига ҳар йили ана шу мамлакатлардан кўплаб товарлар келтирилиб турилганлигини ёзган ва умуман бу хусусда қимматли маълумотлар қолдирган. Ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва деҳқончиликнинг ривожланиши, шунингдек, Амир Темур олиб борган зафарли урушлар туфайли бошқа мамлакатлардан бу ерга ташиб келтирилган беҳисоб олтин, жавоҳир, қимматбаҳо матолар давлат хазинасини тўлатиб-тоширди. Қисман шунинг эвазига Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Ясси ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида мисли кўрилмаган зўр қурилиш ишлари олиб борилди. Бу биноларнинг айримлари ҳозир ҳам улуғвор қад кўтариб, Урта Осиёнинг қадимий юксак маданиятининг жонли гувоҳи бўлиб турибди.

Амир Темур замонида олиб борилган қурилиш ишлари Улуғбек ҳукмронлик қилган даврда ҳам кенг кўламда давом эттирилди.

Улуғбек дастлаб Самарқанднинг қоқ марказида жойлашган Регистон майдонида қатор бинолар (улкан мадраса, хонақоҳ, муқаттаъ масжиди, карвонсарой ва бошқалар) қурдирди. Бобур бу бинолар ҳақида мана буларни ёзади: «Улуғбек мирзонинг иморатларидан Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдир. Хонақоҳнинг гумбази бисёр улуғ гумбаздур, оламда онча гумбаз йўқ деб нишон берурлар... Яна бу мадрасанинг жанубида бир масжид солибтур, масжиди муқаттаъ дерларким, қитъа-қитъа йиғочларни тарош қилиб, ислимий ва

хитойи нақшлар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсуллуқтур. Бу масжиднинг қибласи бирла мадраса қибласининг орасида бисёр тафовуттур. Голибо бу масжид қибласининг самти мунажжим тариқи била амал қилибтурлар». Мадраса 1417—1420 йиллари, масжид билан хонақоҳ эса 1420—1430 йил ўрталарида қурилган. Мадраса малакали зноелилар етиштиришда катта роль ўйнаган бўлса, масжид Улуғбек расадхонаси битказилиб ишга тушгунга қадар, ўзининг асосий вази-фасидан ташқари, ўзига хос расадхона вази-фасини ҳам ўтаган. Бухоро (1417) ва Ғиждувон (1433) да қурилган мадрасалар ҳам ана шундай олий мақсадларга хизмат қилган. Мадрасаларда диний илмлар билан бир қаторда аниқ илмлар (математика, геометрия, астрономия, тиббиёт, жўғрофия, тарих) ҳам ўқитилган.

Улуғбек булардан ташқари, талайгина жамоат бинолари (карвонсаройлар, тимлар, яъни усти ёпиқ бозорлар, чорсулар, ҳаммомлар ва бошқалар) ҳам қурдирган. Карвонсаройлардан энг каттаси Регистонда, ҳозирги Тиллақори мадрасаси (XVII аср) ўрнида бўлган ва Мирзои карвонсаройи номи билан шуҳрат топган. Бундай карвонсаройлар Улуғбек замонида шаҳар ичкарисидагина эмас, балки Самарқанд билан туташ ҳамма савдо йўлларида ҳамда бошқа йирик шаҳарларда ҳам бино қилинган эди. Бу вақтда пойтахтда ва бошқа йирик шаҳарларда катта-катта ҳаммомлар ҳам қурилди. Булар ичида Улуғбек мадрасаси ва хонақоҳдан сал нарироқдаги Улуғбек мирзо ҳаммомини кўрсатиш мумкин. Бу ҳаммом гоёт нафис санъат билан бино қилинган ҳашаматли ҳаммом эди. «Бобурнома»да бу хусусда қуйидагилар битилган: «[Мирзо Улуғбек]: яна ушбу мадраса ва хонақоҳга ёвуқ бир яхши ҳаммом солибтур. Мирзо ҳаммомига машҳурдир, ҳар навъи тошлардин фаршлар қилибтур. Хуросон ва Самарқандга онча ҳаммом маълум эмаским, бўлғай».

Улуғбек мирзо замонида қурилган бинолардан энг каттаси расадхонадир. Деворлари қошин билан қопланган уч ошёнали, яъни уч қаватли бу олий бино Шарқ меъморчилигининг ажойиб намуналаридандир (расадхона ҳақида сал кейинроқ ўз ўрнида айтилади).

Маълумки, Ғўри Амир номи билан машҳур бўлган олий бинога Темурнинг ўзи, унинг суюкли набираси Муҳаммад Султон, ўғиллари Мироншоҳ ва Шоҳруҳ, кейинчалик Улуғбек дафн этилган. Улуғбек Ғўри Амир мақбарасига шарқ тарафдан эшик очтирди ва ундан то мақбарага боргунча гумбазли галерея қурдирди (1424). Эшикнинг тепаси, ён тарафлари, шунингдек, галерея ўзининг нафис безаклари билан ҳар қандай одамни мафтун қилади. Қабрлар атрофидаги мрамар панжаралар ҳам мирзо Улуғбек даврида қўйилган бўлиб, бинонинг ички манзарасига алоҳида ҳусн бағишлаб турибди. Мақбаранинг атрофида, хусусан, унинг жанубий тарафида бошқа қурилишлар ҳам бўлиб, бу ҳам Улуғбек тарафидан қурдирилгандир.

Қадимий Самарқанд — Афросиёбнинг жанубидаги улкан қабристоннинг қоқ ўртасида жойлашган Шоҳи Зинда ажойиб меъморчилик ёдгорликларидан ҳисобланади. Бу ёдгорликлар асосан XI асрдан қурила бошлаган бўлса-да, темурийлар, хусусан, Амир Темур ва Улуғбек замонида поёнига етказилган. Шоҳи Зинда Амир Темур даврида қайта тикланди ва бирмунча янги муҳташам мақбаралар (Хожа Аҳмад, «Номаълум киши» ва бошқалар) қурилди. Мирзо Улуғбекнинг рағбати ва сабаб-ҳарикати билан бу ерда зўр меъморчилик-режалаштириш ишлари олиб борилди. Шоҳи Зинданинг ранго-ранг ғиштлар билан ишланган пештоқи, асосий дарвозаси (1434—1435) ана шу улкан ишлардан биридир. Улуғбек ўз устози ва касбдоши Қозизода Румий қабри устига ҳам қўш гумбазли мақбара қурдирган. Бу мақбара Шоҳи Зиндадаги энг гўзал мақбара ҳисобланади.

Улуғбек мирзо бобоси даврида қурила бошланган, лекин айрим сабабларга кўра битмай қолган талайгина бошқа биноларни ҳам битказди. Ғўри Амир мақбараси, Шоҳи Зинда мазори ва Шаҳрисабздаги Кўк гумбаз масжиди шулар жумласидандир.

Тарихий манбаларда бу маърифатпарвар подшоҳнинг пойтахт шаҳар Самарқанд атрофида қурдирган бошқа иморатлари ва боғлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бор. Кўҳак тепалигининг ғарбий тарафида қурилган боғ айниқса, гўзал ва ҳашаматли бўлиб, Боғи майдон номи билан машҳурдир. Бу боғ ва унинг ичидаги бинолар ҳақида «Бобурнома»да қимматли маълумотлар келтирилган: «[Улуғбек мирзо] яна пуштаи Кўҳакнинг доманасида ғарб сари боғе солибтур. Боғи майдонга мавсум. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур. Чилстун дерлар, ду ошёна, стунлари томоман тошдин. Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт манордек буржлар қуториб турларким, юқорига чиқор йўллар бу тўрт бурждандур. Ўзга тамом ерларда тошдин стунлардур. Баъзини морпеч хиёра қилибтурлар. Юқориги ошёнанинг тўрт тарафи айвондир, стунлари тошдин. Ўртаси чордара уйдир. Иморат курсисини тамом тошдин фарш қилибтурлар. Бу иморатин пуштаи Кўҳак сари доманда яна бир боғча солибтур, анда бир улуғ айвон қилибтур, айвоннинг ичида бир улуғ тош куйибтур, тули тахминан ўн тўрт-ўн беш қари [бўлғай], арзи етти-саккиз қари, умқи бир қари. Мундоғ улуғ тошни хили йироқ йўлдин келтурибтурлар. Ўртасида дарз бўлибтур. Дерларким, ушбу ерда келтиргандан сўнг бу дарз бўлгандир. Ушбу боғчада яна бир чор дара солибтур, изораси тамом чиний, Чинихона дерлар, Хитойдин киши юбориб келтурибтур». 1941 йили Боғи майдон ўрнида ўтказилган археологик қазинилар «Бобурнома»да келтирилган бу маълумотларни тўла тасдиқлайди.

Улуғбек ўртача давлат арбоби, омади келмаган саркарда эди. Ташқи сиёсат юргизишда эса уни на Шоҳруҳ ва на биродари Бойсунқур мирзо билан қиёслаб бўлмас эди. У кўпроқ олим ва фозил киши эди ва, академик В. В. Бартольднинг сўзлари билан айтганда, мусулмон оламида унингдек подшоҳ мутлақо бўлмаган эди. У ўзининг математика, геометрия, фалакиёт, тарих фанларида қилган оламшумул кашфиётлари билан илм-фан саҳифаларида ўчмас из қолдирди. Шунинг учун ҳам у йирик олимлар ва адибларнинггина эмас, балки барча авлоднинг тақдир ва таҳсинига сазовор бўлди. Йирик тарихчи олим ва давлат арбоби Абдураззоқ Самарқандий мана бу мисрада уни ҳандаса (геометрия) илмида ҳам тенги йўқ олим деб таърифлайди:

Чун Улуғбек мирзо дар илми ҳандаса,
Натавон ёфт дар ҳазорон мадраса.

Яъни:

Ҳандаса илмида Улуғбек мирзодек [киши] ни,
Мингларча мадрасалардан [ҳам] топиб бўлмайди.

Улуғ Навоий эса ўзининг «Фарҳод ва Ширин» асарида Улуғбекни осмон сирларини очган ва уни кишилар кўзига ойнадек қилиб қўйган фалакиёт олими сифатида таърифлайди. Навоий, хусусан мана бундай дейди:

Темурхон наслидин султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон онингдек.
Онинг абной жинси бўлди барбод,
Ки давр аҳли биридин айламас ёд.
Ва лек ул илм сори топди чун даст,
Кўзи олдинда бўлди осмон паст.
Расадким боғламиш зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиб бу навъ илми осмоний,
Ки ондин ёзди «Зичи кўрагоний».
Қиёматга деганча аҳли айём,
Ёзарлар онинг аҳкомидин аҳком.

Улуғбекнинг аниқ фанлардан бошқа илмларга ҳам рағбати зўр эди. У бошқа темурий шахзодалар: Бойсунқур, Иброҳим Султон, мирзо Искандар ва Абубакр мирзо сингари шеърят ҳамда мусиқа билан шуғулланди, шеърлар ёзди, янги мусиқа асарлари яратди. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» ва Абу Тоҳирхожанинг «Самария» асарларида Улуғбек шеърларидан баъзи намуналар ҳам келтирилган. Улуғбекнинг зўр мусиқашунослиги ҳақида 37 та манба асосида ёзилган «Муҳит ут-таворих» номли бир қўлёзма асарда қимматли маълумотлар келтирилган. Айтилишича, Улуғбек мирзо катта ва кичик на-

қоралар билан ижро этиладиган булужий, шодиёна, ахлоқий, улусий, усули раво каби алоҳида мусиқа асарлари ҳам яратган экан. Олимнинг тарих илми тараққиётига қўшган зўр улуши эса ҳозир ҳеч кимни таажжублантирмайди (бу ҳақда қуйида, ўз ўрнида айтилади).

Мирзо Улуғбек йирик олим бўлиши билан бирга, ўз даврида фан тараққиётига бош-қош бўлди, илму фан аҳлига ҳомийлик қилди. Унинг саройи маданият ва илму тафаккурнинг ҳақиқий марказига айланиб, бу ерда ўнлаб олимлар, шоирлар осудалик билан ҳаёт кечирганлар ва ижод қилганлар. Йирик математик ва астрономлар Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид, мавлоно Муъинуддин Кошоний ва Али Қушчи, етук мударрислар Саид Имомиддин ва мавлоно Муҳаммад Ҳавофий, машҳур шарҳчи ва тиб олими Бурхониддин Нафис ибн Аваз Қирмоний, забардаст шоирлар Лутфий, мавлоно Хиёлий, Исматулло Бухорий, Камол Бадахший ва йирик адабиётшунос ҳамда тилшунос, моҳир педагог хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий шулар жумласидандир. Олим саройда ва ҳарбий юришлар вақтида ҳам олимлар ва шоирлар билан мушоиралар, мунозаралар ўтказиб турар ва унда ўзи фаол иштирок этиб турарди. Хондамир ана шундай мунозаралардан бирида Улуғбек классик адабиёт борасида мактабдоши ва ўша вақтда етук олим ва шоирлардан бири бўлган мавлоно Муҳаммад Олим билан қизишиб баҳслашганлигини ҳикоя қилади. Бошқа бир манбада Улуғбек томонидан 1448 йили Машҳадда уюштирилган бир мунозара ҳақида ҳикоя қилинади. Машҳур тилшунослар Садриддин Раддос ва шайх Ориф Озариийлар ҳам қатнашган бу мунозарада Улуғбек классик араб тили ва адабиётини ҳар тарафлама ва мукамал эгаллаган олим эканлигини намойиш қилган.

Шуни ҳам айтиш керакки, Улуғбек турк тилида ёзилган қадимий ёдгорликларни ўрганиш ва уларни кенг халқ оммаси ўртасида тарқатишда ҳам катта хизматлар қилди. Бу ишда унинг йирик амирларидан Амир Сайфиддин барлос ва Туркистон ҳокими Арслонхожа тархон ҳам саъй-ҳаракат кўрсатганлар. 1444 йили Аҳмад Югнакий (XI—XII асрлар) нинг машҳур «Ҳибат ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар тухфаси») номли асари янгидан кўчирилган. Шунингдек, ўша вақтда Улуғбек саройида таржима ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, бир талай қимматли асарлар араб ва форс тилларидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Самарқанд мунажжимлари ва уларнинг ғамхўр, моҳир етакчиси бўлган Улуғбек Шарқ фалакиёт фанининг тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. Унинг «Зичи жадиди кўрагоний» («[Улуғбек] Кўрагонийнинг янги астрономия жадвали») асари классик фалакиёт илми тарихида алоҳида ўрин тутди ва у Ўрта аср фалакиёт фанининг дурдонаси ҳисобланади.

Улуғбекнинг фалакиёт илмида қилган кашфиётларига ўтиндан аввал шунини айтиш керакки, Самарқанд фалакиёт мактаби ва атоқли олимнинг оламшумул ихтиролари заминида Шарқ калқлари, хусусан, Урта Осиё халқларининг зўр илмий ва маданий мероси ётади. «Ҳар қандай тарихий шахснинг жаҳон маданиятида пайдо бўлиши,— деб ёзган эди йирик ўзбек олими, академик Т. Н. Қориниёзий,— ҳеч қандай тасодифий бўлмай, балки унинг ижоди маълум мерос ва маълум замин асосида вужудга келади. Шунинг каби, Улуғбек ижодининг замини ҳам, табиий, тасодифий эмас».

Улуғбек ва унинг илмий сафдошлари ана шу бой меросга таяниб иштотдилар. Уммавия сулоласидан бўлган Марвон II (744—750) замонида Дамашқда қурилган расадхона, IX асрнинг бошларида ишга туширилган. Бағдод расадхонаси, Носриддин Тусий (1201—1274) номи билан боғлиқ бўлган Мароға расадхонаси (XIII аср)нинг олиб борган илмий кузатиш ва тадқиқотлари ҳамда машҳур юнон олимлари Платон, Аристотель, Гиппарх, Птоломей таълимотлари, улуғ ватандошларимиз Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий ва бошқаларнинг ажойиб илмий асарлари уларнинг диққат назаридан асло четда қолмади. Улар бу бой меросни диққат билан ўргандилар ва уни янги шароитда олиб борилган изчил кузатишлари натижасида тўпланган билимлар билан бойитиб, ривожлантирдилар; фалакиёт илмини баланд чўққига кўтардилар. Бунда Самарқанд расадхонасининг роли жуда катта бўлди, албатта.

Шак-шубҳасиз, Самарқанд расадхонаси фалакиёт фани таъриқийётида катта ўрин тутди. Бу ажойиб илм ўчоғи донишманд подшоҳ, ажойиб олим мирзо Улуғбекнинг мақтовга сазовор рабати ва зўр саъй-ҳаракати билан 1424—1428 йиллари Самарқанднинг шимолий тарафида Обираҳмат ариғининг бўйида, Кўҳак тепалиғи устида қурилди. Лекин астрономик кузатиш ишлари Самарқандда бундан илгари ҳам олиб бориларди ва бунга 1417—1420 йиллар ичида қуриб битирилган Улуғбек масжидининг хоналаридан бири мослаштирилган эди.

Самарқанд обсерваторияси, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маълумотларига қараганда, катта, уч ошёнали бўлган. Абдураззоқ Самарқандий бу олий бинонинг ичкари қисмлари тенги йўқ нақшлар билан безатилганлиги, унинг девор ва шипларидида тўққиз осмон даражалари, дақиқалари ва ҳатто сонияларигача ҳисоблаб, етти сайёра ҳамда «ҳаракатсиз» (собита) юлдузлар, шунингдек ер курраси, етти иқлим, тоғу саҳролари ва дарё-ю денгизлари билан тасвирланганлигини айтади. Лекин бу ажойиб бино охир-оқибат вайрон бўлиб кетди, кейинчалик ундан асар ҳам қолмади.

Расадхона биносининг ўрни, тузилиши, ундаги мавжуд кузатиш ва ўлчов асбобларининг ҳаммасини аниқламай туриб, Улуғбек ва самарқандлик бошқа мунажжимларнинг илмий меросини ўрганиш анча қийин бўлур эди. Шунинг учун ҳам бу

масала кўпдан буён олимларнинг диққат марказида турарди. Улуғбек расадхонасининг қолдиқлари 1908 йили машҳур рус олими, шарқшунос, археолог В. Л. Вяткин тарафидан очилди. Бинонинг айланаси 46,40, баландлиғи эса 30 метрга яқин бўлган ва ундан секстант деб аталган кузатиш асбобининг қисми топилган. Секстант пишиқ гиштдан ясалиб, ганч билан сувалган ва сирти мрамор тош билан қопланган. У бир-биридан йироқлиғи 70,2 сантиметрдан иборат бўлган, даражаларга бўлинган ва қарийб икки метр чуқурликда меридиан бўйича ўрнатилган. Секстант, академик Т. Н. Қориниёзийнинг айтишича, «коралиғи 51 сантиметрли иккита ўзаро параллел ёй (дуга) шаклида» бўлган. В. Л. Вяткин айрим сабабларга кўра, аниқроғи ажратилган маблағнинг камлиғи туфайли, қазини ишларини поёнига етказолмади ва бу иш 1948 йили кўзга кўринган шарқшунос, археолог В. А. Шишкин томонидан охирига етказилди. Натижада расадхона биносининг аниқ плани, қурилиш материалларининг турлари аниқланди, айрим, илгари маълум бўлмаган асбобларнинг қолдиқлари ҳам топилди. Т. Н. Қориниёзий қўлёзма ёдгорликлар, хусусан, ҳинд астрономи рожа Савай Жай Синг (1686—1743) нинг зичи ва Гибсиддин Жамшиднинг баъзи асарлари асосида Улуғбек расадхонасига оид айрим муҳим масалаларни ечиб берди ва унинг ҳақиқатан ҳам «айланаси 46 метрдан ортиқроқ цилиндр формасидаги уч ошёнали бинодан иборат бўлган»лигини аниқлади. У Савай Жай Синг расадхонасида ишлатилган асбоб-ускуналар рўйхатини ҳам келтирган.

Шуни ҳам айтиш керакки, баъзи маълумотларга кўра, Улуғбек расадхонасида бой бир кутубхона ҳам бўлиб, унда 15 минг жилдан зиёдроқ қимматли китоблар сақланган.

Улуғбекнинг «Зичи жадиди кўрағоний» асари Самарқанд расадхонасининг назарий ва амалий масалаларини қамраб олган шоҳона асардир. Асар асосан икки қисмдан: назарий муқаддима ва фалакиёт ҳамда геометрияга оид турли жадваллардан иборат бўлиб, 1437 йили ёзиб тамомланган. Лекин Улуғбек ҳаётининг сўнги кунларигача унинг устида ишни давом эттирган.

«Зич»нинг астрономиянинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган муқаддимаси тўрт асосий қисмдан иборат. «Илмий тақвим, яъни сана ёки йил ҳисоби,— деб ёзади Т. Н. Қориниёзий,— тарих ва астрономиянинг энг муҳим пойдеворларидан биридир. Шунинг учун қадим замонлардаёқ астрономларнинг энг муҳим вазифаларидан бири календарни такомиллаштиришдан иборат бўлган. Шу сабабли Улуғбекнинг ҳалиги жадваллари ана шу масалалардан бошланади». Муқаддиманинг биринчи қисми ана шу муҳим масалага бағишланган ва унда араблар, юнонлар, эрон, хитой ва уйғур саналари, даврлар, йил ва ойлар, кун ҳамда ҳафталар ҳақида, шунингдек бу саналарнинг келиб чиқиши ва уларнинг бир-бирига бўлган муқосабатлари ҳақида тўла тушунча берилади. Муқаддиманинг ик-

кинчи қисми 22 бобдан иборат. Бу қисмда юлдузларнинг баландлиги ва улар ўртасидаги масофа, меридиан чизиги, узунлик ва кенгликни ўлчаш йўллари кўрсатилган. Учинчи қисмда Қуёш ва Ойнинг ҳаракати баён қилинган. Қуёш ва Ойнинг тугилишига бағишланган махсус бобларда эса ана шу ҳолатнинг аниқ вақтлари ва уни аниқлашнинг ўтмишдаги ва ҳозирги йўллари кенг талқин қилинган. Олим такомиллашган кузатиш ва ўлчаш асбоб-ускуналари йўқлигига қарамай, Қуёш ва Ойнинг ҳаракатини тўғри ҳисоблаган ва бу ҳисоб-китоб ҳозирги ҳисоб-китобдан жуда кам фарқ қилади. Буни эклиптика текислигининг (Қуёшнинг бир йиллик ҳаракати туфайли ҳосил бўлган катта доира эклиптика дейилади) экваторга оғмалигини аниқлаш борасида турли замонларда ўтган мунажжимларнинг тахмини билан Улуғбек ҳисоб-китобини солиштириб кўришдан ҳам билиш мумкин:

Эклиптика оғмалиги:

Эратосфен бўйича	23° 51' 20"	хатоси	+7' 35"
Гиппарх	23° 51' 20"	—«—	+8' 23"
Птолемей	23° 51' 20"	—«—	+10' 10"
Ал-Батгоний	23° 35'	—«—	+0' 17"
Ас-Сўфий	23° 35' 45"	—«—	-0' 50"
Абулвафо	23° 35'	—«—	+0' 35"
Ал-Кўҳий	23° 51' 01"	—«—	+16' 36"
Ибн Юнус	23° 34' 52"	—«—	+0' 33"
Носириддин Тусий	23° 30'	—«—	-2' 9"
Улуғбек	23° 30' 17"	—«—	-0' 32"

Муқаддиманинг тўртинчи боби тўлиғича фалакиёт илмига бағишланган. Бунда сайёраларнинг турли-туман мослашувлари ва бу ҳолнинг киши тақдирига таъсири масалаларига тўхтаб ўтилган. Ундан ташқари, киши тақдирини олдиндан белгилаш учун қандай қилиб қуръа (гороскоп) тузиш йўллари ҳам кўрсатиб берилган. Бундан Улуғбек ўз ижодида динга ҳам кенг йўл берган экан, деган хулоса чиқариш хато бўлур эди, чунки олим халқ ўртасидаги таассублик, яъни динга бўлган қаттиқ эътиқодни ҳисобга олмай иложи йўқ эди. Қолаверса, унинг ўзи ҳам мусулмон эди.

Улуғбекнинг сана ва сайёраларнинг йиллик ҳаракатлари ҳақидаги ҳисоблари ҳам ҳозирги ҳисоб-китобларга жуда яқиндир. Бир-икки мисол келтирамиз.

Юлдуз йилининг ҳисоби:

Ҳиндлар	—365 кун 6 соат	12 минут	30 секунд
Халдейлар	—365 —«—6—«—	11—«—	00 —«—
Аристарх	—365 —«—6—«—	10—«—	49 —«—
Собит ибн Қурра —	—365 —«—6—«—	9—«—	12 —«—
Улуғбек	—365 —«—6—«—	10—«—	8 —«—
Аслида	—365 —«—6—«—	9—«—	6 —«—

Шундай қилиб, Улуғбек бу ерда ҳаммаси бўлиб бир минута икки секундга янглишган, холос.

	Улуғбек ҳисобича	Ҳозирда
Зуҳал	12° 13' 39"	12° 13' 36"
Мушгарий	30° 20' 34"	30° 20' 31"
Марс	191° 17' 15"	191° 17' 10"
Ҳулкар	234° 17' 32"	224° 17' 30"
Аторуд	53' 43' 13"	53' 43' 3"

Асарнинг фалакиёт ва илми салосия (тригонометрия) га оид жадваллар келтирилган иккинчи қисмида 1018 та юлдузнинг ҳолати кўрсатиб берилган. Жадваллар ўзининг аниқлиги билан кишини ҳайратда қолдиради.

Бу жадвалларни тузиш, шубҳасиз, оғир иш эди. «Улуғбек жадвалларидан фақат синус моҳиятининг тўғрилигини текширишга,— деб айтган эди Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг катта ўқитувчиси марҳум Раҳмат Ибодов,— бир йилдан ортиқ жиддий меҳнат сарфладим». Шунинг ҳам айтиш керакки, Р. Ибодов бу ҳисоб-китобни оддий усул билан эмас, балки махсус ҳисоблаш машинаси билан бажарган. Шунга кўра у, расадхонада маълум ҳисоблаш маркази бўлган, яъни сайёра ва юлдузларни кузатишдан тўпланган материалларни ҳисоб-китоб қилиб турган юздан ортиқ киши бўлган, деган фикрга келган. Р. Ибодовнинг бу тахмини ҳақиқатга ўхшайди. Айрим маълумотларга кўра, ҳақиқатан ҳам расадхонада юздан ортиқ мунажжим ва математик хизмат қилган.

«Зичи жадиди кўрагоний» фалакиёт илмининг ажойиб маҳсуллари билан бири сифатида Шарқ мамлакатларидагина эмас, балки Оврупо ва Америкада ҳам катта шухрат топди. Уни жаҳон илмий жамоатчилигига етказишда олимнинг шогирди Алоуддин Али Қушчи (1404—1474) ва ўқимишли, маърифатпарвар теурий Абулқосим Бобур (1452—1457) нинг хизмати катта бўлди. Абулқосим Бобур 1450 йили Самарқанд подшоси султон Абусаид бериб юборган «Зичи жадиди кўрагоний» нусхасини кўлайтиришни буюрди. Али Қушчи эса бу асарни бошқа ноёб китоблар билан қўшиб 1471 йили Туркияга олиб кетди ва шу билан унинг Оврупога ҳам тарқалишига сабабчи бўлди.

Шарқнинг бирмунча атоқли мунажжимлари Улуғбек «Зичи» га шарҳ боғлаганлар. Булардан энг машҳурлари Низомиддин Абдували Биржандий (1525 йили вафот этган), Қозизода Румий ва Али Қушчининг набираси Мирим Чалабий (1525 йили вафот этган) лардир. Биржандий «Шарҳи Зичи Улуғбек» («Улуғбек «Зичи»нинг шарҳи») номли асар ёзди ва уни шоҳ Исмоил Сафавийнинг (1502—1524) Хуросондаги вазири амир Ҳабибуллога тақдим қилди. Мирим Чалабийнинг шарҳи эса Улуғбек «Зичи»га Шарқда ёзилган энг тўла ва пухта шарҳ ҳисобланади.

Улуғбекнинг бу асари XVII—XVIII асрларда Оврупо мунажжимлари учун ҳам муҳим дастур бўлиб хизмат қилди. 1643

йилда оксфорд (Англия) лик мунажжим профессор Жон Гривс Улуғбек «Зичи» ҳақида йирик китоб ёзиб нашр қилди. Ундан ташқари, бу асарнинг Гривс нашрга тайёрлаган бир қисми 1648 йили Бейнбридж томонидан чоп этилди. Асарнинг тўлиқ нашри (форсча матни ва латинча таржимаси билан) 1665 йили Томас Хайд тарафидан нашр қилинди ва 1767 йили Григорий Шарль ва 1843 йили Фрэнсис Бейли томонидан Лондонда қайта чоп қилинди. Улуғбек «Зичи»ни 1889 йили Францияда Седийо, 1917 йили эса америкалик олим Эдуард Болл Нобл нашр қилди. Лекин ҳанузгача буюк ватандошимизнинг бу қимматли асари матншунослик нуқтани назаридан ўрганилмаган. Хуллас, унинг на кўп нусхалар асосида тузилган танқидий матнига ва на ҳозирги замон тилларига қилинган таржимасига эга эмасмиз. Қолаверса, унга бағишланган жуда кўп шарҳлар ва ўша замонларда ёзилган бошқа астрономик асарлар ҳар томонлама ўрганилмаган. Бундай асарлар фақат Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳузуридаги Шарқшунослик институтининг ўзида ўнлаб топилади. Бу аҳвол шунини кўрсатадики, бу муҳим иш шарқшунос олимларнинг астрономлар билан янада яқинроқ ҳамкорликда ишлаши билан амалга оширилиши мумкин.

Жаҳонга донғи кетган Самарқанд расадхонасининг кўп йиллик самарали кузатишларининг ажойиб натижаси ўлароқ XV асрнинг биринчи, қисман иккинчи ярмида бу ерда яратилган яна бошқа илмий асарлар ҳам жаҳон илм-фан хазинасининг дурдоналари қаторидан мустаҳкам ўрин олди. Ғиёсиддин Жамшидининг «Зичи ҳоқонийдан шарҳи Элхоний» («Элхоний зичи») ни такомиллаштириш асосида [тузилган] «Ҳоқоний зичи»), «Рисолат ал-мухития» («Муҳит ҳақида рисола»), «Мифтоҳ ал-ҳисоб» («Ҳисоблар калиди»), «Рисолат ал-ватар ал-жайб» («Хорда ва синус ҳақида рисола») каби асарлари, Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад Қозизоданинг «Рисолат фил-л ҳисоб» («Ҳисоб ҳақида рисола»), «Шарҳ ашкол ат-таъсис» («Шакллар асосининг шарҳи»), «Рисолат ал-жайб» («Синус ҳақида рисола»), Алоуддин Али ибн Муҳаммад Али Қушчининг «Рисолат фи-л-ҳайча» («Илми ҳайъат ҳақида рисола»), «Рисолат фи-халл ашкол ал-қамар» («Ой шакллари ечиш ҳақида рисола») китоблари ва бошқа жуда кўп асарлар шулар жумласидандир.

9

Салоҳиятли олим, истеводли шоир, моҳир саркарда ва йирик давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг яқин қариндошларидан бири атоқли муаррих Муҳаммад Ҳайдар (1500—1551) ўзининг машҳур «Тарихи Рашидий» номли асарида мирзо Улуғбек ўз даврининг етук риёзиёт ва фалакиёт олими бўлиш билан бирга, йирик тарихчи бўлганлигини ҳам айтган. У, хусусан, мана бундай деб ёзган: «Мирзо Улуғбек тарихнавис донишманд эди [ва] «Тўрт улус [тарихи]» ни ёзиб

қолдирган эди». Олимнинг мана шундай асар ёзганлигини урта асрларда ўтган бошқа олимлар, хусусан, Ғиёсиддин Хондамир ва йирик қомусий олим Маҳмуд ибн Вали ҳам айтганлар. Афсуски, бу асарнинг тўлиқ нусхаси бизнинг замонамизгача етиб келмаган. Тўғриси, ҳали қидириб топилмаган. Баъзи маълумотларга қараганда, «Тарихи-арбаъ улус»нинг иккита нусхаси ҳозирда Стамбул кутубхоналарида сақланади, қисқартирилган нусхалари эса Лондондаги «Индия оффис» кутубхонасида ва «Британия музейи»да, шунингдек АҚШнинг Харвард университети кутубхонасида мавжуд. Бу ҳақда машҳур инглиз шарқшунослари Эте ва Рьё ўз каталогларида батафсил маълумотлар келтирганлар. Асарнинг «Британия музейи»да сақланаётган нусхаларидан бири полковник Уильям Майлс томонидан инглиз тилига таржима қилиниб, 1838 йили Лондонда нашр этилди. Лекин бу таржимани муфассал ва илмий деб бўлмади.

Таассуфки, Улуғбекнинг бу асари ҳанузгача қадрланмайди. Бунга унинг жуда кам ўрганилганлигини сабаб деб билмоқ керак. Асар билан изчил танишиб чиқиш ва уни бошқа тарихий асарлар билан солиштириш натижасида унинг қимматли бир китоб эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдик. «Тарихи арбаъ улус» бир вақтлар Чингизхон босиб олган мамлакатларнинг XIII—XIV асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганишда қимматли манбадир. Чигатоий улуси ва унинг ана ўша вақтлардаги Олтин Ўрда ва Элхонийлар (Эрон) давлати билан бўлган муносабатларини ўрганишда эса бу асар бирдан-бир манбалардандир.

Асар Шарқ тарихи билан қизиқувчиларга яхши маълум эмаслигини назарда тутиб, унинг ҳақида бир неча сўз айтишни лозим топдик. Лекин бундан илгари, кенг китобхонлар оммасини ҳам ҳисобга олиб, тўрт улус хусусида қисқа маълумот келтириб ўтмоқчимиз. Чингизхон вафотидан сўнг унинг улкан империяси тўрт мустақил улус (давлат) га бўлиниб кетди. Булардан бири Жўчи улуси деб аталиб, унга Дашти қипчоқ, Волга бўйидаги вилоятлар, Қрим ва Хоразмнинг ғарбий қисми қарар эди. Бу улус Олтин Ўрда номи билан машҳур бўлиб, унинг тепасида Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўчхон, унинг вафотидан (1227) кейин эса авлоди турган эди. Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатоий ва унинг фарзандлари эса Мовароуннаҳр, Еттисув вилояти ва Чу воҳаси устидан ҳукмронлик қилдилар. Хоразмнинг шарқий қисми ҳам шу улусга қараган. Бу улус тарихида Чигатоий улуси номи билан машҳурдир. XIII асрнинг ўрталарида, аниқроғи 1256 йилда Чингизхоннинг набираси Ҳалокхон Эрон, Озарбайжон ҳамда Ироқни босиб олди ва Ҳалокхонийлар давлатига асос солди. Улуғ улус номи билан машҳур бўлган Мўғулистон ва Шимолий Хитойда эса Чингизхоннинг бошқа ўғиллари Угадой қоон ва Тулуйхон авлодлари ҳукмрон эдилар. Гарчи бошқа улуслар Улуғ улусга расман тобе ҳисоблансаларда, аслида улар мустақил давлат эдилар.

«Тарихи арбаъ улус» туркларнинг афсонавий ота-боболари

ҳисобланган Туркхон ибн Ефасдан то Амир Темур вафотигача ана шу тўрт улусга қарам бўлган мамлакатларда содир бўлган воқеалар ҳақида ҳикоя қилади. Улуғбек асарнинг Уғузхон ва унинг авлодлари, Чингизхон ва унинг истилолари, шунингдек ҳалоқуийлар улуси, Улуғ улус ва қисман Жўчи улуси хусусидаги қисмларини Жувайний ва Рашидиддиннинг «Тарих-и жаҳонкушой» ва «Жомеъ ут-таворих» асарлари асосида ёзган. Шундай бўлса ҳам бу қисмларда, хусусан, ҳалоқуийлар ва Жўчи улуси қисмларида, бошқа манбаларда учрамайдиган қимматли маълумотлар бор. Чигатоӣ улуси билан ана шу икки улус ўртасида бўлган сиёсий муносабатлар шулар жумласидандир. Лекин унинг Чигатоӣ улуси тарихига бағишланган қисми (в. 1640—182а) илмий қимматга эга. Муаллиф бу ерда улусда ҳукмронлик қилган ҳар бир хон устида алоҳида-алоҳида тўхталиб, уларнинг даврида содир бўлган воқеалардан энг муҳимларини баён қилган.

Асар форс тилида жуда содда услубда битилган. «Тарих-и арбаъ улус» машҳур тарихчи, моҳир стилист Шарофиддин Али Яздий томонидан таҳрир қилинган деган тахмин асоссиз бўлса керак. Улуғбек араб ва форс тилларини мукаммал билган олим эди. Бу унинг «Зич» асаридан ҳам яққол кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам унинг бошқа бирон кишининг таҳририга муҳтож бўлгани ҳақиқатдан йироқдир. Асарда эски ўзбек сўзлари ва катта-катта арабча парчалар ҳам учраб туради.

Асарнинг сўнгги варағида (182а) мана булар ёзилган: «Улуғ соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг (Хитой томон) юриши воқеалари алоҳида янги китоб қилиб ёзилади. Бу нусха «Улуси арбаъ-ин Чингизий»дир ва ушбу рисолада келтирилган Туркхон ибн Ефас ибн Нуҳ алайҳиссалом авлодидан бўлган подшоҳлар ҳамда Туркистон замин хонларининг номлари сайид султони шаҳид мирзо Улуғбекнинг, қабрлари [ҳамиша] мунаввар бўлсин, арбаъ улус хонлари ҳақида битган мажмуасидан [олиб] баён қилинди».

Улуғбекнинг бу асари Урта Осиё, Қозоғистон ва Эроннинг узоқ ўтмишдаги тарихининг ҳанузгача ҳал қилинмаган айрим масалаларини ечишга яқиндан ёрдам беради. Ундан ташқари, асарда айрим байтлар, қитъалар ҳам учрайди. Олимнинг шеърятда ҳам қалам тебратгани маълум, лекин унинг шеърлари ҳали излаб топилганича йўқ. Бу жиҳатдан ҳам «Тарих-и арбаъ улус» тадқиқотчиларимизнинг диққат-эътиборига лойиқдир.

10

Шоҳруҳ 1447 йил 12 мартда набираси Султон Муҳаммадга қарши юриш пайтида Райда вофот қилди. Бундан фақат бир йилгина илгари бир бутун бўлган Темурийлар империяси ҳоқони сайд (Шоҳруҳ)нинг вафотидан кейин майда-майда қисмларга бўлиниб кетди. Ғарбий Эрон ва Форсда Муҳаммад Сул-

тон, Журжон (Гўргон) ва Астроболда Абулқосим Бобур, Хуросон ва Ҳиротда Алоуддавла ўзларини мустақил ҳукмдор деб эълон қилдилар. Амударёнинг ҳар икки қирғоғидаги ерлар: Балх, Хутталон, Қундуз, Бағлон, Арҳанг, Соли сарой, Андхуд, Шибиргон, Маймана ва Форёб Улуғбекнинг ўғли Абдуллатиф қўлига ўтди. Ироқ ва Озарбайжонда эса қорақўюнлилар (Жаҳоншоҳ) яна ҳокимият тепасига келди.

1448—1449 йиллари Алоуддавла билан Улуғбек ўрталарида Шоҳруҳнинг тож-тахти учун кескин кураш давом этди ва бу курашда Улуғбекнинг қўли баланд келди. У Алоуддавла ва Абулқосим Бобурнинг бирлашган кучларини тор-мор келтирди. Лекин Улуғбек амир. Абусаид ва шаҳзода Ёрали (қорақўюнлу хонадонидан бўлган Искандарнинг ўғли) исёни туфайли Абдуллатифни Нишопурда қолдириб Ҳиротга қайтди. Исён бостирилди, аммо Абулхайрхон ва кўчманчи ўзбекларнинг Самарқандни қамал қилгани хабари олинди ва Улуғбек отасининг тобути ва хазинани олиб Мовароуннаҳр томон юзланди. Йўлда унга Абулқосим Бобур Машҳаддан юборган кучли ҳарбий қисм (амир Хиндука бошчилигида) ҳужум қилди ва катта талафот етказди. Амударёдан ўтиш вақтида эса Абулхайрхон юборган ҳарбий қисм уни яна шикастлантирди. Улуғбек ўша йили қишни Бухорода ўтказди ва 1449 йили эрта баҳорда қўшин тўплаб яна Хуросонга юриш қилмоқчи бўлди. Лекин бу гал Улуғбек ўз ўғли Абдуллатиф билан курашишга мажбур бўлди.

Абдуллатиф Улуғбек душманларининг иғвоси билан отасига қарши исён кўтарди ва Абулқосим Бобур билан тил бириктириб, отасига қарши иттифоқ тузди. 1449 йил 19 сентябрда Улуғбек Самарқанд ёнидаги Димнишқ шаҳарчаси ёнида бўлган урушда мағлубиятга учраб, Самарқанд сари чекинди, лекин шаҳар ҳокими Мироншоҳ қавчин подшоҳни шаҳарга киритмади. Шундан кейин Улуғбек Шоҳруҳияга борди, қалъа кутволи Иброҳим ибн Пўлод ҳам ҳукмдорни шаҳарга қўймади, балки уни тутиб Абдуллатифга топширмоқчи бўлди. Давлатшоҳ Самарқандий ва «Тарих-и Абулхайрхоний» асарининг муаллифи Масъуд ибн Усмон Кўҳистонийлар ўшанда Улуғбек Абулхайрхон ҳузурига, Сигноққа бориб ундан ёрдам сўрамоқчи бўлгани, лекин бу фикрдан қайтиб, ҳокимиятни Абдуллатифга топшириб, умрининг қолган қисмини илму фанга сарфлаш ниятида Самарқандга бориб ўзини ўғлининг қўлига топширганлигини ҳикоя қилдилар. Улуғбек «ота билан бола ўртасида бир-бирига шафқат ва мурувват бўлиши керак», деб уйлаган эди, лекин у қаттиқ янглишди. Хон Абдуллатиф азиз отасининг ҳаётига чанг солди. У отасининг диндан кўра табиий илмлар тараққиётига кўпроқ рағбат қилганлигидан норози бўлиб юрган мутаассиб руҳонийлардан «диндан чиққан» Улуғбекни ўлдириш ҳақида фатво ёздириб олди. Энди гал жаллодга келди. «Мирзо Абдуллатиф,— деб ҳикоя қилади Абдураззоқ Самарқандий,— соҳибқирон хон (Чингизхон) юсунини кўрсатиб ҳаммага амр қилди-

ки, хон¹ олдида тиз чўкиб, «Мирзо Улуғбек мешиг фалон кишимни ғайриқосуний равишда ўлдирган, унинг хунини талаб қиламан», деб арз қилинлар». Ана шундайлардан бири сулдус қабиласидан бўлган Аббос исмли шахс хон олдида тиз чўкиб Улуғбекдан қачонлардир катта жиноят қилгани учун қатл этилган отасининг хунини талаб қилди. Хон, Абдуллатифнинг кўрсатмаси билан, Аббоснинг илтимосини қондирди ва у тунда ҳаж қилиш учун Маккага жўнаб кетган Улуғбекнинг кегидан қувиб етиб, уни Самарқанд яқинида хоннона ўлдирди. Бу фоживали воқеа, Мирхонднинг айтишига қараганда, ҳижрий 853 йил 8 рамазонда (1449 йил 25 октябрда) содир бўлди.

Улуғбекнинг мағлубиятига, фикримизча, мана булар сабаб бўлган:

1. Оғир пайтда кўшин, айниқса ҳарбий бошлиқлар ундан юз ўтирди, чунки уларни муваффақиятли уруш олиб бориб беҳисоб ўлжа билан бойтадиган раҳбаргина қаноатлантирар эди, Улуғбек эса улар кутган ҳарбий киши бўлмай, олим одам эди.

2. Мутаассиб руҳонийлар ҳам Улуғбекка қарши зимдан иш олиб бордилар, чунки унинг осмон сирларини очишга бўлган интилиши уларга маъқул келмас эди.

Улуғбек илми камолотга етган, ижод булоғи қайнаган бир вақтда хоннона ўлдирилди. Лекин унинг номи тарих саҳифаларида абадий қолди.

И. П. ПЕТРУШЕВСКИЙ АСАРЛАРИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР ВА ШАҲАРЛАР ТАРИХИНИНГ ТАҲЛИЛ ЭТИЛИШИ

Илья Павлович Петрушевский Шарқ халқлари тарихи, феодализм даврининг толмас тадқиқотчиси сифатида яхши ном қолдирган олимдир. У ўзининг ижтимоий-иқтисодий муносабатлар масалалари, тарихшунослик ва манбашуносликка доир йирик асарлари билан тарих фани тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Илья Павлович танлаган соҳа шарқшуносликда энг муҳим, лекин машаққатли соҳадир. У тадқиқотчидан асрлар қаъридан бизгача етиб келган бегона ёзув ва кўпчиликка нотаниш тилда ёзилган қўлёзма манбани яхши билишини талаб этади. Бундай манба устида ишлаш учун махсус тайёргарлик ва кўникма лозим. Бундай тайёргарлик ва кўникма Илья Павловичда мавжуд эди.

Маълумки, манба устида ишлаш жараёни турли мажмуа ва архивлардан керак фактларни аниқлашдан бошланади. И. П. Петрушевскийга ўхшаб илмий фаолиятини қўлёзма асарлар билан боғлаган олимлар учун бу ғаройиб машғулотнинг ўзига хос томонлари бор. «Қўлёзма асарларни ўқиганда,— деб ёзган эди академик В. В. Бартольд,— янгича бир дунёга кириб бораётган-

дек ҳузур қиласан киши, уни қадимий шаҳарларни очиб, қайта ҳаётга қайтариш билан қиёслагим келади». Битик китоб ўз сирини асрорини, афсуски, ҳаммага ҳам очавермайди. Шу муносабат билан И. Ю. Крачковский айтган қуйидаги фикр ибратлидир: «Қўлёзма китоблар инжиқ бўлади, улар инсондан бутун эътиборининг унга жалб қилинишини истади. Шундай тақдирдагина улар ўз сирларини очиб берадилар, қалбини очадилар. Ўз қалби, шунингдек, улар билан тақдирдош бўлган кишилар қалбини очади. Тасодифий томошабин учун эса улар эҳтиётсизлик билан тегиб кетсангиз юмилиб оладиған лимоза гулидек бўлиб қолади. Улар варақларини ёпиб олиб, тамбаз назарларга ҳеч нарсани аён этмайдилар... Мутахассис учун қўлёзма китоблар устида ишлаш ўзига хос байрамга айланиб кетади. Шунда қандайдир кашфиёт учқуни унинг кўзи ўнгида «йилт» этади, кейин эса равшанлаша боради ва шубҳага ўрин қолмайди. Дақиқалик хулосалар йиллар давомида қилинган таҳлиллар эвазига келгандек, бундай байрамлар узоқ кунлар давомида меҳнат қилиб, ўнлаб, юзлаб зерикарли, бир қолипдаги иккинчи, учинчи даражали қўлёзма китобларни диққат билан мушоҳада этиш эвазига келади».

Таъбир жоиз бўлса, мутахассисларга аён бўлган бир ҳақиқатни айтишни истардим. Янги қўлёзма манбани аниқлаш масаласининг бир томони. Унинг яратилиш тарихи, муаллифи, даври ва ёзилган жойи, шунингдек, асл нусхалигини ҳам аниқлаш лозим. Бу эса тинимсиз изланишни талаб этади. Таҳлилнинг чалачулпа қилиниши келгусида катта хатоликларга олиб келиши мумкин. Бу борада таниқли француз арабшуноси Клеман Хюар (1854—1927) нинг хатоси ибрат бўларлидир. У Стамбулдан топиб олган «Китоб ул-бадъ ва-т-таворих» номли араб қомусининг ягона нусхаси (1265) ни Ибн ал-Вардий ва Ҳожи Халфаларнинг маълумотларига асосланиб, таниқли жўроғион Абу Зайд Аҳмад ибн Саҳл ал-Балхий (850—934) қаламига мансуб деб топиб, 1899—1919 йилларда олти жилдада нашр этган. Ҳақиқатда эса мазкур асарнинг муаллифи Мутаҳҳир ибн Тоҳир ал-Муқалласий (X асрнинг иккинчи ярми) бўлгани ва у ўз асарини 850 йили ёзгани аниқланган.

Кейинчалик Илья Павлович Санкт-Петербург университетига манбашунослик ва тарихшунослик бўйича ўқиган махсус дарсларида донмо таъкидлаганидек, «манба матнини ўқиб чиқиш, асосий ёки дастлабки нусха эканлигини аниқлаш... услуб ва тил хусусиятларини ўрганиш», бўялган жойлари чиқиб келган тақдирда, тили ва услубини ўрганиш асосида матнга зарур тазатиш киритиш лозим». Бу эса манбанинг хомаки ёки ташқи таҳлилидан иборат ишнинг бир жиҳати. Манба устида ишлашнинг теран ва манбашунослик таҳлили деб аталувчи қолган қисми янада жиддий тинимсиз меҳнат қилишни талаб қилади. «Ундан мақсад,— деб таъкидлаган эди И. П. Петрушевский,— манба мазмунини баён этиб беришдир. Энди манбанинг бошқа, олдин ёзилган манбаларга алоқадор тарафларини аниқлаш,

¹ Абдуллатиф Чигатой наслдан бўлган Муғлуқ исмли бир зотни номига хон қилиб қўйган эди.

ундаги маълумотларнинг қай даражада тўлиқ ва аниқ эканлигига иқдор бўлиш, унинг муаллифи; ижтимоий келиб чиқиши, сиёсий қарашлари ва ғоясини аниқлаб олиш керак бўлади».

Илья Павлович ана шундай хислатлар соҳиби эди. У илмий жамоатчиликка таниш манбами ёки кам ўрганилган асарми, қандай бўлишидан қатъи назар, уни жиддий ва икир-чикирларигача катта эътибор билан ўрганар эди. Бугунги кунда Е. А. Давидович талаб қилаётганидек, манбани ўрганишда ҳар томонлама ёндошмоқни маслаҳат берарди. Бошқача қилиб айтганда, тадқиқ этишда манбаларнинг барчасига: археологик, этнографик, нумизматик, лингвистик, фольклор ва бошқа турдаги манбаларга таянишни талаб қиларди. «Ўрта асрлар тарихини ўрганишда,— деб айтарди Илья Павлович,— қўлёзма манбалар муҳимроқ ўрин тутади... Лекин ўша қўлёзма манбаларда кам ва етарли бўлмаган тарзда тарих ёритилган ёрдамчи соҳалар ҳам муҳим ҳисобланади. Масалан, сақланиб қолган сопол, металл буюмлар, гилам, шойи ва бошқа матолар, моддий маданият, техника ва амалий санъат, демакки, ҳунармандчилик шаҳар тарихини ўрганишда муҳим ва бой маълумот беради... Тангаларни ўрганиш ҳоким ва сулолалар шажараси ва солномаларини аниқлаш учунгина эмас, балки танга зарб қилиш тарихи, иқтисод, хусусан савдо-сотиқ тарихини ўрганиш учун ҳам муҳимдир...»

Олимнинг бутун ҳаёти манбашуносликда, манба устида ишлашнинг барча ҳолларида, ундан муҳим ҳужжат ва маълумотларни қидириб топиш, ёхуд уни махсус ўрганиш лозим бўлади, деб бўлмайдими, барибир, мазкур йўриқларга риоя қилишдан иборат бўлади. И. П. Петрушевскийнинг барча йирик асарларида фойдаланган манбалар тавсифига алоҳида боб ажратилади. Ҳатто у манба етарли даражада ўрганилган бўлса ҳам унга зарур тавсиф берар ва ўз баҳосини ҳам берарди. Тадқиқ этилаётган масала бўйича ўша манба нима бера олади ва шу билан бирга бу манбанинг сарчашмалари қандай манбалар, ана шуларга алоҳида эътибор берарди. Бунга икки мисол келтиришни зарур деб ҳисоблайман: «Абу Бакр Аҳмад ибн Яхё Жабир ал-Балазурий (вафоти 892 йил) ўз асарларига «Китоб ул мағозий» ва шунга ўхшаш китобларни асосий манба қилиб олади. Унинг «Китоб футуҳ ал-булдон» («Мамлакатларнинг истило этилиши ҳақида китоб») асарининг қисқартирилган нусхаси сақланиб қолган бўлиб, Эрон тарихига доир муҳим манба ҳисобланади. Асар ундаги маълумотларнинг аниқ ва батафсил бўлиши билан ажралиб туради. Баъзи ўринларда асарда араб лашкарбошиларининг бўйсундирилган шаҳарлар, Эрон ва қўшни ўлка ҳукмдорлари билан тузган шартномалари ҳам келтирилган».

Бошқа бир мисол. Эчмиадзин монастирида (Эчмиадзин бежатида 25 км масофада жойлашган арман апостол черкови-нинг тарихий маркази) сақланаётган сафавийлар ҳужжатлари ҳақида ҳикоя қилар экан, И. П. Петрушевский мана буларни

ёзади: «Сафавийлар ва уларнинг ворисларига тегишли фармонлар манба сифатида тадқиқотчиларнинг уларга танқидий ёндашувини талаб қилади. Сафавийлар ҳукумати, хусусан, Аббос I ва унинг дастлабки ворислари замонида мустабид марказлашган давлат тузишга интилди. Шоҳ ҳукумати сақланиб қолган эски йирик феодалларни йўқотиш ёки уларнинг таъсирини су-сайтириш тарафлари эди... Шунинг учун шоҳ фармонларида феодал тарқоқлигининг мавжудлиги инкор қилинганди. Мазкур фармонларда мулкдор феодаллар ҳақида гапирилмайди, улар расмий тарзда шоҳ ҳукуматининг амалдорлари деб сана-лади, холос. «Мажмаъ ул-ансоб» («Насаблар мажмуи») Муҳаммад Шабонғаройнинг қуруқ ва мухтасар, нашр қилинмаган асари; тадқиқотимизнинг жузъий жиҳатлари учун, хусусан сарбадорлар ҳаракатига доир маълумотлар бера олади».

Олимнинг манбашунослик ва тарихшуносликка доир махсус асарлари анчагина. Бу асарлар тарихий жиҳатдан етти юз йиллик даврни (XIII—XIX) ўз ичига олади. Олимнинг ҳужжатли манбалардан Хоразмшоҳ Такаш (1172—1193)нинг му-шайси Баҳовуддин Муҳаммад Бағдодий томонидан битилган форс тилидаги мактуб ва ёрлиқлар; Рашидиддиннинг «Муношоот Рашидий» деб аталган ёзишмалари, «Дастур ал-қотиб фи таъйин ул маротиб» («Мартабаларга тайинлаш бўйича қотибларга қўлланма») деб аталган, Муҳаммад ибн Ҳиндушоҳ Наҳидсоний тузган султон Шайх Увайс I Жалойрий (1356—1374)нинг ҳужжатлари; мазкур Эчмиадзин черковининг архиви; XIII—XVII асрлар муаллифларидан Рашидиддин, Ҳамдуллоҳ Казвиний, Сайф ибн Муҳаммад Ҳаравий ва бошқа олимларнинг қаламига мансуб тарихий асарлар тўғрисидаги тадқиқотлар, шулар жумласидандир.

Олим машоқиблар, яъни валийларнинг ҳаётига доир асарларга катта эътибор берган. Масалан, таниқли мутасаввуф, шайх Абу Саид Фазлуллоҳ ибн Абулхайр Майхоний, сафавийлар шайхи Сафнуддин Исҳоқ ал-Мусовий ал-Ардабилининг машоқиблари, хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг ҳаёт йўлидан иборат «Рашаботу айи ул-ҳаёт» («Ҳаёт чашмасидан томчилар»), сафавийлар тариқати шайхлари ҳақидаги «Силсилатан-насаби сафавиййа» ва бошқа асарлар шулар жумласига киради.

Хуллас, олимнинг манбаларга улғу устодларга хос ёндашуви, манбани танлашдаги эҳтиёткорлиги, улардан олинди-ган маълумотларни танқидий ақл тарозусига солиб кўриши, уларни тадқиқотга киритишдан олдин таҳлил этиши бениҳоят ибратлидир. Манбалардан келтирилган ҳужжат ва маълумотларга баҳо беришда у ҳозирги замон манбашунослигига хос танқидий нуқтаи назарда турди.

Илья Павлович Петрушевский ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, халқ ҳаракатлари ва Эрон, Кавказорти, Урга Осиёдаги диний-маъқуравий оқимлар тарихига доир қатор асарлар яратди. «Озарбайжон ва Арманистонда XVI—XIX аср бошларида феодал муносабатлар тарихидан лавҳалар», «XIII—XIV

асрларда Эронда зироат ва аграр муносабатлар», «VII—XV асрларда Эронда ислом» сингари йирик асарлари сара тадқиқотлардандир. Илья Павловичнинг бу асарлари илмий жамоатчиликка яқин танишди. «XVI—XIX аср бошларида Озарбайжон ва Арманистонда феодал муносабатлар тарихидан лавҳалар» асари Санкт-Петербург дорилфунунининг биринчи мукофотига сазовор бўлгани, Эрон тарихига доир асарларининг форс ва инглиз тилларида чет элларда чоп этилгани олим иқтидорининг эътирофидир.

Шунга қарамай, биз мазкур асарларда таҳлил этилган муҳим масалаларга эътиборни тортишни лозим топдик.

«XI—XIX аср бошларида Озарбайжон ва Арманистонда феодал муносабатлар тарихидан лавҳалар» китоби Илья Павлович Петрушевскийнинг 1941 йилнинг 1 июлида ёқлаган докторлик диссертацияси эди. Уруш туфайли асар фақат 1948 йилда чоп этилди. Анчагина ҳужжатли ва солнома, маноқиблар асосида ёзилган бу йирик монографияда Озарбайжон ва Арманистон ижтимоий-иқтисодий тарихининг муҳим масалаларини тадқиқ этилади. Инчунин, XI—XIX асрларда бу мамлакатларнинг феодал тараққиётидаги маълум хусусиятлар ва унинг даврлаштирилиши, феодаллар синфи ва табақалари (кўчманчи қабилалар, ҳарбий кўчманчи зодагонлар, амр ва оқсоқоллар, маликлар ва ҳ. к.) ер эгалигининг суюрғол, муофий (солиқ ва хирожлардан озод этилган ерлар), унинг шакллари, тиул (даромад манбаи), иқтоъ, мулк ва унинг Озарбайжон ва Арманистон шароитидаги моҳияти, феодалга тобе зироатчилар, раият ва элатнинг умумий аҳволи тадқиқ этилади. Асар илмий жамоатчилик эътиборини қозонди. Машҳур тарихчи олим А. Ю. Якубовский мазкур китоб ҳақида ёзган тақризидан бундай деган эди: «Эътироф этиш керакки, бугунги кунда суюрғол ва тиул масаласига доир келтирилган кўпгина ҳужжат ва маълумотлар, таҳлилнинг теранлиги билан Илья Павлович Петрушевскийнинг китоби ардоқли мавқега эга... Илья Павловичнинг китоби тарих фани ривожига қўшилган жиддий ҳиссадир. У Озарбайжон ва Арманистон тарихи мутахассислари учунгина эмас, балки феодализм тарихи билан шуғулланаётган барча тарихчилар учун ҳам зарур қўллашмадир». Александр Юрьевич ҳақ гапни айтган эди. Илья Павловичнинг бу китоби, бошқа йирик асарлари сингари, феодализм тарихи билан шуғулланувчилар учун қўллашмага айланди.

«XIII—XIV асрларда Эронда зироат ва аграр муносабатлар» китоби олимнинг кўп йиллик меҳнати самарасидир. Унда мўғуллар ҳукмронлиги даврида Эроннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир кўп масалалар ўз ифодасини топган. Монографияда мазкур даврда Эронда қишлоқ хўжалигининг умумий аҳволи баён этилиб, феодал ер эгалигининг шакллари (давлат ерлари, илжу, холиса, вақф ерлари, иқтоъ, кўчманчи қабилаларга тегишли ерлар, қишлоқ жамоаларининг ерлари), уларнинг ривожини, қарам деҳқонларнинг умумий аҳволи (уларнинг

ерга бириктирилгани), турли-туман солиқ ва жарималар, халқ ҳаракатлари тадқиқ этилади. Айниқса, муаллиф томонидан Хуросон, Мозандарон, Филон ва Қирмондаги сарбадорлар ҳаракати батафсил ёритилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Олимнинг «VII—XV асрларда Эронда ислом» асари араб ва форс тилидаги кўп сонли манбалар, Ғарбий Оврўпо тилларидаги махсус адабиётлар асосида ёзилган. У исломшунослик тарихида ўзига хос дастлабки асардир. Асар Эронда шиа мазҳабининг тарқалишига бағишланган бўлиб, унинг тарихи, қарор топиши, ривожини ва Эрон заминда тантана қилиши атрофлича тадқиқ этилади.

Ижтимоий масала Илья Павлович Петрушевскийнинг деярли барча рисола ва мақолаларида муҳим ўрин тутди. Масалан, «Озарбайжонда иммунитет», «XVII аср Ардабил мазорининг вақф мулклари», «Рашидиддиннинг феодал хўжалигини», «Тоғли Қорабоғ деҳқонларининг христианликкача бўлган эътиқодлари», «Урта Осмёда христианлик тарихига доир» каби асарларида, шунингдек, бошқа умумий тадқиқотларида бу мавзу ўз ифодасини топган.

Олимнинг илмий фаолиятида ўрта аср Шарқ мамлакатларида халқ ҳаракатлари масаласи муҳим ўрин тутди. Бу мавзуга доир унинг «Озарбайжон халқининг XIII—XIV асрлардаги қаҳрамонларча кураши тарихидан» (Боку, 1941), «1319 йилда Филонда халқ кўзғолони» (Москва, 1951), «XI асрда Эронда халқ ҳаракати» (Ленинград, 1953), «Хуросонда сарбадорлар ҳаракати» (Москва, 1956) сингари асарлари машҳур.

Илья Павлович Шарқ мамлакатларида халқ ҳаракатларини тавсиф ва баён этишда объектив фикр юритиш хос эди. У XI асрда Хуросондаги халқ ҳаракатига баҳо берад экан, мазкур ҳаракатнинг дастлаб дин мафкурасини байроғини остида, муслмончилик ва сўфийлик тариқати асосида ривожланганини таъкидлайди. Олим аниқса, кўзғолоннинг ҳаракатлантирувчи кучларини аниқ белгилаб беради, зироатчилар оммаси, маҳаллий майда феодаллар ва уларнинг мақсадларини тадқиқ этади. Деҳқонлар ҳар қандай феодал зулмдан қутулганда, ҳеч бўлмаса уни қисқизлантиришга интиланлар. Майда феодаллар эса зироатчилар билан иттифоқда истилочи мўғулларни бартараф этмоқ, зироатчилар ёрдамида ўзлари ҳокимиятга эришмоқ ниятида эдилар.

Зироатчилар шаҳар камбағаллари яхши уюшмаганликларини туфайли аниқ сиёсий мақсадлари бўлмаганидан кучли ғанимларини енга олмадилар. Шу нуқтан назардан олимнинг қуйидаги фикри эътиборга моликдир: «Озодлик ҳаракати муваффақиятга эришган жойда ўзига хос давлатлар тузилди. Уларга ўхшаш давлатлар тарихда кўп бўлганидан биз уларни сарбадорлар давлати сирасидаги давлатлар деб аташимиз мумкин. Ғарбий Хуросондаги сарбадорлар давлати (1337—1381), Мозандарондаги (1360—1392), Филондаги (1370) саййидлар давлатлари ва қисқа муддат ҳукм сурган бўлса ҳам Самарқанд

даги (1365—1366), Қирмондаги (1373) сарбадорлар давлати шу тахлит давлатлар эди».

Илья Павловичнинг асарларида Эрон ва Урта Осиё феодал шаҳри масаласига ҳам катта эътибор берилган. Гап шундаки, Эрон босиб олинганда вайрон бўлган шаҳарлари жуда секинлик билан қайта тикланган. Зироатчилик қолақ бир аҳволда бўлганидан бозор қийин аҳволда қолган, ҳунармандлар оғир солиқлар (тамға, бож, тарҳ) тўлашга мажбур эдилар, қулдорчилик яна йўлга қўйилган эди. Ҳозорхон (1295—1304) ижтимоий-иқтисодий ҳаётни жонлантириш ва ҳунармандлар билан зироатчиларнинг аҳволини яхшилаш мақсадида бир қатор ислохотлар ўтказди: тамға солиғи баъзи шаҳарларда бекор қилинди, баъзиларида камайтирилди; пул ислоҳоти ўтказилди, ҳунармандлар қўлидаги қулларга маош бериши йўлга қўйилди; Табриз шаҳри қурилди, унда мадраса, шифохона, расадхона бино қилинди. Бироқ Улжойту (1304—1317) замонида мўғул-турк кўчманчи зодагонларининг кучайиши оқибатида Ҳозорхон қўллаган тadbирлар йўққа чиқарилди. Шаҳар билан боғлиқ ана шундай масалалар Илья Павловичнинг қўлидаги илмий асарларида ўз ифодасини топган: «Ҳалоқуийлар давлатида шаҳар зодагонлари» (1948), «Мўғуллар истилоси даврида Урта Осиё ва Эронда шаҳарнинг ички тузилиши тарихидан» (1945).

Қишлоқ аҳли ва ҳунармандларнинг сафавийлар даврида катта қўзғолони бўлди. 1568, 1629 йилларда Ғилондаги бу қўзғолонлар шоҳ ҳокимиятининг ағдарилиб, илгари маъзул этилган сулола бир вакилининг хон қилиб кўтарилишига олиб келди. Ун саккиз минг кишилик қўзғолончилар кучини синдиришга шоҳ Таҳмасп (1524—1576) жуда кўп бор уринди. 1571—1573 йилларда Табризда кўтарилган ҳунарманд ва шаҳар камбағалларининг қўзғолони даҳшатли тус олди. Қўзғолонга Гиокча, Нажми, Шариф, Шунжи мовутчи, Ҳасан этикдўз, Ҳожи дароз, Хусайн кўкфуруш каби ҳунарманд ва савдо аҳли вакиллари бошчилик қилдилар. Бу воқеалар Илья Павлович асарларида кенг ўрин олган.

Илья Павлович шахсида икки муҳим хислат: йирик тadbирчи олим ва тарихчи шарқшуносларнинг истеъдодли мураббий-муаллимлиги мужассам эди. Унинг кўплаб шогирдлари бугунги кунда Москва, Санкт-Петербург, Озарбайжон, Ўзбекистон ва бошқа ўлкаларда баракали меҳнат қилмоқдалар. Фақат биргина бизнинг жумҳуриятимиз учун Илья Павлович уч фан доктори етказиб берди.

Илья Павлович илмий қизиқишларининг кўлами кенг. У жаҳон шарқшунослик фани тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. Шунинг учун ҳам унинг ҳар томонлама, кўп қиррали ижодий фаолиятини бир мақолада тавсифлаш қийин.

СЎНГГИ ТЕМУРИЙЛАР ВА БАДАХШОН УЧУН КУРАШ

Бадахшон Амударёнинг юқори оқимида, унинг икки соҳилида жойлашган улкан ўлкани ўз ичига олди. Шарқдан у тоғли Читорил вилояти, ғарбдан Тоҳаристон, шимолдан Дарвоз ва Кўлоб билан чегарадош, унинг жанубий ҳудуди эса Ҳиндикуш тизма тоғи орқали ўтган. Султон Абу Саид ва унинг ўғиллари ҳукм сурган даврда Ҳисор, Хутталон (Кўлоб) ва Катагон Бадахшон билан бирга бир подшоҳликни ташкил қиларди.

Мамлакат XVI асрда сўнгги темурийлар ва Мовароуннаҳр ҳамда Хуросон ҳукумати тепасига келган шайбонийлар орасида жангу жадаллар майдонига айланди.

1469 йилда Бадахшон ҳукумати, Термиз ва Қундуз шаҳри билан бирга, Султон Абу Саиднинг учинчи ўғли Султон Маҳмуд мирзо (1453 йилда туғилган) қўлига ўтди. У бу ерда 26 йил ҳукмдорлик қилди. 1494 йили Султон Аҳмад мирзо (1459—1494 йилларда Самарқанд ва Бухорога қарашли ерлар устидан ҳукмронлик қилган) вафотидан кейин Самарқанд беклари уни Бадахшондан чақиртириб, тахтга ўтқаздилар. Султон Маҳмуд ўз улусини тўнғич ўғли Султон Масъудга, Бухорони эса бошқа ўғли — Бойсунқурга топширди. Шундай қилиб, маркази Қундуз бўлиб, Мовароуннаҳр, Бадахшон ва Тоҳаристонни ўз ичига олган улкан мамлакат ҳукумати унинг қўлига ўтди. Бироқ ярим йил ҳам ўтмасдан, 1493 йил 10 декабрь—1494 йил 8 январь орасида Султон Маҳмуд мирзо сирли равишда вафот этди. Бобур ва Хондамирнинг гувоҳлик беришича, бунга у олиб борган сиеъатнинг шафқатсизлиги, жорий этилган солиқ ва жарималар сабаб бўлган. Шу хусусда «Бобурнома»да мана буларни ўқиймиз: «Султон Маҳмуд мирзонинг печаниларидан вазир ва шариф ва сипоҳи ва раият мутанаффир ва гуризон бўлдилар... таъин зулм ва фисққа мойил эди. Самарқандга киргач, ўзгача тартиб ва насақ ва хараж ва таҳмил бунёд қила бошлади. Ҳазрати хожа Убайдуллонинг мутааллиқларигаким,... кўп таъди ва ташаддуд қила бошлади. Балки бу таъди ва ташаддуд хожаининг авлодига дағи сироят қилди».

Султон Маҳмуднинг ўғилларидан на Султон Масъуд мирзо ва на Бойсунқур мирзо илгари отаси тасарруфида бўлган ерларни қўлга кирита олмади. Уларнинг иккиси ҳам 1497/98 ва 1499 йилларда пуфузли Хусравшоҳ томонидан йўқ қилинди.

¹ Бу ерда «Сўнгги темурийлар» атамаси нисбий маънода келтирилган. Маълумки, Ҳиндистонни Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлоди 332 йил (1526—1858) идора қилган. Лекин улар кўпроқ «Буюк мўғуллар» ёки «Бобурийлар» номи билан маълум. Бу ерда «сўнгги темурийлар» дейилганда Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлоди, Султон Маҳмуд мирзо (1494—1500) нинг авлоди ва Бадахшонда XVI асрда ҳукм сурган унинг ўғли Султон Увайс Мирзо (Мирзахон, Хон мирзо номлари билан ҳам машҳур) нинг авлодлари: Сулаймоншоҳ, Хусравшоҳ, Шохруҳ мирзо ва Муҳаммад Замон мирзолар назарда тутилади.

Хусравшоҳ Ҳисори шодмон, Хутталон, Балахшон, Бағлон ва Қундузни ўз қўлига киритиб олди.

Султон Ҳусайн ва Бадруззамон ўртасидаги муносабатлар кескинлашганда (1497 йилдан кейин, яъни Бадруззамоннинг ўғли Муҳаммад Мўминнинг хиёнаткорона қатл этилишидан сўнг) Хусравшоҳ Балх ҳокими Бадруззамон мирзо билан иттифоқ тузди. Бу воқеа Бадруззамон Балх вилоятидаги Гурзувон мавзеида Пули чироғ дарасида отасидан мағлубиятга учраб (1497 йилнинг 2 майида) ва лашкаридан кўп кишини йўқотиб, Қундузга келиб, Хусравшоҳ даргоҳидан паноҳ топгандан кейин рўй берди. Хондамир ўшанда улар Султон Ҳусайнни сиёсатдан четлатиб, ҳукуматни қўлга киритиб олиш хусусида келишиб олганликлари ҳақида маълумот беради. Икки ўртадаги келишувга мувофиқ, Бадруззамон Қандаҳорга йўл олиши ва Амир Зуннун аргун билан бирлашиб, Хуросонга юриш бошлаши керак эди. Хусравшоҳ эса Қундуз, Бағлон, Бадахшон ва Хутталон лашкари билан биргаликда Балх ва Шибирғонга лашкар тортиши лозим эди. Бироқ, Хусравшоҳ ваъдасига вафо қилмади. Бунинг устига, у 1498 йилда Султон Ҳусайн исён кўтарган ўғли Абулмуҳсин мирзога қарши юриш қилгани ва Султоннинг Ҳиротда йўқлигидан фойдаланиб, Балх вилоятига босқин қилди, Балхни қуршаб олди, суворийлари эса Андхуд ва Шибирғонгача бўлган қишлоқларни босиб, талон-торож қилди. Хондамирнинг хабар беришича, қуршовдаги шаҳар кўп кун давомида мудофаа жанги олиб борди. Ғалаба гоҳ у томонда, гоҳ бу томонда бўлди. Шунда Султон Ҳусайн шахсан ўзи жангга киришга мажбур бўлган. Аввал у 2000 кишилиқ лашкарини Муҳаммад Маъсум ва Умарбек қўмондонлигида ўзидан олдин жанггоҳга юборган. Хусравшоҳнинг қамални тўхтатиб, Қундузга қайтишдан бўлак чораси қолмаган. Султон Ҳусайн кейин ҳам салтанатининг турли вилоятларида ҳоким бўлиб ўтирган ўғиллари (Бадруззамон, Абулмуҳсин, Муҳаммад Муҳсин ва бошқалар)га қарши уруш олиб бориш билан машғул бўлиб, Хусравшоҳни тамоман бартараф қилолмаган.

Шайбонийхон Самарқанд, Бухоро ва уларга тобе бўлган ерларда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгандан кейин, Хуросон ва Амударёнинг сўл соҳилидаги бошқа вилоятларни тасарруфига киритиб олишга қарор қилди. Биринчи навбатда, у Амударёнинг юқори оқимида, унинг икки соҳилида жойлашган улкан худудга ҳукмронлик қилаётган ва унга жиддий равишда таҳдид солаётган Хусравшоҳни йўқ қилишга аҳд қилди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг гувоҳлик беришича, Шайбонийхоннинг шахсий навкарлари сонининг ўзига 20 000 кишига яқин бўлган. Уларнинг орасида Самарқанддан Султон Али мирзо лашкаридан қочган амирлар сони кўп эди. Тарихчи Муҳаммад Ҳайдарнинг маълумотларига кўра, ўша пайтда Хусравшоҳ қўшини орасида мўғуллар ҳам кўп бўлган, ҳатто юқорида номиникир этилган Муҳаммад Ҳайдарнинг отаси Муҳаммад Ҳусайн дуглот ҳам шулар орасида бўлган. Тўғри, кейинроқ Муҳаммад

Ҳусайн дуглот Хусравшоҳ билан Боғи чинор (Ҳисори шодмон) да учрашган, унинг хиёнат қилишидан қўрқибми, уни тарк этиб, Уратепага йўл олган. Бироқ бошқа мўғуллар Хусравшоҳнинг ҳузурига қолиб, 1504—1505 йилгача унинг хизматида бўлганлар.

Хусравшоҳ катта ҳарбий кучга таяниб ва Шайбонийхоннинг Уратепага юриш қилганидан (1501 йилнинг кузида) фойдаланиб, 50 000 кишилиқ лашкари билан Ҳисордан чиқиб, юриш бошлади. У машҳур Темир дарвоза (Дари оҳанин) мавзидан ўтиб, Қарши устига отланди. Лекин «Зубдат ул-асар» китоби муаллифининг гувоҳлигича, йўлда унинг қўшинлари тарқалиб қетган ва Хусравшоҳ орқага қайтишга мажбур бўлган. Кейинчалик, у Ҳисордан ҳам қочиб, Айвож деган ерда Амударёнинг ўнг соҳилига ўтиб, Арҳан (Ҳазрати имом) мавзеида Балх ҳокими теурий Бадруззамон лашкари билан бирлашган. Шайбонийхоннинг қўшинлари Хусравшоҳни Арҳангача таъқиб этиб борди ва бой ўлжа билан қайтдилар. Муҳаммад Ҳайдарнинг ёзишича, «Ҳисор вилояти хароб ҳолга тушди, Хусравшоҳнинг қдамлари тарқаб кетди. Кимнинг қалъаси бўлса ичида беркиниб олди, кимда бўлмаса, тоғу дараларга қочди. Шайбонийхон қор уриб, совуқ бўлганига қарамай, Ҳисорда қолди ва Ҳисори шодмон қалъасини қуршаб олди». Муаррих келтирган кейинги хабарлардан маълум бўлишича, узоқ давом этган қуршов вақтида, Ҳисори шодмонга Хуросондан мадад кучлари етиб келади, бироқ улар қутилган натижани бермаган. Амир Вали иниси Хусравшоҳнинг буйруғи билан 30000 кишилиқ қўшини билан у ерда ҳозир бўлди, бироқ қўлидан бирор иш келмай, мағлубиятга учраб қочди. Мазкур жангда амир Вали томонидан туриб урушган Муҳаммад Ҳусайн кўрагоннинг кўп амирлари (Борбаспар ўғлон, Хушрўй кушбеги ва бошқалар) ва аскарлари ҳалок бўлиб, ўзи Олойга, у ердан эса Фарғона тоғларига қочади. Бироқ ўшанда Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон мавқеининг кучайиши, Андижонда Бобур ва Аҳмад Танбалнинг фаоллашуви натижасида шайбонийлар Ҳисор ва Бадахшонда мустаҳкам ўрнаша олмадилар.

1503 йилда Хуросонга кўчманчи ўзбекларнинг ҳужум қилиш хавфи кучайди. Бу сафар ҳам биринчи зарба Балх, Қундуз ва Бадахшонга қаратилган эди. Шунинг айтиши керакки, проф. А. А. Семёнов таъкидлаганидек, Шайбонийхон ўз мақсадига эришиш йўлида фақатгина лашкарбоши сифатидагина эмас, балки улкан ҳаёт тажрибасига эга сиёсатдон қабилида ҳам иш юритади. У ғалаба келтириши мумкин бўлган ерда усталик билан исён қўзғата олди; фойда келтира оладиган кишиларни ўз томонига ағдариб оларди ва бир қарашда ўзларининг жамиятда тутган ўрнига кўра жосуслик ёки айбқоччилик қилиши мумкин бўлган кишилардан ўз режаларини амалга оширишда восита сифатида фойдаланарди. Масалан, Амударёнинг ўнг соҳилида кўчманчи ўзбеклар пайдо бўлишидан анча илгари Балх-

да туркистонлик нуфузли саййидлардан Жаъфархожа теурийларга қарши фаолият юргиза бошлади, Қундузда эса бу ишни мулла Муҳаммад Туркистоний ўз зиммасига олди. Кучқуваатини йўқотган, хаста, бунинг устига ўғилларининг исбонини бостириш билан банд бўлган Султон Ҳусайн кўчманчи ўзбекларга қарши курашнинг бошқаришга ожизлик қилди. Шу сабабли, Бадиуззамон бу курашнинг асосий оғирлигини ўз елкасига олишга мажбур бўлди. У абжирлик қилиб Шайбонийхондан олдин қўшин тўплай бошлади. Қундузга, Хусравшоҳ ҳузурига ва Қандаҳорга, амир Зуннун ҳузурига чопарлар юборди. Зуннун арғун зудлик билан «лаббай» деб жавоб бериб, Балхга қарийб 3000 кишилик қўшин келтирди. Хусравшоҳ эса шаҳзода Балхдан юриш бошлаб, Амударё соҳилига етган ҳамона, «Ҳисор, Хутталон, Бағлон ва Бадахшон лашкарларини мададга келтираман», деб ваъда берди. Бадиуззамон унга ишониб, 1503 йилнинг апрель-май ойларида Балхдан 20000 кишилик сипоҳ билан юриш бошлади. У Термиз шаҳрида Хусравшоҳни узоқ кутди, бироқ у юриш қилишни хаёлига ҳам келтирмай, ўз тасарруфидаги Қундуз шаҳрида хотиржам ўтираверди. Бадиуззамон унинг ҳузурига Султон Ҳусайн арғун, амир Зуннун ва Абдулла қорақулоқларни жўнатиб, ваъда қилинган лашкар билан тез фурсатда етиб келишини илтимос қилди. Хусравшоҳ Бадиуззамоннинг элчиларини иззат-икром билан кутиб олди, бироқ шаҳзоданнинг илтимоси хусусида бирор аниқ жавоб бермай, элчисини совға-саломлар билан кузатиб юборди. Хондамирнинг ёзишича, Хусравшоҳ мабодо Бадиуззамон Шайбонийхонни жангда енгса, у ҳолда кучайиб кетиб, унинг мамлакатига даъвогарлик қилишидан қўрқарди. Ҳиротдан ҳам ёрдамга қўшин келмади. Оғир вазиятда қолган Бадиуззамон амир Зуннун билан маслаҳатлашиб, Термиз шаҳрини тарк этди ва Балхга қайтди. Бадиуззамоннинг бу иши мамлакатда исён ва ғалаёнлар келтириб чиқарди.

Шайбонийхон пайсалга солмай, вужудга келган қулай фурсатдан усталик билан фойдаланди ва 1504 йилнинг ноябрь ойида Керки деган ерда Амударёдан кечиб ўтиб, осонлик билан Андхудни қўлга киритиб олди ва Балхни қамал қилди. Бадиуззамон эса Шайбонийхон Амударёнинг сўл соҳилида пайдо бўлишидан анча илгари Балхни тарк этиб, шаҳар мудофасини ўғли Муҳаммад Замон мирзо, вазири хожа Жалолиддин ва бошқа амирларга топшириб, ўзи Жуз (Гурзувон) дарасида ўринлашиб олди. Бу ерда у Султон Ҳусайннинг кўрсатмасига мувофиқ иш юритган бўлса керак. Чунки, масалан, Бобур мирзо Султон Ҳусайннинг ўзига, Бадиуззамонга ва Хусравшоҳга йўллаган номаси ҳақида сўзлаб, номада жумладан шундай дейилганлигини айтади: «Султон Аҳмад мирзо ва Султон Маҳмуд мирзо ва Улуғбек мирзо (у ҳам Абу Саиднинг ўғли; 1502 йилда вафот этган — Б. А.) оғанилар иттифоқ қилиб юругунда мен Мурғоб ёқасини беркиттим. Мирзолар ёвуқ етиб ҳеч иш қила олмай ёндилар, ҳоло ҳам агар ўзбак мутаважжих бўлса,

мен Мурғоб ёқасини беркитай. Бадиуззамон мирзо Балх ва Шабурғон ва Андхуд қўрғонларига мазбун кишиларини қўюб, ўзи Гурзувон ва Дарай Зангда ул кўхистонни беркитсун... Сен Коҳмард ва Ажарда ул кўхпояни беркитиб, Хусравшоҳ Ҳисор ва Қундуз қўрғонларида эътимодий кишиларини қўюб, ўзи ва иниси Вали Бадахшон ва Хатлон тоғларини беркитсунлар. Ўзбек иш қила олмай ёнғусидур».

Шайбонийхон Балхни қамал қилди, лекин уни ололмади ва қўшинларини Мовароуннаҳрга олиб кетишга мажбур бўлди. Шунинг ҳам айтиш керакки, Хусравшоҳ теурийларга ёрдамга келмаслик билангина кифояланиб қолмасдан, жуда устмонлик қилиб, Шайбонийхон билан ҳам вақт-вақтида алоқа ўрнатилди. Муҳаммад Солиҳнинг гувоҳлик беришича, у ўзбек хонининг олий ҳукмдорлигини тан олишга ва Шайбонийхон номидан тангалар зарб қилишга ваъда берган. Ушанда Шайбонийхон аскарлари Хусравшоҳ тасарруфидаги ерлар орқали қайтиб, Қундуз, Бағлон, Арҳанг ва Ҳисори шодмондаги қишлоқларни талон-торож қилдилар.

Шайбонийхон кетгач, Бадиуззамон Гурзувонни тарк этди, кишини Чечактуда ўтказиб, баҳорда Жузжонга келди. Келаси йилнинг (1504) баҳорида эса яна Хусравшоҳ билан алоқа боғлади. Хусравшоҳ музокараларни давом эттириш ва шартнома тузиш учун Жузжонга иниси амир Валини жўнатди. Бироқ у Бадиуззамон, кўчманчи ўзбеклар хавфи тугатилгач, унинг қарамоғидаги ерларни босиб олмаслиги ҳақида қасам ичиши керак, деган шарт қўйди. Хуллас, улар ўшанда бирон қарорга кела олмадилар. Бадиуззамон Хусравшоҳни ўз томонига ағдариб олиш учун яна бир бор ҳаракат қилиб кўрди ва Қундузга Зуннун арғун, амир Алихон, Исфандиёр туркман ва Шоҳ Мансурлардан иборат бообрў кишиларни элчи қилиб жўнатди. Хусравшоҳнинг кирдикорларини яхши билгани боисдан элчиларга ҳамроҳ қилиб, уларни қўриқлаш учун 1000 суворийдан иборат қисмни қўшиб жўнатди. Аммо элчилар фақат Хулмгача бордилар, улар йўлда Қундуз кўчманчи ўзбеклар томонидан босиб олингани ҳақида хабар топдилар.

Бобур, Хондамир ва шайбонийлар даври тарихчилари (Амир Абдуллоҳ Насруллоҳий, Муҳаммад Солиҳ ва бошқалар) Шайбонийхон билан Хусравшоҳ ва унинг поиблари ўртасида бўлган жангларни батафсил ёритганлар. Зикр этилган муаррихларнинг маълумотига кўра, Шайбонийхон 1505 йилнинг баҳорида Ҳисорга юриш бошлаган, лекин ҳеч қандай қаршиликка учрамай, унинг пойтахти Ҳисори шодмонни эгаллаган. Бағлон, Қундуз ва Бадахшонни забт этиш учун у Маҳмуд султон ва Муҳаммад Теуур султонларни юборди. Хусравшоҳ уларнинг ҳужумига дош беролмай, Қундузни ўз ҳолига ташлаб, ўша пайтда Фархор қалъасида жойлашган мирзо Бобурнинг паноҳига қочиб борди. Шайбонийлар сипоҳи ўшанда Арҳанг ва Бадахшоннинг катта қисми (Ишкамиш, Фархор ва бошқа ерлар)ни фатҳ этди. Илгари Хусравшоҳга тобе бўлган вилоятларни Шай-

бонийхон ўз яқин қариндошлари ўртасида тақсимлаб берди. Масалан, Қундуз, Бағлон ва Бадахшоннинг забт этилган қисми-ни иниси Маҳмуд султонга; Ҳисорни — Ҳамза султонга, Чағонийни эса Маҳдий султонга инъом этди.

Маҳмуд султоннинг ўлиmidан сўнг (1505 йилнинг қишида Қундузда вафот этган) кўчманчи ўзбеклар фақат Қундуз, Бағлон ва Арҳангиғина ўз қўлларида сақлаб қолдилар. Маҳмуд султон ўрнига Қундузга ҳукмдор этиб тайинланган Қамбарбийнинг Бадахшонни буткул қўлга киритиш учун қилган ҳаракати беҳуда кетди. Бу хусусда Бобур мана буларни ёзган: «Қамбар Бадахшон элига истимолат берур жиҳатидан Муҳаммад Маҳдумийнинг Маҳмуд отлиқ ўғлини (мулло Муҳаммад Туркистоний — Б. А.) Бадахшонга йиборди. Муборакшоҳим, оталари Бадахшон шоҳларининг бекларидин экандур, бош кўтариб Маҳдумий ўғлининг яна неча ўзбекнинг бошини кести. Қалъа Зафарким, бурун Шофтеварага машҳур экандур, қўрғон қилиб беркитти. Қалъан Зафар отини ул қўйди. Яна Муҳаммад қурчим, Хусравшоҳнинг бир қурчиси эди, ул вақт Хамалангон ағнинг илкида эди. Рустоқда Шайбонийхоннинг садрини бир неча ўзбек била ўлтуруб, Хамалангонни мустаҳкам қилди. Зубайр Роғий ҳам оталари шоҳларнинг бекларидин экандур, Роғда ёғиқти. Жаҳонгир туркманжим, Вали Хусравшоҳнинг навқари эди, бу бузуғлугда бегидин айрилиб, бир неча қолғон-қочғон сипоҳи ва аймоқни йиғиб, ўзини беркка торти...»

Бадахшондаги тартибсизликлар ҳақидаги хабар тез орада теvarак-атрофга тарқалди. Бобур мирзонинг иниси Носир мирзо (1486—1515) ўша кезде Ламғонотдаги Борон дарёси соҳида турган эди. «Носир мирзо бу хабарни топиб, Бадахшон ҳаваси била бир неча беақл ва кўтаҳ андешининг анғиз ва иғвосидин... Шибарту ва Обидара йўли била ул юзга ўтти»,— деб ёзган эди Бобур.

Ўша кезлари Султон Ҳусайннинг қароргоҳида турган Хусравшоҳ ҳам Катағон ва Бадахшонда вужудга келган оғир вазиятдан фойдаланиб қолишга қарор қилди. Шуниси қизиқки, аввалига у Носир мирзонинг ёрдами билан Катағонни қаратиб олмоқчи бўлди, кейин эса Носир мирзони ўлдириб, Бадахшонни ҳам қўлга киритишга аҳд қилди. 1504 йилнинг июнь-июль ойларида Хусравшоҳ Султон Ҳусайн ва Бадииуззамон мирзоларнинг хайрихоҳлиги билан Қундузга юриш бошлади. Носир мирзо ва Хусравшоҳ Ғур вилояти атрофларида Даҳона қишлоғида учрашдилар, лекин бадахшонликлар Хусравшоҳнинг режаларини барбод қилдилар. Бобур мирзонинг сўзларига қараганда, «Бадахшон сардорлари фақат Носир мирзонинг ёлғуз ўзи келишини истар эдилар... Хусравшоҳни тилмас эдилар... Хусравшоҳ хаёли бу эдиким, Носир мирзони таъбиядек олиб юруб, вилоятни (Бадахшонни) иликлагай. Охир сўхтаб чиқмай, Ишкамиш навоҳисида ясашиб, жибалар кийишиб, урушаёзиб, айрилиб, Носир мирзо Бадахшон сари торти». Шу тариқа 1505 йилда Бадахшон Носир мирзонинг қўлига ўтди.

Хусравшоҳ ҳақида гапирадиган бўлсак, у Қундузни қамал қилишга отланиб, шаҳардан икки йиғоч наридаги хожа Чортоқ деган ерни қароргоҳ қилди. Қундуз ҳокими Қамбарбий Солин саройга, Ҳамза султон ҳузурига ёрдам сўраб қопар жунатди. Ҳамза султон Қундузга кўп сонли лашкар билан Мотлаб султон ва Мамоқ султонни юборди. Охир-оқибат Хусравшоҳ мағлубиятга учраб, асир олинди. Уни шаҳар кўчалари ва бозорларидан шармандан-шармисор қилиб олиб ўтдилар, сўнг бошини ганидан жудо қилдилар.

Кейинги воқеалар шуни кўрсатдики, Носир мирзонинг Бадахшондаги мавқеи мустаҳкам эмасди. Энг муҳими, у маҳаллий беклар билан чиқиша олмади; уларнинг орасида юқорида номлари зикр этилган бообрў ва нуфузли Муборакшоҳ ва Зубайр Роғийлар ҳам бор эди. Носир мирзо уларнинг фикри билан ҳисоблашишга мажбур бўлган бўлиши керак. Бунини «Бобурнома»да нақл этилган кейинги воқеалар яққол исботлайди. Балхда кўчманчи ўзбеклар муҳосара қилган пайтда (1506 йилнинг сентябрь-октябрь ойлари) «Шайбонийхон икки-уч султонини уч-тўрт минг киши била Бадахшонни чопқин қилиш учун юборди. Ул фурсат Муборакшоҳ ва Зубайр яна Носир мирзога келиб қўшулуб эдилар. Агарчи бурунроқ нифоқ га кудуратлари бор эди. Кишининг оёғида Шоҳидонда Қишм суйининг шарқий тарафидан чериклаб ўлтуруб эдиларким, бу ўзбаклар тонг бошида шабхун келиб, Қишм суйини ўтуб, Носир мирзонинг устига юруди. Носир мирзо филҳол ўзини пуштага торти, пуштадин элини йиғуштуруб, нафир чолдуруб юруган била ўзбекларни олғон била ўқ тебради. Қишм суйи улук эди, бу сувдин кечиб келиб эдилар. Қалин кишиси ўққа, қиличқа бориб, сувда ҳам кўп кишиси ўлди.

Муборакшоҳ ва Зубайр мирзодин юқорроқ Қишм сари эдилар. Аларнинг устига айрилғон ўзбаклар аларни пуштага қочурди. Носир мирзо ёғийсини қочурғонда муни хабар толиб, бу жамоатнинг устига юруди...» Шунга қарамай, Носир мирзо Бадахшонни қўлида тутиб қололмади, у маҳаллий ўзбошимча, қудратли бекларни бўйсундира олмади. Бир йил ўтгач, 1507 йилда, улардан енгилиб, Қобулга қочди. Бу хусусда «Бобурнома»да шундай дейилган: «Ушбу йил Носир мирзонинг ва тарбияткардаларининг ихтилот ва маошидин Бадахшон беклариним, Муҳаммад қўрчи ва Муборакшоҳ ва Зубайр ва Жаҳонгир бўлғай, ранжида балки ёғий бўлдилар. Барча иттифоқ қилиб, черик тортиб, Қўкча суйининг Яфтал ва Роғ сори тузи била отлиқ-яёқни йиғиб, ясоб пушталар била Хамчоннинг ёвуғига келдилар. Носир мирзо ва қошидаги бетажриба йигитлар андиша ва мулоҳаза қилмай, булар била урушқа пушталарда келиб урушурлар. Ери буртоға яёғи қалин бир-икки қатла от солғонда тўхтаб урубки ёндурурлар, бўлдура олмаслар, қоча берурлар. Бадахшонийлар Носир мирзони босиб бўлғон тавобит ва лавоҳиқини талон-торож қилдилар.

Носир мирзо ёвуғидагилари била бостуруб, талатиб, Ишқа-

минш ва Нориш била Келагой келиб, Қизил сув юққори — ўқ юруб, Обдара йўли била кириб, Шибарту кўталидин ошиб, Кобулга етмиш-сексон талатғон, олдурғон, оч-яланғоч навкар-савдари била келди».

1508 йилда кўпроқ Хон мирзо номи билан машҳур бўлган Султон Увайс мирзо Бадахшон ҳокими этиб тайинланди. У Султон Маҳмуд мирзонинг бешинчи ўғли эди. Онаси Султон Ингорхоним Юнусхоннинг кичик қизи эди. Демак, Султон Увайс мирзо Бобурнинг қариндош иниларидан эди. 1504—1507 йилларда Мирзахон доимо Бобур ёнида бўлган ва у олиб борган жангларда қатнашган. 1506/07 йилда Бобур Кобулда бўлмаган вақтда, у Муҳаммад Ҳусайн дуғлот, Султон Санжар барлос ва бошқалар бошчилик қилган исёнчилар билан бирга бўлган. Исён бостирилгач, у ҳам қочди, лекин Кобул яқинидаги Қарға яйлоқ деган жойда қўлга олинди. Муҳаммад Ҳусайн қочиб қутулди, Султон Увайс мирзо эса авф этилди; исёнда қатнашган бошқа кишилар тигдан ўтказилдилар. Келаси йили (1507 йилда) Бобур уни Бадахшонга қўйиб юборди. Табиийки, бунинг бошқа сабаблари ҳам бўлган. Бу ерда гап Бадахшоннинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий аҳамиятида эди ва буни Бобур жуда яхши тушунарди. Бобур у ерга бошқа бир қариндошини, масалан, Ҳумоюн мирзони ҳам жўнатиши мумкин эди, бироқ Султон Увайс мирзони энг муносиб номзод деб билди, чунки у ўз уруғи келиб чиқишини она томонидан Искандар Зулқарнайн билан боғлаган шоҳ Султон Муҳаммаднинг авлоди эди. Агар Бобур мирзо Султон Увайс мирзо билан бирга унинг бувиси шоҳ Султон Муҳаммаднинг қизини ҳам юборганини назарда тутсак, Бобурнинг уни Бадахшонга ҳоким этиб тайинлашдан кўзлаган асосий мақсади аён бўлади.

Султон Увайс мирзо умрининг охиригача, яъни 1521 йилгача Бадахшонда ҳукмронлик қилган. Унинг ҳукмронлиги қай даражада кечганидан яхши хабардор эмасмиз, чунки ёзма манбаларда бу ҳақда маълумот кам. Машҳур афғон шарқшуноси марҳум Абдулҳай Ҳабибий тарихчи Муҳаммад Қосим Ҳиндуноҳнинг «Тарихи Фаришта» асарига асосланиб хабар беришича, 1511 йилда Мирзахон Бобурга мактуб йўллаб, унда шайбонийлар ўртасида йўлбошчилари (Шайбонийхон) ўлимидан кейин вужудга келган беқарорликдан фойдаланиб, ота-бобосига қарашли бўлган ерларни қайтариб олишни таклиф қилган. Албатта, уларнинг бу мақсадларини амалга ошириш учун имкониятлари бор эди. Уша пайтда Мирзахон ҳам, Бобур мирзо ҳам катта лашкарга эга эдилар ва шароит ҳам қулай эди. Бобур бой Кобул вилоятига ҳукмронлик қиларди, Мирзахон эса, Бадахшондан ташқари, ўша пайтда Қундуз вилоятини ҳам ўз тасарруфига олганди. У ернинг ҳокими Урусбек дўрмон Шайбонийхон ўлимидан сўнг у ердан қочиб кетган эди. Бунинг устига, йигирма минг кишилик мўғул суворийлари Марв фожиасидан кейин, яъни Шоҳ Исмоил билан бўлган жангда Шайбонийхон ўлдирилгач, Амударё соҳилида шайбоний султонлари-

дан ажралиб Мирзахонга келиб қўшилдилар. Хондамир ва Ҳасанбек Румлунинг хабарига кўра, ўшанда Бобур ёрдам сўраб шоҳ Исмоил (1502—1524)га мурожаат қилган ва унинг ҳузурига элчи сифатида шахсан Мирзахонни юборган. Шунда шоҳ Исмоил Бобурга ёрдам тариқасида Аҳмадбек Сўфи ўғли ва Шоҳруҳбек афшор бошчилигида катта қўшин йўллаган. Бироқ, Мирзахоннинг хизматлари шу билангина тугамаган. У ўша пайтда Бадахшон лашкари билан бирга Бобур ва қизилбошларнинг Мовароуннаҳрга қилган юришида қатнашади. Кейин нима воқеалар содир бўлгани маълум эмас. Бобур фақат ўзи ва Мирзахон ўртасида элчилар алмашингани ҳақида хабар беради: «Шанба куни ойнинг ўн бирида (1519 йилнинг 9 июлида) мажлис эди, намози дигар била намози шомнинг орасида, улуғ Кабутархонанинг томишинг устига чиқиб ичилди. Кечроқ бир неча отлиқ Деҳи афғон саридин йўл била шаҳр сари ўтув борадур. Таҳқиқ қилинди: Дарвеш Муҳаммад сорбон экандурким, Мирзахон қошидин элчиликка келадур экандур... Тонгла си девон ўлтурғонда русум ва қонда била келиб, Мирзахон йиборғон пешкашларни тортти». «Бобурнома»да айнан ўша 1519 йил тафсилотлари келтирилган бошқа ерда шундай деб ёзилган: «Одина куни (шабон) ойнинг секкизида (1519 йилнинг 6 августидан) Кепакким, Мирзахон қошига бориб эди, келди». Элчилар алмашинувининг мақсади ва қандай вазифаларни кўзлагани ҳусусида бирон гап айтилмаган. Мирзахоннинг тақдири ҳақида бошқа бирон нарса маълум эмас.

1521—1526 йилларда Бадахшон вилоятида Ҳумоюн мирзо ҳукмронлик қилди. Ёзма манбаларда мамлакатнинг 1519 йилдан 1526 йилгача бўлган ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган. 1526 йилда Бобур Ҳиндистонга юриш бошлашдан аввал ўғлини Бадахшондан чақиртириб олди ва у ерга Ҳиндол мирзони жўнатди. Келаси 1527 йили у ҳам чақиртириб олинди. Тарихчи Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Ҳумоюн мирзонинг Бадахшондан кетishi билан боғлиқ қизиқ бир воқеани ҳикоя қилади. Бу воқеадан маълум бўлишича, бадахшонликлар уни қўйиб юборишни истаманган ва Ҳумоюн мирзони ўраб олиб шундай деганлар: «Бадахшон ўзбеклар мамлақати (яъни Балх — Б. А.) яқинида жойлашган ва уларнинг дилларида бадахшонликларга нисбатан пинҳона хусумат мавжуд. [Ерлик] амрлар уни мудофаа қилишга ожиздирлар». Ҳумоюн мирзо уларнинг ўтинчларига қулоқ солмай, мамлакатни тарк этгач, халқнинг кўнгли чўкди. Бадахшоннинг Султон Увайс ва бошқа амирлари Қошғар ҳокими Султон Саидхон (1514—1533)га Бадахшонни ўз ҳимояси остига олишни илтимос қилиб, мурожаат қилдилар, ақс ҳолда «агар ўзбеклар ҳужум бошласалар, уларни ҳеч ким қутқариб қололмасди». Султон Саид уларнинг таклифларини қабул қилди ва Ёркентда Рашидхонни қолдириб, ўзи Бадахшонга юриш бошлади. Сариф жуён деган мавзегга етиб, бўлғуси муаррих Муҳаммад Ҳайдарни илгор қўшинлари билан Бадахшонга юборди. Муҳаммад Ҳайдар Бадах-

шонга етганда, бундан ўн бир кун илгари бу ерга келган Ҳиндол мирзонинг Зафар қалъасини эгаллаганидан воқиф бўлди. Кошғарликлар қалъани теварак-атрофдан қуршаб олдилар: уч ой давомида қуршовдагилар билан жанг борди. Охири сулҳ тузилиб, Абу Саид Бадахшонни тарк этди. Шундан кейин, Ҳиндол мирзо Бадахшондан чақиртириб олинди ва юқорида номи зикр этилган Хон мирзонинг ўғли Сулаймоншоҳ Бадахшон ҳоқими этиб тайинланди.

Шундай қилиб, 1527 йилда Бадахшон амалда Бобур давлатидан ажралиб чиқди ва бу мустақил амирлик темурий Сулаймоншоҳ ва унинг авлодлари бошчилигида Балх тепасида турган шайбонийларга қарши XVI асрнинг 80-йилларигача муваффақиятли кураш олиб бориб, ўз мустақиллигини сақлаб қолди. Воҳан ҳам ярим мустақиллик ҳолатини сақлаб қолди ва, Муҳаммад Ҳайдарнинг сўзларига қараганда, бутун Бадахшоннинг осойишталиги ва фаровонлиги шу ўлкага боғлиқ бўлди.

XVI асрнинг биринчи ярмида Кобул ҳукмдори Ҳумоюн ва Бадахшон ҳоқими Сулаймоншоҳ шайбонийлар тасарруфида бўлган Балх ва Амударёнинг ўнг соҳилидаги бошқа ерларга хавф туғдира бошладилар. Масалан, 1529 йилда Ҳумоюн Султон Увайс ва бошқа беклар билан бирлашиб, Мовароуннаҳрнинг ўнг соҳилидаги ноҳияларга ҳужум қилди. Бу ерда уларга Термиз ҳоқими Турсун Муҳаммад султон ҳам қўшилди. Ушанда улар Ҳисор ва Қўбадиёни забт этдилар. Бу билан улар шайбонийларнинг ҳудудларида хавфли вазият вужудга келтирдилар. Бу ўз навбатида охир ул-оқибат Балхда ҳукмронлик қилган шайбонийлар ва Шимолий Ҳиндистондаги темурийлар ўртасида катта уруш келтириб чиқариши мумкин эди. Бобурнинг Кобулни Ҳумоюндан тортиб олиши ва ўз номига хутба ўқитишига айнан шу сабаб бўлгани эҳтимолдан холи эмасдур.

Шайбонийлардан кўра Сулаймоншоҳ кўпроқ ташвиш тугдирарди. Унинг тез-тез босқин уюштириб туриши Балх ва унга қарашли музофотларни оғир аҳволга туширди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, 1536 йил август ойининг ўртасида Сулаймоншоҳ Балх ҳудудига ҳужум қилди ва 5 сентябрда бу шаҳарни забт этди. Кистин-қора султон (Балх ҳоқими; 1526—1544 йиллар) Амударёнинг ўнг соҳилига қочиб ўтди. Шунга қарамай, Сулаймоншоҳ Балхда мустаҳкамланиб қололмади, чунки тез орада, тахминан 3—4 ойдан кейин, худди ўша Кистин-қора султон уни Балхдан сиқиб чиқарди. Албатта, унга Убайдуллоҳхон (1533—1539) ёрдам берган, акс ҳолда Амудан ўтиш ва Сулаймоншоҳдай кучли рақибни бартараф қилиш қийин эди.

Кистин-қора султоннинг ўғли ва тожу тахт вориси Қилич-қора султон ҳукмронлиги даврида (1544 йил 5 октябрдан 1547 йилнинг 13 апрелигача) Сулаймоншоҳ яна Балх музофотига ҳужум қилди ва 1545 йилнинг 14 феввалида Балхни босиб олди, лекин бу гал ҳам у ерда узоқ турсолмади ва тез орада Балхни ташлаб чиқишга мажбур бўлди.

Ҳумоюн ва Комрон Бадахшоннинг мустақил бўлишини истамай, уни Бобурийлар давлати таркибига сақлаб қолиш учун узоқ муддат кураш олиб бордилар. Жумладан, Ҳумоюн Ҳиндистондан қочғач, Комрон Бадахшонни ўзига қаратиб олиш учун фаол ҳаракат бошлади. Комрон Норин мавзеида Сулаймоншоҳни енгиб, уни ўзининг олий ҳукмронлигини тан олишга мажбур қилди. 1541 йили Сулаймоншоҳ унга тобеликдан чиқишга ҳаракат қилди, ammo Андаробда бўлган жангга мағлубиятга учради, сўнгра Зафар қалъасида Комрон томонидан қуршовга олиниб, қурол-аслаҳасини топширишга мажбур бўлди.

1547—1550 йиллар мобайнида Афғонистон, шу жумладан Бадахшон ҳам Ҳумоюн ва Комрон ўртасида кечган жангу жадаллар майдонига айланди. Шуниси диққатга сазоворки, бу курашда Балхнинг шайбоний ҳукмдорлари ҳам фаол иштирок этдилар. Масалан, Комрон 1547 йилда Ҳумоюнни жанг билан Кобулдан қувганда, Ҳумоюн Заххок, Бомиён ва Ғур орқали Балх тасарруфидаги Айбак мавзеига чекинди, шайбонийларнинг ўша ердаги ҳоқими уни иззат-икром билан кутиб олиб, Балхгача кузатиб қўйди. Балхда Пирмуҳаммадхон уни тантанали равишда кутиб олиб, олий даражада ҳурмат бажо келтирди. Абулфазл Алломийнинг айтишича, Балх ҳоқими уни ўз уйида қабул қилган. Кейинроқ Комрон унинг ёрдами ва ҳамроҳлигида Бадахшонга юриш бошлаган. 1548 йилнинг февраль-март ойларида Ҳумоюн Бадахшонга лашкар тортган ва ҳеч қандай қаршиликсиз Андароб, Норин ва Ҳўотни забт этган; 1548 йилнинг 20—21 июлида Бағи дарёсининг соҳили (Толқон дарёсининг ирмоғи) га етиб олади. 1548 йилнинг 22 июлида Чўлпон тепалигининг ёнида Ҳумоюн ва Комрон ўртасида катта жанг бўлади. Унда Комрон мағлубиятга учраб, Толқон қалъасига яширинган. Гулбаданбегимнинг ёзишича, бир неча кун ўтгач, Комрон курашни тўхтатиб таслим бўлган. У авф қилиниб, Қўлобга ҳоким этиб тайинланган. Толқон ва Зафар қалъасини эса Ҳумоюн Сулаймоншоҳга тақдим этган. Шу тариқа Ҳумоюн, Комрон ва Мирзо Сулаймон яна ярашиб олдилар. Балхлик тарихчининг берган маълумотига қараганда, уларни Пирмуҳаммадхон томонидан Толқонга юборилган мавлоно Абулхайр яраштириб қўйган. Абулфазл Алломийнинг сўзларига кўра, Ҳумоюн 1548 йилнинг 18 августигача Толқонни қуршовда тутган. Шундан кейин Пирмуҳаммадхоннинг ёрдам беришидан тамоман умиди узилган Комрон қалъани Ҳумоюнга топширган.

Пирмуҳаммадхон Комронга Бадахшонни босиб олишда ёрдан кўрсатгани туфайли унинг Ҳумоюн билан муносабати кескинлашди. 1549 йилда Ҳумоюн Балхга қарши ҳарбий ҳаракат бошлади. Гулбаданбегимнинг маълумотларига қараганда, Ҳумоюн ва унга Норин мавзеида келиб қўшилган мирзо Ҳиндол ва Сулаймоншоҳ деярли қаршиликсиз Айбакни забт этганлар ва Ҳулм орқали Балхга яқинлашганлар, сўнгра Бобошоҳу деган ерда манзил қурганлар. Пирмуҳаммадхон қаршилик кўрсатиш бегойдалигини тушуниб, энди шаҳарни темурийларга топшириш-

га қарор қилган ҳам эдики, қуршов бошлаганидан бирор ҳафта ўтар-ўтмас Ҳумоюн кутилмаганда қароргоҳини ташлаб Дарагез (Балхнинг жанубий тарафида ундан 5 фарсах масофада жойлашган манзил)га чекинган ва Сари чаҳор чашма, Ғурбанд, Хўжа сайёрон ва Қорабоғ орқали Қобулга қараб юрган; Ҳиндол мирзо Қундузга, Мирзо Сулаймон эса Бадахшонга йўл олган. Амин Аҳмад Розий ва Абулфазл Алломийлар теурийларнинг Балх остонасидан бу қадар шошилишчи равишда чекиншининг сабабини тушунтиришга ҳаракат қилганлар. «Ҳафт иқлим»да айтилишича, бу юришга таклиф этилган мирзо Аскаррий ва Комрон Ҳумоюн қароргоҳига келмаган. Бу камлик қилгандек, унга қарши исён кўтарганлар. Бу фикрни Абулфазл Алломий ҳам тасдиқлайди. Амин Аҳмад Розийнинг кейинги маълумотларидан шу нарса маълум бўладики, айнан шу пайтда бадахшонликлар Ҳумоюн қароргоҳига ҳамла қилганлар ва унга жиддий талафот етказганлар.

1550 йилдан сўнг Балх ва Бадахшондаги аҳвол барқарорлашди. XVI асрнинг 50-йиллари ўртасида Балх ижтимоий-сиёсий жиҳатдан мустақкамланди ва Бухоро ҳукмронлиги тобелигидан чиқди. Бухорода эса, аксинча, турли ҳукмрон феодал доиралар ва султонлар ўртасида кураш кучайиб кетди. Бунинг устига, Абдуллахон II (Бухоронинг улуғ хони; 1583—1598) Бухорони забт этгач (1557), Пирмуҳаммадхон 1557 йилнинг 13 июнида барча ўзбекларнинг улуғ хони деб эълон қилинди ва 1561 йилнинг 18 апрелигача шу маконда турди. Бироқ Сулаймоншоҳнинг Бадахшондаги мавқеининг кучайиши ва унинг Балх вилояти ҳудудларида фаоллашуви натижасида, Пирмуҳаммадхон Балхни ташлаб, Мовароуннаҳрга кета олмади. Шу сабабли Абдуллахон II Бухоронинг ягона ҳукмдори бўлиб қолаверди.

Кўп ўтмай, Сулаймоншоҳ катта қўшин билан Балх ҳудудига бостириб кирди. Балхлик тарихчи Дарвиш Муҳаммад ал-Балхийнинг сўзларига қараганда, Сулаймоншоҳ билан Балх қўшинлари ўртасида 1560 йилнинг июль-август ойларида катта уруш бўлди. Шундан кейин Балхдан Бухорога тинимсиз чопар қатнади — Пирмуҳаммадхон Абдуллахонга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Охири Абдуллахон катта қўшин йиғиб амакисига ёрдамга борди. Уша вақтда Сулаймоншоҳ Балхнинг теварак-атрофидаги қишлоқларни талон-торож қилиб, Шибирғоннинг Сарипул қишлоғи ёнидаги Чашмайи козирон деган жойда макон тутиб ўлтирарди. Шайбонийлар Балхда катта қўшин тўплادилар, лекин, шунга қарамай, Сулаймоншоҳ билан бўладиган урушни олиб бориш тактикаси масаласида яқдиллик йўқ эди. Масалан, балхлик амрлардан бир гуруҳи (Муҳаммадқулибий оталиқ, Хўжамёр оталиқ, хожа Муғ оталиқ, Муҳаммад Мурод оталиқ, Алимуродбий ва бошқалар) орасида тушқунлик ва ваҳима аломатлари ҳукм сурарди. Улар «Сулаймоншоҳ билан оқиқ майдонда уруш қилиб бўлмайди, яхшиси Балх қалъаси ичига кириб олайлик. Борди-ю душман изимиздан тушиб, таъқиб қилиб келгундай бўлса, қалъадан чиқиб устига от соламиз. Ишончимиз

комилки, барибир, бирон нарсага эга бўлолмай қайтиб кетади», деб ўйлардилар. Қизиғи шундаки, Пирмуҳаммадхоннинг ўзи ҳам қарийб шундай фикрда эди. Абдуллахон билан бирга Бухородан келган амирлар бошқача фикрда эдилар. «Абдуллонома» муаллифи Ҳофиз Таниш Бухорий улардан бири Турумбий дўрмоннинг давлат кенгашида бу хусусда айтган қуйидаги гапларини келтиради: «Давлат аҳволига муносиби шулки, душман қаерда бўлмасин, бориб ўша ерда [унинг билан] олишамиз. Қандай бўлмасин, фитна [тигини] кўтарамиз, [балхлик] амирлар кўрсатган маслаҳатлар кўп хатоdir. Муқаррари шулки, борди-ю бизлар бу манзилдан [орқага] қайтсак, душман қувватланиб, ўша водийга бостириб киради, биз бўлса ундан кўрқиб чекингандай бўламиз. Яна [шуниси ҳам борки], бизнинг кўп қўшинимиз бор; орқага қайтганда йўлда бирор ҳодиса юз бериб, уларни идора қилиш қийинлашиб қолиши мумкин». Қизғин баҳс ва тортишувлардан сўнг Бухоро амирларининг таклифи маъқулланди. Шайбонийларнинг бирлашган қисмлари Чашмайи козиронга қараб юрдилар. Дарвиш Муҳаммад Балхий келтирган маълумотга қараганда, ҳар икки ўртада уруш (1550 йилнинг 20 декабрида) бўлган. Оғир жанглардан кейин шайбонийлар ғалаба қозондилар. Сулаймоншоҳ чекинишга мажбур бўлди ва қолган-қутган аскарлари билан бир амаллаб Бадахшонга етиб олди, ўғли Иброҳим мирзо эса Балхдан қарийб 4 фарсах масофада, унинг жанубий тарафида жойлашган Дарагез деган мавзеда яширинди. Лекин уни таъқиб қилиб борган Муҳаммад Муродбий бошлиқ шайбоний аскарлар қидириб топдилар. Асир олинган Иброҳим мирзо Балхга олиб келинди ва ордан қирқ кун кечгач, 1560 йил 27 августда Пирмуҳаммадхоннинг амри билан Балхнинг Чортоғида қатл этилди.

Чашмайи козиронда эришилган ғалаба Пирмуҳаммадхонни бир қадар ғайратлантирди. У 1560 йилнинг 3 сентябрида Тохаристоннинг йирик шаҳарларидан Толқон (Толиқон) билан Қундуз устига қўшин тортиди. Тарихий манбаларда бу юришнинг натижа-оқибати ҳақида аниқ бир нима дейилмаган. Фикримизча, бундан бор-йўғи бир ой муқаддам энгилиб, катта талафот кўрган Сулаймоншоҳ шайбонийларга қаршилик кўрсатиш ва Тохаристонни ҳимоя қилиш имкониятидан йироқ бўлган ва Пирмуҳаммадхон ўлканинг бу ва бошқа шаҳарларини озод қилиб, қайтадан Балх хонлиги таркибига қўшган. Лекин Пирмуҳаммадхоннинг ўғли ва тахт вориси Динмуҳаммадхон (1566—1573) даврида, аниқроғи ҳукмронлигининг охирларида Сулаймоншоҳ Тохаристонни яна эгаллади.

Таъбир жоиз бўлса шунга ҳам айтиш керакки, ўзаро феодал кураш кучайган пайтларда айрим шайбоний султонлар Сулаймоншоҳ ва унинг серғайрат набираси Ҳусрав мирзо (юқорида қайд этилган Иброҳим Мирзонинг ўғли) билан битим тузиб, уларнинг ҳарбий ёрдамидан фойдаланганлар. Масалан, 1573 йилнинг март ойида, Абдуллахон II Балхни қамал қилиб турганда, Ҳисор вилоятининг ҳоқими Ҳошим султон билан бирга

Сулаймоншоҳ ўз аскарлари билан Балхга тобе мавзелардан Хулмга келиб тушдилар. Яна бир мисол. Абдуллахон Ҳисори шодмонни олган йили (1574) шайбонийлардан Музаффар султон билан Муҳаммад Қосим султон (Самарқанд ҳокими Жувонмард Алихоннинг ўғиллари) аввал Қўлобга, у ердан Бадахшонга бориб, унинг ҳокими Шоҳруҳ мирзо билан қўшилдилар; 1579 йилнинг 10 июнида улар зиёрат баҳонаси билан Хожа ҳайрон (ҳозирги Мозори шариф)га келиб, Балх теварагидаги қишлоқларни талон-торож қилиб кетдилар.

Маълумки, 1567—1583 йиллар орасида, оғир ва мурасасиз курашлардан кейин, Абдуллахон II шайбоний султонларнинг бошбошдоқликдан иборат ҳаракатларига барҳам бериб, Мовароуннаҳр ва Туркистонни, яъни Амударё билан Сирдарё оралигидаги вилоятларни ўз туғи остига бирлаштиришга муваффақ бўлди. Орадан бир йил ўтгач, 1584 йили Абдуллахон Сулаймоншоҳга қарши уруш очди. Шу мақсадда у 12 февралда Балхга келиб тушди ва қисқа фурсат ҳордиқ чиқаргандан сўнг Тохаристон ва Бадахшон сари йўл олди. Қундузга қарашли Оқсаройга борганларидан кейин қўшин икки гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳ Абдуллахоннинг ўзи бошчилигида Қундузга, иккинчи гуруҳ амир Шоҳсайдбий қўмондонлиги остида жануб тарафга — Қоҳмерд ва Ғур вилоятларига қараб йўлга тушди.

Қундуз ўша йилнинг 29 февралда ишғол қилинди. Шоҳруҳ мирзо шайбонийларнинг катта куч билан қилган ҳужумига дош беролмади ва аҳлу оиласи ва мулозимлари билан Кобулга қараб қочди. Ушанда шайбонийлар қўшини Толқон, Бағлон, Норин, Қошиндех, Ғур, Хинжон, Андароб, Қоҳмерд, Рустақ, Кишм ва Бадахшоннинг ўша вақтдаги пойтахти Зафар қалъасини ҳам ишғол қилдилар. Шунга қарамай, Абдуллахон Бадахшонни тўла равишда бўйсундиролмади. Тоғли ноҳияларнинг кўпгина қалъалари ўз мустақиллигини сақлаб қола билдилар, баъзилари эса, масалан, Хуст қалъаси халқи шайбонийларнинг қўшинларини тор-мор келтирдилар.

Лекин Қўлоб учун бўлган жанглар оғир бўлди. Маълумки, маҳаллий саййидлар ва чигатой беклар ўша кунлари Шоҳруҳ мирзонинг балоғатга етмаган ўғли Муҳаммад Замонни вилоят ҳокими деб эълон қилган эдилар. Бироқ Муҳаммад Замоннинг ҳукмронлиги икки йил (1585—1586) дан нарига ўтмади. Тўғриси, Абдуллахон Қўлобни тинч йўл билан бўйсундирмоқчи бўлди ва шу мақсадда ўзининг икки нуфузли амирини: Жондавлатбий билан Жултойбийни Қўлоб қалъасига элчи қилиб юборди. Лекин бунинг фойдаси бўлмади. Абдуллахон бу ҳақда Ҳиндикуш йўлида 1585 йилнинг 29 июнида хабар топди. «Абдуллонома» да баён этилган воқеалар тафсилидан маълум бўлишича, ушанда Абдуллахон Тохаристон билан Бадахшоннинг қолган қисминини ҳам бўйсундирмоқчи эди. Аммо Қўлобда юз берган воқеа — у ерга юборилган ҳарбий қисмининг тор-мор келтирилганлиги ҳақидаги «совуқ» хабар Абдуллахон режаларининг «белига тепди». Натижада у Бадахшон билан Тохаристоннинг жанубий вилоят-

лари устига бошланган юришни тўхтатишга, бэр куни билан Қўлоб устига юришга ва уни бирёқлик қилишга мажбур бўлди.

Қўлобга юриш 1586 йилнинг 7 апрелида бошланди. Юришга Абдуллахон ва унинг тахт вориси, Балх ҳокими Абдулмўмин султоннинг ўзлари бошчилик қилдилар. Қўлоб қалъаси қамали қарийб қирқ кун, яъни 15 майгача давом этди, лекин натижасиз бўлди. Қамал жангларида Абдуллахоннинг ўзи шахсан иштирок этди. Оқибатда қалъа мудофаачиларининг қаршилиги синдирилди. Қўлоб ўша йилнинг 11 июнида шайбонийлар қўшини тарафидан ишғол этилди. Қалъа аҳли қатли ом қилинди, мудофаа ишшоотлари эса ер билан яксон этилди.

1586—1587 йиллар мобайнида Сулаймоншоҳ ва Ҳусрав мирзо Ҳиндистон ҳукмдори бобурий Акбаршоҳ (1556—1605) ва Тохаристон билан Бадахшондаги тарафдорлари ёрдамида икки марта Бадахшон билан Тохаристонга бостириб кирдилар. Биринчиси 1586 йил июнь ойининг ўртасида содир бўлди. Ушанда Сулаймоншоҳ билан Ҳусрав мирзо Толқонни босиб олдилар. Лекин тез орада Абдуллахон юборган қўшин уларни Толқондан сиқиб чиқарди ва шайбонийларнинг Қўлобдо кўкалтош бош бўлган қўшини уларни Ҳиндикуш довоингача таъқиб қилиб борди. 1587 йилнинг апрель ойида темурийлар Балхда Абдуллахон билан Абдулмўминнинг йўқлигидан фойдаланиб (ўшанда Абдуллахон Бухорода, Абдулмўмин эса Чўли зардакда ов билан банд эдилар) иккинчи марта Тохаристон билан Бадахшонга бостириб кирдилар ва Қундузни эгалладилар, унинг теварак-атрофидаги қишлоқларни талон-торож қилдилар. Бу ҳам етмагандай, Мулла Бобо билан Ҳасанбек Шайх Умарий шайбонийларнинг Бадахшондаги ноиб Шохназар девонани қувиб юбориб, Кишм шаҳрини ишғол қилдилар. Шундан кейин Сулаймоншоҳ, Шоҳруҳ мирзо, Мулло Бобо ва Ҳасанбек Шайх Умарий, ҳаммалари бирикиб, Қундуз устига қўшин тортдилар. Маҳмуд ибн Вали келтирган маълумотларга қараганда, уларнинг қўл остида 30 минг кишилик қўшин бўлган. Қундузликлар уларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатдилар, лекин шаҳар катта хавф остида қолган эди. Аммо Балхдан ўз вақтида Абдулмўмин султон бошчилигида кўмак етиб келди. Абдулмўмин ва Қундуз ҳокими Динмуҳаммад биргаликда Сулаймоншоҳ ва унинг иттифоқдошларини тор-мор келтирдилар. Сулаймоншоҳ ва унинг шериклари Кобулга қараб қочдилар. Кобул ҳокими Муҳаммад Ҳаким мирзо ўшанда Сулаймоншоҳни ўз ҳузурда қолдирди ва унга Лағмон вилоятини инъом қилди, Шоҳруҳ мирзони эса Аграга, Акбаршоҳ ҳузурига жўнатиб юборди. Лекин Сулаймоншоҳ барибир тиниб-тинчимади. У 1587 йили яна Тохаристон устига қўшин тортди ва Толқонни эгаллади. Бироқ унинг бу сафарги уриниши ҳам мағлубият билан тамомланди. Абдулмўминхон уни яна Тохаристондан суриб чиқарди.

Шундан кейин Сулаймоншоҳ Тохаристон билан Бадахшонни қайтариб олиш борасида бошқа уринмади. Сулаймоншоҳ ҳам

Хиндистонга кетиб қолди ва 1589 йили Лоҳурда 77 ёшида вафот топди.

Бадахшон учун шайбонийлар билан қуролли кураш олиб борган сўнги темурий — бу Шохруҳ мирзонинг ўгли Муҳаммад Замон бўлди. Тўғри, у ҳали 5—6 ёшли бола эди. Лекин темурийларнинг тарафдорлари Қўлобда ҳам, Бадахшонда ҳам, Тохаристонда ҳам ҳали кўп эди. Улар бу сафар Муҳаммад Замонни баъроқ қилиб кўтардилар.

Биз юқорида Қўлоб этилганда (1586 йил 15 май) Муҳаммад Замон онаси билан бирга Балхга жўнатилганлиги ва ўша ерда кучли кузатув остида истиқомат қилганлиги хусусида гапирган эдик. 1589 йил бошида хайрихоҳ одамлар Балхда Абдулмўмин султоннинг йўқлигидан фойдаланиб (у ўша вақтда қўшин билан Хуросон юришида эди) шаҳзодани, онаси билан бирга, Бадахшонга олиб кетдилар. Улар бу ерда тез фурсат ичида аскар тўпладилар ва ўша йилнинг баҳорида Қўлоб сари йўл олдилар. Шайбонийларнинг Қўлобни қўриқлаб турган оз сонли аскарлари Муҳаммад Замон ва тарафдорларининг ҳужумига дош беролмадилар. Устига-устак, шаҳарнинг мустаҳкам қалъаси ва бошқа мудофаа иншоотлари ҳам, биз бу ҳақда илгари сўзлаб ўтдик, илгари Абдуллахоннинг амри билан бузиб ташланган эди. Қўлоб доруғаси Шохмуҳаммадбий шаҳарни ташлаб Толқонга қараб қочди. Абдуллахоннинг Толқон билан Кишмни қўриқлаб турган амирлари Аллоҳбердибий кериот билан Турумбий ўз кучларини бирлаштириб, Муҳаммад Замон ва унинг гумашталарига қарши Қўлобга қараб от сурдилар. Лекин Муҳаммад Замоннинг тарафдорларидан енгилдилар. Аллоҳбердибий билан Турумбий ўлдирилди. Абдулмўминхон ўша кунлари бор аскар билан Маручоқда турар эди. Қўлобда юз берган воқеа уни бир қадар саросимага солди, лекин ўзини қўлга ола билди ва Хуросон юришини тўхтатиб, Қўлоб устига қўшин тортиди. Қўшиннинг илғор (манғлай) қисмига Шохмуҳаммадбий билан Дўстимбий тайинландилар. Лекин иш қон тўкилишига бориб етмади — шайбонийлар қўшини Қалъа-йи Шохназарга егиши билан Муҳаммад Замон ва унинг гумашталари Қўлобни ташлаб қочиб қолдилар. Улар дастлаб Қўлобнинг Анжиркон водийсига бордилар. Абдулмўминхон уларнинг кетидан ҳар тарафга отлик қисмлар жўнатди. Қисмлардан бири Бобобек найман, Аллоҳберди кўкалтош, Турди Муҳаммад, Али Мардон баҳодир ва Шохим ярғоқ бошчилигида Қўлоб билан Анжирконга, иккинчи қисм Худойберди мирзо ва Қурчибек етакчилигида Хинжон тарафга жўнаб кетди; Бадахшон тоғларига амир Шохмуҳаммад ва Қутлуғ мирзо бошчилигида учинчи бир бўлинма жўнатилди. Икки кунлик қидирувдан кейин ҳарбий қисмлардан бири Муҳаммад Замоннинг изига тушгандай бўлди, лекин шаҳзода олишув вақтида яна қўлдан чиқиб ғойиб бўлди. Шундай бўлса-да, барибир, уни қувиб етдилар. Қаттиқ уруш бўлди. Муҳаммад Замоннинг кўпчилик одами ўлдирилди. Лекин шаҳзода бир неча мулозим ва хизматкорлари билан қочиб қутулиш-

га муваффақ бўлди. Тарихчи олим Маҳмуд ибн Валининг сўзларига қараганда, шаҳзода ва унинг одамлари гўё симоб каби Бадахшон тоғлари орасига кириб кўздан ғойиб бўлган.

Шундай қилиб, қарийб саккиз йиллик ҳукмронликдан кейин темурийлар Тохаристон, Бадахшон ва Қўлобни ҳам қўлдан бой бердилар. Сулаймоншоҳ 1589 йили Лоҳурда қазо қилди, Муҳаммад Замон Бадахшон тоғлари орасида ғойиб бўлди, Шохруҳ мирзо бўлса шох Акбар хизматида қолди.

Мақола сўнида яна бир муҳим воқеага қисқа тарзда тўхлиб ўтамиз. 1984 йилнинг кузида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг бир гуруҳ илмий ходимлари қадимий қўлёзмаларни қидириб Хоразм воҳасида бўлганларида 72 варақдан иборат қимматли бир қўлёзmani сотиб олдилар. Асарнинг қусур ва камчиликлари бор эди, масалан, аввали ва охириги варақлари етишмас, нам тегиб, варақлари ёпишиб қолай деб қолган эди. Қўлёзmani тез фурсат ичида таъмирлаш зарур эди. Шунинг учун биз кўп вақт уни қўлимизда тутиб қололмадик ва умумий мазмуни билан танишдик, холос. Қисқаси, дастлабки текширишлар шуни кўрсатдики, қўлёзма Эрон подшоиси Таҳмосп (1524—1576) ва сафавийларнинг Хуросондаги ноибларининг Бадахшон ҳокими темурий Сулаймоншоҳ ва Ерқанд хонлари Султон Саидхон ва Абдурашидхон (1532—1566)лар билан олиб борган ёзишмаларидан иборат экан. Мақтубларда Эрон билан Ерқанд хонлиги ўртасида Шайбонийлар давлати, яъни Бухоро ва Балх хонликларига қарши ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузиш ҳақида сўз боради. Бошқа сўз билан айтганда, шох Таҳмосп Бадахшон ҳокими ва Ерқанд хонларига ўзбекларга қарши курашида ҳарбий ёрдам ваъда қилиб, эвазига Сулаймоншоҳдан ҳам, Ерқанд хонларидан ҳам шиа мазҳабига ўтишни шарт қилиб қўйган.

Қисқаси, бу ҳужжатлар Шайбонийлар давлати билан Эрон ўртасидаги сиёсий муносабатлар тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

АЛ-ХОРАЗМИЙ ДАВРИ

Улуғ мутафаккир, қомусий олим Ал-Хоразмийнинг ҳаёти ва ижоди Шарқдаги уч маданий марказ: Хоразм (Гурганж) (мутафаккирнинг ўзи Хоразмда таваллуд топган ва асосий билимларни шу ерда олган), Хуросон, аниқроғи қадимий Марви шоҳижон ва ниҳоят олим асосан яшаб, ижод этган Бағдод билан узвий боғланган.

Хоразмнинг Қутайба ибн Муслим бошчилигида араблар томонидан 715 йилда босиб олинганга қадар моддий-маънавий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар сақланмаган. Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, истилочилар Хоразмда ҳамма нарсани — китобларни ҳам, ўқиш-ёзишни билган одамларни ҳам йўқ қилиб ташлаганлар. Абу Райҳон Беруний афсус-надоматлар билан таъкидлаганидек: «Қутайба Хоразм

ёзувни мукамал билган, Хоразмнинг нақл-ривоятларини яхши билган ва (халқни) илмга ўргатган олимларни йўқ қилиб юборди. Энди бу ривоятлар йўқ бўлиб кетди. Энди исломиятдан аввал нима бўлганини ҳам аниқ билиб бўлмайди». Аммо, шунга қарамай, қадимий форс обидалари, бизгача етиб келган озми-кўлми манбалар, юнон, арман ва суриялик тарихчилар, жўроф олимларнинг, шунингдек, Урта Осиё-Эрон эпоси материаллари, улуғ мутафаккир Фирдавсийнинг ўлмас «Шоҳнома»си, С. П. Толстов ҳамда Я. Ф. Гуломовнинг археологик кузатишлари натижасида тўпланган материалга асосланиб, Хоразм ва Урта Осиё жаҳон маданияти тараққиётининг қадимий ўчоқларидан бўлганлигини, ҳозирги ўзбеклар, тожиклар ва туркманларнинг қадимий авлодлари юксак маданиятга эга бўлганликларини билиб оламиз.

«Узининг улутворлиги билан ақлни лол қолдирувчи монументал меъморчилик, сополдан ишланган ҳайкалларнинг беқиёс гўзаллиги, терракот ҳайкалчалар ва рельефларнинг ўта нозик дид билан ясалганлиги ва ниҳоят, Хоразм тасвирий санъатининг ёрқин бўёқлари,— деб ёзган эди С. П. Толстов,— Қадимги Хоразм маданиятининг ўта тараққий этганлиги, ўта оғли даражада юксакликка кўтарилганидан далолат беради».

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, IV асрдан бошлаб, Хоразмнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган жараён араблар истилоси арафасида янада кучайди. Афсуски, Хоразмнинг ўша даврдаги сиёсий ҳаёти тўғрисида етарли маълумотларга эга эмасмиз, аммо шуниси аниқки, Урта Осиё ва у билан қўшни бўлган мамлакатлар бу пайтга келиб майда мустақил амирликларга бўлиниб кетган эди. Тарихий манбаларнинг маълумотларига кўра (Беруний асарлари, VI—VIII асрда ёзилган Хитой солномалари), VIII асрнинг бошларида Урта Осиё ўрамида 15 га яқин ана шундай мустақил, майда давлатчалар бўлган. Бу — «Чағон худот» бош бўлган Чағониси, «Термизшоҳ» ҳукмронлик қилган Термиз, Вамжир, Қўбодиси, Хутталон бекликлари — булар Вахш ва Панж дарёлари ораллигида жойлашган, ҳозирги Тоғли Бадахшон мухтор вилояти ҳудудидан Керрон, Шугнон, Воҳон, Вахш дарёсининг юқори оқимида жойлашган (ҳозирги Қоратегин) Рашт ва Кумед (бу ерда турк тилида сўзлашувчи кумижлар истиқомат қилганлар), Зарафшоннинг юқори оқимида жойлашган Буттем давлатчаларидир. Учта кичик бекликлардан биттаси — маркази Самарқанд (Зарафшон воҳаси, Панжикентдан то Қарманагача), Зарафшон водийсининг ғарбий қисми (маркази Бухоро) ҳамда Қашқадарё водийси (маркази Кеш)дир. Самарқанддан қуйроқда, Зарафшон дарёси бўйларида, Иштихон ва Кушония бекликлари жойлашган эди, Бухоро билан ёнма-ён эса Варданшоҳ бош бўлган Вардан князлиги мавжуд бўлган. Фарғона, Хўжанд, Усрушона ва Шош ҳам алоҳида давлатлар бўлганлар.

Албатта Хоразм, Табарий ва Муқаддасийнинг шоҳидлик беришича, ана шу воқеалардан четда қолмаган. Чунончи, Табарий

«Хоразмшоҳ» унвони билан бир қаторда «Малик» (ҳукмдор) унвони ҳам мавжуд бўлганлигини таъкидлайди. Муқаддасийнинг таъкидлашича, Миздакхон (ҳозирги Хўжайли яқинида жойлашган қадимий шаҳар) атрофларида ўша пайтда 12000 алоҳида-алоҳида мустақил қўрғонлар бўлган.

Хуллас, бир сўз билан айтганда, ижтимоий-сиёсий парокандалик ҳамда майда бекликлар ўртасидаги доимий ўзаро тўқнашувлар араб истилочиларига Урта Осиёни, жумладан Хоразмни босиб олишларида анча қулайлик туғдирган омиллардан бири бўлган. Араб қўлёзма манбаларида таъкидланишича, арабларнинг ғалаба қозонишига Урта Осиё ҳукмдорларининг ўзлари маълум даражада шароит туғдириб берганлар. Чунончи, Табарийнинг сўзларига қараганда, чағон худот Шуман ва Оҳарун подшоҳлари (Сурхон ва Қофирниҳон бўйларидаги давлатлар) нинг душманлик қилиши оқибатида 705 йилда Қутайбани ўзи чақиртирган. Ундан бир йил илгари эса араб саркараси Усмон ибн Масъуд қўзғолон кўтариб, Термизни эгаллаб олган Мусо ибн Абдуллоҳ ибн Хозимга қарши курашганда Сўғд подшоши ҳамда Хутталон ҳукмдори унинг тарафида туриб жанг қилган. 712 йилда Хоразмшоҳ Асқаджавар ўз иниси Хурзодга қарши олиб борган курашида араблардан ёрдам сўраган. Шунда Қутайбанинги иниси амир Абдурахмон бошчилигидаги араб қўшинлари шиддатли жанг натижасида Хурзоднинг қароргоҳи Хомжирдни эгаллаганлар ҳамда унинг ўзини асир қилиб олганлар. Мазкур жангда 4000 хоразмлик асир ўлдириб юборилгани тўғрисида маълумотлар бор. Араблар билан хоразмликлар ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ Хоразмшоҳ арабларга 10000 бош чорва билан бож тўлаган. Шу сабабли, Самарқанд ҳукмдори Гурак (710—737) нинг «Қутайба бу ғалабаларга қудратли феодал зодагонларнинг қўллаб-қувватлашлари оқибатида эришган» деб айтган гапларида жон бор.

Хоразмнинг илқирозга юз тутишини ўша пайтда катта ижтимоий куч бўлган хуррабийлар ҳаракати ҳам тезлаштирган омиллардан бири бўлди. Айтиш мумкинки, Хурзод бошчилигидаги қўзғолон ҳам улар томонидан тайёрланган бўлиб, ўз моҳият-эътибори билан «қишлоқ жамоалари ҳамда шаҳар камбағалларининг катта сарой эгалари, қудратли феодал зодагонларга қарши олиб борган антифеодал кураши эди».

712 йилда Хоразм арабларга тамоман бўйсундирилди. Аммо араблар унинг мустақиллигини бутунлай синдиришга қодир бўла олмадилар. Берунийнинг таъкидлашича, Қутайба Хоразм тахтида Асқаджамуна ибн Асқаджаварни қолдиришга мажбур бўлди. «Хоразмни бошқариш,— деб давом этади Беруний,— то Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ироқ ибн Мансур ибн Абдуллоҳ ибн Туркабос ибн Шавшафар ибн Асқаджамуқ ибн Асқаджаварс ибн Сабри ибн Саҳра Арсамуханинги қатл этилишига қадар ҳали у хонадоннинг (афригийлар), ҳали бу хонадоннинг қўлида бўлиб келди. Юқорида айтганимиздек, [охирги] ҳукмрон даврида пайғамбар таваллуд топган эдилар.

Араблар истилоси Хоразмнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ҳаётига катта путур етказди. VIII асрга келиб ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ кескин пасайиб кетди (буни Шахнафар ҳамда Абдулаллар тарафидан зарб этилган танга пулларининг огирлиги ва сифатининг пасайиб кетганлигидан ҳам биллиши мумкин), суғориш иншоотлари камайиб кетди (чунончи, Гавҳар ҳамда Қалтаминор наҳрлари қуриб қолди) ва натижада юзлаб сарой ва қалъалар бўшаб қолди, кўп минг гектар серунон ерларни қум босди, кўплаб уй-жойлар таланди ва ёндириб юборилди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, кутубхоналар ёндирилди, илм-маърифатли кишилар қирғин қилинди. «Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий Хоразм хаттоғларини қатл этиб ва дин пешволарини қириб ташлаб, уларнинг китоблари ҳамда қўлёзмаларини ёқиб юборгандан кейин,— деб ёзган эди Беруний,— хоразмликлар саводсиз бўлиб қолдилар, уларнинг фақат ёдда сақлаб қолган хотираларини қолди, аммо вақт ўтиши билан бу ҳам унутилиб, фақат ўзлари учун мос бўлган хотираларгина сақланиб қолди».

VIII ва IX асрнинг биринчи чорагида Хоразмнинг сиёсий аҳволи хусусида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз. Аммо, шуниси аниқки, мамлакат, шароит ҳар қанча огир бўлмасин, ўз мустақиллигини сақлаб қола олди. Халифа хазинасига фақат бож тўланар, талаб қилинган пайтда ҳарбий ёрдам юборилар эди. Уша даврдаги сиёсий аҳвол тўғрисида қуйидаги маълумотлар сақланиб қолган. 728 йилда савдо-ҳунармандчилик ривожланган Курдар (ҳозирги Чимбой яқинида жойлашган) шаҳрининг аҳолиси қўзғолон кўтарди. Мазкур қўзғолоннинг қандай кетганлиги маълум эмас, аммо унинг қаттиқ эксплуатацияга, огир солиқлар солинишига қарши бўлганлиги аниқ. Шу ўринда Хоразм ҳокимининг арабларга қарши курашга уриниб кўрганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Хоразмнинг майда-майда қисмларга бўлиниб кетиши VIII—IX асрнинг биринчи ярмидаги Хоразм тарихида муҳим ўрин тутган ҳодиса бўлди. Жанубий Хоразм африқийлар сулоласига мансуб бўлган Хоразмшоҳ тасарруфида бўлиб, маркази Кот¹ шаҳри эди. Шимолий Хоразмга маҳаллий амир бошчилик қилган; пойтахти Журжония (Гурганж) эди. Урганч ҳокими Маъмун ибн Муҳаммад (1017 йилда вафот этган) тарқоқликни тутатгунга қадар бу икки ҳокимият мустақил бўлган.

IX—X асрларда Хоразм ташқи ҳужумлардан анча холи бўлган. Бу эса мамлакатда савдо-ҳунармандчиликнинг гуллашига, деҳқончиликнинг, шунингдек, шаҳарларнинг ривожланишига олиб келган. Чунончи, ал-Истахрий 930—933 йилларда Хоразмдаги 13 шаҳарнинг номини келтирган: Хоразм (Кос), Дарғон, Хазорасп, Хива, Хушмисон, Ардахушмисон, Сафардиз, Нузвар, Кардаронхош, Кардор, Боратегин, Мазминия, Журжония. Орандан ярим аср ўтгач, ал-Муқаддасийнинг (985 йилда ёзган) шо-

қидлик беришича, бундай шаҳарлар сони 30 га етган: Кос, Гардмон, Ойхон, Орзахива, Нукфог, Кардор, Миздакхон, Жашира, Садвор, Зардух, Боратегин, Мадминия (Амударёнинг ўнг соҳилида), Журжония, Нузвор, Замахшар, Рузун, Вазирманд, Васкаханкас, Рахушмисон, Мадамисан, Хива, Кардаранхос, Хазорасп, Жигарбанд, Жоз, Дарғон, Жит, Кичик Журжония, иккинчи Жит, Сафдор, Масосан, Кардор, Андарасгон.

IX—X асрларда Хоразмнинг иқтисодий жиҳатдан ғоят таъқий этганлигини Муқаддасий томонидан келтирилган чет мамлакатларга чиқарилган товарлар рўйхатидан ҳам кўриш мумкин. Булар қуйидагилар: сувсар, оқ сичқон, олмахон, сассиқ-кўзан, латча, тулки, қуён, қундуз ҳамда эчки терилари, шунингдек, мумшам, ўқ-ёйлар, қайин илдизи, қалпоқлар, балиқ елими, балиқ тишлари, канакунжут мойи, мушк-анбар, ошланган от терилари, асал, ёнғоқ, лочинлар, шамширлар, совутлар, насроний қуллар, қўйлар, қорамоллар — булар ҳаммаси Булғордан келтирилар эди; бундан ташқари, узум, майиз, бодом мағизи, сезон, турли-туман газламалар, тўп-тўп мовутлар, совға-салом учун тўқилган кимхоб матолар, мульхам матосидан тикилган рўйжалар, қулфлар, аронж матоси (пахта толасидан тўқилган мато тури — Б. А.), ўқ-ёй (бу ёйларни жуда кучли йиғитларгина торта олар эдилар), раҳбон (пишлоқнинг бир тури), зардоблар, балиқ, қатиқлар.

Қўрииб турибдики, Термиз, Самарқанд, Фарғона, Исфижоб (Сайрам) ҳамда Туркистондан келтирилган моллар ичида Хоразм моллари, маҳаллий усталар томонидан ишлаб чиқарилган товарлар кўпроқ эди. Аммо Булғордан келтирилган товарлар миқдори сал кўпроқ бўлган, бу эса Хоразмнинг Шарқ мамлакатларининг турклар ҳамда Волгабўйи халқлари ўртасида катта роль ўйнаганлигидан далолат беради. Ас-Саолибийнинг таъкидлашича, Мисрдаги Дабика шаҳрида ишлаб чиқариладиган добикс матоси Хоразмда кенг тарқалган. Хоразм тарвузлари эса муз солинган махсус рух яшиқларда халифа Маъмун (813—833) ҳамда Восиқ (842—847) саройига олиб келиб турилган.

Шу ҳам характерлики, Истахрийнинг таъкидлашича, хоразмликлар нафақат ўз ватанларида, балки «Хуросондаги савдогарларнинг асосини ҳам ташкил қилар эдилар; Хуросондаги ҳар бир шаҳарда хоразмликларни учратиш мумкин эди. Улар маҳаллий аҳолидан ўзларининг баланд кулоҳи билан ажралиб турар эдилар».

Маълумки, иқтисоднинг тараққиёти ўз навбатида маданий ҳаётда ҳам ривожланишга олиб келади. Муқаддасийнинг сўзларига қараганда, Хоразм аҳолиси ақл-заковатли, фикҳ илмини эгаллаган маърифатли кишилар эдилар. Халифалик шаҳарларида фикҳ, адабиёт ҳамда Қуръонни ўрганиш соҳасида шоғирди бўлмаган хоразмлик имом (бу ерда йирик олим маъносидан) камдан-кам учрайди. Бир сўз билан айтганда, IX—X асрларда Хоразмнинг, худди Бухорода бўлганидек, иқтисодий жиҳатдан ривожланиши илм-фан ҳамда маданиятнинг гуллаб-яшнашига

¹Кот — қадимий Кос; ҳозирги Беруний шаҳри.

олиб келди. Гурганжда Маъмун Академиясининг ташкил этилиши ҳамда ал-Хоразмий, Беруний, ибн Сино сингари ўрта асрдаги буюк алломаларнинг етиштиб чиқиши — Хоразм ва Бухоронинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаганлигидан далолат беради. Ута антик (эллин) маданиятининг, шунингдек, қўшни мамлакатлар, биринчи навбатда Эрон ва Ҳиндистон маданиятининг энг яхши анъаналарини ўзига сингдириб олган маҳаллий халқ маданиятининг ролини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Ҳазаро қирғинлик урушларига қарамай, қадимий анъаналар ал-Хоразмий ва Беруний замонларигача сақланиб қолди. Абу Райҳон Беруний ижодининг йирик тадқиқотчиларидан бири И. Г. Бултаковнинг таъкидлашича, гарчи қадимий Хоразмнинг ёзма обидалари бизгача етиб келмаган бўлса-да, қадимий Хоразм ёзма илмий маданиятининг айрим парчалари Беруний асарларида сақланиб қолган. Абу Райҳон Беруний, чунончи, айрим юлдузлар туркумлари тўғрисида фикр юритар экан, қадимги хоразмлик мунажжимлар «мазкур юлдуз туркумлари тўғрисида араблардан кўра кўпроқ билар эдилар», деб таъкидлайди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ал-Хоразмий кўпроқ халифалик маркази бўлмиш Бағдодда ҳаёт кечирган. У уч аббосий халифалар: ал-Маъмун, ал-Муътасим (833—842) ва ал-Восиқнинг замондоши бўлган ҳамда улар билан алоқада бўлган. Ал-Восиқ замонида ал-Хоразмий ҳаттоки Қуйи Волгагача — Ҳазар ҳоқонлигига ҳамда Кичик Осиёга элчи қилиб юборилган. Ал-Хоразмий 850 йилда Бағдодда вафот этган. Аммо, биз ҳануз олимнинг Бағдодга келган вақтини аниқлай олмадик. Шунингдек, унинг нима сабабдан бу ерга келиб қолганлиги, бу ерга тўғри Хоразмдан келганми, ёки тақдир тақозоси билан адашиб келиб қолганми, бу ҳам қоронғу. Шуни тахмин қилиш мумкинки, у аввал Марви шоҳижонда истиқомат қилган, чунки бу шаҳар ал-Маъмун Хуросонда ноиблиги даврида (802—813) Хуросоннинг энг йирик шаҳарларидан бирига айланган эди. Сўнгра олим 813 йилда бўлажак халифа билан Бағдодга келиб қолган. Халифа билан ал-Хоразмий яқин муносабатда бўлганлар ва олим ўзининг кўпгина шоҳ асарларини унга бағишлаган.

Аббосийлар сулоласининг ҳукмронлик даврида, айниқса IX—X асрнинг биринчи ярмида, А. Ю. Якубовскийнинг сўзлари билан айтганда, халифаликда маънавий ҳаёт ғоят тараққий этган эди. Халифаликда синфий қарама-қаршиликлар билан бир қаторда унинг қарамоғидаги аҳолининг этник таркиби ниҳоятда хилма-хил бўлиб, улар истилочилар томонидан ҳар тарафлама камситилар эди. Бинобарин, араб зодагонлари билан араб бўлмаган халқларнинг боёнлари ўртасида халқ оммасини оғир эксплуатация қилиш эвазига оқиб келаётган бойликларни тақсимлаш ҳамда ҳокимиятдаги юқори лавозимларни эгаллаш учун аёвсиз кураш борар, ва ниҳоят, ҳали-ҳануз турли эски динлар (оташпарастлик, насронийлик, монийлик) нинг

таъсири кенг халқ оммаси ўртасида кучли эди. Бидъатчилар ислом динига тиш-тирноғи билан қарши эдилар. Улар гарчаид бу динни ташқи кўринишда қабул қилган бўлсалар-да, аслида унга қарши эдилар.

Маълумки, халифаликка қарашли мамлакатларда, бутун Шарқда бўлгани каби, асосан сунъий сугоришга асосланган деҳқончилик билан шугулланишлар эди. Сугориш иншоотлари айрим кишиларнинг шахсий мулклари бўлган ва меҳнаткаш халқ оммасини аёвсиз эксплуатация қилишга асосланган эди. Феодалларнинг ерларида жамоа деҳқонлари ёки қуллар тер тўкиб, меҳнат қилар эдилар. Улар жуда оғир шароитда кун кечирардилар. Аҳолидан асосан хирож олинган. Хирож асосан ўрта ҳол ва камбағал деҳқонлардан олиниб, ҳосилнинг учдан бир қисмини ташкил этган. Катта ер эгаларидан хирож ҳосилнинг ўндан бири ҳажмида (ушр) олинган. Бу ерлар омон қолган маҳаллий деҳқонлар, яъни феодаллар, истилочилар уруш вақтида ўлжа сифатида олган ерлар, шунингдек, айрим ҳарбий бошлиқларга улуш (иқтоъ) сифатида берилган ерлар эди.

Аммо солиқнинг оғирлиги кичик ер эгалари ва корандалар елкасига тушар эди. Абу Юсуф Ёқубнинг таъкидлашича, хирож асосан ер эгасидан, ушр эса коранда ва бир қисм ер эгаларидан ундириб олинган. Аслида эса, Абу Юсуф Ёқубнинг таъкидлашича, солиқнинг бутун оғирлиги коранда зиммасига тушган.

Халифалик томонидан босиб олинган мамлакатлардаги деҳқонлар оммасининг турмуши ниҳоятда оғир эди. Улар икки томонлама: маҳаллий зодагонлар ва араб мансабдорлари томонидан эксплуатация қилинар эдилар. Истилочилар уларни ниҳоятда хўрлар, оёқости қилар эдилар. «Китоб ал-хирож»да халифа Умар (634—644) га тегишли мана бу гап келтирилган: «Мусулмонлар уларни (бўйсундирилган халқларни), токи улар ҳаёт эканлар, еб-ютадилар. Бизлар ва улар қазо қилганимиздан кейин эса, бизнинг болаларимиз уларнинг болаларини токи улар ҳаёт эканлар еб-ютадилар». Аммо энг таҳқирлиси шулки, улар «фалон қишлоқ ёки рустоқ фуқароси фалонча солиқ тўлаши зарур» сўзлари ёзилган қўрғошиндан ясалган махсус муҳрни (хавотин) бўйишларига осиб юришга мажбур бўлганлар. Халқни шу тариқа муҳрлаб қўйиш Ўрта Осиёда, шунингдек халифаликнинг бошқа вилоятларида ҳам амалда эди. Бу ҳақда Абу Юсуф Ёқуб ҳамда Талл-махралик Сурия тарихчиси Дионисий ҳам ёзиб қолдирган. Бу тариқа муносабат нафақат деҳқоннинг, балки маҳаллий савдогарнинг, ҳунарманд ва феодалнинг ҳам иззат-нафсига тегар эди, албатта. Маҳаллий феодаллар истилочилар уларни давлатни бошқариш ишларига яқинлаштирмаганликлари учун (хусусан, уммавийлар даврида) ранжир эдилар.

Энди бир неча оғиз қулчилик хусусида. Қулчилик кучли уклад сифатида сақланиб қолган бўлиб, халифаликнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта роль ўйнаган. А. Ю. Якубовскийнинг таъкидлашича, «қул меҳнатини ҳисобга олмай туриб, халифа-

ликнинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини тушуниш умуман мушкул бўлур эди». Қуллар сонин ўзаро феодал урушлар, босқинлар, оғир қарзлар эвазига ортиб борар эди. Халифалик шаҳарларига қуллар Миср, Шимолий Африкадан (қора танлилар) ҳамда Арманстон, Византия ва Самарқанддан (оқ танли қуллар) келтирилган. Халифаликдаги барча шаҳарларда қул бозорлари (суқ ар-роқиқ) мавжуд эди. Яқубий (897 ёки 905 йилда вафот этган) ва Масъудий (956 йилда вафот этган) асарларида бу ҳақда қимматли маълумотлар бор. Чунончи, Яқубий халифа Мўътасим даврида қурилган халифаликнинг янги пойтахти Самарра тўғрисида ёзар экан, бу ердаги қул бозори тўғрисида ҳам маълумот келтирган. Мазкур бозор шаҳардаги махсус даҳада жойлашган бўлиб, «Тўртбурчак шаклида, кўчалари кесишган, уйларида қуллар учун турли хоналари бўлган». Бозорни махсус мансабдор идора қилган. Бағдоддаги айнан шундай бозор (дар ар-роқиқ) ҳақида Масъудий қимматли маълумот қолдирган.

Қул меҳнатидан, уй юмушларидан ташқари, зироатчиликда, ҳунармандчилик соҳасида, сурориш иншоотларини таъмир этиш ва қуришда, конларда, янги ерларни ўзлаштиришда фойдаланганлар. «Уйун ал-ахбор» асарининг муаллифи ибн Қутайба (829—889)нинг сўзларига қараганда, қуллар Басра ноҳиясидаги янги ерларни ўзлаштиришда оғир юмушларни бажарганлар. Олим ҳабаш қуллар «Басра атрофидаги шўрхок ерларни белурак билан то экин-тикин экиш учун унумли қатлами очилганча ковлайверганлар. Уша ерларда ҳабашларнинг тоғдек-тоғдек қабрлари мавжуд. Ун минглаб ҳабаш қуллар Басра каналида шундай иш билан шуғулланганлар»,— деб ёзган эди.

Уша давр ижтимоий-сиёсий ҳаётига назар ташлар эканмиз, араб зодагонлари билан араб бўлмаганлар ўртасида давлатнинг энг даромадли ўринлари учун олиб борилган кескин курашни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур. Бу ҳолни бармакийлар сулоласи мисолида, Хорун ар-Рашид (786—809) нинг катта нуфузга эга бўлган хотини Зубайдадан (762—831) бўлган ва отаси вафотидан сўнг тахтга ўтирган Амин билан унинг канизагидан туғилган ва халифаликнинг шарқий қисмига ҳоким бўлган ўғли Маъмун ўртасидаги қонли курашлар мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Маълумки, аббосийлар ўз тарафларига Эрон деҳқонларини (феодалларини), айниқса уларнинг зодагон қисмини оғдириб олиш мақсадида улар билан келишишга ҳамда айримларини давлат ишларига қўйишга мажбур бўлган эдилар. Бу борада бармакийлар хонадонининг авлодлари Холид, Яҳъё, Фазл ва Жаъфарларнинг омади келди. Улар давлатдаги энг асосий ўринларни эгаллаб олиб, дастлабки аббосийлар: Абулаббос (750—754), Мансур (754—775), Маҳдий (775—785), Ҳодий (785—786) ҳамда Хорун ар-Рашид даврида давлатнинг ички ишларини ўз қўлларига олдилар. Бу, албатта, араб зодагонларининг қитиқ патига тегар эди. Улар 803 йилда халифаликнинг қўли билан бармакийларни бартараф қилдилар. Ал-Маъ-

мун тез фурсат ичида ҳокимиятни ўз қўлига олгач, бармакийлар ўрнини тоҳирийлар эгалладилар. Келажакда Хуросонда янги сулолага асос солган Тоҳир ибн ал-Хусайн, Маъмуннинг хуросонлик вазири Фазл ибн Саҳл Маъмуннинг халифа ал-Аминга қарши олиб борган курашига бошчилик қилдилар. Табиийки, энди Маъмун ўша одамларнинг ҳомийга айланиб қолган ҳамда ўзидан илгари ўтган ҳукмдорларга нисбатан шарқий вилоятларни бошқариш ишларига кўпроқ эронлик кишиларни тайинлар эди. Халифа ал-Маъмун давлат тепасига келгач, Тоҳир Бағдод гарнизонининг бошлиғи, бутун Ироқ солиқ муассасаларининг бошлиғи, шунингдек ал-Жазира (Месопотамия) нинг ноибни этиб тайинланди. 820 йилда мансабидан узоқлаштирилган Хуросон ҳокими Ҳасан ибн Аббод ўрнига ноиб этиб тайинланди. 819 йилда сомон уруғидан бўлган 4 деҳқон: Нуҳ, Аҳмад, Яҳъё ва Илёс халифа тарафидан Самарқанд, Фарғона, Шош ва Усрушона ҳамда Ҳирот ҳокимлигига тайинландилар.

Бир сўз билан айтганда, эронлик ва ўрта осиелик зодагонлар Бағдод халифалигининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта роль ўйнадилар. Шу билан А. Ю. Якубовский, «Уммавия халифалигини — араблар халифати деб атасак, Аббосия халифалигини араблар билан эронийларнинг халифалиги деб аташ лозим» деб бежиз айтмаган эди. Биз «араблар билан эронийларнинг халифалиги» деган иборага «турклар» деган сўзни ҳам қўшиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки халифа Маъмун ва унинг тожу тахт ворислари даврида халифаликнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туркларнинг бир ўздан тузилган гвардиянинг роли беихолат катта бўлган. Искот тариқасида Мустаъин (862—866) ва Мўътааз (866—869) ларнинг халифалик маснадида ана ўша турк гвардиячилари тарафидан ўтказилганликлари, Мутаваккид, Мўътааз ва Мухтади (869—870) ларнинг турк гвардияси тарафидан тахтдан туширилганлиги ва ўлдирилгани фактини эслатиш кифоя.

Оғир феодал эксплуатация, маҳаллий ҳукмдорларнинг бебошлиғи ички зиддиятларни кучайтириб юборди. Халифаликнинг турли ноҳияларида қабилалар ва деҳқонларнинг қўзғолонлари кучайди. 759 йили Ливанда бўлган деҳқонлар қўзғолони, Жанубий Ироқда 820 йили бошланган ва қарийб 14 йил давом этган зут қабиласининг қўзғолони, 832 йили Мисрда бўлиб ўтган коптлар қўзғолони, Фаластинда 841—842 йиллари бўлган деҳқонлар қўзғолони ва ниҳоят, Али ибн Муҳаммад етакчилигида Басрада бўлган зинжийларнинг улкан қўзғолони (869) шулар жумласидандир. Бу қўзғолон Жанубий Ироқнинг жанубий ноҳиялари ва Хузистонга ёйилди. Қўзғолон 883 йилгача давом этди.

Деҳқонлар қўзғолони халифаликнинг шимолий ва шарқий вилоятларига ҳам ёйилди. Бундай қўзғолонлар, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Эронда (Сумбат Муғ бошчилигида; 755), Мовароуннаҳрда (776—783 йиллар ичида ўтган ва ҳукуматни «титратган» Муқанна бошчилигидаги халқ қўзғоло-

ни), Сенстонда (800—810 йиллари бўлган хорижийлар кўзғолони), Сўғдда (Рафиъ ибн Лаёс бошчилигида бўлган кўзғолон) ҳам бўлиб ўтди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу кўзғолонларнинг асосий иштирокчилари зироатчилар, қуллар ва шаҳар камбағаллари эдилар. Кўзғолонларнинг баъзилари (масалан, Муқанна ва Бобак кўзғолони) диний ниқобда, маздакизм ғояси байроғи остида ўтди. Шунга қарамай, булар аслида ҳукмрон феодал синфга қарши қаратилганлиги билан муҳимдир.

Феодал эксплуатация, ноҳақлик ва ҳуқуқсизлик, бошқа ички зиддиятлар халифаликни, марказий давлат аппарати кучсизлаштирди, унинг ниқрозини тезлаштирди. Халифалик таркибидан Испания ва Шимолий Африка (756), Мароқаш (789), Мальта (868), Сицилия (878) ажралиб мустақиллик эълон қилдилар. Қадимда турк ғуломи бўлиб, бора-бора халифанинг ноиб даражасига кўтарилган Аҳмад ибн Тулуи Миср, Фаластин ва Сурияда ўз мустақиллигини эълон қилди ва тарихда Тулунийлар номи билан машҳур бўлган сулолага (868—905) асос солди. IX асрнинг биринчи чорагида Бағдод халифалигидан Хуросон билан Мовароуннаҳр ҳам ажралиб чиқди. Бу ерда ҳокимият тоҳирийлар (821—873) ва сомонийлар (819—1005) қўлига ўтди.

Ал-Хоразмий ва бошқа бир талай туркистонлик олимларнинг ҳам ватани бўлган Ироқ ва унинг маъмурий-сиёсий ҳамда маданий маркази бўлган Бағдоднинг (762—766 йилларда бу ердә эитилган) VIII—IX асрлардаги ҳаёти қисқа тарзда мана шулардан иборат. Унинг тарихида ал-Хоразмийнинг ҳам ўзига муносиб ўрни бор.

ХОРАЗМНИНГ XV АСРДАГИ СИЁСИЙ ТАРИХИДАН

Тарихий китобларда Хоразмнинг XV асрдаги сиёсий аҳволи бирмунча бўш ёритилган. Айтилган гаплар ҳам узук-юлуқ бўлиб, бу қадимий мамлакат тарихидаги кемтик жойларни тўлди-ролмайдн. Хоразмнинг қадимий замонлардан то XIX асргача бўлган давр ичидаги тарихи тўғрисида ҳажм жиҳатидан каттагина китоб ёзган машҳур рус тарихчиси Н. И. Веселовскийнинг таъкидлашича, Хоразмнинг темурийлар даврига оид тарихи тўғрисида маълумотлар деярли йўқ. «XIV аср охиридан то XV аср охиригача бутун бир аср,— деб ёзган эди у,— Хоразм тарихи қоренгу бир даврдан иборат». В. В. Бартольднинг айрим асарлари Хоразмнинг жўғрофий ҳолати ва иқтисодий аҳволига бағишланган бўлиб, «Ислом энциклопедияси»да чоп этилган бир неча тарихий-биографик характердаги кичик мақолаларини истисно қилганда, ўлканинг сиёсий тарихига бағишланган китоблари йўқ. А. Ю. Якубовский ўз очеркларида асосан Узбекхон (1312—1342), Жонибек (1342—1357) ҳукмронлик қилган даврни, қисман Амир Темурнинг Хоразмга қилган юришларини бир қадар ёритиб берган. Б. Д. Греков ҳамда А. Ю. Якубовский-

лар тарафидан ёзилган «Олтин Урда ва унинг амри» асарларида айри-айри асарда Дашти қипчоқ ва унга туташ мамлакатларда асосан XV асрда содир бўлган воқеалар, шунингдек олтин ўрдалик нуфузли амир Идику (Едигей) нинг ижтимоий-сиёсий фаолияти билан боғлиқ воқеалар баён этилган. А. Ю. Якубовскийнинг махсус мақолаларида эса Хоразмнинг қадимги шаҳарлари ва моддий-маданий ёдгорликларига оид масалалар баён этилган бўлиб, бу асосан Узбекхон ва Қутлуғ Темур даврини ўз ичига олади.

1967 йилда чоп этилган «Ўзбекистон ССР тарихи»да Хоразмнинг XVI асрга оид тарихи тўғрисида умумий тарзда гапирилиб, асосан Амир Темурнинг Юсуф сўфи билан бўлган кураши ва бунинг натижасида Хоразм жанубий қисмининг Темурийлар давлати таркибига қўшиб олинishi тўғрисида гап боради. Яна бошқа бир жойда шундай сатрлар бор: «Тахтга ўлтиргандан икки йил кейин у (Абулхайрхон—Б. А.) темурийлар ноибларидан Шимолий Хоразмни тортиб олади». Урта Осиёнинг Шайбонийхон тарафидан истило қилинишига бағишланган бобида эса Хоразмнинг кўчманчи ўзбеклар томонидан босиб олинishi (1505) тўғрисида сўз боради. «Хива хонлиги (XVI—XVIII асрлар)» деган бобида эса бу ерда ҳокимият тепасига шайбоний Арабшоҳ авлодлари Элборс ва Билборслар ўлтирганлиги (1512) ҳақида ҳикоя қилинади. Г. Ховорс, М. Дегин, П. Лерхларнинг тадқиқотларида эса Хоразмнинг XVI асрдаги тарихи қисқа тарзда ёритиб берилган. А. Ю. Якубовскийнинг сўзларига қараганда, Хоразмнинг XIV—XV асрдаги тарихини ўрганишдаги бундай қолюқликни унинг тарихий манбаларда яхши ёритилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Аммо, шунга қарамай, ўша даврга оид қўлёзма манбаларни кунт билан ўрганиб чиқишимиз натижасида биз айрим, ўта қимматли маълумотларни тўплашга муваффақ бўлдикки, улар асосан Хоразмнинг XV асрдаги сиёсий тарихининг ҳеч бўлмаса айрим масалаларини ёритиш имкониятини беради.

Маълумки, Урта Осиё мўғуллар тарафидан босиб олингандан кейин (1219—1220) Хоразм Чингизхоннинг катта ўғиллари Жўчи билан Чигатойлар ўртасида тақсимланган эди. Масалан, Хоразмнинг ғарбий қисми, Урганч шаҳри билан бирга, тарихда Олтин Урда номи билан машҳур бўлган Жўчи улуси таркибига, унинг жанубий қисми, Қот ва Хива шаҳарлари билан қўшилиб, Чигатой улусига қўшиб берилган эди.

XIV асрнинг 60-йиллари бошларида Олтин Урлада бошланган феодаллар орасидаги ур-йиқитлар ва тожу тахт учун бўлган курашдан фойдаланган кўнғирот қабиласининг бошлиқларидан Хусайн сўфи Хоразмда ҳокимиятни қўлга олди ва ўз номидан пул зарб қиля бошлади. Эронлик тарихшунос олим Муъинуддин Натанзийнинг маълумотига қараганда Хусайн сўфи Олтин Урданинг нуфузли амирларидан Нонгадойнинг ўғли бўлган. Нонгадой 1361 йилда Келдибек томонидан ўлдирилган эди. Афтидан, амир Нонгадой Узбекхон даврида Хоразмда

қўриқлик қилган Қўтлуғ Темур хонадонига мансуб бўлган. Қўтлуғ Темур вафотидан (1335/36) кейин эса мамлакатнинг кутлақ ҳўкмдори бўлган.

XIV асрнинг иккинчи ярмида Чигатой улуси ичида ҳам ўзаро феодал урушлар авж олиб кетди. Натижада улус 12—15 та мустақил феодал бекликларга бўлиниб кетди. Шундай феодал ҳўкмдорлардан бири Амир Темурнинг амакиси Ҳожин барлос Шаҳрисабзда мустақил ҳўкмрон эди, Хўжандда жалоийр қабилясининг бошлиқларидан амир Боязид мустақиллик байроғини кўтарди, амир Қазағоннинг набираси амир Хўсайн Балхда ҳўкми мутлақ бўлиб олди, Муҳаммад хўжа Аперди Шибирғонни мустақил деб эълон қилди, Тошкент билан Сарипулда Хизр ясовурий, Кўхистонда Амир Сотилмиш мустақилликка даъвогар бўлдилар. Чигатой улусидаги феодал тарқоқликдан фойдалланган Хўсайн сўфи 1364—1365 йилда илгари Чигатой улусига қарашли бўлган Хоразмнинг жануби-шарқий қисмини ҳам эгаллаб олди.

Амир Темур Жануби-Шарқий Хоразм учун кўнғиротлар билан узоқ вақт кураш олиб борди. Аммо фақат бешинчи юришдан сўнггина (биринчи юриш 1371 йилнинг июль ойида, иккинчи юриш—1373 йилда, учинчи юриш—1375 йилда, тўртинчи юриш—1379 йилда, бешинчиси—1388 йилда бўлган) Хоразмни бўйсундириб, Жануби-Шарқий Хоразмни ўз давлати таркибига киритиб олди. Бу масалада А. Ю. Якубовский турлича фикр баён қилган. Агар илгари у «Хоразм қайтадан бирлашган Олтин Урда давлатига (Тўхтамиш давлатига—Б. А.) кирмаган, чўнки у амалда Амир Темурнинг қўл остида эди,—деган бўлса, кейинроқ «икки юриш натижасида (биринчи ва иккинчи юриш—Б. А.) Жанубий Хоразм Темур давлати тасарруфига киритилди»,—деб ёзади. Уша воқеаларнинг замондоши муаррих Низомуддин Шомийнинг таъкидлашича, Жануби-Шарқий Хоразм 1379 йилда, яъни тўртинчи юришдан кейин Темур давлати тасарруфига кирган. Бунгача воқеалар қўйидаги тарзда кетган. 1375/76 йилда Амир Темурнинг Оқ Урда хони Урусхон (1361—1375) га қарши курашидан фойдаланган Юсуф сўфи (1372—1380)¹ қайтадан Жануби-Шарқий Хоразмни босиб олди. Амир Темурнинг элчиси ва чопари бўлса тутиб қолинди, Тўй Буго бошлиқ Хоразм аскарлари эса Бухоронинг туманларини, хўсусан ўша ерда истиқомат қилиб турган туркманларни талон-торож қилди. Темур 1376/77 йилда Мўғулистон хони Қамариддин (1363—1390) га қарши юриш бошлашдан аввал Юсуф сўфидан Хоразм кўшинларини мадад учун юборишни сўраганда, Юсуф сўфи Амир Темурнинг талабини бажармайгина қолмай, Бухоро ва Самарқанд атрофларига ҳўжум қилишни давом эттираверган, Фақат 1379/80 йилларга келиб Темур Хоразмга қарши юриш имкониятига эга бўлди ва Урганчни қамал қилди.

¹ Унгача ҳўкмронлик қилган Хўсайн сўфи 1372 йилда Темур кўшинлари Урганчни қамал қилган вақтда вафот этган.

Абдуқўр тарихчи Абдураззоқ Самарқандийнинг таъкидлашича, Урганчи қамали пайтида Юсуф сўфи билан Минг (Минг) сўфи ўртасида ҳўкмият учун ўзаро кураш авжига минган, натижада Минг сўфи ғолиб келиб, Юсуф сўфини қатл этган. Бу воқеа Юсуф сўфи тарафдорларининг норозилигига сабаб бўлган ва улар амир Хўжалок бəҳодир бошчилигида шаҳар дарвозаларини Темур лашкарларига очиб берганлар. Ушанда Хоразм аёвсиз талон-торож қилинган ҳамда Амир Темурнинг амри билан барча машҳур ҳўнурмандлар, олимлар Самарқандга олиб кетилган. Қўғирчоқ хон Суюрғатмиш (1370—1388) ва Амир Темур номига Урганчида хутба ўқилган ҳамда танга зарб қилинган. Шундай қилиб, тўртинчи юришдан сўнг Темур Жануби-Шарқий Хоразмни бутунлай бўйсундирди. Хоразмнинг шимол-шарқий қисми эса ҳамон кўнғирот сулоласидан чиққан ҳўкмдорлар қўл остида қолди.

Уша, 1380 йилда Минг (Минг) сўфи ўрнига ўлтирган Сулаймон сўфи Тўхтамишхон билан иттифоқ тузиб, унинг олчий ҳўкмиятини тап олди. Бунга Хоразмда Тўхтамишхон номига зарб этилган тангалар далолат бериши мумкин. Сулаймон сўфи хоразмлик кўшинлар билан Тўхтамишхон ва юқорида номи зикр этилган Мўғулистон ҳўкмдори Қамариддиннинг 1387 ва 1388 йилларда Мовароуннаҳр устига қилган ҳарбий юришларида фаол иштирок этди. Амир Темур яна Хоразмга юриш қилди ва бу сафар (1388) унинг пойтахтини тамомилан вайрон қилди.

Қўмкент¹ яқинида тор-мор қилинган Сулаймон сўфи билан Илтиғмиш ўғлон Дашти қипчоққа қочиб кетдилар. Шундай қилиб, 1388 йилда Хоразм тамоман Темур салтанати тасарруфига кирди ва бир оз вақт ўтиб, Темур у ерга Амир Мусо акани ноиб қилиб тайинлади.

1408 йил бошида Хоразмни Олтин Урда хони Шодибек (1401—1407) нинг олий кўмандони Идику Ўзбек (Едигей) босиб олди. Амир Мусо ака қочиб кетди, Едигей Олтин Урданинг амири Инка исмаил бир шахсни Хоразмга ноиб этиб тайинлади. Фўлодхон ҳўкмронлик қилган йиллари (1407/08—1410) Инканинг ўрнига Қалжу ўлтирди. 1410/11 йилларда Идику Ўзбекнинг ўғли Муборакшоҳ Хоразмга ҳўкмрон бўлиб қолди.

Маълумки, 1409 йили темурий ҳўкмдорлардан Шоҳруҳ Хадил Султон устидан ғолиб келиб, Мовароуннаҳрда ҳам ўз ҳўкмиятини барқарор этди. Ушбу воқеа муносабати билан аввал Самарқандда, сўнгра Ҳиротда катта тантаналар ўтказилди. Уша тантаналарда Идикубий билан Фўлодхон тарафидан юборилган Хоразм элчилари ҳам иштирок этдилар. Элчилар Шоҳруҳ тарафидан яхши кутиб олинди ва, Абдураззоқ Самарқандийнинг сўзларига қараганда, улар билан бирга Шоҳруҳнинг эл-

¹ Қўмкент—Вазирдан тахминан 8 км масофада жойлашган мавзе. С. П. Толстовнинг сўзларига қараганда, Қўмкент Устюртдаги баландликлардан бири устига қурилган Шемаха кўргони ўрнида бўлган.

ачиси амир Ҳасан Дашти қипчоқ ва Хоразмга юборилган. Шоҳруҳ элчилари Фўлодхонга, Идику Узбек ҳамда унинг акаси амир Исабекка¹ подшоҳларга лойиқ совғалар олиб борганлар. Жумладан, элчиларга Идикубийнинг қизини шаҳзода Муҳаммад Жўқийга хотинликка бериш тўғрисида Шоҳруҳнинг илтимосини етказиш вазифаси ҳам юклатилган эди. Бу факт ҳар ҳаққала давлатнинг ўзро яхши қўшничилик билан яшаш учун етилганликларини, бундан ташқари Шоҳруҳнинг энди Амир Темурнинг илгариги қудратини тиклай олмаслигига кўзи етиб, Хоразмнинг қўлдан кетганлигини тан олганлигини кўрсатиб турибди.

1411 йилнинг баҳорида Бодҳида ҳордиқ чиқариб турган Шоҳруҳнинг ҳузурига юқорида номи зикр этилган Ҳасан орқасидан Олтин Урдага жўнатишга элчиси Обон тавочи қайтиб келди. Элчи Шоҳруҳга Идикубийнинг мактуби ҳамда совғасаломларини топширди. Шуниси диққатга сазоворки, Идикубий ўз мактубида Шоҳруҳни ҳукмдорим деб атаган эди. Бу тушунарли ҳол, албатта. Маълумки, Фўлодхон вафот этгач, Олтин Урда тахтини Қутлуғ Темурнинг ўғли Темурхон (1410—1412) эгаллади ва шу пайтдан бошлаб Идикубий билан унинг ўртасида ҳокимият учун кураш кучайиб кетди. Оқибатда Идикубий мағлуб бўлиб, Хоразмга қочиб кетишга мажбур бўлди. Темурхон томонидан уни таъқиб қилиш учун юборилган Ужуқ Баҳодир билан Қозонлар Сом² деган жойда унга етиб олдилар. Идикубий жанг қилишга ботинолмай, Урганч тарафга қараб қочди ва етти ой мобайнида қамалда турди. Аммо, айнан шу пайтда, Олтин Урдада давлат тўнтариши содир бўлди. Тўхтамишхоннинг ўғли Жалолоддин томонидан тахтдан ағдариб ташланган Темурхон ҳам, Идику Узбекга ўхшаб, Хоразм тарафга қараб қочди. Аммо у йўлда Жалолоддин ва унинг куёви Қозоннинг кўрсатмасига биноан Жонхўжа деган киши томонидан ўлдирилди.

Жалолоддиннинг (1412 йили хон қилиб кўтарилган) топширигига биноан Ужуқ Баҳодир билан Қозон Идикубий билан музокаралар олиб бордилар. Натижада Идикубий ярашиш ҳақидаги таклифга ва қўйилган шартларни қабул қилишга мажбур бўлди. Чунончи, у Жалолоддинга сўзсиз итоат этиш ҳамда ўз ўғилларидан бирини саройга жўнатишга (афтидан, гаровга бўлса керак) рози бўлди. Аммо Жалолоддин сўзининг устидан чиқмади ва кўп ўтмай тузилган сулҳдан воз кечиб, Идикубийга қарши Қужилай баҳодирни юборди, лекин у мағлубиятга учради. Идикубий унинг 1000 дан ортиқ кишини асир олди ва катта ўлжани қўлга киритди. Абдураззоқ Самарқандийнинг таъкидлашича, Идикубий кишанланган асирларни Урганч халқига уларни қўриқлаш ҳамда боқиш шарти билан тарқатган.

¹ Исабек — ўша йиллари соҳиб ихтиёр (бош вазир) мансабида эди.

² Абдураззоқ Самарқандийнинг сўзларига қараганда, Сом Урганчдан ўн кунлик масофада жойлашган.

Бу ҳол Хоразм ҳам эзилган халқнинг сабр косасини тошириб юборди ва Хоразм халқи 1412 йилда Идику ва унинг ўғлига қарши қўзғолон кўтарди. Афтидан, Муборакшоҳ қўзғолонни бостиришга муваффақ бўлган, чунки қўзғолондан кейин яна бир йил у Хоразмда ҳокимият тепасида турган.

Шоҳруҳ Хоразмда бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатиб турган эди. Уша 1412 йили, фурсатдан фойдаланиб, у ерса Алайка кўкалтошнинг умумий раҳбарлигида амирлардан Сайид Али тархон билан Илёсхожа бошчилигида катта қўшин юборди. Самарқанддан Улугбек мирзо томонидан амир Мусо ака бошчилигида хўросонликларга мадад учун 5000 кишилик қўшин юборилди.

Муборакшоҳ теурийлар қўшинининг келаётганлиги тўғрисидаги хабарни эшитгани ҳамона амир ва мансабдорларни йиғиб кенгаш ўтказди. Кенгашнинг айрим иштирокчилари Шоҳруҳ билан сулҳ тузишни, баъзилари эса Хоразмни ташлаб кетишни, бошқа бирлари бўлса жанг қилишни маслаҳат бердилар. Шу пайтда Алайка кўкалтошдан элчи келиб, Муборакшоҳдан сўзсиз таслим бўлишни талаб қилди. Узоқ фикр алмашинувдан кейин сулҳ тузиш учун теурийларнинг лашкарбошилари хўзуринга вакиллар юборишга қарор қилдилар. Лекин Хоразм элчилари Алайка кўкалтош олдига етиб боролмадилар. Уларни йўлда Сайид Али тархон ва Илёсхожаларнинг навкарлари талаб, ўзларини эса ўлдирдилар. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, бундан ғазабланган Хоразм халқи каттадан-кичигигача жангга отланиб, теурий қўшинларни тор-мор келтирдилар. Фақат 1413 йилдагина Шоҳруҳнинг ноиб амир Шоҳмалик Хоразм зодагонларини ўзига қаратиб, Муборакшоҳни Хоразмдан қувиб чиқаришга муваффақ бўлди. Шу вақтдан бошлаб Хоразм яна теурийлар салтанати таркибига кирди. Амир Шоҳмалик Хоразмга ҳоким қилиб тайинланди. Унинг вафотидан (1425-26) кейин ўрнини ўғли амир Иброҳим эгаллади.

1431 йилда Хоразмга Абулхайрхон бошчилигида кўчманчи ўзбеклар бостириб кирдилар. Амир Иброҳим Хивага қочиб кетди, Абулхайрхоннинг аскарлари эса ўшанда Урганччи ва Хоразмнинг бошқа шаҳарларини ваёрон қилди. Кўчманчи ўзбеклар Хоразмда кўп туролмадилар ва тез фурсатда у ерни тарк этишга мажбур бўлдилар. Бунга сабаб, «Тарихи Абулхайрхоний» китобида қайд этилишича, Хоразмнинг оғир иқлимий шароити сабаб бўлган. Араб тарихчиси ал-Мақризийнинг таъкидлашича, ўша йиллари Сарой ҳамда Дашти қипчоқ ерларида қаттиқ қурғоқчилик бўлган ва ўлат касаллиги тарқалган. Абдураззоқ Самарқандийнинг сўзларига қараганда, Шоҳруҳ Абулхайрхон ва кўчманчи ўзбекларга қарши кўп сонли лашкар юборган. Фикримизча, ҳар иккала мулоҳаза ҳам тўғри. Лекин буғина эмас. Абулхайрхон ва кўчманчи ўзбекларнинг ўшанда Хоразмни тарк этишларининг бошқа сабаби ҳам бор. Ишончли манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўша пайтда Дашти қипчоқда, ўзбек улуси теварагида нуфузли султонлардан, кейинчалик 1451—

1481 йиллари Олтин Урда хони бўлган Аҳмадхон «ғимиллаб» қолган эди. Аҳмадхоннинг иниси Маҳмудхон ҳам шай бўлиб турганди. Улар бирлашиб, Абулхайрхоннинг улусига таҳдид қила бошладилар. Натигада Абулхайрхон пухта тайёргарликдан кейин уларга қарши кураш бошлашга мажбур бўлди. Бундан ташқари, кўчманчилар ўтлоқлар ва сув бўлмаган жойларда узоқ қола олмас эдилар. Бу ҳам, фикримизча, кўчманчи ўзбекларнинг Хоразмдан тез орада чиқиб кетишларига сабаб бўлган, албатта.

Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотларига кўра, 1435 йилда Абулхайрхон бошчилигидаги кўчманчи ўзбеклар яна Хоразмга бостириб кириб, уни талон-торож қилдилар. Шу йилдан бошлаб кўчманчи ўзбеклар ҳар йили, асосан қиш пайтларида, босқин уюштириб, Хоразм ва Мозандарон қишлоқларини талон-торож қила бошладилар. Абдураззоқ Самарқандийнинг сўзларига қараганда, Шоҳруҳ давлатнинг шимолий чегараларини мустаҳкамлаш ва қўриқлаш мақсадида ҳар йили қишда чегара ғилоятларида бир неча туман қўшин тутишга мажбур бўлди, ammo кўчманчи ўзбекларнинг хуружларини бартараф қила олмади.

XV асрнинг ўрталарида Хоразмнинг жануби-ғарбий қисми ўзбек хонларидан Мустафоҳон томонидан босиб олинди. Мустафоҳон 1446 йилнинг баҳор кезларида Отбосар дарёси бўйида Абулхайрхон томонидан мағлубиятга учраган эди. Ушандан кейин Мустафоҳон одамлари билан Хоразмга қараб кетди ва унинг пойтахти Урганчни босиб олди. Сўнг ўша ернинг кўпчилик халқини ўзи янгидан қурдирган Вазир шахрига кўчирди¹.

XV асрнинг иккинчи ярмида Хоразмдаги аҳвол бағоят жиддийлашди. Бу ерда қўнғирот қабиласининг бошлиқларидан амир Нонгадой авлодлари билан Мустафоҳон авлодлари ўртасида ҳокимият учун шиддатли кураш борар эди. Амир Темурнинг ҳокимият учун кураш олиб борган баъзи авлодлари ҳам бу ерга қочиб келиб, Хоразмнинг шаҳар ва қишлоқларини талон-торож қилар эдилар.

Темурийлар ўртасида олий ҳокимиятга талабгор бўлганлардан бири Султон Ҳусайн Бойқаро 1460 йилда Султон Абу Саид (1451—1469) қўшинининг тазйиқи остида Астрободдан қочди. Ушанда у Амударёни кечиб ўтиб, унинг ўнг қирғоғида мустаҳкамланиб олди. Сўнг шу ерда туриб Вазирга — Мустафоҳон ҳузурига амир Абдурахмон Жондорни элчи қилиб юборди ва ўзбек хонига Абу Саид мирзога қарши иттифоқ тузишни таклиф этди. Ammo Абдурахмон Жондор Вазирдан қайтиб келмасиданоқ, Султон Ҳусайн Мустафоҳоннинг иниси Пир Будоқхонни ўз томонига оғдириб олишга муваффақ бўлди. Хондамирнинг сўзларига қараганда, ўша пайтларда оға-инилар, яъни Мустафоҳон билан Пир Будоқ ўртасида қаттиқ кураш борарди,

чунки Пир Будоқ султон ҳокимиятни оғасидан тортиб олишга зўр бериб уринаётган эди. Султон Ҳусайн Пир Будоқ султонни ўзига яна ҳам яқинлаштириб олиш мақсадида унга ўз синглиси Бадигъа Жамолбегимни хотинликка берди. Султон Ҳусайн шу тариқа Пир Будоқ султон билан иттифоқ тузиб олди, Вазирга юриш уюштирди ва уни қамал остига олди. 41 кун давом этган қамал жанглари ҳар икки томоннинг ўзаро сулҳ тузиши билан тугади. Мустафоҳон дўстлик рамзи сифатида Султон Ҳусайнга ўз лочинини совға қилди, Султон Ҳусайн эса ўз навбатида унга Бехбуд лақабли отини нийом қилди. Шу ҳам характерлики, сулҳ тузилгач, Султон Ҳусайн Адоққа жўнаб кетди ва у ерда то 1461 йилнинг ўрталаригача истиқомат қилди. Хондамирнинг сўзларига қараганда, Султон Ҳусайн Адоққа Оқ Сўфининг таклифи билан борган. Қандай бўлмасин, шу вақтдан бошлаб Адоқ Султон Ҳусайн учун таянч бир жойга айландики, у ўша ердан туриб Астробод, Хуросон ва Хоразм туманлари устига босқин қилиб турар ва ҳар гал мағлубиятга учраган пайтларида қочиб келиб, шу ердан паноҳ топарди. Султон Абу Саиднинг 1461 йили Тошкент, Сайрам, Ахен ва Шоҳрухияни эгаллаб олган мирзо Муҳаммад Жўқий (Улугбекнинг набираси)га қарши кураш билан боғлиқлигидан фойдаланиб, Султон Ҳусайн Хуросонни эгаллаб олмоқчи бўлди. Лекин 1462 йили Султон Абу Саид уни ўша ердан суриб чиқарди. Султон Ҳусайн яна Адоққа қочиб борди ва Мустафоҳонни ўз тарафига ағдариб олиш учун бир бор уришиб кўрди. Лекин бунга муяссар бўлолмади. Ана ўша кунларда маҳаллий феодаллардан Усмон қўнғирот Ёкуб ўғлон исмли бир шахс билан тил бириктириб, Вазирни қўлга киритиб олди. Мустафоҳон Мингқишлоққа қочиб кетди. Шундан кейин содир бўлган воқеаларга қараганда, ўша вақтда Вазир халқи Мустафоҳон истибодига қарши қўзғолон кўтарган га қўзғолон тепасида ўша Усмон қўнғирот турган. Султон Ҳусайн бу воқеадан хабар топиб дарҳол Осаф ўғзи¹ деган жойда Амударёдан кечиб ўтиб Вазирни қамал остига олди ва кўп кунлик оғир жанглардан кейин ҳарбий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган шаҳарни қўлга киритди. Уша йилнинг (1462) ўзида Султон Ҳусайн темурийларнинг Хоразмдаги ноиб Кутлуқ Дарвешдан Урганч ва Хива шаҳарларини ҳам тортиб олди. Лекин унинг Хоразм устидан ҳукмронлиги узоққа бормади. 1464 йилдан бошлаб ўлка яна Султон Абу Саиднинг қўлига ўтди ва бу ерга унинг ноиб амир Нурсайдбек² келди. Лекин ўша йили Урганчни яна Султон Ҳусайн қўлга киритиб олишга муваффақ бўлди. Урганчдан ташқари у яна Хива, Хазорасп ва Тирсак қалъаларини ҳам эгаллади. Лекин, барибир, Султон Ҳусайн Абу Саид юборган қўшинларнинг тазйиқи остида Дашти қипчоқ тарафга қочиб кетди. Уша йили Султон Ҳусайн Сифноқда Абулхайрхон

¹ Осаф ўғзи — Амударё irmoқларидан бирининг номи.

² Нурсайдбек — машҳур ўзбек шоири Муҳаммад Солиҳнинг отаси.

¹ Вазир — Устюртнинг жанубий этагида баланд тепалик устига қурилган бўлиб, Кўхна Урганчдан 40—60 км масофада жойлашган шаҳар.

гузурида ҳам бўлди, лекин ундан умид қилган ёрдамни ололмади.

Султон Хусайн подшолиги (1470—1506) даврида Хоразм Темурийлар давлатига номигагина бўйсунарди. У амалда амир Нонгадойнинг авлоди Чин сўфи қўлида эди. Чин сўфи Хоразмни 1505 йилга қадар идора қилди.

XV асрнинг 80-йиллари бошида Хоразмга кўчмакчи ўзбек хоми Шайбонийхон бостириб кирди. Лекин бу сафар ўлкада мустақкамланиб қололмади. Ашиқроғи, у Қоратоғдаги Суғунлик дөвонида қозоқ, хонлари Бурушдук ва Қосим султонларнинг бирилашган кучидан енгилиб қолгандан кейин бу ерга (Хоразмга) қочиб борган эди. Шайбонийхон қишги Хоразмда ўтказиб, Самарқандга келди ва темурий Султон Аҳмад мирзо (1459—1494) нинг хизматига ёлланди. Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон¹ нинг ёрдами билан Шайбонийхон 1483 йили Сирдарё бўйидаги Арқуқ, Узганд ва Сиғноқ шаҳарларини эгаллади. Лекин, орадан уч йил ўтар-ўтмас қозоқ хонлари Бурундук, Қосим султон ва Атиқ султонлар манғит улусининг етакчиларидан Ҳамзабекнинг ёрдами билан Шайбонийхонни бу шаҳарлардан суриб чиқарди.

1486 йили Шайбонийхон яна Хоразмга қочиб борди. У дастлаб Тирсак қалъасини қўлга киритиб олди ва ўша ерда иниси Маҳмуд султонни қолдириб, ўзи Урганч сари қўшин тортди. Султон Хусайн унга қарши 20 минг кишилик қўшин юборди. Шайбонийхон ўша кўп сонли дашқар билан очик жанг қилишдан бош тортди ва қамални бўшатиб, Булдумсоз қалъасига кетиб қолди. Қалъа кутволи амир Халил ва шаҳар боёнлари уни катта совға-салом билан қарши олдилар. Ўша йили кўчманчи ўзбеклар Вазир ёнида темурий қўшинларни тор-мор келтирдилар. Шундан кейин Шайбонийхон Адоқни ҳам эгаллади ва ўша ердан туриб тез-тез Астробод вилоятига боқин уюштириб турди.

Шайбонийхон ва кўчманчи ўзбеклар Хоразмда XV асрнинг 90-йилларига қадар турдилар. Султон Хусайннинг уларни суриб чиқариш йўлида қилган ҳаракатлари самара бермади. Фақат ўша асрнинг 90-йиллари Шайбонийхон Хоразмни тарк этгандан кейин ўлка яна темурийлар тасарруфига ўтди. Лекин бу кўпга чўзилмади. 1505 йили Хоразм узил-кесил Шайбонийхон қўлига ўтди.

ЧИНГИЗХОН ВА УНИНГ ВОРИСЛАРИ ДАВРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЕ

Чингизхон. (1155—1227) Мўғулистондаги татар-мўғул қабилалари, шунингдек, Сибирь, Олтой ва Уйғуристоннинг туркий-забон (қорлиқ, қирғиз, уйғур ва б. қ.) қабилаларига қарши 1188—1206 йилларда олиб борган катта-кичик урушлари нати-

¹ Султон Маҳмудхон— Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг тоғаси, ўша пайтларда Тошкент ҳокими.

жастида кейинчалик Марказий Осие ва Жанубий Шарқий Оврүдо халқларининг келажак тақдирида катта ўрни тутган янги феодал давлатга асос солди. Кейин (1205—1227) Си Ся ёки ҳозирги Хитойнинг Ганьсу вилоятида ва Шаньсининг жанубида 982—1227 йилларда ҳукм сурган Тангут давлатига, шунингдек, Хитойнинг шимолида жойлашган Цзин империяси (Чжурчжэнлар давлати, 1211—1227) га барҳам берди. Цзин ва чжурчжэнлар тор-мор келтирилгандан сўнг, татар-мўғуллар ўзларининг бошқинчилик ҳаракатларини ўшанда куч-қудратга тўлган Хоразмшоҳлар давлати (1077—1231) га қарши қаратдилар. Бу борада уларни Сибирь ва Олтой турклари ҳам қўллаб-қувватладилар. Мўғуллар Урта Осиега етиб келгунча қорахитой қўшинларининг қондиқлари ва қудратли найман қабиласининг етакчиси Қушлукни тор-мор келтирдилар.

1219—1224 йилларда татар-мўғуллар хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад (1200—1220) нинг Урта Осиенинг Утрор, Банокат, Хўжанд, Бухоро, Самарқанд, Гурганж каби шаҳарларида тарқоқ ҳолда турган қўшинларни бирма-бир тор-мор келтирдилар ва Урта Осие ҳамда Хоразмда ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар.

Чингизхоннинг улкан давлати жаҳонгир ҳаётлигидаёқ унинг ўғиллари Жўчи, Чигатой, Уғадой ва Тулуй ўртасида тақсимлаб берилган эди. Иртиш дарёсининг нариги томонидан то «мўғуллар отининг туёғи етган жойгача» бўлган ерлар, Сирдарёнинг қуйи оқими (Сирноқ, Барчийликент, Жаникент, Ашанас шаҳарлари) ва Хоразмнинг шимоли-ғарбий қисмлари тўнғич ўғли Жўчига берилди. Жўчининг яйлов Иртишда, қишлаш жойи Сирдарёнинг қуйи оқимларида эди. Қошғар, Еттисув ва Мовароуннаҳр жаҳонгирнинг иккинчи ўғли Чигатойга берилди. Кейинроқ, балки Бароқхон (1266—1271) замонида чигатойлар ўз ҳукмронликларини ҳозирги Афғонистоннинг шимолий вилоятларига ҳам тарқатдилар. Чигатойнинг қўши Ила дарёси бўйида эди. Уғадойхонга Ғарбий Мўғулистон ва Тарбағатой ўлкаси ажратилди. Унинг қўши Чўғучақда эди. Чингизхоннинг кейжа ўғли Тулуйга ота улуси Халха—Мўғулистон, яъни Шимолий Мўғулистон мерос қолди. Унинг қўши Керулен дарёси бўйида эди.

Уғадой қоғи (1227—1241) ва Тулуйнинг ўғли Мунка (1251—1260) замонида Мўғуллар империясининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаган, Шарқий Оврүдо истилочиси Боту (1227—1255) Олтин Урда хошлигига асос солди. Ўз вақтида А. Ю. Якубовский тўғри таъкидлаганидек, «у мўғул (тор) ларнинг барча муҳим ҳарбий юришларида иштирок этиб, асосий қўшинларга ўлжадан ўз улусини олиш мақсадида ўзининг ҳарбий қисмини кўшиб жўнатар эди». Ботухон ўлжагина эмас, ҳарбий юришда иштирок этгани эвазига бутун-бутун вилоятларни улус тарзида ўз ерларига қўшиб оларди. Утамиш Ҳожи (XVI аср бошлари) нинг «Чингизнома»сида келтирилган маълумотларга қараганда, Ботухон ва унинг ворисларига қарашли бундай вилоятлар Мовароуннаҳрдагина эмас, Эронда ҳам мав-

жуд бўлган. Бу ҳақда Минҳожиддин Жузжонийнинг «Табақоти Носирий» асарида ҳам қимматли маълумотлар учратамиз.

Ботухоннинг мамлакати шундай бир улкан давлат эдики, унинг аниқ ҳудудларини белгилаш амри маҳол эди. Олтин Урда тарихининг кўзга кўринган тадқиқотчиси А. Ю. Якубовский унинг чегараларини қуйидагича белгилайди: «Олтин Урда таркибига шимол-шарқда Булғор вилояти кирган, шимолдаги чегараси рус князликлари бўйлаб ўтарди; жанубда Олтин Урдага, бир томондан, Қрим ва унга қарашли денгиз бўйи шаҳарлари, бошқа томондан, Қафқознинг Дарбанд, ҳатто Бокугача бўлган ерлари, шунингдек Хоразмнинг шимоли, Урганч шаҳри билан, ғарбда Днестрдан бошланган чўллар, шарқда эса Ғарбий Сибирь ва Сирдарёнинг қуйи оқимларигача бўлган ерлар қараган».

Олтин Урда давлатининг пойтахти Ботухон замонида Астрахандан унча йироқ бўлмаган Селитренний мавзеи ўрнида жойлашган Сарой Боту (Эски Сарой) бўлган. Беркахон (1257—1267) замонида эса Волганнинг ирмоғи бўлмиш Оқтуба дарёси бўйида жойлашган Сарой Берка (Янги Сарой) бўлган.

Чигатой улусига келсак, унга дастлаб шарқда уйғурлар мамлакатидан ғарбда Самарқанд ва Бухорогача бўлган ерлар қараган. Аммо Чигатой (1227—1241) бу ерларга инжу тарзида эгалик қилган. Олтуғи (1261—1266) гача бу ерларда қооннинг ҳокимияти жорий бўлган. Қоон номидан раият устидан машхур Маҳмуд Ялавоч хоразмий (Хитой манбаларида Ма-ха-муди Хуа-ла-си-ма) ҳукм юргизган. 1239 йили у Хитойга ҳоким этиб тайинлангач, ўрнига ўғли Масъудбек (1289 йили вафот этган) ўтказилган. Ҳарбий, ҳокимият, аҳолини рўйхатдан ўтказиш, солиқ йиғиш ишлари дорухачи ва танмачи деб аталувчи мўғул амирлари қўлида бўлган. Масалан, эронлик машхур муаррих Вассоф Угадой қоон замонида Нахшаб Самарқанд ва Бухорода турган Ҳазор Буқо, Чинсаг Тойфу, Буқо Нушо сингар дорухачилар помини тилга олган. Маҳмуд Торобий қўзғолони (1238) ни тор-мор келтирган ҳоқон лашкарбошилари Илдиз пўён ва Жикан қўрчиларга Бухорони талон-торож, аҳолисини қирғин қилишларига йўл қўймаганига қараганда, Чигатой улусида Маҳмуд Ялавочнинг нуфузи баланд бўлган, шаҳарларга қўйилган мўғул амалдорлари (дорухачи, танмачилар) у билан ҳисоблашишга мажбур бўлишган. Демак, Маҳмуд Ялавоч ва унинг ўғли Масъудбек фақат қоонга бўйсунган. Шу жиҳатдан Рашидиддиннинг қуйидаги ҳикояси диққатга сазовордир: «Айтишларича, Угадой қоон замонида унинг амри билан Маҳмуд Ялавоч ихтиёрига топширилган Мовароуннаҳрнинг бир қисм вилоятларини бошқа бир кишига бериш ҳақида Чигатой ёрлик ёздириб берди. Ялавоч бу гапдан қоонни хабардор қилди. Қоон Чигатойга ёрлик жўнатиб, тушунтириш хати юборишини буюрди. Бунга жавобан Чигатой: «Мен ўйламай иш қилиб қўйибман, ўзимни оқлаш учун бирор далилга эга эмасман. Қоон жавоб беришимни буюрган экан, мана шуларни ёзишга журъат

этим», деб хат ёзди. Бу гаплар қоонга хуш ёқиб, унинг узрини қабул қилди ва ўша вилоятни инжу тариқасида Чигатойга тортиқ этди. Шундан кейин Маҳмуд Ялавоч Чигатойхоннинг хузурига борди. Чигатой уни ишбга олиб ҳақорат қилди. Маҳмуд Ялавоч унинг вазири Ҳабаш Омидга: «Сен билан ёлғиз гаплашмоқчиман», деди. Улар оғлоқ жойини топишгач, Маҳмуд Ялавоч: «Мен қооннинг ноибман. Чигатой сенинг маслаҳатингиз мени ўлдиришга журъат этмайди. Мабодо, мен устингдан арз қилсам, қоон сени ўлимга маҳкум этиши аниқ. Агар ишимни ўнгласанг хўп-хўп, бўлмаса сени ўлдиришлари учун қоонга устингдан чақаман. Бордию, менинг сўзларимни Чигатойга айтгудек бўлсанг, қанчалик қийноққа солишмасин, мен айтганларимдан тонаман. Сенинг эса биронта гувоҳинг йўқ», деди. Шу тариқа вазир унинг ишини бости-бости қилишга мажбур бўлди». Кўп ўтмай Маҳмуд Ялавочни Хитойга ҳоким қилиб жўнатишди. Уйғуристонга қарашли Хўтан, Қошғар, Олмалик, Қояликдан то Самарқанд ва Жайхун дарёси соҳилларигача ҳамда Бешбалиқ, Қорахўжа ерлари унинг ўғли Масъудбекка инъом этилди.

Кесапхон (дастлаб 1309; иккинчи бор 1318—1326) га қадар Чигатой улусининг сиёсий ҳаётида барқарорлик бўлмади. Чигатойнинг набираси, 1221 йили Бомпён қамали пайтида ўлдирилган Мутугеннинг ўғли Қора Хулағунинг ҳукмронлиги (1241—1247) узоққа чўзилмади. Уни Гуюк қоон (1246—1249) тахтдан тушириб, ўрнига Чигатойнинг ўғли, ўзининг яқин дўсти Ёсу Мункани ўтқизди (1247—1252). Аммо Ёсу Мунка ичкиликка берилиб кетиб, Чигатой хонадонининг кўпчилик хонлари каби давлатни бошқариш ишларига қизиқмади. Бутун ҳокимият унинг хотини Тўкаши (Тугаши) ва Фарғона шайхулисломининг ўғли, мусулмон вазир Баҳоуддин Марғиношлар қўлида эди.

Гуюк қоон вафотидан кейин Ботунинг Мўғул давлатининг сиёсий ҳаётидаги мавқеи яна ҳам кучайди. 1249 йилда Ботухон қоонлик маснадига Гуюкнинг беваси Уғул Гаймишни ўтқизди (1249—1251). Унга вазир этиб эса насроний динида бўлган ва аввал Угадой қооннинг котиби бўлган уйғур Чинтойни тайинлади. Бироқ Угадой қоон хонадонига мансуб бўлган хонзодалар бу қарорга қарши чиқишди. Буларни Чигатой улуси ҳокими Ёсу Мунка қўллаб чиқди. Шунда Ботухон қоонлик тахтига Тулуйнинг ўғли Мункани кўтаришга қарор берди ва 1251 йили Қорақурумда қақирилган қурултойда ўз режасини амалга оширди. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринли бўладикки, Мунка қоонлик тахтига расмий равишда ўтқизилгандан кейин Ботухоннинг ташаббуси билан унинг режаларига қарши чиққанларнинг барчасини айблаб, ярғучи (қози) нинг қўлига топширди. Ярғучининг ҳукми билан йирик амирлар, хонзодалардан етмиш етти киши қатл этилди. Қатл этилганлар орасида малика Уғул Гаймиш ва Широмуннинг онаси Қадағоч хотин ҳам бор эдилар. Ёсу Мунканинг маъзул этилгани эълон қилиниб, юқорида номини зикр этилган Қора Хулағу Чигатой улуси хонлигига тайинлан-

ди. Бирок у йўлда кетаётди, Олтойда тўсатлап вафот этди. Шунга қарамай, унинг қўшинлари Есу Мункаши қароргоҳига етиб бордилар. Есу Мунка эса қўлга олиниб, Ботухон ҳузурига жўнатилди. Чигатой улусига Ориқ Буқоннинг қизи ва Қора Хулағунинг беваси Эргана хотун вояга етмаган ўғли Муборақшоҳ билан бирга (Оҳангарон, 1266 йили) хон этиб тайинланди. Лекин улар номигагина хон эдилар. Аслида ҳокимиятни Ботухон ва Мунка қоон номидан Масъудбек бошқарарди.

Хуллас, 1251 йилги машҳур Қорақурум қурултойидан кейин Чигатой улуси икки қисмга бўлиниб кетди: Шарқий Туркистон, Гулжа ўлкаси, Еттисув ва эҳтимол Фарғонанинг шимоли-шарқий қисми қоон ихтиёрида қолди. Мовароуннаҳр, Фарғонанинг гарибӣ қисми Олтин Урда таъсирига ўтди. Бу борада шундай қиёсий маълумотга эгамиз: Ботухон Темур Малиқнинг Хўжандадаги барча молу мулкини унинг ўғлига қайтариб берган. Мунка қоон билан Ботухонга қарашли ерларнинг чегараси, Рубрукнинг таъкидича, Талос ва Чу дарёлари ораллигидаги чўлдан ўтиб, Искандар тоғларидан шарққа қараб чўзилган.

Олғуй ибн Бойдар ибн Чигатой (1261—1266) Чигатой улусини Олтин Урда таъсиридан қутқазиш учун Беркахонга қарши кураш олиб борди. Охир оқибатда Олтин Урданинг Чигатой улуси устидан таъсирига анчагина путур етди: Бухорода турган Олтин Урданинг беш минг нафар қўриқчи қўшини, муаррих Вассофнинг маълумотига қараганда, «шаҳардан ташқари саҳрога олиб чиқиб, қириб ташланди; уларнинг мол-мулки, хотину болалари мусодара этилди». Рашидиддин Олғуй замоннда Чигатой улуси қўшинларининг Утрор яқинидаги Берка қўшинларига берган зарбаси ҳақида бундай ҳикоя қилади: «Олғуй тарқаб кетган қўшинларни тўплаб, Берка қўшинларига қарши ташлаб, дастлабки жангдаёқ уларни тор-мор келтирди ва Утрорни талон-торож қилди».

Бароқ ибн Исунқор ибн Қомкор ибн Чигатой замоннда (1266—1271) Чигатой улуси бирмунча кучайди. Бароқхон ўзини қудратли ҳис қилган чоғларда Қайду ва Олтин Урда хони Мангу Темур (1267—1280) га қарши кураш олиб борди. Сирдарё бўйидаги бир жангда у иттифоқдошлар Қайду билан Мангу Темурнинг қўшинларини тор-мор келтирди. Шунга қарамай, барибир, охир-оқибатда ўзи енгилди. Бароқхоннинг Элхон Абоқхон (1265—1289) га қарши олиб борган урушлари ҳам натижа бермади. Бароқхон ҳаётининг сўнгги йилларида (XIII асрнинг 60-йиллари) Чигатой улуси яна Уғадой қооннинг набираси Хайду билан Олтин Урда хони Мангу Темур таъсирига тушиб қолди. Мовароуннаҳрнинг учдан бир қисмигина Бароқхоннинг ихтиёрида қолди, холос.

Некпой (1271—1272) ва Буқо Темур (1272—1291) подшоҳлиги даврида эътиборга лойиқ бирон воқеа юз бермади. Улардан кейин Хайду Чигатой улуси тахтига Бароқхоннинг ўғли Дувахон (1291—1306) ни ўтқизди. Андижоннинг таъмир этилиши ва унинг Фарғона ўлкасининг пойтахтига айлантирилиши

ўша Дувахоннинг номи билан боғлиқ. Дувахон Хайдунинг содиқ ҳамкори бўлиб, унинг Мўғулстонда олиб борган урушларида фаол иштирок этди. Жўчиҳон хондонидан Оқ Урда асосчиси Жўчининг ўғли Урда Ичан пойтахти Сигвоқдаги ўзаро курашларга аралашади. Хайдунинг вафоти (1301 йил кузи) дан кейин эса унинг тожу тахт вориси Чопар ва унинг яқинлари ўртасида катта обрў-эътибор қозонди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Дувахон Чигатой давлатининг ҳақиқий асосчисдир.

Дувахон вафотидан кейин Чигатой улусида яна ур-йиқитлар бошланди. Олмалиқ яқинидаги Сабку боло мавзеида тахтга ўтказилган Қунжакхон ибн Дувахон ва Толғу ибн Қудағай ибн Бўри Мутуган ибн Чигатойхонларнинг ҳукмронлиги кўпга чўзилмади. Ҳар иккаласининг ҳукмронлик даври икки йилгина бўлди. Уғадой авлодидан бўлган Қуроба бошчилигида хонзодаларнинг ўз улусларида кўтарган исёнлари шу даврга тўғри келади.

Кепакхон ибн Дувахон ўз уруғдошларининг бошбошдоқлигига барҳам беришга муваффақ бўлди. Масалан, у Чопар, Тўқма, Бойқожор исёнларини бартараф этиб, катта акаси Эсон Буқо I (1309—1318) ни тахтга ўтқизди. Кепакхон билан Эсон Буқо Хайдуга қарашли ерларнинг кўп қисмини эгаллашга ва мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий аҳволини бирмунча тартибга келтиришга эришдилар. Лекин улус аҳволини тамоман яхшилаш уларнинг қўлидан келмади. Бу ҳол оғанининг қоонга қарши уруш очиши ва енгилишида ўз аксини топди.

Шунга қарамай, Кепакхон Чигатой улуси тарихида муҳим ўрин тутди. Урта Оснёда феодал давлатнинг ривожини, Мовароуннаҳрда шаҳарлар қурилиши ёки таъмирлаш ишлари ривожига омил бўлган пул ва маъмурий ислохотлар Кепакхон номи билан боғлиқдир. Насафдан икки фарсах нарида қурилган сарой (мўнужла — қарши) у қурдирган бинолардандир. Кейинчалик шу сарой атрофида шаҳар барпо этилди: «Соҳибқирони аъзам Чингизхон... замондан буён хароба ва қамишзорга айланиб ётган Қуббат ул-ислом Балх (Бароқхон замоннда) қайта тикланди» (Мирзо Улугбек. «Тарих-и арбаъ улус»).

Кепакхоннинг маъмурий ва пул ислохоти мамлакатни бошқаришни такомиллаштириши ва пул муомаласини тартибга солиш, шунингдек амалдорлар ва олиб-сотарлар найрангу суиистеъмолларга барҳам бериш мақсадида амалга оширилган эди.

Маъмурий ислохотга кўра мамлакат Бухоро ва Самарқандда туманларга, Фарғона ва Шарқий Туркистонда орчин (пойтахт атрофидаги ноҳия, атроф маъносида) ларга бўлинди.

Янги пул бирлигини жорий этишда халоқийлар Эрони ва Олтин Урда пули асос қилиб олинди. Янги пул бирлиги тарихда «кепакий» номи билан машҳур. Бир динор кепаккийнинг ваэни икки мисқолга, бир дирҳам кепаккий эса учдан бир мисқолга тенг бўлган.

Шунга қарамай, Кепакхоннинг маъмурий ва пул ислохоти

улусдаги феодал тарқоқликка барҳам бера олмади. Унинг маъмурий ислоҳоти охир-оқибатда юзаки бўлиб чиқди. Катта ер эгаллиги туманларга, эгалари туман бегига айлантирилди. Хуллас, ислоҳот мамлакат ва халқ миқёсида таъсирсиз бўлиб, ички масалаларга дахл қилмади. Бироқ, бу нуқсонларига қарамай, ислоҳот Мовароуннаҳрда феодал давлатчилиги тараққиётида ижобий таъсир кўрсатди.

Манбаларнинг старли бўлмаганидан Чигатой улусининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий аҳволи ва маданий ҳаёти ҳақида тўлатўкис фикр юритиш қийин. Нумизматика ва ёзма манбалар (Жувайний, Рашидиддин, Вассоф, Жамол Қарший асарлари) узук-юлуқ маълумотлари асосида яна қуйидагиларни айтиш мумкин.

Чигатой улуси марказлашмаган давлат эди. У қоон тайинлаган ҳоким (1289 йилгача ўтроқ аҳолили ноҳияларда) ва улус бошлиқлари бўлмиш хонзодалар томонидан идора қилинган. Улар дорухачи ва танмачиларга таяниб иш кўрганлар. Шунинг ҳам айтиш керакки, давлатни бошқаришда турк-мўғул қабилалари (масалан, Чигатой замонида барлос қабиласидан Харачор (Қоражор) нўён, жалойирлардан Мунка нўён, сунит қабиласидан кичик Чигатой, сулдус қабиласидан Киших) билан бирга хоразмлик Маҳмуд Ялавоч ва Масъудбек, ўтрорлик Ҳабаш Омид, фарғоналик Баҳоуддин Марғиноний сингари маҳаллий халқ вакиллари ҳам фаол иштирок этганлар. Бундан ташқари, ўрта осиеликлар Юань сулоласи (1279—1368) замонида Хитойнинг ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этганлар. Мазкур Маҳмуд Ялавоч ва унинг авлоди Алибек ва Йаъқуб, Олмалиқ шаҳридан Шамсиддин, Бухородан Саййид Ажал ва унинг ўғли Алоуддин, Қундуз шаҳридан Баҳоуддин ва бошқалар шулар жумласидан эди.

Иқлим шароити туфайли Мовароуннаҳр қадимдан сунъий сугоришга асосланган ривожланган зироатчилик ўлкаси ҳисобланган. Бу ерда пахта, галла, боғдорчилик маҳсулотлари, йўнғичқа, тоқ экинлари экилган. Узининг қулай жўғрофий мавқеи туфайли Буюк ипак йўлининг савдо карвонлари шу ердан ўтган ва савдо марказига айланган. Бу ўлка Хитойнинг Яқин ва Урта Шарқ, Шарқий Оврупо мамлакатлари билан олиб борилган савдо муносабатларида муҳим мавқени эгаллаган. Мовароуннаҳр шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо ривож топган. Самарқанд ва Бухородан ташқари, қооннинг Мовароуннаҳрдаги ноиб Маҳмуд Ялавоч ва Масъудбекнинг қароргоҳи бўлмиш Хўжанд, қорахонийлар даврида ҳам, қорахитойлар даврида ҳам хонларнинг хазинаси сақланган Ўзганд Дувахон томонидан обод этилиб, Фарғона пойтахтига айлантирилган. Андижон, кўлаб олим шоирлар ватани бўлмиш Марғилон, машҳур шоир Асириддин Ахсикий (1174 йили вафот қилган) нинг ватани Ахсикат, XIII асрнинг истеъдодли шоири Сайфуддин Исфарангийнинг (1261—1267 йиллар оралигида вафот этган) ватани Исфара, дунёга Рукниддин Қубавий (XIII аср) дек шоирни етиш-

тириб берган Кубо (ҳозирги Кува) ўз даврининг обод ва ривожланган шаҳарлари сирасига кирган.

Юқорида Чигатой хонадони ўз улусларига инжу тарзида эгаллик қилганликлари айтилди, яъни хонлар ва хонзодалар ўзларига берилган юрт (мамлакат) нинг даромадидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганлар, ҳолос. Раиятдан олинган солиқ ва жарималар тўғрисида қисқа, умумий тарздаги маълумотга эгамиз. Масалан, Рашидиддин зироатчилар ва чорвачилардан олинган асосий солиқларни санаб ўтади, ҳолос. Жумладан, ер солиғи мол (хирож) умумий ҳосилнинг 10 фоизи ташкил этган. Кўчманчилар тўлайдиган кўпчур юз беш молдан бир беш миқдорда бўлган. Савдодан олинган товар тўлови ҳам бўлган. Солиқ ва жарималар дастлаб товар ҳолида олинган. Мўғул давлатида ягона пул бирлиги жорий этилгандан кейин ва Мунка қоон (1251—1260) номидан пул зарб этилгач, хусусан 1270 йилдан бошлаб солиқлар пул билан олина бошланган. Пул улуснинг кўплаб йирик шаҳарларида зарб қилинган. Масалан, Олмалиқ, Бухоро, Самарқанд, Утрор, Тароз, Кошғар, Тошканд, Уш, Марғилон, Оқтепа, Ўзганд ва Хўжандда зарбхоналар мавжуд бўлган.

1238 йилда Бухоро вилояти аҳолисининг косиб Маҳмуд Торобий бошчилигидаги қўзғолон Урта Осие халқлари ҳаётида чигатойлар даврида юз берган ижтимоий-иқтисодий воқеалар ичида энг муҳимларидан бўлди. Қўзғолонга халқ оммасининг оғир аҳволи, маҳаллий катта ер эгалари, мўғул мансабдорлари ва солиқ йиғувчиларнинг зулми сабаб бўлган. Машҳур тарихчи олим Жувайний ва унинг асарига суяниб китоб ёзган Мирзо Улуғбек қўзғолоннинг боришини қуйидагича баён қилади: қўзғолон Бухородан уч фарсах масофада (ҳозирги Бухоро вилоятининг Жондор тумани ҳудудида) жойлашган Тороб қишлоғида бошланган ва тез фурсатда бутун вилоятга ёйилган. Кўпмингли қўзғолончилар қўлларига тушган қурол (тўқмоқ, бел, табар, панжшоха) билан Бухоро устига қараб юрганлар. Баъзи мўғул амалдорлари Кармина томонга қочдилар, бошқалари ғаразли ниятда қўзғолончилар тарафига ўтдилар. Бухорога бориш асносида, йўлда улар зимдан Маҳмуд Торобийни ўлдириб, қўзғолонни йўлбошчисиз қолдирмоқчи бўлдлар. Лекин фитначилар режаларини амалга оширолмадилар. Қўзғолончилар Бухорони эгалладилар ва шаҳарнинг шимол тарафидаги Абу Ҳафс тепалигига ўрнашдилар. Маҳмуд Торобийни Малик Синжар саройига олиб келиб, уни халифа деб эълон қилдилар. Мулкдорлар ва мўғул амалдорларидан қочиб улуғролмаганлари қўлга олиниб, қатл этилди, молу мулклари камбағаллар ўртасида тақсимланди. Мўғул лашкарбошилариининг Карминага қочганлари тарқалиб кетган мўғул аскарларини жамлаб қўзғолончилар устига ҳужум қилдилар. Бироқ, мағлуб бўлдлар. Лекин қўзғолончилар бундан фойдалана олмадилар, чунки қўзғолон раҳбарларидан Маҳмуд Торобий, унинг инилари Муҳаммад ва Али, уламо-лардан Шамсуддин Маҳбубийлар унчалик фаоллик кўрсатма-

дилар, тажрибасизлик қилдилар. Қўзғолол Бухородан парига тарқалмади. Маҳмуд Ялавоч бундан усталик билан фойдаланди. Қорачор нуён, Илдиз нуён ва Чақона қурчи бошчилигида Хўжанддан жўпатилган мўғул қўшинлари қўзғолончиларни тормор келтирдилар. Манбаларда айтилишича, ҳар икки томондан йигирма бир мингга яқин одам ҳалок бўлган. Шу тариқа қўзғолол бостирилди. Лекин у халқнинг жабру зулм асосига қурилган феодал тартибларга нисбатан нафратини ва бундай тартибларга қарши ҳал қилувчи курашга қодир эканлигини мўғуллар олдида исбот этди.

Чигатоё улуси ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир воқеаларнинг яна бири XIII аср ўрталарига келиб мамлакатнинг алоҳида вилоятларини бошқараётган Чигатоё авлоди ўртасидаги низоларнинг кучайиши бўлди. Муборакшоҳ ва Бароқхон замонидан бошлаб Мовароуннаҳрдаги баъзи хонзодалар бу ердаги маҳаллий халқ билан, айниқса уларнинг бой-бадавлатлари билан яқин муносабат ўриштиришга интилдилар. Масалан, Муборакшоҳ Еттисувдан Оҳангарон водийсига, Бароқхон эса олдин Чағониёнга кўчиб ўтди. Бу ерда у 1266 йили хон этиб тайинланган эди. Албатта, Хайду, Йасавур, Бузан бошлиқ ҳарбий-кўчманчи зодагонларнинг кучли гуруҳи ҳам мавжуд эдики, улар ҳаётнинг кўчманчилик тарзини афзал кўриб, мамлакатнинг ўтроқ ноҳияларига хуруж қилар, аҳолини талар, шаҳар ва қишлоқларга ўт қўяр эдилар.

Кепакхондан кейин Чигатоё улусида ўзаро жангу жадаллар авжига чиқди. 1326 йилнинг ўзида Дувахоннинг Элчигидой ва Дурра Темур деган ўғиллари тахтда икки бор алмашганларини қайд этиш kifоядир. Исломга бўлган эътиқоди туфайли Алоуддин лақабини олган Тармаширин (1326—1334) Чигатоё улусининг ғарбий қисмида мустақкам мавқени эгаллади, Олмалиққа эса қайтиб бормади. Улуснинг шарқий қисми Фарғонанинг бир қисми билан кўчманчи феодаллар қўлига ўтиб кетди. Дувахоннинг набиралари Бузан ибн Дурра Темур, Чанкиш ибн Эбуган, Чанкишининг иниси Есул Темур 1334—1338 йиллар орасида номигагина хон бўлдилар. Хуллас, XIV асрнинг 40-йилларида Чигатоё улуси икки қисмга: Еттисув, Фарғонанинг шарқий қисми, Шарқий Туркистондан иборат Мўғулистонга ва Ғарбий улус, яъни Мовароуннаҳрга бўлиниб кетди. Хоразмнинг шарқий қисми ҳам Ғарбий улусга қараган.

1340—1370 йиллар фитна-фасод, ўзаро феодал кураш ва улусда сиёсий тарқоқликнинг кучайган даври бўлди. XIV асрнинг 50-йиллари охирида Чигатоё улусининг ҳар иккала қисми майда мустақил князликларга бўлиниб кетди. Улуснинг ғарбий қисмида ҳокимиятни асосан турк-мўғул қабила бошлиқлари эгаллади. Масалан, Кеш ва унинг вилояти амир Ҳожи барлос, Хўжанд вилояти Боязид жалоир, Балх вилояти 1358 йилда ов пайтида ўлдирилган турк амира Қазағоннинг набираси амир Ҳусайн қўлига ўтди. Шибирғонда пайман қабиласи бошлиғи Муҳаммадхўжа Аперди мустақиллик яловини кўтарди. Маҳал-

лий мулкдорлар қўлида бўлган вилоятлар ҳам бор эди: Бухорё ва унинг вилояти садрлар тарафидан бошқариларди, Термизни маҳаллий саййидлар, Хутталонни Кайхусрав бошқарарди. Бундай аҳволни Чигатоё улусининг шарқий қисми Мўғулистонда ҳам кузатиш мумкин. Бу ерда ҳам уруғ-қабилачилик удумларининг мустақкамлигига қарамай, исён ва мулкдорларнинг ўзаро жангу жадаллари авж олди. Хонлар муайян бир ҳокимиятга эга эмас эдилар. Бутун ҳокимият кўчманчи феодаллар қўлида эди. Ана шу аҳволдан барлос беги Тарағай баҳодирнинг фаросатли ва тadbиркор ўғли Темур фойдаланди ва олий ҳокимиятни қўлга олди.

ЧУҚАН ВАЛИХОНОВ ЎРТА ОСИЁ ТАРИХИ ҲАҚИДА

Чўқан Валихонов XIX асрдаги энг йирик олимлардан бири саналади. У ўзидан сўнгги авлодларга Ўрта Осие ва Марказий Осиенинг тарихи, жўғрофияси ва иқтисодиётига оид жуда катта илмий мерос қолдирдики, ўша минтақадаги кўпгина ноҳияларга унинг ўзи ўта қийинчиликлар билан саёҳат ҳам қилган эди.

Чўқан Валихонов Ўрта Осиенинг сиёсий тарихи, Қўқон хонлигининг давлат тузилиши, унинг бошқа мамлакатлар билан сиёсий, савдо ва маданий алоқалари, Ўрта Осиеда яшаётган халқлар ва элатларнинг ҳаёти ва урф-одатларини ўрганишга сезиларли ҳисса қўшди. Бу борада унинг қўйидаги асарларидан бой ва қимматбаҳо маълумотлар топиш мумкин: «Қирғизлар ҳақидаги мақолалар», «Иссиққўлга қилинган саёҳат кундалиги», «Олтишаҳарнинг ёки Хитойнинг Нан Лу (Кичик Бухоро) вилоятига кирувчи олти шарқий шаҳарнинг умумий аҳволи ҳақида», «Жунғория очерклари», «Қошғарга қилинган саёҳат», «Қўқон хонлиги тўғрисида» ва бошқалар.

Чўқан Валихонов қирғиз халқининг тарихини кенг миқёсда ўрганишга катта аҳамият берган. Қирғиз эли ерларини у ўзига хос синчковлик ва диққат-эътибор билан текширади, қирғизларнинг уруғ-қабилла таркибини, ҳаёти ва урф-одатларини, тарихини, Ўрта ва Марказий Осие халқлари ижтимоий-сиёсий тарихида қирғизларнинг тутган ўрнини қунт билан ўрганайди. Олимнинг қирғизларнинг автохтон, яъни асл, туб жой халқдан келиб чиққанлиги тўғрисидаги хулосаси айниқса катта аҳамият касб этади. Бундай муҳим хулосага у қирғизларнинг ўз характери жиҳатидан жуда қадим замонларга бориб тақаладиган кўпгина афсоналарини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш асосида келади. XVI—XIX асрларда яратилган форсийзабон ва туркийзабон қўлёзма асарларни ўрганиш асносида биз ҳам қирғизларнинг Андижон ва Уш атрофларидаги тоғларда XV асрдаёқ истиқомат қилганликлари ҳақидаги маълумотларимиз билан Чўқан Валихоновнинг юқорида келтирилган хулосасини тасдиқлаймиз. Аммо бу масалани тўлиқ ўргандик, деб айтишга ҳали эрта. Бу масала ҳам қўлёзма ва бошқа манбаларга асосланиб ҳар томонлама чуқур тadbиркор этишни талаб қилади. Аммо бир нарсани аниқ

айта оламизки, бу фикрга биринчи бўлиб Чўқан Валихонов келган. Шунинг учун биз ҳам уни «қирғиз тарихшунослигининг асосчиси» деб тўлиқ айта оламиз.

Ч. Валихонов асарларида Ўрта Осиё, Русия ва Шарқий Туркистон ўртасидаги савдо-сотиқ, сиёсий ва маданий алоқалар тўғрисида ҳам муҳим маълумотлар топиш мумкин.

Ч. Валихонов Шарқий Туркистон билан Ўрта Осиё хонликлари (асосан Қўқон хонлиги) ўртасидаги савдо алоқалари масаласига тўхталар экан, бу борада фавқулодда муҳим, қизиқ ва қимматбаҳо маълумотлар келтиради. Бундай маълумотлар ҳам Шарқий Туркистондаги ҳунарманд ва савдогарларнинг табақалари ҳамда мазкур мамлакатдаги шаҳарларда фаолият кўрсатган ўрта осиелик савдогарларга тааллуқлидир. Ч. Валихоновнинг маълумотларига кўра, умумий сони ва аҳамияти жиҳатдан биринчи ўринда қўқонликлар, кейин бухороликлар, сўнгра бадахшонликлар, кашмирликлар ва балхликлар турганлар. Охириги уч халқ асосан Ерқанд ва Хўтанда истиқомат қилганлар. Бундан ташқари, мазкур шаҳарларда кўплаб афгонлар (кобулликлар ва лўғарликлар), бухоро яҳудийлари, ҳиндлар, форслар, ширвонликлар ва татарлар истиқомат қилганлар. Бадахшонлик, кашмирлик ва балхликлардан ташқари, барча хорижийлар ўз оқсоқолларига эга бўлиб, хитойлар уларни «анджиджан» («анджонликлар») номи билан атаганлар. Уларнинг ҳаммалари Қўқон хонлиги ва Хитой ҳукумати ўртасида 1831 йили тузилган шартномага асосан Қошғарда истиқомат қилувчи, резидент ва консул ҳуқуқига эга бўлган қўқонлик оқсоқолга бўйсунганлар.

Шарқий Туркистонда турувчи чет элликлар сони тўғрисида Чўқан Валихонов келтирган маълумотлар ҳам диққатга сазовордир: «Муҳожирларнинг аксарияти Қошғарда истиқомат қилдилар... фақат андижонликларнинг ўзи тахминан олти мингга боради. Чет элликлар кўп истиқомат қилиб турган шаҳар — бу Қошғардан кейин Хўтан, сўнгра Ерқанд ҳисобланади. Оқсу ва Учтурфонда эса чет элликлар анча кам. Қошғардаги чет элликлар маҳаллий халқнинг тўртдан бир қисмини ташкил этиб, 145 минг жонга боради».

Олимнинг Ўрта Осиё ва Қошғар ўртасидаги савдо муносабатлари, аниқроғи савдога қўйилган асосий товарлар ҳақидаги маълумотлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу маълумотларга кўра, Ўрта Осиёдан Шарқий Туркистонга олиб бориб сотиладиган товарларнинг асосий қисмини доройи, парча, индиго, ипак газламалар, тери, қўй ва қорамол, афюн, тамаки ва Ўрта Осиёда ишланган бошқа ҳунармандчилик буюмлари ташкил этган. Шарқий Туркистондан Ўрта Осиёга эса чой, пахта, ипак, бўз, гилам, биллур идишлар ва кумуш келтириб сотилган. Шунинг ҳам айтиб ўтмоқ лозимки, ўрта осиелик савдогарлар Шарқий Туркистон бозорларида Ғарбий Овруподан келган товарлар билан ҳам савдо қилганлар. Швейцарияда, Францияда ва Англияда ишлаб чиқарилган ёрқин қизил ва қизил рангдаги читлар, инглиз ва америка картон қоғозлари, қизил тусдаги инглиз

кашмири, оқ муслин (ҳарир ва юпқа газлама) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўрта Осиёлик, айниқса қўқонлик савдогарлар ўрис товарларининг Шарқий Туркистонда сотилишида ҳам ўртада воситачи бўлиб туриб фаолият кўрсатар эдилар. «Рус товарлари, — деб ёзади Чўқан Валихонов, — Қошғарга Қўқон ва Гулжа орқали келтирилади». Қошғарга қуйидаги рус товарлари: мовут, турлитуман матолар, салла учун ишлатиладиган ҳарир мато, ипак газламалар, парчалар; Ригада ишланган духобалар; ойналар, қалампирмунчоқ, қалампир, новшадил, симоб, қизил тусдаги бўёқ, турли-туман металллар (темир, мис, қалайи) ва металл буюмлар (самовар, чойнак, ликобча, тоғоралар, қозонлар, пагнислар, қулф-калитлар) ва бошқалар олиб борилган. «Қошғарда сотиладиган барча товарлардан олинадиган бож қўқонликлар қўлига тушади, — деб хулоса қилади Чўқан Валихонов.

Ўрта Осиё, Русия, Ўрта Шарқ мамлакатларининг Хитой билан бўлган савдо муносабатларида айна ўшандай ролни Шарқий Туркистон савдогарлари ўйнар эди. Ташқи ишлар вазирлигининг бошқарувчиси Граф Нессельроденинг 1826 йил 5 декабрда ёзилган ва Ч. Валихонов томонидан келтирилган рапортида юқоридаги маълумотлар ҳақида сўз боради.

Олим ўз асарида Ўрта Осиёнинг Шарқий Туркистон билан бўлган ўзаро сиёсий муносабатларига ҳам катта ўрин беради. Келтирилган маълумотлардан Шарқий Туркистонга нисбатан юргизилган ҳам Қўқон хонлигининг, ҳам Чинлар Хитойининг сиёсатлари яққол кўзга ташланади. Олимнинг асарларида бу ҳақда жумладан шундай сатрларни ўқиймиз: «...Қўқонга катта имтиёзлар берган Бўғдихон ҳукумати улардан, яъни қўқонликлардан хўжалар устидан назорат қилиб, уларнинг ғазавот қилишига йўл қўймастикларини талаб қиларди».

Ҳар иккала тарафнинг манфаатларини кўзлаган ўшандай битимга 1831 йилда келишилди. Битимга биноан, Қўқон ҳукумати Чин ҳукуматининг босқинчилик ҳаракатларини ҳад ул-ақал Шарқий Туркистон ҳудудида чегаралаб туришга уринса, Чин Хитойи эса Марказий Осиёда энг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган мазкур минтақани ўз қўлида ушлаб туришга жон-жаҳди билан урунар эди.

Ч. Валихонов асарларида Бухоро ва Қўқон хонликларининг Русия билан бўлган сиёсий ва савдо алоқалари ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтирилган. Биз бу ҳақда олимнинг қуйидаги мақолаларидан зарур маълумотлар топамиз: «Сарой мушовири Рафаиловни кузатиб борган татарлар Абдурашитов ва Сайфуллинларнинг Тибатдан қайтиши ҳақидаги иш» (гап бу ерда бухоролик тожир Загур (Зухур) Зарипов ва Мусохонларнинг Петербургдаги фаолияти, Семипалатинскда тошкентлик тожир Мансур Мамасаидов бошчилигида аввал Қошғарга ва ундан нари Тибатга борадиган карвонни ҳозирлаш ҳақида боради), «Қўқонликларнинг Хитой билан 1830 йилги Қошғардаги жанги тўғрисида маълумотлар» (бу ерда 1830 йилда кузда Қў-

қон хони Муҳаммад Алихон тарафидан Русияга элчилар юборилиши ҳақида гап боради), «Қўқон сафароти ҳақида» (Қўқон элчиларининг Акмолинск ва Петропавловскга келиши ҳақида сўз юритилади), «Кошғарга қилинган сафар ҳақида» (Андижонликларнинг Семипалатинскдаги савдо фаолияти ҳақида маълумот берилади) ва бошқалар.

Ч. Валихонов ўз асарларида Қўқон хонлигининг ички аҳволига махсус тўхталиб ўтмаган. Аммо унинг бу ҳақда берган кам, лекин ўта қимматли маълумотлари ҳам муҳимдир. Масалан, олим Шералихон (1842—1862), Худоёрхоннинг биринчи ҳукмронлиги (1845—1858), Маллахон (1858—1862) ҳукмронлик қилган даврларда Қўқон хонлигининг сиёсий аҳволи ҳақида, айниқса ўзаро феодал урушлар ҳамда хонлар ва хонликка даъвогарлар ўртасидаги тортишувлар ҳақида қисқа, лекин аниқ маълумотлар беради. У Қўқон хонлигининг маъмурий тузилиши, 1856 йилдан кейин Бухоро ва Қўқон хонликлари ўртасидаги муносабатлар тўғрисида ҳам маълумот келтирган. Ч. Валихонов яна қирғизларнинг оғир аҳволи ҳақида, Муҳаммад Алихон (1822—1842) ҳукмронлиги, айниқса унинг ҳукмронлигининг дастлабки даврида Қўқон хонлиги томонидан қирғиз ерларининг босиб олинishi тўғрисида ҳам батафсил ёзади. Норин дарёсининг юқори оқимида қўқонлик мингбоши Ҳаққули томонидан бунёд этилган Куртка қалъаси атрофидаги аҳвол мисолида Ч. Валихонов Қўқон феодалларининг қирғизлар устидан юргизган махсус сиёсати ёнбосиш билан олиб борилганлигини аниқ кўрсатиб беради. Қўқонлик мазкур мингбоши ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш учун қирғизлар орасидаги нуфузли ва бадавлат оилалардан омонат олиш, баъзи уруғ ва қавм бошлиқларига совға-саломлар бериш, хуллас уларни ўзига қаратиб олиш, уруғлар ва қавмлар ўртасида низолар чиқариш йўли билан улар устидан ҳукмронлик қилганлигини аниқ ёзади. Олимнинг Қўқон хонлиги билан қизиқишини унинг «Қўқон ҳукмронларининг силсиласи» ва бошқа баъзи асарларида келтирилган Кошғардан то Уш, Қўқон ва Тошкентга борадиган йўللари кўрсатувчи кўплаб йўл кўрсаткичлардан ҳам билиш мумкин.

Чўқан Валихонов асарларида этнографик маълумотлар, айниқса Ўрта ва Марказий Осиё халқларининг туриш-турмуши тўғрисида жуда кўп муҳим маълумотлар учратиш мумкин. Олимни нафақат бирон халқнинг этник таркиби, балки унинг маълум ҳудудда ўринлашиши масалалари ҳам қизиқтирган. У, масалан, ўзбек қабилалари ва уруғларининг таркиби ва ўринлашиши ҳақида муҳим маълумотлар келтирар экан, бундай деб ёзади: «Туркистонлик ўзбеклар, уларнинг этник таркибидан ҳам билиниб турганидек, қабилалар иттифоқидан ташкил топган. Бирок, қозоқларга қараганда уларнинг қабил аиттифоқи бирмунча катта. Мисол тариқасида айтиладиган бўлсак, Бухоро ўзбеклари қуйидаги қабилалардан ташкил топган: Қаршида қўнғиротлар, Бухорода манғитлар, Ерқўрғонда хитой (қипчоқ) лар, Толиқонда қипчоқлар, Зиёуддинда найманлар, Панжшамбида жалоир-

лар, Қаршида ёбу ва сорилар, Каттақўрғонда сариқ хитойлар (шунингдек, минг, митон, бахрин, буркут, қатағон, чендар, қорақалпоқ ва бошқалар). Бухородан ташқари, яна Қўқонда юзлар, Ҳисорда лақай ва юзлар, Бойсунда қўнғиротлар, Кабодиёнда дўрмонлар, Қундузда қатагонлар, Кумушда мўйтанлар, Ҳайбак ва Тошкентда кенагаслар, Болурда қипчоқлар, Хивада ва Қўқонда яна ёбулар истиқомат қилардилар». Албатта, бу ерда ўзбекларнинг ҳамма қабил ва уруғлари кўрсатилмаган. «Насабномайи ўзбак», «Асомийи наваду ду фирқа-йи ўзбак» асарларидаги маълумотларга кўра, ўзбекларнинг барча қабил ва уруғларининг умумий сони 92 га боради. Лекин шунга қарамасдан, Чўқан Валихоновнинг юқоридаги маълумотлари, айниқса ўзбек қабилалари ва уруғларининг ўринлашиши ҳақидаги маълумотлари ўзбекларнинг этник тарихини ёзадиган мутахассислар учун ўта зарурдир.

Чўқан Валихоновнинг асарларини ёзишда фойдаланган манбалари, умуман олимнинг турли-туман манбаларга муносабати ҳақида ҳам икки огиз айтиб ўтишни лозим топамиз.

Даставвал шуни айтиш керакки, Ч. Валихонов ўтмишдаи қолган бой маданий мерос ҳамда тарихий воқеалар ҳақида ёзганда, ўзидан аввал ўтган олимларни кўр-кўрона такрорламайдди, балки, иложи борича улар ёзиб қолдирган маълумотларни ҳад ал-имкон бойитиш ва жониз бўлганда тузатишга ҳаракат қилади. Бундай тўлдиришлар олимнинг саёҳатлари пайтида ўзи бориб кўрган юртлар, халқлар ва манзиллар, воқеа-ҳодисалар ҳақида ёзганда кўзга ташланади. Масалан, «Жунғория очерклари» асарида уна буларни ўқиймиз: «Бу жойларнинг (Етгисув, Ила орти ўлкаси, Иссиқкўл — Б. А.) табиий ҳолати Сибирь штаби томонидан олинган ажойиб фототасвирлардан яхши маълум ва Шренк, Влапгали, Семёнов ва Голубев жаноблари томонидан илмий жиҳатдан пухта ўрганилган. Юқорида тилга олинган жойларнинг фақат табиий-жўғрофий ҳолати баён этилган, лекин ўша жойларнинг этнографияси масалаларига ҳали қўл урилмаган... Шунинг учун ҳам мен ўша масалалар борасида унутиб қолдирилган ва ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган нарсалар ҳақида ёзишга ҳаракат қилдим».

Олимнинг кўпгина асарлари, масалан, «Қирғизлар ҳақидаги ёзишмалар», «Жунғория очерклари», «Олтишар аҳволи ҳақида», «Қўқон хонлиги ҳақидаги эсдаликлар», «Қўқонликларнинг Қашқардаги 1830 йилда Хитой билан бўлган уруши ҳақида маълумотлар» ва бошқа асарлари турли мазмундаги манбалар, хусусан, маҳаллий қўлёзма манбалар, бўлиб ўтган воқеаларни яхши биладиган одамларнинг ахбороти, халқ оғзаки адабиёт материаллари, маҳаллий ҳамда Фарбий Сибирдаги рус маъмуриятининг расмий ҳужжатлари, шунингдек олимнинг саёҳатлари асносида тўплаган маълумотларига ҳам асосланади.

Хулласи калом, Чўқан Валихоновнинг асарлари муҳим расмий ҳужжатлар, асосида ёзилган. Биз унинг Жувайний, Рашиддин, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар (1500—1551), Али ибн Ҳусайн

Вовиз ал-Кашиний (1532 йили вафот топган), шунингдек, Дегин, Д. Оссоп, Бартольд, Вельяминов-Зернов асарларидан кенг ва атрофлича фойдаланганини кўрамиз. Шунингдек, олим Клопрат, Бичурин ва бошқаларнинг Хитой тарихига оид асарлар таржимасидан кенг фойдаланган. Ч. Валихонов яна Абулғози Баҳодирхон, Муҳаммад Содиқ Кошғарий, Жалойирий ва бошқаларнинг уйгур ва ўзбек тилларидаги асарларидан ўринли фойдаланган. Айниқса, у Жалойирийнинг «Жомеъ ут-таворих» асарида келтирилган маълумотлардан кўпроқ фойдаланган. Маълумки, Жалойирий қозоқ хони Таваккалнинг қариндоши ва кейинроқ Қосимов шаҳрининг ҳокими бўлмиш Уроз Муҳаммадхон саройида истиқомат қилган. Шунингдек, Ч. Валихоновнинг И. Н. Березин (1818—1896) томонидан 1850 йилда нашр қилинган Олтин Урда хонлари Тўхтамиш, Темур Қутлуғ, Қрим хонлари Саодат Гирай (1524—1532) ва Давлат Гирай (1551—1577) ларнинг ёрлиқлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам муҳимдир.

Ч. Валихонов ўз асарларини ёзишда халқ оғзаки адабиёти материалларига муҳим этнографик манба сифатида катта аҳамият беради. Узининг сўзлари билан айтганда, «халқ афсоналарида халқ оммасининг ҳаёти, урф-одатлари ва расм-русумлари ниҳоятда тўғри ва аниқ ифодаланган бўлади». Олим «Катта қирғиз-қайсақ ўрдаси ҳақидаги эртақлар ва афсоналари», «Иссиқкўлга қилинган сафар кундалиги», «Қирғизлар ҳақидаги қайдлар», «Жунгория очерклари» ва бошқа асарларида қозоқлар ва қирғизларнинг келиб чиқиши тўғрисида фикр юритганда халқ афсоналари ва эртақларидан ҳар томонлама ва кенг фойдаланган.

ШАЙБОНИЙЛАРДАН KEЙИН АШТАРХОНИЙЛАРНИНГ ҲОКИМИЯТ ТЕПАСИГА КЕЛИШ САНАСИ ХУСУСИДА

Бу хусусда тарихий асарларда, солнома ва сулолалар бўйича қўлланмаларда бир-бирига зид фикрлар мавжуд. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, уларнинг аксариятида шайбонийлар сулоласининг тугаши санаси 1598 йил, яъни Абдулмўминхоннинг вафотидан кейин деб кўрсатилган. «Тожикистон ССР тарихи»да бошқа сана — 1599 йил кўрсатилган. Бухоро тахтида ўлтирган шайбонийларнинг сўнгги хони Пирмуҳаммад дейилган. Бироқ унинг ҳукмронлик йили қанчага чўзилгани ҳақида бир нима дейилмайди. В. В. Бартольд, Стенли Лен-Пуль, К. Э. Босворт асарларида ҳам Пирмуҳаммаднинг 1599 йилгача тахтда ўлтиргани ҳақида гап боради. Хусусан, К. Э. Босворт «Шайбонийлар Бухорода 1598 йилгача ҳукмронлик қилдилар, кейин ҳокимият жонийлар қўлига ўтди. Улар Жўчининг ўғли Урда авлодидан бўлиб, шайбонийларга она тарафдан қариндош эдилар», деб ёзади. Бухоро тахтига ўлтирган бу сўнгги шайбоний ҳақида таниқли тарихчи М. А. Абдураимов ҳам тўхталиб ўтган. Унинг таъкидига кўра, Пирмуҳаммадхон «Абдуллахонни сонийнинг тоғаси кекса Пирмуҳаммад» бўлган. Аслида эса «Абдуллахонни

сонийнинг тоғаси кекса Пирмуҳаммад» аллақачон, Балх хони бўлиб турганда (1546—1567) оламдан кўз юмган эди. Қўлёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, мазкур воқеадан ўттиз йил олдин — 1567 йилнинг 2 мартада вафот этган эди («Мусаххир ал-билод». Ўз ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 1505, в. 75а; «Мажмаъ ал-ғаройиб», шу институт қўлёзмаси, инв. № 9698, в. 301а).

Абдулмўминнинг вафотидан (1598) кейин шайбонийлар сулоласи барҳам топгани ҳақидаги фикр В. В. Вельяминов-Зернов ва В. В. Бартольд асарларида келтирилган ҳужжат ва далиллар асосида юзага келган. Масалан, В. В. Бартольднинг асарларида бу хусусда турлича талқинлар мавжуд. Бир жойда у «Абдулмўмин олти ойдан сўнг ўз одамлари томонидан ўлдирилган эди. Хуросон ва Хоразмдаги босиб олинган ерлар қўлдан кетди; ўзбеклар диёрида ҳокимият бошқа сулола қўлига ўтди», деб ёзган бўлса (В. Бартольд. Асарлар, II жилд, 2-қисм, Москва, 1964, 487-бет), бошқа бир жойда «Шайбонийларнинг сўнгги ҳукмдори деб ўрта осиелик муаррихлар Абдуллахонни сонийнинг ўғли ва тоғу тахт вориси Абдулмўминни тан оладилар... Зотан, Искандар Мунишийнинг «Тарих-и оламороий Аббосий» асарида Абдулмўминдан кейин тахтга шаҳзода Пирмуҳаммад чиқгани ва у Абдуллахоннинг қариндоши ва Жонибек уругидан бўлган шаҳзода» экани таъкидланади. Бу маълумот В. В. Вельяминов-Зерновнинг «Қосимовлик шоҳлар ва шаҳзолалар ҳақида тадқиқот» асарида келтирилган («Исследование о Касимовских царях и царевичах, 2-қисм, 345-бет.) Пирмуҳаммадни у Сулаймон султоннинг ўғли, Жонибекнинг набираси, дейди. Пирмуҳаммад Боқий Муҳаммаддан енгиллиб, 1599 йилнинг июнь ойида қўлга олиниб ўлдирилган эди. Шунинг учун ҳам Ховорс ва Лен-Пуль қўлланмасида шайбонийларнинг сўнгги вакили Абдулмўмин бўлмай, Пирмуҳаммади сонийдир, дейилган (В. Бартольд, Асарлар, II жилд, 2-қисм, 546—547-бетлар). В. В. Вельяминов-Зернов ўз мулоҳазаларини «Тазкира-йи Муқимхоний» ва Искандарбек Мунишийнинг юқорида тилга олинган «Тарих-и оламороий Аббосий» асарларига асосан баён этган эди. Искандарбек Муниший берган маълумотлар асосида у бундай деб ёзади: «1598 йилнинг ёзида Абдуллахоннинг тоғу тахт вориси Абдулмўмин қотиллар қўлида шахид бўлди. Унинг ўғли икки яшар бўлгани учун ҳеч ким унинг хонлик ҳуқуқини тан олгиси келмади. Бошқа ворис бўлгудек одам йўқ эди... Давлатнинг турли бурчакларидан хонликка даъвогарлар чиқа бошлади. Бухоро тахтини Абдуллахоннинг қариндоши Жонибек уругидан Пирмуҳаммад эгаллади... Уни Абдуллахоннинг эски тарафдорлари ва лашкар бошлиқлари тахтга ўтқаздилар. Балхда ўзини Абдуллахоннинг укаси марҳум Ибодулла султоннинг ўғли деб кўрсатган Абдул Амин султон ҳоким бўлди... Абдул Амин кейин Пирмуҳаммадга, олий ҳукмдор сифатида уни тан олиб, тобелик билдирди... Ҳирот ва Хуросонда Абдуллахоннинг жияни Динмуҳаммад султон ҳоким бўлди... Марв шаҳри ҳам унга бўйсунди. Бу ерда Динмуҳаммаднинг укаси

Вали Муҳаммад ҳоким эди... Эронликлар шоҳ Аббос бошчилигида Хуросонга бостириб кирдилар. 1598 йил июль ойида Пирмуҳаммад Ҳирот яқинидаги Пули солор мавзеида у билан жанг қилди, лекин мағлуб бўлиб, чекинди ва бедарак йўқолди...

Абдулмўминнинг ўлдирилгани Туркистон замида шухрат топгач, қозоқ хоши Таваккал Мовароуннаҳрда эътиמודди ҳукмдорнинг йўқлигини кўриб, катта қўшин тузди... ва Мовароуннаҳрға қарши юриш қилди... Туркистон ва Мовароуннаҳрнинг Аҳси, Андижон, Тошкент ва Самарқанднинг Миёнқолигача бўлган ерларни босиб олди ва Бухорога қараб юрди... Унинг қўшинлари қисм-қисмларга бўлиниб, шаҳарни қамал қилди... Шу зайлда жанглар ўн бир кун давом этди. Ун иккинчи кун Бухоро шаҳридаги лашкарлар чиқиб, жангга тутиндилар. Эрта тонгдан то кун ботгунча қаттиқ савалашиб бўлди. Қозоқ қўшинлари тор-мор келтирилди. Таваккалхон минг азобда юртига чекинди. Лашкарининг кўпчилиги тарқаб кетди... Бунинг устига Таваккалхон Бухородан чекиниши билан Пирмуҳаммадхон ва унинг одамлари шаҳардан чиқди ва чекилаётган қозоқ хонини таъқиб этишни бошлади. Теварак-атрофдаги мамлакатлар ва Мовароуннаҳрдан лашкар келиб, уларга қўшила бошлади. Бухороликлар Миёнқолнинг Узун соқол мавзеида душман билан жангга киришдилар. Савалашиб бошланди. Шу пайтда Динмуҳаммаднинг Пули солорда жанг майдонидан қочган иниси Боқий султон Пирмуҳаммадга келиб қўшилди. Боқий султон Таваккалхон қўшинлари билан бир неча бор жанг қилди ва кўпчилигида ғалаба қозонди... Боқий султон ва Пирмуҳаммадхон шу вақт ичида тишимсиз ва жон олиб-жон бериб жанг қилдилар. Охири Таваккалхон сабр-тоқати тугаб, бор кучлари билан Пирмуҳаммадхон қўшинларига ташланди. Қирғинбарот уруш бўлди. Жангда Таваккалхон жангчилари қўлида Пирмуҳаммадхоннинг қариндоши Сайид Муҳаммад султон ва Муҳаммад Боқий оталиқ шаҳид этилган бўлса ҳам, Таваккалхоннинг ўзи ҳам ўқ сб оғир заҳмдор бўлди; бирон натижага эриша олмади. У чекинишга мажбур бўлди ва Тошкентга қайтиб кетиб, ўша ерда ўлди. Пирмуҳаммадхонга келсак, у кўрсатган хизматлари учун Боқий Муҳаммадга, яқин маслаҳатчилари билан кенгашиб, Самарқанд вилояти ҳокимлигини берди ва Бухорога қайтди. Боқий султон хурсанд ва мамнун бўлиб, Самарқандга келди... Бир оз муддат ўтгач, [Пирмуҳаммадхон] нақшбандия тариқатининг шайхлари воситачилигида Тошкентга келган қозоқ султонларининг етакчиси билан сулҳ шартномаси тузилди. Шартномага кўра Самарқанд лашкарлари минбаъд Тошкентга даъвогарлик қилмайдиган бўлди.

[Лекин] Боқий султон Пирмуҳаммаднинг унга берган ноблик мансаби билан қаноат қилмади. У энди ўз мақсади йўлида ҳамфикр ўзбекларни тўплаш бошлади ва уларни хонга қарши қўзғатди. Тез орада Боқий Муҳаммаднинг атрофига анча киши уюшди. Улар танаҳда амакларини Раҳмонқули ва Аббосқули, иниси Турсун Муҳаммад султон турардилар. Пирмуҳаммадхон

нинг одамлари Боқий султоннинг хатти-ҳаракатини диққат билан кузатиб турдилар; лекин Боқий Муҳаммад Бухоро ҳукуматида тобеликни хўжақўрсинга сақлаб келаётган бўлса-да, буни кўрмасликка олардилар. Охири Боқий султон очик исён кўтарди. Миёнқолга бостириб кирди. Дабусия қалъасини эгаллади, унинг қариндоши Пирмуҳаммадхоннинг қариндоши Муҳаммад Шариф султонни ўлдириди. Пирмуҳаммадхон Балхдан мадад сўради ва қирқ минг кишилик лашкар билан Самарқанд устига қўшин тортиди, уни қамал қилди. Лекин Бухоро хонининг омади келмади, у ярадор бўлиб, қўлга тушди. Боқий султон ўша заҳотиёқ уни ўлимга буюрди... Боқий султон Бухорога қараб юрди, ҳеч тўқинликка учрамай шаҳарга кириб тахтни эгаллади. Бу воқеа 1599 йилнинг ёзида юз берди» (В. В. Вельяминов-Зернов. Исследование о Касымовских царях и царевичах, 342—360-бетлар). Бунга қар қалай, «Муқимхон тарихи»да келтирилган қўйидаги воқеа сабаб бўлган: «Боқий Муҳаммадхон билан Вали Муҳаммадхон тоғфирлардан енгилб, Мовароуннаҳрға яқинлашганларида Бухоро амирлари Динмуҳаммадхоннинг қизилбошлар билан бўлган жангда ўлдирилгани хабарини эшитдилар. Унинг икки укаси Мовароуннаҳрға етиб келди. Буни яхшиликка йўйиб, шукр қилиб, Бухоро амирлари шаҳзодалар қаршисига пешвоз чиқдилар ва ўша кунёқ Боқий Муҳаммадхон бошига тож қўйдилар. Вали Муҳаммадхонни валнаҳд этиб тайинлаб, қуббат ул-ислом Балх вилоятига жўнатдилар».

Бу ерда воқеалар бир оз чалкаштирилган. Аслида Боқий Муҳаммадхон Абдуллахон ва Абдулмўмин вафотидан кейиноқ ҳокимнинг тепасига келмаган, 1601 йилда келган. Буни XVI—XVII асрларга доир қатор қўлёзма манбалардаги маълумотлар ҳам исботлайди. Уларнинг бир қисми Туркистон тарихи талқи-қотчиларига таниш эмас эди. Бу асарлар қуйидагилардир:

1. «Мусаххир ул-билод» («Мамлакатлар фатҳи»). У 1605 йили Муҳаммадёр ибн Араб қатағон томонида ташлиф этилган ва аштархонийлар ҳукмдори Боқий Муҳаммадхонга бағишланган. Унда шайбонийлар сулоласига доир қимматли маълумотлар мавжуд;

2. «Мажмаъ ул-ғаройиб». Султон Муҳаммад Балхий қаламига мансуб; 1596 йилда ёзилган. Унда элат ва қавмлар, йиллар ва воқеалар ҳақида қизиқарли маълумотлар бор;

3. «Тарих-и оламройи Аббосий». Искандарбек мунший қаламига мансуб; уч жилдлик; 1616—1629 йилларда ёзилган. В. В. Вельяминов-Зернов асари учун асосий манба бўлган;

4. «Баҳр ул-асрор фи манокиб ул-ахёр» («Хайрли кишилар жасорати борасида сирлар девони»). Маҳмуд ибн Валининг 1634—1641 йилларда ёзилган қомусий асари;

5. «Матлаб уг-толибин» («Толиблар матлаби»). У XVI—XVII асрнинг биринчи ярмида ўтган Жўйбор шайхлари: хожа Муҳаммад Ислоҳ (1493—1563), хожа Саъд (1531—1588), хожа Тождидин Хасан (1574—1646), хожа Абдурахим (1575—1628), Абдихожа (1577—1607) ва Муҳаммад Юсуфхожа (1593—1652)

сингари машҳур ҳоҷаларнинг таржиман иборат. Муаллифи мазкур хожа Тожиддин Ҳасаннинг ўғли Абулғаббос Муҳаммад Толиб Сиддиқий; асар 1663 йилда ёзилган бўлиб, XVI—XVII асрларда бўлиб ўтган муҳим сиёсий воқеаларга доир маълумотларга бой;

6. «Тарихи Муқимхоний». У Муҳаммад Юсуф Мунший тарафидан 1697—1704 йилларда ёзилган. 1598—1702 йилларда Бухоро хонлиги, кўпроқ ярим мустақил Балх хонлигида бўлиб ўтган сиёсий воқеалар баёнидан иборат;

7. «Тарихи Қипчоқхоний» — мусулмон дунёсининг умумий тарихи. Охириги (бешинчи) қисми оригинал бўлиб, XVI—XVIII асрларда Урта Осиё ва унга қўшни Шарқ мамлакатлари тарихига доир қимматли маълумотларга эга. У Хожамқулибек Балхий томонидан 1724 йилда ёзиб тугатилган;

8. «Силсилат ус-салотин». Урта Осиёнинг XVI—XVIII асрнинг биринчи чораги тарихига доир кам ўрганилган қизиқарли асар. 1730 йилда аштархонийлар сулоласига мансуб бўлган шаҳзода хожа Мир Муҳаммад Салим томонидан ёзилган. Ҳозирча унинг Бодлеян кутубхонаси (Буюк Британия) да сақланаётган ягона нусхаси аниқланган;

9. «Тарихи Сайид Роқим». Мулла Шарафуддин аълам ибн Нуриддин охунд қаламига мансуб бўлиб, тарих ва сулолаларга доир бой маълумотларга эга.

Энди Пирмуҳаммад ҳақида. У шайбонийлардан бўлиб, Сулаймон султоннинг ўғлидир. Сулаймон султон Шайбонийхоннинг сафдошларидан Жонибек султон (вафоти 1523 йил) нинг еттинчи ўғли, Абдуллахоннинг жияни. Унинг отаси Искандар султон (вафоти 1583 йил) ҳам мазкур Жонибек султоннинг бешинчи ўғли бўлган; Абдулмўмин қирғинидан Пирмуҳаммад уч нафар ўғли билан бирга Миёнқолда жон сақлаб қолган; уч йил давомида (1598—1601) Бухоро хони бўлган.

Бу гаплар шунчаки гап бўлиб қолмаслиги учун Абдуллахонни соний вафотидан (1598 йил 8 февраль) кейин Урта Осиё ва Хурросонда юз берган воқеаларга тўхталиб ўтамиз. Отаси вафотидан кейин Абдулмўмин олти ойгина ҳокимият тепасида турди, кейин фитначилар томонидан ўлдирилди. Уларнинг тепасида Абдуллахоннинг эски амирларидан Абдуссамад баҳодир мироҳўр ва Муҳаммадқул баҳодир тирандоз турдилар. Бу воқеа 1598 йилнинг июль ойида Уратепа билан Зомин оралигида содир бўлди. Шундан кейин, юқорида қайд этилган қўлғизма манбаларга қараганда, Мовароуннаҳрда ўзаро феодал курашлар кучайди, бошбошдоқчилик бошланди; шимол тарафдан эса Таваккалхон бошчилигида қозоқлар бостириб кирди, улар Тошкент билан Самарқандни олиб, Бухорога яқинлашдилар. Лекин Бухоро амирлари орасида яқдиллик бўлмади. Улар икки гуруҳга ажралиб кетдилар: бир гуруҳи — Оллоҳберди кўкалтош, Қосим ҳожи керонт, Аваз эшик оғаси, Валибек ҳожи, Мансур ҳожи тархон ва бошқалар Ибодулла султоннинг 17 яшар асранди ўғли Абдуламин султонни (Испанд султон номи билан ҳам танилган)

олиб, Балхга қараб кетдилар ва ўша жойда уни хон қилиб кўтардилар. Бошқа бир гуруҳи — Худойназарбий, Дўстим Чухра оғаси ва бошқалар Абдулмўмин қирғинидан омон қолган Пирмуҳаммадни уч ўғли билан бирга олиб келиб, ўзини шайбонийларнинг олий ҳоқони деб эълон қилдилар. Ҳиротда ҳокимиятни аштархонийлардан Ермуҳаммадхон (Жўчининг ўн учинчи ўғли Тўқай Темур авлодидан)¹ нинг ўғли Динмуҳаммадхон эгаллади. Илгари у Сейистонни Абдуллахон номидан идора қилган; 1586 йилдан кейин эса Жом вилоятини бошқарган; ундан сўнг отаси Ермуҳаммадхонни хон деб эълон қилди.

Мовароуннаҳр билан Хурросонда воқеалар шундан кейин қуйидаги тарзда ривожланди. Қозоқ султонлари Таваккал, Баҳодир ва Эшим Мовароуннаҳрдаги тартибсизликдан фойдаланиб 1598 йили Сайрамда бирлашдилар ва Тошкентга қараб юрдилар. Улар, юқорида айтилганидек, Тошкент ва Самарқандни осонгина қўлга киритдилар ва кўз кўриб қулоқ эшитмаган қирғин ва босқин билан шуғулландилар. Кейин қўшинларининг бир қисмини Самарқандда Эшим султон билан қолдириб, Бухоро томон юрдилар. Маҳмуд ибн Валининг гувоҳлик беришича, ўшанда Миёнқолнинг Дабусия ва Куфин қалъаларидан ташқари барча қишлоқлари босиб олиниб, талон қилинди. Кейин қозоқ қўшинлари Бухорони икки ой давомида қамалда тутдилар.

1598—1602 йилларда Балхда Абдуламин султон (1598—1600), Иброҳим султон (1600—1601) лар ҳокимлик қилдилар. Иброҳим султон шайбонийлардан Суюнч Муҳаммад султоннинг ўғли бўлиб, унгача шоҳ Аббос аввал (1587—1629) саройида Исфаҳонда истиқомат қилди. Маҳмуд ибн Валининг ёзишича, Муҳаммад Иброҳимхон кейинчалик халққа, шунингдек амалдорларга ҳам зулм қилган. Улар Самарқанд ҳокими Вали Муҳаммадхонга ёрдам сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлдилар. Вали Муҳаммадхон тўхтовсиз Балх устига қўшин тортди. Бу юриш 1601 йилнинг июлидан сентябригача давом этди. Аштархонийлар қўшинининг Амударёнинг сўл соҳилида пайдо бўлиши ҳамма ни саросимага солди. Амирлар Балхдан икки фарсах шимолда жойлашган Сиёҳжирд қишлоғида Муҳаммад Иброҳимхондан юз ўғирдилар. Замондош тарихчи ёзади: «Икки лашкар бир-бирига қарши саф тортган бир пайтда Вали Муҳаммадхон билан жанг қилгани чиққан Балхнинг ҳар бир амири ва ботири қилич ва қалқонини бўйнига осиб Вали Муҳаммадхон узангисини ўлишига шошилдилар. Бу ҳам етмагандай, улар Иброҳимхонни тутиб, бошини танидан жудо қилдилар ва Вали Муҳаммадхон оти оёғи остига ташладилар» («Тарихи Муқимхоний», 75-бет). Балхга ҳужум қилишга эҳтиёж қолмади. Балхнинг эътиборли амирлари Назарбий ва Шукурбий шаҳар дарвозаларининг ка-

¹ Кўчкунчиҳон (1510—1531) замонида Аштархонни ташлаб чиқиб, Самарқандга келган; қизин Турсунбекани Искандархонга узатиб, шайбонийлар билан қариндош бўлган Мингқишлоқхоннинг ўғли, Ермуҳаммад Турсунбеканинг иниси эди.

лидини олиб чиқиб, шаҳарни аштархонийларга таслим қилдилар. Шундай қилиб, 1601 йилнинг декабрь ойида Балх аштархонийлар қўлига ўтди. Шу ерда Жонимуҳаммадхон номига кутуба ўқилди ва Балх ҳокимлигига Вали Муҳаммадхон тайинланди («Баҳр ул-асрор», Индия Оффис кутубхонасининг қўлёзмаси, в. 646—65а—в.).

Энди 1598 йилдан кейин Хуросонда бўлиб ўтган воқеаларни олиб кўрайлик. Юқорида номи тилга олинган Динмуҳаммадхон Абдулмўминнинг ўлдирилганлигини эшитиб, Ҳирот сари юзланди. Абдулмўмин томонидан ўлдирилган Қулбобо кўкалтош ўрнига қўйилган Ҳожибий унга дарвозани очиб, шаҳарни топширди. Динмуҳаммад отаси Ермуҳаммадни тахтга ўтқизиб, бошқа вилоятларни: Фараҳ, Исфароин, Нишопур, Сабзавор ва Марви шоҳжаҳонни бўйсундиришга киришди. Кейин Сейистонни олди. Хуллас, бир йил давомида у Сабзавордан Марвчоққача ва Марвдан Сейистонгача бўлган ерларни ўзига бўйсундирди. 1599 йилнинг июнь ойида шох Аббос аввал Динмуҳаммадхонга қарши қўшин тортди; Исфароин, Сабзавор, Нишопур ва Машҳадни осонгина қўлга киритди ва 1599 йилнинг 28 июлида Ҳиротдан тўрт фарсах гарбда жойлашган Пули солор мавзеига келиб тушди. 1599 йилнинг 29 июлида қирғинбарот уруш бўлди. Бу урушда қизилбошларнинг қўли баланд келди. Ўзбеклар тўрт минг кишидан ажралди. Улар орасида Динмуҳаммадхон ҳам бор эди. Шунда Вали Муҳаммадхон ўз мулки бўлмиш Марви шоҳжаҳонга қараб кетди, Боқий Муҳаммад ўн яшар Имомқули султонни ва олти яшар Нодир Муҳаммадхонни, шунингдек марҳум Динмуҳаммадхоннинг ўғиллари, унинг отаси Ермуҳаммадхон ва оиласини ўзи билан бирга олиб, Маймана ва Фарёб томонга қараб қочди. Сўнг Амударёдан ўтиб, Бухоро тарафга қараб кетди.

Айнан шу вақтда Самарқанд ва Бухорода қандай воқеалар бўлаётган эди? Пирмуҳаммадхон Мовароуннаҳрга бостириб кирган қозоқ султонлари Таваккал, Эшим ва Баҳодир билан жанг қилди. Таваккал Бухорони қамал қилгани билан уни ололмади. Тошкент, Миёнқол амирларидан Муҳаммад Саидбек жалоир, Аббос қоровулбеги қирғиз, Мирзаш найман, Назарбийларнинг Пирмуҳаммадхон тарафга ўтиб кетиши бунга сабаб бўлди. Бунга қадар улар қозоқ султонлари хизматида эдилар. Оқибатда Таваккал қамални бўшатиб, Самарқанд тарафга чекинишга мажбур бўлди. Муҳаммад Боқибий дўрмон, Худойназарбий, Дўстим Чўра отаси, Дўстимбий арғин ва бошқа амирлар бошлиқ Бухоро лашкарлари уни таъқиб этиб, Миёнқолнинг Учқора мавзеида унга етиб олдилар. («Тарихи оламороийи Аббосий» ва «Силсилат ус-салотин»да Ўзун соқол дейилган). Жанг қизиб турганда шайбонийлардан Сайид Муҳаммад султон ва Тўқай Темурийлардан Муҳаммад Султон ва Раҳмонқул султон Ермуҳаммадхоннинг ўғиллари Пирмуҳаммадга келиб қўшилдилар. Ушанда шайбонийлар ва аштархонийларнинг бирлашган кучлари галаба қилди. Таваккал қўшинлари тор-мор келтирил-

ди. Қозоқ қўшинларининг қўмондони Абулвасебий жангда ҳалок бўлди, оғир яраланган Таваккални Тошкентга олиб кетдилар. Эртаси куни Пирмуҳаммадхон ўрдасига Боқий Муҳаммад ва Вали Муҳаммад бошлиқ қолган Тўқай Темурийлар етиб келди.

Таваккал султон билан бўлган бу ҳал қилувчи жанг қачон бўлган? Маълумки, тирик қолган Тўқай Темурийлар Боқий Муҳаммад ва Ермуҳаммад 1599 йилнинг 29 июлида бўлган урушдан кейин Пули солор (ёки Молон) қишлоғини ташлаб чиқдилар. Мовароуннаҳрга улар Маймана ва Фарёб орқали келдилар. Бир ой йўл юрган, деб тахмин қилсак, улар Бухоро, кейин Миёнқолга 1599 йилнинг 28 августиде етиб келган бўлиб чиқади. Султонлар етиб келганларининг учинчи куни ҳар икки тараф ҳал қилувчи жангга сафландилар. Маҳмуд ибн Вали бу жанг тафсилотини келтирган. Пирмуҳаммадхон соний қўшинларининг ўнг қанотига Сайид Муҳаммад султон, Раҳмонқул султон ва Муҳаммад Боқибий дўрмон қўйилди. Сўл қанотга Боқий Муҳаммадхон ва Вали Муҳаммадхон тайинланди. Марказда Пирмуҳаммадхоннинг ўзи олий мартабали амирлар Шох Кўчакбий оталиқ, Муҳаммадбий оталиқ баҳрин ва бошқалар билан турди. Қозоқ қўшинларининг сўл қанотида турган Эшим султон шайбоний қўшинларининг ўнг қанотига ҳужум қилиб, уни бир қадар пароканда қилди. Сайид Муҳаммад султон ва Муҳаммад Боқибий жангнинг дастлабки соатларидаёқ ўлдирилдилар. Қолганлар тартибсиз чекина бошлади. Шунга қарамай, Боқий Муҳаммадхон чекинаётганларни тўхтатишга ва жавоб ҳужуми уюштиришга муваффақ бўлди. Шайбонийларнинг қалб ва сўл қаноти ҳам ҳужумга ўтди. Бу қирғинбарот жангда ҳар икки томон ҳам кўп одамини йўқотди. Охири шайбонийлар галаба қозонди. Қозоқ лашкарлари Дашти қипчоққа чекиндилар. Таваккал томонидан Самарқандда ҳоким қилиб қолдирилган Муҳаммад Саид жалоир шаҳарни Пирмуҳаммадхонга топширди. Мовароуннаҳр ҳудуди бир неча ой давомида озод этилгандан кейин Пирмуҳаммадхон Самарқанд ва унга тобе туманларни, қасаба ва рустоқларни Боқий Муҳаммадхон ва бошқа аштархоний султонларга топширди. Юқорида зикр этилган воқеалардан кейин Самарқандга Боқий Муҳаммадхон ва бошқа аштархонийларнинг тайинланиши 1599 йилнинг октябрь ойи охириларига тўғри келади.

Пирмуҳаммадхон Бухоро хонлигини яна икки йил идора қилди. Бу ҳақда «Баҳр ул-асрор», «Тарихи оламороийи Аббосий», «Силсилат ул-салотин» ва бошқа битик манбалар гувоҳлик беради. Масалан, «Тарихи оламороийи Аббосий»да Эрон ва Урта Осиёда бўлиб ўтган воқеалар йиллар ва ойлар бўйича баён этилади. Хусусан, Пирмуҳаммадхон соний элчиларининг 1600 йил 9 мартда Машҳадга етиб келгани ҳақида (Шох Аббос Наврўз таитаналари муносабати билан шу ерда эди) ёзилади. Искандарбек мунший келтирган мактуб мазмунига қараганда, сафавийлар саройида мазкур Муҳаммад Иброҳим султоннинг

паноҳ топгани ва энг камида Балх тахтидан унинг умидворлиги Бухоро хонини ташвишга соларди. Пирмуҳаммадхон ўз мактубида уни тутиб беришни шоҳдан қатъий сўраган эди. Мактубида хусусан мана буларни ўқиймиз: «Фарзанди аржумандимиз Муҳаммад Иброҳим ибн Жонибекхон, подшоҳи марҳум, Абдуллахоннинг амакиси, давлатимизнинг садоқатли дўсти ва хайрихоҳи ҳазрат (Пирмуҳаммадхон)нинг марҳаматли ходимлари тарафидан ҳибсга олинган эдилар. Маълум бўлишича, маъсум аждодларингиздан мерос олган шафқати жабиллийингизга амал қилиб, Зарурат юзасидан ундан марҳаматингизни дариг тутмадингиз. Бу мамлакат ҳукмдорлиги дўсти содиқингизга мерос қолган экан, ул содиқ дўстин биз ўз фарзандимиз қаторида кўрурмиз. Уни биз томонга жўнатини жаноби олийлари ихтиёр қилгудек бўлсалар марҳамати олий ва меҳрибонлик кўргузган бўлур эдингиз». Искандарбек мушыйнинг кейинги ҳикояларига қараганда, шоҳ Бухоро элчисига Муҳаммад Иброҳимхонни қўйиб юборишга ваъда берган. Аммо уни эътиборли маҳбус тарзида эмас, олий ҳукмдор сифатида кузатиб қўйишни таъкидлайди. Айнан шу пайт Боқий Муҳаммадхоннинг Пирмуҳаммадхон қўшинларини тор-мор келтиргани ва Бухорони эгаллагани ҳақида Марвдан хабар келади. Шунинг учун муаррих «Муҳаммад Иброҳим султонни жўнатиш масаласи кейинга қолдирилган эди»,— деб хулоса қилади. Шу нуқтаи назардан «Мусаххир ул-билод» муаллифининг Сайид Муҳаммад султон ибн Кепак султон ибн Бубай султон (Жонибек султоннинг тўнғич ўғли) га бағишланган бобда келтирган маълумотлари эътиборга сазовордир. Унда жумладан шундай дейилади: «Сайид Муҳаммад султонга акаси Суюнч Муҳаммад султон вафотидан кейин Абдуллахон Соғарж вилоятини инъом қилди. Абдулмўмин Хуросоннинг баъзи вилоятларини қўлга киритгандан кейин (XVI асрнинг 90-йилларида) отасидан Сайид Муҳаммад султонни сўратиб олиб, уни Турбатни Жомга ҳоким этиб тайинлади. 1598 йилнинг июль ойида Абдулмўмин ўлдирилгач, Сайид Муҳаммад султон Балхга кетиб қолди. Кейин Пирмуҳаммадхоннинг хизматида ўтди. Мовароуннаҳрнинг амир ул-умароси Муҳаммад Боқибий бошчилигида бир гуруҳ амирлар Учқорадаги Таваккал султон билан бўлган жангдан олдин қозоқларни енгган тақдирда Пирмуҳаммадхонни маъзул этиб, шу Сайид Муҳаммад султонни тахтга ўтқазишга қарор қилдилар. Лекин ўйлаганлари чиқмади — фитна ташкилотчиси ва бўлажак хон мазкур жангда ўлдирилган эдилар. Сайид Муҳаммад султондан ёлғиз Жаҳонгир султон деган ўғил қолди. Отаси шаҳид бўлганда у ўл яшар эди. Таваккал устидан қозонилган ғалаба ва мамлакатда тартиб ўрнатилгандан кейин Пирмуҳаммадхон ўша Жаҳонгир султонни Тошкент ҳокимлигига тайинлади. 1601 йилда, орадан бир йил ўтгач, Пирмуҳаммадхон билан Боқий Муҳаммадхон ўртасида адоват бошланди». Пирмуҳаммадхон билан Боқий Муҳаммадхон ўртасидаги келишмовчилик ва жанг ҳақида Маҳмуд ибн Вали ва ҳожи Мир Муҳаммад Салим батафсил ҳикоя

қиладилар. Уларнинг ёзишига кўра, жалояир (Муҳаммад Саидбий), дўрмон (Боқибий, Алиқулибий, Соқибек) ва бошқа қабила бошлиқларининг иғвоси билан Пирмуҳаммадхон ва Боқий Муҳаммадхон ўртасидаги муносабатлар бузилган. Улар Пирмуҳаммадхонни аввал «Самарқандга қўшин тортиб, у ердаги Тўқай Темурийлар ҳокимиятини тугатишга» ундадилар, кейин ҳал қилувчи дақиқаларда унга сотқинлик қилиб, Боқий Муҳаммадхон томонига ўтиб кетдилар («Баҳр ул-асрор», Индия Оффис кутубхонаси қўлёзмаси, в. 59 а). Яна бошқа муҳим сабаб ҳам бор эди. Маҳмуд ибн Валининг эътирофича, Боқий Муҳаммадхон ўзбошимчалик билан иш тутган, бунинг устига ўз улусини кенгайтиришга ҳаракат қилган. Масалан, 1601 йилда у Миёнқолнинг энг мустақкам қалъаси Дабусияни босиб олди, кейин Қарши билан Кешни қўлга киритди. Бу ҳол катта ҳарбий тўқнашувга сабаб бўлди. Яна ўша Маҳмуд ибн Валининг сўзларига қараганда, Самарқанд яқинидаги Боғи шамол мавзенида бўлиб ўтган бу жангда Бухоро қўшинлари сон жиҳатдан кўп эди. Унга Балхдан ҳам мадад келганди. Масалан, Пирмуҳаммадхоннинг сўл қанотида Шоҳхожа нақиб, Шукурбий сарой ва Саид Али осс бошчилигидаги Балхнинг ўн минг кишилик қўшини турарди. Шунга қарамай, Боқий Муҳаммадхоннинг қўли баланд келди. Пирмуҳаммадхон ва қўлга тушган унинг барча эътиборли амирлари қатл этилди. «Силсилат ус-салотин»да ёзилишича: «Боқий Муҳаммадхон зафар қозониб, Бухорога яқинлашганда катта-кичиккача барча ранят унинг истиқболга чиқди ва саодатли ул музаффар хон шаҳарга кирди ва 1601 йилда шоҳлик ва жаҳондорлик тахтига ўлтирди» («Силсилат ус-салотин», в. 1616.). Хўжамқулибек Балхий асарида ҳам шу гапларни ўқиймиз. Лекин бунда бошқа сана — 1602 йил кўрсатилади. Жумладан, у бундай ёзади: «Пирмуҳаммадхон ибн Жонибек султон. Абдулмўминхон воқеасидан кейин бухороликлар уни (Пирмуҳаммадхон) Балхдан чақиртириб олиб, 1598 йилда хонлик тахтига ўтқиздилар... Боқий Муҳаммад султон Пирмуҳаммадхон қўшинининг қалбига зарба берди. Балхликлар жанг майдонини ташлаб чиқдилар. Узоқ давом этган жангу жадаллардан кейин Пирмуҳаммадхон самарқандликлар қўлига асир бўлиб тушди ва шу ондаёқ шаҳодат шаробини ичди. Бу воқеа 1602 йили содир бўлди. Унинг ҳукмронлик муддати уч йил, саксон йилга яқин умр кўрди. Самарқандда дафн этилди» («Тарих-и Қилчоқхоний», Бодлеян кутубхонаси қўлёзмаси, 117-рақам, в. 2696—270а).

Юқорида келтирилган маълумотлардан қуйидаги хулосани чиқариш мумкин. Айрим тадқиқотларга қараганда («Ўзбекистон ССР тарихи», «Самарқанд тарихи», Лэн-Пуль ва Цамбауэр хронология ва генеалогия жадваллари) шайбонийлар сулоласи Абдулмўмин вафотидан кейин—1598 йилда барҳам топган. М. А. Абдураимовнинг таъкидлашича, шайбонийларнинг сўнгги вакили Бухоро хонлиги тахтида «Абдуллахоннинг амакиси кекса Пирмуҳаммадхон бўлган». Лекин унинг қанча ҳукмронлик

гиллавланишни олим ёзмайди. Кўпчилик тадқиқотчилар (В. В. Вельяминов-Зернов, В. В. Бартольд, Г. Ховорс, «Тожикистон ССР тарихи», Қ. Э. Босворт хронология ва генеалогия жадваллари) шайбонийларнинг ҳукмронлик қилган сўнги вакили дарҳақиқат Пирмуҳаммадхон ибн Сулаймон султон бўлган ва у қисқа вақт ҳукмронлик қилган — шайбонийлар сулоласи 1599 йилда тугади, деб ҳисоблайдилар.

Барча маълумотларни синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳамма муаллифлар бу борада В. В. Вельяминов-Зерновнинг «Қосимовлик подшоҳлар ва шаҳзодалар тўғрисида тадқиқотлар» китобига, В. В. Вельяминов-Зернов эса Искандарбек муншийнинг «Тарихи оламорои Аббосий» ва Муҳаммад Юсуф муншийнинг «Муқимхон тарихи»га таянган.

Биз В. В. Вельяминов-Зернов кўрган манбалардан ташқари, шайбонийлар ва аштархонийлар саройига яқин бўлган, ёки хон кутубхоналарида хизмат қилган, демак, қўлларида ишончли манбалар бўлган муаррихларнинг асарларини ҳам тадқиқотимизда истифода этдик. Биз кўрган манбалар орасида «Тарихи оламорои Аббосий» (11 жилди, 1616 йилда таълиф этилган), «Баҳр ул-асрор» (1634—1641 йилларда таълиф этилган), «Матлаб ут-толибин» (1663 йилда ёзилган) ва бошқа асарлар бор. Шайбонийлар даври ва аштархонийларнинг ҳокимият тепасига келиш даврини 15—63 йиллик вақт ажратиб туради. Искандарбек мунший асаридан кейинроқ ёзилган бўлишига қарамай, «Баҳр ул-асрор», айниқса унинг тўртинчи рукини (409-барақ) аштархонийларнинг аждоди Тўқай Темур (XIII асрдан тўртинчи Бухорода Нодир Муҳаммадхон (1642—1645) нинг ҳокимият тепасига келгунга қадар бўлган тарихига доир энг тўлиқ ва эътимомли манба ҳисобланади. Бу асар расмий сулола тарихлари, воқеаларни кўрган-эшитганларнинг хотиралари асосида ёзилган. Юқорида айтилганидек, В. В. Вельяминов-Зернов асарида шайбонийлар сулоласи 1599 йилда тугади, дейилган. Тадқиқотчи назарига тушмай қолган «Тарихи оламорои Аббосий» асарида 1599—1600 йил воқеалари орасида 1600 йил 9 мартда Пирмуҳаммади соний элчиларининг Машҳадга, шоҳ Аббоси аввал ҳузурдаги ўз рақиби Муҳаммад Иброҳим султонни сўраб келганлиги тўғрисидаги ҳикоя мавжуд. Демак, 1600 йилда Пирмуҳаммадхон ҳали тахтада ўлтирган. «Баҳр ул-асрор» ва «Матлаб ут-толибин»га, Урта Осиёнинг ўзида битилган асарларга келсак, буларда сулолалар алмашинуви йили 1601 йил деб аниқ кўрсатилган.

Уртага қўйилган масалани ҳал қилишда мазкур манбаларнинг яна учтаси — «Тарихи Қипчоқхоний», «Тарихи касира» (ёки «Тарихи Саид Роқим») ва «Силсилат ус-салотин» муқим ўрин тутади. Бу асарлар муҳокама этилаётган воқеадан юз йилча кейин ёзилган бўлишига қарамай, улар Урта Осиёнинг XVI—XVII асрлар тарихини ўрганишда қимматли манбалардир. Уларда илгариги манбаларда учрамайдиган тафсилотлар мавжуд.

Бунинг устига шу вақтгача тадқиқотчиларга номаълум бўлган «Силсилат ус-салотин» аштархонийлар сулоласи вакили қаламига мансуб бўлиб, хронологик ва генеалогик маълумотларга бойдир. «Тарихи касира» ва «Силсилат ус-салотин»да аштархонийларнинг ҳокимият тепасига келган йили 1601 деб аниқ кўрсатилган. «Тарихи Қипчоқхоний»да, юқорида айтилганидек, кейинги йил — 1602 йил кўрсатилган.

Қўрамизки, аҳамиятли нуқтаи назардан бошқалардан қолишмайдиган кўпчилик манбалар берган маълумотларга кўра шайбонийлар қўлидан ҳокимиятнинг аштархонийларга ўтиш санаси 1598 йил бўлмасдан, 1601 йилдир.

Шундай қилиб, 1601 йилда Бухоро хонлигида ҳокимият янги сулола — жонийлар (Жони Муҳаммадхон номидан) ёки аштархонийлар (келиб чиқиш ўрни бўйича) деган ном олган Тўқай Темурийлар сулоласи қўлига ўтди. Бухоро тахтига ўлтирган унинг биричи намояндаси Жони Муҳаммадхон бўлган ва, Цамбаурнинг фикрига кўра, 1601 йилда ҳукмронлик қилган, унинг номига таъга зарб қилинган.

ЎЗБЕКЛАР

(Ўтмиши, кечмиши, келажаги)

I

Ўзбеклар Урта Осиёнинг қадимги халқларидан бири бўлиб, қўҳна ва бой тарихга, юксак маданиятга эга халқ. Улар сон жиҳатидан ҳам катта. Уларнинг нафақат Урта Осиё, балки собиқ Иттифоқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ҳам салмоқли бўлган. Расмий маълумотларга кўра, жами ўзбекларнинг сони 22 миллион, шундан 15 миллион 391 минги (1979 йилда қилинган ҳисоб-китоб) Ўзбекистоннинг ўзида истиқомат қилади. Ўзбекларнинг катта бир қисми Урта Осиёнинг бошқа жумҳуриятларида, шунингдек хорижий мамлакатларда (Афғонистон, Хитой, Туркия, Саудия Арабистони, АҚШ, Германия ва ҳ.к.) истиқомат қиладилар. Масалан, Тожикистонда 1 миллионга яқин, Қирғизистонда 333 минг, Қозғистонда 216 минг 300, Туркияда 179,5 минг, Афғонистонда 1 миллиондан ортиқ, Саудия Арабистонда 400 минг атрофида ўзбеклар истиқомат қиладди. Уларнинг кўпчилиги асосан 20-йилларда ўтказилган «миллий чегаралаш», 20—30-йиллардаги ур-йиқитларнинг «шарофати» билан ўзга юртларга бориб қолишган.

Хўш, бу халқ ўзи қандай халқ? У қачон келиб чиққан? Шу саволлар билан одамлар менга кўп мурожаат қилишади, хатларда ҳам, ҳар хил йиғилишларда ҳам, кўча-кўйда ҳам шуни мендан сўрашади. Нима учун шу вақтгача ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихи ёзилмади? деб кўйинишади. Нима ҳам дердим — саволлар тўғри, эътирозлар ўрнили, албатта. Ҳақиқатан ҳам биз тарихчилар бу масала билан жиддий шуғулланмадик, ҳозир ҳам

астойдил шуғулланаётганимиз йўқ. Биз аҳён-аҳёнда, ҳушимизга келганда, маҳаллий газета ва журналларнинг саҳифаларида «Ўзбекларнинг келиб чиқиши тарихидан», «Ўзбеклар қандай келиб чиққан?», «Ўзбек халқининг шаклланиши» каби умумий тарздаги, баъзан чалкашликлардан ҳоли бўлмаган мақолалар билан чиқиб турибмиз, холос. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихининг ёзилмаганига биргина тарихчиларнинг «эринчоқлиги» сабаб бўлгани йўқ. Бунинг бошқа сабаблари ҳам бор, албатта. Эсингизда бўлса керак, яқиндагина суюкли шоирларимиз Эркин Воҳидов билан Абдулла Орипов ўзбеклар ва Ўзбекистон ҳақида шеър ёзганликлари учун қувғин остига олиниб, таҳқирландилар. Буни бир эслаб кўринг-а! Мана, беш-олти йил бўлдики, биз ўтмиш тарихимизни ўрганиш ҳуқуқига озми-кўпми эга бўлдик. Шунга қарамай, бу масала устида астойдил бош қотираётганимиз йўқ. Тўғри, масала шу қадар мушкул, жиддий ва нозикки, уни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш бир киши қиладиган иш эмас. Бунинг учун араб, форс, хитой ва бошқа шарқ ва ғарб тилларида ёзилган манбаларни бемалол ўқий оладиган тарихчи, етук археолог ва антрополог, яхши тилшунос олим, қадимий халқлар ҳақида уларнинг туриш-турмуши, дини-этиқоди ва бошқа белгиларига қараб илмий ҳулоса чиқара оладиган этнограф, классик жўғрофия илмини, айниқса топонимикани яхши билган жўғроф, халқ оғзаки адабиётини мукамал билган фольклорчи олимларнинг биргаликда, бошқа юмушларини йиғиштириб қўйиб, илмий-тадқиқот ишлари билан мунтазам шуғулланиши талаб қилинади. Хўш, бизда шундай юқори малакали мутахассислар борми? Бор, лекин уларнинг бошини қовуштириб ва уларга зарур шарт-шароит яратиб ишлатадиган мўмин-мусулмон бошлиқ топилмаяпти. Биз бу гапни ҳамма ерда: махсус йиғилишларда ҳам, матбуот, радио, телевидение орқали ҳам кўп марта айтдик. Раҳбарлар гапимизни нотўғрига чиқаришмаяптилар, аҳён-аҳёнда яхши қарорлар ҳам чиқаришадди. Лекин, афсуски, гап-гаплигича, қарор-қарорлигича қолиб кетяпти.

Мен ушбу мақола билан масалани узил-кесил ҳал қилмоқчи эмасман, чунки бу, биринчидан, бир мақоланинг ҳаддига сизмайди, иккинчидан эса, ҳали қилинадиган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар кўп. Такрор айтаманки, масала нафақат ўзбек халқи, балки Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари тарихига ҳам алоқадор бўлган энг мураккаб ва нозик масала. Мазкур мақолада мен шу масала хусусида билган нарсаларим, шахсий фикрларим билан шунчаки ўртоқлашмоқчиман, холос.

Аввало, баъзи олимлар ўртасида ҳукм суриб келаётган бир нотўғри фикр хусусида икки оғиз гапирмоқчиман. Баъзилар «ўзбек» деган этнонимнинг пайдо бўлган даврдан келиб чиқиб ўзбеклар халқ сифатида XV—XVI аср бошида шаклланган деб айтадилар. Афсуски, бу фикр ҳақиқатдан йироқдир. Тўғри, «ўзбек» этноними XV асрда эмас, XIV аср бошларида пайдо бўлди. XIV—XV асрларда араб ва форс тилларида битилган тари-

хий асарларда, аниқроғи Ҳамдуллоҳ Муствафийи Қазвиний (1281—1350), Носириддин ибн ал-Фурот (1334—1404), Ал-Асадий (1377—1447), Низомуддин Шомий (XV аср), Абдураззоқ Самарқандий (1413—1482), Хондамир (1475—1535) ва бошқа муаррихларнинг асарларида XIV аср бошларида Дашти қипчоқнинг шарқий қисмида, яъни Орол ва Каспийдан то Ғарбий Сибирнинг шимолий ҳудудларигача, Итил (Волга) ва Ёйиқ (Урол) дарёларининг шарқий соҳилларидан Балхаш кўли ва Чу воҳасигача бўлган ҳудудда истиқомат қилган турк-мўғул қабилалари шу ном билан — ўзбек номи билан аталган. Айрим тарихчи олимлар (Н. П. Иванов, А. Ю. Якубовский, Чапличка, Хилда Хукэм) «ўзбек» этнонимини машҳур Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (1312—1342) нинг номи билан боғлаб, ўша қабилалар (буркут, қиёт, қўшчи, ийжон, қўнғирот, уйшун (усун), ўтарчи, наймон, жот, чимбой, қорлиқ, кенагас, дўрмон, қурловут, тубойи, манғит, нўкуз (нўкус), тангут, уйғур, хитой (қора хитой), тоймас, эчки, туман-минг ва ҳ. к.) шу вақтдан бошлаб «ўзбеклар» деб, улар кўчиб юрган мамлакат эса «мамлаката ўзбек» деб аталди, дейдилар. В. В. Григорьев, А. А. Семёнов ва ушбу сатрлар муаллифи юқорида зикр этилган олимларнинг китоблари ва бошқа бир талай қўлёзма асарларда тилга олинган ўзбеклар Оқ Ўрда (Дашти қипчоқнинг шарқий қисми)да кўчиб юрган турк-мўғул қабилаларига тааллуқли, Ўзбекхоннинг ҳокимияти эса Олтин Ўрда (Ёйиқ ва Волганинг ғарбий тарафидаги ерлар)да жорий бўлган, деган фикрни билдирадилар. Бошқа бир гуруҳ олимлар (Г. Вамбери, Г. Ховорс, М. П. Пельо) бошқачароқ, лекин диққатга сазовор фикр айтганлар. Уларнинг гапларига қараганда, Дашти қипчоқда кўчиб юрган турк-мўғул қабила-ларининг бир қисми ўзларини эркин тутганликлари сабабли шу ном (ўзбек, яъни ўз-ўзига бек) билан аталган.

Айтилган бу уч фикрдан қайси бири тўғрилигини ҳозирча айтиш қийин. Буни янги, яқин келажақдаги тадқиқотлар ҳал қилади.

Қандай бўлмасин, юқорида қайд этиб ўтилган қабилалар XIV асрнинг 80—90-йилларида бошлаб Сирдарё билан Амударё оралигидаги ерларга кўчиб кела бошладилар. 1500 йили эса улар Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигида Мовароуннаҳрни, 1504—1506 йиллари Хуросон билан Хоразмни забт этдилар. Шу вақтдан бошлаб Мовароуннаҳрнинг туркийзабон халқи ўзбек номини олди. Бу даврда эски ўзбек тили янада такомил-ланди, ривожланди. Бу тил икки дарё (Жайхун билан Сайхун) оралиғи, Балх, Бодҳиз ва Ҳирот ҳамда уларнинг теварак-атрофида истиқомат қилувчи туркийзабон элатлар учун муштарак бир тил бўлиб қолди. Лutfий, Атоий, Саккокий, Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ ва бошқа туркийўй шоир ва адибларнинг асарлари ҳамма учун тушунарли, барча туркийзабонларнинг адабиёти бўлиб қолди.

Хўш, биргина шу фактга, яъни «ўзбек» этнонимининг Мовароуннаҳрда қолиб келиши фактига асосланиб ўзбек халқининг

келиб чиқишини XV—XVI асрларга олиб келиб боғлаб бўлади-ми? Йўқ, албатта. Бундай қилиш илмга тамоман зиддир. Одатда халқнинг тарихи унинг номидан илгари юради ва буни та-рихчилар, айниқса этнографлар яхши билишади. Мисол тариқа-сида дунёнинг эътиборли халқларидан баъзиларининг — англиз-лар, французлар, русларнинг келиб чиқишига мурожаат қилиб кўрайлик. Инглизларнинг халқ бўлиб шаклланишида Британия оролларида милоддан аввалги биринчи минг йилликда истиқо-мат қилган гал ва бритт қабилалари иштирок этган. Милоннинг V—VI асрларида бу ерда Оврупо қитъасидан англ, сакс, ют ва бошқа герман қабилалари кўчиб ўтдилар. Шу вақтдан, яъни VI асрдан бошлаб Британия оролларида кўчиб юрган барча қабилалар умумий ном — англлар (инглизлар) номи билан (Овруподан Британия оролларида кўчиб ўтган англлар номи билан) атала бошланди. Франциянинг милоддан аввалги бирин-чи минг йиллик ўрталаридаги халқи галлар деб аталарди. V аср-да бу мамлакатга ҳам герман қабилалари: вестготлар, бургунд-лар ва франклар кўчиб келдилар. Французлар ўз номини ўша франклардан олишди. Русларга келсак, уларнинг рус халқи но-мининг олиши милоннинг IX—XIII асрларига тўғри келади. Бун-дан аввал улар ҳам турли номлар: вятичи, кривичи ва ҳ. к. ном-лар билан аталган. Рус номини уларга Днепрнинг ўрта оқимла-рида кўчиб юрган родий (росс, рус) қабилалари берган.

Ўзбекларнинг келиб чиқиши ҳам шундай, лекин тарихи узоқ, асрлар қаърига кириб кетган.

II

Кейинги йилларда жумҳуриятимиз археологларининг (А. Ас-қаров, У. Исломов, Ю. Ф. Буряков ва б. қ. бошчилигида) Хо-размда, Ўзбекистоннинг жанубида, Фарғона воҳасида, Тошкент ва бошқа вилоятларда олиб борган археологик қазилар, ку-ватиш ва тадқиқотлари натижасида Ўрта Осиёнинг, хусусан, шкки азим дарё — Жайхун билан Сайхун ораллигида милондан аввалги II—I асрлар — милоннинг V асрларида истиқомат қил-ган одамларнинг ҳаёти ва илк маданияти ҳақида ўта қимматли маълумотлар тўпланди. Истеъдодли антрополог олим Тельман Хўжаев қарийб 20 йил мобайнида Ўрта Осиёнинг турли ноҳия-ларидан топилган 500 га яқин антропологик материал асосида ҳозирги ўзбек ва воҳа тожикларига хос антропологик тип ми-лоддан аввалги биринчи минг йилликнинг охири ва милон-нинг бошларида Сайхуннинг ўрта ва қуйи оқимларида шаклланиб, кейинчалик, милоннинг II—III асрларида Фарғона билан Хоразм воҳаларига, Зарафшон водийсига кўчиб ўтганликларини исбот қилди. Бу типни бир вақтлар профессор Л. В. Ошанин (1884—1962) ўзбек халқи ва воҳа тожикларига хос «икки дарё сралиғи типни» деб атаган эди.

Хуллас, қадимги Эрон, Ҳиндистон, юнон, Рим ва Хитой ман-баларининг гувоҳлик беришича, ўзбекларнинг келиб чиқиши

тарихда саклар, массагетлар ва тохарлар (хитой манбаларида юэчжи) номи билан машҳур бўлган ва қадим-қадим замонларда Ўрта Осиё ҳамда унинг теварак-атрофида кўчиб юрган халқлар-га, Сўғд, Хоразм, Бақтрия, Паркана (Фарғона) ва Шош (Тош-кент)нинг қадимий халқларига бориб тақалади. Ушанда улар яшаб турган воҳа номи билан сўғдийлар, хоразмийлар, бақтрия-ликлар, парканаликлар ва тошкентликлар деб аталиб тарихда қолган.

Ўзбек ва тожикнинг халқ бўлиб шаклланишида милондан ав-валги минг йилликнинг охири ва милоннинг биринчи асри арафа-сида Жайхун билан Сайхун ораллиғига шимолдан кўчиб ўтган туркийзабон халқлар ва Жайхуннинг жануб тарафидан кўчиб ўтган форс тилида сўзлашувчи қабилалар, шунингдек IV—V аср-ларда бу ерга шимол тарафдан кўчиб келган хионит, кадарит ва эфталит (Шарқ манбаларида ҳаётида) деб аталувчи халқ-лар, ва ниҳоят, VI—VII асрларда Ўрта Осиёда, шунингдек ҳозир-ги Афғонистоннинг шимолий қисмида ўз ҳукмронлигини ўрнат-ган Ғарбий турк ҳоқонлигининг халқи — туркларнинг роли катта бўлди. Атоқли шарқшунос олим А. Ю. Якубовский бу ҳодисанинг ўзбек халқининг шаклланишида катта роль ўйна-ганлигини эътироф қилади.

Бора-бора, вақт ўтиши билан, ўзбекларнинг этник таркиби бойий ва такомиллаша бошлади. X аср охири — XI аср бошла-рида қорахонийлар билан бирга Олтой, Еттисув ва Шарқий Туркистондан Мовароуннаҳрга кўчиб келган бир талай қабила-лар: тургашлар, тўхсилар, қорлиқлар, чигиллар, ўғизлар, арғин ва бошқа туркийзабон қабилалар ўлканинг шарқий эрон ва турк тилларида сўзлашувчи аҳолиси таркибини этник жиҳатдан бойитди, туркий этник қатламнинг устулигини бир қадар таъ-минлади. Шундай қилиб, қорахонийлар даврида (X—XI асрлар) ўзбек халқи тўла шаклланиб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланди. Эски ўзбек тилига асос бўлмиш қорлиқ-чигил лаҳжаси ривож топди ва ёзма адабиёт даражасига кўта-рилди. Қорлиқ-чигил лаҳжаси, айтиш мумкин, шу ўзбек халқи-нинг умумий тили бўлиб қолди. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу биллик», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону лугат ат-турк», Хожа Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат» асарлари мана шу даврнинг ажойиб маҳсулидир.

XIII аср бошларида, аниқроғи 1219 йили Мовароуннаҳрга Чингизхон катта қўшин билан бостириб кирди. Бу қўшин тарки-бида мўғуллар билан бир қаторда турклар ва турклашган мўғуллар ҳам кўп эди. Қорлиқлар, жалоирлар, тоторлар, маркит-лар, қурловутлар, буркутлар, қўнғиротлар, барлослар, сулдус-лар, боёвутлар, баҳринлар шулар жумласидандир. Бу қабила-лар, шак-шубҳасиз, ўзбек халқининг этник таркибини янада бойитди, албатта. Лекин ўша замонларда, XV асрга қадар, бу-лар ўзбек номини олмаган эдилар. Улар турк деб ёки ўз қаби-ласининг номи билан аталганлар.

Ўзбекларнинг аждодлари тарихда сезиларли из қолдирдилар. Улар Сомонийлар (819—1005), Чигатой улуси (1227—1370), Темур ва Темурийлар давлати (1370—1506)нинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта роль ўйнадилар. Ўзбекларнинг аждодлари Салжуқийлар (1038—1194) ва Ғазнавийлар (977—1186) давлатининг ҳарбий-сиёсий таянчи бўлдилар. Ўзбеклар XVI асрнинг бошида Шайбонийлар давлати (1500—1601) га асос солдилар, Аштархонийлар (1601—1757) ва Манғитлар (1757—1920) давлатини ҳам асосан улар бошқардилар. Қўқон (1709—1876) ва Хива (1512—1920) хонликлари ҳам ўзбекларнинг давлати эди.

Ўзбеклар ўз тарихи давомида ўзларига ҳамсоя бўлган ва кўп вақтлар бир давлат, масалан, Сомонийлар, Темурийлар ва ҳ. к. таркибига кирган тожиклар, қozoқлар, қирғизлар ва туркманлар, Эрон ва Афғонистон халқлари билан яқиндан иқтисодий ва маданий ҳамкорликда бўлдилар, улардан нималарнидир ўргандилар, уларга нималарнидир ўргатдилар.

Ўрта асрларда икки дарё оралиғида яратилган юксак маданиятни ўша халқларнинг муштарак маданияти деб ҳисобламоқ керак. Ал-Форобий ва Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий ва Бурҳониддин Марғиноний, Абдураззоқ Самарқандий ва Мирзо Улуғбек, Али Қушчи ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳофизи Таниш Бухорий ва Аҳмад Дониш сингари кўплаб жаҳонга машҳур олимлар шу заминда етишди. Уларнинг риёзиёт ва фалсафа, тибб ва фалсафа, ҳадис ва фикҳ, тарих ва адабиёт, ҳуқуқ, илмнинг бошқа кўп соҳалари бўйича яратган асарлари бугун жаҳон илм-фан хазинасига кўрк бўлиб турибди. Ўзбеклар, тожиклар ва бошқа халқлар орасидан чиққан муҳандис ва меъморлар шаҳарларимизни безадилар; уларнинг олтин қўллари билан бунёд этилган муҳташам масжиду мадрасалар, қасру мақбаралар, тим ва бошқа юксак бинолар бугун ҳам шаҳарларимизга муносиб кўрк бўлиб турибди.

IV

Ўзбекларнинг янги даврдаги тарихи мустамлакачилик асо-
рати остида кечди. Ўзбеклар, ўрта осиелик бошқа халқлар ва қozoқлар билан бирга, XIX асрнинг 60-йилларида чор Русияси тарафидан қурол воситаси ила бўйсундирилди. Шу вақтдан бошлаб Ўрта Осие ва Қozoғистон, том маъноси билан, Русиянинг мустамлакасига айлантирилди. Деҳқончилик маданияти ривожланган бу бой ўлка Русиянинг ривожланиб келаётган саноати учун хом ашё манбаига, қулай ва мўмай фойда келтирувчи бозорига айлантирилди. Оқ подшонинг Туркистондаги маъмурияти ва рус саноатчилари миллатфуруш маҳаллий феодалларнинг кўмагига таяниб, ўлканинг заҳматкаш, муте халқини беармон таладилар. Туркистоннинг тақдири 1886 йили қабул қи-

линган ва «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом» деб аталган махсус қонун билан белгиланди. Подшо маъмурияти тез орада Туркистонда мана бу тадбирларни амалга оширди:

1. Уша пайтларда Русия қишлоқларида вужудга келган тангликни бартараф қилиш ва рус деҳқонларининг ғалаёнларини бостириш мақсадида «тишиб-типчимас» рус деҳқонларининг бир қисмини Русиянинг ички ноҳияларидан Туркистон ўлкасига кўчирдилар. Улар, асосан, Туркистоннинг Еттисув, Сирдарё ва Фарғона вилоятларига жойлаштирилди. Маҳаллий деҳқонлар азалдан фойдаланиб келган ерлар тортиб олинди ва бу ерлар кўчиб келганларга тақсимлаб берилди. 1891 йилга келиб фақат Сирдарё вилоятининг асосан Авлиеота (ҳозирги Жамбул) ва Тошкент уездларининг бир ўзида 19 та рус қишлоғи (аҳолиси 1298 киши) ташкил этилди; 1896 йили Хўжанд уездидаги 6 та рус қишлоғида 1000 га яқин рус истиқомат қиларди. Шаҳарлар ҳам «руслаштирила» бошланди. Масалан, «инқилобдан» аввалги Тошкентнинг бир қисмига рус аҳоли жойлаштирилди, улар учун Марғилоннинг ёнгинасида Скобелев шаҳри (ҳозирги Фарғона) бунёд этилди.

2. Туркистон ўлкасининг шаҳарларида Русия саноат корхоналарининг, асосан тўқимачилик фирмаларининг махсус ваколатхоналари, агентликлари, омборхоналари ташкил этилди. Уларнинг олдида Туркистонда Русия саноати учун зарур хом ашё (пахта, пилла, жун, тери ва ҳ. к.) йиғиш, Русия корхоналари ишлаб чиқарган газлама ва бошқа молларни пуллаш ва зифаси қўйилган эди.

3. Русия саноатининг эҳтиёжларини қондириш ва бошқа ҳарбий-сиёсий мақсадларни кўзлаб шитоб билан Туркистонда тмир йўл ва саноат корхоналарини қуриш бошланди. 1906 йили Оренбург Тошкент билан боғланди. Фақат 1900—1910 йиллар орасида Туркистонда 233 та корхона қурилиб ишга туширилди. Булар асосан пахта тозалаш, пиллачилик, кўнчилик, ёғ-мой ишлаб чиқарувчи заводлар эди. 1914 йилга келиб бундай завод ва фабрикаларининг сони қарийб икки баробар ортди, яъни 425 тага етди. Бу корхоналарнинг катта қисми рус ва чет эллик капиталларга қарар эди.

4. Чор ҳукумати Русия тўқимачилик корхоналари тараққиётининг муҳим хом ашё манбаи ҳисобланган пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. Бунинг учун авваламбор қадимдан экилиб келинаётган жайдари ғўза ўрнига пахтанинг серунум Америка навлари жорий этилди. Бундан ташқари, пахта майдони тез суръатлар билан кенгайтирилди. Масалан, пахта экиладиган ерлар 1900—1915 йиллар орасида Фарғона вилоятида 188 минг 400 десятинадан (1 десятина 1,09 гектарга тенг) 250 минг десятинага, Самарқанд вилоятида 17 минг десятинадан 29 минг 300 десятинага, Сирдарё вилоятида 15,5 мингдан 67 минг десятинага, ҳаммаси бўлиб Туркистон ўлкаси бўйича 346 минг 100 десятинадан 496 минг 100 десятинага кўпайди. Пахта аста-секин бошқа экинларни, хусусан ҳаётий зарур бўл-

ган экинларни сиқиб чиқара бошлади. Масалан, 1885 йили Фарғона вилоятида пахта экилган ерлар жами экин майдонларининг фақат 14 фоизини ташкил этарди, 1915 йилга келиб бу 44 фоизга кўтарилди. Мақкажўхори экиладиган майдонлар шу вақт ичида 22 фоиздан 11 фоизга, беда 16 фоиздан 8 фоизга, шולי 16 фоиздан 7 фоизга тушиб қолди. «Пахта яккаҳокимлиги» (мен, тўғриси «сиёсий тузумнинг яккаҳокимлиги» деган иборани ишлатган бўлардим, чунки пахтанинг ўзи ҳам майдони кенгайтирилиб, ҳосили сунъий йўллار билан орттирила бориши оқибатида, жабр кўрди: захарланиб нави бузилди, минг бир дардга чалниди), кўриб турибсизки, ўша замонда пайдо бўлган. Биз эса уни янги шаронда ривожлантирдик, ҳали бу шаштимиздан қайтганимизча йўқ.

Чор ҳукумати ерли халқ ўз эркини ҳимоя қилиб чиққанда уларни аъвсиз оттирди, чоптирди, «Сибирь» қилди. Маълумки, ҳақсизлик, ҳуқуқсизлик ва оғир эксплуатацияга қарши халқ ҳаракатлари 1879 йилдан бошланиб, ўлканинг деярли ҳамма вилоятларига тарқалди. Бу ҳаракатлар тез-тез бўлиб турди ва 1917 йилгача давом этди. Уларнинг тарихига тўхтайдиган бўлсак катта бир дoston бўлади. Келинг, бу ҳақда «Ўзбекистон ССР тарихи» нинг II жилдидан (Тошкент, 1968), истеъдолли шогирдимиз Ҳайдарбек Бобобековнинг 1990 йили босмадан чиққан «Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические предпосылки» деган китоби ва шу масалага бағишланган бошқа китоблардан ўзингиз ўқиб олсангиз бўлар. Тўғри, бу китобларда, айниқса «Ўзбекистон ССР тарихи»да халқ ҳаракатлари ҳам, бўлиб ўтган воқеалар ҳам силаб-сийпа-лаб баён этилган. Муаллифлар, афтидан «русларга тегиб кетмасин» қабилида иш тутишганга ўхшайди. Ўша пайтларда шундай мулоҳаза қилинмаса бўлмасди ҳам.

Таъбир жоиз бўлса, шу муносабат билан яна бир гапни айтмоқчиман. Биз кейинги пайтларда эҳтиросга берилиб кетиб, масалага бир тарафлама ёндашадиган, салбий ҳодиса ва воқеаларга кўпроқ эътибор қиладиган бўлиб қолдик. Чоризмнинг ёвузликларини кўрамузу, лекин бу тарихий воқеанинг ижобий тарафларидан кўз юмамиз. Инсоф билан гапирадиган бўлсак, бу воқеа ўлканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига маълум даражада ижобий таъсир кўрсатди: ўзаро феодал урушлар (масалан, Бухоро билан Қўқон, Хива билан Бухоро хонликлари ўртасида тез-тез бўлиб турадиган қонли урушлар)га барҳам берди, олиқ-солиқ тизимини тартибга солди; илғор фикрдаги рус зиёлилари (В. В. Бартольд, Н. И. Веселовский, В. Л. Вяткин, П. П. Семёнов-Тяншанский, А. П. Федченко, Е. А. Каль, В. Н. Кастальский, А. Л. Кун, П. И. Лерх, Н. С. Ликошин, В. П. Наливкин, Е. Д. Поливанов, А. А. Семёнов, Г. Д. Романовский ва б. қ.) ўзбекнинг тарихи, маданиятига зўр ҳурмат билан қарадилар, уни ўргандилар, Туркистон ва унинг халқларининг тарихи, маданияти ҳақида жилд-жилд қимматли китоблар ёзиб қолдирдилар. Уларни Юрий Кружинин, Генерал Ди-

доренко, А. И. Солженицин, собиқ «Марказ»нинг баъзи газета ва журналларининг қаламкашлари билан асло қиёслаб бўлмайди, улардан ер билан осмонча фарқ қилардилар. Буни унутмаслигимиз керак.

V

Октябрь «инқилоби»нинг овозаси хаял ўтмай Туркистонга ҳам етиб келди. Октябрь куёши Туркистоннинг маълум халқи, шулар қатори ўзбекнинг ҳам кулбасига нур сочади, деб умид қилинди. Туркистон халқи «Худога шукур, биз ҳам озодликка чиқадиган бўлдик», деб суюнди, яхши кунлар келишига умид қилди. Лекин, афсуски, ўшанда бундай бўлмади. Маълумки, ишчи, аскар ва деҳқон Советларининг III ўлка съезди (1917 йил 15—22 ноябрь) Туркистон Халқ Комиссарлари Советини таъсис этди. Лекин ҳукумат таркибига кирган 15 комиссар орасида биронта маҳаллий миллат вакили йўқ эди. Бу ҳукумат большевик (3 киши), эсер ва меньшевикларнинг коалицион ҳукумати бўлиб, аслида мустамлакачилик сиёсатини давом эттиришни ўзига мақсад қилиб қўйди. Ф. И. Колесов бошлиқ бу ҳукуматнинг бундай сиёсатига қарши ўлкада маҳаллий халқнинг порозилиги кучайди. Халқ вакилларининг талаб ва илтимослари рад этилавергач, 1917 йилнинг 26—29 ноябрида (янги ҳисоб билан 9—12 декабрда) Туркистон ўлка мусулмонларининг Қўқонда бўлиб ўтган IV фавқулудда қурултойи Туркистон муваққат ҳукуматини (бу ҳукумат тарихда кўпроқ Қўқон мухторияти номи билан машҳур) тузди. Ҳукумат ўз таркибига (54 киши) кўра, Колесов ҳукуматидан фарқ қилади. У биринчи навбатда байналмилал ҳукумат эди. Ҳукумат аъзоларининг учдан бир қисмини рус халқининг вакиллари ташкил этди. Ўзбек ва қозоқ халқининг вакили Мустафо Чўқаев бу ҳукуматнинг раиси этиб тайинланди.

Лекин, Туркистон халқининг қонуний ҳукумати бўлмиш Қўқон мухторияти орадан кўп вақт ўтмай Колесов томонидан Перфильев қўмондонлиги остида Тошкентдан юборилган «Қизил гвардиячилар» ва арман буржуа миллатчилари ташкилоти бўлмиш «Дашнакцутюн» партиясининг аскарлари тарафидан ағдариб ташланди. Ушанда Қўқон «қонга ботирилди», мухториятнинг 15 раҳбари отиб ташланди, ҳукуматнинг қолган аъзолари қамоққа олинди. Туркистонда бўлиб ўтган инқилобий ҳаракатнинг фаол иштирокчиларидан бири, давлат ва партия арбоби Д. И. Манжара (1885—1937) мана буларни эслайди: «Миллий сиёсатда йўл қўйган хатоларимиз туфайли Қўқон мухторияти вужудга келди... Уни йўқотиш пайти яна бир хатога йўл қўйдик. Қурул-яроғи деярли бўлмаган мухториятчилар жойлашган Эски шаҳарни қамал қилиш ўрнига, биз тўплардан ўққа тутдик, кейин дашноқларнинг қуроли тўдаларини ишга солдик. Натижада талон-торож, номусга тегиш, қирғин бошланди. Бундан мухториятчиларга алоқаси бўлмаган тинч аҳоли катта

зарар кўришди». Туркистон халқининг ҳақ-ҳуқуқи шу тарзда оёқ ости қилинди, ваҳоланки, айнан шу вақтнинг ўзида Совет ҳукуматининг В. И. Ленин ва И. В. Сталин имзолаган «Русия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» қарата қилган махсус мурожаатномаси (1917 йил 20 ноябрь) барчага, хусусан Колесов ҳукуматига ҳам маълум эди. Мурожаатномада хусусан бундай дейилган эди: «бундан буён сизларнинг урф-одатларингиз, сизларнинг миллий ва маданий мутахассисларингиз озод ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий ҳаётларингизни эркин ва бемалол уюштира берингиз. Сизларнинг бунга ҳаққингиз бор. Сизлар, ўзларингиз, ўз ватанингизнинг ҳокимлари бўлишларингиз лозим. Ўз расм-русумингизга биноан ҳаётингизни уюштиришингиз лозим. Сизнинг бунга ҳаққингиз бор, чунки сизларнинг тақдирингиз — ўзингизнинг қўлингизда.

Миллий ишлар бўйича Халқ Комиссари

И. Жугашвили-Сталин

Халқ Комиссарлари Совети Раиси

В. Ульянов-Ленин²».

Ҳа, Қўқон мухторияти ва Туркистон халқининг бунга ҳаққи бор эди. Лекин...

Ўз вақтида подшо ҳукумати мустақиллигини тан олган Бухоро амирлиги билан Хива хонлигининг тақдири ҳам худди шу тарзда ҳал қилинди. Хива хонлиги 1920 йилнинг 1 февралда, Бухоро амирлиги ўша йилнинг 2 сентябрида «қизил қўшин» таъридан ағдариб ташланди.

«Шахсга сиғиниш» ва қарахлик йилларида ёзилган тарихий асарларда бу воқеалар ҳаққоний баён этилмаган, хусусан Бухоро ва Хивада мавжуд бўлган «инқилобий муҳит» ва инқилоб, фикримизга, қип-қизил уйдирманинг ўзи. Янги давр тарихи билан шуғулланувчи мутахассисларимиз келгусида бу воқеаларга архив материаллари, ўша даврда битилган қўлёзма манбаларнинг маълумотларига таянган ҳолда ёндашишлари керак бўлади.

Биз тарихчилар бугундан кўра ўтмишни яхшироқ биламиз. Менимча, бошқалар ҳам шундай бўлса керак. Бу, балки бугунги кечмишларимизга ўз вақтида баҳо беролмаслигимиздандир. Еки кун-кунга ўхшагани, ҳар ким фақат ўз юмуши билан банд бўлиб юрганлигидандир. Яна қандай сабаблари бор, буни билмадим, бугунимизни ҳам, келажагимизни ҳам яхши ҳисоб-китоб қилиб яшамасак керак-да, ўзи. Хуллас, одам ўтмишини, айниқса 12—15 ёшидан бошлаб кўрган билганларини яхши эсда сақлаб қоларкан. Шунинг учун ҳам 20—30-йилларда ва ундан кейин мамлакатимизда юз берган воқеаларни, хусусан ўзбекнинг

¹ Д. Манжара. «Революционное движение в Средней Азии в 1905—1920 годы». Ташкент, 1934, 12-бет.

² Образование СССР. Сборник документов. 1917—1924. Москва-Ленинград, 1949, 20-бет.

кечмишини кўпчилик билса керак. Шундай бўлгач, уни ипи билан игнасиғача текшириб, бирма-бир таъкидлаб ўтмасам ҳам бўлади. Урта деҳқонни қулоққа чиқариб юртдан бадарға қилдик, қолганларини қулоғидан чўзиб колхозлаштирдик. Шу тариқа деҳқон хўжалигига қақшатқич зарба бердик. Яна ўзига хос маданий инқилоб ҳам ўтказиб, «пролетар инқилоби»га ёт деб масжиду мадрасаларимизни бузиб ташладик; минг-минглаб қимматли китобларимизни оловга отдик, сувга оқиздик, эски мазорларга олиб бориб кўмиб ташладик; эски имломизни рад этиб, уни аввал лотинчага, кейин рус имлосига кўчирдик, илгор фикрдаги зиёлиларни қувғин остига олдик. Бу билан минг йил ичида яратилган миллий маданиятимиздан узилиб, чаласавод бўлиб қолдик. Тўғри фикрли, қўлидан иш келадиган яхши одамларимизни халқ душмани ёки халқ душманининг думига чиқариб қамадик, отдик, совуқ ўлкаларга сургун қилиб, ўша ерларда суягини чиритиб юбордик. Минг афсуски, бу бечораларнинг хотирасини абадийлаштириш хусусида жумҳуриятимизда бирон жиддий иш қилинаётгани йўқ, ваҳоланки, бошқа ерларда бу муқаддас иш аллақачонлар бошланган. Нима ҳам дердик, биз ўзбеклар шундай лоқайд халқмиз! Кейинчи? Кейин «бугун-эрта Американи қувиб ўтамыз» деб бутун дунёга жар солдик, «бугунги авлод 80-йилларга бориб коммунизмда яшайди» деган шпор осдик. Бунинг учун қўлимиздан нима келса шуни қилдик: пахтанинг ялпи ҳосилини 6 миллионга етказдик; яқин келажакда уни 8 миллионга чиқарамиз деб Москвага сўз бердик; жумҳуриятимизни йирик индустриялашган ўлкага айлантирамиз деб шаҳарларимизни ва унинг теварак-атрофини йирик заводлар билан ўраб ташладик. Оқибати нима бўлганини ўзингиз кўриб турибсиз: Аму билан Сирни, ўлкадаги катта-кичик дарёларни тўсиб 100 дан ортиқ сув омборлари, кўплаб насос станциялари қуриб дарёларни қуритдик, Оролни ўлимга маҳкум этдик; юқори ҳосил оламак, деб еру заминни заҳарладик, фазони ва ер ости сувларини ҳам омон қўймадик.

VII

Хўш, ўзбекнинг келажаги ҳақида нима деса бўлади? Келажак ҳақида кўпроқ раҳбарлар ўйлашсин, дейишади одатда. Лекин ўйлаганда ҳам чуқур, атрофлича, мулоҳаза билан ўйлаш зарур дейишади. Ҳа, биз шунга одатланиб қолганмиз. Яқинда (1990 йил 26 сентябрь куни) Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда республика президенти И. А. Каримов ёшларга мурожаат қилиб, эртани ўйлаб иш қилиш керак, халқимизда «етти ўйлаб — бир кес» деган нақл бор. Мен «Минг бор ўйлаб — бир кесиш керак» деган бўлардим, деб жуда тўғри айтди. Мен келажак ҳақида фақат раҳбарларгина эмас, балки оддий фуқаро ҳам ўйласин дейман. Шунинг учун ўзимни ҳам бундан мустасно деб билмайман.

Яна бир гап. Баъзи раҳбар ўртоқлар бир соҳа одамнинг бошқа бир соҳанинг ишига аралашувини ёқтирмайдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг III сессиясида бир колхоз ранси совет армиясидаги мавжуд салбий ҳоллар ҳақида куйишб гапирганда бир генерал «Сиз пахтангизни билинг, ҳарбийларнинг ишига аралашманг!», деб унга дашном берди. Тарихчиларнинг (аксига олиб камина ҳам тарихчи) иқтисодчилар ёки сиёсатдонларнинг ишига аралашини ҳам ёқтиришмайди. Америкалик бир бизнесмен — у аслида тарихчи ва файласуф экан — «якши бизнесмен бўлиш учун яхши психолог ҳам бўлмоқ зарур», деб айтди. Биз ҳозир шундай замонда яшаётимизки, энди ҳар бир тирик жон, қайси касб-ҳунарга мансуб бўлишидан қатъи назар, бизнесмен бўлмаса ҳам, маълум даражада иқтисодчи бўлиши, ҳисоб-китобни яхши билиши керакка ўхшаб қолди. Ахир, ҳозирги янги иқтисодий сиёсатимиз шунга тақозо қилиб турибди-ку! «Мен ўйлаб нима қилдим, ахир ҳожим тоғам, ранс бува бор-ку», дейдиган замонлар аллақачон ўтиб кетди, энди роботга ўхшаб яшаб бўлмайди. Қолаверса, ҳадеб тарихчиларни қойиб бериш ҳам инсофдан бўлмаса керак. Ахир тарихчилар бўлмаса ўтмишда бир тангага бир қўй, 1,5—2 тангага бир харвор (бир эшак юк) дон сотиб олиш мумкинлигини иқтисодчилар (араб ва форс тилларида, эски имлода битилган китоблар ва ҳужжатларни ўқий олмайдиган иқтисодчилар) қасрдан билсин.

Муддаога келсак, ўзбекнинг ҳам келажаги порлоқ бўлиши, ҳаммаёқ тўқин-сочин, ҳамма тўқ ва фаровон турмуш кечириши мумкин. Бунинг учун бизда ҳамма шарт-шаронт мавжуд. Жумҳуриятимиз ўзининг қулай табиий шароити ва кўп асрлар давомида шаклланган юксак деҳқончилик маданиятига эга. Ўзбекистон пахтачилик, шоликорлик, қорақўлчилик, пиллачилик, чорвачилик, мевачилик, сабзавотчилик ривожланган ўлка. Собиқ Иттифоқ бўйича етиштирилган пахта ва пилланинг учдан икки қисмини, луб экинлари маҳсулотининг 90 фоизини, қорақўл терисининг учдан бир қисмини, шолининг бешдан бир қисмини, поллиз маҳсулотларининг 20 фоизини Ўзбекистон берган. Жумҳуриятда ишлаб турган 272 та озиқ-овқат корхоналарида етиштирилган маҳсулотлар (гўшт ва гўшт маҳсулотлари, ўсимлик ва мол ёғи, сабзавот ва мева шарбатлари ва ҳ. к.)нинг катта қисми собиқ иттифоқ марказига, Урал ва Сибирга, Русиянинг бошқа вилоятларига олиб кетилди.

Ўрта Осиёнинг, хусусан Ўзбекистоннинг замани олтин, мис, рух, вольфрам, нефть, газ, алюминий, мармар, кўмир, марганец, хром, кўрғошин, ош ва калий тузлари каби маъданларга ҳам бой. Қўйингки, Д. И. Менделеев даврий жадвалидаги маъданларнинг деярли ҳаммаси бор бизда.

Ниҳоят, Ўзбекистоннинг истеъдодли ва меҳнатсевар мўмин-мусулмон халқи бор. У шу пайтгача ўзидан каттанинг бир гапини икки қилмай меҳнат қилиб келяпти. Ҳамма вақт икки қўли кўксига унинг. Тилидан «лаббай» аринмайди, «яна қандай

хизмат бор», деб икки букилиб раҳбар ўртоқнинг кўзларига термилиб туради у.

Бундай мамлакат ва эл билан жаннат ато қилиб фаровон ҳаёт кечирмаслик гуноҳи азим бўлади, ахир!

Лекин фожиа шундан иборатки, бойлигимизга ўзимиз тўла эга бўлмадик. Бойликларимизнинг катта қисми четга сариқ чақа эвазига олиб кетилди. Меҳнат эса борган сари ортапти-ю, лекин республика халқининг катта қисми ярим оч бўлиб тирикчилик ўтказяпти, қарийб бир ярим миллион одам, уларнинг кўпчилиги ёшлар, ишсиз. Хулласи калом, инсон учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари (гўшт ва гўшт маҳсулотларини, сут, тухум, қанд, мой, картошка ва ҳ. к.)ни Русия Федерацияси, Украина, Беларусь, Эстония ва яна бир қанча жумҳуриятлар халқига нисбатан қарийб икки баробар кам истеъмол қиламиз. Фақат нонни уларга қараганда кўпроқ истеъмол қилиш имкониятига эгамиз. Ахир тирикчилик фақат биргина нон билан бўлгач илож қанча!

Ўз бойлигимизга ўзимиз эгалик қилганимизда шундай бўлармиди? Йўқ, асло. Шу ерда беихтиёр XVI асрда ўтган шоир Мушфиқийнинг синглиси билан мерос тақсимлагани ҳақидаги ҳангома хотирга келади. Айтишларича, Мушфиқий камбағал ўтган экан. Синглиси билан унга отадан ғариб бир ҳовли ва битта дотор мерос қолган экан. Синглиси ҳадеб мерос талаб қилиб келаверибди. Охири шоир қозининг қотиби ва гувоҳлар иштирокида меросни иккига мана бундай тақсимлаган экан:

Ердан то шипгача меники,

Томдан арши аълогача сеники.

Мана бу дотор бош-оёғи билан меники,

Ундан оққан мунгли саснинг бари сеники.

Сўнги йилларда катта-кичик йиғилишларда халқимизнинг келажаги порлоқ бўлади, деб айтишяпти. Мен шахсан бу гапларга ишонгим келади. Яқинда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Декларацияда «Жумҳурият Олий Совети... ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад деб билган...» дейилган. Ҳар бир кишининг фаровон ҳаётини жумҳурият ўз мустақиллигини, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий мустақиллигини, қоғозда эмас, амалда қўлга кирита билгандагина таъминлаши мумкин. Бунинг учун бизда қатъийлик ва талабчанлик, юксак ирода, миллий ғурур ва бирдамлик етишармикан? Мутахассис ўртоқларнинг сўзларига қараганда, 1990—1995 йиллар ичида ҳам пахта етиштириш плани 5 миллион тонна атрофида қоларкан. Бу ҳолда яна қўшимча ер ўзлаштиришлар, ерни хоритиш ҳоллари давом этаверади. Ҳосилдорликни ошириш учун эмас, ялпи ҳосилни кўтариш учун курашаверамиз.

Келажак ҳақида ўйлар эканмиз, «агар миллий бойлигимизни ўзимиз тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлсак, пахтани Японияга, Германияга, Францияга ва бошқа мамлакатларга сотиб, бойиб

кетамна» қабилда фикр юртмаслигимиз лозим, фақат пахта-фуруш бўлиб қолмаслигимиз керак. Биз энг аввал халқни, авлодни ўйлашимиз лозим, болаларни соғлом ўстириш чорасини кўришимиз зарур. Экологияни, бизни ўраб турган табиий муҳитни соғломлаштириш устида жиддий бош қотиришимиз лозим. Махсус қўмиталар тузиш, даста-даста қарорлар чиқариш, катта-кичик йиғилишлар қилиб обидийда қилишдан не фойда?! Бошқа раҳбар ўртоқлар жонимизга оро кирмаётгандан кейин бу муаммони ўзимиз ҳал қилишимиз керак, йўқса... жумҳуриятимизда экологик аҳвол эса жуда-жуда ёмон. Мутахассислар келтирган маълумотларга кўра 2500 дан зиёд саноат корхона-ларининг туйнукларидан заҳар-зақум аралаш тутун осмон фалакни заҳарлаб турибди. Улар чиқараётган заҳарли моддалар йилга 2 миллион тоннадан ортиқроқ. Аҳоли бошига тақсим қилганда жумҳуриятдаги ҳар бир кишига 100 килограммдан тугри келади. Йўлларда автомашиналар чиқараётган газнинг кўнаиб кетганлиги дастидан кўча-кўйда юриш борган сари мушкуллашиб борапти. Газ ва қорамой ёқиладиган 2114 дошқозондан буриқсаб чиқиб турган аччиқ тутунни айтмайсизми! Умуман олганда, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Қўқон, Навоий, Чирчиқ сингари йирик шаҳарларда ҳавонинг ифлосланиш даражаси нормадан 1,5—2, айрим ерларда 3—6 баробар ортиқдир.

Сув ресурслари — дарё ва кўлларимизнинг аҳволи бундан ҳам баттар. Дарёларга йилга 5 млн. кубометрга яқин оқава сув тушиб турибди. Фақат Тошкент вилоятининг ўзидагина (вилоят халқ 7,3 млрд. кубометр сув ишлатади) чиқинди сув миқдори 5 млрд. кубометрни ташкил этади. Лекин унинг фақат 1 фоизи тозаланади, халос. Жайхун билан Сайхуннинг ҳолига, Оролнинг аҳволига «маймунлар йиғлайди». 1960 йилга қадар Оролга йилга ўрта ҳисобда 52—55 кубометр сув тушиб турарди. 1980 йилга келиб бу кўрсаткич 10 кубометрга тушиб қолди, 1982—1986 йиллар орасида эса денгизга бир томчи ҳам сув тушгани йўқ. Орол ҳам, Жайхун ҳам борган сари қуриб борапти. Масалан, 1989 йилга келиб денгиз сатҳи 14 м га пасайди, сув ҳажми эса 61 фоизга тушиб қолди. Қисқаси, денгиз акваториясининг учдан бир қисми қуриб бўлди, сувнинг шўрлиги бўлса 2,5—2,8 баробар ортди.

Жумҳуриятнинг катта қисмида аҳолининг зичлиги нормадан ортиқ, қишлоқларимиз бир-бири билан туташиб кетган. Пахтазорлар ҳам қишлоқ билан туташ. Модомики, шундай экан, қишлоқ аҳолиси ҳам ғўзага ишлов бериш вақтида заҳарланаётгани, ваҳоланки ишлатилаётган заҳарли химикатлар миқдори санитария нормасидан 3—5 баробар ортиқ.

Бош қотиришни талаб қиладиган яна бир нарса — бу маънавий қадриятларимизни ҳам йўқотиб, маънавий қашшоқ бўлиб қолганимиздир. Такрор бўлса ҳам айтиш керакки, имлони ўзгартиравериб, ота-боболарнинг минг йиллик бой маданий меросидан ажралиб қолдик. Фожиа шундан иборатки, биз ҳатто ўз

тилимиздан ажраб қолишимизга ҳам бир баҳа қолибди. Хайриятки, жумҳуриятимиз узра, секин бўлса-да, истиқлол «шамоли» эса бошлади. Ўзбек тили давлаг тили бўлсин, деб қарор қабул қилдик, одамлар эски имлони ўргана бошладилар. Лекин тил ҳақидаги қонуннинг амалга оширилишини қониқарли деб бўлмайди. Ҳанузгача атамалар хусусида бир тўхтама келганимиз йўқ. Бу ҳақда биронта жиддий қўлланма, масалан, имло луғати яратмадик. Атамаларни ҳар ким билганича ёзипти, байналмилал сўзларни «қувиб» чиқариш пайига тушиб яхши иш қилмаётимиз. Бу кетишда тилимизни янада ғариб қилиб қўймасак, деб қўрқаман. Жумҳурият Вазирлар Кенгаши қошида махсус Атамалар қўмитаси тузилганига ҳам кўп вақт бўлди, лекин ишнинг бориши билан қониқиб бўлмайди. Қўмига ишига ҳар бир соҳанинг етук мутахассисини тўла жалб қилмай туриб атамаларни ёзиш имлоси билан боғлиқ муаммони ҳал қилиб бўлмайди.

Яна бир масала — ўтмишдан қолган тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ва уларни ўрганиш масаласидир. 20—30-йиллардаги йўқотишларга қарамай, уларнинг анча-мунча қисми: қўлёзма ва тошбосма китоблар, меъморчилик ёдгорликлари, қадимий тангалар, қурол-аслаҳа, уй-рўзғор ва зеб-зийнат буюмлари сақланиб қолган. Лекин уларни асраш ва ўрганиш масаласи мутлақо қониқарсиз. Нодир китоблар, ҳужжатлар, ноёб буюмлар сақланаётган жойлар нобоп, биронта дурустроқ музейимиз, кутубхонамиз йўқ. Ҳозир жумҳуриятимизда қарийб ўн ерда қўлёзма китоблар сақланади. Турли кутубхона ва музейларда тахминан 30 минг атрофида қўлёзма асарлар бор. Улар — ўтмиш тарихимиз, адабиётимиз, маданиятимиз. Лекин уларни синчиклаб ўрганиш ва халқимизга етказиб бериш у ёқда турсин, ҳатто уларнинг аниқ сонини ҳам билмаймиз.

Музейлар хусусида кўп гапирмасак ҳам бўлади. Бизда музей ишининг ёмонлигини Тарих ва Адабиёт музейлари мисолида яққол кўрса бўлади. Биринчидан, уларнинг биноси ярамайди, иккинчидан, экспонатларнинг (уларнинг ҳам худди китобга ўхшаш баҳоси йўқ) сақланиши талаб даражасида эмас. Шу ўринда мен битта характерли мисол келтириш билан чекланмоқчиман. 1941 йилнинг 16—20 июнь кунлари профессор Т. Н. Қориниёзий бошчилигида тузилган махсус Давлат комиссияси Самарқанддаги Гўри Амирнинг ағдар-тўнтар қилди. Улар ўшанда беш кишининг: Амир Темур, Мироншоҳ, Шоҳруҳ, Улуғбек ва Муҳаммад Султоннинг қабрини очганлар. Бу гўёки Алишер Навоий таваллудига 500 йил тўлиши муносабати билан ва Самарқанд тарихини ўрганиш мақсадида қилинган эмиш. Савол туғилади: бировларнинг қабрини очиб, устихонларини хор-зор қилишнинг (ҳа, бу фотосуратларда тўла акс эттирилган) улғушорнинг тўйи билан, ёки Самарқанд тарихини ўрганиш билан нима алоқаси бор? Нима, бировнинг қабрини бузмасдан юбилей қилиб бўлмайдами? Бусиз тарихни ўрганиб бўлмайдами? Қабр бузиш ва уни остин-устун қилиш қайси мазҳабда бор, ўзи?! Бунга ҳам чидаса бўлади. Лекин буюк жаҳонгирнинг тобути

бир ерда, унинг қопқоғи яна бошқа бир жойда ётибди — тобут қайтадан ўрнига қўйилмаган. Темурийларга тегишли тақинчоқ ва безаклар, чирий бошлаган кафанлардан қирқиб олинган парчалар, Амир Темурнинг ўнг қоши ва бошқа ноёб нарсалар ҳозир қоғоз қўтиларда очиқ ва мослашмаган хоналарда хароб аҳволда сақланыпти. Амир Темурнинг тобути ҳозир ташқарида ётган экан, унда суяклари қаерда қолди? Буни ҳозирча билмаймиз. Антрополог М. М. Герасимов (1907—1970) соҳибқироннинг скульптурасини яратган эди. Ушанда унинг бош суягини Масковга олиб кетмаганмикан? Ахир скульптурани Самарқандда шу бир ҳафта ичда махсус лабораторияси яратолмагандир! Бу ҳақда газета-журналларда ёзилди, радио ва ойнаи жаҳон орқали кўп бор куйиниб айтганлар бўлди. Лекин бирон раҳбар суриштириш у ёқда турсин, пинагини ҳам бузмади. Мана бу аҳволга асло чидаб бўлмайди. Шу ўринда машҳур қозоқ адиби Улжас Сулаймоновнинг мана бу сўзларини эсингизга солмоқчиман: «Бугун битта ҳақиқатга аминманки, башарият тарихида фақат оқил фарзандларини таниган, асраган халқларгина яшаб қолади. Гарчанд поёнсиз орзу суви, бойликлари бўлмаса-да, ақлни ишлатган эл қудратли бўлади. Буни билмоқ учун шундоққина биқинимиздаги Япония тажрибасига қарамоқ kifфоя. Аксинча, ҳудудсиз замини, ер ости бойликлари бўлса-да, билимдон, жасур фарзандларини қатағон қилган юрт адо бўлади. Биз уни ўз тарихимиздан, аҳволимиздан билиб, зил кетиб ўтирибмиз» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил 29 июнь).

Ўтмишдан қолган моддий ёдгорликларни: шаҳар ва қалъаларнинг ўрни ва қолдиқларини, масжиду мадрасалар ва мақбараларни, қадимда қурилган сув иншоотларининг қолдиқларини асраш ва таъмирлаш ишларини ҳам қониқарли деб бўлмайди. Шунақа бўляптики, таъмирлаш харажатлари асосан жумҳуриятнинг, ўзбекининг зиммасида, ўша ёдгорликлардан келган фойда эса уларни чет эллик меҳмонларга кўз-кўз қилиш билан машгул бўлиб кун кечираётган «Интурист» аталувчи текмишўр ташкилотнинг кассасига тушиб жумҳуриятдан четга чиқиб кетмоқда, ёдгорликларнинг тақдирини бўлса ҳоким тоғалар билан раис буваларнинг инон-ихтиёрида.

Келажакни ўйлаганда, гарчанд буни ҳамма билса-да, яна бир масалани — болалар тарбияси масаласини унутмаслик керак, деб ҳисоблайман. Биринчидан, йўқчилик ва тақчиллик туфайли уларни соғу-саломат қилиб ўстириш имконияти борган эри камайиб кетяпти. Иккинчидан, уларни яхши ўқитолмаётимиз — дарсликлар масаласи тўла ҳал бўлмаган, ундан ташқари баъзи ўқитувчиларнинг малакаси талаб даражасида эмас. Менга қолса, ўқув тизимини тамоман қайтадан кўриб чиқиб, қайси фанларга кўпроқ эътибор бериш, яна қайси илмларни мактаб дастурига киритиш масаласини узил-кесил ҳал қилган бўлардим. Айниқса, қишлоқ болаларини яхши ўқитиш масаласи муаммо бўлиб қоляпти. Болаларни илгари юқори ташкилотлар истаган пайтларида қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қи-

лардилар, раис бува мактаб директорига бир мўйлов қилса бас, мактаб тақа-тақ ёпилиб, барча ўқувчилар муаллимлари билан далага чиқариб юбориларди. Энди-чи? Болани ота-онанинг ўзи дала ишига жалб қиладиган бўлиб қолди. Оилавий пудрат жорий этилиши билан шароит ўзгарди-да, ўзи.

Ҳарбий хизматга борган йигитларимизнинг бир қисми нобуд бўлиб, темир тобутларда қайтишяпти. Бу масалани ҳам яхшилаб ўйлаб, тўла ҳал қиладиган вақт келди. У ер-бу ерда «миллий низо» деб от қўйилган низолар чиқиб турибди. Мен месхети турклари билан ўзбеклар, ўзбеклар билан қирғизлар орасида, ниҳоят талабалар ўртасида чиққан ва катта қурбонларга олиб келган низоларни ўз-ўзидан чиққан деб ҳисобламайман, бунч уюштиришди. Бу кимгадир керак бўлиб қолди, чамаси. Булар ҳам ўйлаб кўриладиган жиддий масалалардан бири.

Яна бир гап. Биз келажакда адолатли, демократик жамият яратмоқчимиз. Бу — жумҳуриятимиздаги барча халқлар: ўзбекининг ҳам, руснинг ҳам, тожикнинг ҳам, қўйингки, ҳамманинг олий мақсади. Бунинг учун кўп меҳнат қилиш керак; ижтимоий-сиёсий тузумимизни қайтадан қуришимиз зарур; давлат аппаратини ихчамлаштиришимиз, уни партократлар — буйруқбоз тўралардан тозалашимиз лозим. Ҳар бир ташкилот фақат Конституцияда белгиланган вазифаси билан шуғулланишига эришимиз зарур. Бу сиёсий партияларга ҳам, ёшлар иттифоқига ҳам, касаба уюшмаларига ҳам тегишли гап. Сирасини олганда, ҳамон ишчидан раҳбар кўпга ўхшайди. Авваллари «Бировлон омон билан, еттовлон чўмич билан» деган мақол бор эди, назаримда ҳозир чўмич кўтарган икки баробар кўпайганга ўхшайди.

ҚИРҒИЗИСТОННИНГ XV АСРДАГИ СИЁСИЙ ТАРИХИНИ УРГАНИШГА ДОИР

Маълумки, Қирғизистоннинг XV асрдаги сиёсий тарихи ҳали мукамал ўрганилмаган. Манбаларда бу ҳақда маълумот камлиги бунга асосий сабабдир. Шунга қарамай, бизнинг ихтиёримизда тўпланган айрим фактлар ҳам борки, агар улар умумлаштирилиб, хулосалар чиқарилса, бу қадимий мамлакат тарихи бўйича янги маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Чунончи, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг 1541/42—1546/47 йиллар орасида ёзилган «Тарихи Рашидий» номли машҳур асарида бу ҳақда кўп ноёб материалларни учратиш мумкин. Шунингдек, форс тилида ёзилган бошқа қўлёзма манбаларда ҳам маълумотлар мавжуд. Биз бу ўринда самарқандлик тарихчи Масъуд ибн Усмон Кўхистоний ҳамда балхлик Маҳмуд ибн Валиларнинг асарларини назарда тутамиз. Масъуд ибн Усмон Кўхистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний» номли асари кўчманчи ўзбеклар давлатига асос солган Абулхайрхонга бағишланган. Мазкур асар 1540—1551 йилларда Самарқанд ҳокими бўлган шайбоний Абдуллатифнинг топшириғига биноан ёзилган. Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор фи маноқиб ул-аҳёр» («Оли-

жаноб кишиларнинг шон-шавкати ҳақида сирлар денгизи») асарини эса 1634—1641 йиллар орасида ёзилган ва аштархоний хонлардан Подир Муҳаммадга бағишланган. Мазкур асарларга таяниб Қирғизистоннинг XV асрдаги сиёсий тарихи ҳақида айрим маълумотларини келтирамиз.

Маълумки, ҳозирги Қирғизистон ҳудуди 1219 йили Чингизхон қўшинлари томонидан забт этилди ва 1227 йилдан Чигатой улуси таркибига киритилди. XIV асрнинг ўрталарига келиб, Чигатой авлодлари ва феодал зодагонларнинг ўзаро курашлари натижасида бу улус иккига бўлиниб кетди. Шу пайтдан бошлаб, унинг шимоли-шарқий ноҳиялари (Ила дарёси ўлкаси, Еттисувнинг бир қисми ва Шарқий Туркистон) Мўғулистон ёки **Жэтэ** деб атала бошлади. У ерда Чигатойхоннинг айрим авлодлари ҳукмронлик қилдилар. Собиқ Чигатой улусининг жануби-ғарбий қисми (асосан Мовароуннаҳр)ни ҳам Чигатой авлоди бошқарган. Аммо XIV асрнинг 50-йилларида кўчманчи феодал зодагонлар Баён сулдуз ҳамда Ҳожи барлосларнинг олий ҳокимиятни қўлга киритиб олиш учун уринишлари беҳуда кетгач, Мовароуннаҳр 12—15 мустақил феодал улусларга бўлиниб кетди.

1361 йилда мамлакат (Чигатой улусининг жануби-ғарбий қисми) Мўғулистон хони Тўғлуқ Темурхон (1347—1363) томонидан вақтинча босиб олинди. 1370 йилда Мовароуннаҳрда барлос қабиласига мансуб бўлган бекзода Амир Темур ҳокимият тепасига келди. Амир Темур, ундан кейин набираси Улуғбек Мўғулистонни Мовароуннаҳр билан қўшиш ёки Чигатой улусини тиклаш учун шиддатли, аммо самарасиз кураш олиб бордилар.

XV аср бошларида Мўғулистонда Тўғлуқ Темур авлоди ўртасида тожу тахт учун ўзаро кураш авж олиб кетди ва бу охиrhoқибатда мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида **оғир тушқунликка** олиб келди.

Увайсхон ҳукмронлигининг дастлабки даврлари (1418—1421)¹да қалмоқлар (ўйротлар) илгари мўғул хонлари қўл остида бўлган Бешбалиқни босиб олдилар. Қалмоқларнинг тез-тез ҳужум қилиб туришлари оқибатида Увайсхон ўз қароргоҳини Шарқий Туркистондан Еттисувга, Илибалиққа² кўчиришга мажбур бўлди. Бу ерда у қалмоқларнинг йўлбошчиси Тўғоннинг ўғли Эсентойши қўл остидаги қалмоқ гуруҳлари билан бир неча марта жанг қилди. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар бу туқнашувлар ҳақида қимматли маълумотларни келтирган. Увайсхон ўзининг иккинчи марта ҳокимият тепасига келиши аввалида (1425/26—1427/28) бир жангда (Мушқулоқ деган мавзеда бўлган жангда³) қалмоқлар томонидан мағлуб этилди ва улар-

¹ Ҳижрий 828 (милодий 1424/25) йилда Увайсхон янгидан Мўғулистонда ҳокимиятни қўлга киритиб олди ва 1428 йилгача ҳукмронлик қилди.

² Илибалиқ — Олмалиқнинг жануби-ғарбий тарафида, Ила дарёси бўйида жойлашган; ўрта аср шаҳари.

³ Мушқулоқ — Ила дарёси бўйида жойлашган бўлиши керак, деб тахмин қилинади.

га асир тушиб қолди. Хуллас, Увайсхоннинг қалмоқларни Чу водийси ҳамда Еттисувдан сиқиб чиқариш учун бўлган уринишлари самарасиз бўлди.

Увайсхон вафотидан (1427/28) сўнг Мўғулистонда кучли ғалаёнлар бошланди. Феодал задогонларнинг кўпчилиги Увайсхоннинг ўғли Эсон Буғохонни қўллаб-қувватладилар, тахт вориси 13 ёшли Юнусхон эса Самарқандга қочиб кетишга мажбур бўлди¹. Мамлакатда бир неча йил мобайнида бош-бошдоқлик ҳукм сурди. Улуғқўл атрофларида истиқомат қилган дуглот амирлари ўзларини мустақил деб эълон қилдилар. Оқсув билан Кушпойда ҳокимиятни амир Саид Али қўлга олди. Баҳоғатга етмаган Эсон Буғога кўчалтош (эмишган оға) қилиб қўйилган турфонлик нуфузли беклардан Темур уйғур ўзи хон, кўланкаси майдон эди. Муҳаммад Ҳайдарнинг сўзларига қараганда, феодаллар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, айримлари эса мутлақо бўйсунмай қўйган эдилар. Чунончи, улардан бири дуглот қабиласига мансуб бўлган Мир Каримберди марказий ҳокимиятдан ажралиб чиқиб, Олабуқада қалъа қурди ва ўша ердан туриб Андижон устига босқинлар уюштирди. Амир Мир Ҳақберди эса Иссиққўл атрофида мустаҳкамланиб олиб, Сайрам ва Туркистон устига босқинлар қилди. Чурос ва баҳрин қабиласининг амирлари эса ўша пайтларда Чу водийсида ҳукмронлик қилиб турган қалмоқ ҳукмдори (тойши)нинг хизматига ёлландилар, қолучи ва бўлғучи қабиласининг амирлари эса кўчманчи ўзбеклар ҳукмдори Абулхайрхонга қўшилиб кетдилар.

1434/35 йилларда Эсон Буғохон Оқсув ва Қошғарда ўз мавқеини анча яхшилаб олди, лекин бошқа вилоят ҳукмдорлари ҳамон мустақил ҳукмронлик қилмоқда эдилар.

XV асрнинг биринчи ярмида Мўғулистонда давом этган феодал тарқоқлик кўчманчи ўзбекларнинг Сирдарёнинг ўрта оқишида мустаҳкамланиб олишларига имкон берди.

Маълумки, 1428—1431 йилларда Шайбон улусида (Жануби-Ғарбий Сибирь ва Ғарбий Қозоғистон) ҳокимиятни Абулхайрхон қўлга киритиб олди. Темурийлар давлатида рўй берган ўзаро ички низолар ҳамда Мўғулистондаги феодал тарқоқликдан усталик билан фойдаланган Абулхайрхон 1446 йилда Сирдарё бўйида жойлашган бир қатор қалъа-шаҳарлар: Оққўрғон, Арқуқ, Ўзганд, Сиғноқ ва Сузоқни ўзига қаратиб олди. Шундан кейин кўчманчи ўзбеклар Мўғулистон ва Мовароуннаҳр ҳудудларига яқинлашиб олиб, уларнинг чегара ноҳияларига таҳдид қила бошладилар.

«Баҳр ул-асрор» муаллифининг маълумотларига қараганда, Абулхайрхон 1468 йили Мўғулистонга, аниқроғи қирғиз ва қалмоқлар юртига юриш қилди, аммо йўлда қазо қилганлиги ту-

¹ Улуғбек Юнусхон ва унинг барча яқинларини ҳибсга олди, ўзини эса Хуросонга, Шоҳруҳ ҳузурига юборди. Юнусхон 30 йилга яқин Хуросон ва Ироқда истиқомат қилди ва Эсон Буғохон ва унинг ўғли Дўстмуҳаммадхон вафотидан сўнг, яъни 1468/69 йилда Мўғулистонга қайтиб келди.

файли бу юриш қолдирилди. Лекин Абулхайрхоннинг таржи-
ман ҳолида ва бошқа биров асарда чиндан ҳам бундай юриш
бўлганлигини тасдиқловчи далил бўлмаганлиги сабабли Маҳ-
муд ибн Валининг бу маълумоти қанчалик тўғри эканлигини
текшириб кўришдан оғизмиз. Аммо XV асрнинг 50-йилларида
Мўғулистон ҳамда кўчманчи ўзбеклар давлатида юз берган во-
қеалар Маҳмуд ибн Валининг гапида жон борлигини тасдиқ-
лайди. Шу мақсад билан ўша вақтларда юз берган воқеаларга
бир қадар назар ташлайлик.

XV асрнинг ўрталарида икки чингизий султон: Оқ Урда хо-
ни Бароқнинг (1423—1427) ўғиллари Гирайхон ва Жонибек
султонлар Абулхайрхон ҳузуридан қочиб, Мўғулистонга бор-
дилар. Бу ҳақда Мирзо Муҳаммад Ҳайдар бундай деб ёзган
эди: «Уша даврда (1455/56) Абулхайрхон тамом Дашти қипчоқ-
нинг ҳокими эрди. Жўчихон авлодига мансуб султонларни тор-
мор этгач, улардан иккитаси — Жонибек ва Гирайхон Мўғулис-
тонга қочиб бордилар. Эсон Буғохон уларни жуда яхши қарши
олди ва уларга Мўғулистоннинг ғарбий қисмида жойлашган
Чу ва Қўзибоши ўлкаларини ажратиб берди». Афтидан, Эсон
Буғохон бу билан Мўғулистоннинг шимоли-ғарбий ҳудудларини
кўчманчи ўзбеклар тажовузидан ҳимоя қилмоқчи бўлган бўли-
ши керак. Яна ўша «Баҳр ул-асрор»да Ғарбий Мўғулистонда
ўрнашиб олган Гирайхон ва Жонибек султон қабиладошлари-
нинг қалмоқ ва қирғиз яйловларига тез-тез ҳужум қилиб тур-
ганлари тўғрисида маълумотлар учрайди. «Мўғулистонга кў-
чиб келиб ўрнашган дастлабки кунларданоқ улар (Гирайхон
ва Жонибек султон ва уларнинг қабиладошлари) босқинлар қи-
либ қалмоқ ва қирғиз қабилалари (ақвом) ни талон-торож қил-
ганлари сабабли,— деб ёзади Маҳмуд ибн Вали,— бу халқ
(тоифа)га «қозоқ» деб ном берилди».

Шу вақтга келиб, кўчманчи ўзбеклар Сирдарё ҳамда Қора-
толиннинг ўтроқ халқлар яшайдиган ноҳияларини ишғол қилиб,
Мўғулистоннинг ғарбий ҳудудларига чиқиб олган эдиларки, бу
дол Мўғулистон хонини ташвишга солмаслиги мумкин эмас эди.
Шунинг учун ҳам Эсон Буғохон Гирайхон ҳамда Жонибек сул-
тонларнинг ёрдамида Мўғулистонни нафақат қалмоқлар, балки
кўчманчи ўзбекларнинг хуружидан ҳам ҳимоя қилмоқчи бўл-
ган. Вақт ўтиши билан Ғарбий Мўғулистон Абулхайрхондан
қочиб келган кўп кишилар учун ватап бўлиб қолди. Муҳаммад
Ҳайдарнинг таъкидлашича, Гирайхон ва Жонибекдан бошқа бир
қанча султонлар ҳам Чу водийсига келиб ўрнашганлар. Ана шу-
нинг учун ҳам Гирайхон ва Жонибекларни қозоқ хонлигининг
асосчилари деб, қозоқ хонлигининг ташкил топган вақтини эса
1465/66 йил деб ҳисоблашга асос бор.

XV асрнинг 50-йилларида Мўғулистон ҳудудида яна бир му-
ҳим воқеа содир бўлди. Бу — кўчманчи ўзбеклар билан қал-
моқлар ўртасида бўлиб ўтган катта урушдир. 1408 йилдаёқ Ила
ўлкасини эгаллаб олган қалмоқлар 1457 йилнинг баҳорида Уз
Темур тойши раҳбарлиги остида Сирдарё бўйларида пайдо бўл-

дилар. Сирноқ ва Қўк қошонадан унча узоқ бўлмаган Нуртў-
қай деган жойда қалмоқлар билан кўчманчи ўзбеклар ўртасида
бўлган жангда кўчманчи ўзбеклар мағлубиятга учрадилар.
Абулхайрхон қолган-қутган қўшини билан чекиниб, Сирноқ
қалъасига яширинишга мажбур бўлди. Қалмоқлар Тошкент,
Шоҳруҳия¹, Туркистон атрофидаги қишлоқларни талон-торож
қилиб, ўз юртларига қайтиб кетдилар.

«Таворих-и гузида, нусратнома» асари муаллифининг маъ-
лумотига қараганда, Уз Темур тойши ўша пайтда Абулхайр-
хоннинг 3 яшар набираси Маҳмуд Султонни ўзи билан бирга
олиб кетган ва у 7 йил қалмоқлар орасида кун кечирган. Фик-
римизча, Маҳмуд Султон, кўчманчи ўзбеклар билан қалмоқлар
ўртасида тузилган битимга мувофиқ, ғолибнинг устуқлигини
тан олиш муносабати билан омонат (гаров)га олиб кетилган
бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, 1468 йилда Абулхайрхон Мўғулистонга юриш
қилган пайтда икки мақсадни кўзлаган: 1) Гирайхон ва Жони-
бек султонларни тор-мор келтириш; 2) 1457 йилги мағлубият
учун қалмоқлардан ўч олиш.

Абулхайрхон вафотидан сўнг, кўп ўтмай, кўчманчи ўзбеклар
давлати инқирозга юз тутди. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар шун-
дай деб ёзган эди: «... Абулхайрхон вафотидан сўнг ўзбек улу-
си инқирозга юз тутди. Бу ерда катта тўс-тўполонлар бошлан-
ди. Уша пайтда кўп халқлар Гирайхон ва Жонибекхон томони-
га ўтиб кетдилар. Уларга қўшилганларнинг умумий сони 200
минг кишига етди».

Абулхайрхоннинг иккинчи ўғли Шайх Ҳайдархон отасининг
ўрнига тахтга ўтирди². Унинг даврида кўчманчи ўзбеклар дав-
лати тамоман парчаланиб кетди. Шайх Ҳайдархоннинг айрим
султон ва феодалларнинг сепаратистик ҳаракатларини тўхтатиб
қолиш учун қилган уринишлари беҳуда кетди. Хоннинг ўзи эса
Ибоқхон (Сибирнинг машҳур хони Кучумхоннинг бобоси), Ол-
тин Урда хони Аҳмадхон, шайбонийлардан Бурка Султон ҳам-
да манғит амирлари Мусо ва Емғурчи (машҳур Идику ўзбек-
нинг авлодлари)нинг бирлашган кучлари томонидан мағлуб
этилди.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, сўнгра «Шарафнома-йи шоҳий»
асарининг муаллифи Ҳофиз Таниш Бухорий қандайдир Бурунч
ўғлон тўғрисида сўз юритадилар. Улар Бурунч ўғлоннинг 1472/73
йилда Юнусхоннинг Сирдарё бўйларида жойлашган ўрдасига
қилган тунги ҳужуми, бунда Бурунч ўғлоннинг ҳалок бўлган-
лиги тўғрисида муфассал гапирадилар.

¹ Шоҳруҳия — Сирдарё соҳилида, унга Чирчиқ дарёси келиб қўшил-
диган ерда жойлашган ўрта аср шаҳри.

² «Фатҳнома» (Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзма-
си, инв. № 5369, в. 65 б) муаллифининг сўзларига қараганда, Абулхайрхон-
дан кейин Едгорхон хон бўлган. Шайх Ҳайдархон эса ундан кейин тахтга
ўтқазилган.

Маълумки, Юнусхон 1469/70 йилларда Мўғулистонга хон бўлди. У ички феодал урушларга маълум даражада таскин беришга муваффақ бўлди, лекин унинг Чу водийсида ҳамда Иссиқкўл атрофида кўчи юрган қалмоқларга қарши олиб борган кураши муваффақиятсизликка учради. 1472/73 йилда Юнусхон Ила дарёси бўйида қалмоқ тойшиси Амаланжа томонидан мағлуб этилди ва Сирдарё бўйларига қараб қочиб келди. Бу ерда Қорату мавзеида қишлоғига тўхтади. Қиш кунларидан бирида Юнусхон овга берилиб кетиб, ўрдасидан анча узоқлашиб кетган бир пайтда ўша Бурунч ўғлон унинг қароргоҳига босқин қилиб, уни талон-торож қилди. Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг хабар қилишича, ана шу босқинда шайбоний султонлар иштирок этганлар. Аммо муаррихлар бу султонларнинг номларини тилга олмайдилар. Маҳмуд ибн Валининг ёзишича, Бурунч ўғлоннинг зикр этилган босқинида Шайбонийхон, Маҳмуд Султон ва бошқалар иштирок этишган. Муҳаммад Ҳайдар ва Ҳофиз Таниш Бухорий исми тилга олинган Бурунч ўғлон Абулхайрхоннинг тўнғич ўғли деб айтадилар. Маҳмуд ибн Вали эса уни шунчаки Жўчи авлодидан деб айтади. Бурунч ўғлон ҳақиқатан ҳам Абулхайрхоннинг ўғли бўлганми? Бу саволга аниқ жавоб бериш қийин, албатта. Абулхайрхоннинг ўғиллари орасида ҳатто номи Бурунч ўғлонга ўхшаш шахсни учратмадик. Тўғри, Абулхайрхоннинг ўғиллари орасида Оқбуруқ исмли ўғли бўлган, аммо у тўнғич ўғил эмас, балки кенжа ўғилдир. Фикримизча, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, Ҳофиз Таниш Бухорий, Маҳмуд ибн Валилар тилга олган Бурунч ўғлон Абулхайрхон қўшинининг ўнг қанот сардорларидан бири. Ҳақиқатан ҳам у ўша пайтларда Туркистон ва Сигноқ атрофларида бўлган Бузунжорбий қиёт бўлса эҳтимол.

Юнусхоннинг ҳукмронлиги даври (1462—1487) Мўғулистонда ўзаро феодал урушларнинг бир қадар камайиши билан тавсифланади. Юнусхон XV асрнинг 70—80-йилларида Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад (1469—1494) билан Фарғона ҳокими Умаршайх (1461—1494) ўрталаридаги ўзаро келишмовчиликлардан усталик билан фойдаланиб, шунингдек улар билан қон-қариндош эканлигини рўқач қилиб, турли ҳийланайрашлар билан Умаршайх қўлидан Сайрам, Уратепа ва Тошкентни тортиб олди.

XV асрда Қирғизистон билан боғлиқ бўлган сиёсий воқеалар асосан ана шулардан иборат. Аммо шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, қирғизлар ўша даврдаёқ Чу дарёси водийси ҳамда Еттисув ноҳиясининг туб аҳолиси бўлганлар. Қирғиз халқи Мўғулистон аҳолисининг катта қисмини ташкил этиб, ушбу мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта роль ўйнаганлар.



II. ҚАДИМГИ ҚҮЛЁЗМАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

АБУЛҒОЗИХОН ВА УНИНГ «ШАЖАРАИИ ТУРК» АСАРИ

Абулғозихон олий насаб ва тожу тахт соҳиби бўлган. У қарийб 20 йил (1644—1664) Хоразмни идора қилди, лекин тарихда олий ҳукмдор сифатида эмас (тарихда жаҳонни титратган не-не подшолар ўтмади, лекин аллақачонлар улардан ном-нишон қолмаган), балки йирик олим сифатида қолди. Илмнинг хосиятидан шундай бўлди у. Дарҳақиқат, Абулғозихон кенг ва чуқур маълумотли киши эди. «Бу фақирга,— деб ёзган эди унинг ўзи,— худон таоло иноят қилиб кўп нимарса берган турур. Хусусан уч ҳунар берган турур. Аввал, сипоҳийгарликнинг қонуни ва йўсуниким нечук отланмоқ ва юрумак ва ёвга ёсоқ ясамоқ, кўп бирлан юруганда нечук қилмоқ, оз бирлан юруганда нечук қилмоқ, дўстга душманга нечук сўзлашмақ. Иккинчи, маснавийёт ва қасонд ва газалиёт ва муқаттаъот ва рубонёт ва барча ашъорни фаҳмламаклик, арабий ва форсий ва туркий лугатларнинг маъносини билмаклик. Учинчи, Одам аҳдиндин то бу дамғача Арабистонда, Эрон ва Туронда ва Мўғулистонда ўтган подшоҳларнинг отлари ва умрларининг ва салтанатларининг кам ёки зиёдин билмаклик».

Абулғозихон 1603 йилнинг 23 августидан Урганчда дунёга келди. У ўша кезларда соҳиби тож бўлмиш Араб Муҳаммадхон (1602—1623)нинг тўртинчи ўғли эди. Лекин унинг ҳаёти хонзодаларникидай тинч-тотувлик, осудалик, емак-ичмакдан мўл-кўл бўлиб кечмади. Абулғози олти ёшида онасидан (Меҳрибону хоним; шайбоний Ёдгорхон авлоди бўлмиш Жонғози султоннинг қизи эди) етим қолди, 13 ёшида тожу тахт учун бошланган ўзаро курашлар гирдобига тушди. 1616 йили оғала-ри Ҳабаш султон билан Элборс султон найман ва уйғур қаби-

дотарининг бошлққларига таяниб (оналари пайман қабиласига мансуб эди), отасига қарши исён кўтардилар. Ушанда Араб Муҳаммадхон, одатда ота-бола орасидаги муомалани андиша қилиб, исёнкор ўзилларига Вазир шаҳрини ҳам қўшиб берди. Орадан беш йил ўтар-ўтмас оралари яна бузилиб, низо урушга айланди. 1621 йилда Тошли ёрмиш қудуғи ёнида икки орада — бир тарафда Араб Муҳаммадхон тўнғич ўғли Исфандиёр султон ва Абулғози султон билан, иккинчи томонда унинг бошқа ўғиллари Ҳабаш султон билан Элборс султон орасида уруш бўлди. Оқибатда Араб Муҳаммадхон, Исфандиёр султон ва Абулғози султонлар мағлубиятга учрадилар. Асир олинган хоннинг (Араб Муҳаммадхоннинг) кўзларига мил тортилди ва Хивага олиб келтирилиб қамаб қўйилди. Кўп ўтмай у шу ерда қатл этилди.

Урушдан кейин Абулғози хон аввал Котга, сўнгра Бухорога, аштархонийлардан Имомқулихон (1611—1642) ҳузурига қочиб борди. Араб Муҳаммадхоннинг бошқа ўғиллари: Исфандиёр султон, Шариф Муҳаммад султон ва Хоразмшоҳ султон Хазораспга бордилар ва унинг мустаҳкам қалъаси ичига кириб яшириндилар. Ҳабаш билан Элборс қирқ кунлик қамалдан кейин оғаси Исфандиёр, инилари Шариф Муҳаммад ва Хоразмшоҳ султонлар билан ярашиб, Исфандиёрга Макка зиёратига кетишга ижозат берди, Шариф Муҳаммад султонга Котни инъом қилди, Хоразмшоҳ султон (у ўша пайтда ўн икки ёшда эди) билан Авғон султонни (ўн ёшда бўлган) Хивага жўнатди.

Лекин Исфандиёрхон Маккага бормади, у тўппа-тўғри Исфохонга, шоҳ Аббос I (1587—1629) ҳузурига борди ва унинг ёрдами билан 1623 йили Хива тахтини эгаллади. Абулғози хон бундан хабар топиб, ўша йилиёқ Хоразмга қайтиб борди. Исфандиёрхон унга Урганчи инъом қилди. Лекин орадан тўрт йил ўтиб, 1627 йили хон билан оралари бузилиб Туркистонга, Эшимхон (1929 йили вафот этган) ҳузурига қочиб борди. Кўп ўтмай уни Турсунхон Тошкентга олиб кетди. У Тошкентда икки йил истиқомат қилди ва Турсунхоннинг ўлиmidан кейин, 1630 йили яна Бухорога, Имомқулихон ҳузурига қўл қовуштириб борди. Лекин бу гал у Бухорода кўпга қолмади. Уша йили хондан норози бўлган хивалик туркманларнинг чақирғи билан яна Хоразмга қайтиб борди. Исфандиёрхон (у ўша вақтда Хазораспда турарди) икки ой давом этган борди-келдидан кейин унга Хивани топширишга мажбур бўлди. Лекин тақдирга тап бермай, пайт пойлаб юрди. Орадан олти ой ўтгач, Исфандиёр уни ўша вақтларда Эрон подшоси тасарруфига тушиб қолган Нисо билан Дарунга (Ашхобод билан Қизил арвот ўртасида жойлашган манзилгоҳ) босқин қилишда айблаб ҳибсга олди ва Эронга, шоҳ Сафий I (1629—1642) ҳузурига омонат тарзида жўнатиб юборди.

Абулғози Эронда қарийб 10 йил (1630—1639) махсус назоратчилар қўл остида Исфохонга яқин жойлашган Таборах қалъасида тирикчилик ўтказди. 1639 йили ёз кунларидан биринчи у тутқунликдан қочиб қутилишга муваффақ бўлди. Кўп та-

раддуд ва машаққатлар чекиб, икки ярим йил деганда, 1642 йили Орол ўзбеклари орасига келиб тушди. Ороллик ўзбеклар 1643 йили Абулғозини хон қилиб кўтардилар. Орадан бир йил ўтгач, 1644 йили у кўпчилик рақибларини енгиб, Хоразм тахтини эгаллашга муваффақ бўлди.

Абулғози хон ҳаммаси бўлиб йигирма йил атрофида хонлик маснадида ўлтирди. Лекин бошқа ҳукмдорларга ўхшаб ҳузур-ҳаловат кўрмади. Умри кўпроқ уруш-талашларда ўтди: 1646—1653 йиллари у Тажик, Боми баурма (Қизил арвотнинг жануби-шарқий тарафида жойлашган манзилгоҳ), Атрок ва Жўржон туркманлари билан уруш олиб борди, 1655—1662 йиллари ўлкага вақт-вақти билан босқин қилиб турган ёйиқ (урал) лик ўрис қозоқлари, қалмоқлар ва қозоқ кўчманчилари билан кураш олиб борди, 1663—1664 йиллари бир неча марта Бухоро устига юриш қилди.

1664 йили Абулғози хон оғир дардга чалиниб ётиб қолди, тожу тахтни эса ўғли Анушахон (1664—1674) га топширди. Орадан кўп вақт ўтмай, 1664 йилнинг апрель ойида у дунёдан ўтди. Абулғози хон ҳаммаси бўлиб 60 йилу етти ой умр кўрди.

Абулғози хондан икки тарихий асар қолди. Биттаси «Шажарайи тарокима» (1658—1661 йиллар орасида ёзилган деб тахмин қилинади) аталиб, туркий қабилаларнинг, хусусан туркман халқининг келиб чиқиши ҳақида қимматли маълумот беради. Асарда барча туркларнинг афсонавий подшоси Уғузхон ва унинг авлоди тарихи, шунингдек туркман уруғлари (солур, баёндул, така, ёвмут, тевачи, хизр эли, сариқ, Али эли, ёзир, эрсори ва бошқалар) нинг келиб чиқиши қисқа тарзда баён этилган. «Шажарайи тарокима», Абулғози хоннинг ўз сўзларига қараганда, туркман муллалари, шайхлари ва бекларининг илтимоси билан ёзилган. Ушбу асарнинг тапқидий матни, русча таржимаси, катта илмий тадқиқот билан бирга, 1958 йили академик А. Н. Қононов (1906—1986) тарафидан Санкт-Петербургда чоп этилган. Абулғози хоннинг иккинчи асари «Шажарайи турк», номи билан машҳур. Мазкур асарнинг асосий қисми 1663—1664 йилларда ёзилган. Унда Хоразмнинг XVI—XVII асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий тарихи баён этилади.

«Шажарайи турк»нинг ёзилиш сабаблари ҳақида муаллифнинг ўзи бундай дейди: «Аmmo бизнинг ота-ақаларимизнинг бепарволиқи ва Хоразм халқининг бевоқуфлиқи, бу икки сабабдин, бизнинг жамоатимизнинг Абдуллохоннинг (шайбоний Абдуллахон II; 1583—1598 йиллари Бухоро хони — Б. А.) оталари (Абулхайрхон; 1528—1568 йиллар — Б. А.) бирлан бизнинг оталаримизнинг (шайбоний Ёдгорхон; XV аср — Б. А.) айрилган еридин то бизга келгунча тарихларини битмай эрдилар. Бу тарихни бир кишига таклиф қилади деб фикр қилдуқ, ҳеч муносиб киши топмадуқ, зарур бўлди [ва] ул сабабдин ўзиниз айтдуқ».

Асар қисқа муқаддима ва тўққиз бобдан иборат: 1) Одам

Атодан то туркларнинг қадимги хонларидан Мўғулхонгача кечган ҳодисалар зикри; 2) Мўғулхондан Чингизхонгача бўлган тарих; 3) Чингизхоннинг туғилганидан то вафотигача бўлган тарихи; 4) Чингизхоннинг учинчи ўғли Уғдой қоон ва авлоди; шунингдек Чингизхоннинг бошқа ўғиллари наслидин бўлган ва Мўғулстонда подшолик қилганлар зикри; 5) Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойхон авлодидан Мовароуннаҳр ва Қошғарда подшолик қилган хонларнинг зикри; 6) Чингизхоннинг кенжа ўғли Тулуйхон авлодидан Эронда подшолик қилганлар (улар тарихда элхонийлар деб аталади; 1256—1336 йиллари ҳукмронлик қилганлар — Б. А.) зикри; 7) Чингизхоннинг улуг ўғли Жўчхон авлодидан Дашти қипчоқда подшоҳ бўлганлар зикри; 8) Жўчхоннинг бешинчи ўғли Шайбон (XIII аср) авлодидан Мовароуннаҳр, Қрим, Қозоқ ва Туронда хонлик қилганлар, шунингдек Жўчхоннинг ўн учинчи ўғли Тўқай Темурхон наслидан Қрим, Қозоқ ва Мовароуннаҳрда подшолик қилганлар зикри; 9) Шайбон авлодидан Хоразм мамлакатинда подшолик қилганлар зикри.

Абулғозихон асарнинг 7,8 ва 9-бобининг бир қисмини (1644 йилгача кечган воқеалар тарихини) ёзиб улгурган холос. 1—6-боблар ва 9-бобнинг давоми (1644—1664 йил воқеалари) Анушахоннинг топшириғи билан Маҳмуд ибн мулла Муҳаммад Урганжий деган уламо тарафидан ёзилган. Бу ҳақда асарда мана бу қайд бор: «Маълум бўлсинким, Абулғозихони жаннат макон бу китобни тасниф қилиб ярмига етканда хаста бўлдилар, ўғилларига васият қилиб турурларким, бу китобни нотамом қўймаган, итмомиға саъий [ҳаракат] қилинг. Ул сабабдин Абулмазаффар ва-л-мансур Анушахон ибн Абулғозихон марҳум ва мағфурий, бу бандайи бебизоат ва каминайи беиститоат Маҳмудий ибн мулла Муҳаммад Замон Урганжий бўлғаймак, «бу китобни итмомиға еткур», деб ҳукм қилдилар».

Асар Абулғозихондан аввал ёзилган бирмунча тарихий китоблар (умумий сопи 18) га асосланган. Бундан ташқари, асарнинг оригинал қисмини (8, 9-боблари) ёзишда муаллиф ўзи билган ва сўраб-суриштириб тўплаган маълумотларидан ҳам кенг фойдаланган.

«Шажарайи турк» тарихининг турли масалаларига (ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, этник ва ҳ. к.) оид эътиборга молик, маълумотларга бой асардир. Биз мисол тариқасида улардан айримларини қайд этиб ўтаемиз.

Тарихий маълумотлар ичида Шайбон улуси ва унинг сарҳадлари, унинг XV асрнинг сўнги чораги — XVI аср бошларидаги умумий аҳволи, Сибирь хонлиги, Хоразмнинг XVI—XVII асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, унинг Русия, Қозоқ ҳамда Бухоро хонликлари билан бўлган ўзаро муносабатлари ҳақидаги маълумотлар диққатга сазовордир. Масалан, Шайбон улусининг сарҳадлари ва ташкил топган вақти ҳақида асарда бундай дейилган: «Ул (Ботухон — Б. А.) «бу сафарда (1236—1240 йиллари Можор, Бошғирд,

Рус ва Қурил ерларига қилинган ҳарбий юриш — Б. А.) ишимин битирган сен бўлдинг» теди. Тақи Шайбонхонга жулду теб ўн беш минг эвлик эл берди... ул сафарда олган ўлжа вилоятлардин Қурил (асли Келар) юртини берди. Байри элиндан қўшга ва найман ва қорлиқ ва буйракни, [яъни] бу тўрт уруқ элни берди. Тағи айдиким, «ўлтурур юртунг акам (Ўрда) Ичан бирлан менинг орамизда бўлсун. Ёз ёзона Ирғиз ва Ур ва Ила (дарёларидан) то Урол тоғигача, Ёйиқнинг (Урол дарёсининг — Б. А.) кун туғиш тарафини яйлағил. Қиш бўлганда Орақум, Қорақум ва Сир сувининг бўйини, Чу сувининг, Сари (Сариқ — Б. А.) сувининг оёқини қишлағил, теди».

Маълумки, XV асрнинг 20-йилларида ташкил топган, Сибирь хонлиги номи билан машҳур бўлган ва Фарбий Сибирь устидан ҳукм юргизган феодал давлат тепасида ҳам ўша Шайбон наслидан бўлган хонлар турган. Уларнинг сўнги хонларидан Кўчумхон (1563—1598) ҳақида асарда мана буларни ўқиймиз: «...Маҳмудакхони мазкурнинг бир ўғли Муртазохон, анинг ўғли Кўчумхон... Бу Кўчумхон Туро вилоятинда қирқ йил подшоҳлик қилди. Узун ёш тобди. Ахир икки кўзи нобино бўлди. Тарих 1003 (1595) йилда Кўчумхоннинг қўлиндин Турони ўрис олди. Кўчумхон қочиб манғит халқининг ичига борди. Тақи ҳақ раҳматиға кетди».

Асарда рус халқи ва Русия билан муносабатлар ҳақида ҳам қисқа, лекин эътиборга молик маълумотлар келтирилган. Мана улардан баъзилари: «[Араб Муҳаммад] хон бўлгандин (1602— Б. А.) олти ойдин сўнг Қўш ёйиқ теганди юруган ўруснинг қозоқиндин минг киши саратоннинг аввалги куни ғофил келиб, Урганчининг қалъасина кирди. Шаҳарда раъиятдин ўзга киши йўқ эди. Хоннинг ўрдуси ва сипоҳ халқи Аму сувининг лабинда эрдилар... [Ўрус қозоқи] Урганчда раъиятдин минг кишини ўлтурди ва минг қиз бирлан жувонни олди. Минг арабаға яхши моллардин юклади. Бўз ва бўёғли ва палос ва тўн ва тўшак-ястук мундаг нимарсаларнинг барчасини ўтга ёқди. Буларни саранжом қилғунча етти кун бўлди. Андин сўнг Урганчдин чиқиб дарё лабига юруду...» Ва яна: «Биз дунёға келган йилининг (1603 й. — Б. А.) аввал баҳоринда ўн етти киши Ўрусға савдоға кетар. Қўш ёйиқ теганда минг қозоқ ўрус бор эрканда. Йўлда анга учрай қолур, [алардин] иккисининг ўлтурур, сақлаған кишилардин Урганчнинг хабарин сўрар...»

Асарда келтирилган этнографик, яъни турк-мўғул қабилалари, хусусан, улар номларининг маъноси ҳақидаги маълумотлар, ўзбеклар, сартлар ҳамда туркман уруғлари (сариқ, ёвмут, қизил аёқ, эрсари ва ҳ. к.) ҳақидаги маълумотлар ҳам ўта муҳимдир. Бир-икки мисол келтирамиз: «Асл лафз мўғул: мўғул турур. Авомнинг тили келмасликидин бора-бора мўғул тедилар. Мунгнинг маъносин барча турк билурлар: қайғу маъносина турур. Улнинг маъноси сода дил, яъни қайғули сода темак бўлур». Ва яна: «қипчоқ — Тан (Дон — Б. А.) ва Итил [Волга — Б. А.] ва Ёйиқ (Урал — Б. А.), бу айтилган сувлар

нинг орасида ўлтурлар». Яна бир мисол: «Қиниқли — туркман билан бирга ўлтурур эрдилар. Туркман вилоятга тушганидан сўнг Иссиқкўл ва Чу ва Талош; бу айтилган сувларнинг ёқаларинда ватан қилиб, кўп йиллар ўлтурдилар. Урганч подшоҳларининг Текашхон (1172—1200 йиллари ҳукмронлик қилган — Б. А.) қиниқлининг бир ўғлининг қизин олди. Туркан отлиқ, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200—1220 йиллари подшоҳ бўлган — Б. А.) ул қиздин туғди». Сўнги мисол: «Тўқтоғуҳон (1290—1312 йиллари ҳукмронлик қилган Олтин Ўрда хони — Б. А.) ўлгандин сўнг ўн уч ёшида Ўзбекхон (1312—1342 — Б. А.) хон бўлди. Тақри элини ота-бобосининг дастури билан забт қилди. Ҳар кимнинг мартабасини лойиқ ҳурмат қилиб, инъомлар берди. Эл-улусни дини исломга киргизди... Андин сўнг Жўчи элини ўзбек эли тедилар».

Ўлжанинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига оид маълумотлар

Асарда Хоразмнинг ўша замонларда ҳам обод бўлганлиги, Амударё ўзанининг ўзгарган вақти ва унинг оқибатлари ҳақидаги маълумотлар ҳам қимматлидир. Бу хусусда ҳам бир-икки мисол келтириш билан чекланамиз. «Ул вақтда (Сўфиёнхон замонида — Б. А.) Урганчдин Абулхон (Каспий денгизининг шарқий тарафида, ҳозирги Красноводск қўлтиғининг жануби-шарқий тарафида жойлашган тоғли ноҳия — Б. А.) бормоқ бу овулдин ул овулга борғонтек эрди. Анинг учун Аму суви Урганч қалъасининг тубидан ўтиб, Абулхон тоғининг кун туғишига бориб, тоғнинг тубина тегиб, қибла тарафининг ўғрулуб кун ботишига бориб, андин ўтуб Ўғурча (Амударёнинг қўйи қисмида, унинг жанубий ирмоғи Ажойба сувининг Каспий денгизига қуйиладиган ерда жойлашган манзил — Б. А.) бориб Мозандарон (Каспий денгизининг ўрта асрлардаги номларидан — Б. А.) тенгизига қуяр эди. Тақри улким, Аму дарёсининг икки тарафи то Ўғурча боргунча, экинлик ва юзум боғи ва дарахистон эрди. Баланд ерларга чигир қуарлар эрди. Молли халқ кўкоруп ва чибин вақтинда бир-икки манзил йироқроқ қудуқларга кетарлар эрди. Чибин ётқондин сўнг сувнинг яқасига келурлар эрди. Ободонлиқ ва маъмурликнинг ҳеч ниҳояти йўқ эрди». Ва яна: «Анинг (Аминакхоннинг ўғли Қолхоннинг — Б. А.) замонида Урганч ободон ва халқ тинч бўлди. Бениҳоят арзонлик бўлди... Бир пулга бир нон бўлди тедилар». Яна бир мисол: «Кема ўша вақтда (Аванешхон даврида — Б. А.) Урганч билан Вазирнинг орасининг юрур эрди».

Яна шу ҳам диққатга сазоворки, ўша замонларда Хоразмда, бошқа экинлар билан бир қаторда, бугдой ҳам кўп экилар, шунинг учун ҳам нон арзон эди. Бир мисол келтирамиз: «Ул вақтда (Араб Муҳаммадхон даврида — Б. А.) Миздахандин то Боқирғоннинг бори юзи Қуйғун деган ергача бугдой экилар эрди. Бизнинг хон Туқ қалъасининг юқорисидин бир ариқ қаздуруб турурлар. Фақир дунёга келмасдин бир йил бурун (1602 — Б. А.) мезон бўлганда сақасини кўмарлар эди. Буг-

дойи ўрган вақтда очарлар эрди. Бир неча йилдин сўнг ариқнинг кенлиги отган ўқ ўтмасдай бўлди. Сувнинг оёқи Қуйғун борди. Андин Ачи тенгизина (Аччиқ денгиз — Б. А.) борди. Ёлғуз бугдой экилар эрди. Отли киши ўн кунда бугдойнинг тошиндин айланиб кела билмас эрди. Ул вақтда пул-пучак ярим мисқол кумуш бир танга ерина юрур эрди. Бир тангага ярим тева (туя) юки бугдой берурлар эрди. Бир мисқол кумушга бир харвор (бир эшак юки — Б. А.) бугдой берурлар эрди».

Юқорида келтирилган мисолдан Амударё қадим-қадим замонлардан Каспий денгизига бориб қуйилиши маълум бўлди. Лекин кейинчалик дарё ўзанини ўзгартириб, Сарикамиш пастлигига қуйиладиган бўлди. Бу воқеа содир бўлган вақт «Шажарайи турк»да аниқ кўрсатилган. «Биз дунёга келмасдин ўттиз йил илгари,— деб ёзади Абулғозихон,— Аму суви Хос минорасининг юқориниси, уни Қора айғир тўқайи дерлар, ул ердин йўл ясаб оқиб, Туқ қалъасима бориб, Сир тенгизига қуйгон эркандур. Ул сабабдин Урганч чўл бўлубти». Демак, бу шудҳиш воқеа 1573 йили содир бўлган экан.

Бундан бошқа яна кўп мисоллар келтириш мумкин. Қисқаси, «Шажарайи турк» Хоразмнинг узоқ ўтмишдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига оид яна жуда кўп маълумот беради. Шу сабабдан уни Хоразм тарихига оид қимматли ёзма манбалар қаторига қўшиш лозим.

МАҲМУД ИБН ВАЛИНИНГ «БАҲР УЛ-АСРОР» АСАРИ ВА УНИНГ УРГАНИЛИШИ

«Баҳр ул-асрор» (тўла номи: «Баҳр ул-асрор фи манокиб ул-аҳдёр» — «Олижаноб кишиларнинг шон-шавкати ҳақида сирлар денгизи») — қомусий асар бўлиб, ўрта аср фанининг илми нужум, жавоҳиршунослик, ўсимликшунослик, жўғрофия ва тарих соҳаларини ўз ичига олади. Асар аштархонийлардан Балх хони Нодир Муҳаммадхон (биринчи ҳукмронлиги 1606—1642 йиллар; иккинчи ҳукмронлиги 1647—1651 йиллар) топшириғига биноан ёзилган.

Асар муаллифи сарой китобдори йирик олим ва шоир Маҳмуд ибн Вали бўлиб, уни Амир Ҳолати Косоний ҳам деб аташган. Унинг ҳаёти ҳақида жуда кам маълумот сақланиб қолган. «Баҳр ул-асрор»да келтирилган маълумотларга кўра, у ўзига тўқ оилада туғилган. Отаси Мир Муҳаммад Вали асли Фарғонанинг Косон шаҳридан бўлиб, шайбонийлардан Пирмуҳаммадхон (1546—1567) замонида Балхга кўчиб келган ва унинг саройида катта нуфузга эга бўлган. Мир Муҳаммад Вали фозил киши бўлиб, ҳатто Мир Хислат тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Маҳмуд ибн Валининг катта акаси Амир Абулборий ҳам ўқимишли, машҳур фақиҳ ва табиб эди. Бундай муҳит Маҳмуд ибн Валининг вояга етишида баракали таъсир этмай қолмади. Маҳмуд ибн Валининг туғилган йили «Баҳр-ул-асрор»да

ҳам, бизга маълум бошқа ёзма манбаларда ҳам аниқ кўрсатилмаган. Шунга қарамай, унинг туғилган йилини қиёсий далиллар билан аниқлаш мумкин. «Баҳр ул-асрор»нинг муқаддима-сида шундай маълумот бор: Маҳмуд ибн Вали ўн тўққиз ёшида йирик муҳандис олим сайид Миракшоҳ Ҳусайнийнинг хизматига киради ва ўн йил давомида, яъни сайиднинг вафоти-гача (1624 йилнинг 13 апрели) унинг хизматига бўлган. Бундан, Маҳмуд ибн Валининг Миракшоҳ Ҳусайний хизматига 1614 йили киргани маълум бўлади. Сайид хизматига унинг 19 яшарлигида кирганини эсласак, Маҳмуд ибн Валининг туғилган йили 1595/96 йил эканлиги маълум бўлади.

Сайид Миракшоҳ Ҳусайний Мир Муҳаммад Вали оиласига яқин киши бўлиб, Маҳмуд ибн Валининг опасига уйланган эди. Шунинг учун ҳам у ўз қайнисига ҳар тарафлама меҳрибончилик қилган. Энг муҳими, ўзининг бой кутубхонасини унинг иктиёрига топшириб қўйган. Маҳмуд ибн Валининг гувоҳлик беришича, сайид Миракшоҳнинг кутубхонасида жуда кўп китоб бўлиб, уларнинг кўпчилиги тарих, жўғрофия, адабиёт, фалсафа, фикр каби илмларга доир эди. Бу нарса унинг олим бўлиб етишишида муҳим омил бўлди.

Маҳмуд ибн Вали ўзининг китобий билимларини амалий билимлар билан бойитишга интилувчи олимлардан эди. Шунинг учун у 1625 йилнинг июль ойи бошларида, яъни сайид Миракшоҳ Ҳусайний вафотидан бир йил ўтгандан кейин, савдо карвонига қўшилиб Ҳиндистон ва Сарандиб (Цейлон) сари «фаросат кўзлари билан ул ерларнинг ажойибу ғаройиботларини тамошо қилиш учун» йўлга чиқди. Ҳиндистон ва Сарандибда у ҳаммаси бўлиб етти йил истиқомат қилди. 1625 йил октябр ойида Лоҳур шаҳрига етиб боради ва 1631 йил 20 августда Балхга қайтиб келади. Сафари чоғида Маҳмуд ибн Вали Ҳиндистоннинг Деҳли, Ҳилолобод, Агра, Оллоҳобод, Банорас, Патна, Шаҳри маймунон (Ганга дарёси бўйидаги бандар), Калокут, Рожмаҳал, Дианапур, Ҳайдаробод, Бижолпур, Бижанагар (Вижаянагар), Сарандиб, Катак каби шаҳарларда бўлиб улар тўғрисида қимматли маълумотлар тўплади.

Нодир Муҳаммадхон сафардан қайтган олимни зўр эҳтиром билан кутиб олди ва уни ўз кутубхонасининг китобдори мансабига тайинлади. Маҳмуд ибн Вали умрининг охиригача шу мансабда турди, кутубхона эҳтиёжлари, илму фан билан шугулланди. Олимнинг вафот этган йилини аниқлаш имкони бўлмади. «Баҳр ул-асрор» олтинчи жилдида воқеалар тафсили 1641 йил январь ойининг ўрталаригача етказилганини инобатга олсак, XVII асрнинг 40-йилларида унинг ҳали ҳаёт бўлгани маълум бўлади.

Маҳмуд ибн Вали ҳар томонлама мукамал фозил киши эди. У тарих ва адабиёт, жўғрофия ва табиатшунослик, жавоҳирушунослик ва тиббиёт соҳаларида етук олим бўлган. «Баҳр ул-асрор»дан ташқари, у этика ва эстетика, дин ва адабиётшуносликка доир асарлар ёзган: Низомийнинг «Хусрав ва Ширин»

дostonи вазнида ёзилган «Муҳаббатнома», Орисса ҳокимида ётаб шу вазнида ёзган «Гулкада», Низомийнинг «Искандарнома»си вазнида битилган «Нажми соқиб» («Еруғ юлдуз»), Низомийнинг «Маҳзан ул-арвоҳ»и вазнида ёзилган «Нузҳат ул-арвоҳ» («Кўнгиш очувчи руҳ»), «Ахлоқи Ҳусайний» («Яхши ахлоқлар»), мазкур сайид Миракшоҳ Ҳусайнийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Равойиҳи таййиба» («Еқимли хушбўйликлар») асарлари ва 50 минг байтдан иборат шеърлар девони шулар жумласидандир. Бироқ, минг бор афсуски, Маҳмуд ибн Валининг бу асарлари бизнинг замонамизгача етиб келмаган, тўғриси, ҳали қидириб топилмаган. Фақатгина «Баҳр ул-асрор»нинг икки жилди сақланиб қолган, холос.

Муаллиф «Баҳр ул-асрор» асарини етти жилддан иборат қилиб ёзишни мўлжаллаган: 1. Дунёнинг яратилиши, ер юзига даги тоғ, дарё, денгизлар ва у ерларнинг халқ, наботот ва ҳайвонот олами ҳақида; 2. Исломгача ўтган пайғамбарлар ва ҳакамлар; 3. Муҳаммад алайҳиссалом тарихи; 4. Халифалар ва имомлар тарихи; 5. Аббосийлар билан асрдош бўлган тоҳирийлар, саффорийлар, сомонийлар, ғазнавийлар, бувайҳийлар, ғурийлар, салжукийлар, хоразмшохлар сулолаларидан бўлган Эрон ва Урта Осиё ҳукмронлари тарихи; 6. Чингизхондан аштархонийлардан Нодир Муҳаммадхон давригача Хитой, Эрон ва Урта Осиёда бўлиб ўтган воқеалар; 7. Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ҳамда Ҳиндистонда ўтган Амир Темур ва унинг авлодлари (Амир Темур, Шоҳруҳ, Улуғбек, Мироншоҳ, Бобурдан Шоҳжаҳонгача) тарихи; фотиҳа (муқаддима) ва хотимадан иборат.

Асарнинг бизгача фақат биринчи ва олтинчи жилдларигина етиб келган. «Баҳр ул-асрор»нинг биринчи жилди ягона нусхада Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида (тартиб рақами 2372, 533 varaқ, ҳажми 27×31,5 см, настаълиқ хатида Қўқон қоғозидан 20 нафардан ортиқ хаттот: домолла Муҳаммад Шариф Муқтадо, Муҳаммад Шариф мунажжим, мулла Муҳаммад ажзо, мулла Абул Фазл Бадрий, Комил махдум мударрис ва б. қ. кўчирган, XVIII аср охири—XIX аср бошлари) сақланади. Афсуски, бу нусханинг қусури бор — фотиҳа бобининг охири, биринчи ва иккинчи рукнлар (асар мундарижасига кўра дунё, осмон, осмон ёритқичларининг яратилиши қисми), тўртинчи рукндан (ҳайвонот олами тавсифи бўлимидан) бир неча varaқ етишмайди. Шунга қарамай, асарнинг биринчи жилдининг сақланиб қолган қисми (3 ва 4-рукнлар) фан учун бир кашфиётдир. Жўғрофия олимлари, элшунослар, замишунослар, табиатшунослар ва адабиётчилар ундан жуда ҳам қимматли маълумотлар топа олади. Мазкур жилдда рубъи масқундаги дарёлар, чашмалар, денгизлар, бандар, шаҳар ва мамлакатлар ҳамда уларнинг аҳолиси ҳақида муҳим маълумотлар тўплаган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, «Баҳр ул-асрор»нинг

дошлари асарларидан истифода этган ҳолда ёзган. Масалан, Ибн ал-Фақиҳ (IX аср охири — X аср бошларида ўтган), Истахрий (849—934), Ибн Ҳавқал (X аср), Ибн Хурдодбеҳ (тахм. 890—913), Абу Дулаф (X аср), Масъудий (вафоти 956 йил), Муқаддасий (947—1000), Закария ибн Муҳаммад ал-Қазвиний (1203—1283), Ҳамдуллоҳ Муставфийи Қазвиний (1281—1349), муаррихлардан Табарий (838—923), Самъоний (1113—1167), Рашидиддин (1247—1318), Қазвиний Ҳилолий (XIV аср) ва Ҳофизи Абрӯ (вафоти 1430 йил) асарларидан фойдаланган. Бироқ Маҳмуд ибн Вали фақат бировнинг асаридан истифода элувчи бўлиб қолмай, уларнинг баъзи жойларини янги маълумотлар билан ҳам тўлдирган. Буни биз айниқса бандар, шаҳарлар ва мамлакатлар таърифида, конлар, маъданли булоқлар, дарёлар, янги чиқарилган наҳрлар ҳолати тавсифланган ўринларда кўрамиз, умуман, дарёларнинг зироатчиликдаги аҳамияти, булоқ сувларининг шифобахшлиги ва ҳ. к. да кўпроқ учратамиз. Шунингдек, «Баҳр ул-асрор»нинг биринчи жилдида кўплаб бизгача етиб келмаган ва бизга маълум бўлмаган «Тухфат ул-ғаройиб», «Баҳр ул-ҳақойиқ», «Жавоҳир ул-асрор», «Қомус ул-фиқҳ», «Тарихи гўргониён» сингари асарлардан кўчирмалар мавжуд.

«Баҳр ул-асрор»нинг олтинчи жилдига келсак, тангрига шукрлар бўлсинким, у тўлиқ ҳолда тўрт нусхада сақланган. Шулардан уч нусхаси Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг мулкидир.

Мазкур нусхалар ҳақида қисқача маълумот келтираамиз.

1. Нусха рақами 7418; ҳажми 22×35; настаълиқ хатида ёзилган, 1910 йили Тошкентда рус корхонасида ишланган қоғозда кўчирилган; 419 varaқ. Жўрабек додхоҳ (1840—1906)нинг ўғли Оллоҳқулибекка тегишли; муқаддима (дастлабки икки varaқи йўқ) ва тўрт рукндан иборат: 1. Чингизхон ва унинг авлодларининг Хитой ва Эрондаги ҳукмронлиги тарихи; 2. Чигатой улуси тарихи; 3. Жўчи ва авлодлари; 4. Шайбонийлар тарихи.

2. Нусха рақами 1385; 301 varaқ; ҳажми 20×25,5, Урта Осиёда ишлаб чиқарилган қоғозда кўчирилган, хати настаълиқ, палеография белгиларига қараганда XVIII асрда кўчирилган. Фақат иккинчи ва учинчи рукндан таркиб топган. Аввалидан 151 varaқ етишмайди. Нусха чигатойлар авлодидан Бароқхоннинг 1268 йили Хуросонга, элхонийлардан Абақхонга қарши юриши зикридан бошланади. Аввалги нусхадан фарқли ўлароқ, бу нусхада турк-мўғул қабилалари (276а—287а-varaқлар), ўзбек хонлари саройида мавжуд бўлган қабул маросими тартиблари (287а—288б-varaқлар) ва Маҳмуд ибн Валининг Ҳиндистон ва Сарандиб бўйлаб қилган саёхати талқини (288б—300б-varaқлар)дан иборат хотира қисми ҳам мавжуддир.

3. Қўлёмза рақами 1375; 297 varaқ, ҳажми 22×35; яхши

силлиқланган қоғозда бухорча настаълиқ хатида кўчирилган. Сарлавҳалар қизил сиёҳда. Қўлёмза юқорида тилга олинган нусхадан кўчирилган. У Шарқ китобатининг ажойиб билимдон Ибодуллахожа Одилов (1872—1944) томонидан 1933 йилнинг 25 октябрида кўчириб тамомланган.

4. «Баҳр ул-асрор» олтинчи жилдининг дастлабки уч руқни Рашидиддиннинг машҳур «Жомеъ ут-таворих», Мирзо Улуғбекнинг «Тарихи арбаъ улус», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», Ҳофизи Таниш Бухорийнинг «Шарафномаи шоҳий» ва бошқа йирик муаррихларнинг асарларига асосланган ҳолда ёзилган. Аммо ушбу руқларда ҳам бошқа асарларда учрамайдиган, янги қизиқарли маълумотлар мавжуд. Масалан, Чигатой улусига доир, хусусан, Абдурашидхондан Шужоҳиддин Аҳмадхон (1609—1618) давригача Шарқий Туркистонда кечган сиёсий воқеалар, Жўчи, Ботухон даврларига доир, Оқ Урда тарихи, Олтин Урда билан чигатойлар ўртасидаги сиёсий муносабатлар, Абулхайрхоннинг Тўқай Темурийлар тобелигидан қутқилиши, кўчманчи ўзбекларнинг Темурийлар давлати ички ишларига (Абу Саид даврида) аралашуви, XVI аср бошларида Ҳисор, Фарғона ва Тошкентда кечган воқеалар тафсиلى шулар жумласидандир.

«Баҳр ул-асрор» олтинчи жилдининг тўртинчи руқни оригинал ва мустақил асар ҳисобланади. Бу қисм Оксфорддаги «Индия оффис» кутубхонасида (тартиб рақами 575, 409 varaқ, 14³4×9¹4 дюйм, хати настаълиқ, асл нусхадан Нодир Муҳаммадхон кутубхонаси учун Шоҳ Қосим томонидан кўчирилган. Кўчирилган йили кўрсатилмаган. Лекин, хаттот томонидан китоб сўнигидаги илова Нодир Муҳаммадхон вафотидан (1651) кейин сабт этилган) бўлиб, ягона нусхадир.

Бу қисм борасида батафсилроқ сўз юритмоқчимиз. Муқаддимада (1б—8а-varaқлар) таълиф мақсади ва вақти хусусида гап боради. Хусусан, аштархонийлар сулоласининг келиб чиқиш тафсилоти берилади. Аштархонийлар сулоласи асосчиси Жони Муҳаммад номи билан Жонийлар сулоласи деб ҳам юритилади. Сулоланинг бобокалони Тўқай Темурдан сулола асосчиси Жони Муҳаммадгача бўлган воқеалар, Тўқай Темур улуси (Волга дарёсининг қуйи оқими, пойтахти Астрахань ўрнида) тарихига доир маълумотлар берилган.

Қолган қисмини шартли равишда тўрт бобга бўлиш мумкин. Биринчи боб (8б—58б-varaқлар) Урусхон замонидан Маҳмудхон ва Мингқишлоқхон даври (XVI асрнинг биринчи чораги)гача бўлган давр ичида Олтин Урда ва Оқ Урда тарихи, ўзaro феодаллар уруши ва руслар тазйиқи (тазйиқи улуси ўрус) оқибатида Мингқишлоқхоннинг Ҳожитархондан Мовароуннаҳрга кўчиб ўтиши (35б—38а-varaқлар), унинг авлоди: Ермуҳаммадхон ва Динмуҳаммадхон тарихи (38б—51а-varaқлар), Абдулмўминхон вафотидан кейин Мовароуннаҳрнинг умумий аҳволи тафсилоти (51а—58б-varaқлар)дан иборат.

1 Иккинчи боб аштархонийлардан Боқи Муҳаммадхон (1603—1606) дан Нодир Муҳаммадхон давригача, яъни XVII асрнинг ўрта қисмига Урта Осиё ва Хуросон тарихи баёни (586—277а-варақлар)га бағишланган. Воқеалар батафсил ва тўла баён этилади. Бу ҳол Маҳмуд ибн Вали асарининг ажойиб тарихий манба сифатидаги қимматини оширади.

Учинчи боб (278а—305а-варақлар)да аштархонийлар даврида Балхда нашъу намо топган таниқли амирлар ва амалдорларнинг таржимаи ҳоллари берилган. Мисол тариқасида мазкур шахсларнинг баъзилари ҳақидаги маълумотларни келтирамиз:

Оллоҳёр девонбеги — Нодир Муҳаммадхоннинг вазири; қатъон улуси бошлиқларидан. Унинг бобокалони шайбонийлар ва Тўқай Темурийлар саройида хизмат қилган. Аввал Нодир Муҳаммаднинг оталиғи бўлган, у Балх ҳокими этиб тайинланган (1606), унинг девонбегиси мансабида хизмат қилган. Бутун давлат ишлари шу нуфузли амирнинг қўлида бўлган. Ўзи фозил, сўзсўз, риёзӣ, дастур ул-амал илмларида маҳорат касб этган, унинг хайрли ишларидан Балхда, Абдуллахон ва Нодир Муҳаммадхон мадрасаларининг жануброғида қўрган бир мадраса ва масжиди жомеъсидир. 1636 йилда хоннинг Чимтолдаги ови пайтида вафот этган.

Назархожа Олов — Саййид Ота авлодидан Оловхожанинг ўғли. Бир неча муддат Ҳазоражот вилоятида ҳоким бўлиб, талончилик хуружларига бошчилик қилган. Унинг хонадонидан бошқа бирор киши ҳокимлик мансабида бўлмаган. Кейин нақиблик мансабига кўтарилди. Қасалликдан вафот этди. Васиятига кўра жасадини Хоразмга олиб бориб, дафн этишган. Шуни айтиш керакки, аввал ўтган султону хоқонлар, бугунда ҳаёт бўлганлари ҳам Саййид Ота авлодига нақиблик мансабини бериши расм бўлган.

Ялангтўшбий оталиқ — жасур нўён, иш билган амир; олчин қабиласи улусидан чиққан; асл исми Хатой баҳодир. Динмуҳаммадхон замонидан у Сифноқнинг Азоқ мавзеидан келиб унинг хизматида кирди; саъй-ҳаракати орқасида унинг яқин кишиларидан бири бўлиб олди. Нодир Муҳаммадхон даврида мартабаси юқорилашиб, унинг оталиғи этиб тайинланди. Дарайи суф, Мулгон, Қоҳмард вилоятлари; тулкичи, сайқончи, зеранги, киллаги, ҳазорайи некударий қабилаларининг юртлари, Ғазна, Қандаҳор, Заминдовар, Ғур, Хуросон ҳудудларигача бўлган қабилаларнинг ерлари унга иқтоъ тариқасида инъом этилган эди. Қандаҳор, Сенстон ва бошқа вилоятлар ҳокимлари унинг қаршисида зир-зир титрар эдилар. Кўрган-билганлар унинг бойлиги давлат хазинаси (хазонойи омира)га тенг эканлиги, нуфузи подшоҳларникидан қолишмаслигини айтадилар.

Мансурхожа додхоқ — фозил ва фаросат эгаси, тақводор ва одил одам, Аждоди тархон ўтган; отаси қози. Шоҳим. Масалан, бобоси Ҳожитархонлик; мартабаси Тўқай Темурийлар даврида юқори бўлган. Тўқай Темурийлар даврида қўрилган ва Ҳаш-

тархон деб аталган Ҳожитархон шахри унга мансубдир. Мансурхожа иниси Абдурахмон билан Маккага ҳажга борди; Ироқ ва Озарбайжонда кўтарилган исёнлар туфайли уларнинг қайтиши йўли Лоҳур шахри орқали ўтган. Балхда турғун бўлиб, Боқи Муҳаммадхон хизматида қабул қилинади ва додхоқ унвошига эришади. Мансурхожа илми пужум, илми рамал, ҳандаса, мусиқа фани, аруз, қуш ўргатиш таълимида маҳорат қозонган. Ҳар қандай мактуб ёки ёрлиқ жўпатилишидан олдин Мансурхожа додхоқ назаридан ўтиши шарт бўлган.

Тўртинчи боб ҳам (305а—375а-варақлар) ўта қимматлидир. Муаллиф «Ҳазоили Балх» (тўлиқ номи: «Китоб дар ҳазоили Балх ва шамойили аҳалии вай») — «Балхнинг фазилатлари ва аҳолисининг сифатлари ҳақида китоб») номли шайхулислам Сафиуддин Абубакр Абдуллоҳ ал-Балхӣ (1213 йилда ёзилган) асарида келтирилган маълумотлар ва ўзининг шахсий кузатишларига таяниб Балх шахри тарихини, унинг диққатга сазовор жойлари, бинолари, турли даврларда ушбу шаҳарда истиқомат қилган шайхлар, уламо ва шоирлар ҳақида ҳикоя қилади (305а—374а-варақлар). Муҳаддислардан Ато Хуросонӣ (вафоти 712 йил), Абу Сулаймон Жузжонӣ, Муҳаммад ибн Фаза (вафоти 1022 йил), саййид Муҳаммад Қол ан-наби (вафоти 1465 йил), олиму шоирлардан мавлоно Ақа Шибиргонӣ (вафоти 1465/66 йил), мавлоно Абулхайр (вафоти 1550 йил), Амир Обид, хожа Фозил, мавлоно Султон Муҳаммад муфтий, Мир Чўчик ал-Жузжонӣ, Мирза Кўчак (вафоти 1624 йил), мавлоно Хиргоҳӣ, мавлоно Марҳамӣ, мавлоно Солиҳ Рахшӣ, мавлоно Муғанний ва бошқалар шулар жумласидандир.

Хотима қисмидаги маълумотлар ҳам беҳад аҳамиятга эга (375а—408б-варақлар). Бу ерда муаллиф турк-мўғул қабилаларининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, Балх ва Бухородаги ўзбек хонлари саройида мавжуд бўлган тартиб ва маросимлар, ўзининг Ҳиндистон ва Сарандибга 1625—1631 йиллари қилган саёҳати тўғрисида ҳикоя қилади.

Шуллас, «Баҳр ул-асрор»нинг Оксфорд шаҳридаги «Индия офиси» кутубхонасида сақланаётган тўртинчи рукни Марказий ва Урта Осиё, шунингдек Дашти қишлоқнинг XIII—XVII асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий тарихи бўйича жуда ҳам қимматли манба ҳисобланади.

Ҳан учун катта аҳамиятига қарамай, «Баҳр ул-асрор» старли даражада ўрганлмаган. Лекин олимлар асримиз бошидан буён бу асарга мурожаат қилиб келадилар. В. В. Бартольд ва Г. Эте каби йирик шарқшунослар биринчи бўлиб Маҳмуд ибн Вали ва унинг «Баҳр ул-асрор» асари ҳақида маълумот берганлар. Масалан, В. В. Бартольд 1902 йилнинг ёзида Туркистонга қилган илмий сафари чоғида Тошкентда бўлганида бир неча шахсий кутубхоналар билан танишади. «Баҳр ул-асрор»ни у генерал Жўрабекнинг кутубхонасидан топган. Асар мазмуни батафсил таҳлил қилганига қараганда, уни кўпроқ Шарқий Туркистон (Қошғар) тарихи қизиқтирган. Дарҳақиқат, «Баҳр

ул-асрор»нинг иккинчи рукни Муғулистон ҳукмдорларига бағишланган бўлиб, муаллиф уни ёзишда кўпроқ мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарига таянган. Маҳмуд ибн Вали шу қисмга ўздан янгиликлар ҳам киритган. Тибет аҳолисининг исломнинг сунна мазҳабига ўтиши тўғрисидаги маълумотларини у Ҳасанхон деган кишидан эшитгани шулар жумласидандир. Ҳасанхон 1634 йилда Балужистондан Балхга келиб қолган экан. Еки бобурийлардан Жаҳонгир замонида нурбахш тарикатининг нашъу намо топиши, сўнгги чифатойлар замонидаги Шарқий Туркистон тарихининг батафсилроқ берилиши ҳам Маҳмуд ибн Валининг катта хизмати бўлди. В. В. Бартольд танишган генерал Жўрабекка қарашли қўлёзмада «Баҳр ул-асрор»нинг дастлабки уч рукни ўрни олган эди. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланаётган 7418 рақамли нусха эҳтимол мазкур нусхадан кўчирма бўлса керак.

В. В. Бартольддан кейин Маҳмуд ибн Валининг бу асари дуссида, аниқроғи олтинчи жилднинг тўртинчи рукни ҳақида Г. Эте ўзининг машҳур каталогида маълумот берди. У асарни юқори баҳолаб, нодир ва қимматбаҳо асар, деб ёзди. Лекин тавсифда у баъзи бир ноаниқликларга йўл қўйган. Тузувчининг фикрича, шайбонийларга тегишли Бухоро хонлиги тахтига Абдулмўмин ўлдирилгач, аштархонийлардан Динмуҳаммад чиққан эмиш. Муҳаммадёр ибн Араб қатағоннинг «Мусаххир ул-билод» (1606—1610 йиллар орасида ёзилган), Искандарбек муншийнинг «Тарихи оламоройи Аббосий», Абулаббос Муҳаммад Тоҳирнинг «Матлаб ут-толибин» (1663/64 йил), ҳожи Мир Муҳаммад Салимнинг «Силсилат ус-салотин» (1730 йил) ва бошқа манбаларнинг гувоҳлик беришича, Динмуҳаммад умуман хон қилиб тайинланмаган ва Ҳирот яқинида шоҳ Аббос I билан бўлган қонли урушда ярадор бўлиб, 1599 йилда вафот этган. Динмуҳаммадхоннинг охири кунлари билан боғлиқ воқеалар борасида манбалардан қуйидагилар маълум: Динмуҳаммад 1598 йилда Зобулистон ҳудудида бўлган ва Абдулмўминнинг ўлими хабарини эшитган-у, Ҳирот сари шошилган. Ўлдирилган Қулбобо кўкалтош ўрнига Абдулмўмин томонидан ҳоким қилиб тайинланган амир Ҳожибий шаҳар дарвозасини очиб, пойтахтни Динмуҳаммадга топширган. У эса отаси Ермуҳаммадхонни Ҳирот тахтига ўтқизиб, ўзи Фароҳ, Нишопур, Марв, Сабзавор, Исфохон каби вилоятларни забт этишга киришган. Кейин Сеистонни ҳам бўйсундирган. Хуллас, бир йил давомида Динмуҳаммад Марвдан тортиб жанубдаги Сеистонгача, ғарбда Сабзавордан то шарқда Маручоққача бўлган улкан ҳудудни ўзига бўйсундирган. Лекин уларни узоқ вақт қўлда тутиб қола олмаган. 1599 йилнинг июнь ойида шоҳ Аббос I унга қарши юриш бошлаб, тез фурсат ичида Исфохон, Сабзавор, Нишопур ва Машҳадни эгаллайди; 1599 йилнинг 28 июлида у Ҳиротнинг ғарбида, шаҳардан тўрт фарсах масофада жойлашган Пули солор мавзеига келиб тушади. 29 июль куни икки ўртада қирғинбарот жанг бўлиб, қизилбошларнинг қўли устун келади. Ўзбек-

лардан 4000 га яқин одам ҳалок бўлади. Шулар орасида Динмуҳаммадхоннинг ўзи ҳам бор эди.

Яна бир мисол. Нодир Муҳаммадхоннинг Г. Эте кўрсатган ҳукмронлик йиллари (1637—1640) ҳам аниқлик киритишни талаб қилади. Бу ё босмаҳонанинг хатоси, ёки қандайдир англанилмовчиликдир. Маълумки, Нодир Муҳаммадхон Балхда икки бор (1606—1642 йиллари ва 1645—1651 йиллари) ҳокимлик қилган. Орада, яъни 1642—1645 йилларда у Шайбонийлар давлатининг олий ҳукмдори бўлиб Бухорода турган.

1909 йили «Император Рус жўғрофия жамияти хотиралари» да (XXXIV жилд, СПб., 1909, 293—308-бетлар) В. В. Бартольднинг «Баҳр ул-асрор»га бағишланган яна бир мақоласи эълон қилинди. Унда «Есо ва юсуи бўйича олий расм-русум удумлари ва тартибларининг баъзилари хусусида» сарлавҳаси билан асарнинг хотима қисмидан парча (матн ва таржима, изоҳлари билан эълон қилинган. Ўзбек ҳукмдорларининг XVI—XVII асрлар саройидаги аҳволини аниқ-равшан тасвирлаб берувчи бундай ажойиб маълумотни «Урта Осиёнинг Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларида бўлган бирор саёҳатчи» ёки муаррихнинг бирор асаридан топа олмаймиз», деб тўғри таъкидлаган эди В. В. Бартольд ўша мақоласида. Бу таъкид унинг қимматини ва илмфан учун зарурлигини тасдиқ этади.

«Баҳр ул-асрор» ҳақида қисқача маълумотни З. А. Валидов (Тўғон) ҳам қўлдинган. У 1913 йилнинг ёзида Қозон университети қошидаги археология, тарих ва этнография жамияти топшириғига биноан Фарғона вилоятига қилган илмий сафари чоғида Қўқонда Еқубхожа Яхъёхон ўғлининг кутубхонасида «Баҳр ул-асрор»нинг яна бир қўлёзма нусхасини кўрган. Бу нусха «Баҳр ул-асрор» олтинчи жилднинг иккинчи ва учинчи қисми ҳамда хотимаси (турк-мўғул қабилалари, Маҳмуд ибн Валининг Ҳиндистон ва Сарандибга қилган саёҳати)дан иборат эди. Афсуски, ҳозирги замон каталогларининг кўпчилиги шахсий кутубхоналар тўғрисида маълумот бермайди. Шунинг учун ҳам З. А. Валидов кўрган Еқубхожага тегишли нусханинг тақдирини ҳақида бирон гап айтиш қийин. Валидов айтган белгиларга кўра, у Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти кутубхонасида 1385 рақамда сақланиб турган нусхага ўхшаб кетади.

Хуллас, 1960 йилгача Маҳмуд ибн Вали ва унинг «Баҳр ул-асрор» китоби нунот бўлди. Асарга янгидан қизиқиш 60-йиллар аввалидан бошланди. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти Шарқ қўлёмалари тавсифининг бешинчи жилди чиқиши билан бу қизиқиш кучайди. Каталогда «Баҳр ул-асрор»нинг учта қўлёмма нусхаси (2372, 1385, 1375 сонли)га қисқа тавсиф берилганди. Лекин, афсуски, уларнинг қайси шахсий кутубхонадан мазкур институт фондига келиб тушганлиги айтилмаган. Шунга қарамай, тадқиқотчиларнинг бу асарга қизиқиши ошди ва «Баҳр ул-асрор»га тез-тез мурожаат қиладиган бўлиб қолдилар. Масалан, асар ушбу сатрлар муаллифининг кўчманчи ўзбеклар давлати ҳақидаги (Москва, 1965) ва Балх хонлигига

бағишланган (Тошкент, 1981) монографияларининг юзага келишида асосий манбалардан бири бўлди. Биринчи монографияда ҳам «Баҳр ул-асрор» тарихий қисмининг қисқа тавсифи ҳам келтирилган.

1966 йилда «Баҳр ул-асрор» ҳақида икки китоб ёзилди: «Покистон тарих жамияти журнали»да Б. Ф. Ғофуровнинг қизиқарли мақоласи ва ушбу сатрлар муаллифининг «Маҳмуд ибн Вали» (Тошкент, 1966) деган кичик рисоласи эълон қилинди. Рисолада маъна муаллифининг таржимаи ҳоли, илмий фаолияти, асар ҳақида қисқача маълумот, шунингдек асарнинг жўғрофий қисмидан ўзбек тилида парчалар берилди.

1969 йилда Қозонистонда «Материалы по истории казахского ханства» деган салмоқли мажмуа нашр этилди. У XVI—XIX асрларда Дашти қипчоқнинг шарқий қисми, аниқроғи Ўзбек улуси ва Оқ Урда тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этган форсий ва туркий тиллардаги 16 асардан олинган парчаларнинг рус тилига қилинган таржимаси бўлиб, зарур изоҳлар билан чоп этилган бир китоб эди. Шу асарлар орасида «Баҳр ул-асрор»нинг Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида 1375-рақам билан сақланаётган қўлёзманинг иккинчи қисмидан олинган (К. А. Пишулина таржимаси) парчалар ҳам бор. Унда Кошғар ҳоқими Абулқаримхон (1591/92 йилда вафот этган)дан Опоқхон (ҳақиқий исми Абдуллатиф; 1626/27 йилда вафот этган) ибн Шужоҳиддин Аҳмадхонгача бўлган Шарқий Туркистон (Кошғар) тарихи, Шарқий Туркистон хонларининг қозоқ султонлари, хусусан, Ёсимхон (1598—1628), яъни машҳур Таваккалхон (1586—1598)нинг иниси билан муносабатлари тарихи баёни келтирилган. Маҳмуд ибн Вали ва унинг асосий асари «Баҳр ул-асрор» ҳақидаги ушбу сатрлар муаллифининг мақоласи ҳам шу даврга тўғри келади («Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», 1969, 11-сон, 62—65-бетлар). Бу мақолада асарнинг биринчи жилди мазмуини шарҳлаш ва унинг манбаларини аниқлашга ҳаракат қилинади. Бундай манбалар орасида Абу Райҳон Берунийнинг «Осор ул-боқия», «Таҳқиқ ун-ниҳоя» номи икки асари ҳам бор. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Маҳмуд ибн Вали илмий адабиётда биринчи марта Берунийни Абу Райҳон Хоразмий деб атаган.

Маълумки, «Баҳр ул-асрор»нинг биринчи жилдида жавоҳиршуносликка асосий ўрин берилган. Уни ёзишда (Ўзбекистон ФА ШИ, 2372-рақамли қўлёзма, 269—329-варақлар) олим Абу Райҳон Берунийнинг «Китоб ул-жамоҳир фи маърифат ул-жавоҳир» («Жавоҳирларни билиш учун умумий китоб»), ибн Синонинг «Донишнома», ал-Қиндий (в. 874) нинг «Расм ал-маъмур мин ал-Ард» («Ер куррасининг инсон яшаб турган қисмининг расми»), Закария ибн Муҳаммад ал-Қазвинийнинг «Ажойиб ул-махлуқот ва ғаройиб ул-мавжудот», Ҳамдуллоҳ Муствафийи Қазвинийнинг «Нузҳат ул-қулуб» («Қалблар ороми»), Муҳаммад ибн Мансур (XV аср)нинг «Жавоҳирнома» ва бошқа асарлардан истифода этади. Аммо Маҳмуд ибн Вали жавоҳирномасида маз-

кур асарларда учрамайдиган янги ва қизиқарли маълумотлар кўп. Бу аввало асар мундарижасидан кўринади. Масала, Абу Райҳон Беруний ва Муҳаммад ибн Мансур асарларида аввал қимматбаҳо тошлар, сўнг металллар тўғрисида гап кетса, Маҳмуд ибн Валининг китобида, аксинча, аввал металллар хусусида, сўнг металлларнинг ҳажм жиҳатидан бир-бирига муносабати, шундан кейингина қимматбаҳо тошлар ва ўртача тошлар тавсифи берилади. Бу — биринчидан. Иккинчидан, Маҳмуд ибн Вали кўпроқ металллар ва қимматбаҳо тошларнинг амалий аҳамиятига ҳам эътибор беради — металл ва қимматбаҳо тошларнинг пул муносабатидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида, дориворлар ҳозирлашдаги зарурат ҳақида ҳикоя қилади.

1977 йилда биз «Баҳр ул-асрор»нинг жўғрофий қисмидан диққатга сазовор жойларини тўплаб, 150 га яқин парчани монографик тарзда рус тилида сўзбоши ва зарур изоҳлар билан бирга эълон қилдик. Муаллиф парчаларни танлашда танқидий танлаш йўриғига амал қилди, яъни асарнинг оригинал жойлари ва Маҳмуд ибн Валининг ўз ўтмишдошлари маълумотларидан фарқ қилувчи бой ва фан учун муҳим жойлари танлаб олинди. «Баҳр ул-асрор»ни узоқ йиллар тадқиқ этиш тажрибаси шуни кўрсатдики, Маҳмуд ибн Валининг ўзи яхши билган ноҳиялар ҳақидаги маълумотлар оригинал ва қимматлироқ экан. Парчаларни танлашда ана шу усулга амал қилинди. Мазкур нашр жўғрофия нуқтаи назаридан Мовароуннаҳр, Хуросон, Волгабўйи ва Шарқий Туркистонни ўз ичига олади ва жўғрофий, ижтимоий-иқтисодий ва этнографик жиҳатдан қимматли маълумотлардан иборатдир.

«Баҳр ул-асрор»ни ўрганишда покистонлик олим Риёз ул-Ислом ҳам маълум ҳисса қўшди. Риёз ул-Ислом 1955 йилда Оксфордда ўз диссертацияси устида ишлаб турган пайтида «Баҳр ул-асрор» олтинчи жилдининг тўртинчи рукни билан танишди ва асар хусусидаги фикр-мулоҳазаларини 1980 йилда Қарочидан нашр қилган Маҳмуд ибн Вали асарига ёзган сўзбошида қайд этган. 1970 йилда эса у «Баҳр ул-асрор»дан истифода этиб, ўзининг «Мўғуллар давлатининг Эрон билан сиёсий, элчилик муносабатлари» деган китобини нашр этади (Техрон, 1970). Кейинчалик у Покистон тарихига бағишланган анжуманларда (Дакка, Ҳайдаробод) маъруза қилди. Олимнинг ҳар иккала маърузаси нашр этилган. Риёз ул-Исломнинг «Баҳр ул-асрор» хусусидаги энг йирик тадқиқоти 1980 йилда Қарочидан чоп этган китобидир. Унда Маҳмуд ибн Валининг Ҳиндистон ва Сарандибга қилган саёҳатининг матни, жўғрофий ва тарихий изоҳлари ҳамда батафсил тадқиқоти (с. XVII—XVIII 1—30) эълон қилинди.

«Баҳр ул-асрор»дан олинган яна бир парча 1981 йилда Қобулда афғон шарқшуноси Мойил Ҳаравий томонидан эълон қилинди. Нашр асарнинг олтинчи жилди тўртинчи рукнидан олинган бўлиб, Балх шаҳри тарихидан баҳс этувчи, шаҳарнинг меъморий ёдгорликлари, топонимикаси, унда ўтган дин уламолари,

олимлар, фақихлар, муҳандислар, шайбонийлар ва аштархонийлар даврида яшаган имом, олим, нақшбандия ва яссавия тариқати машойихлари, Нодир Муҳаммадхонга замондош бўлган қози ва шоирлар тўғрисидаги маълумотлардан иборат. Мойил Ҳаравийнинг бу нашри ибн Синонинг минг йиллик тўйи муносабати билан юбилей комиссияси қотибияти қарорига биноан амалга оширилган эди. Мойил Ҳаравийнинг мазкур нашри «Баҳр ул-асрор»нинг «Индия оффис» кутубхонасида сақланаётган нусхасига асосланган. Олимнинг сўзларига қараганда, унинг қўлида «Индия оффис» кутубхонаси қўлёзмасининг фотонусхасидан ташқари, «Баҳр ул-асрор»нинг тўртинчи руқни қўлёзма ҳам бўлган. Лекин қўлёзма кимга тегишли бўлгани ҳақида ҳеч нима демайди. Нашр мазмунига қараганда, ўша қўлёзма «Баҳр ул-асрор»нинг «Индия оффис» кутубхонаси нусхасидир. Шунинг ҳам айтиш керакки, ўша қўлёзманинг фотонусхаси Покистонда Ҳофиз Нур Муҳаммад Қўҳгадойи деган одамнинг қўлида ҳам мавжуд. Мойил Ҳаравийнинг нашри танқидий мати эмас. Унда бундай мати тузишининг имкони ҳам йўқ. Чунки унинг қўлида «Баҳр ул-асрор»нинг бошқа қўлёзма нусхалари бўлмаган. Шунга қарамай, Мойил Ҳаравийнинг зикр этилган нашри тадқиқотчилар учун муҳим аҳамият касб этади. Унинг нашри туфайли биз Маҳмуд ибн Вали асарининг муҳим руқни матни билан танишиш имкониятига эга бўлдик. Ягона нусхада сақланаётган мазкур қўлёзма фотонусхасини олиш амри маҳол эди.

Маълум бўлдики, «Баҳр ул-асрор»га бўлган мусташирлар қизиқиши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўрта ва Марказий Осиё тарихи масалалари билан шуғулланувчи бирон олим «Баҳр ул-асрор»ни четлаб ўта олмайди. К. А. Пишулинанинг мақоласида ҳам «Баҳр ул-асрор» қимматли манба сифатида юксак эътирофга сазовор бўлди. Мақолада «Баҳр ул-асрор» олтинчи жилдининг XVII асрнинг юз йиллик тарихи баён этилган иккинчи руқни таҳлиliga эътибор берилади. Айниқса, мақола муаллифининг эътиборини Шарқий Туркистоннинг ўша вақтлардаги ижтимоий-иқтисодий тарихининг кам ўрганилган хўжалик, ижтимоий-сиёсий муносабатлари тортган.

Маҳмуд ибн Вали ва унинг «Баҳр ул-асрор» асарининг ўрганилиш тарихи қисқача мана шулардан иборат. Хулоса битта — кўп иш қилинган, бу асар олимлар эътиборини тобора кўпроқ тортмоқда. Шунга қарамай, уни ўрганиш юзасидан мамлакатимизда ҳам, хорижий юртларда ҳам олиб борилган ишлар денгиздан бир томчи ҳолда. Фикримизча, асарни тўлиқ тадқиқ этиш ва халқнинг маънавий мулкига айлантириш учун битта умр камлик қилади. Зеро, бу асарнинг тарих, тарихий жўғрофия, жавоҳиршунослик ва ўсимликшунослик учун бойлиги, имкониятлари чексиздир. Бу қимматли манба устида жиддий иш олиб бормоқни тақозо этади. Ишни матиларни эълон қилишдан бошламоқ лозим. Бундай хайрли иш бугунги кунда амалга оширилса айни муддао бўлур эди.

Асримиз бошидаёқ академик В. В. Бартольд Ўрта Осиёнинг ўтмиши тарихини тадқиқ этишнинг сустиги тўғрисида сўзлаб бундай деб ёзган эди: «Лоақал шарқшунослар учун мўлжаллаб нашр этилган, ҳаммабон тарихий манбалар сонини қиёлаганда, Овруподаги катта-катта кутубхоналарда сақланаётган ва ўз тадқиқотчиларини мунтазир бўлиб кутаётган қўлёзма асарлар сони жиҳатдан жуда оз. Ваҳоланки, кўп ҳолларда худди шундай асарлар қаторида тадқиқотлар учун энг муфассал ва аниқ маълумотларни бериши мумкин бўлган манбалар бордир». Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор» асарини В. В. Бартольд худди шундай манбалар сирасига киритган эди. Шундан бери кўп вақт ўтди. Аммо икки кичик мақола ва асарнинг биринчи жилдидан айрим лавҳаларнинг русча таржимасидан бошқа мазкур қимматли манбанинг ўрганилишига оид жиддий бирон нарса эълон қилингани йўқ.

«Баҳр ул-асрор»нинг иккинчи бобида (в. 58 б—277 а) Хурсон, Балх ва Шимолий Афғонистоннинг XVI аср биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи тўғрисида батафсил ҳикоя қилинади. Бу ерда тадқиқотчи Балх ва умуман Шимолий Афғонистоннинг шу тарихий давр ичидаги ички сиёсий аҳволи ва унинг Ҳиндистон, Эрон ва Бухоро билан ўзаро алоқаларига оид қимматли маълумотларни учратиши мумкин.

Афғонистоннинг шимолий қисми ва қисман Ўзбекистоннинг жанубий қисмларида истиқомат қилган турк-мўғул қабилалари, хусусан, олчин, арғин, орлот, осо, баҳрин, буйрак, булочи (булғачи), жалоир, дугдақ, дўрмон, ёбу, қалмоқ, қонғли, қатағон, келечи, кенагас, кероит, қиёт, қипчоқ, қўнғирот, қўқа араб, кулон оёқли, куланги, қурама, қўш оёқли, қўшчи, қирқ, можор, манғит, макрит, месит, минг, мўғал, найман, сарой, турк, тубойи, узз, уйғур, уйрот, ўтарчи, уйшун, хитой, юз, шабоят қабила ва уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, кўчманчи ўзбекларнинг ҳарбий тузуми, Шайбонийлар давлатининг тузилиши, девонбеги, девонбегийи хосса, вазир, оталиқ, эшик оғаси (эшик оғаси боши), қўшбеги, қўшбегийи кўлл, парвоначи, мирохур, мирохури бузург, мектар, хазиначи, нақиб, раис, қози, аскар, қози ихтиёр, мирзабоши, китобдор, китобдори хосса, мироб, мунажжим, баковул, бакоули бузург, дастурхончи, шиговул, қушчибоши, юртчи, шукурчи, амири садажот, бошлиги туманот, амири ҳазора, додхоҳ, чуҳра оғаси, қоровул, тобочи, жарчи, тугбеги, тўпчибоши, қўрчи, қўрчибоши, тўқсабо, кутвол, ясар боши, садр, муфтий, шайхулислом, қори, хофиз, хатиб қабилага оид маълумотлар ўта қимматлидир.

Учинчи бобда (278а — 374б) Балхда яшаб ўтган атоқли

шайхлар, уламолар, амалдорлар, нақиблар, қозилар ва шоирлар, Балхдаги диққатга сазовор жойлар: қасрлар, масжидлар, мадрасалар, қалъалар, мусулмонлар авлиёларининг мазорлари ҳамда Балх ва вилоятдаги суғориш шохобчалари ва иншоотлари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади.

«Баҳр ул-асрор»нинг олтинчи жилди тўртинчи рукнининг схириги қисмида (274а—301б) қавчин, жалоир, маркит, кероит, қўнғирот, тумат, сақойит, урманқит, орлот, урмавут, уйшин, судлус, кингит, қатағон, салжуит, тайжуит, бутושин, дўрмон, журёт, будай, йисун, суқай, барлос ва бошқа турк-мўғул қабилалари тарихи (в. 274а—287а), ўзбек хонлари саройида амалда бўлган, Чингизхон ёсосига асосланган расмий қабул маросими ва Маҳмуд ибн Валининг 1624/25—1631 йиллар орасида Ҳиндистон ва Сарандиб бўйлаб қилган саёҳати ҳақида сўз боради.

Маҳмуд ибн Валининг йўл хотиралари XVII аср биринчи ярмида Ҳиндистон ва Афғонистон тарихи ва маданиятини ўрганишда гоёғ қимматлидир. Унда жуда кўп қизиқарли тарихий маълумотлар бор. Маҳмуд ибн Валининг ватанига қайта туриб ўзи келаётган карвоннинг Ҳиндистон билан чегарадош афғон вилояти Пошанг (Пишин) да Шоҳ Сафи I нинг бу ердаги ноиб афғон Шерхон томонидан ғорат қилингани ва бу вилоят аҳволи тўғрисидаги маълумотлари диққатга сазовордир. Ҳиноянинг қисқача мазмуни шуки, Пошангга шоҳ Сафи I томонидан тайинланган афғон Шерхон Сиво, Ганжоба ва унинг атрофидаги ерларни талаб бошқалар қатори Маҳмуд ибн Валини ҳам асирга олади. Шерхон уларни яланғочлаб гаровга ушлаб туради. Ўша томонларни ғорат қилиб бўлгач, уларни Сива қишлоғига келтириб ўлдирмоқчи бўладилар. Аммо, шу пайтда, Қандаҳор ҳокими Али Мардонхон эскидан бўлган хусумати туфайли пайт пойлаб, Шерхонга қарашли ерларга ҳужум қилиб, Пошангни унинг ишончли вакилларида тортиб олади. Унинг хазинаси-ю даффаси ва яқинларини Қандаҳорга жўнатиб, ўзи Пошанг қалъасида жангга ҳозирланиб ўтирди. Шерхон бундан хабар топиб, тушкун бир ҳолда савдогар ва сайёҳларнинг бағридан кечиб, тезда Пошанга қараб жўнайди. Аммо хазина ва бойликдан ажраб қолгани, ҳокимиятдан айрилгани сабаб бўлиб Шерхон Сивада турган савдо карвонини ўзи билан бирга олиб баланд тоғ сўқмоқлари орқали қишлоқи Хорнойда¹ тўхтади. Бу ерда кўплаб машваратлар уюштиради. Қабила бошлиқлари ва ҳарбийлар аввал Али Мардонхонга қарши юриш уюштириш, борди-ю, мағлуб бўлиб қолсалар ҳамма савдогарларни ўлдириб, уларнинг молларини талаб, тоққа қараб кетиш ва эски касблари — савдо карвонларини талон-торож қилиш билан машғул бўлишни маслаҳат кўрадилар. Шерхон бунга рози бўлади. Карвон ва асирларни Шоҳрик² дарёси атрофидаги

Гурми қишлоғида маҳаллий кадҳудолар назоратида қолдириб, ўзи олти минг кишилик афғон ва бошқа тоғли халқлардан иборат аскар билан Пошангга қараб юради. Аскарларининг кўпчилиги пиёда бўлганлиги ваҳждан савдогарларнинг от ва туяларини тортиб олиб, уларга беради. Шундан кейин Пошанг атрофига етиб келиб, афғонларнинг юртида тўхтади. Аммо бир кунни тунда қаттиқ шамол турган вақтда Али Мардонхон унга тўсатдан ҳамла қилиб, аскарларини тум-тарақай қилиб юборади, Шерхон тирик қолган уч киши билан Балужистонга қараб қочади. Савдогарлар эса Али Мардонхонга ўзлари ҳақда хабар берадилар. У ўша заҳоти Ғурийга бир минг қизилбош аскарни юбориб, уларни озод қилиб, Пошангга келтиришни буюради. Шу вақтда маълум бўладики, Шерхон ўзининг Гапжоба ва Ҳиндистоннинг бошқа ерларини талон-торож қилганлиги ҳақида Али Мардонхон устидан арз қилиб, шоҳ Сафи қароргоҳига элчи юборади. Шерхоннинг ўзи эса жавоб кутиб, Афғонистон тоғу биёбонларида дайдиб юради. Бундан хабар топган Али Мардонхон тоғли халқлар орасидан гувоҳ сифатида воқеани шоҳга тушунтириш ва Шерхоннинг айбини исботлаш учун шоҳ Сафи олдига ўз одамини жўнатишга мажбур бўлади. Маҳмуд ибн Валини эса бир гуруҳ савдогарлар билан Қандаҳорга жўнатади ва шоҳ саройига боришлари ҳақида кўрсатма беради. Бу вақтда шоҳнинг Шерхон арзига жавоби келади. Унда: «Али Мардонхон ва Шерхон ўз гувоҳ ва вакиллари Хуросон бекларбеги Ҳасанхон шомлу ҳузурига юборсунларким, у тафтиш қилиб олий остонага хабар қилсин», деб ёзилган эди.

Хуллас, Маҳмуд ибн Вали бир гуруҳ савдогарлар ва томонлар вакиллари билан Ҳиротга Ҳасанхон шомлу олдига юборилади. Улар Буст, Фараҳ орқали хожа Музаффар мунший номли манзилга етиб келганларида Шерхон вакиллари уларни тарк этадилар. Маълум бўлишича, сал игарироқ улар Шерхоннинг «Мол-мулк, ҳокимият ва хизматкорлардан юз ўгириб, 1631 йил 12 майда Ҳиндистонга йўл олдим. Сизлар эса, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, менга етиб олиб қўшилишларинг лозим» (в. 407а—408б) мазмунидаги мактубини олган эканлар. Шундай қилиб, шоҳ олдида ким ҳақу, ким ноҳақлигини исботлашга бошқа эҳтиёж қолмади.

Мамлакат тўғрисидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий маълумотлар «Баҳр ул-асрор»нинг жўғрофияга оид қисмида ҳам бор. Дунёнинг маъмур қисми мамлакатлари ва шаҳарлари, хусусан Афғонистон ҳақида ёзганда, муаллиф ўтмишдошлари (Ибн ал-Фақиҳ, Истаҳрий, Абу Дулаф, Еқубий, Масъудий, Муқаддасий, Еқут, Ибн Фадлон, Закария ибн Муҳаммад ал-Казвиний, ал-Гарнатий, Димишқий, Абулфидо, Ҳамдуллоҳ Муставфий Казвиний) ва бошқаларнинг асарларидан ташқари Мовароуннаҳр, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Сарандибда бўлган кезларда тўплаган ҳамда Балхга Кошғар, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан келган савдогарлар оғзидан эшитиб ёзиб олган маълумотларга суянган ҳолда иш тутган. Унинг маълумотлари

¹ Силда жойлашган қишлоқ.

² Қарнатдан Пошангга боришда йўл устида жойлашган қишлоқ.

ғоят батафсиллиги ва аниқлиги билан ажралиб туради. Таърифланган мамлакат ва шаҳарларнинг ўша замондаги аҳволи, аҳолиси, уларнинг расм-русумлари (мисол тариқасида Андароб, Биллуристон, Ғазна, Гурзувон, Дарзоб, Кобул, Кишим, Рустоқ, Хабоф, Шибирғон ҳақида келтирилган маълумотларни олиш мумкин), машғулоти, суғориш иншоотларининг аҳволи ва бошқаларга оид маълумотлар биз учун ғоят қимматлидир.

Мамлакат ва шаҳарларнинг ўша замондаги аҳволини аниқлашда Маҳмуд ибн Вали шаҳар ё мамлакатдаги умумий вазият, аҳолининг таркиби, даромад манбаи ва ундан истифода этувчиларга алоҳида эътибор қилади. Чунончи, Андхуд шаҳри тўғрисида айтиладики, «[Андхуд] Балх мамлакатининг олти шаҳаридан бири, тўртинчи иқлимда жойлашган, пойтахт шаҳар Балхдан ғарбда, тўрт кеча-кундузлик масофада жойлашган... [Андхудда] анвойи мевалар, хусусан қовун ва анори яхши етишади. У ерда Деҳи саййидон деган қишлоқ бор. У ерлик барча аҳоли саййидлардан иборат. Вилоят даромадининг учдан икки қисми вақфдан келади. Ҳозирда бу шаҳар олий ҳазратлари ҳоқон (Нодир Муҳаммадхон)нинг катта ўғли Абдулазиз султоннинг иқтоси деб эътироф этилди. Бу иқтосда кўплаб шаҳар, қишлоқлар ва серунум ерлар бор». Шу маънода Банкаш, Кобул, Қандаҳор, Қоҳмард ҳақидаги боблар ҳам диққатга сазовордир. Чунончи, Банкаш ҳақида «Баҳр ул-асрор» муаллифи қуйидагиларни ёзади: «... Тоғли Афғонистондаги қишлоқ. Илгари у ерда афғонлар ҳукмронлик қилганлар, аммо Ҳумоюн подшоҳ¹ ҳукмронлиги даврида у Ҳиндистон таркибига қўшилиб, Чигатой [улуси] сарҳадларидан муҳими бўлиб қолди. [Ҳумоюн] подшоҳ у ерга бир юзбошини ҳоким этиб унга Аток² дарёсидан Ҳиндикушгача бўлган ерларни тобе қилиб берган».

Асарда Кобул тўғрисида қуйидагиларни ўқиш мумкин: «... ободон ва саринта вилоят. Зобулистон, Балх, Бадахшон, Кунаристон³, Кашмир, Синд ва Афғонистон тоғлари билан чегарадош. Кобул қалъаси ўта мустаҳкам. Қалъага баланд бир тепалик туташиб кетади. Унинг атрофини ҳам девор билан ўраб қалъа билан бирлаштирганлар. Бу тепалик чўққисидан баланд иншоот қурганлар ва уни Болоҳисор деб номлаганлар. Шаҳарнинг ўзи, маҳаллалар, қасрлар ва бошқа бинолар ташқи шаҳарда жойлашган. Шаҳар ўртасидан катта дарё оқиб ўтади. [Кобулда] боғлар, оромгоҳлар кўп. Хусусан. Боғи шаҳараро ва [Боғи] жаҳонро боғи эрамдан нусхадир. [Кобулда] масжид, мадраса ва хонақоғлар кўп. У ердаги қарвонсарой, работ ва манзилгоҳлар сони 500 дан ошади. Кобулнинг яйлов, ором-

гоҳ ва гулзорлари дунёга машҳурдир. У ерда ҳосил яхши унади. Мевалардан узум, зарлўму, ўрик, шафтоли, олма ва бошқалар яхши бўлади. Кобулнинг ёзи иссиқ, қиши совуқ келади, замини тошлоқлик. Кўлгина ноҳиялари тоғ йўлларида жойлашган. Оқар вилоқлар кўп...

Кобул вилоятига кўплаб ноҳиялар тобедир. [Улардан] машҳури Ҳиндикуш этагидаги Сари ўлангдир. [Унинг] кўплаб боғ ва экинзорлари бор. Кобул, Жалолобод ва Пешовар дарёлари шу ерда айрилишадилар. Яна бири Парвон бўлиб, дунёдаги энг гўзал маконлардан, Балх ва Ҳиндистон ўртасидаги қарвон йўлида жойлашган. Қалъа ва [мустаҳкам] баланд бинолар бор. Сатрак дарёси унинг ўртасидан оқиб ўтади. Дарё устига чиройли кўприк қурилган. Дарёнинг ҳар икки томонида боғ ва дарахтзорлар жойлашган. У ерда доимо шамол [ёсиб туради]. Мевалари орасида узум ва ўриги машҳурдир. Учинчиси Катурса кофирларига яқин ерда жойлашган, иқлими салқин Панжҳирдир. Панжҳирнинг маҳсули ғалла ва бир қатор мевалардан иборатдир. Тўртинчиси — Чорияк қарвон. У ерда маъмур қишлоқлар кўп учрамайди. Жомеъ масжиди ва кўп катта бўлмаган мадрасаси бор. У ердаги бозорнинг авжи дуруст. Ҳиндистон ва Балх ўртасидаги қарвон йўлида жойлашган. Унинг атрофида кўп гўзал чаманзорлар бор. Сайр қилиш борасида машҳур ерлардан Арғувонзори Кобул шулар жумласидандир... У ерда арғувон дарахтлари ва булоқлар кўп. Бешинчиси — Ҳарбанд [ноҳияси]. Шаҳарчаси бор... Олтинчиси — Ғозия. [Еттинчиси] Бомпён.

Кобул аҳли илгари хурсандчилик ва шодлик талаб эди; чегара чиққанда бир-бирларига қаттиқ таянардилар. Савдо-сотиқ ишларида, зоб-зийнат молларини ишлаб чиқаришда ғоят моҳир бўлсалар-да, жангу жадалда анча сустдилар. Кўринишдан мутеъ ва оддий кишилар бўлсалар-да, янгиликларга иштиёқлари баланд.

«Баҳр ул-асрор» да Қандаҳорга оид ҳам қизиқ маълумотлар келтирилган: «... Ғазнанинг жануби-ғарбида, Кулубдан шарқда жойлашган вилоят. Ҳозирда Зобулистоннинг маркази бўлмиш вилоят, учинчи иқлимда. Қалъаси беҳад мустаҳкам бўлиб, деворининг айланаси олти минг қадам атрофида. Қалъа бурчагида арк жойлашган бўлиб, у ҳам ўзига хос бир қалъадир. Баланд ва олдинга қараб сурилиб чиққан. Масалан, аркнинг баландлиги тахминан 100 зира¹. Қалъа хокрезидан шимолда Балках деб аталган тепалик бор. Қалъа ва ўша тепалик орасидаги масофа тақрибан беш жериб² келади. Аммо унинг баландлиги шу қадарки, агар у ердан камондан ўқ узилса, тўппа-тўғри шаҳар марказига бориб тушади. Шу кунларда қизилбош ҳукмдорлар ўша тепаликда кичик бир қалъа қуриб, ҳаммани уни қўриқлашга мажбур этганлар.

¹ 937—947 (1530—1540), иккинчи марта 962—963 (1555—1556) йилларда Шимолий Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган бобурий ҳукмдор.

² Ҳинд дарёсининг юқори irmoқларидан.

³ Шу номдаги дарё ҳавзасида, Кобулдан шимол-шарқда жойлашган туман.

¹ Зираъ — тирсак, тахминан 83,31 см га тенг.

² Жериб — тахминан 3600 газга (бир газ 73—74 см га тенг) баробар майдон ўлчови.

Маъор, қасрлар ва маҳаллалар асосан ташқи шаҳарда, унинг шимолӣй тарафида жойлашган.

[Қандаҳор] катта карвон тушадиган жойларидан биридир. Шунинг учун ҳам ҳинд ва хуросон карвонлари билан тўлиб туради.

Ўтмишида бу вилоят Ҳиндистон подшоҳлари салтанати таркибига кирган. Аммо Ҳумоюн подшоҳ дўстлик рамзи сифатида уни сафавий ҳукмдорларга инъом қилган. Шундан сўнг бирмунча вақт, токи сафавий подшоҳлар авлодидан бўлмиш ушбу шаҳар ҳокими мирзо Рустам шоҳ Аббос I ҳукмронлик йиллари бошларида [ундан] ранжиб бу вилоятни Жаҳонгир подшоҳ Чигатой¹га тошириб, ўзи шу хонадон тарафқашлари қаторига қўшилмагунга қадар, [Қандаҳор] қизилбошлар қўл остида бўлиб келди. Энди ул шаҳар яна Ҳиндистон таркибига кирди. Аммо ўз тартиб ва расм-русумларини сақлаб қолди. Жаҳонгир подшоҳнинг сўнгги йилларида зикр этилган шоҳ Аббос шахсан Қандаҳорга бориб чигатой амирлар билан янги шартнома тузди ва шу вақтдан бошлаб Қандаҳор яна қизилбошлар давлати таркибига ўтиб қолди. [Шундан сўнг Қандаҳор] инқирозга юз тутди бориб, то 1048 йил бошида (1638 йил май ойи), яъни унинг ҳокими Али Мардонхон ўзбек сафавий шоҳ Сафиёга тескари бўлиб қолиб, ислом таянчи бўлган Жаҳонгир подшоҳнинг ўғли Шоҳ Жаҳоннинг² хизматкорлари қўлига топшириб, ўзи ҳам тамом мол-мулки, оиласи ва хизматкорлари билан тилга олинган подшоҳ (Шоҳ Жаҳон)нинг ҳузурига келиб чигатойлар хонадонининг хайрихоҳлари сафига кирмагунча давом этди. Ҳозирги пайтда Қандаҳор Ҳиндистон таркибиди, шу тариқа у яна маъмур бўлди.

Қисқаси, Қандаҳор Зобулистоннинг катта шаҳарларидан биридир. Кўп қишлоқ, **боғ-роғ** ва гулзорлари бор.

Ҳосил — буғдой ва бошқа экинлари яхши етишади. Мевадан узум, олма ва шафтоли яхши унади. Ғарибқаш номли узум навъи ҳам бор, лекин унинг фойдасидан зиёни кўпроқ, суви зарарли...

[Қандаҳорнинг] иқлими иссиқ, чунки унинг шимол тарафидаги чўлдан иссиқ шамол эсади.

Қандаҳорда фақат Ҳиндистон ва Хуросондан келган моллар бор. Халқ аҳли мўмин, Ханафия мазҳабидаги суннийлар, муқаддас мазорлардан Бобо Ҳасан Абдолнинг³ мазори ўша ердир.

Шу қабилдаги маълумотлар Қоҳмард бобида ҳам берилади. Чунончи, айтилишича, «[Қоҳмард] — Балхнинг жанубий вилоятларидан. Илгари вақтларда у Бомиеън такибига кирган ва...

¹ 1605—1627 йилларда Шимолий Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган бобурийлардан.

² 1628—1657 йилларда Шимолий Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган бобурийлардан.

³ Бобо Ҳасан Абдол — сабзаворлик авлиё. Шоҳруҳ мирзо даврида Қандаҳорга келиб қолган.

Ҳиндистон карвонларидан бож олинадиган жой бўлган. Ҳиндикуш доvonлари [қалин] қор ва [кучли] совуқ сабабли қатноға яроқсиз бўлганлиги учун карвонлар Қоҳмард орқали қатнаганлар. Қоҳмард Ғур ва Ғарчистон ҳудудларига қадар чўзилган тоғли Ҳазоратжотнинг бош шаҳари ва ҳозирда Балх хонлигининг жанубдаги сарҳадидир. Раиятининг катта қисми чорвадор ва кўчманчилардир. Аҳолиси турклар ва ҳазоралардан иборат. Унинг ҳудудларида сайқончи, тулкичи, килаги, зирангий¹ ва бошқа қабилаларнинг манзилгоҳлари мавжуд. Ўша жойнинг кўпчилик аҳолиси аскарликка киради. Уларнинг умумий сони 10 минг жанговар суворийдан иборат. Қоҳмардга сув булоқлардан келади, иқлими салқин. Қоҳмарднинг ҳосили ғалла, ҳар хил дуккакли ўсимликлар ва қисман мевадан иборат. Теварагида кўп сайлгоҳлари бор. Даромади тулки телпак, жундан тикилган пўстин, ҳазора қуллар, турк отлари».

Маҳмуд ибн Вали жўғрофияси мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тарихини ўрганиш учун муҳимдир. Унинг деярли барча боблари феодал ер эгаллиги, суғориш, табиий бойликларни ўзлаштиришга оид масалаларни қамраб олган. Муаллифнинг, хусусан, хонларнинг серунум ерлари, яйловлари ва қўриқлардан иборат мулки тўғрисидаги маълумотлари диққатга сазовордир. «Баҳр ул-асрор»нинг олтинчи жилди тўртинчи рукнида келтирилган маълумотларга кўра, Балх хонларининг ер-суви ва мол-мулкларининг асосий қисми Балх, Қундуз, Арҳан сарой ва Жузжон вилоятларида жойлашган. Яйлов ва қўриқхоналарнинг саралари Шамарда, Хулмда, Оға жилгада, Дарагезда, Дарайи амроҳ, Зорию қипчоқда ва Хонободда (Балхдан ғарбда жойлашган қишлоқ) жойлашган. Хон ва унинг оиласига тегишли ерларнинг маълум фонизини сотиб олинган ерлар (зархарид) ташкил қилган. Мисол тариқасида Жузжонни олиш мумкин. «Жузжон,— деб ёзади Маҳмуд ибн Вали,—Балх вилоятидаги шаҳарлардан. Ҳозирда шаҳар катта арқлик кўприк яқинида жойлашгани сабабли, уни Сарипул деб атайдилар²... У ерда қишлоқ ва манзилгоҳлар кўп... Уларнинг аксарияти халифатпаноҳ Нодир Муҳаммадхон томонидан сотиб олинган ерлардир». Шунинг учун ҳам хонлар ва катта ер эгаларининг суғориш ишларига катта эътибор қилганликлари тасодифий эмас. Маҳмуд ибн Вали Нодир Муҳаммадхон тарафидан 1634—1636 йилларда 300 минг одамни сафарбар қилиб, Балх вилоятидаги Ҳижлаҳнаҳр каналини тиклагани ҳақида муҳим маълумот келтиради. Бу каналлар Балхдан жанубда, тахминан тўрт фарсах масофада

¹ Зирангийларнинг келиб чиқиши аниқланмаган. Зирангий (серангий) тўғрисида, Афғонистоннинг ғарбий қисмида истиқомат қилган бир халқ сифатида Диодор (мил. аввалги 90—21 йиллар) тарафидан дреңги номи билан тилга олинади. (Қадимий олимлар Урта Осиё ҳақида. Хрестоматия. Л. В. Баженов таҳрири остида, Тошкент, 1940, 26-бет.)

² Сарипул номи XVI аср бошида пайдо бўлган (М. Е. Воҳидий. Тарихи жўғрофияий Жузжон. «Орёна». жаридаси. Қобул. 1342 (1963), 11—12-сонлари, 26—32, 5—11, 211-бетлар).

жойланган Дарагез ноҳиясидаги Балхоб дарёсидан чиқарилган. Балхоб Бобида бу ҳақда бундай дейилган: «... Балхоб дарёси Балх вилоятининг жануб тарафидан оқиб ўтади. Унинг боши Балхоб ва Ҳазоражот тоғларидадир. Балхнинг машҳур жойларидан Дарагез чегарасигача бу дарёга ҳар тарафдан каттакичирмоқлар келиб қўшилади. Зикр этилган манзиллардан ўтиб, қишлоқларга тақсимланиб кетади ва бу билан 18 наҳр пайдо бўлади. Қаналлар етиб борадиган охириги манзилгоҳ Ахча қишлоғидир¹. Баҳорда ундаги ортиқча сув Жайхунга келиб қўйилади». Наҳрлар Амударёдан Ҳазрати имом вилояти ва Балхдан бошқа ерларга чиқарилган ва ўша каналлар суви билан Ҳазрати имом, Замм ва Калиф ноҳиялари суғорилган. Чунончи, Замм бобида ёзиладики: «Замм Балхга тобе ноҳиялардан; Жайхун бўйида жойлашган. Авваллари унинг ҳудудлари Марвгача чўзилган. Унда кўплаб қишлоқ ва аҳоли пунктлари бор. Унинг энг йирик шаҳарлари Қатном ва Парварддир. Замм шаҳари ҳозир хароб бўлган, бу иккиси эса ободдир. [Ноҳия] маркази Парвард ҳисобланади... Жайхундан сув ичади».

Кориз воситасида суғорилган ноҳиялар ҳам бўлган. Масалан, Жом, Зовэ, Хавоф ва Ҳирот булуқларидан Адвон ва Гизан, шулар жумласидандир.

Маълумки, Афғонистон ер ости бойликларига, хусусан Бадахшоннинг Қишм, Рустоқ ва Сомжан каби ноҳиялари қазилма бойликларга сероб бўлган. У ерларда олтин, кумуш, лаъл, ёқут ва бошқа қимматбаҳо тош конлари бўлган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу конлар ҳукмдорларга тегишли мулк ҳисобланиб, махсус саркарлар томонидан бошқарилган. Бу фикрни Рустоқ бобида келтирилган маълумотлар билан тасдиқлаш мумкин. «Рустоқ Балх тоҳаристонидаги шаҳарлардан. Тўртинчи иқлимга киради. Иқлими майин. Тоғ ва тепаликлар орасида жойлашган. Ғалла ва қовун яхши етишади. Аҳолиси бир қисми ўтроқ, бошқа бир қисми кўчманчи. Баъзи олимларнинг сўзларига қараганда, Рустоқ Бадахшоннинг пойтахти бўлган. [Рустоқ] — кенг вилоят, яхши ёзлик яйловлари бор. Шарққа томон то Кошғар ҳудудигача хамунлар² кам, булоқ ва сойларнинг эса ҳисоби йўқ. У ерда конлар кўп. Аммо [фақат] олтин маъданигина чиқиб туради. Уша вилоятда ёқут маъданлари ҳам бор...

Дара ва Дарвоз Рустоқга тобе бўлган икки ноҳиядир. Бу икки ноҳияни илгари вақтларда шоҳлар номи билан машҳур бўлган ва ўзларини Искандар Зулқарнайн авлодларидан деб ҳисоблаган сулола ўзига қаратиб олган. Ислоом дини ва жамоаси тўғрисида беҳабардирлар. У ерда кўп олтин конлари бор. Аммо ҳар икки ноҳиядаги кон ишлари ва [ундан келадиган]

даромад тўлиғича вилоят сардори ва ҳокими Шоҳ Бобурга тегишлидир»¹.

Маҳмуд ибн Валининг шу маълумотлари билан кифоялансак ҳам бўлади. Аммо «Баҳр ул-асрор»нинг Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тарихини ўрганишдаги муҳим манба сифатидаги имкониятлари бу билан чекланиб қолмайди. Масалан, жавҳаршунослик қисмида (Ўзбекистон ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 2372, в. 263 а — 329 б) металлар, қотишмалар ва 180 дан ортиқ қимматбаҳо, ўртамиёна ва хосиятга эга бўлган тошлар, ўсимликшуносликка оид бобларида эса (Ўзбекистон ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 2372, в. 329 б — 532 б) манзарали ва мевали дарахтлар, ғалла экинлари ва сабзавот, уларнинг шифобахш хусусиятларига оид кўплаб янги маълумотлар ҳам кўпки, уларнинг илм-фан учун аҳамияти беқиёсдир.

БАЛХ ХОНЛИГИНИНГ РУСИЯ БИЛАН САВДО ВА ЭЛЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ ҲАҚИДА ЯНГИ ҲУЖЖАТ

Русиянинг Ўрта Осиё билан савдо ва элчилик алоқалари қадим замонлардан бошланган. Бу муносабатлар, қўлёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, айниқса XVI—XVII асрларда бирмунча ривожланган. Бу муносабатларда нафақат Бухоро, Хива ва Қўқон (XVIII асрдан бошлаб) хонликлари, балки ўша вақтларда Бухорога номигагина қарам бўлган Балх хонлиги ҳам фаол иштирок этган. Давлат архивларидаги, хусусан Қадимги ҳужжатлар марказий Давлат архиви (Масков) фондларида сақланаётган расмий ҳужжатлар, ёзишмалар, илтимосномалар Балх хонлигининг Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта мавқега эга бўлганлиги ва унинг Русия шаҳарлари билан ҳам мунтазам алоқа боғлаганидан далолат беради.

Масковдаги Қадимги ҳужжатлар марказий Давлат архивида Балх хонлиги билан Русия давлати ўртасидаги муносабатларга оид 215 та расмий ҳужжат сақланади. Улар бир папкага тўпланган ва «Балхинские дела» деб аталади. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, ҳужжатлар форс-тожик ва ўзбек тилларида битилган бўлиб, бир қисми ташқи ишлар маҳкамаси (Посольский приказ)да хизматда турган татар тилмочлар тарафидан рус тилига ағдарилган. Бахтга қарши, таржима жиддий камчиликларга эга; кўп ҳолларда фақат ҳужжатнинг мазмуни берилган; англашилмаган ва ўчиб кетган иборалар таржимасиз қолдирилган; баъзи мусулмонча атамалар тўғри ўгирилмаган.

Бу ва бошқа архив фондларида, шунингдек, илмий муассасаларда сақланаётган ҳужжатларни бир ерга тўплаш, уларни

¹ Ахча Сарипанжа суви билан суғорилган (Салахетдинова М. А. К исторической топонимике Балхской области, 223-бет).

² Ўсимликлардан тамоман маҳрум бўлмаган шўрхок дашт шундай деб аталади.

¹ Бадахшон шоҳларининг македониялик Александр (мил. авв. 356—323 йиллар)нинг Сўғд ҳукмдорларидан бири Оксиртнинг қизи Роксана билан никоҳидан тарқалганликлари тўғрисидаги ривоятлар дастлаб Марко Поло томонидан айтилган, (Книга Марко Поло. М., 1956. 73-бет).

атрофлича ўрганиш ва нашр этиш жуда зарур. Бу — Ўрта Осиё хонликлари билан Русия давлати ўртасида қадимдан давом этиб келган иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тарихини ўрганишда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Сўзимизнинг исботи ўрнида қуйида ана шу ҳужжатлардан бирининг таржимасини келтирамиз.

Бундан аввал ҳужжатнинг умумий аҳволи хусусида бир-икки огиз гашириб ўтмоқчимиз. Ҳужжатнинг асл нусхаси, юқорида қайд қилганимиздек, Масковдаги Қадимги ҳужжатлар марказий Давлат архивининг «Балх билан муносабатлар» деган махсус фондида сақланади. У жуда пачор аҳволда — нам тегиб, айрим сўзлари, айниқса жўгрофий атамалар ўқиб бўлмас даражага тушиб қолган. Бундай сўзларни тўғри ўқиш ва аслини тиклашда Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор» асари бизга катта ёрдам берди. Айрим сўзларни ўқишда Шарқшунослик институтининг тажрибали илмий ходими марҳум Абдулфаттоҳ Расулевнинг ёрдами ҳам катта бўлди. Яна бир гап. Мазкур ҳужжатда унинг кимнинг номидан ёзилганлиги ва кимга юборилаётганлиги ҳам айtilмаган. Лекин омадимиз бор экан, ҳужжатнинг ёзилган вақти аниқ кўрсатилган. Ҳужжат ҳижрий 1087 йилнинг шаввол (милодий 1676 йилнинг декабри) ойида ёзилганлиги унинг ўзида қайд қилинган. Шунга қараганда, у аштархонийлар сулоласига мансуб Балх хони Субҳонқулихон (1651—1681) га мансуб бўлиб, рус подшоши Федор Алексеевич Романов (1676—1682) номига юборилган экан. Бундан чиқадики, ҳужжат 1651—1681 йиллар орасида ёзилган.

Энди ҳужжатнинг таржимасини келтирамиз: «...Олий ҳазратларининг равшан кўнгилларига махфий қолмасинким, хожа Юсуф орқали дўстлик маромида йўлланган мактуб бахтли соатда бизга етиб келди. Маълум бўлдики, биринчидан, ўша юртларда ҳам яхши вилоятлар бор экан ва уларнинг инон-ихтиёри Сиз жаноби олийларининг қўлида экан. Иккинчидан, маълум ва равшан бўлдики, бизнинг мулукимизга (Балхга — Б. А.) қарашли туман ва қишлоқлар шу қадар катта ва кўпки, уларнинг ҳисоб-китоби йўқдир... Қисқаси, бизнинг ҳумоюн давлатимизга [шу кунларда] қуйидаги вилоятлар: Шибирғон, Сарипул, Андхуд, Маймана, Чечакту, Гарчистон, Гурзувон, Чорсада, Чақчарон, Дарзоб, Балхоҳ, Дарайи суф, Фарёб, Хайробод, Зори-у қипчоқ, Дарайи Амроҳ, Якка ўланг, Ақча, Дарайи жуз, Сон-у чахоряк, Янги ариқ, Хулм, Толқон, Ғур, Бағлон, Норин, Ишкәмиш, Фулул, Хуст, Андароб, Хинжон, Божгоҳ, Мурғ, Арсиф, Айбак, Фархор, Варсаж, Арханг сарой, Искагарон, Шаҳри сафо, ... (?), Вахш, Калиф, Термиз, Карки, Қатном, Парвард қарайди. Ўз навбатида уларнинг ҳар бири катта ўлка бўлиб, кўп қишлоқларни ўзларига бирлаштирадilar. Уларнинг ҳар бирига салтанатимизга муносиб ва содиқ одамларимизни тайинлаганимиз. Биз мамлакатингиздан йироқдамиз. Жаноби олийларининг унга тобе ўлкаларнинг қайди келтирилган муборак мактуби олинган ҳамоно биз ҳам шундай жавоб мактуби битиб, олий

даргоҳимизнинг [содиқ] хизматкори Али Мурод чухра оғани Манғит орқали жўнатаётибмиз. Агарда ҳазрати олийлари мамлакатларимиз ўртасида ҳеч қандай тўсиқсиз ва шартсиз элчилик муносабатлари бўлиб туришини истасалар, ушбу мактубимизни олишлари биланоқ, номдор хизматкорларидан бирини биз томонга жўнатадилар. Биз ҳам кўзга кўринган мансабдорларимиздан бирини [унга қўшиб] юборайликким, токи мамлакатларимиз орасидаги муносабатлар узлуқсиз давом этсин...

Ҳижрий 1087 йилнинг шаввол ойида битилди».

Кўриб турибсизки, ҳар иккала мамлакат ҳам ўзаро савдо ва элчилик муносабатларини ўрнатишга интилганлар. Бошқа ҳужжатларда ҳар иккала мамлакатнинг бир-бирига совға-салом тарзида ва сотиш учун юборган моллари рўйхати келтирилади, божхоналар ва савдогарлардан олинадиган бож миқдори ва савдо-сотик билан боғлиқ бошқа масалалар хусусида қимматли маълумотлар учрайди.

Тақрор бўлса ҳам яна бир бор илмий жамоатчиликнинг фикрини мана шундай ҳужжатларни ўрганишга жалб қилмоқчиман. Бундай ҳужжатларни йиғиб, тартибга солиш ва чоп этиш ўрта аср тарихини, айниқса мамлакатимизнинг бошқа эл-юртлар билан бўлган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари қандай кечганини билишимизга катта ёрдам бериши мумкин.

БИНОИИ «ШАЙБОНИЙНОМА» АСАРИНИНГ НОМАЪЛУМ НАҚЛИ

Қамолиддин Биноий ўз даврининг йирик шоири бўлиш билан бирга йирик тарихшунос олим ҳам эди.

Биноий (тўлиқ исми: Али ибн Муҳаммад ал-Ҳаравий) 1453 йилда Ҳирот шаҳрида меъмор устод Муҳаммад Сабз оиласида дунёга келди. Унинг ёшлиги, бутун онгли ҳаёти оғир бир замонда — Хуросонда феодал қарама-қаршиликлар ва теурийларнинг тожу тахт учун кураши ниҳоятда кучайган бир даврда кечди. Қора қўюнулар сулоласидан чиққан Жаҳоншоҳ (1438—1468) Шоҳруҳ вафотидан сўнг мамлакатда кучайиб кетган ихтилофлардан фойдаланиб, Форс вилоятида ҳоким бўлиб турган ўғли Пир Будоқ султон билан биргаликда Хуросонга бостириб кирди ва Ҳиротни эгаллади. Лекин, кўп ўтмай, султон Абу Саиднинг тазийқи остида у билан сулҳ тузиб, мамлакатни бўшатиб чиқишга мажбур бўлди. Ушанда Жаҳоншоҳ устод Муҳаммад Сабзни ҳам оиласи билан (уларнинг орасида беш ёшлик Қамолиддин ҳам бор эди) бирга кўчириб олиб кетди. Муҳаммад Сабз уч йил Шерозда истиқомат қилди ва 1461 йили Ҳиротга қайтди. Шундан кейин унинг турмуши Хуросонда қандай кечганлиги ҳақида етарли маълумотга эга эмасмиз.

Алишер Навоий, Бобур ва Хондамирларнинг гувоҳлик беришларича, Биноий ўз даврининг кенг маълумотли кишилари-дан бўлган. Улар Биноийни етук шоир, илоҳият ва иншо олими,

музиканунос ва истеъдодли муаррих сифатида таърифлаганлар. Камолиддин Биноийнинг яна бир яхши касб-ҳунари ҳам бор эди. У, отасига ўхшаб, яхшигина меъмор ҳам эди: унинг Биноий (қурувчи) деб аталиши ҳам шундан. Балхлик тарихчи олим Муҳаммад Тоҳир (XVII аср) нинг маълумотларига қараганда, Биноий отаси билан бирга Балхда бир неча олий иморатларни қуришда ҳам иштирок этган. Масалан, 1481 йилда Хожа ҳайрон (ҳозирги Мозори шариф) қишлоғида Али ибн Абу Толиб (656—661) нинг мозори устига қурилган олий иморат ҳам ота-бола Биноийларнинг номи билан боғлиқдир.

Лекин Биноий Хуросонда муқим туролмади. Кўп ўтмай у Табриз (Озарбайжон)га кетиб қолди ва тахминан 1492 йилга қадар ўша ерда Султон Еқуб Оқ қўюилу (1478—1490) ва Бойсунқур (1490—1493) саройида хизматда бўлди. Сўнг Ҳиротга қайтиб, она шаҳрида уч йил турди ва 1495 йили Самарқандга кетиб қолди. Унинг бу қадар у ёқ-бу ёққа кетиб қолишида Хондамир ва «Ҳафт иқлим» китобининг муаллифи Амин Аҳмад Розий Биноийнинг Алишер Навоий билан муросаси келишмай қолганлигини сабаб қилиб кўрсатадилар. Биноийнинг ўз сўзларига қараганда, бунга баъзи бир олимларнинг ҳасадгўйлиги сабаб бўлган. Биноий Самарқандга келгандан кейин дастлаб хожа Убайдулла Аҳрорнинг иккинчи ўғли хожа Қутбиддин Яҳё (1500 йилнинг 11 август куни ўлдирилган) нинг хизматига кирган. 1496 йилнинг июль ойида шонр ва тарихшунос олим Муҳаммад Солиҳ (1535 йилда вафот этган) билан бирга Бобур мирзонинг хизматига ўтди, 1500 йил июль ойида, яъни Самарқанд Шайбонийхон тарафидан ишғол этилгандан сўнг, у ўзбек хонининг хизматига кирди. Камолиддин Биноий 1512 йили Қаршида қизилбошлар билан бўлган уруш пайтида ҳалок бўлди.

Камолиддин Биноий ўздан «Шайбонийнома» номли муҳим тарихий асар ёзиб қолдирган. Асарда Дашти қипчоқда XV асрнинг сўнгги чораги ва Мовароуннаҳрда XVI асрнинг бошларида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади. «Шайбонийнома»да диққатга молик этнографик ва жўғрофий материаллар ҳам кўп учрайди.

Яқин вақтларгача «Шайбонийнома» Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида 844-рақамда сақланаётган ягона нусха ҳисобланиб келинган. Бу нусха (ҳаммаси бўлиб 41 варақдан иборат, ҳажми 22×31,5 см; чиройли настаълиқ хатида) ноёб нусха ҳисобланади ва Шайбонийхоннинг шахсий котиби Мирза Муҳаммад мунший томонидан кўчирилган. Шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, унинг баъзи варақларини (3а, 24а, 31а ва б. қ.) Муҳаммад Шайбонийхон ўз қўли билан кўчирган. Лекин кўп текширишлардан кейин бу нусха «Шайбонийнома»нинг қисқартирилган нусхаси бўлиб чиқди. Асарнинг тўла нусхаси 1965 йили ушбу сатрлар муаллифи тарафидан аниқланди («Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», 1965, 2-сон, 51—55-бетлар). Биз уни «Шайбонийноманинг номаълум нақли» деб атадик.

«Шайбонийнома»нинг номаълум нақли ҳажм жиҳатдан 844-рақамли нусхадан икки баробар зиёд (104 варақ) ва «Футухоти хоний» («Шайбонийхоннинг истилолари») деб аталиб келинган. Бу ном асарга афтидан «Ўзбекистон Фанлар Академияси қўлёзмаларининг мажмуаси» каталоги (1-жилд, Тошкент, 1952, 61-бет) тузувчилари тарафидан берилган бўлиши керак (бу нусха тўла эмас; бош қисми ва охири йўқ, ҳаммаси бўлиб 70 варақ). Кейинчалик тожикистонлик йирик шарқшунос олим Абдуғани Мирзоев ўзининг Камолиддин Биноийнинг ҳаёти ва ижодиётига бағишланган монографиясида (Сталинобод, 1957) ҳам уни «Футухоти хоний» деб атади. «Шайбонийнома»нинг бу нақли бухоролик йирик муаррих Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарафномаи шоҳий» асарининг баъзи нусхаларига, масалан, Боку (446) ва Душанбе (778) нусхаларининг бош қисмига котиб Муҳаммад Мирза Фани (1906 йили вафот этган) тарафидан қўшиб қўйилган. Фикримизча, у шайбонийлар хонадони тарихи тўлароқ бўлсин, деб шундай қилган бўлиши мумкин.

Биз «Шайбонийнома» номаълум нақлининг ҳар учала нусхасини бир-бири билан солиштириб ўрганиш натижасида «Шайбонийнома» ҳам, «Футухоти хоний» ҳам бир асар деган хулосага келдик. Лекин «Шайбонийнома»нинг ўша номаълум нақли XV асрнинг 70-йиллари бошидан 1500 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Биноий уни 1503 йилга қадар ёзган. Асарнинг «Шайбонийнома» деб шуҳрат топган қисқа нақли эса 1505 йилгача бўлиб ўтган воқеалар (1505 йили Хоразмнинг кўчманчи ўзбек қўшини тарафидан истило этилиши)ни ўз ичига олади. Ўз-ўзидан кўришиб турибдики, «Шайбонийнома» (унинг қисқартирилган нақли) унинг яқинларгача маълум бўлмаган нақлидан бирмунча вақт кейин битилган. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар иккала асар бошқа-бошқа асар эмасмикан, деган фикр ҳам туғилиши мумкин. Лекин уларнинг бизнинг замонамизгача етиб келган ҳар учала нусхасини бир-бири билан синчиклаб солиштириб чиқиш асосида шундай фикрга келдик.

Хўш, «Шайбонийнома» қисқартирилган нусхасининг пайдо бўлишига нима сабаб бўлган? Асарнинг кенгайтирилган нақли, биринчидан, фақат 1500 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олади, иккинчидан эса оғир услубда ёзилган, унда ортиқча шеърӣ парчалар ҳам кўп. Маълумки, 1500 йилдан кейин ҳам Шайбонийхон давлати тарихида кўп воқеалар содир бўлди: 1505 йили Хоразм, 1506 йили Балх, 1507 йили Хуросон кўчманчи ўзбек қўшинлари томонидан истило этилди. Шубҳасиз, ўзбек хони мана шу воқеаларнинг ҳам асарда акс эттирилишини истаган, қолаверса унинг услубини ҳам соддалаштиришни муаллифдан талаб қилган. Шундан кейин асарнинг қисқача нақли пайдо бўлган, албатта.

«Шайбонийнома» тўла нақлининг тили ва услуби оғир бўлишига қарамай, унинг қисқа нақлидан афзал томонлари кўп. Унда воқеалар бир тартибда, тўла-тўқис ёритилган бўлиб, қисқа нақлдаги нусхада учрамайдиган илм-фан учун муҳим янги факт-

лар ҳам бор. Сўзимизнинг исботи учун бир неча мисол келтирамиз.

Асарнинг кенгайтирилган нақли («Футухоти хоний») 73 бобдан, қисқартирилган нақли («Шайбонийнома») эса 20 бобдан иборат.

Шайбонийхон, баъзи олимлар ўйлаганидай, бесавод, қўпол бир кўчманчи эмасди. У замонасига яраша кенг маълумотли одам, қолаверса истеъдодли шоир ҳам эди. Лекин унинг қаерда ва кимнинг қўлида таҳсил кўргани, ҳокимият тепасига келмасдан бурун унинг билан таниш-билиш бўлган олимлар ҳақида ишончли маълумотга эга эмас эдик. «Шайбонийнома»нинг кенгайтирилган нақлида бу ҳақда муҳим маълумотлар учратдик. Ана шу маълумотларга кўра, Шайбонийхон ҳокимият тепасига ҳали келмасдан бурун ҳам бир неча бор Бухорода бўлган. Биринчи марта бўлганида у Бухорои шарифда икки йил туриб, мадрасада машҳур илоҳият олими мавлоно Муҳаммад Хитонидан таълим олган, машҳур шайх ва олим хожа Муҳаммад Порсо (1419 йили вафот этган) нинг издошларидан Ҳофиз Ҳусайн Бусирий ва унинг халфаси хожа Маҳмудлар билан яқин муносабатда бўлган. Улар ҳатто мунтазам равишда бир-бирлари билан борди-келди қилишган. Бир гал Ҳофиз Ҳусайн Шайбонийхон ҳузурда бўлса, иккинчи сафар хон унинг ҳузурига ташриф буюрган. Умуман ҳар иккаларининг мажлиси уламо ва шуаронинг иштирокисиз ўтмаган.

Асарда Шайбонийхон ва кўчманчи ўзбекларнинг 1499 йили, ҳали Шайбонийхон Самарқандни олмасдан бурун, Насаф ва Кеш вилоятлари устига қилган ҳарбий юриши ҳақида келтирилган маълумот ҳам диққатга сазовордир. Бу ҳақда «Шайбонийнома»нинг қисқартирилган нақлида бор-йўғи бир неча сўз (ҳаммаси бўлиб беш сатр) айtilган, холос. «Футухоти хоний»да айтилишича, ўша йили Шайбонийхон Самарқандни ололмаган ва шундан кейин, катта ўлжани кўзлаб, Насаф билан Кеш устига юриш уюштирган. Маҳаллий халқ бундан барвақт хабар топиб, кўзга илинадиган нарсаларини тоғу тош орасига олиб бориб яширишга улгурган. Шундай бўлса-да, кўчманчи ўзбеклар Насаф билан Кешнинг теварак-атрофидаги қишлоқларни талон-торож қилиб, катта ўлжа билан Туркистонга қайтганлар.

«Шайбонийнома»нинг кенгайтирилган нақлида Самарқанддаги Мирзо Улуғбек расадхонасининг XV аср охири ва XVI аср бошларидаги, яъни Улуғбек ўлиmidан 50 йил кейинги аҳволи ҳақида ҳам қимматли маълумот учратамиз. Бу ерда айтилишича, расадхона ўша вақтда ҳам бус-бутун бўлган ва «Кўҳак тепалигида, Оби раҳмат бўйида улуғвор савлат тўкиб турган». Расадхонани Бобур ҳам Самарқандда бўлганида шу тариқада кўрган эди. Камолиддин Биноий келтирган маълумот Улуғбек расадхонаси ҳақида «Бобурнома»да айtilган гапларни тасдиқлайди. Бу эса расадхона Мирзо Улуғбекнинг фожиали ўлиmidан кейин хожа Аҳрор тарафдорлари томонидан бузиб юбо-

рилган, деган гапларнинг ғирт уйдирма эканлигини тасдиқлайди.

Хулосаи калом, «Шайбонийнома»нинг кенгайтирилган нақли катта илмий аҳамият касб этади. Шунга қарамай, асар ҳали яхши ўрганилмаган, тадқиқотчи олимлар унинг бой маълумотларидан деярли фойдаланмаптилар.

«Шайбонийнома» ҳозирга қадар нашр этилмаган. Йирик шарқшунос олим М. А. Сальенинг сўзларига қараганда, 1945 йили Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги Шарқшунослик институтида асарнинг матни ва русча таржимаси зарур изоҳлар билан нашрга тайёрлаб қўйилган. Лекин у нашр этилмай қолган ва бу муҳим илмий ишнинг тақдири бизга маълум эмас. 1960 йилларда қозоғистонлик истеъдодли шарқшунос олим С. К. Ибрагимов ҳам «Шайбонийнома»ни таржима қилиб, нашр этиш ниятида бўлди, лекин бевақт ўлим (1960 йил август ойида) уни бу имкониятдан маҳрум қилди.

Ҳозир биз асарнинг кенгайтирилган қимматли қўлёзма нусхаларига эгамиз. Энди уни ўзбек тилида чоп этиш имконияти ҳам бор. Шундай қилинганда биз Урта Осиё ва Қозоғистон тарихи бўйича қимматли манбалардан бири бўлган бу асарни кенг тадқиқотчилар қўлига топшириб, ундан кенг фойдаланишга йўл очиб берган бўлар эдик.

КЛАВИХО ВА УНИНГ «КУНДАЛИГИ»

Ўзбекистон тарихини, хусусан унинг қадимги замон ва ўрта асрлардаги тарихини ўрганишда озми-кўпми ютуғимиз бор. Лекин қилинадиган ишлар, тарихимизнинг ёзилмаган саҳифалари ҳали бир талай. Ўзбек халқининг келиб чиқиши ва этник таркиби, Урта Осиё халқларининг чет эл истилочилари асоратга тушиб қолишининг сабаблари, Мовароуннаҳр халқларининг Темур ва темурийлар давридаги ижтимоий-сиёсий ва маданий турмуши сингари ўнлаб илмий масалалар ҳанузгача ўз ечимини топгани йўқ. Даҳшатлиси шундаки, фарзандларимиз ўз эл-юртининг тарихини яхши билишмайди, чунки уни биз кўп замонлардан бери мактабда талаб қилинган даражада ўқитаётганимиз йўқ. Ҳанузгача «Ўзбекистон тарихи» дан мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртларига мўлжалланган яхши дарслик ва қўлланмалар йўқ. Яқин йилларгача биз буни шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларига тўнкаб келдик. Бу маълум даражада тўғри, албатта. Ўша даврлар етказган зарар жуда катта бўлди. Лекин маълум даражада ўзимиз ҳам айбли эканлигимизни бўйнимизга олишимиз керак. Қайта қуриш шарофати билан катта-катта ишларга қўл урсанг эплай оладиган, тарихимизнинг ёзилмай қолган ва етарли ўрганилмаган саҳифаларини битсак бўладиган замонлар келганига ҳам тўрт-беш йил бўлди. Биз эса, тўғриси айтсам, жуда ёмон ишлаётимиз, ҳамон кимдандир, нимадандир ҳадиксираш балосидан қутулиб кетганимиз йўқ, ҳамон юқоридан кўрсатма кутиб турганга ўхшаймиз.

Шундай бўлса керак, биз тарихчилар, хусусан қадимги эрамон ва ўрта асрлар тарихидан мутахассис бўлган олимлар, кейинги пайтларда одамларнинг кўп эътирозларига дучор бўлганмиз. Улар биздан «нима сабабдан ҳанузгача ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида бирон жиддий асар ёзилмади?», «юртимизнинг кўп бор ўзга мамлакатлар ва халқлар асоратига тушиб қолишининг асосий сабаби нимада?», «нега Амир Темур ва авлодининг тарихи ёзилмаган?» — деб сўрайдилар. Ва яна ота-боболардан қолган қўлёзма асарлар ва моддий-маданий ёдгорликларни ўрганиш, таъмирлаш ва авайлаб-асрашнинг умумий аҳволи, мактабларда, ўрта ва олий ўқув юртларида Ўзбекистон халқлари тарихининг ўқитилиши билан боғлиқ бўлган масалалар хусусида қизиқишадилар. Ҳа, бу — қонуний талаб ва қизиқиш, албатта. Биз тарихчиларнинг бу борада халқимиздан қарзимиз катта. Менимча, уни узадиган вақт етди, шекилли.

Машҳур сайёҳ ва элчи Руи Гонсалес де Клавихонинг «Кундалик»лари, азиз ўқувчи, биз тарихчилар ва адиблар сизга етказиб беришимиз лозим бўлган қарз китоблардан бири. Бу китоб Темур ва теурийлар даври тарихидан баҳо юргизувчи муҳим асарлардан бири ҳисобланади. Китоб 1404 йили Самарқандда Темур саройида турган Кастилия (Испания) қироли Генрих III (1390—1406) нинг элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг йўл хотираларидан иборат, яъни унинг 1403—1404 йиллари Туркия, Эрон ва Мовароуннаҳрда, хусусан Амир Темур саройида кўрган-билганларини ўз ичига олган муҳим бир асардир.

«Кундалик» муаллифи Руи Гонсалес де Клавихо бадавлат ва нуфузли оқсуяк оиладан чиққан. Отаси ҳам, ўзи ҳам қирол саройида йирик мансабда туришган. У қирол Генрих III нинг вафотидан (1406) кейин она шаҳри Мадридга кетиб қолади ва умрининг охиригача ўша ерда истиқомат қилади. Руи Гонсалес де Клавихо 1412 йилда вафот этади ва авлиё Франциско черковидаги ота-боболарининг хилхонасига дафн этилади.

Клавихонинг Амир Темур юртига қилган элчилик саёҳати 1403 йилнинг 22 майида бошланиб, ўн беш ой деганда у Самарқандга етиб келди. Бу саёҳатда Клавихога илоҳиёт илмининг номзоди (магистри) Альфонсо Паэс де Санта Мария, қиролнинг махсус соқчиси Гомес де Салазар ҳамроҳ бўлдилар. Клавихонинг сафари Амир Темурнинг 1402 йилда Испанияга хожа Муҳаммад қози бошчилигида йўллаган элчилигига жавобан қилинган эди. Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, XIV асрнинг 80—90-йилларида Темур давлатининг шон-шухрати Оврўпо мамлакатларигача бориб етди. Англия, Франция, Испания, Генуя ва Византия сингари давлатларнинг ҳукмдорлари Амир Темур билан сиёсий ва иқтисодий (савдо) муносабатлар ўрнатишга интилиб, улуғ жаҳонгир ҳузурига мунтазам равишда ўз элчиларини юбориб турдилар. Масалан, юқорида тилга олинган Кастилия қироли Генрих III нинг элчиси дон Пелагия де Сатоматир ва дон Фердинанд де Паласуелос 1402 йили Темур Қорабўда турганда унинг ҳузурига келишган

ва ўша йилнинг 20 июлида Амир Темур билан Боязид I Йилдириш (1389—1402) қўшинлари ўртасида бўлган энг катта қирғин-барот урушни томоша қилишган эдилар. Жангдан кейин уюштирилган катта қабул маросимида булардан бошқа яна бирталай мамлакатларнинг элчилари ҳам қатнашдилар. Хуллас, ўша йиллари Темур билан Оврўпо давлатлари ўртасидаги савдо ва сиёсий муносабатлар қандай бўлганлигини жуда кўп расмий ҳужжатлардан ҳам билиб олиш мумкин. Булар Темур ва унинг учинчи ўгли Фарбий Эрон, Ироқ ва Озарбайжон ҳокими мирзо Мироншоҳ (1393—1408) билан Франция, Англия ва бошқа мамлакатлар подшоҳлари ўртасидаги мактублардир. Мактублардан айримлари бугун машҳур Британия музейи (Англия) ва Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда.

Клавихонинг Амир Темур ҳузурига қилган элчилик саёҳати жуда узоқ, хавф-хатар ва машаққатлар билан тўла сафар бўлди. Клавихо ва унинг ҳамроҳлари Испаниянинг жануби-шарқий тарафида жойлашган Қадис шаҳридан елканли кемада Ўрта ер денгизи бўйлаб суздилар, сўнгра Стамбул, Трабзон, Арзирум, Табриз, Теҳрон, Машҳад, Марв ва Балх орқали қуруқликда йўл босдилар. Улар Термиз қаршисида Амударёдан ўтиб, Кеш орқали 1404 йилнинг 31 августида Самарқанд қишлоқларидан Мисрга келдилар ва соҳибқироннинг шу атрофдаги чорбоғига келиб тушдилар. Шуни ҳам айтиш керакки, ўшанда Клавихо билан бирга Бобил (Миср) ва Туркия султонининг элчилари ҳам Самарқандга келдилар.

«Кундалик»да ўша вақтларда Амир Темур қўл остидаги мамлакатлар ва шаҳарларнинг умумий аҳволи, халқининг кун кечирishi, Темур ва унинг яқинлари ташаббуси билан барпо этилган бинолар: қасрлар, масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, савдо расталари, дўконлар, устахоналар; Теурийлар давлатининг Хитой, Ҳиндистон, Олтин Ўрда (Клавихо уни Татаристон деб атайди), Мўғулистон ва бошқа мамлакатлар билан бўлган сиёсий ва савдо алоқалари, Темур саройида амалда бўлган тартиб-қоидалар ва, ниҳоят, соҳибқироннинг хотинлари ва уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳақида эътиборга молик маълумотлар келтирилган. Бу маълумотлар, шубҳасиз, Туркистон заминининг ўша вақтлардаги ижтимоий-сиёсий тарихини, ота-боболаримизнинг турмуш тарзини ўрганишда муҳим тарихий манбалардан бири ролини ўташи турган гап. Сўзимнинг исботи учун бир неча мисол келтираман.

Самарқанд ва унда Амир Темур тарафидан қурдирилган бинолардан баъзилари ҳақида Клавихо жумладан мана буларни ёзади:

Самарқанднинг бойлиги ҳақида. «Бу юрт дон-дун, май, мева-чева, парранда гўшти, [бошқа] ҳар хил гўшт, қўйингки ҳамма нарсага бойдир... бир жуфт семиз қўйнинг нархи 1 дукат»¹.

¹ Дукат — Испанияда ўша вақтда амалда бўлган олтин пул.

Катта ҳисбон ва савдо расталари ҳақида. «Самарқанд шаҳрида ҳар йили Хитой, Ҳиндистон, Татаристон ва бошқа мамлакатлардан, шунингдек, бениҳоят бой Самарқанд салтанатининг ўзидан келтирилган моллар сотилади. Шаҳарга келтирилган молларни бир сафда тартиб билан жойлаштириб сотадиган кенг жой [шу пайтгача] йўқ эди. Подшоҳ икки тарафида қатор дўконлар жойлаштирилган савдо растасидан иборат кўча ўтказишни буюрди. Мазкур кўча шаҳарнинг бир чеккасидан бошланиб, қоқ ўртасидан ўтиб, иккинчи чеккасидан чиқиши лозим эди. Подшоҳ бу ишни икки мирзосига топшириб, улар кечаю кундуз [тинмай] меҳнат қилдилар. Йўлга тушган уйлар кимники бўлишидан қатъи назар, бетўхтов бузилди... Кўчанинг икки тарафида дўконлар қурилди, ҳар бир дўкон олдида мрамар билан қопланган юксак курсилар ўрнатилди. Ҳар бир дўкон иккита хонадан иборат эди. Кўчанинг тепаси гумбаз шаклида ёпилган бўлиб, ёруғлик тушиб турадиган туйнукчалар қўйилган».

«Шу йили (1404 йили — Б. А.) июнь ойида Хонбалиқ¹ шаҳридан қарийб 800 туядан ташкил топган савдо карвони Самарқандга келди».

Ўрдабозор². [Катта тўй³ муносабати билан подшоҳ] «Самарқанд шаҳрининг савдо аҳли: саррофлар, читфурушлар, жавоҳир ва бошқа турли-туман моллар билан савдо қилувчилар, ошпазлар, қассоблар, новвойлар, тикувчилар, кафшдўзлар ва шаҳардаги бошқа барча ҳунармандлар подшоҳ ўрдаси жойлашган ялангликка чиқиб ва чодир тикиб савдо қилсинлар, ҳар бир косиб қароргоҳ бўйлаб кезиб, ўйин-кулги билан одамларнинг баҳр-дилини очсин», — деб буюрди. Шундан кейин барча тижорат аҳли шаҳардан чиқиб, подшоҳ қароргоҳи атрофида жойлашдилар. Ҳар бир ҳунарманд тартиб билан алоҳида-алоҳида раста қосил қилиб, ҳарбий ўйин-кулги уюштириб, қароргоҳ бўйлаб айландилар».

Кўксарой қасри ва ундаги подшоҳга тегишли қурол ишлаб чиқарувчи устахона ҳақида. «Шаҳар четида бир қаср бўлиб... теварак-атрофи сув оқиб турган хандақ билан ўралган бўлиб, қаср йўлаб бўлмайдиган истеҳком бўлиб қолган эди. Қасрда подшоҳнинг хазинаси сақланар, бу сабаб қозию қуззот (қозикалон — Б. А.) ва унинг мулозимларидан бошқа ҳеч ким [у ерга] киролмас эди. Бу ерга подшоҳнинг фармойишига биноан, бир мингга яқин ҳунарманд асирлар жойлаштирилганди. Улар салтанат учун йил бўйи совут, дубулға, камон, найза ясайдилар».

Амир Темурнинг ўзи билан бирга олиб юрадиган кўчма масжиди ҳақида. «Элчиларни... саропардада⁴ қўйилган ёғоч уй ол-

¹ Хонбалиқ — Хитойнинг ўша замондаги пойтахти; ҳозирги Пекин шаҳри атрофида бўлган.

² Ўрдабозор — подшоҳнинг муваққат ўрдаси атрофида уюштирилган бозор.

³ Амир Темурнинг 1404 йил 9 октябрда Қонигилда невараларини уйлантириш муносабати билан қилган тўйи.

⁴ Саропарда — чодирнинг катта, подшоҳ турадиган қиёми.

дига бошлаб кирдилар. Бу баланд иморатга зинавоя орқали чиқилади. Унинг теварак-атрофи ёғоч даҳлиз ва ойнабанд айвон билан ўралган эди. Тамом зарҳал ва ҳаворанг бўёқлар билан нақшланган бу бино шундай қурилган эдики, керак бўлганда бўлак-бўлак қилиб тахлаб қўйилса [ҳам] бўларди. Бу — подшо ибодат қиладиган масжид бўлиб, уни [Амир Темур] сафарда ўзи билан бирга олиб юрарди».

Маҳаллий халқнинг (уни Клавихо чигатойлар деб атайди) турмуш тарзи ҳақида. «У — меҳнатсевар, моҳир чавандоз, камон отувчи мерган, умуман урушда сабот-матонатли халқ. У борида қаноат қилиб, нонсиз [биргина] сут ва гўшт билан ҳам кун кечираверадиган, гўштли ва гўштсиз овқат билан ҳам тирикчилик қилишга ўрганган халқ. Иссиқ ва совуққа, очлик ва ташналикка чидамликда жаҳондаги бошқа элдан саботлироқ ва чидамлироқ халқ. Борида гўшти ҳаддан ортиқ истеъмол қиладди, йўғида сувга қаттиқ қўшиб қайнатиб ичиш билан кифояланади».

Феодал мажбуриятлардан бири ҳақида. «Темурбек отлари ва қўйларини ўз ясовулларидан бирига бир минг, бошқасига ўн минг бошини сурув қилиб, сақлаш учун бўлиб берган. Подшоҳ талаб қилганда сурувларни қайтаролмаган ёки туёғини мўлжалдагидан камайтириб қайтаргундай бўлса, подшоҳ ҳеч қандай товон тўлаш шартларига кўнмайди, борини олади-ю, лекин гуноҳкорни қатлга буюради».

Амир Темур саройида аёлларнинг мавқеи ҳақида. «1404 йилнинг 23 октябрида, пайшанба кунин подшоҳ ўрдада [яна бир] катта тўй бериб, элчиларни ҳам [унга] таклиф қилди. Тўйга кўп меҳмонлар келишди... Кўп ўйин-кулги, хурсандчилик бўлди. Подшоҳнинг хотинлари, аввалги тўйлардаги сингари кийинишиб ҳозир бўлдилар, эркаклар билан бирга ўйин-кулги қилдилар...»

Шаҳзодалар ва Амир Темур саройидаги хотинлар тасвири. Хонзода бегим¹ тасвири: «...Элчиларни ичкарига бошлаб кирдилар, Хонзода [бегим] ўлтирган жойга яқинлашганимизда у элчиларни ўз қаршисидagi соябон остидаги супага чиқиб ўлтиришга таклиф этди. Хонзода [бегим] ва унинг ҳузуридagi аёллар катта чодир эшиги олдидаги соябон остида ўлтирдилар... У (Хонзода бегим — Б. А.) бугун қариндошларидан бирининг никоҳ тўйини ўтказаетган эди. Бегим кўринишда қирқ ёшлар чамасидаги тўладан келган, оқ юзли аёл эди».

Сароймулкхоним тасвири: «Барча халқ ўринларига ўлтириб, саранжомлик ўрнатилгандан кейин тўйда, подшоҳ ҳузурда бўлиши лозим бўлган катта Канъо² чодирлар ёнидаги саропарда-

¹ Хонзода бегим — Жўчи наслидан бўлган Хоразм ҳукмдорларидан бирининг қизи, Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг набираси. Асл исми — Севинч бека. Аввал Амир Темурнинг тўнғич ўғли Жаҳонгирнинг хотини бўлган. Унинг вафотидан кейин соҳибқироннинг учинчи ўғли Мироншоҳга узатилган.

² Канъо (Канъон) — маҳд улё, яъни подшоҳнинг катта хотини дегани; Сароймулкхонимга берилган нисбат. Сароймулкхоним Чигатой наслидан бўлган Қозонхоннинг қизи; Мирзо Шоҳруҳнинг онаси.

ларнинг биридан чиқиб келди. Хоним мана бундай кийинган эди: эгинда зар билан тикилган, этаги ергача судралиб турган узун ва кенг енгисиз қизил шойи кўйлақ. Еқа ва икки енг ўрмидан бўлак очиқ жойи бўлмаган бу кўйлақ белидан торайтирилган, этагига қадар кенгайиб боради... Кўйлақ этагини ўн бешта яқин аёл кўтариб борарди. Хонимнинг юзига офтобдан сақла-нинг учун шу қадар кўп оқ ёғли упа сурилган эдики, чеҳраси бамисоли оқ қоғозга ўхшарди. Қишда ва ёзда сафарга чиққан барча асилзода аёллар юзларига шунақа ёғли упа суртадилар. Хонимнинг юзига юпқа оқ мато ташланган, бошида фақат жанг-да кийиладиган дубулғага ўхшаш баданг, қизил тусдаги бош кийими. Унинг бир учи хонимнинг елкасига тушиб турибди. Уша қизил дубулғага жуда кўп йирик, дона-дона марваридлар, ёқут, фируза ва бошқа хилма-хил [қимматбаҳо] тошлар қадалган. Бош кийимнинг ҳалиги елкага тушиб турган қисми зар билан тикилган, [унга] қимматбаҳо тошлар ва йирик марваридлар билан безатилган чиройли олтин баргак қадалган... Хонимнинг тим қора сочлари елкасига тушиб турарди...

Халил султон тасвири: «Халил султон отасига ўхшаш миқти гавдали, оқ юзли, 22 га кирган (1404 йил — Б. А.) йилит эди».

«Кундалик»да шунга ўхшаш қизқарли маълумотлар жуда кўп.

Клавихонинг «Кундалиги» да айрим ноаниқликлар, хато ва камчиликлар ҳам учрайди. Улардан баъзиларини келтирамиз.

«Айтишларича,— деб ёзади Клавихо,— Темурбек ўзининг тўрт-беш хизматкори билан қўшни хонадонларнинг бир куни қўйини, иккинчи куни сигирини тортиб ола бошлайди... Баъзан базмга берилиб кетиб ўғирланган қўйлар билан уларни меҳмон қиларди. Баъзан жасурлиги, олижаноблиги тутиб кетиб, бор нарсасини ўз одамларига сидқидилдан бўлиб берганлиги туфайли, унинг атрофига кўп одамлар туплана бошлайди. Охири унинг отлиқлари 300 га етади. Шундан кейин у ўз отлиқлари билан узоқларга бориб ўзи ва одамларига керак бўлган нарсаларни талаш ва ўғирлаш билан машғул бўлди; йўлларга чиқиб савдогарларни ҳам талай бошлади». Лекин соҳибқироннинг ҳаётига бағишланган биронта тарихий асарда унинг ўғри ва йўлтўсар бўлганлиги ҳақида маълумот учратмадик. Бу ҳақда ҳозирги айрим китобларда учраб турадиган бундай гаплар афтидан Клавихонинг кимдандир эшитган мана шу ярим афсона гапларига асосланганга ўхшайди.

«Кундалик»да Чигатойнинг ўлими ва Халил султоннинг Амир Темур вафот қилган кунлардаги аҳволи ҳақида айтилган гаплар ҳам ҳақиқатдан йироқдир. Хусусан, Клавихонинг айтишича, Чигатойни Самарқанд халқи ўлдирган эмиш, Халил султон бўлса, Темур вафот қилган кунлари Самарқандда бўлган эмиш. Аслида бундай эмас. Чигатой ўз ўрдасида, Ила дарёси бўйида 1242 йили вафот қилган, Халил Султон эса Темур вафот этган куни Тошкентда бўлган.

Клавихо Амир Темур 1404 йилнинг 4 сентябрь куни Тўхта-мишнинг элчисини ўз юртига жўнатиш билан банд бўлганлиги-ни ёзади. Маълумки, Тўхтамиш бу вақтда йўқ эди, Самарқанд-га, Темур ҳузурига эса унинг ўғилларидан Чехра ўғлон кел-ганди.

Асарда учрайдиган яна бир камчилик — бу киши ва жой номларининг ёзилишидаги чалкашликлардир. Албатта, бошқа миллат кишиси учун маҳаллий атамалар ва сўзларни тўғри та-лаффуз қилиш жуда қийин. «Кундалик»да тилга олинган Ами-рат — Мурод, Қарийл султан — Халил султон, Қирманоли — Мануил Палеолог, Қарамииш — Тўхтамиш, Миаша мирасса — Мироншоҳ мирзо, Ангури — Ангора, Балдат — Бағдод, Баубер-тель — Бовард, Қанбалек — Хонбалиқ, Қаррас — Аракс, Орасан — Хуросон эканлигини англаш мумкин. Лекин улар орасида Бу-мо, Талисия, Жагаро каби атамалар ҳам бөрки, уларни асло аниқлаб бўлмайди.

Энди бир неча сўз «Кундалик»нинг чоп этилиши ва таржима-лари ҳақида. Асар биринчи марта 1582 йили, яъни ёзиб тамом-лангандан 150 йил кейин Испаниянинг Севилья шаҳрида «Буюк Темурнинг ҳаёти ва фаолияти» номи билан чоп этилди. Орадан 200 йил кечгач, 1782 йили у Мадридда шу номда иккинчи мар-та нашр этилди. «Кундалик» испан тилида учинчи марта 1949 йили Мадридда Лопес Эстрада тарафидан нашр этилди. Асар рус тилида биринчи марта (таржимон И. И. Срезневский) 1881 йили Петербургда чоп этилган. Яқинда (1990) «Кундалик» нинг яна битта русча нашри (И. С. Миракова нашри) амалга оши-рилди. Таниқли адабиётшунос олим профессор Очил Тоғаевнинг ўзбекча нашри И. И. Срезневский нашрига асосланган ва та-лаб даражасида амалга оширилган.

«МАНОҚИБ»ЛАР — МУҲИМ ТАРИХИЙ МАНБА

Урта Осиё ва Эроннинг таниқли тарихчиларидан П. П. Ива-нов ва И. П. Петрушевскийлар ўз вақтида феодал жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихини ўрганишда маноқиб (шайхлар ва авлиёларнинг яхши хислатлари таърифи) ларнинг илм-фан учун катта аҳамиятга эгаллигини таъкидлаган эдилар. Шунга қарамай, Шарқ халқлари тарихи билан шуғулланувчи олимлар ўз илмий изланишларида йирик руҳонийларнинг мано-қибларини диний китоб ва фақат увайсия, суҳравардия, яссавия, нақшбандия тариқати намояндаларининг ҳаёти тафсилотидан иборат деб қараб, маноқиблардек муҳим тарихий манбада кам фойдаланиб келмоқдалар. Бироқ, уларни ҳар томонлама ўрга-ниш, машҳур рус шарқшуноси П. П. Иванов таъкидлаганидек, маноқибларнинг «шайхларнинг оилавий тарихидангина иборат эмас» лигини кўрсатди. Бундай асарларда бошқа манбаларда учрамайдиган, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маъ-навий ҳаётига доир қимматли маълумот ва ҳатто ҳужжатларни ҳам учратиш мумкин.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай маноқиблар бизнинг давримизга кўп миқдорда етиб келган ва уларни барча қўлёзма хазиналаридан топиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланаётган маноқиблардан Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг (вафоти 1179 йил) «Маноқибби хожа Юсуф Ҳамадоний», муаллифи номаълум «Зикр-и воқеоти хожа-и жаҳон Абдулхолиқ Ғиждувоний», Муҳаммад ибн Низом ал-Хоразмий (XIV аср) нинг «Маноқибби хожа Али Азизони Ромитаний», Шаҳобуддин ибн Ҳамзанинг (XIV аср) «Маноқибби Амир Кулол», Абдул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али Боқир (XIV аср) нинг «Мақомоти Баҳоуддин Нақшбанд», шунингдек, хожа Муҳаммад Порсо номи билан машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Бухорий (1419 йилда вафот этган), Муҳаммад Абдул Али Сармоний ва Али ибн Ҳусайн ал-Воиз Кошифийлар (1532 йилда вафот этган) нинг нақшбандийларнинг кўзга кўринган намоёндаларидан хожа Алоуддин Аттор (вафоти 1400 йил), Хожа Зайниддин (вафоти 1456 йил) ва машҳур хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404—1490) ларга бағишланган асарлари шулар жумласидандир. Бундай асарларнинг XVI асрга доирлари кўпроқ: Махдуми Аъзам (1462—1542) нинг набираси хожа Абул Бақо таълиф этган «Жомеъ ул-мақомоти Махдуми Аъзам Қосоний», Муҳаммад Раҳимнинг «Сирож ус-солиҳин ва латойиф ул-орифин», Дўст Муҳаммад Бухорийнинг «Жўйбор ул-асрор», Ҳусайн ибн Мир Ҳусайн Сарахсийнинг «Саъдиййа» ёхуд «Маноқибби Саъд», Муҳаммад Толиб ибн Тождиддин Ҳасан Сиддиқийнинг «Матлаб ут-толибин», «Мақомоти ҳазрати хожа Қалонхожа», Бадриддин ибн Абдуссалом Қашмирийнинг «Равзат ар-ризвон ва ҳадиқат ул-илмон» асарлари шулар жумласидандир. XVI—XIX асрларга доир асарлар ҳам кўп. Шулардан Муҳаммад Ҳошимнинг «Насимат ул-қудс», Муҳаммад Авазинг «Зиё ул-қулуб», хожа Ҳошим Кешийнинг «Зубдат ул-мақомот», Муҳаммад Ҳошим ибн Муҳаммад Қосимнинг «Насойим ул-қудс мин ҳадоийқ ул-унс», Сайид Зинда Али ал-Муфтий ибн хожа Мир Ҳусайн Бухорийнинг «Самарот ул-машойих», Аҳмад Қашмирийнинг «Шажарайи табақоти машойих», Муҳаммад Аъзамнинг «Ашжор ул-хулдс», Муҳаммад Тоҳир ибн Муҳаммад Таййиб Хоразмийнинг «Силсилаи хожағони нақшбандия», Муҳаммад Қосим ибн Ҳасан ал-Балхийнинг «Маноқибби Исломи шайх», халифа Абдулазиз Намангонийнинг «Тазкирайи ҳазрати Мажзуб Намангоний», Ибодулла ибн Султон Али Балхийнинг «Силсилаи олияйи ҳазрати хожағони нақшбандия», Муҳаммад Содик Кошғарийнинг «Дурр ул-мазҳар», қози Жумақули Ургутийнинг «Тарихи Хумулий» асарларини келтириш kifоя.

Ўз-ўзидан равшанки, мусулмон дунёсининг зикр этилган азиз авлиёлари маноқибларини бир мақолада тавсифлаш, таъ-

лил этиш имкон доирасида эмасдир. Уларни алоҳида, махсус тадқиқ этмоқ лозим.

Шунинг учун биз тарихчилар эътиборини манбаларнинг ана шу турига тортмоқ ниятида уларнинг баъзилари, яъни «Мақомоти хожа Аҳрор», «Рашаҳот айн ул-ҳаёт», «Жомеъ ул-мақомоти Махдуми Аъзам», «Равзат ар-ризвон» ва «Насойим ул-қудс» асарларига қисқа тарзда тўхтаб ўтиш билан kifояланамиз.

«Мақомоти хожа Аҳрор». Бу асар 92 варақдан иборат бўлиб, хожа Абдулҳақнинг қаламига мансуб (XVI аср). Муаллиф хожа Аҳрорнинг набираси бўлиб, нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, йирик ер ва мулк эгаси хожа Убайдулла Аҳрорнинг ҳаёт йўли ва фаолиятига доир ибратли ҳикоятларни ўз ичига олган бир муҳим асар таълиф этган.

Муаллиф хожанинг Шероз қасабасидаги мулкининг мутаваллиси бўлиб, мазкур асарини шахсий кузатишлар, хусусан бобосининг мулозимлари ва саҳобалари, шунингдек, темурийзодалар ва беклардан Умаршайх (1453—1494), Султон Аҳмад (1469—1494), Мирза Абдулла (1450—1451), Мирзақули, хожа Али, ва ниҳоят, хожа Аҳрорнинг ўз нақллари асосида яратган.

Мазкур асарда Мовароуннаҳр, Қозоғистон ва Мўғулистоннинг XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир кўплаб қизиқарли маълумотлар мавжуд.

Ижтимоий-иқтисодий характердаги маълумотлар жумласига барот (бирор мулкдан ўз фойдасига солиқ йиғиб олиш ҳуқуқи берилган ҳужжат), хожа Аҳрорнинг Самарқанддаги қоғоз корхонаси, унинг саркори, тамға, 1453 йилда Самарқандда юз берган ёнги тафсилотларини қўйиш мумкин.

Асардан бир неча парчалар келтирамиз:

Мирзо Абдулланинг мирзо Султон Абу Саидга қарши 1450 йилда Туркистон устига қилган юришида ҳамроҳ бўлган хожанинг мулозими Дарвеш Саққо шундай ҳикоя қилади: «Фарқир ҳазрати хожа мулозаматида юрганамда менга мирохурлик лавозими берилди. Ушанда мирзо Абдулланинг лашкари Тошканднинг Футрук мавзенида турарди. Бир киши менга барот кўрсатиб, «ҳазратнинг мулозимлари бир оз ғалла тўплаб берсин», — деб талаб қилди. Ҳазрати хожа ҳарамларида эдилар. У норозилик тазҳор этди. Мен яна [ўша одамга] эшоннинг ичкарида эканликларини таъкидладим. Шунга қарамай у елкамга бир неча қамчи туширди. Шу аснода ичкаридан эшоқ чиқиб қолдилар ва дарғазаб бўлиб: «Нима гап?» деб сўрадилар. Мен унинг барот келтирганини айтдим. Эшон бир миқдор ғалла йиғиб, унга топширишни буюрдилар».

«Қоғоз корхонасидаги ҳазрати эшоннинг барча саркорларига бош бўлган қоғозгар мулла Имомиддин ўзига мулла Муҳаммаднинг шерик этиб тайинланганини айтган эди».

«Қарши вилояти Амир тархонга берилганда у [ўша вилоятга] Шерали деган мулозимини жўнатди. Ушанда ҳазратнинг у ерлардаги ерларига (мавозеъ) мавлоно Сайфулла бошлиқ этиб

тайинланган эди. Бир пайт Шерали арзимас бир гуноҳи учун мавлоно Сайфуллани таҳқирлади. Бунинг хабари ҳазрати эшонга етиб, дарғазаб бўлдилар. Шерали ўша заҳоти қаттиқ касалга чалиниб, икки-уч-кун ичида ўлди».

«Ҳазрати эшон фарзандлари хожа Яҳё билан бирга мирзо Султон Абу Саид мулозаматиغا Марвга қелганларида¹ мирза эшоннинг илтимосига кўра Мовароуннаҳрнинг тамгадан келадиган бир йиллик даромадини унга инъом этди. Самарқанд ҳокими мулла Жони бунни эшитиб жаҳл билан ҳазрати эшоннинг шаънига бўлмағур сўзлар айтди. Бу гапларнинг айримлари эшоннинг муборак қулоқларига эшитилгач [койиниб қолдилар ва] бир неча кун ичида амир Жони ажиб бир касалга мубтало бўлди»...

«Ҳижрий 950 (1543) йилда бир кеча Самарқандда ёнғин чиқди. Ҳазрати эшон масжиди теварагида жойлашган бозори атторон, бозори саррофон, бозори қоғозфурушон, бозори саҳҳофон, базозон, бозори тўқимдўзон тамоман ёниб кул бўлди. Бозордан сал баландроқда жойлашган мирзо хонақоҳи ҳам ёнди. Хуллас, масжиднинг учала тарафидаги бозорларнинг ҳаммаси ёниб битди».

Мазкур асарда учрайдиган мушриф, саркор, мухтасиб, кўкалтош, имом, мударрис, муаззин сингари мансаб-лавозимларга доир маълумотлар ҳам фан учун қимматлидир.

Темурийлар ўртасидаги тахт талашилар ҳақидаги тафсилотлар, хусусан, 1469 йили Султон Абу Саид вафотидан кейин Умаршайх, Султон Аҳмад билан Султон Маҳмуд, Бойсунқур билан Султон Али ўртасидаги XVI аср бошларигача давом этган курашлар; XV асрнинг 80—90-йиллари Мовароуннаҳрда кечган воқеалар шарҳи ўта муҳимдир. «Мақомоти хожа Аҳрор»да Хондамирнинг маълумотларидан фарқ қиладиган тафсилотлар мавжуд. Умаршайх ташаббуси туфайли у билан Султон Аҳмад ўртасида Шохруҳияда тузилган сулҳ; Фарак (Чирчиқ) дарёсини кечиб ўтишда Султон Аҳмад қўшини кўрган талафотлар; Султон Маҳмуд мирзо томонидан Самарқанд муҳосараси, Султон Аҳмад амирлари ўртасидаги адоват ва уларнинг Султон Маҳмудни Ҳисордан чорлашлари воқеаси: Юнусхон² ва Умаршайхнинг Самарқандни қамал қилиши; Бойсунқур билан Султон Али ўртасида Самарқанд тахти устида бўлган талашилар (Бойсунқурнинг Кўксаройни ташлаб чиқиб кетиш тафсилоти) шулар жумласидандир.

Мисол тариқасида кейинги воқеадан баҳс этувчи парчани келтирамиз:

«Мирзо Бойсунқур ибн мирзо Султон Маҳмуд отаси вафотидан кейин Самарқанд тахтига ўтқазилди. Унинг мирзо Султон Али деган иниси бор эди. Ушанда у Самарқанд мулкига тобе

бўлмиш Уратепа вилоятида эди. Дарвеш Муҳаммад тархон ва Султон Аҳмадга қарашли бошқа амирлар ҳамда Бойсунқур ҳузурисидаги Ҳисор амирларидан Мир Шайх Абдулла барлос сингарилар Бойсунқурдан юз ўгириб, унга қаршӣ бош кўтардилар. Улар ҳар иккала мирзони қўлга олиб, Султон Алини тахтга ўтқаздилар. Бойсунқурни соқчи билан Самарқанд аркидаги Кўксаройга жўнатдилар. Мирзо Бойсунқур хожа Қалон (хожа Аҳрорнинг тўнғич ўғли хожа Муҳаммад Абдулла: шайбонийлар ҳужуми пайтида 1503 йилда Андижонда вафот этган) нинг муриди эди, унга ёрдам сўраб, мурожаат қилди. Бойсунқурнинг банд этилганини эшитиб, хожа Қалон даҳшатга тушди ва уни қутқазиб чораларини кўрди. Ўз муҳибларидан саййид Мазқар қори Хоразмий авлодидан бўлган саййидзода Бозорга: «Уйингизга бир меҳмон келади, ҳозир бўлиб туринг», — деди. Бу ҳақда Бойсунқурга ҳам хабар берилди. Соқчини пойлаб юриб, мирзонинг қаердан чиқиб кета олиши мумкин бўлган жойни ҳам белгиладилар. Мирзо ҳали ёш эди. Аркнинг қалъа деворидан осонгина ошиб ўтиб, мулозим билан шаҳар девори ёнигача борди. Ундан ҳам ўтиб, ўша кечаси шу кунларда хожа маҳалла деб юритиладиган Хожа кафшир маҳалласига етиб борди. Хожа Қалон билан ҳалиги саййидзоданинг ҳовлилари шу ерда эди. Саййидзода дарҳол эшонга хабар қилди. Эшон етиб келиб, мирзо билан кўришдилар, унга далда бериб, саййидзодага: «Мирзони олиб, ҳеч ким хабар топмасдан туриб, Балхга жўнанг», — дедилар. Тонг отиши билан мирзонинг йўқолганидан ҳамма ваҳимага тушди. Ҳеч ким унинг тирик эканлигига бовар қилмас эди. Унинг қочиб қутулгани ва қаерда эканлигини билгунга қадар ҳамма мирзони ўлдирилган деб гумон қилиб юрди. Эртаси кун миризо Бойсунқурнинг тирик ва хожа Қалон хонадонидан эканлигидан хабар топдилар. Барча амирлар ва ақобирлардан Аҳмад Ҳожибек, хожа Абдулмакорим ўша маҳаллага, хожа хонадонига ошиқдилар ва мирзо билан кўришдилар. Каттаю кичик, бою камбағал барча раият тўпланиб келиб, мирзони олиб шаҳарга қараб йўналдилар. Издиҳом ва ғала-ғовур бошланди. Мирзо Султон Али ва шаҳардаги амирлар: амир Дарвеш Муҳаммад тархон ва бошқалар аркка қамаб қўйилди. Иккинчи кун арк қўлга олинди. Султон Алига қарашли баъзи амирлар қочиб қутулдилар. Амир Дарвеш Муҳаммад тархон ва мирзо Султон Алини тутиб олишди. Амир Дарвеш Муҳаммад тархон ўлдирилди; мирзо султон Алининг бошига мирзо Бойсунқурнинг кунни тушди. Алқисса, унинг кўзига мил тортишга ҳукм қилинди. Аммо, ҳазрати кичик хожа — Муҳаммад Яҳё унга хайрихоҳ эдилар ва мирзонинг кўзи омон қолди. Учунчи кечаси у эшоннинг хонадонига қочиб ўтди ва у ердан Бухорога кетди»...

Асарда жўғрофий маълумотлар, айниқса Инжакент (Тошкентга қарашли Паркат қишлоқларидан), Хожакент (Тошкентга қарашли қишлоқлардан), Жиззахнинг чўл ноҳиясидаги Синон, Самарқанддаги Ҳасолон маҳалласи, Қаршининг Саджаҳон мавзеи тўғрисида қимматли маълумотлар мавжуд.

¹ Воқеа 1469 йилда содир бўлган.

² Мўғулистон хони (1462—1487). Султон Аҳмад мирзо ва Умаршайх миризоларнинг қайнотаси.

«Рашахот айн ул-хаёт» («Хаёт чашмасидан томчилар»). Бунда юқориди помлари тилга олинган хожа Убайдулла Аҳрори валиининг ҳаётидан баҳс этилади. Асар Фахриддин Али ибн ал-Хусайн Воиз ал-Қошифий (1463—1533) томонидан 1503—1504 йили таълиф этилган.

Бу асар ҳам муаллифнинг шахсий кузатишлари ва хожа Аҳрорга яқин кишиларнинг эсдаликларига асосланиб ёзилган. Езма манбалардан «Мақомоти саййид Амир Кулол», «Мақомоти ҳазрати хожа Баҳоуддин нақшбанд», «Силсилаи хожагон», Абдурахмон Жомий (1414—1492) нинг «Нафахот ул-унс», Муҳаммад Қози (1515 йилда вафот этган) нинг «Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин», хожа Аҳрорнинг куёви Мин Абдулаввалнинг (1503 йил 28 майда хожа Муҳаммад Яҳё ўлдирилгандан 40 кун ўтгач вафот этган) «Масмуъот» («Эшитилган нарсалар») асарларидан истифода этилган.

«Рашахот»нинг 1444—1500 йилларда Мовароуннаҳрда бўлган сиёсий воқеаларга доир маълумотлари бениҳоят қимматлидир. Айниқса, мирзо Абдулла, Султон Абу Саид, Абулқосим Бобур, Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд, Умаршайх сингари теурийзодалар ўртасидаги Самарқанд тахти учун борган кураш ҳақидаги тафсилотлар муҳимдир.

Тарихий китобларда, айниқса, бадий асарларда, мирзо Улуғбек билан хожа Аҳрор ўртасидаги қандайдир келишмовчилик ва хожанинг Улуғбек мирзони ўлдиришда қўли борлиги ҳақида фикр айтилган. Лекин бу фикр аслида ҳақиқатга эрдир. Замондошларнинг гувоҳлик беришича, аслида хожа Убайдулла Аҳрори валий Самарқандга мирзо Улуғбек ўлдирилгандан кейин, яъни мирзо Абдулла ибн мирзо Иброҳим (1450—1451) нинг қисқа ҳукмронлиги даврида келган. Хожа Аҳрорнинг Тошкентдан Самарқандга кўчиб келиши кейинроқ, Султон Аҳмад замоннда юз берган. Хожа Аҳрорнинг ҳаёт йўли ҳақида ёзган муаллифлар унинг Самарқандга дастлабки келиши ҳақида қуйидагича гувоҳлик берадилар: «Ҳазрати эшоннинг тушларида шарнат қонулари фақат шу хожанинг имдоди ила тақдим топиши мумкинлиги аён бўлгач, замири шарифларига шундай фикр келдики, бу маънони ҳукмдорлар мададисиз амалга ошириб бўлмас. Шунинг учун у замон султонлари билан кўришмоқ мақсадида Самарқанд тарафга қараб йўлга чиқдилар. Ушанда Самарқанд ҳукмдори мирзо Абдулла ибн мирзо Иброҳим ибн мирзо Шохруҳ эди. Уша сафарда мен ҳазратнинг мулозимлари қаторида эдим. Биз Самарқандга етиб келгач, мирзо Абдулланинг амирларидан бири ул ҳазрат ҳузурига чиқди. Эшон унга: «Бизнинг бу вилоятга келишимиздан мақсадимиз мирзонгиз билан кўришмоқ эди. Бу ишда бизга воситачилик қилсангиз савоб бўлур эди», дедилар. Амир густохлик билан жавоб қайтарди: «Мирзомиз ҳали ёш ва ўзбошимчароқ, у билан кўришмоқнинг фойдаси бўлмағай, унга дарвешлар ҳомийлигининг зарурати ҳам йўқ». Ҳазрат жаҳл билан дедилар: «Биз бу ерга ўз ихтиёримиз билан келмаганмиз, ҳукмдорлар

билан муносабат сўрасида бизга [Оллоҳдан] ваҳий келган. Агар мирзонгиз бу борада ғамхўрлик қилмаса, ўрнига бошқалар келгай ва эътибор кўргузгай». Ул амир кириб кетгандан кейин ҳазрат деворга унинг номини ёзиб, муборак оғизлари суви билан уни ўчирдилар ва «биз бу подшоҳ ва [унинг] амирлари билан чиқиша олмасмиз», дедилар. Уша кунёқ Тошкентга қайтиб кетдилар. Бир ҳафта ўтгач, ул амир оламдан кўз юмди, бир ойдан кейин эса султон Абу Саид Туркистон тарафдан пайдо бўлиб, мирзо Абдуллага қарши ўруш очди ва уни ўлдириди».

Мазкур манбанинг жўғрофий ва топографик маълумотлари ҳам эътиборга лойиқдир:

«Андоқ — Бухородан уч фарсах масофада жойлашган қишлоқ.

Исфижоб — Тошкент билан Сайрам оралиғидаги қасаба.

Ревгар — Бухорога қарашли қишлоқ, ундан олти фарсах масофада жойлашган. Ревгардан Бухорога бир фарсах шаръи¹ йўл.

Деггарон — Ҳазора тумани қасабаларидан; Кўҳак бўйида жойлашган ва ундан Бухоро шаҳригача тўққиз фарсах шаръи.

Қасри Орифон — Бухородан бир фарсах масофада жойлашган қишлоқ.

Ҳулбату — Ҳисор қишлоқларидан.

Фил марза — Бухоро шаҳри жанубида Ийдгоҳ яқинидаги қишлоқ.

Пирмаст — Вобканд қасабасига қарашли қишлоқ. Ундан Бухоро шаҳригача тўрт фарсах шаръи йўл.

Минор — Фаркат вилоятининг обод қишлоғи; Тошканддан тўрт фарсах масофада жойлашган.

Пешагир — Самарқанд вилоятига қарашли катта қишлоқ. Унинг шимоли-шарқида; Пешагирдан Самарқанд шаҳригача ўн икки фарсах.

Косон — Қарши вилоятидаги қишлоқ, Бухоро тарафда жойлашган.

Версин — эшон хожа Калоннинг хос қишлоғи, Самарқанд шаҳри билан унинг ораси икки фарсах шаръи йўл.

«Жомеъ ул-мақомоти Махдуми Аъзам». Асар кўпроқ Махдуми Аъзам Косоний ёки Махдуми Аъзами Даҳбедий номи билан шуҳрат топган нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, кўзга кўринган уламо хожа Аҳмад ибн саййид Жамолуддин Косоний (1461—1542) ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. У ҳазрат эшоннинг набираси хожа Абулбақо ибн Баҳоуддин томонидан 1617 йилда ёзилган.

Муаллиф асарни Махдуми Аъзамнинг яқин мусоҳиблари (мавлоно Муҳаммад Али Аҳсикатий, мавлоно Дўст саҳҳоф, мавлоно Бобойи ҳужрадор, ҳофиз Иброҳим, мавлоно Абдулжаббор, ҳофиз Хусайн, султон Муҳаммад, мавлоно Лутфуллоҳ, мавлоно

¹ Шаръи — 7 км га баробар масофа ўлчови.

Ҳомиддин ва ҳ. к.) берган маълумотлар ва ўзига тангаш маноқиблардан истифода этган ҳолда ёзган.

Хожа Баҳоуддиннинг мазкур асари Урта Осиёнинг сиёсий тарихига доир бўлиб, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва жўрофий мазмундаги янги ва қимматли тафсилотларга бой. Шайбонийлардан Кўчумхон, Жонибек султон, Аҳмад султон, Кепак султон ва Дўстмуҳаммад султоннинг Фарғона Қосони устига юришлари, Суюнчоҳжохоннинг Тошкентни олиши, Тошкент, Аҳси ва Андижон устида унинг билан Чигатой авлодидан Султон Саидхон (1514—1532) ўртасидаги талашнишлар ва натижада халқ бошига тушган кулфатлар, Тошкент ҳокими Наврўз Аҳмадхон (Бароқхон) билан Самарқанд ҳокими Абдуллатифхоннинг 1550 йили Бухоро хонлиги тахти учун олиб борган кураши, ўзбек ва сафавий, шунингдек ўзбек-қозоқ муносабатлари ва Фарғона қирғизларининг ихтилоли ҳақидаги маълумотлар эътиборга лойиқдир.

Улардан баъзиларини қуйида келтирамиз:

«Бароқхон билан Абдуллатиф 200 минг нафардан ортиқ лашкар билан Бухоро устига юриш қилганларида [Махдуми Аъзам Қосоний] ҳазрати эшон ўз асҳобу аҳбоби билан Бухорода хонақоҳларида ўлтирган эдилар. У кишининг ҳузурига Абдулазиз султон [ибн Убайдуллахон] (1539—1550) ва Муҳаммад Раҳим султон [ибн Убайдуллахон] келиб таъзим ва тақрим бажо келтириб, [ул кишидан] мадад сўрадилар ва «ҳазратимиз раҳму шафқат кўргизиб шаҳардан чиқсалар ва [Бароқхон билан Абдуллатиф] хонлардан қамални бўшатишни ва лашкарларини олиб кетишларини сўрасалар. Бизга улар билан учрашмоқ ва тобелик билдирмоқнинг имкони яратилса». Ҳазрат Эшон султонлар илтижосига кўра, баъзи муридлари ҳамроҳлигида шаҳардан ташқарига чиқдилар. Лашкар саф тортиб турган жойга етганларида икки минг нафарга яқин олачопонлар¹ ҳазратнинг атрофига йиғилиб, [унинг] мулозимларини ўраб олдилар... Бир муддат ҳазрат отдан тушмай атрофни кузатиб турдилар. Шунда бебахт ва густоҳ, лаънати султон Иброҳим қаҳ-қаҳа отиб ва мазах қилиб пайдо бўлди ва ҳазратга қарата: «Ҳа, ҳа, у энди орамизда ўз бозубандларига Убайдуллахон билан Жонибек султон фарзандларига ўхшаган харидор топмоқчи». Ҳазратнинг шу даражада диққати ошдики, ўша Иброҳимнинг қачон келиб, қачон кетганини ҳам пайқамай қолдилар. Бароқхоннинг амирларидан бири ҳазратни эҳтиром билан ўз чодир сари бошлади, узрхоҳлик қилди ва ҳалиги бекнинг густоҳлиги учун туркий лафзда: «Э, хожа, у бир ит бўлгач, қонмоқ одатдир», — деди. Бир фурсатдан кейин ҳалиги бебахт келиб, ҳазратни яна ҳақорат қилмоқчи бўлди. Аммо, амирлар уни босиб, чиқариб юбордилар».

¹ Олачопонлар — фикримизча, хоннинг махсус хизматида бўлган ва маълум имтиёзга эга бўлган аскарлар.

Бир неча муддат ўтгач, ҳазрати эшон баъзи ходимлари билан Бароқхон ҳузурига жўнади ва бир оз тааммулдан кейин деди: «Лашкар тортиб ўз мулкингиздан чиқишнинг не ҳолати бор эди, юриш қилинганда Ҳуросон устига борган маъқул эди, бу разот бўларди ва катта ўлжа тушган бўларди. Бехуда таррадуд қилиб, мусулмонларни безовта қилишдан мурод не эди? Маслаҳатимиз шулким, ё Ҳуросон сари юришингиз, ёки ўз мулкингизга қайтмоғингиз лозим, токи мусулмонлар сояи давлатингизда роҳат ва фароғат топсинлар ва давлатингиз дуосида бўлсинлар». Хон жим ўлтираверди. Ҳазрат яна илтифот билан: «Убайдуллахон билан Жонибек, ҳар қайсиси ўз даврида, сенга мурувват ва ёрдам кўрсатди; бугун бўлса сен уларнинг фарзандлари қонини тўкмоқ ва мусулмонларни босқин қилмоқ учун келдинг. Бу ишинг билан Оллоҳдан ва унинг расулидан кўрқмайсанму?» Хон яна лом-мим демай тургани учун Султон Иброҳим [яна] густоҳлик қилиб деди: «Хонимиз Маккагача бўлган барча юртларни тасарруф этади, лекин Бухорони олмай туриб Ҳуросонга юриш қилмайди». Ҳазрати эшон газаб билан бармоқлари билан ишора қилиб, «мана буни оласанлар!» — деди ва Бароқхоннинг қўшинини тарк этди.

...Бир оз вақт ўтиб Қистин қора султон (шайбонийлардан: Балх хони; 1526—1544) Бухорога мадад бермоқ учун жўнаётган экан, ҳазратга маъзиратнома жўнатиб, оқ фотиҳа беришларини сўради. Маъзиратномада жумладан шундай дейилган: «Биз етимча ва бечорамиз, нимагаки эришган бўлсак, Сизнинг ва мулозимларингизнинг дуоси туфайлидир. Ҳозирча Қаршини эгаллаб, ўрнашиб олдик. [Бароқ ва Абдуллатиф] хонлар бундан хабар топишгач, қўшинларида тартибсизлик ва ғалаён бошланиб, тайёр турган овқатларини ҳам ташлаб, оғир юкларини ҳам олмай, Бухоро қамалини бўшатдилар ва Қаршига қараб йўналдилар. Қаршига етиб, уни қуршаб олдилар. Ундан бир оз лашкар чиқиб, улар билан каттиқ жанг қилди ва ғолиб келди. Хонлар енгилиб, ўз вилоятларига қараб чекиндилар...»

«Жомсъ ул-мақомот»нинг Чигатой авлодидан Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон (1487—1503) нинг Қосонга Аҳмад мўғул бошчилигида босқин уюштиргани, Фаркатни ва унинг тева-рак-атрофидаги қишлоқларни талагани, шайбоний лашкарларининг Ҳуросон ва Сеистонга 1528—1529 йилларда босқин қилгани, Фарғона қирғизлари орасидаги ўзаро кураш, баъзи қирғиз қавмларининг Чустга қарашли Сафедбулоқ мавзеига бостириб кириши ҳақидаги маълумотлари бениҳоят қимматлидир.

Асарда айниқса сув ва суғориш билан боғлиқ тафсилотлар эътиборга лойиқдир. Бу ҳақда, хусусан, бундай дейилган: «Бир куни ҳазрат эшон Бухорои шарифдан Самарқанд сари йўлга чиқдилар. Санги Сабз мавзеига етганларида у кишининг олди-дан бир тўда отлиқлар чиқиб ва отларидан тушиб ҳазратга таъзим қилдилар. Ҳазрат эшон: «Қим бўласизлар?» — деб сўриштирдилар. Улар «биз мироблармиз, ҳазрат хон бизни су-бошига жўнатган эдилар, [лекин] Самарқандгача бориб, қуруқ

қайтиб келаётчимиз; ҳазрат хонга нима дейишимизни ҳам билмаймиз, дейишди...»

«Бир вақтлар Кўҳак дарёси шу даражада қуриб қолдики, унинг бирор томчи суви ҳам қолмади. Офаринкент тумани аҳолиси келиб, ҳазрат эшонга зорландилар...»

«Ҳазратнинг яқин дўстларидан Абдулкарим тархон шундай ҳикоя қилади: «бир куни Кўҳак дарёси тошиб, Соғарж дарёси тарафга бурилиб оқа бошлади. Даҳбедга етиб, унинг катта қисмини сув босди, ҳатто ҳазратнинг чорбоғи ва мавлоно Мир Муҳаммад мазоригача [бўлган ерларни] сув босди. Ушанда ҳазрат эшон қишлоқ калонтарларига¹ дарёнинг ҳар икки қирғоғини айланиб чиқишни ва сувни боғлашнинг қулай жойини топишни буюрдилар... Фармонга кўра биз дарёнинг ҳар икки қирғоғи бўйлаб юрдик, уч кун кездик, лекин дарёни тўса олмадик. Охири яна ҳазрат эшон ҳузурларига бориб бундан уни хабардор қилишга мажбур бўлдик. Ҳазрат эшон ўрниларидан туриб, Мир Муҳаммад мазори тарафга қараб юрдилар. Биз ҳам [унинг кетидан] эргашдик. Қарасак, мазорни бутунлай сув босган, мақбара қисмларининг баъзи ерлари нураган». «...Бир оз муддат ўтгач, Офаринкент халқи ҳазратга қараб: «Э, хоҷам, сув Даҳбед тарафга оқиб, биз тарафга оқмай қўйди», дедилар».

Хожа Абулбақонинг асарида зироатчиларнинг экинзорларига чигирткалар ҳужум қилгани, маҳаллий маъмурларнинг бебошликлари, мусулмонларга нисбатан зулми ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.

Жўгрофияга доир маълумотлардан манбадаги Фарғона Қосони, Даҳбед, Сойлик (Тошкент Оқтоши яқинида), Ахсикатнинг Қизилработ мавзеи, Дўлдой қишлоғи, Қаршининг Қўзи мундак, Миёнқолнинг Гармакўз мавзелари, Ҳисор билан Самарқанд оралиғидаги Сангардак, Бухоро ва Қармана орасидаги Хомработ тўғрисидаги тафсилотлар эътиборга лойиқдир.

«Равзат ар-ризвон ва ҳадиқат ал-ғилмон» («Жаннат боғи ва ғилмонлар ҳадиқаси»). Бу Жўйбор хожаларидан хожа Муҳаммад Ислоҳ, хожа Саъд, хожа Тожиддин Ҳасан ва бошқаларнинг мапоқибларидан иборат. Асар 1589/90 йили ўша хожаларнинг сармуншийси Бадриддин Қашмирий тарафидан ишो этилган.

Асар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалаларга доир маълумотларга бойлиги билан шу турдаги манбалардан ажралиб туради.

«Равзат ар-ризвон»нинг биринчи ва еттинчи бобларида Абдуллахоннинг 1557 йили Бухорони эгаллашига қадар Моваруннаҳрда, Қозоғистон, шунингдек, улар билан қўшни бўлган Шарқ мамлакатларида 1585—1590 йилларда кечган сиёсий воқеалар ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Асарда келтирилган маълумотлар Урта Осиё, Хуросон ва Шарқий Туркистон тарихига доир бошқа асарлардаги мавжуд маълумотларни, кўпинча воқеалар тафсилотларини ҳам тўлдиради.

¹ Калонтар — ишбошилар, қишлоқ оқсоқоллари.

Асарда келтирилган шайбонийлар (Абдуллахон, Муҳаммад Амин султон, Худайберди султон, Жувонмард Алихон, Кепак султон, Динмуҳаммад султон, Хусрав султон, Абдулқуддус султон ва ҳ. к.), Кошғар ҳукмдорлари (Абдурашидхон, Муҳаммад Қурайш султон), Бадахшон ҳокими Сулаймоншоҳ каби ҳукмдорларнинг хожа Муҳаммад Ислоҳ ва унинг вориси хожа Саъдга ёзган мактубларининг нусхалари, Абдуллахон ва Абдулқуддус султонлар фармонларининг матни ҳам Урта Осиё, Хуросон ва Шарқий Туркистоннинг ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёти тарихини ўрганишда катта қимматга эгадир.

«Равзат ар-ризвон»нинг олтинчи боби бизни Урта Осиёнинг XVI асрда ўтган ва бизга кўпинча номаълум бўлган адиблари (Меҳри Бухорий, Шаҳидий, Намжи Кеший, Холиқ Бадахший, Форобий, Ҳисорий, Раҳими Самарқандий, Ҳофиз Ҳусайн) ҳамда уларнинг асарларидан айрим парчалар билан ошно қилади. Бу маълумотлар Урта Осиёнинг XVI асрдаги адабий ҳаётини ўрганиш учун муҳимдир.

«Равзат ар-ризвон»нинг қиммати яна Бухоро хонлигининг XVI—XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган Жўйбор шайхларининг феодал хўжалиги ҳақида тўла тасаввур бера олиши билан ҳам ўлчанади. Мисол тариқасида Абдуллахон II нинг ва бошқа шайбоний ҳукмдорларнинг «Равзат ар-ризвон» тўғрисида бизгача етиб келган баъзи фармонларидан келтирамиз:

«У ҳеч нарсага муҳтож эмас!

Абулғози Абдулла Баҳодирхон сўзимиз.

...Ушбу халифатнишон хонадонга доимо эш бўлган зафарлар ҳазрат хожанинг марҳамати ва мадади орқасидандир. Шунинг учун ҳам ул ҳазратнинг бу караму саховатлари ва мушоҳадаларини ўзимизга қонун деб ҳисоблаймиз. Бу муқаддимадан муддао шулки, Марви шоҳижаҳон вилоятининг қишлоқлари ва экин экиладиган ерлари ва мулку суюрғоллар ул қудсий паноҳ... солиқ ва сарварлар қавмининг етакчиси, улуғ авлиёлар авлоди, порсолик ва нажобат хулосаси, маржан фузало... аъло ҳазрат... хожа Қалонхожага меросий мулк ва унга тааллуқдор экани маълум бўлди. Бизнинг равшан фикримиз ул ҳазрат экинзорларига ғамхўрлик қилишдан иборат экан, мазкур қишлоқлар, наҳру зироатларни ул ҳазратнинг мулки ва суюрғоли эканлигини инобатга олиб, молу жиҳот, муқаррарий, ихрожат, миробона, қоҳ, тарҳ, собун¹ ва шу сингари олиқ-солиқлар хусусида безов-

¹ Муқаррарий — аниқ ва белгилаб қўйилган солиқлар; ихрожат — давлат идораси хизматчиларининг харажатларини қоплаш учун аҳолидан тўпланадиган солиқ; миробона — миробларнинг маоши учун халқдан йиғиладиган солиқ; қоҳ — қўшиннинг эҳтиёжи учун халқдан тўпланадиган см-хашак йиғими; тарҳ — мажбурият (бунда раият давлат омборидан бирон нарса, кўпинча дон-дун сотиб олганда қиммат нархлар билан олиб, сотганда арзонга сотишга мажбур бўлган); собун (сабан) — ер ҳайдашга киришилганда ва ҳосил йиғиштириб олинганда ўтказиладиган маросим ва уни ўтказиш учун аҳолидан тўпланадиган йиғим.

та қилмасликларини буюрамиз; ул зотдан одам сўрамагайлар, раиятларини бошқа тарафларга кўчирмагайлар. Улуғ амирлар, маъсул вазирлар, ул вилоятнинг амалдорлари, ҳокиму қад-худолари фармонимизга риоя қилмоқлари ва ўзларича бирор иш кўрмасликларини лозимдир; ул ҳазрат ёбисотларидан¹ танобона² талаб қилмасунлар; мулкларини меросий ҳисоблаб, уни дарубаст³ ўрнида кўргайлар, мулкларини янгидан таноблаб, яна бирор нима талаб қилмасунлар ва ул ҳазратнинг мулозимларига ғамхўрлик қилиш зарур ва мажбурий ҳисоблансин. Қонунга хилоф иш тутмай, шоҳона олий фармоннинг ҳар бир сўзига итobat этиб, унга риоя қилсинлар, ушбу фармоннинг ҳар йили янгилини талаб этилмасин ва зиммаларидаги мажбуриятлар чизигидан чиқмасинлар.

1572 йил август-сентябрь ойида берилди».

«Оллоҳ ҳеч нарсага муҳтож эмасдир!

Абулғози Абдулла Баҳодирхон сўзимиз.

Эътимодли, қадимдан дўстлик ихлосида собитқадам бўлган мулла Муҳаммадбийга маълум бўлсинки, Олий ҳазрат, валий даражат, тўғри йўлга бошловчи, қутб ул-ақтоб хожа Қалонхожанинг Вахш мавзеида чиқараётган анҳорини қазиш ишларига Ҳисор вилоятидан 10000 нафар мардикор сафарбар этиши маъмур этилади. Мазкур ишга мутасадди қилиб ул жанобни тайинлагаймиз ва у [зудлик билан] ҳазратнинг ҳузурига етиб бормоғи ва амру фармонини бажо келтурмоғи лозим...

1583 йил апрель ойи».

«Оллоҳ тўқисдир!

Абулғози Абдулла Баҳодирхон сўзимиз.

Ҳисор, Денов, Қубодиён вилоятларининг арбобу калонтар ва раияти ва Шаҳри сафонинг аймағи ушбу фармонни олиши билан ҳазрат қутб ул-ақтоб хожа Қалонхожанинг, Оллоҳ унинг осойишини давомли қилгай, Вахшдаги мулкида анҳор қазиш ишлари учун 10000 нафар мардикор йиғиб бериши зарур; бу иш мутасаддиларига ғамхўрлик кўргузсинлар. Ушбу фармон вожиб ва мажбурийдир.

1585 йил май ойи».

Энди мактублардан бир неча парча келтирамиз. Асарда юздан ортиқ мактуб нусхаси келтирилган бўлиб, улар қуйидаги масалаларга тааллуқлидир: 1) Бухоро хонлигининг ички сиёсий аҳволи; 2) ижтимоий-иқтисодий масалалар; 3) Бухоро хонлигининг Балх, Хива хонликлари, Бобурийлар давлати, Эрон ва Шарқий Туркистон билан муносабатлари.

Шайбонийлар сулоласидан 1552 йилгача Насаф ҳокими, кейин Соғарж ва унинг ноҳиялари ҳокими Худойберди султоннинг мактубларидан:

¹ Ёбисот — қўриқ ер.

² Танобона — ҳар бир таноб экиндан олинган солиқ.

³ Дарубаст — суюрғол қилиб берилган ва дахлсиз ҳисобланган мол-мулк.

«...мақтов ва илтижолардан сўнг, олам сирларини ўрганувчи ул ҳазратнинг хотирига равшан бўлгайки, биз билан ҳурматли ва саодатли оғамиз Муизиддин Абдулла Баҳодир билан орамиздаги дўстлик ва иноқлик олий даражададир ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолишига умидвормиз; ихтилофлар эса бартараф этилгусидир. Алқисса, содир бўлган низо ва жудоликларким, ханузгача султонлар орасида воқеъдур, Шайхни ва Офаринкент туманларининг кўпчилик раияти тарқалишиб кетиб, Бухоро ва Миёнқол тарафларга кетиб қолдилар. Шунинг учун мусулмонларнинг осойишталиги учун ғамхўрлик кўргизиб ва ҳазрат парвардигор мададидан умидвор бўлиб уларни ўз ватанига қайтаришини илтижо қилурмиз. Мазкур биродаримизга қарашли халқ билан бизнинг раиятимиз ўртасида ўзаро борди-келди муносабатлари тез-тез бўлиб тургани сабабли истардикки, ул жаноб ва унинг мулозимлари улар билан яхши муносабатда бўлсалар ва у ерлардан ғалла олиб келиб, бу томонлардан хоҳлаган нарсаларини элтиб, айрибош қилишга монелик кўрсатмасалар. Савобли ишлар тараддуди ва саъй-ҳаракати олижаноб кишиларнинг хислатидир... Азиз авлиёлар ва олижаноб шайхлар бундай таҳсинга лойиқ йўли ва феълни расм қилиб, обрў-эътибор қозондилар. Сиз ҳазрат замон соҳиби ва даврон шуҳрати экансиз, илтифотингиз билан бу ихтилофларнинг олди олинур...»

XV асрнинг 80-йилларида Андижонда турган Муҳаммад Амин султон ибн Наврўз Аҳмадхоннинг мактубларидан:

«...сониян ул ҳазрат замирига равшан бўлгайки, қадим замонлардан бери бутун дунё ҳаваси ва ҳасадини кўзгаб келган Мовароуннаҳр аслида бир аждод авлодлари бўлмиш оғанилар, қариндошлар ўртасидаги низо ва хунрезликлар туфайли, агар биргалашиб унинг олди олинмаса, хароб бўлгусидир. Низолар, агар кучайгудек бўлса, афсус ва надоматлар фойда бермагай. Ул ҳазрат бандаларидан садоқатли дўст сифатида илтимосимиз шулки, саъй ва ғайрат кўргизиб, низо ва адоват оғаниларнинг дўстлиги ва иноқлиги, мусулмонлар орасида осойишталик ва фаровонлик билан мубаддал бўлса..., мулозимлар срасида энг мартабали ва содиқ дўстимиз, қадим мухлисимиз яна сизга муҳим ишлардан сўзлаб берур...»

Урта Осиёга қўшни бўлган Шарқий Туркистоннинг XVI асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий аҳволини ўрганишда Қошғар хонларидан Абдурашидхоннинг фарзандлари Сўфи султон, Абдулқаримхон ва Қурайш султонларнинг ҳазрат эшонга йўллаган мактублари ва арзиомалари ҳам катта қимматга эга.

Ушбу йирик асарнинг фазилатлари келтирилган маълумотлар билан чегараланмайди, албатта. Асар жўгрофий ва этнография маълумотларга ҳам бойдир. Шунинг учун ҳам бу мулоҳазалар «Равзат ар-ризвон» ни махсус тадқиқ этишни тақозо этади.

«Насимат ул-қудс мин хадойиқ ул-унс» («Иноқлик боғларидан эсган муқаддас насим») — нақшбандия тариқатининг. Ҳиндистондаги намоёндаси хожа Муҳаммад Бақо Сирҳиндий (1563/64-1603/04) топшириғи билан 1622 йилда Муҳаммад Ҳошим ибн Муҳаммад Қосим ан-Нўъмоний ал-Бадахшоний тарафидан ёзилган йирик асар (754 varaқ). У XVI—XVII аср бошларидан Урта Осиё, Хуросон, Ҳиндистон ва Шарқий Туркистонда истиқомат қилган нақшбандия хожалари шайхларининг ҳаёт йўли тарихидан иборат бўлиб, юқорида номи зикр этилган Фахруддин Али ибн ал-Ҳусайн Воиз ал-Қошифийнинг «Рошаҳоту айн ул-ҳаёт» асарининг давоми деса ҳам бўлади.

Асар катта илмий қимматга эга бўлиб, ҳозиргача тадқиқ этилмаган. У турли-туман маълумотларга бой, айниқса нақшбандия тариқатининг Шарқий Туркистонга ёйилиши ва таъсирини ўрганишда қимматли манба бўла олади. Сўзимизнинг исботи учун асардан икки парча келтирамиз:

Хожа Аҳрор авлодидан хожа Муҳаммад Юсуф ҳақида:

«...Шоҳибекхоннинг ишлари бузилгач (яъни 1510 йилда ўлдирилгач), у Қошғарга кетиб қолди. Султон Саидхон унга зўр эҳтиром кўргузди ва у ерда муридларини кўпайтириш ишига имкон яратди. Хожа Юсуф 1532 йил 16 сентябрда вафот топди». «Тарих-и Рашидий» муаллифи унинг вафоти тафсилоти ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Хожа Хованд Маҳмуд (хожа Аҳрорнинг набираси хожа Шаҳобуддин Маҳмуд хожа Аҳрор оғир бетоб бўлганда, табиб излаб Ҳиротга Алишер Навоий ҳузурига борган) мурид овлаш учун Қошғарга келганда у билан хожа Юсуф ўрталарида ихтилоф чиқди. Бир куни мен хожа Хованд Маҳмуд ҳузурига борсам, [унинг] хонасида хожа Юсуф ўлтирган экан. Афтидан [ўртада] баҳс бўлган. Хожа Маҳмуд дарғазаб бўлиб деди: «Муҳаммад Юсуф, бу гапларнинг не ҳожати бор. Сен отаннинг муриди бўлсанг, мен ҳам он ҳазратга муридман... Бундан ташқари сен ўғлим тенги одамсан». Хожа Юсуф жавоб қилди: «Мен ҳам он ҳазрат карамидан баҳра топганман...». Низо тугади ва хожа Хованд Маҳмуд шу куниеқ Бадахшон тарафга жўнаб кетди. Икки-уч кундан кейин кимдир менга хожа Юсуф оғриб қолиб [ўша мамлакатда] вафот этгани хабарини айтди».

Хожа Муҳаммад Порсонинг аждоди хожа Тожиддин ҳақида мана буларни ўқиймиз:

«Хожа Тожиддин — улур Ҳофизиддин Бухорий (яъни хожа Муҳаммад Порсо) нинг бобокалони хожа Рашидиддиннинг авлодидир. Хожа Рашидиддиннинг отаси хожа Шужоҳ Чингизхон тўёни пайтида Мўғулистонга кетиб қолган ва хожа Рашидиддин ўша ерда таваллуд топган эди. Унинг саъй-ғайрати туфайли ўша ноҳиялардаги мўғуллар мусулмон бўлди. Хожа Аҳрор [валий] замонида хожа Тожиддин Мовароуннаҳрга келган ва мавлоно Ироқ Тусийга шогирд тушган. Мавлоно он ҳазрат хожа Аҳрорнинг уқин дўстларидан бўлганидан хожа Тожиддин унинг илтифоти ва суҳбатига мушарраф бўлди. Узоқ йилларни у ўшал мавлононинг остонасида ўтказди, [унинг] лутфу кара-

мига сазовор бўлиб, сўнг Қошғар шаҳарларидан Турфонга жўнаш учун руҳсат олди.

Турфон ҳоқими унинг келишини ўзи учун омад деб билиб, унга ва авлодларига ҳурмат ва эҳтиром кўргизди. Уларнинг баъзилари бугунги кунда ҳам ўша мамлакат неъматларидан баҳраманддирлар...»

Хожа Исҳоқ ибн Махдуми Лъзам Косоний тўғрисида:

«Ул ҳазрат Мовароуннаҳрдан Қошғар ва Хўтан тарафга оландилар. Унинг саъй-ҳаракати билан халқ ҳақ йўлга тушиб олди. Қошғар ҳоқими Муҳаммадхон ҳам унинг садоқатли муридларидан бирига айланди. Хуллас, нақшбандия тариқати у ерларда хожа туфайли томир олди. Кейин ўрнига муриди Девон Аштарни қолдириб, ватанига қайтиб келди ва 1599 йилда вафот топдилар. Отасидан кейин ўзи яшаган Даҳбед яқинидаги Сафед қишлоғида дафн этилган».

Кўриб турибсизки, авлиёларнинг маноқиблари турли-туман ҳужжатли маълумотларга бой бўлиб, шубҳасиз, феодал жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётини ўрганишда муҳим тарихий манба бўла олади.

МАРҚАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИЙ МАНБАЛАРИНИНГ УРТА АСРЛАРДА УРТА ОСИЁ БИЛАН ХИТОЙ УРТАСИДАГИ САВДО, СИЕСИЙ ВА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРНИ УРГАНИШДАГИ ЎРНИ

Урта Осиё ва Хитой халқлари ўртасидаги савдо, сиёсий ва маданий алоқалар кўп минг йиллик тарихга эга. Урта Осиё ва Хитойнинг феодал ҳукмдорлари олиб борган, агрессив ташқи сиёсатнинг маҳсули бўлган бот-бот ўзаро урушлар узоқ давом этган тинч-тотувлик муносабатлари билан алмашиб турган. Аммо икки қўшни мамлакат ўртасидаги қадимги ва ўрта асрлардаги алоқалар етарли даражада ўрганилган эмас, воҳоланки, бу масалани ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш фойдадан холи эмасдир. Бунда Хитой солномалари билан бир қаторда мусулмон жўғрофлари, тарихчилари томонидан араб, форс, турк тилларида ёзилган ноёб асарлар муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бу асарлар ҳам фактик материалларга бойдир. Жумладан, машҳур тарихшунос ат-Табарий (839—923) нинг «Тарих ар-расул ва-л-мулк ва-л-хулафо» («Пайгамбарлар, подшоҳлар ва халифалар тарихи») номли кўп жилдлик асарида VII—VIII асрларда сосонийлар Эрони, Урта Осиё ҳамда Хоразмнинг Хитой билан ўзаро сиёсий муносабатлари тўғрисида бениҳоят қимматли маълумотлар учрайди. Бунда сўнгги сосоний подшоҳ Яъздигард III (632—651) тарафидан Эронга бостириб кирган арабларга қарши курашда ёрдам сўраб Хитойга элчи юборилганлиги тўғрисида маълумот келтирилган. Ат-Табарий, шунингдек император Тай-цзун (627—650) томонидан Яъздигард

III га юборилган жавоб мактубининг қисқача мазмунини ҳам келтирган. Мактуб мазмунидан маълум бўлишича, Тан империяси бундай ишга «номақбул ҳаракат» деб қўл урмаган.

Ат-Табарийнинг мазкур асариди арабларнинг, аниқроғи халифа Ал-Валид I (705—715) нинг Хуросондаги ноиб Қутайба ибн Муслим (715 йилда Андижон яқинидаги Қиличмозор мавзеида ўлдирилган) нинг Қошғарга қилган юриши ва бу юришнинг тинч йўл билан ҳал бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам мавжуд.

С. П. Толстов VII аср Хоразм тангаларини ўрганиш жараёнида тўпланган материал ҳамда афтидан қандайдир Хитой манбасига асосланиб, Хоразмшоҳ Шавшафар томонидан Хитойга элчилар юборилгани тўғрисида маълумотлар беради. С. П. Толстов жумладан бундай деб ёзади: «Арабларга қарши душманлик руҳидаги бу ҳаракат Хоразмнинг араб-хитой курашида янгидан мустақилликка интилишидан далолат беради».

Урта Осиё билан Хитойнинг VIII—X асрлардаги ўзаро муносабатларига оид масалалар ал-Утбий (тахм. 961—1036), ибн ал-Асир (1160—1234) асарларида ҳам ўз аксини топган. Чунончи, ибн ал-Асирнинг кўп жилдлик умумий тарихида Урта Осиёнинг араб ҳукмронлиги (VIII—IX асрлар), қорахонийлар (999—1212) ва салжуқийлар (1038—1194) даврида Хитой ва Қошғар билан ўзаро муносабатлари тўғрисида оригинал маълумотлар мавжуд. Ибн ал-Асирнинг 751 йилнинг июль ойида Тароз (Қозғистоннинг ҳозирги Жамбул шаҳри) яқинида Хитой қўшинлари билан араб-ўрта осиелик қўшинлар ўртасида бўлиб ўтган катта уруш тўғрисидаги маълумоти диққатга сазовордир, Хитой қўшинларига Гао Сяньчжи, араб-ўрта осиелик қўшинларга эса Зиёд ибн Солиҳ қўмондонлик қилган эди. Ибн ал-Асир хусусан бундай деб ёзади: «Мазкур йилда Фаргона ихшиди (подшоҳи) ва Шош (Тошкент) малики (шоҳи) аразлашиб қолишган эдилар. Ихшид Чин подшоҳидан кўмак сўради ва у 100 минг жангчидан иборат қўшинни Тошкент ҳокимига қарши ихшидга ёрдамга юборди. Шош подшоҳини ўраб олдилар, охир-оқибатда у Чин подшоҳига таслим бўлди. Бу воқеа арабларнинг Хуросондаги ноиб Абу Муслимнинг қулоғига етди ва у билан урушмишга Зиёд ибн Солиҳни юборди. Араб-ўрта Осиё қўшинлари билан Хитой қўшинлари Тароз дарёси бўйида тўқнашдилар ва мусулмонлар бу жангда ғолиб келдилар...».

Сомонийлар давлатининг Қошғар билан савдо ва маданий алоқалари, Қошғар шаҳарлари (Қошғар, Хўтан, Артуж ва б. қ.) нинг аҳволи, Мўғул қоонининг 1239—1254 йиллардаги Хитойдаги ноиб хоразмлик Маҳмуд Ялавочнинг (1254 йилда Хонбалиқ—Пекинда вафот этган ва ўша ерга дафн этилган) ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган ноёб материаллар Жамолуддин Қарший (1230 йилда туғилган, вафот топган йили маълум эмас) нинг «Мулҳақот ас-Суроҳ» («Ас-Суроҳ» китоби-га қўшимчалар», 1302—1306 йилларда ёзилган) асариди учрайди.

Амир Темур ва унинг ворислари даврида бундай муносабатлар янада тараққий этди. Бу ҳақда ўша даврнинг машҳур муаррихларидан Фасиҳ Аҳмад Хавофий (1375—1442) ва Абдураззоқ Самарқандий (1413—1482) лар ўз асарларида кўплаб қимматли фактик материаллар келтирганлар.

Фасиҳ Аҳмад Хавофий Шоҳруҳ, Улуғбек ва бошқа темурий ҳукмдорлар билан Минь императори Чэн-цзу (1403—1425) ўртасида 1407—1408, 1412—1413 ҳамда 1418—1419 йилларда элчилик муносабатлари мавжуд бўлганлиги тўғрисида ёзган. Биринчи Хитой элчилари 1407—1408 йилларда Самарқандга, кейинроқ Хиротга «соҳибқирон Амир Темурнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилиш учун ташриф буюрган» эди. Иккинчи (1412—1413) ва учинчи (1418—1419) элчиликнинг мақсадлари эса ўзаро дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, савдо алоқалари ва бошқа муносабатларни яхшилашдан иборат бўлган. Ана шу мақсадларда темурийларнинг Ардашер тавочи, Ғиёсиддин наққош, Шодихожа, амир Қўкча, Султон Аҳмад бошчилигидаги элчилари ҳам Хитойга борганлар. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Хитойдан келган элчилар темурийларга шоҳона тўхфалар: хитой атласи, камка, тарту¹, чинни идишлар, Хитой қоғози, қамншдан ясалган буюмлар, сз қушлари (лочин) келтирганлар. Мисол тариқасида Чэн-цзунинг Шоҳруҳ номига ёзган бир мактубини келтирамиз: «Улуғ подшоҳ Дай-Минг Шоҳруҳ султонга мактуб йўллайди. Билмизки, Оллоҳ таоло уни билимдон ва ҳар тарафлама етук қилиб яратганким, ислом мамлакати тўғрисида ғамхўрлик қилсин, унинг мурувватидан мазкур мамлакат фуқаролари роҳат-фароғатда кун кечирсин. Ақл-заковатли, доно, одил султон барча мусулмонлардан донороқ ва заковатлироқ бўлиб чиқди ҳамда Оллоҳнинг амрига ҳурмат билан бош эгди ва [бундан кейин ҳам] Оллоҳ томонидан топширилган юмушини муносиб қилиб адо этсинким, бу мақтов ва қўллаб-қувватлашга лойиқдир. Бундан аввал биз сарой амири Ли-Дани бир гуруҳ одамлар билан ҳузурларига юборган эдик. Улар султон ҳузурига етиб бориб амалдаги тартиб-қоидага мувофиқ зўр ҳурмат ва илтифотлар изҳор этдилар. Ли-Да ва у билан бирга борган одамлар қайтиб келиб хабар қилдиларки, «Бизга ҳаммаси маълум ва равшан бўлди» деб Бек-Бука (Ардашер тавочи — Б. А.) ва Сизнинг у билан бирга юборган одамларингизни Ли-Да ва унинг ҳамроҳлари билан Сиз совга қилиб юборган отлар, қоплонлар, шерлар билан қўшиб мазкур саройга олиб келдилар. Биз улар келтирган совғаларнинг ҳаммасини кўздан кечирдик. Сиз бизга нисбатан самимий меҳр-муҳаббат кўрсатдингиз, бунинг учун биз Сиздан ғоят миннатдоримиз. Ислом дини ёйилган Ғарб мамлакатларида ақл-заковат ва донишмандликда Шоҳруҳдан

¹ Камка — шарқ услубида тўқилган гулдор ипаклик мато, турли-туман нақшлар билан безатилган. Тарту (туркча — ичимлик) — афтидан зиравор ёки қимматбаҳо ичимлик бўлса керак.

ўтадигани йўқдир. У (Шоҳруҳ) мамлакат фуқароларига эмну омонлик бағишладиким, бу Оллоҳнинг раҳми иноятидандир. Унга шон-шарафлар бўлсин! Қандай қилиб бундан кейин Оллоҳ ундан рози бўлмасин.

Жасур кишилар дўстликда яқдил бўлганларидек, уларнинг диллари ойнадек равшан бўлсин. Гарчанд ўртамиздаги масофа йироқ бўлса ҳам, Сиз ҳамма вақт кўз ўнгимиздасиз. Олижаноблик ҳамда хуштабиатлик ҳамма нарсадан қимматлироқдир, лекин уни изҳор қилиш пайтида молу ашё ҳам маълум қимматга эгадир. Ҳозирда эса, айниқса биз Ли-Да, Жанк-Куни ҳамда бир гуруҳ одамлари билан Бек-Бука ва Сизнинг бошқа элчиларингиз билан бирга султонга ҳадяларни етказишлари учун юбордик. Чунончи: қарчиғай — етти бош; қарчиғайларнинг барчасини биз ўз қўлимиз билан ов қилишга ўргатдик. Яна улар орқали ўз ҳадяларимизни — камха ва бошқа нарсаларни юбордик. Гарчанд бизнинг мамлакатда — Хитойда лочин ва қарчиғайлар бўлмаса-да, уларни ҳада сифатида денгиз соҳилидан муттасил келтириб турадилар. Шу сабабга кўра, бизда уларга нисбатан етишмовчилик бўлган эмас. Сизнинг ўлкангизда улар камёб экан. Биз уларни Сизга атайин юбордикки, улуғ султоннинг лутфу карамига жавоб бўлиб хизмат қилсин. Гарчанд юборилган моллар камчил бўлса-да, бу орамиздаги дўстликни мустаҳкамлаш учун замин бўлар деган умиддамиз. Улар султоннинг мақтовига сазовор бўлғай. Бундан кейин самимий дўстлик мустаҳкамланаверсин. Элчилар ва савдогарлар ҳар доим ўзаро мамлакатларга бориб келаверсинлар. Бу муносабатлар узилиб қолмасин, барча одамлар тинчлик-хотиржамликда кун кечирсинлар...»

Шоҳруҳ ва империянинг алоҳида вилоятларини идора қилиб турган бошқа темурий ҳукмдорлар (Бойсунқур, Иброҳим султон, Мирзо Рустам, Улуғбек, Суюрғатмиш, амир Шоҳмалик) охириги Хитой элчилигига жавобан 1419 йилда ўзларининг катта савдо карвонидан иборат (500 киши) элчиларини Хитойга жўнатдилар. Фасиҳ Аҳмад Хавофий бу ҳақда 1421—1422 йиллар воқеалари баёнида шунчаки тўхталиб ўтган. Жумладан, у бундай деб ёзади: «Хитойга юборилган элчилар: Шоди-хожа ва амир Қўкча ҳоқони ҳазрат олийлари (Шоҳруҳ) номидан элчиларни бошқарганлар, Маҳдумзода Бойсунқур Баҳодирхон, Оллоҳ унинг далилларини муътабар билсин, томонидан юборилган хожа Гиёсиддин наққош ва Султон Аҳмадлар санайи 822 зулқайда ойининг 6 кунда (1419 йилнинг 24 ноябрида) бу ерга етиб келдилар. Элчилар [Хитойда ва йўлда] икки йилу икки ой ва беш кун бўлдилар. Санайи 825 рамазоннинг ўн биринчи куни (1422 йил 29 август) Ҳиротга қайтиб келдилар».

Абдураззоқ Самарқандий Гиёсиддин наққош бошчилигидаги элчиликнинг 1419 йил 4 декабрдан то 1422 йил 22 сентябргача бўлган саёҳат-кундалигини эълон қилган. Кундаликда Мўгулистоннинг ўша пайтлардаги сиёсий аҳволи тўғрисида, шунингдек Қошғар шаҳарлари: Қорахўжа, Турфон, Хитой ша-

ҳарларидан Сучжоу (Цзююань), Камжу (Чжанье), Садик-фу, Цзяюйгуан ва Минь империясининг ўша вақтлардаги пойтахти Хонбалиқнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи, халқининг маданий савияси тўғрисида қизиқарли маълумотлар кўп. Шунингдек, Мўгулистон, Қошғар ва Хитой халқларининг урф-одатлари тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган.

Урта Осиё билан Шарқий Туркистон ҳамда Хитой ўртасида XVII—XVIII асрларда мавжуд бўлган ўзаро муносабатлар тўғрисида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобуринома», Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор», Санг Муҳаммад Бадахшийнинг «Тарихи Бадахшон», Мирза Олим Тошкандийнинг «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин», Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг «Тарихи Шоҳруҳий», Қурбон Али Аёғузийнинг «Таворихи хамсайи шарқий» асарларида ноёб маълумотлар учратамиз. Масалан, «Бобуринома» ва «Баҳр ул-асрор» да Урта Осиё билан Қошғар ўртасидаги ўзаро савдо ва сиёсий муносабатлар, шунингдек Қошғар, Оқсув, Ерқанд, Турфон каби шаҳарларнинг халқи, ижтимоий аҳволи тўғрисида келтирилган маълумотлар айниқса диққатга сазовордир.

Юқорида зикр этилган асарларнинг гувоҳлик беришича, Хитой давлатининг ҳукмдорлари Синьцзянда мустаҳкам ўрнашиб олиб, Урта Осиё хонликларига ҳам ўзларининг сиёсий таъсирини ўтказишга ҳаракат қилганлар. Қўқон хонларидан Умархон (1810—1821), Муҳаммад Али (1821—1842) ва бошқалар эса ўзларининг Қошғар хусусида тутган сиёсатларида икки мақсадни кўзлаб иш юритганлар: 1) Қўқон хонлиги билан қўшни бўлган Қошғардан Хитой маъмурларини суриб чиқариш; у ерда ўзига итоат этадиган ҳокимият ўрнатиш ва шу билан Қўқон хонлиги ҳудудини Хитой феодаллари таҳдидидан ҳимоя қилиш; 2) Бу тадбир амалга ошмаган тақдирда, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам (хоҳ дипломатик, хоҳ қурол воситаси йўли билан), Хитой империясини тинч қўшничилик йўлини тутишга мажбур этиш.

Мазкур асарлардаги маълумотлар орасида 1757 йилда Чин империяси томонидан Шарқий Туркистоннинг истило этилиши, Чин қўшинларининг Абдулкаримхон даврида Урта Осиёга бостириб кириши, шунингдек 1825—1864 йилларда нақшбандия-хожагон тариқатига мансуб қошғарлик хожалар: хожа Жаҳонгир (1825—1826), Муҳаммад Юсуфхожа (1830), Эшонхон тўра (Каттахон тўра), тарихда «Етти хожалар исёни» номи билан машҳур бўлган Валихон тўра бошчилигидаги Чин империясига қарши қўзғолон (1857) лар, шунингдек, 1831 йилда тузилган Хитой билан Қўқон хонлиги ўртасидаги шартномани алоҳида таъкидлаш мумкин.

Чин императорининг Урта Осиёга қўшин юборганлиги (1757) тўғрисида ёзилган Ҳакимхон тўранинг «Мунтахаб ат-таворих» ва Мирзо Олим Тошкандийнинг «Ансоб ус-салотин» асарларида келтирилган мукамал маълумотлар ҳам муҳимдир. Аммо бу асарларда воқеалар тарихи бир қадар чалкаштириб юборил-

ган, шунинг учун улардан фойдаланганда шу ҳолга аҳамият бериш зарур.

Лекин юқорида тилга олинган асарларда 1825—1864 йилларда Шарқий Туркистонда Чин ҳукмдорларига қарши бўлиб ўтган кўзғолонлар ҳақида келтирилган маълумотлар эса ўта қимматлидир. Бу маълумотлар Қошғарнинг ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда биринчи даражали материал ҳисобланади ҳамда Чин билан Қўқон хонлигининг ўзаро муносабатлари масалалари қандай кечганини бир қадар ойдинлаштириб беради.

Шу ўринда «Таворихи хамсайи шарқий» дан олинган ушбу парча ҳам диққатга сазовордир: «Хожа Жаҳонгир ва Юсуфхожа кўзғолонларидан сўнг хитойлар маҳаллий халқнинг исён кўтаришидан хавфсирай бошладилар. Агар бу ерга хожа Жаҳонгир сингари олий насабли хожалар ҳам етиб келгудай бўлсалар, сўзсиз, халқ унинг туғи остида жамланиб, хитойларнинг тасарруфларидан чиқиб кетишлари ҳам мумкин. Бундай фикрга келган хитойлар Қўқонга ўз элчиларини йўлладилар ва Қўқон хонлиги билан унинг қўл остидаги хожалар устидан назорат қилиб туриш, шунингдек, уларнинг Қошғарга қочиб келишларига монелик қилиш тўғрисида музокаралар олиб бордилар. Бунинг эвазига Қўқон хонига ҳар йили ямбу¹ билан ўлпон тўлаб туришга ваъда бердилар. Қўқон хони ўз навбатида бундан буён хожаларнинг Қошғар томонларига қочиб кетишларига йўл қўймаслик мажбуриятини олди...». Қошғарда ўттиз йилдан бери истиқомат қилиб келаётган Қўқон оқсоқоллари бу ерда катта нуфузга эга эдилар. «Оқсоқолларнинг ҳар қайсиси, — деб давом этади Қурбон Али Аёғузий — Қошғарда шундай ҳокимиятга эга эдиларки, чинлар улар билан ҳисоблашишга мажбур эдилар. [Оқсоқол] Қошғар ҳақимбеги оқсоқол билан сўрашиш учун отдан тушмаган бир хизматкорини калтаклаганини эшитиб дарғазаб бўлган ва хитой маъмурияти бошлиғига навкарини юбориб Ҳақимбек ундан узр сўраши кераклигини талаб қилган... Акс ҳолда, — деган экан у, мен хонга мактуб юбораман ва хожани бу ерга чақиртириб, унинг (Ҳақимбекнинг) кўзига оламини тор қиламан». Бу Хитой бошлиғига маълум бўлгач, у дарҳол оқсоқолга 20 ямбу, бир неча ўрам парча мато инъом қилиб юбориб, узр сўраган, Ҳақимбекни эса мансабидан четлаштирган. Шундан кейин оқсоқол ҳам тинчиган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Қошғар Қўқон хазинасига ҳар йили оқсоқол томонидан 500 кумуш ямбу юбориб турган. Шу тариқа оқсоқоллар катта нуфузга эга эдилар. «Таворихи хамсайи шарқий» дан келтирилган маълумотларни Чўқон Валихоновнинг шохидлиги ҳам тасдиқлайди: «Мазкур мансаб, — деб ёзади у, — Қўқон хони тарафидан ижара шarti билан берилган мансабдир. Дастлаб мазкур мансабга савдогарлар тоифасидан бўлган одамлар тайинланганлар, кейинроқ эса бу мансабни кўпроқ ҳарбийлар эгаллаганлар. Сўнгги икки оқсоқол

додхонинг¹ сипоҳийларидан. Вакил ҳуқуқига эга бўлган бош оқсоқол Қошғарда истиқомат қилади, унинг ҳузурида закотчи, хазиначи ва идора ишларининг бошқарувчиси ва яна бошқа турли юмушларни бажарувчи бир қанча сипоҳийлар хизмат қиладилар. Қошғардан бошқа шаҳарларга оқсоқоллар тайинлаш ҳам унинг ихтиёрида бўлган. Тайинланган оқсоқол эса ўз навбатида бу мансабларни ўша шаҳарнинг савдо-сотиқдаги аҳамияти ва келадиган даромадга қараб ижарага берган... Бундан ташқари, оқсоқол қишлоқларга миршаблар, солиқ йиғувчи, девонбегилар, ўзига тобе бўлган чўнгбоғиш қирғиз уругига эса элбегиларни тайинлайди. Қошғарда эса оқсоқолнинг қўрбошилари, қози ва имомлари бор. Оқсоқолнинг ҳузурида хон томонидан тайинланган ва шунинг учун ҳам хон даллол деб аталувчи даллол ҳам бор. Бу мансабдор муҳожирлар билан бўладиган савдо-сотиқ ишларида даллоллик қилгани учун, башарти бу савдо-сотиқ ямбу билан бўлса, ҳар ямбудан 3 тилла, агар олтин билан бўлса — ўндан бир улушини олганлар. Қошғардан чиқиб кетаётган карвондаги ҳар бир улудан 2 таъгадан бож олинган. Даллоллар хазинага йилига 1200 дона фу—чой, яъни 3600 кумуш пул тўлаб турганлар». Ва яна бошқа бир жойда ўқиймиз: «Олти шаҳар: Қошғар, Янгиҳисор, Ерканд, Хўтан, Оқсув, Учтурфон аҳолисининг тўртдан бир қисми 145 минг кишига яқин, тамоман қўқонликлар нэмидадирлар ва бу ҳол уларни хоҳ хитойлар билан, хоҳ ерян халқ билан муносабатларида сурбет қилиб юборган».

Араб-форс тилида ёзилган манбалар Хитойнинг шимоли-ғарбидаги ва ғарбидаги қўшнилариининг у билан узвий иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқада бўлиб келган туркий халқлар ва сўғдийлар тарихини ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Номаълум муаллиф тарафидан 983 йили битилган «Худуд ул-олам» («Оламнинг чегаралари») деган асарда тўқузғузлар (хитойларга яқин жойлашган туркий халқ), яғмолар, қирғизлар ва қорлуқ (халлух) лар тўғрисида ўта қимматли маълумотларни учратамиз. Бу асарда юқорида тилга олинган халқларнинг истиқомат қилиб турган ерлари (яъни уларнинг мамлакатлари ва унинг чегаралари), касб-корлари, урф-одатлари, дини, ақидалари тўғрисида қисқа, лекин муҳим аҳамиятга молик бўлган маълумотлар келтирилган. Жумладан, тарихнавис Гардизийнинг «Зайн ул-ахбор» ида (1050 йилларда ёзилган), қорлуқ, яғмо, кимақ, қирғиз, тўқузғузлар тўғрисида гапирилар экан, «Худуд ул-олам» дан фарқли ўлароқ, ўша халқлар яшаб турган ерларга олиб борадиган йўллар, айрим ҳолларда эса олий ҳукмдорларининг қароргоҳига олиб борадиган йўллар ҳам кўрсатиб берилади. Айни замонда, муаллиф сайёҳга йўлда дуч келиши мумкин бўлган ҳодисаларни ҳам муфассал тушун-

¹ Додхо — адолат ахтарувчи. Хон номига ёзилган арзномаларни қабул қилиб, унинг инобатга олинган-олинмагани ҳақида маълумот берувчи олий мансабдор.

¹ Ямбу — кумуш оқча; оғирлиги 50 даян (1,8 гр).

тириб беради. Чунончи: «Қирғизлар томон олиб борадиган йўл (уларнинг вилоятлари Хитой билан чегарадош эди) тўқузғузлар мамлакатидан ўтиб, Чинанчкентдан Ҳасанга олиб боради, Ҳасандан Нухбекка, ундан то Кемиз-ортагача яйловлар орқали бир ёки икки ойлик йўл. Шу ҳисобда беш кун чўлдан юрилади. Кемиздан Манбек-лугача эса тоғлар орқали икки кунлик йўл, сўнгра йўл ўрмонга туташади. Сўнгра эса чўл бошланиб, бу ерда чашмалар ва ов қилинадиган жойлар бор. Улар Манбек-лудеб аталувчи тоққа қадар чўзилган. Тоғ баланд, унда кўплаб сувсарлар, олмахонлар ҳамда мускус олинадиган кийиклар, дарахтлар кўп ва мўл ов қилиш мумкин бўлган жойлар мавжуд. Тоғда аҳоли кўп. Манбек-лудан сўнг Кечмен келади, йўл бўйлаб ўтлоқ ва яйловлар, кўплаб овланадиган қушлар мавжуд. Бу йўл Кечмен тоғигача бўлиб, тўрт кунлик масофа. Тоғ баланд, унда кўп дарахтлар ўсади, [бориладиган] йўл тор. Кечмендан қирғизлар қароргоҳигача етти кунлик йўл. Бу йўлда чўллар ва майсазор ўтлоқлар, шифобахш булоқлар, бир-бирларига чирмашиб ўсган дарахтлар учрайдики, бу ердан ҳеч қандай душман у тарафларга ўта олмайди. Қирғизлар қўшигача¹ чўзилган йўл худди жаннатмакон боққа ўхшайди. [Мамлакатнинг] энг гўзал макони ҳисобланган бу ерда қирғиз ҳоқонининг ҳарбий қароргоҳи жойлашган. Қароргоҳга уч йўл билан борилади, бундан бошқа йўллар баланд тоғлар ҳамда бир-бирига чирмашиб кетган дарахтлар билан тўсилган. Уч йўлдан биттаси жанубга, тўқузғузларга, бошқаси эса — ғарбга, кимаклар ҳамда халлажлар [макони] га, учинчи йўл — чўлга олиб боради. Фури деб аталмиш катта бир қавмнинг юртига уч ой йўл босиб борилади...».

Маҳмуд Кошғарийнинг жаҳонга машҳур «Девону луғатит турк» асарида туркларнинг босмил, қай, ябақу, тотор, қирғиз, чигил ва бошқа қабилалари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. «Ҳозирги кунда, — деб ёзган эди олим, — турклар вилоятларининг чегараси [Ғарбда] Абескун (Каспий) денгизи бўйлаб Румгача ва Шарқда Ўзганддан Чингача боради. Узунлиги 5000, эни 3000 фарсахдир». Асарга илова қилинган харитада бу халқлар қуйидаги тартибда жойлашган: ғарбдан, яъни Румдан шарққа, яъни Хитой чегарасигача бижанаклар, қипчоқлар, ўғузлар, ём, бошқирд, қой, ябақу, тотор, қирғизлар; шимолдан жанубга томон: чигиллар, тухси, яғмо, игроқ, жо-руқ, жумул, уйғур, тангутлар [истиқомат қиладилар].

Фахриддин Муборакшоҳ Марваррудийнинг ҳали яхши ўрганилмаган, лекин қимматли «Тарихи Фахруддин Муборакшоҳ Марваррудий» (1206 йилда ёзилган) номли асарида ҳам туркий халқлар ҳақида кўп қимматли маълумотлар бор. Асарда турклар ҳақида, жумладан, шундай дейилади: «Турклар вилоятининг шарқий тарафида Чин мамлакати жойлашган бўлиб, ғарбда Туркистоннинг чегараси Рум билан туташ, шимолда

Яжуж ва Мажуж¹ девори бўйлаб ўтади, жанубда эса Ҳиндистон тоғларининг қорли чўққилари бўйлаб ўтади.

Туркистонда ишлаб чиқариладиган ажойиб товарлар бошқа мамлакатларга олиб кетилиб, катта баҳода сотилади. Уларнинг нави жуда кўп, [масалан]: Тотор, Ҳўтан ва Тибатда тайёрланадиган мушк, чиний ва хитойий деб аталган қимматбаҳо кийим-кечаклар, туркларнинг қизил олий навли ёкути, сув қундузи, тулки, оқсувсар, кулранг олмахон мўйналари, булғор ва буртас (мўйналари), оқ қайин новдасидан ишланган ўқлар (тири ҳаданг), гузз, Тибат қўтосининг мугузи, лочинлар ва қирғийлар, яшма тоши; наслдор отлар, туз, дунёда тенги йўқ тезюрар туялар [шулар жумласидан].

Туркларнинг ёзуви ҳам бўлган; сеҳр ва осмон ёритгичларининг сиру асроридан воқиф бўлганлар, фарзандларини ўқиш-ёзишга ўргатганлар. Турклар орасида ёзувнинг икки тури мавжуд эди. Бири—сўғд ёзуви, иккинчиси — тўқузғуз ёзуви. Сўғдийча ёзувда тахминан йигирма беш ҳарф бўлган, уч ҳарф — «зот», «зе», «ғайн» ҳарфлари бўлмаган. Ундан сўлга қараб ёзилган; ҳарфлар бир-бирлари билан қўшилмай ёзилган... Тўқузғуз ёзуви йигирма саккиз ҳарфдан ташкил топган; ўндан чап тарафга қараб ёзилади. Ҳарфлар бир-бири билан қўшилмайди. Турклар ҳам шеър, қасида, рубойлар битишни биладилар.

Турк қабилалари кўп сонли бўлган. Уларнинг катта қисми чўлда, турли жойларда истиқомат қиладилар ҳамда қор-қировли киш қунларидан бошқа вақтларда мол-ҳол билан бир ерда узоқ турмайдилар. Башарти, кимки барча қабилаларни ўзига қаратиб олишни ихтиёр қилгудек бўлса, бу хомхаёлдан бошқа нарса бўлиб чиқмасди. Уларнинг номлари қуйидагича: турк, ялоқ, қирғиз, чигил, анмур, қорлуқ, киник, ёғи, солук, халаж, ўғуз... гай, қой, тухси, тибат, қора, сақулат, кимчи, кимак, хазар, қора тотор, қонғли, барғу, гузз, қора гузз, тўқизгузз, яғмо, орақун, қиёқ, салғур, ёзғир, рукур, боёндур, ола ёндулик, уғур, туғроқ, баёт, тутурға, дучирон, суйик, ябақу, афшор, бсг-риз, бекдили, иқба (укба), атқуқ, луъзатара, урул, лартилё з, басмил, ал-Барсхон».

Бундай маълумотларни ўзида акс эттирган манбалар анчагина. Биз улардан айримлари устида қисқача тўхталиб ўтдик, холос. Бундан кўзлаган мақсадимиз тарихчи туркшунос ва хитойшунос тадқиқотчи олимларнинг эътиборини манбаларга ва уларнинг маълумотларига жалб қилишдан иборат.

МУТРИБИЙ ВА УНИНГ ТАЗКИРАЛАРИ

XVI асрнинг иккинчи ярми — XVII асрнинг биринчи чорагида яшаб ижод этган истеъдодли шоир, адабиётшунос ва муסיқашунос олим Мутрибийнинг ҳаёти ва ижоди хусусида шу

¹ Қўш — қароргоҳ, ўрда.

¹ Яжуж ва Мажуж — ривоятларга кўра Осиё қитъасининг шимолий тарафида жойлашган афсонавий бир халқ.

кунга қадар жуда кам маълумотга эгамиз. Қўлимиздаги маълумотларга қараганда, Мутрибий XVI асрнинг иккинчи ярмида туғилиб, XVII асрнинг 30-йилларида вафот этган. У машҳур Бухоролик шоир ва адабиётшунос хожа Ҳасан Нисорийнинг (1597 йилда вафот этган) шогирди бўлиб, 320 дан ортиқ ўрта осёшлик шоирлар тўғрисида қисқача маълумот берувчи «Тазкират уш-шуаро» номли асар муаллифидир. Бироқ Мутрибийнинг бундан ташқари яна «Нусхайи зебайи Жаҳонгир» («Жаҳонгир подшоҳнинг зебо китоби») ва «Хотироти Мутрибий» («Мутрибий хотиралари») номли асарлари ҳам бўлиб, «Тарихи Жаҳонгир» («Жаҳонгир подшоҳ тарихи») номли асар билан бир муқовада Англиянинг «Индия оффис» (инв. № 3023) кутубхонасида сақланади. Асар ҳақида бир вақтлар инглиялик шарқшунос Герман Эге айрим гапларни айтиб ўтган эди.

Жаҳонгир подшоҳ номидан тузилган «Нусхайи зебайи Жаҳонгир»нинг сўнгги хотима қисми «Хотироти Мутрибий» китоби билан биргаликда 1976—1977 йилларда тожикистонлик шарқшунос олим Абдуғани Мирзоев, покистонлик адабиётшунослар Маҳмуд Ҳасан Сиддиқий ва Хисомиддин Рашидийлар томонидан Қарочи (Покистон) да chop этилган.

Мутрибийнинг ҳар иккала асари XVI—XVII асрларда Шимолий Ҳиндистон ва Урта Осиё маданий алоқалари тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Шунинг билан бирга мазкур асарлар тарихшунослар ва адабиётшунослар ихтиёрига Мутрибийнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг атрофидаги одамлар, энг муҳими, унинг илм қабзаси хусусида янги маълумотлар беради. Мутрибийнинг юқорида тилга олинган асарларида келтирилган маълумотлар асосида уни 1559 йилда Самарқандда тутилган деб айтиш мумкин. Унинг боболари Малик арғун (ота томондан) ва Басирийлар (она томондан) ўз даврининг машҳур шоирларидан бўлганлар. Мутрибийнинг отаси ҳам маълумотли киши эди. Бўлажак олим ва шоир бошланғич маълумотли тугилган юрти — Самарқандда олди: шеърят ва мусиқа собидаги истеъдоди (айниқса най ва қонунда куй чалиш бўйича); унинг ёшлик чоғидаёқ намоён бўлди. Бошланғич мактабни тугатгандан кейин Мутрибий Бухорага борди ва у ерда адабиёт ва шеърят соҳасидаги билимларини юқорида номи зикр этилган хожа Ҳасан Нисорий ёрдамида камолотга етказди. Унинг мусиқа бўйича биринчи муаллими Камолиддин Ҳофиз Абдурахим музаҳҳиб эди.

Мутрибийнинг кейинги ҳаёти ва ижодий фаолияти қандай кечди? «Тазкират уш-шуаро» нинг бош қисмида Мутрибий шайбонийлар хонадонидан чиққан 17 нафар таъби назми бўлган султон ва хонлар тўғрисида маълумот келтирган. Булар орасида Абдуллахон II, Абдулмўминхон, Абдол султон (ҳақиқий исми Абдулмалик султон), Абдулхайр султон, Боҳодир султон, Музаффар султон ва бошқалар бор. Олим уларни шахсан таниш-лиги, баъзиларининг эса хизматида бўлганлигини айтади.

Маълумки, Абдуллахон II 1557 йил 5 июнь куни Бухорони

эгаллагандан то умрининг охиригача, яъни 1598 йил 8 февралгача Бухоро хонлиги тепасида турган. Абдулмўмин отасидан сўнг олти ойгина ҳукмронлик қилган. Фикримизча, Мутрибий Абдуллахонни ҳам, Абдулмўминни ҳам XVI асрнинг 70-йил ўрталаридан яхши билган, чунки у анча кексайган чоғида, яъни 1626 йилда Лоҳурда Жаҳонгир подшоҳ билан бўлган бир суҳбат чоғида уларнинг шаклу шамоилини унга батафсил сўзлаб берган. Абдол султон Самарқанд ҳокими шайбоний Абдуллатиф султоннинг (1540—1552) ўғли бўлиб, 1577 йили Ҳисори шодмонда шайбоний Ўзбекхон томонидан ўлдирилган. Баҳодир султон эса XVI асрнинг 50-йилларида Бухоро тахтига даъвогарлик қилганлардан бири шайбоний Султон Саидхоннинг ўғли бўлиб, 1568 йили Самарқанд бўсағасидаги Қорабулоқда Абдуллахон билан бўлган жангда ўлдирилган. Абулхайр султон ва Музаффар султонлар эса Самарқанд ҳокими шайбоний Жувонмард Алихоннинг ўғиллари бўлиб, 1578 ва 1582 йиллари Абдуллахоннинг буйруғи билан қатл этилганлар.

«Тазкират уш-шуаро» да сўнгги иккита султонга катта ўрни берилган, айниқса Абулхайр султонга муфассал тўхталиб ўтилган. Мутрибий унинг хулқ-атвори ва касб-кори ҳақида фикр юритиб, уни дағал, исёنчи ва тартибсизликларга мойил киши сифатида таърифлайди. Бундан Мутрибийнинг Жувонмард Алихон ва унинг ўғиллари хизматида бўлганлиги кўриниб турибди.

Шундай қилиб, Мутрибий 1612 йилгача асосан Самарқандда истиқомат қилган, узоқ вақт Самарқанд ҳокими амир Ҳожибий қўшчининг хизматида бўлган. Сўнгра аштархоний Боқи Муҳаммадхон саройида хизматда бўлган. Мутрибий 1612 йилда Ҳиндистонга сафарга жўнамоқчи бўлган, лекин онлавий аҳволига (унинг қарамоғида 20 жон бўлган) кўра, ўша вақтда бу орзусини амалга ошира олмаган.

1620—1624 йиллари Мутрибий ўзининг иккинчи тазкираси бўлмиш «Нусхайи зебайи Жаҳонгир»га тартиб бериш устида тинимсиз ишлаб, Мовароуннаҳр, Балх ва Бадахшон ўлкаларини кезган ва тазкира учун керакли маълумотлар йиғган. У 1621 йили 69 ёшида мазкур асарини ёзишга киришиб, бир йилдан сўнг тугатади ва ўша йилнинг кузида ўғли Муҳаммад Али билан бирга Ҳиндистонга қараб йўл олади. Сафар давомида янги маълумотлар тўплаш учун Қандаҳорда узоқ муддат тўхтаб, ниҳоят 1626 йили Лоҳурга етиб боради. Ўша пайтда Жаҳонгир подшоҳ ўша шаҳарда турган эди. Олим бир-икки ой тазкира устидаги ишларини давом эттириб, уни тугатади (тазкиранинг ёзилиш тарихи унинг номида, яъни «Нусхайи зебайи Жаҳонгир» — 1035 сўзларида яширинган) ва подшоҳга тақдим этади. Мутрибий Лоҳурда бир йил истиқомат қилади ва 1627 йили 71 ёшида она шаҳри Самарқандга қайтади. Унинг бундан кейинги тақдири маълум эмас.

Мутрибийнинг умри кечган маданий доира ҳусусида икки оғиз сўз. Унинг келажакда йирик олим—адабиётшунос, шоир,

муסיқашунос бўлиб етишишида ўз истеъдодидан ташқари, юқорида номлари қайд этилган хожа Ҳасан Нисорий ва Ҳожибий оталиқ қўшчининг хизмати катта бўлган, чунки уларнинг хонадони ўша даврда ўтган шоирлар, олимлар, муסיқашунослар ва бошқа илм ва маданият намояндalarининг тўпланадиган маскани бўлиб қолган эди. Мутрибий хожа Ҳасан Нисорийга шогирд тушган, Ҳожибий оталиқнинг, юқорида айтиб ўтганимиздек, хизматида бўлган. Улар томонидан тез-тез ўтказиб туриладиган адабий кечалар Мутрибийнинг Самарқанд ва Бухоронинг кўзга кўринган адабиёт ва санъат соҳиблари билан танишишига имкон берган, айниқса ўз маълумотини такомиллаштиришига ёрдам берган. Тазкирада келтирилган маълумотларнинг шохидлик қилишича, Мутрибийнинг илм-фан ва маданиятга қизқиш донраси жуда кенг бўлган, у классик адабиёт ва шеърият, фалсафа ва тарих, илоҳиёт, муסיқа илми ва ҳуснихат бўйича ҳар томонлама тўлиқ маълумот олган. Мутрибий адабиёт ва аруз (шеърият) илмида хожа Ҳасан Нисорийнинг, фалсафа илмида машҳур файласуф олим Юсуф Қорабоғийнинг, муסיқада Ёвмий Балхийнинг, илоҳиёт ва илми аълид (хиромантия) да Самарқанддаги машҳур Муқаттаъ масжидининг имоми мавлоно Низорий Бадахшийнинг, олтин суви бериб китоб безашда Рустам наққошнинг, ҳуснихатда Собит Миёнқолийнинг шогирди бўлган. Мутрибийга яқин бўлган шоирлар орасида Фарроний Самарқандий (ҳақиқий исми Ҳабибулло), истеъдодли ғазалнавис шоир ва шеърият илми билимдони хожа Дўстназар Қурайший, рубоийнавис шоир, бизгача етиб келмаган «Риёз уш-шуаро» («Шоирлар гулшани») тазкирасининг муаллифи Муҳаммад Содиқ кабилар бўлган. Мутрибийнинг айтишича, Муҳаммад Содиқ сиёқ илмининг билимдони бўлиб, бу борада алоҳида китоб ёзган ва ундан ўша даврдаги моллия ишлари билан машғул бўлган мансабдорлар (муставфийлар ва дафтардорлар) фойдаланган.

Энди Мутрибий асарлари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Олимнинг биринчи асари «Тазкират уш-шуаро» деб аталиб, XVI асрнинг сўнги чораги ва XVII асрнинг бошида ўтган ўрта осиелий шоирлар ҳақида мухтасар маълумот берувчи асар сифатида машҳур бўлган ва биз юқорида бу ҳақда озми-кўпми гапириб ўтдик. Лекин Мутрибийнинг кенг китобхонлар оммасига маълум бўлмай қолган яна икки асари бор. Булардан бири «Нусхайи зебайи Жаҳонгир» дир.

«Хотироти Мутрибий»да айтилишича, олимнинг мазкур тазкирасини подшоҳ ва унинг атрофидагилар маъқул деб топадилар, аммо подшоҳ асарни сарой кутубхонасига топширишдан аввал унга ўзининг маълумотларини ҳам қўшиб, тазкирани унинг номи билан безашни сўрайди. Бу ўринда Мутрибий Жаҳонгир подшоҳнинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Менинг раҳматли отам ҳукмронлик қилган даврдаги шоирларнинг номларини ўз ичига олган бир неча варақни мен ўспиринлик дав-

римда битиб қўйган эдим, лекин у жуда қисқа. Қайтадан ишлаб ўз асарингизга қўшсангиз кўп яхши бўлур эди». «Мен,— деб давом этади Мутрибий, — таслим бўлиб, икки қатор шеър айтдим:

Парвардигоро, токи ойу қуёш нур сочиб тургунга қадар,
Жаҳонгир подшоҳ ибн Акбаршоҳ эсон-омон бўлғай».

Жаҳонгир подшоҳнинг Мутрибийга берган маълумотлари ҳажм жиҳатдан унча катта бўлмай, уларда подшо Жалолиддин Муҳаммад Акбар замонида яшаб шуҳрат қозонган 80 нафар шоир тўғрисида жуда қисқа маълумот берилган. Мутрибий Жаҳонгир подшоҳнинг ёзувларини ўз тазкирасининг охирига қўшган.

«Нусхайи зебайи Жаҳонгир» нинг ўзи XVI асрнинг охири — XVII асрнинг биринчи чорагида Эрон, Ҳиндистон, Бадахшон ва Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган 292 шоир тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Бу асар шу кунгача кам ўрганилган, ҳатто нашр ҳам қилинмаган. 1665 йил 10 мартда Муҳаммад Амин ал-Хусайний тарафидан Шоҳжаҳонободда кўчирилган нусхаси, юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳозир Англиянинг «Индия оффис» кутубхонасида сақланмоқда.

«Нусхайи зебайи Жаҳонгир» муқаддима, хотима ва икки қисм (силсила) дан иборат.

Биринчи фасл (табақа) «Чиғатойхон наслидан бўлган ҳокимлар ва уларнинг замонида девонлари Мовароуннаҳрда кенг тарқалган, ном чиқарган ва донғи кетган шоирлар тавсифида» деб номланиб, Ҳиндистонда бобурийлар даврида кўзга кўринган Шимолий Ҳиндистон ва бадахшонлик шоирлар ижодига бағишланган.

Асарнинг иккинчи қисми «Ўзбек ҳукмдорлари даврида ном чиқариб машҳур бўлган шоирлар ҳақида» деб аталиб, ўз навбатида икки фаслдан иборат: 1) «Шайбонийлар хонадонига мансуб ҳукмдорлар ва уларнинг даврида ўтган шоирлар ҳақида»; 2) «Келиб чиқиши улуг Чингизхон хонадонига уланадиган ҳукмдорлар ва уларнинг замонида шон-шуҳрат қозонган шоирлар ҳақида».

Хотимада бу фақирнинг Оллоҳнинг ердаги ноиб [Жаҳонгир подшоҳнинг] сояси хизматида бўлгани ва ўша даврда юз берган воқеалар ҳикоя қилинади.

«Нусхайи зебайи Жаҳонгир» фақат Мовароуннаҳр, Балх, Бадахшон, Эрон ва Шимолий Ҳиндистоннинг маданий ҳаётининггина эмас, балки XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII аср бошларида Ўрта Осие—Ҳиндистон адабий алоқаларини ўрганишда ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Мутрибийнинг кўпчиликка номаълум яна бир асари «Хотироти Мутрибий» деб аталади. Асар ҳажм жиҳатдан унча катта эмас—ҳаммаси бўлиб 86 варақдан иборат. У Мутрибийнинг муҳим асарларидан бўлиб, унда Шимолий Ҳиндистоннинг, айниқса унинг сиёсий, иқтисодий ва маданият марказларидан бири

бўлган Лоҳур шаҳри, Урта аср Ҳиндистонининг илмий ва адабий ҳаёти ва Мовароуннаҳрнинг XVII аср биринчи чорагидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи ва маданий ҳаёти хусусида муҳим фактик материаллар мавжуд.

Мазкур асар қисқа дебеча ва 24 та эсдалик (хотира) дая иборат бўлиб, Мутрибийнинг Лоҳурда бўлган вақтидаги Жаҳонгир подшоҳ ва унинг сарой аҳли билан учрашувлари хусусидаги ўзинга хос кундалиқдир. Асар 1627 йил бошларида битилган ва ниҳоятда қимматлидир. Сўзимизнинг исботи учун ундан бир неча парча келтирамиз:

«Иккинчи учрашув. Оллоҳнинг ноиби ҳузурига таъзиму тақрим билан кирдим. Ўзига яқинроқ, олиймақом шахзодалар, султонлар ва аркони давлат ёнига келиб ўтиришимни буюрдилар. Мажлисда навоб Асафхон, хожа Абулҳасан девон, Иродатхон, Хосхон, мовароуннаҳрлик Баҳодирхон ва бошқалар иштирок этдилар.

Сўнгра ҳазрати олийлари Самарқандда Гўри Амир номи билан машҳур бўлган ва ҳазрати соҳибқирон Амир Темур ҳамда унинг улўғ авлоди дафн этилган муқаддас мақбара хусусида сўрадилар. Мен шундай жавоб қилдим: «Ушбу мақбаранинг аҳволига биз «Нусхайи зебайи Жаҳонгир» китобида тўхталиб ўтганмиз... Ишончим комилки, Тангри таолонинг ноибига бу маълумдир. Шундан сўнг у жаноби соҳибқироннинг қабри устига қўйилган тошнинг ранги хусусида сўрадилар. Муқоиса қилиб кўриш учун қора тусдаги тўртбурчак бир тошни олиб кирдилар. Сўнг подшоҳ сўрадилар: «Ўша муқаддас қабр тоши шу рангдами?» Мушкул бир аҳволга тушиб қолдим ва ўша тош [парчаси] ёнимда бўлмаганидан афсусландим. Шундай бўлса-да, бўшашиброқ жавоб қилдим: «Ўша муборак тош сал тиниқроқ. Унинг тиниқлиги шу даражадаки, унда худди ойнадаги каби киши бемалол ўз аксини кўриши мумкин». Лекин, аслида, ўша қабр тоши асл тош эмас эди. Фарзандимиз Муҳаммад Али бир куни бундай деган эди: «...Бир одам ўша қабр тоши аслида тош эмас, балки қорайиб кетган олтин деб айтган эди». Шунда мен ўғлимга эътироз билдириб, дедим: «Э, бола, қорайиб кетган олтин ҳам бўладими?» Мен бунга ишонмадим, лекин, шунга қарамай, ўғлимнинг гаплари ҳақиқат эканлиги маълум бўлди. Бизнинг фикримизнинг тўғри эмаслигига далил-исбот шу эдики, шаҳзода Қуссам ибн Аббоснинг¹, Гўри Амирнинг суфасида жойлашган нур таратувчи қабрига етти парчадан иборат бир тош қўйилганким, унга мана бу рубоий ўйиб ёзилган:

Э, орзу умид билан,

Бу ерга келган ҳожатманд.

Шу мақбарани қурувчиси Али Табризийни

Қуруқ бўлса ҳам бир йўқлаб ўт.

Боқи Му аммадхон ҳукмронлиги даврида Шамсиддин Муҳаммад деган бир одамнинг ўғли, у Султон Саидхон ҳузурига керак яроқчи бўлиб хизмат қиларди ва уни Жувонмард Алихон қандайдир гуноҳи учун шаҳид Улуғбек кўрагоннинг мадрасаси минорасидан ташлаб юбориши буюрган. Уни минора томон олиб кетаётганларида қуйидаги рубоийни айтган экан:

Э, Оллоҳ! Тақдир мени гамга солди,

Овчи эдим энди ўзимни арқон билан боғладилар.

Юзлаб хонадонларни бузиб, жабр-зулм қилган эдим,

Кимга арз қиламан, энди арқонга боғланганман.

Бу ҳикоятни келтиришдан мақсад шулки, кейинчалик ана шу керак яроқчининг ўғли Мирак ўша тошдаги рубоийни ўқиб, унинг мазмунини тушунди. Бу унинг хоҳишига тўғри келгани учун кечаси деворга нарвон қўйиб чиқиб, ўша тошни кўчириб олди ва уни уйига олиб кетди. Мақбара теварагида истиқомат қилувчи одамлар буни билиб қолиб, воқеани Боқи Муҳаммадхонга етказдилар. Хоннинг одамлари Миракни қидириб топиб қарасалар тош ҳақиқатан ҳам қорайган олтинга айланиб қолган экан.

Камина ўша вақтда Самарқандда эди ва энди ҳижрий 1036 йил кирган эди; тошнинг ҳамон ўша ерда, ўз жойида турганлиги овозаси кенг тарқалди. Одамлар эса бундан таажжубда эдилар.

Ушбу ҳикоятдан кейин совға-саломларни олиб кириш ҳақида фармони олий содир бўлди. Бунда қимматбаҳо белбоғ, кашмирий рўмол билан тақдирландим; ўғлимиз Муҳаммад Али эса олтин ип билан тикилган кўйлак, қимматли чир (?), гул солинган сочиқ олди. Шундан кейин подшо бундай дедилар: «Сизлар учун мурассаъ эгарли от ажратилган, аммо эртага берилади».

«Учинчи учрашув. Эртаси куни кечқурун... яна ҳазрати олийларининг остонаси пойини ўпиш учун бордим. Аркони давлат ва ҳазрати олийларининг мулозимлари тўпланишган эканлар. Қандайдир бир оврўполик ҳазрати олийларининг олдига пешкаш¹ қўйди. Халифанинг ноиби, яъни Жаҳонгир подшоҳ қўлида ўн икки варақлик тўрт бармоқдан катта бўлмаган китобчани тутиб турардилар. Қоғози нўхат ранг бўлиб, муқоваси занжирли ва қулф-калитли эди. Ҳазрати олийлари мени ҳузурларига чорлаб сўрадилар: «Бу қандай китоб?» Бу ҳақда ҳеч нима билмаганим учун жавоб қилдим: «Қиблагохим, унинг қандай китоблигини билолмадим». Ушанда у мурувватли қўли билан занжирни ечди ва китобни менга тутқазаетиб деди: «Унинг варақларига нимани хоҳласанг ёзишинг ва ўчиришинг мумкин, ўчиргандан сўнг варақлар яна асл ҳолига қайтади. Яна қайтадан ёзиб, яна шундай ўчириш мумкин. Шундай қилиб, унга дунёнинг ҳамма китобларини кўчириб ёзса бўлади». Мен ҳайрат оғушида қолдим. Ҳазрати олийлари менинг ҳайратимга чек қўйиш учун шу китоб-

¹ Пешкаш — турли-туман нарсалардан иборат нисом.

нинг бир варағига ўз ижодидан бўлган [қуйида и] бир байтни ёздилар:

Варақларга биз хаг битдик,
Шояд ўз мухлисини топса.

Сўнг байтни ўзларининг муқаддас қўллари билан ўчириб менга кўрсатдилар. Варақ аслидагидек топ-тоза эди. Сўнгра ҳазилнамо бир оҳангда дедилар: «Бу китобни бир рупийга сенга сотаман, оласанми?» Мен жавоб қилдим: «Қиблагоҳим, қўрқаманки, бу китоб қиёфасидаги тилсим эмасмикан? Агар шундай бўлса, менга бахтсизлик келтиради». Ҳазрати олийлари дедилар: «Китоб тилсимлар зотидан эмас, шунинг учун сенга ҳам, бошқаларга ҳам бахтсизлик келтирмайди». Мен дедим: «Энимда рупийим йўқ». Ҳазрати олийлари кулдилар ва китобни менга совға қилдилар. Ҳозир ҳам ўша китобни тилсим ҳисоблаб, ўзим билан бирга олиб юраман. Борди-ю халифанинг ноибни тарафидан Туронга қайтишимга ижозат бўлса, бу фаройиб китобни совға тариқасида Имомқули Баҳодирхонга тақдим қилар эдим».

«Ўн саккизинчи учрашув. Подшоҳ остонасини ўпиш учун бордим. Подшоҳ қўлида кимларнингдир суратини тутиб турган эдилар. Илтифот кўрсатиб, мени ҳузурига чорлаб сўрадилар: «Диққат қилиб қарачи, суратларда тасвирланган одамлар ким экан?». Диққат билан қараб, уларнинг бирида Абдуллахон ўзбек, бошқа бирида эса унинг ўғли Абдулмўминхон тасвирланган эканлигини танидим. Подшоҳ дедилар: «Улар ўхшайдими ёки эътирозинг борми, агар бўлса айт». Мен жавоб қилдим: «Абдуллахон [бир қадар] семиз бўлиб қолган, ияги бўлса тўғри қилиб чизилган, аслида эса бундай эмас. Семиз ҳам эмас, иягида эса чандиқ бор. Подшоҳ сўрадилар: «Чандиқ иягининг чап томонидами ёки ўнгидами?» Мен жавоб қилдим: «Чап томонида». Подшоҳ мусавирни чақиртириб, расмини қайтадан чизишни, кўрсатилган камчиликларни иноватга олишни буюрди. Шундан сўнг подшоҳ менга қараб: «Абдулмўминхоннинг тасвири хусусида нима дейсан?, — деди. Жавоб қилдим: «Уни қарача қилиб тасвирлашибди, аслида эса у бундай эмас, буғдой ранг одам; салла ўраганда эса бир учини бир оз тушириб қўяди, ўшанда жуда чиройли чиқади». Подшоҳ буюрдилар: «Саллангни ечиб, менинг бошимга худди Абдулмўминхонникига ўхшатиб ўраб қўй». Мен унинг хоҳишини бажо келтирдим ва айнан Абдулмўминхонникидек чиқди. Оллоҳнинг ноибни мусавирни чақиртириб, суратни қайтадан чизишни буюрди.

Эртаси куни мусавир қайтадан чизилган суратларни олиб келди ва улар ҳазрати олийларига маъқул бўлди».

«Ўн тўққизинчи учрашув. Яна саройга бордим. Подшоҳ дедилар: «Худога шукурким, тез кунлар ичида олий мартабалик Абдурраҳимхожа билан учрашиш шарафига муяссар бўламиз. Унинг оғаси Тожиддин Ҳасанхожа жуйборий билан ҳам учрашимиз бор. Шундан кейин мендан унинг яхши одатлари ва халқини

ишлари ҳақида гапириб беришни сўрадилар. Мен жавоб бердим: «Олам қиблагоҳидан тангри рози бўлғай. Абдурраҳимхожанинг олижаноб хулқ-одатларидан нимани кўрмоқчи бўлсангиз, шак-шубҳасиз, бунга муяссар бўласиз». Подшоҳ дедилар: «Мен уни Абдихожадан нуфузлироқ деб ҳисоблайман, чунки у Абдихожадан катта. Абдурраҳимхожага, Абдихожага кўра, ҳурматим каттароқ».

«Йигирманчи учрашув. Подшоҳ: «шу кунларда китобингизни кўп ўқидим. Унда Тожиддин Ҳасанхожа жуйборийнинг ўғли Юсуфхожа ҳақидаги қайдларни учратдик. Унинг газалларини ўқиб шу фикрга келдикки, хожазода ўта қобилиятли ва яхши шеърлар ёзар экан. Шу вақтгача уни менга хожа Зайнуддин Нақшбандий таърифлаган, уни шундан билардим, аммо шеърлари билан таниш эмас эдим. Энди билдимки, бу киши ҳаддан зиёд қобилиятли одам ва Жуйбор хожалари орасида шеъриятда унга тенг келадиган одам йўқлиги маълум бўлди», — деди. Кейин давом этиб: «Китобингизда шайхулислом Фулодхожа ҳақида ҳам ўқидим. У бағри кенг одам экан, аммо бундан на фойдаки, унинг эътибори биз томонларга асло тушмаган ва ҳатто бир дона Самарқанд олмасини ҳам бу ерларга олиб келмаган бўлса. Сиз бизнинг эътирозимизни ул жанобга етказишингиз зарур. Яна Турон ҳокими Имомқулихоннинг қариндоши Нодир девонбегини ҳам биламан. Шу гап— Нодир девонбегининг Имомқулихонга қариндошлиги тўғрими?» Мен жавоб қилдим: «Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай. У ўз тўғросини «Низамуддин Нодир Мирзо тоғойи сўзимиз» деган сўзлар билан безайди. Подшоҳ дедилар: «Унинг Имомқулихонга қариндошлигига шубҳам йўқ, чунки у бирон марта ўз қариндошларини биз томонларга юбормаган, аксинча ўз навкарлари ва паст табақадаги одамларини юборади. Бу бизни тап олмаслигидир. Аммо бу яхшими ёки ёмонми билмайман». Мен жавоб бердим:

«Э, худо, Қуёш ва ой то нур сечиб турар экан,
Жаҳонгир подшоҳ ибн Акбар подшоҳ омон бўлғай».

«Йигирма тўртинчи учрашув. Оллоҳнинг ноибни Жаҳонгир подшоҳнинг таъзимига бордим. Баъзи арқони давлат, олий мансабдорлардан ҳазрати олийларининг биз ватандан кечиб бир умрга унга навкар бўлиб қолишга рози бўлсак ва унинг узангисиде Қашмирга жўнашга розилик берсак, бизга бир умрга нафақа, инъом ва рупийларни беришга ҳозирлик кўраётганликларини эшитдим. Биз инъомларни аввало ўзимиз учун катта фахр деб билиб, қолган умрни Оллоҳнинг ноибни хизматида ўтказмоқчи ҳам бўлдик... Лекин ватанга бўлган муҳаббат қалбимни чуқур қамраб олиб, бу орзу орқага сурилди. Бундан ташқари, подшоҳ ҳузурда мулозимликда қолишнинг иложи йўқлигига бошқа сабаблар — ёшнинг ўтиб қолганлиги, қариллик ва куч-қувват кетганлиги ҳам сабаб бўлди. Мени тез-тез тумов, йўтал ва акса уриш қувватсизлантирар, бу эса ҳазрати олийла-

ри девоншда энг ҳудук одат ҳисобланиб, кетиш учун рухсат олишга қарор қилдим...

Э, ҳурматли зот, ёдингда бўлсин, подшоҳларга хизмат қилиш фойдали бўлса-да, ҳаёт учун хавфлидир... Улуғ одамлар подшоҳга хизмат қилишни дарёда сайр қилишга бежиз қиёс қилмаганлар!

Бир гуруҳ одамлар бир бурчакка биқиниб олиб, қимматли умрларини подшоҳларга хизмат қилишдан нарида ўтказдилар. Бошқа тоифадагилар, ўзларини хавфга қўйиб, кеча-ю кундуз шоҳлар атрофида гирд айланиб, уларга яқин бўлишга ҳаракат қилдилар. Банда шунақа одамлар орасида қолдим. Лекин, худди шу пайт менинг қулоқларимда «юртингга қайтишга рухсат олишга ҳаракат қил, болаларингни ва қарииндош-уруғларингни узоқ куттириб, ҳоритма», — деган муқаддас нидо жараңлар эди. Шундан сўнг подшоҳ сўрадилар: «Рухсат олганингдан сўнг қаерга борасан?» Жавоб қилдим: «Самарқандга қайтаман». Подшоҳ яна сўрадилар: «Не вайҳдин кетмоқчисан?» Жавоб қилдим: «У ерда менинг оилам бор, сизнинг совғаларингизни уларга етказмоқчиман, токи улар ҳам Сизнинг сиҳат-саломатлигингиз учун дуо қилишсин». Подшоҳ яна сўрадилар: «Оиланг неча кишидан иборат?» Жавоб бердим: «20 киши». Подшоҳ дедилар: «Сен мен билан бирга жаннатмакон Қашмирга жўнашинг керак, Самарқандга эса 2000 рупий жўнатамиз. Бу сенинг оиланг учун, токи уларни бу ерга, сенинг қошингга кўчириб келгунаригача етиб туради». Мен сўзимда туриб олдим. Жаноби олийларининг кайфияти бузилди ва бундай дедилар: «Сен бизни мажбур қилиб, кетишингга рухсатнома олмоқчисан. Нима ҳам қилдик, биз ҳам бировни мажбур қилиб олиб қолишни истамаймиз». Шундан кейин ғазабнок кўзларини қўли билан тўсиб, имо-ишора билан кетишимга рухсат қилдилар. Лекин бир йилдан кейин яна қайтиб келишимни шарт қилиб қўйдилар».

Мутрибий ва унинг асарлари ҳақидаги қисқа гап шулардан иборат. Унинг асарлари, хусусан сўнги икки асари, ўзбеклар ва тожикларнинг классик адабиётини бойитишда, шунингдек Туркистон билан Ҳиндистоннинг XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг биринчи чорагидаги адабий алоқалари тарихини ўрганишда катта роль ўйнайди.

«РАВЗАТ АР-РИЗВОН» — ҚОШҒАР ТАРИХИ БЎЙИЧА МУҲИМ МАНБА

«Равзат ар-ризвон» (тўлиқ номи: «Равзат ар-ризвон ва ҳадиқат ал-ғилмон» — «Жаннат боғи ва ўрмон маҳрамлари») мазмун жиҳатдан маноқиблар сирасига киради. Лекин, шу типдаги бошқа асарлардан фарқли ўлароқ, маноқибларда ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ҳаётга оид маълумотлар жуда кўп. Шу жумладан, «Равзат ар-ризвон» да ҳам Шарқий Туркистон (Қошғар) тарихига оид маълумотлар бор.

Асар Бухорои шарифда 1589 йили ёзиб тамомланган ва фақат бир нусхада (автограф бўлиши керак) бизгача етиб келган (чиройли настаълиқ хати билан; сарлавҳалари рангли сиёҳ ва тилло суви бериб битилган; ҳар бир варақ тилло суви билан чегараланган; 552 варақ; ҳажми 17,5×26 см; 1589 йили мавлоно Шохим тарафидан кўчирилган). Мазкур ягона нусха ҳозир Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида 2094-рақамда сақланмоқда.

Асар муаллифи катта олим ва шоир Бадриддин ибн Абдусалом ибн саййид Иброҳим ал-Ҳусайн ал-Қашмирийдир. Унинг ҳаёти ва илмий-адабий фаолиятига оид маълумотлар кам. Биз унинг асли кашмирлик бўлиб, 1552 йили Бухорога келиб қолганлиги, Жуйбор хожаларидан хожа Муҳаммад Исломо, хожа Саъд ва хожа Тожиддин Ҳасанларнинг шахсий котиби бўлиб хизмат қилганлиги ва «Равзат ар-ризвон» дан бошқа яна бир қатор муҳим асарлар ёзганлигини биламиз. Шайбоний ҳукмдорлардан Абдуллахон II тарихини ўз ичига олган ва назм билан битилган «Зафарнома» (1593 йилда ёзилган), қадим замонлардан то Муҳаммад Шайбонийхон давригача бўлган тарихимиздан баҳс юритувчи «Русулнома» олимнинг тарихий асарлари жумласидан. Бадриддин Қашмирий 10 минг байтдан иборат «Ҳафт авранг», рубоийлар ва ҳар хил мавзудаги мактубларни ўз ичига олган ва 1576 йилда ёзилган «Равзат ул-жамола» («Гўзаллик боғи»), шеър илмига бағишланган «Баҳр ул-авзон» (1583 йили ёзишга киришилган), 16 минг байтдан иборат «Равзат ал-мурсалин» («Пайғамбарлар боғи») ҳамда 7 минг байтни ўз ичига олган шеърый девон ҳам ёзган.

Муддаога ўтсак, «Равзат ар-ризвон» олим ижодида алоҳида ўрин тутди. Илм-фан учун ҳам зўр қимматга эга бўлган бу асар муқаддима, хотима ва етти бобдан иборат.

Шарқий Туркистон тарихини ўрганишда айниқса асарнинг иккинчи (в. 96а—128б) ва бешинчи (в. 306б—367а) боблари алоҳида қимматга эга. Айниқса, бу бобларда келтирилган шайбонийзодалар, Бадахшон ва Қобул подшоҳлари ҳамда Қошғар хонларининг Жуйбор хожаларига ёзган мактублари муҳим аҳамият касб этади.

«Равзат ар-ризвон» да келтирилган мактублар сони 100 дан ортиқ. Шулардан 20 таси Қошғар хонларидан Абдурашидхон, Абдулқаримхон, Сўфи султон, Қурайш султонларга тегнайдир.

Қошғар хонларининг Жуйбор хожаларига йўллаган мактубларида Шарқий Туркистоннинг XVI асрдаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, Қошғар билан Бухоро хонлиги ўртасидаги муносабатлар ҳақида сўз боради. Бу мактублардан вақитбандия-хожагон тариқатининг Маҳдуми Аъзам Косоний вафоти (1542) дан кейинги ворислари бўлмиш Жуйбор хожаларининг нафақат Бухоро хонлиги, балки қўшни хорижий мамлакатларнинг иж-

тимой-сиёсий тарихида ҳам катта ўрин тутганликларининг гувоҳи бўламиз.

Биз қуйида ана шу мактублардан айримларини келтирамиз:

КОШГАР ПОДШОСИ АБДУРАШИДХОННИНГ БЕШИНЧИ МАКТУБИ

Арзу ниёз ва саломдан сўнг, соғу саломат ва яхши кайфиятда эканлигини маълум қиламиз... Сониян, кўп вақт ўтди, лекин ҳазрати эшон тарафларидан бизга бирон хабар етишмади. Бунга балким биз томонда юз берган баъзи бир ихтилофлар хусусида етишган хат-хабарлар сабаб бўлгандир. Шу кунларда маълум бўлдики, [Кошгар-Бухоро] йўлида тинчлик-саранжомлик қарор толибди. Шунинг учун ҳам мавлоно Муҳаммад Салимни ҳузурларига жўнатдик. Тез кун ва бахтли соатда Сизнинг малонк макон остонангизни ўпиш шарафига муяссар бўлғай...» (в. 101 аб).

КОШГАР ПОДШОСИ [АБДУЛҚАРИМХОН] НИНГ МАКТУБИ

...Сўнгра маълум бўлдиким, мағфиратланган марҳум подшоҳ Искандар Баҳодирхон¹ [Қуръони каримнинг] «ҳақиқатан ҳам биз Оллоҳга тегишлимиз ва унинг ихтиёрига қайтамиз»² деган қалбга ҳузур бағишловчи қақиринини эшитиб, бу Фоний дунёдан абадий оламга кўчиб ўтдилар. Шу сабабдан таъзия бажо келтириш учун [Бухоройи шарифга] ўз одамимизни юбормоқчимиз. [Тўғриси] қаққон бир ҳамроҳ ҳам бор эди, лекин биз одамимизни унга қўшиб юборолмадик. Бизнинг кишимиз, иншоолло, тез орада унинг кетидан етиб боради (в. 239а).

СУФИ СУЛТОННИНГ, УНГА ОЛЛОҲНИНГ МАРҲАМАТИ БЎЛҒАЙ, БИРИНЧИ МАКТУБИ

Арзи ниёз ва саломдан сўнг... илтимос шулки, [ҳазрати эшон] софдил ва ишончли дўстларини ўзининг хушбўй хотирларидан чиқармагайлар... [мазкур номани] ўқиб бераётганларида бизнинг илтимосимиз уларнинг илоҳий хотирларидан тушиб қолмагай. Умид — бу ишончдир, ишонч эса — ҳақиқатдир. Шу бондан [илтимосимиз] ҳазрат эшон тарафидан диққат билан тингланажак... Жаноби волидамизнинг чексиз салом ва дуоларини ҳам қабул қилғайлар. Бизни намоз пайтларида дуо қилсалар.

Ва яна жаноб волидамиз тарафидан [совга сифатида] зар билан тикилган кўк-сарик рангли кашта, биз тарафдан катта кашмирий рўмол, оқ рангли кашта ва ўттизта зарҳалланган идиш-товоқ юборилди (в. 338б—339а).

СУФИ СУЛТОННИНГ ИККИНЧИ МАКТУБИ

...Бир қанча вақтдан бери банданинг кўнглида чўчиш ва гумон ҳислари уйғонди. Шу сабабдан ҳазрати эшондан шарият қонун-қондаларини яхши билган бирон одамни [биз тарафга] юборишлари илтимос қилинади... бизга мурувват кўрсатиб, меҳр-шафқат кўрсатсинлар ва [Абдуллахон] ҳазрати олийлари табиб юборгунларича бандани чўчиш ва гумон ҳисларидан халос қилсинлар... (в. 339б).

АБДУРАШИДХОННИНГ УҒЛИ АБДУЛҚАРИМХОННИНГ ИККИНЧИ МАКТУБИ

...Илтимос ва ўтинч шулким, [ҳазрати эшон] ноёб ибодатлари чоғи ўзларининг ишончли ва садоқатли дўстларига холис бўладилар; чунки унинг самараси барчамиз учун, балки бутун олам аҳли учун нафлидир, [бунинг

¹ Искандар Баҳодирхон — шайбоний; Бухоро хони (1561—1583).

² Қуръон, 11-сура, 151-оят.

натijasida) мактублар ва бошқа алоқалар дарвозаси очилғай, шодлик ва эмну омонликга сабаб бўлғай (в. 340б).

ҚУРАИШ СУЛТОН ТУРФОННИНГ БИРИНЧИ МАКТУБИ

Қизғин дуойи саломлардан сўнг [ҳазрати эшоннинг] қўшдек горлоқ ва Сухайл [юлдузи] дай ярақлаб турган қалбларига хабар қиламизким, суюкли фарзандимизнинг ҳол-аҳвали шундай бўлдики, ўша пайтларда онаси унга ҳомилалор эди, бола туғилгандан кейин [бир тўда] беақл [одам]лар гарз-ғўйлик қилиб уни яшириб қўйдилар, [бу билан] унинг борлигига шубҳа туғдирдилар. Ҳозир, бир неча кун қийналиб қидирилгандан кейин, у тоғда ва унинг ўша суюкли фарзандимиз эканлиги маълум бўлди, шухратга чўлган остонанизи ўзиниша муяссар бўлди ва хизматимизга кирди. Оллоҳга шукрким, бу ҳол қувонч ва хурсандчиликларга сабаб бўлди. Ҳазрати эшоннинг олий ҳиммат мурувватидан ва унинг умумий илтифотларидан умид шулким, бандани ўзларининг хушбўй хотиралари ва ҳатто дарёни ҳам тўлдириб-тошдириб юборувчи иродасидан нари тутмасалар, ўзларининг самараси лутфу-марҳаматли дуолари билан бахтиёр қилсалар.

Ҳижрий 981 йил сафар ойининг ўртасида (мил. 1571 йил 17 июнда) ёзилди (в. 341б—342а).

ҚУРАИШ СУЛТОН ТУРФОННИНГ ИККИНЧИ МАКТУБИ

Садоқат ва итоат тўғуларини билдиргандан кейин малонк паноҳ остоналарининг хизматларига маълум бўлсиким, будан бир йил муқаддам бу бечорани Хўтандан чиқариб юбордилар ва Хитой билан Қолмоқ мамлакати чегарасида ўринлашган Чолиш-Турфонга сургун қилдилар. Биз ўша тарафга жўнаб кетдик ва Оллоҳнинг иродаси билан [ўша] вилоятнинг кўп қисмини [ўзимизга] бўйсундирдик; бўйинтовлаганлар эса қўлга олиниб жазога тортилдилар. [Қисқаси] ўша вилоятни ёвузлар ва фитначилардан тозалаш... [сўнг Чолиш-Турфонга қайтдик]. Муҳаммад Султон¹ бизнинг устимизга бир неча бор қўшин тортиб келди, лекин биронта қишлоқни ололмади. Шундан кейин икки ўртада сулҳ имзоланди ва бандани [яна] ўша вилоятга жўнаиб юбордилар. Лекин биз ўша вилоятни [қайтадан] бўйсундирганимизга ишонч ҳосил қилиб, у (яъни Муҳаммад Султон) ўртада илгари имзоланган сулҳ хусусида афсусланиб, маҳаллий халқни бизга қарши кўтариш учун биз тарафга одамларини юборди. Қисқаси, «Чолиш-Турфон» халқи катта лашкар тўплади ва устимизга қараб юрди. Бошда улар Борқучор² шаҳрига кирдилар, ва халқини талон-торож қилиб, ўзларини биз тарафга қараб ҳайдаб юбордилар. [Сўнгра] кўп сонли лашкар билан Турфонга келдилар ва унинг қалъасини чор атрофдан қуришга олдилар. Бу бечора оз қўшини билан олти-етти ой мобайнида қамал остида ўлтирди ва [душманнинг] узлуксиз ҳамлаларини қайтариб турди. Фақат жаноби эшоннинг ҳиммати билан унинг устидан тўлиб чиқди ва душманни тор-мор келтирди. Охир-оқибат ҳазрат онамиз ўртага тушиб бизларни яраштириб қўйдилар. Шунга қарамай, [Муҳаммад султон] бошда тўла авф этгани билан бизни Турфондан Ерқандга юбориб [ўша ерда] қамоқда сақлаш ҳақида кўрсатма берган кўринади. [Шу кунларда] бу юртни [умрбод] тарқ этиб, ҳазрати эшоннинг [муқаддас] остоналарини ўпиш хаёли бошга келадир. Бошқа гапларни ушбу мактубни олиб борувчи [мулозимимиз] сўзлаб берар.

...Йил рамазон ойининг 20-куни ёзилди (в. 342а).

¹ Муҳаммад Султон — Абдурашидхоннинг тўртинчи ўғли. Отаси, сўнгра отаси Абдукаримхон замонида Оқсувда ҳоким бўлган; 1592—1610 йиллари Ерқанд хони.

² Борқучорнинг аниқ ўрнини белгилаб бўлмади. Балким Қизилсув бўйида. Ерқанддан Оқсув ва Учга олиб борадиган йўл устида жойлашган Борчук (Моролбоши) дир?

XVI асрнинг сўнги чорагида Шарқий Туркистонда бўлиб ўтган баъзи вазитимоний-сиёсий воқеаларни англаб олишда шайбонийлардан Абдуллахон II билан Исфандиёр султоннинг¹ Жуйбор хожаларига ёзган мактублари алоҳида қиммат касб этади:

АБДУЛЛАХОН II НИНГ МАКТУБИ

Арзу ниёздан сўнг, Самарқандни олиб, Жувонмард Алихонни ҳибсга олганимизни маълум қиламиз. Бундан аввал Бобо султон² устидан ғолиб чиққанимизни ишончли одамимиз орқали маълум қилган эдик. Энди [ҳазрат эшонга] маълум қиламизки, Тошкент ва Туркистон вилоятлари тамом тобе суллари билан, ҳумоюн остона хизматкорларига бўйсундирилди. [Бу ерларнинг] элқлини ва ўзбекларни хулофот макон ноибимиз Дарвиш Муҳаммадхонга³, элқлох унинг подшоҳлигини абадий қилсин, инъом қилдик. Зафар асар қўшин ва ҳозирги пайтда Туркистонда турибди. Бобо султон кичик бир қўшин билан пайдо бўлди. Биз барча номдор биродарларимиз ва олий даражали амирларимизни унга қарши отлангирдик. Ишонч қомилки, ҳазрат эшоннинг дуоси билан [яқин орада] у ҳам хизматкорларимиз тарафидан мағлуб этилади.

Ва яна [маълум қиламизки,] Андижон, Аҳси ва Сайрамни Муҳаммад Амин султон билан Хоразмшоҳ султонларнинг⁴ ўғилларига инъом қилдик. (в. 227а).

АБДУЛЛАХОН II НИНГ МАКТУБИ

Меҳрибонлик ва итоткорлик туйғуси изҳоридан сўнг, [қўйидагиларни хабар қиламиз]: Зомин ёнига келиб тушганимиздан кейин Ёғий Бикойбий билан Дўстимбий қушчини Марғилонда қамал остига олганлиги ҳақида хабар олинди. Шу сабабдан ёнимизда турган барча амир ва мулозимларга илғор⁵ сифатида [ўша тарафга қараб] ҳаракат қилишга ижозат берилди. Ёғий бундан хабар топиб, қамални бўшатди ва юзини Қошғар сари қаратди. Номдор биродарлар ва зафар асар амирлар уларни таъқиб остига олдилар ва Олой дарёси⁶ бўйида уларга етишдилар. Қисқа олишувдан кейин Абдулгаффор султон билан Маҳдий [султон] ни⁷ қўлга туширдилар. Ёғий мулозимларининг катта қисми [уларнинг] қўлига тушди. Аскарларимизнинг бир қисми қолганларини қувиб кетдилар ва [яқин орада уларга] етиб оладилар, деган умиддамиз.

[Ҳазрат эшоннинг] марҳамати туфайли ёғийнинг қолган қисми қўлга олинмади. Шу сабабдан ҳар куни бизнинг ҳаққимизга дуо қилиб туршингизни сўраймиз... (в. 237б).

АБДУЛЛАХОН II НИНГ МАКТУБИ

...Мақтов ва арзу ниёздан кейин ўшал малюк памоҳ остонанинг хизматкорларига хабар қиламизки... Қошғар султонлари Муҳаммад Мўмин султон-

¹ Исфандиёр султон — шайбоний Хусрав султоннинг ўғли; 1582—1591 йиллари Андижон ҳокими бўлган.

² Бобо султон — Наврўз Аҳмадхоннинг иккинчи ўғли.

³ Дарвиш Муҳаммадхон — Наврўз Аҳмад (Бароқхон) нинг тўнғич ўғли; 1556—1578 йиллари Туркистон ҳокими.

⁴ Муҳаммад Амин султон — Наврўз Аҳмад (Бароқхон) нинг тўртинчи ўғли. Маълум бир вақт Андижон билан Фарғонани идора қилган. Хоразмшоҳ султон ҳам ўша Наврўз Аҳмадхоннинг ўғли.

⁵ Илғор — қўшиннинг илғор қисми.

⁶ Олой дарёси — Олойдаги Қизилсув деб аталувчи дарё.

⁷ Абдулгаффор — Бобо султон (1578—1582; Тошкент ва Туркистон ҳокими) авлоди; Маҳдий султон — Жувонмард Али султон авлоди.

ни¹ [эччиларнинг қўлига] топширибдилар. Улар эса султоннинг бошини ва Кошғар султонларининг мактубини Сизга жўнатдик (в. 242б).

НАВРЎЗ АҲМАДХОННИНГ УҒЛИ АМИН СУЛТОННИНГ МАКТУБИ

...Сониян, ҳазрат эшоннинг яхшилик келтирувчи зехнларига равшан бўлсинким, қадимдан бутун дунёнинг ҳасад ва рашикни келтириб турган Мовароуннаҳр бир отанинг боласи бўлган оғаниларнинг бўлашини оқибатида, агар биргалашиб бунинг олдини олмадик, илқирозга юз тутиши мумкин. Бордию бу кучайиб кетадиган бўлса, унда на афсус, ва на пушаймондан фойда бўлмайди. Айни пайтда шу чин дўстнинг [ҳазрат эшоннинг] мулозимларида илтимоси шуки, улар астойдил саъй-ҳаракат қилсинларки, то оғанилар ўртасидаги низо ва душманлик муносабатлари дўстлик ва яқдиллик билан алмашинсин, мусулмонлар ўртасида эмну омонлик қарор топсин... Ушбу илтимосомани олиб боровчи бизнинг номдор ва софдил мулозимимиз, эски қадрдонимиз ва хайрихоҳ дўстимиз Вузрук баҳодир... баъзи ишлар ҳақида ўзи айтиб беради... (в. 344б—345а).

ИСФАНДИЁР СУЛТОННИНГ МАКТУБИ

Оллоҳга шукр! Хайрихоҳ дўст ва хизматкор Исфандиёр султон хабар берадиги, у доимо ҳазрат эшоннинг кун сайин ортиб бораётган бахт-саодати ҳамда умрлари узоқ бўлиши учун доимо дуо устидадир. Хожамиз кўп йиллар ва асрлар доимо соғу-салолат бўлсинлар. Кейин ҳазрат эшоннинг қуёли каби иснгувчи, нур таратиб турган хотирларига маълум бўлсинким, жамий мусулмонларнинг қўблагоҳи бўлмиш ўшал хона остонасини ялаш учун боришга сабаб Сизнинг атир исли дуонингизни олиш ва [фақат] шундан кейингина ҳазрат эшоннинг ижозатлари билан Андижонга жўнаб кетишдир. Чунки Жамшид қадар, Искандар қудрат тожу-такт вориси олий ҳазрат [Абдуллахон], тангри таоло унинг давлатини абадий қилсин, бизга ўша вилоятга жўнаб кетишингизни қатъий буюрдилар... (в. 382а).

«ТАРИХИ АБУЛХАЙРХОНИЙ» — ЎЗБЕКЛАР ТАРИХИГА ОИД МУҲИМ МАНБА

XV асрнинг 20-йилларида Дашти қипчоқда кўчманчи ўзбеклар давлати ташкил топди ва у 40 йил мобайнида фаолият кўрсатди. Урта Осиё ҳамда Қозоғистон халқлари тақдирида катта роль ўйнаган мазкур давлатнинг асосчиси Жўчиҳоннинг бешинчи ўғли Шайбоннинг авлоди Абулхайрхон эди. Мазкур давлат XV аср ўрталарида шимолда Сибирдаги Тура, Тоболь ва Тумангача, жанубда Орол денгизи ва Сирдарё бўйларигача бўлган ҳудуд, шунингдек, Хоразмнинг гарбий қисмини ўзига бириктирган улкан давлат эди. Унинг шарқий чегараси Совран ҳамда гарбда Ёйиқ (Урал) дарёси билан туташ эди. Бу давлат нафақат Дашти қипчоқ аҳолисини, балки Сирдарё бўйидаги шаҳарлар (Ясси, Утрор, Сиғноқ ва ҳ. к.) нинг аҳолисини ҳам ўз тасарруфига киритиб олган, шунингдек, Темурийлар давлатининг ички ишларига ҳам аралашиб турар эди. Дашти қипчоқ ҳамда Мовароуннаҳрдаги XV аср биринчи ярмидаги

¹ Муҳаммад Мўмин султон — Наврўз Аҳмад (Бароқ)хоннинг пабираси; Амин султоннинг ўғли. Бобо султон мағлубиятга учрагандан кейин Абдуллахон II нинг хизматига кирган.

сиёсий вазият ҳам кўчманчи ўзбеклар ва уларнинг бошлиқларига қўл келган эди.

Таъбир жоиз бўлса шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, Абулхайрхон давлати, шахсан унинг ўзи, Дашти қипчоқнинг бепоен бағрида кўчиб юрган турк-мўғул қабилаларининг XV асрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти тарих фанида ҳанузгача кам ўрганилган. Шунингдек, XV асрдаги кўчманчи ўзбекларнинг давлат тuzуми ҳам яхши ўрганилган эмас. Уша пайтдаги қозоқлар хусусида ҳам айнан шундай дейиш мумкин. Тўғри, айрим тарихчилар бу масала билан шуғулланган. Чунончи, Урта Осиё тарихининг чуқур билимдони П. П. Иванов ўз вақтида «Урта Осиё тарихига оид очерклар» деган асарида ўша пайтдаги ўзбекларнинг ижтимоий-сиёсий тuzумига оид айрим фикрларни баён қилган. Яна бир машҳур шарқшунос олим А. А. Семёнов ҳам ўзининг бир қатор мақолаларида бу масалага тўхтаб ўтган. Чет эл тарихчиларидан Г. Ховорс «Тарихи Абулхайрхоний» ва Абулғозихоннинг «Шажарайн турк» асари тўғрисида айрим фикрлар айтган. Лекин, барибир, бу масала ҳанузгача пухта ва атрофлича ўрганилмаган.

Форс тилидаги айрим ноёб манбаларда кўчманчи ўзбеклар тарихига оид баъзи маълумотлар мавжуд. Чунончи, Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳоннинг «Меҳмонномаи Бухоро», Қамолiddин Биноийнинг «Шайбонийнома», Масъуд ибн Усмон Кўҳистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний» асарлари шулар жумласидандир. Айниқса, «Тарихи Абулхайрхоний» асарида кўчманчи ўзбеклар давлати тўғрисида материал кўп. Шу бондан биз ана шу оригинал, аммо ҳанузгача кам ўрганилган асар ҳақида тўлиқроқ маълумот беришни лозим топдик.

«Тарихи Абулхайрхоний» тарихий асар бўлиб, дунёнинг «яратилиши» дан то XV асрнинг 60-йилларигача ислом мамлакатлари тарихини ўз ичига олади. Асарнинг хулоса қисми (214а—248а варақлар) оригинал бўлиб, кўчманчи ўзбеклар давлатининг асосчиси Абулхайрхоннинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган, шунингдек, кўчманчи ўзбеклар ва уларнинг ижтимоий-сиёсий тарихи талқин этилган.

Асар муаллифи Масъуд ибн Усмон Кўҳистонийдир. Унинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида, ўз асарида айтилганлардан ташқари, бошқа маълумот йўқ. Чунончи, кўчманчи ўзбеклар томонидан 1431 йилда Хоразмнинг босиб олинишига оид бўлимда муаллиф Абулхайрхоннинг ўғли Суюнчхожахоннинг котиби бўлиб хизмат қилгани тўғрисида маълумот берган. Унинг вафотидан сўнг (1525 йилнинг 20 августи) Суюнчхожахоннинг ўғли Абдуллатифхон (1540—1552) саройида хизмат қилгани ва зўр обрў-эътиборга эга бўлганлигини айтади.

«Тарихи Абулхайрхоний» нинг катта қисми (в. 16—214а) бошқа асарлардан кўчирма (компиляция) дир. Уни ёзишда муаллиф ўзидан аввал ўтган Жувайний, Жузжоний, Биноий, Шарофиддин Али Яздий (1454 йилда вафот этган) каби тарихчилар асарларидан кенг фойдаланган. Асарнинг хулоса қисми

эса, муаллифнинг сўзларига қараганда, Абулхайрхоннинг сафдошлари, биринчи навбатда отасининг барча ишларида фаол иштирок этган ўғли Суюнчхожахоннинг эсдаликлари асосида баён этилган.

«Тарихи Абулхайрхоний» нинг нусхалари кўп. УзФА Шарқшунослик институти кутубхонасида унинг 3 нафар нусхаси мавжуд. Биринчиси (№ 1512; 268в; настаълиқ хати билан битилган), проф. А. А. Семёновнинг сўзларига қараганда, XVII асрда қайта кўчирилган. Маскур нусханинг бош қисми ва охири йўқ, бир қадар могорлаб қолган. Иккинчи нусха (№ 5392; 43 варақ, настаълиқ хатида; 1900—1901 йилларда кўчирилган) асарнинг сўнгги оригинал қисмидир. Учинчи нусха (№ 9289; 1825/26 йилларда кўчирилган) анча қимматли — безаклари ва миниатюралари бор. «Тарихи Абулхайрхоний» нинг энг яхши нусхаси Санкт-Петербург университети кутубхонасида (инв. № 852; 479 варақ) сақланмоқда. Аммо бу нусха анча кейин — 1818 йил 3 майда кўчирилган. Асарнинг энг кўҳна нусхаси Масъуд ибн Усмон Кўҳистонийнинг ўзи кўчирган нусхадир. Маскур нусха 1590 йилнинг 9 октябрида кўчирилган ва ҳозир Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида (С. 478; 248 варақ) сақланмоқда; ҳажми 26×18 см, ҳар саҳифа 19 қатордан иборат; хати настаълиқда ёзилган; котибнинг исми номаълум. Муқованинг чап томонида, унинг юқорисида ёзилган маълумотга кўра, маскур нусха Мулла Шоҳмаҳмуд номли шахсга тегишли бўлган. Аммо ёзув жуда сийқаланиб кетгани сабабли, ўқиш анча қийин кўчди. Маскур қўлёзмани П. Лерх 1858 йилда Бухородан Санкт-Петербургга олиб кетган. Айнан шу нусха қадимий бўлгани учун маскур мақолада унга таяниб фикр юритишга қарор қилдик.

«Тарихи Абулхайрхоний» саж билан ёзилган бўлиб, унда шеърый парчалар кўп учрайди. Асар бошдан охиригача ҳукмрон кўчманчи-феодал синфнинг мақсад-манфаатларини кўзлаб ёзилган. Чунончи, Абулхайрхон ҳамда авлодларининг мардлиги, доно, оқил, сахий бўлганликлари кўкларга кўтариб мадҳ этилади. Аммо, шунга қарамай, асарда ўша даврдаги Дашти қипчоқ халқининг (кўчманчи ўзбекларнинг) ҳаётига оид, шунингдек, Абулхайрхон томонидан бунёд этилган давлат ҳамда ўзаро феодал курашлар тўғрисида қимматли факт ва маълумотлар учратиш мумкин.

Муаллиф ўз асарини 10 та кичик қисмларга бўлган. Биринчи қисмда (в. 214а—222а) нўғай-манғит улусида¹ норози кўчманчи феодалларнинг Ғозийга, тўғрироғи Ғозийий элига (у XV асрнинг 20-йиллари бошида улус бошлиғи бўлган Едигейнинг ўғли эди) қарши курашлари тўғрисида гап боради. Масъ-

¹ Нўғай-манғит улуси — Стенли-Лень Пулнинг сўзларига қараганда, манғитлар Ейиқ ва Эмба дарёлари ораллигида кўчиб юрган (Мусульманские династии. Перевод с примечаниями и дополнениями В. В. Бартольда, СПб., 1889, 199-бет).

уд ибн Усмон Кўҳистоний бундай деб ёзган эди: «Жумадуқхон ҳукмронлиги даврида Идикубий авлодидан бўлган Ғозибий манғит ўз отасининг розилиги билан қабиласининг сардори бўлди ва аймоқлар ҳамда кўчманчиларни ўз тасарруфига киргизиб олди. Тахтда мустаҳкам ўрнашиб олгач, жабр-зулмини ҳаддан оширди; адолат ва одил суд қонунларини назар-писанд қилмай тошгади. Дашти қипчоқнинг амир ва сардорлари мазкур Ғозибийнинг зулмидан озор чекиб, ундан юз ўғирдилар ҳамда бир-бири билан бирлашиб, уни ўлдирдилар... ҳамда мангит сардорлари Жумадуқхон ўрдасига бориб, унинг яқинлари қаторидан жой олдилар. Лекин хоннинг мурувватига мушарраф бўла олмай: ва хондан ҳафсалалари пир бўлиб, ундан ихлосларни қайтгач, хон қароргоҳини ташлаб Жойтор жолқин мавзенига кетиб қолдилар... Жумадуқхонга нисбатан душманлик камарини белга боғлаган амирлар бир-бирлари билан бирлашдилар».

Тарихчининг баён қилишича, Жумадуқхон қўзғолончиларга қарши қўшин тортган. Аммо қўзғолончилар ўз кучларини бир жойга тўплаб, хонга қақшатқич зарба бердилар. Асирга олинган Жумадуқхон қўзғолончи амирларнинг ҳукмига мувофиқ қатл этилди. Уша пайтда хоннинг ўнг қанот қўшинига бошчилик қилган ёш Абулхайрхон ҳам асир олинган. Сариқ Усмон Абулхайрхонга яхши муносабатда бўлди ва хонзадани кўп ўтмай ўз элига қайтариб юборди. Алаша баҳодир аймоғида¹ қишни ўтказган Абулхайрхон келаси баҳорда ўз элига қайтиб келгандан сўнг, қабила ва уруғ бошлиқлари уни ўзларига хон қилиб кўтардилар.

Бундан кейин кўчманчи ўзбек қабилаларининг Абулхайрхон бошчилигида Тура ва Чимги турага юриш қилиб, уни эгаллашганликлари тўғрисида ҳикоя қилинади.

Иккинчи қисм (в. 222а—224а) да Абулхайрхоннинг кучли улус хони шайбоний Маҳмудхожахонга қарши олиб борган урушлари ҳикоя қилинади. Мазкур хон қароргоҳининг аниқ жойлашган ери тўғрисида маълумот йўқ, фақат унинг қароргоҳи Тоболь дарёси бўйларида жойлашган, деб айтилади ва Абулхайрхон билан Маҳмудхожахон улуси ўртасидаги жанг шу ерда бўлган дейилган. Шуларга асосан, Маҳмудхожахоннинг улуси Тоболь ва Ишим дарёлари оралиғида жойлашган деб тахмин қилиш мумкин. Асарда мазкур жанг қачон содир бўлганлиги тўғрисида маълумот йўқ. Аммо ўзбекларнинг Хоразмга босқини Маҳмудхожа тор-мор қилингандан сўнг тез орада бошланганлиги маълум. Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳикоя қилишича, кўчманчи ўзбеклар Хоразмга икки марта юриш қилганлар: биринчиси — 1431 йилда, иккинчиси — 1434/35 йилларда содир бўлган. Шундан келиб чиқиб, Абулхайрхон Маҳ-

¹ Аймоқ — маълум ҳудудда кўчиб юрувчи ва бир-бири билан қон-қардош бўлган овуллар тўдаси (қ. В. Я. Владимирцов, «Общественный строй монголов». Монгольский кочевой феодализм. Л., 1934, 136-бет)

мудхожахонга қарши 1430 йилда жанг қилган, деб айтиш мумкин.

Асарнинг учинчи ва тўртинчи қисмлари (в. 225а—227) кўчманчи ўзбекларнинг Хоразмга қарши юришига бағишланган. Бу юриш натижасида мазкур мамлакат, айниқса унинг пойтахти Урганч батамом вайрон қилинган. Иқлими ноқулай бўлганлиги сабабли бу ерни кўчманчи ўзбеклар ташлаб кетганликлари тўғрисида маълумот бор. А. А. Семёнов эса кўчманчи ўзбекларнинг Хоразмни тарк этишларига бу ерда тарқалган ўлат касали сабаб бўлган, деган фикрни билдирган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳикоя қилишича, Шоҳруҳ ўша пайтда кўчманчи ўзбекларга қарши кўзга кўринган амирлар бошчилигида кўп сонли аскар юборган ва амирларга кўчманчи ўзбеклар улусини, улар Хоразмни қандай талаб, вайрон қилган бўлсалар, худди шундай қилиш буюрилган. Демак, кўчманчи ўзбекларнинг Хоразмдан чиқиб кетишларига айнан шу вазият ҳам сабаб бўлган. П. П. Иванов ҳам шу фикрни билдирган. Фикримизча, Абдураззоқ Самарқандий томонидан келтирилган далил бунга асосий сабаб бўлолмайди. Маълумки, Абулхайрхонга қарши кейинчалик Олтин Урда хони Аҳмад (1465—1481) ва унинг иниси Маҳмудхонлар¹ бирлашиб шайланиб турган эдилар. Кейинчалик Абулхайрхон пухта тайёргарлик кўриб, уларга қарши юриш қилган. Бундан ташқари, кўчманчи ўзбекларнинг ўшанда Хоразмни тарк этишларига шу ҳам сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Бешинчи қисм (в. 227б—229а) да Абулхайрхоннинг жўчий шаҳзодалар, яъни оға-ини Аҳмадхон ҳамда Маҳмудхонларга қарши кураш олиб борганлиги, оға-иниларнинг қароргоҳи жойлашган Экри туб² мавзенига ҳужум қилганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Масъуд ибн Усмон Кўҳистонийнинг айтишича, бу урушда оға-инилар мағлубиятга учраганлар.

XV аср 40-йилларининг иккинчи ярмида ўзбек зодагонлари ўртасида ўзаро курашлар кучайиб кетди. «Тарихи Абулхайрхоний» нинг олтинчи қисми ана шу воқеалар тафсилотига бағишланган (в. 229а—230а). Дашти қипчоқлик ўзбек хонларидаги бири Мустафоҳон манғитлар сардори Ваққосбийнинг ифвосига учиб, Абулхайрхонга қарши юриш қилди. Абулхайрхон манғитлар ҳужумини зўрға қайтарди. Отбосар дарёси бўйида улар ўртасида қаттиқ уруш бўлди. «Тарихи Абулхайрхоний» асари муаллифининг таъкидлашича, Мустафоҳон бу урушда 4500 га яқин одамидан айрилган. Буларнинг 1000 га яқини зодагонлар

¹ Маҳмудхон ҳақида аниқ маълумот йўқ, аммо унинг тарафидан Астраханда ва Урда бозорда зарб этилган тангалар сақланган.

² А. А. Семёнов (О происхождении и составе узбеков Шейбани-хана, 25-бет) бу жойни Икри туб деб атаган; бу нотўғри. Асар нусхалари солиштирилганда бу жой аслида Экри туб эканлиги аниқлаиди, лекин унинг қаерда жойлашганлиги аниқланмади.

бўлган. Аммо, фикримизча, бу ўринда рақамлар анча ошириб кўрсатилган.

Еттинчи бўлим (в. 230б—231а) да Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган шаҳарлар: Сигноқ, Сузоқ, Ўзганд, Оққўрғон ва Арқуқда кўчманчи ўзбеклар хони ҳокимиятининг ўрнатилиши ҳақида ҳикоя қилинади. Бу воқеа афтидан 1446 йилда содир бўлган, чунки келаси йилнинг баҳорида, муаллифнинг таъкидлашича, Абулхайрхон Шоҳруҳ вафотидан воқиф бўлгач ҳамда Мовароуннаҳрда Улуғбекнинг йўқлигини билгач, яйловга кўчишни бир қадар кечиктириб, тезлик билан Самарқандга юриш бошлайди. Кўчманчи ўзбеклар ўшанда Самарқанд атрофини талаб, катта ўлжа билан қайтиб кетганлар. Масъуд ибн Усмон Кўхистонийнинг ёзишича, самарқандликлар дашти қипчоқлик ўзбекларга катта бадал берганлар, Самарқанд ҳокими Жалолитдин Боязид эса Конигилда тўхтаган Абулхайрхонга қимматбаҳо совғалар юборган. Аммо бу факт бошқа манбаларда учрамайди, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд ва Хондамирлар мазкур воқеа тўғрисида бирон нарса ёзиб қолдирмаганлар. Афтидан, В. В. Бартольд жуда тўғри таъкидлаганидек, кўчманчи ўзбеклар Самарқанд атрофидаги қишлоқларни талаб, ҳеч қандай бадал ва совғаларсиз ўз юртларига қайтиб кетганлар.

Улуғбек қатл этилгач, теурийлар ўртасида ҳокимият учун кураш авжига чиқди. Асарнинг саккизинчи қисми ана шу воқеаларга бағишланган (в. 231б—237в). Бу қисмда Улуғбек ва Абдулазизларнинг қатл этилиши тўғрисида ҳам маълумот берилди. Улуғбекка Самарқанд ва Шоҳруҳия қалъаларининг дарвозалари ёпиб қўйилгач, у Абулхайрхоннинг қароргоҳига йўл олмоқчи бўлганлиги айтилади. Аммо ўғлининг (Абдулатифнинг) марҳаматидан умидвор бўлган Улуғбек ҳокимиятни топшириб, қолган умрини илм-маърифатга бағишлаш мақсадида Самарқандга қайтиб келади. Мазкур қисмда Абдулатифнинг қатл этилиши, султон Абу Саиднинг тому тахт учун олиб борган курашлари, унинг хожа Аҳрор билан ўзаро алоқалари ва, ниҳоят, Абу Саиднинг Абулхайрхон ва кўчманчи ўзбеклар ёрдамида Самарқанд тахтини эгаллаб олганлиги баён этилади. Шунингдек, қайд этиб ўтиш лозимки, мусулмон тарихчилари ичида фақат Масъуд ибн Усмон Кўхистонийгина Абу Саиднинг Абулхайрхондан ёрдам сўраб, унинг қароргоҳига бормоқчи бўлганлиги тўғрисида маълумот келтирган. Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд ва Хондамирларнинг таъкидлашича, Абу Саид Абулхайрхон олдида ёрдам сўраб ўз одамларини юборган.

Тўққизинчи қисм (в. 238а—239б) да Абулхайрхоннинг Кўк кошона (Кўк кэсэнэ)¹ яқинидаги Нуртўқай мавзеида қалмоқлар билан қилган жанги тасвирланган. Бу жангда Абулхайрхон тўла мағлубиятга учраган. Бу ҳодиса, албатта, кўчманчи

¹ Кўк кошона — Туманариқ станциясидан 5 қақрим шимол-шарқ тарафда жойлашган манзил (А. Ю. Якубовский. Развитие Сигнака).

ўзбекларнинг унча мустақкам бўлмаган ҳокимиятини анча зил кеткизган. Қонли урушда кўчманчи ўзбекларнинг Бахтиёр султон, Аҳмад султон сингари мард лашкарбошилари ҳалок бўлдилар¹. Абулхайрхон Сигноқ қалъасига кириб яширинишга мажбур бўлди. Қалмоқлар эса Сигноқ, Туркистон, Шоҳруҳия ва Тошкент атрофларини талаб ва вайрон қилиб, ўз юртлари Чу водийсига қайтиб кетдилар. В. В. Бартольдининг таъкидлашича, бу воқеа 1456 йилда содир бўлган.

Унинг қисм (в. 214а—244а) да кўчманчи ўзбекларнинг теурийларнинг олий ҳокимият учун олиб борган курашига аралашувлари тўғрисида ҳикоя қилинади. Бу гал кўчманчи ўзбеклар Абдулатифнинг ўғли Муҳаммад Жўқий томонида туриб султон Абу Саидга қарши кураш олиб бордилар. Мазкур қисмда машҳур «Шайбонийнома» асарининг муаллифи Муҳаммад Солиҳнинг отаси амир Нурсаиднинг таржимаи ҳоли тўғрисида маълумот берилади. В. В. Бартольдининг таъкидлашича, 1460 йилда Бухоро яқинидаги Нур мавзеида турган Нурсаидбек Самарқанд ва Бухоро атрофларига мунтазам равишда босқин уюштириб, у ерларни талон-торож қилиб турган. Султон Абу Саиднинг можарони тинч йўл билан ҳал қилиш борасидаги уринишлари натижа бермаган. «Исэнчи, — деб ёзди В. В. Бартольд, — на Абу Саид элчисининг сўзларига қулоқ солган ва на унинг олдида келган хожа Аҳрорнинг сўзларини эътиборга олган». Шундан сўнг, у Самарқанд лашкарлари томонидан Нурдан суриб чиқарилган ва Дашти қипчоқ тарафга қочиб кетган. Амир Нурсаиднинг сўнги ҳаёти ҳақида мазкур асарда диққатга сазовор маълумотлар бор. Маълум бўлишича, Муҳаммад Жўқий Берка султон бошчилигида кўп сонли ўзбек лашкари билан Самарқандга юриш қилганда (1460/61) амир Нурсаидбек Шоҳруҳиядан унча узоқ бўлмаган жойда бўлган ва дарҳол уларга қўшилган.

Шунингдек, шундай абжир ва ишбилармон одам султон Абу Саид ҳам Теутор ва Шоҳруҳнинг бир вақтлар қудратли бўлган давлатида осойишталик ўрнатишда бирмунча қийналган. Гарчанд у Абулқосим Бобур вафотидан (1457) сўнг Хуросонни ҳам қўлга киритиб, Мовароуннаҳр ва Хуросонни бирлаштиришга муваффақ бўлган бўлса-да, ҳали марказий ҳокимиятга бўйсунмаган ноҳиялар талайгина эди. Шунинг учун Муҳаммад Жўқий Тошкент, Сайрам, Аҳси ва Шоҳруҳияни босиб олганда, лашкарининг аксарияти шулардан эди. Қуйидаги фактлар бунга гувоҳлик бериши мумкин. Султон Абу Саид Муҳаммад Жўқий ҳамда кўчманчи ўзбеклар Самарқандни

¹ Бахтиёр султон — шайбоний Хизрхоннинг ўғли, Абулхайрхоннинг амакиваччаси (ёки холаваччаси) (қ.: Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды, т. II, М.—Л., 1941, 55-бет; Шайбонийнома, т. I. Березин нашри. Қозон, 1848); Аҳмад Султон шахсини аниқлаб бўлмади. У бу ерда биринчи марта тилга олинган. А. А. Семёновнинг фикрича, Аҳмадхон ўзбек хонларидан бўлиб, Амударёнинг қуйи оқимлари бўйлаб кўчиб юрган (қ.: Шейбанихан и завоевание империи Теуридов. «Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии». 42-бет).

қамал қилганликлари тўғрисида хабар эшитгач, Хуросондан пошонилич равишда йўлга чиқди. Муҳаммад Жўқий ва амирлар буни эшитиб, ҳарбий кенгаш ўтказдилар. Амирлар ва кўчманчи ўзбек қўшинининг бошлиқларидан бир қисми Абу Саидга қарши бориш ва унинг Амударёни кечиб ўтишига йўл қўймаслик, агар у Амударёни кечиб ўтишга муваффақ бўлса, унга қарши дарё бўйида жанг олиб бориш лозим, деган фикрни билдирдилар. Чигатой амирлари эса, аксинча, Сирдарё сари юриш ва Шоҳруҳия қалъасида мустаҳкамланиб олиш керак, деган фикрни айтдилар. Аввал Аму бўйида Абу Саиднинг йўлини тўсиш керак, деб маслаҳат берган амирлар фикрини маъқуллаган Муҳаммад Жўқий кейинроқ Чигатой амирларининг таъсири остида уларнинг фикрига қўшилди. Шундай қилиб, Сирдарё бўйига чекиниш керак деган амирлар ғолиб келдилар. Берка султон ва кўчманчи ўзбеклар Самарқанд ва Бухоро атрофларини талон-торож қилиб, Дашти қипчоққа қайтиб кетдилар. Бу ҳодиса, албатта, султон Абу Саид даврида марказий ҳокимиятнинг анча кучсиз бўлганлигидан далолат беради.

Асарнинг сўнгги қисмида айтилишича, Абулхайрхон 1468 йилда 57 ёшида вафот этган. Асарнинг (246а—247а) варақларида унинг наслу насаби рўйхати (шажараси) келтирилади. Шунингдек, кўчманчи ўзбек қабилалари бошлиқларининг исмлари ҳам қайд этилади. Шуниси характерлики, улар орасида Абулхайрхондан мадад тилаб, вақтинча унинг паноҳида турган темурийларнинг: султон Абу Саид, султон Ҳусайн Бойқаро, Алоуддавла ва Муҳаммад Жўқий номлари ҳам учрайди. Ўрта Осиёлик қатор тарихчилар (Ҳофизи Таниш Бухорий, Амир Абдулла) буларнинг қаторига Абу Саид мирзонинг акаси Минучеҳр мирзони ҳам қўшадилар. Абдураззоқ Самарқандий Абулқосим Бобур тарафидан Самарқанднинг қамал қилиниши (1454) воқеалари устида фикр юритар экан, Минучеҳр мирзо Жайхундан ўтиб, қирғоқ бўйи ноҳияларини талон-торож қилгани, лекин Абулқосим Бобур яқинлашиб келаётганини эшитиб, Ўзбекистон чўлларида яширинганини баён қилади. Кўриб турибсизки, тож-тахт учун курашда Абулхайрхондан мадад сўраб борган темурийлар рўйхати узун экан.

«Тарихи Абулхайрхоний»нинг 246-варағида «мазкур китоб ёзиб тамомлангандан кейин, Шайбонийхон ҳукмронлиги давридаги воқеалар тўғрисида янги китоб яратилади» деб айтилган. Афтидан, бу режа амалга ошмай қолган.

«Тарихи Абулхайрхоний», айниқса унинг сўнгги қисми катта илмий қимматга эга. Бунинг бебаҳолиги энг аввало унинг Абулхайрхон томонидан ташкил этилган кўчманчи ўзбеклар давлати тўғрисида, мазкур давлат нафақат Дашти қипчоқлик ўзбеклар, балки Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги деҳқончилик билан машғул бўлган халқлар тарихида муҳим роль ўйнаши билан ҳам қимматлидир. Мазкур асар илмий жамоатчилик томонидан етарли даражада тадқиқ этилмаган. Шунинг учун бу

асарнинг ўзбек тилида чоп этилиши Ўзбекистон ҳамда Қозоғистоннинг ўрта аср тарихи билан шуғулланувчи олимлари учун жуда-жуда зарурдир.

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» — МУҲИМ ТАРИХИЙ МАНБА

Амир Темур тўғрисида унинг замондошлари қимматли йирик асарлар яратганлар. Ғиёсиддин Алининг «Рўзномаи ғазовоти Ҳиндустон» («Ҳиндистонга қилинган ғазо уруши кундалиги»), Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Шарафиддин Алининг шу номли («Зафарнома») асарлари шулар жумласидандир. «Тузукоти Темурий» асари булар орасида алоҳида ўрин тутаяди.

«Тузукоти Темурий» ёки «Тузукоти Темурий» одатда бошқа катта ҳажмли асарга илова тарзида кўчирилган. Бу мустақил йирик асар «Малфузоти Темурий» ёки «Воқеоти Темурий» («[Амир] Темурнинг таржимаи ҳоли») деб аталиб, унинг етти яшарлигидан бошлаб ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилади. Асар ҳақида икки хил фикр мавжуд. Баъзилар бу икки қисмдан иборат бир асар деган фикрда, бошқа олимлар эса икки мустақил асарнинг бир муқовада жамлангани, деб ёзадилар. Шунинг учун «Тузукоти Темурий»ни ҳар икки қисмга берилган бир ном деб тушунганлар. Бу ҳол Шарқ қўлёзмаларининг каталогларида маълум чалкашликлар туғдирган.

«Тузукоти Темурий» — муҳим тарихий манба бўлиб, унда қадимий Туркистоннинг буюк фарзанди Амир Темурнинг давлатнинг тузилиши ва бошқарилиши хусусидаги нуқтани назарлари баён этилган.

Асар дастлаб эски ўзбек (чигатой ёки ўрта осиеча туркий) тилида таълиф этилган. Шарқшунослардан Н. Д. Миклухо-Маклай, Ч. Рёе, Г. Этэ, Ч. А. Сторилар фикрига кўра, унинг бир қўлёзма нусхаси Яман мамлакатининг олий ҳукмдори Жаъфар пошшо кутубхонасида сақланган. «Тузукот»нинг форс тилига таржимони Мир Абу Толиб Ҳусайний ат-Турбатий таржима муқаддимасида Арабистоннинг муқаддас жойларига, яъни Маккайи Мукаррама ва Мадинайи Мунавварага ҳаж қилиб қайтишида Яманга сафари чоғида Жаъфар пошшо кутубхонасида туркий тилда бўлган мазкур асарни тоғгани ва у Амир Темурнинг ҳаёт йўли ҳақида ўзи ёзган асар эканлигини таъкидлайди. «Тузукот»нинг ўша қўлёзма нусхаси сақланиб қолганми, ёки асарнинг туркий тилдаги бошқа нусхалари бўлган-бўлмагани ҳақида маълумот йўқ. Шунга қарамай, асар ва унинг бир қисми бўлган «Тузукоти Темурий»нинг дастлаб туркий тилда ёзилгани ҳақидаги бер маълумотлар хусусида қўлёзма асарлар тавсифлари каталогларини тузувчиларнинг барчаси бир хил фикрдалар.

Мир Абу Толиб Ҳусайний Арабистондан қайтиб келгандан кейин, асарни форс тилига таржима қилган. Лекин Арабистондан олиб келинган туркий аслиятдан ёки Ҳиндистонда бўл-

ган бирорта нухадан ўғирилганми, бу ҳақда бир нима дейилмаган. Мир Абу Толиб Ҳусайний 1637 йилда мазкур таржимасини бобурийлардан Шоҳ Жаҳонга тортиқ қилади. Шоҳнинг ўзи олим ва фозил киши бўлиб, ўз аждоди тарихини яхши билган. Шунинг учун Мир Абу Толиб Ҳусайний таржимасини кўриб чиқиб, унинг жиддий нуқсонларини топган, жумладан, баъзи маълумотлар ва Амир Темурнинг ҳаёти, шунингдек, саналардаги ғалатликлар унинг кўзига чалинган.

Шунда у Декан вилоятининг фавждори (қози калони), ўз яқинларидан бўлган истеъдодли адиб Муҳаммад Афзал Бухорий (1651/52 йилда вафот этган)ни ҳузурига чорлаб, таржимани ишончли тарихий асарларнинг маълумотлари билан таққослаб чиқишни, уни ортиқча сўз, ноаниқлик ва ғалатликлардан тозалашни буюради. Хуллас, Абу Толиб таржимаси мазкур Муҳаммад Афзал Бухорий томонидан тузатилган ва жиддий таҳрир этилган. Аммо бор маълумотларга кўра бундай тузатишлар асосан «Малфузоти Темурий» қисмига тааллуқли бўлган. Ҳар ҳолда икки фозил: Мир Абу Толиб Ҳусайний ва Муҳаммад Афзал Бухорий меҳнати туфайли «Тузукоти Темурий» форс тилида бизнинг замонамизгача етиб келган.

Асар ҳукмдорларнинг тор доирасидагина эмас, бутун дунё аҳлига машҳур бўлди. Бизнинг давримизгача унинг кўплаб қўлёзма нусхалари етиб келган бундан гувоҳлик беради. Асарнинг нусхаларини Русия, Урта Осиё, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Миср, Англия, Франция, Олмония, Дания ва бошқа мамлакатларнинг кутубхоналаридан топиш мумкин. «Тузукот»нинг форсий матни, Оврупо ва шарқ тилларидаги таржималари бир неча бор нашр этилган. Масалан, араб тили профессори, англиз майори Уайт «Тузукоти Темурий»нинг форсий матнини ташрифта тайёрлаган, майор Дэви эса уни инглизчага ўзгариш ва ўзгаришчи низоҳлар билан кўшиб чоп эттирган. Ҳар иккала матн 1783 йилда Буюк Британия (Оксфорд) да нашр этилди. 1785 ва 1890 йилларда ушбу нашрнинг форсийча матни ўзгаришсиз Ҳиндистон (Қалокут ва Бомбай) да қайта нашр этилди; 1963 йилда Эронда ҳам чоп қилинди.

Майор Уайт ва Дэви нашр этган форсча матндан таниқли шарқшунос Л. Ланглэнинг француз тилига ўзгариш таржимаси 1787 йилда Парижда чоп қилинди. «Тузукот»нинг яна урду тилидаги икки наشري ҳам мавжуд. Уларнинг бирини Субҳон Бахш (Деҳли, 1845), иккинчиси Аҳмад Мийон номи билан машҳур Муҳаммад Фазлул Ҳақ (Бомбай, 1908) амалга оширган.

Энди «Тузукоти Темурий»нинг ўзбекча ва рус тилларига қилинган таржималари хусусида фикр билдирмоқчимиз. Ўзбек тилига у 1857 йилда Хивада Муҳаммад Юсуф Рожий томонидан қисқартириб таржима қилинган. Асарнинг Мир Абу Толиб Ҳусайний матнига мувофиқ ўзбекчага тўлиқ таржимаси марҳум Алихон Тўра Соғуний томонидан 1967 йилда Тошкентда амалга оширилган. Бироқ ўша вақтда жамятимиздаги мавжуд аҳвол, аниқроғи расмий ҳокимият маъмурларининг ўтмиш

тарихимизни ўрганишга бўлган ёмон муносабати натижасида Алихон Тўра таржимаси тўла тарзда босилиб чиқмади. Яна шунинг ҳам қайд этмоқ лозимки, таржиманинг босилган қисми баъзи камчиликлардан ҳам холи эмас эди. Унда, масалан, айрим жумлаларнинг ташлаб кетилгани аниқланган, асл матндан четга чиқиш ҳоллари мавжуд; киши номлари, жўғрофий атамаларда ва истилоҳларда ғалатликлар бор. Муҳим тарихий воқеалар, тарихий шахслар, жўғрофий ва этник номлар, турли атамалар ва уларнинг шарҳлари эркин талқин этилган. 1990 йилда Алихон Тўранинг ўша нашрини «Тузукот»нинг Бомбайда чоп этилган форсча матнига солиштирган ҳолда ўзбек тилида яна бир таржима амалга оширилди. Уни ёш ўзбек шарқшуноси Ҳабибулла Қароматов ҳозирлаб, олдин «Шарқ юлдузи» жаридасида (Тошкент, 1989, 8-сон), сўнгра алоҳида китоб ҳолида (1991) Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида нашр эттирди.

Бугунги кунда «Тузукот»нинг иккита рус тилидаги нашрига эгамиз: 1. 1894 йилдаги Н. П. Остроумов наشري маълум. Бу таржима юқорида зикр этилган Л. Ланглэнинг французча наширдан амалга оширилган эди. Ноширнинг эътирофи этишича, Тошкент гимназияларининг бир гуруҳ ўқувчилари: биринчи қисмини А. Г. Зайенчковская ва С. А. Пятницкая, иккинчи қисмини Д. Ройтман ва В. Степановлар машғулотлардан бўш вақтларида таржима қилишган; 2. 1968 йилда Н. П. Остроумов наширдан факсимал нашр амалга оширилди ва унга И. М. Мўминовнинг қисқача кириш сўзи илова қилинган.

Асар муаллифи тўғрисида турли фикрлар мавжуд. «Тузукоти Темурий»нинг муаллифи кимлиги масаласи бугунги кунда очиқлигича қолмоқда. Э. Г. Браун, Ч. Рёе, В. В. Бартольд каби бир гуруҳ таниқли олимлар асарни Амир Темур ёзганлигигагина эмас, балки «Тузукоти Темурий» асарининг ҳақиқийлигига ҳам шубҳа билан қарайдилар. Шарқ манбаларида, шунингдек, «Тузукот»нинг кўпчилик нашрларида асар муаллифи Амир Темур эканлиги таъкидланади. Масалан, Шамсиддин Сомийнинг машҳур қомусида шундай дейилган: «Амир Темур «Тузукот» деб юритиладиган қонунлар мажмуасини ёзди, унда ўзининг ҳаёт йўлини баён қилди» («Қомус ул-аълум». Истанбул, 1891, 1727-саҳифа). Бу борада атоқли тарихчи олим Шарафиддин Али Яздий қўйидаги эътиборга молик маълумотни келтирган: «Он ҳазрат ўзининг ҳаёти ва турмуши тарзига доир асосий воқеаларни ўз ичига олган туркий ва форсийда алоҳида бир манзума туздилар». Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, таниқли шарқшунос М. Шармуа (1793—1869) ва йирик рус ҳарбий тарихчиси М. И. Иванов (1801—1874) «Тузукот»нинг ҳақиқий асар ва унинг муаллифи Амир Темур бўлгани ҳақида фикр билдирган эдилар. «Тузукоти Темурий»нинг ҳақиқий асар эканлигини Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти тўла аксини топган Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийларнинг «Зафарнома» асарлари билан қиёслаш орқали ҳам билиб олиш

мумкин. Хуллас, асар Амир Темур томонидан, ёки унинг иштирокида ёзилганлиги шубҳасиздир. Ҳозирги замон тарих фашида жаҳонгирнинг саводи қай даражада эканлиги ҳақидаги турли фикрлар мавжудлигидан қатъи назар, Амир Темур зукко ва фозил киши бўлганлигини таъкидловчи озми-кўпми маълумотга эгамиз. У ўзининг ота-она тили — туркий тилдан ташқари, форс-тожик тилини ҳам яхши билган, кўплаб ривоятлар ва шеърлар айта олган (Қаранг: Ибн Арабшоҳ. «Ажойиб улмақдур фи ахбори Темур»; Алишер Навоий. «Мажолис ун-нафоис»; 1946 йилги Британия қомуси; «Тузукот»нинг 13-ва 14-бўлимлари).

Ҳар ҳолда «Тузукот»да Амир Темур ва темурийлар даврини ўрганиш учун зарур муҳим маълумот ва хабарлар мавжуд. Унда Чингатай улуси (Олтой, Еттисув, Шарқий Туркистон, Мовароуннаҳр ва Шимолий Афғонистон ерлари)нинг 1342—1405 йиллардаги тарихи, давлат ва қўшиннинг тузилиши, Амир Темур давлатининг қўшни мамлакатлар билан олиб борган сиёсий муносабатлари тарихи ўз ифодасини топган. Бу маълумотларнинг қай даражада қимматли эканлигига мутахассисгина эмас, балки уни эътибор билан ўқиган ҳар бир китобхон ҳам ишонч ҳосил қила олади.

«Тузукоти Темурий» икки мақоладан таркиб топган. Биринчи мақола Темурнинг давлатни барпо этиш ва мустақкамлаш, қўшинларни ташкил этиш юзасидан тузуқлари, режаларидан иборат бўлиб, ҳатто қўшиннинг жанговор тартиби жадваллар воситасида ифодаланган. Иккинчи мақоладаги 13 кенгаш ва унинг қисмларида Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши ва ҳарбий юришлари тафсилотлари берилди.

Амир Темур, юқорида таъкид этилганидек, зукко сиёсатдон ва йирик давлат арбоби сифатида ўз давлатининг тузилишини, унинг қай тарзда бўлиши кераклигини баён этади, мансабдорларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб беради. «Тузукот» муаллифининг фикрига кўра, ҳар бир тождор ўз давлатининг таянчи бўлган ижтимоий-сиёсий гуруҳларга суянган ҳолда иш олиб бориши лозим. Фақат уларнинг ёрдамида раият, қўшинлар ва давлатини идора қилиши зарур. Бундай гуруҳларга қуйидагилар кирган: 1) Муҳаммад алайҳиссалом авлоди бўлмиш саййидлар, уламолар, шайхлар; 2) тажриба орттирган билимдонлар; 3) дуоғўй тақводорлар; 4) амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолар; 5) сипоҳ ва раият; 6) салтанат ишларини, унинг сиру асорини билган, кенгаш қилишга муносиб оқил, ишончли кишилар; 7) вазирлар, саркотиб, девон муншийлари; 8) ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандислар; 9) муҳаддислар, ровийлар; 10) машойих, сўфий, орифлар; 11) ҳунар ва санъат аҳли; 12) ҳар мамлакат ва диёрдан келган саёҳатчи ва мусофирлар, савдогарлар. Улар турли мамлакатлардан хабар келтириб турганлар.

Амир Темур давлатни бошқаришда вазирлар, амирлар ва қисмат волийларига алоҳида аҳамият берган:

Вазирлар, «Тузукот» муаллифининг фикрича, қуйидаги тўрт сифатга эга бўлишлари шарт: 1) асиллик ва тоза наслик, булуклик; 2) ақлу фаросат; 3) сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик ва уларга хушмуомалалада бўлиш; 4) сабру бардошлилик ва мулоиймлик.

«Тузукот»да Амир Темур давлатини етти вазир бошқаргани ҳақида гап боради: 1. Мамлакат ва раият вазир. Бу вазир мамлакатнинг муҳим ишларини, кундалик муаммоларни, раият аҳволини, вилоятлардан олинган ҳосил, солиқ-ўлшонлар, уларни тақсимлаш, кирим-чиқимларни, мамлакатнинг ободонлиги ва аҳолининг фаровонлигини маълум қилиб турган; 2. Сипоҳ бўйича вазир. Сипоҳийларнинг маошлари ва танҳоларини бошқарган, парокандаликка тушиб қолмаслиги учун доимо сипоҳ аҳволдан подшоҳга хабар бериб турган; 3. Эгасиз қолган, ўлиб кетган ва қочиб кетганларга тегишли мол-мулкни бошқарган; закот ва божларни тўшлаган; 4. Саркори хоса, салтанат ишларини юритувчи вазир. У бутун салтанат идораларининг кирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинадиган харажатлар, шунингдек, отхона харажатларидан огоҳ бўлган; 5, 6, 7. Сарҳадлар ва тобе мамлакатларга тегишли ишларни бошқарувчи уч вазирдан иборат ҳайъат. Яна шуни таъкидлаш лозимки, салтанат ободонлиги ёки хароблиги шу вазирларга боғлиқ бўлганидан, «Тузукот»да таъкидлаганидек, Амир Темур ўз вазирларига нисбатан жуда ҳам меҳрибон бўлган. Шунингдек, уларни ортиқча сийламаслик лозимлигини ҳам таъкидлаган. Зотан, Амир Темур: «Вазир золим бўлса, салтанат ишлари тез муддатда парокандаликка учрайди», деб ҳисоблайди. Шунинг ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, вазирнинг вазифаларини тафтиш этаётганда ўз ворисларига туҳмат ва ҳиссиётларга берилмасликни уқтиради. Бу хусусда «Тузукот»да шундай дейилган: «Ғаразғўй, бузуқи ва ҳасадғўй одамларнинг вазирлар ҳақидаги уйдирмаларини эшитмасинлар, чунки бу табақадаги кишиларнинг душмани кўп бўлади, негаки, олам аҳлининг барчаси дунёталабдирлар». Шунинг билан бирга у ўз мансабини сунистеъмол қилувчи, раиятга жабру ситам етказувчи вазирларни қаттиқ жазолаган. Масалан, у 1404 йилнинг кузида ўз мансабини сунистеъмол қилган икки вазирини: бош вазир хожа Маҳмуд Довуд ва Муҳаммад Жалди қатл этишга буюрган. Бу ҳақда Қлавихо мана буларни ёзган: «Сеньор Темурбекнинг биринчи кўрган жазоси бош алькалдга қарши бўлди. Уни дина (вазир), деб аташади, у бутун Самарқанд империясида энг мўътабар одам ҳисобланган. Темурбек олти йилу ўн бир ой олдин юришга кетаётганда уни шу шаҳарда бош алькалд қилиб қолдирган эди. Айтишларича, ана шу муддат чоғида бу алькалд ўз мансабини сунистеъмол қилган».

«Тузукот»нинг айниқса амир ва ҳоким мансабига тайинлаш ҳақидаги маълумотлари ўта муҳимдир.

Маълумки, Амир Темур ўз навкарларидан 313 нафарини

амирлик мансабига тайинлаган. Қозоқлик¹ даврининг дастлабки кунларидан бошлаб, улар Амир Темурдан бир қадам ҳам ажралишмаган. Масалан, улардан 100 нафари ўнбоши, яна 100 нафари юзбоши, қолган 100 нафари мингбоши мансабига тайинланган. Қолган 13 нафари бекларбеги, амир ул-умаро мансабини олган.

«Тузукот»дан маълум бўлишича, бу борада бекларнинг тажрибаси, фаросати, баҳодирлиги ва шижоати каби шахсий хислатлари ҳисобга олинган. «Тажрибамдан синаб билдимки, — дейди Амир Темур, — жангнинг сир-асорини, ганим аскарларини синдириш йўлини билган, уруш қизиганда ўзини йўқотмасдан, қўл-оёғи бўшашмасдан лашкар фавжларини жангга бошлай оладиган, агар қўшин сафига раҳна тулса, уни тезда тузата оладиган кишигина амирлик ва ҳукмронликка лойиқ ҳисобланади». Нуфузли амирлар барлос, арғин, жалоир, тулкичи, дулдой, мўғул, сулдус, туғдой, қипчоқ, орлот, тотор қабиаларидан ва тархонлар орасидан сайланган. «Буларнинг барчаси тамғам сурати акс эттирилган муҳрим босилган [ҳужжат] га эга бўлиб, менга хос навқар бўлиб хизмат қилганлар», — дейди Амир Темур.

Асарда бошқа давлат хизматчилари ҳақида ҳам муҳим маълумот келтирилади: вақф билан боғлиқ бўлган ишларни садри аъзам, шариат ишларини — қози, давлат ёзишмаларини — муншайлар, ҳисоб-китобни — дафтардор, солиқ йиғиш ишларини — тавочилар бошқарган. Тавочилар, бундан ташқари, ҳарбий юрнш ёки жанг пайтида ҳар бир фавжнинг ўрнини белгилаган.

Амир Темур саройида мавжуд бўлган расм-русмлар тўғрисидаги тузук ҳам катта илмий қимматга эга. Тузукка кўра, саййидлар, қозилар, уламо, фузало, шайхлар, улуғлар ва аслзодалар подшонинг ўнг тарафидан ўрин олганлар. Амир ул-умаро, бекларбеги, нўёнлар, улус, туман ва қўшин бошлиқлари, амирлар, мингбошинлар, юзбошинлар ўз мартабаларига яраша чап қўл томонда ўлтирганлар. Тахт қаршисидан девонбеги ва вазирлар жой олишган. Қалонтар ва кадхудолар вазирлар орқасида саф тортиб туришган. Баҳодир фахрий номини олган йигитлар, қилич чопиб танилган ўғлонлар тахт орқасидан ўнг қўл томонда ўтиришган. Қоровулбегилар тахт орқасидан чап қўл томонда ўлтирганлар. Ҳировул амири шоҳ рўпарасидан ўрин олган. Ички, ясовул эшик олдида, тахт рўбарўсида тик турганлар. Фарзандлар, қавм-қариндошлар ўз даража ва мартабаларига яраша, «ҳудди ой қўрғонлагандек, салтанат тахтини ўраб ўлтирганлар».

Амир Темур ўзининг улкан давлатини ўғиллари, набиралари, яқин қариндошлари ёрдамида бошқарган. Мовароуннаҳрдан

¹ Қозоқлик — подшоҳликка даъвогар бирор шаҳзода ёки валиаҳднинг ўз мақсадига эришмоқ ниятида бирор тождорнинг хизматини ўташи даврида кечирган ҳаёт тарзи. Ҳокимият тепасига келгунча Амир Темур ҳам баъзан Сеистон ҳокимининг хизматида, баъзида Мўғулистон хони Туғлуқ Темур (1348—1362) хизматида бўлган.

ташқари бошқа ерлар улус тарзида уларга тақсимлаб берилган. Соҳибқирон Кобул, Ғазна ва Қандаҳор вилоятларини, то Синд дарёсигача бўлган ерлар билан қўшиб, ўн икки минг отлиқ аскар билан тўнғич ўғли Жаҳонгирга инъом қилди. 1376 йилда у вафот этгач, бу ерларни, Балх вилоятини ҳам қўшиб, Жаҳонгирнинг ўғли Пирмуҳаммадга инъом этди. Иккинчи ўғли Умаршайхга Фарғонани инъом этди; сўнгра 1393 йилда уни Форс вилоятига кўчирди. Умаршайх отасидан ўн минг кишилик қўшин олди. Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳ 1380 йилда тўққиз минг кишилик қўшин билан Хуросонга жўнатилган эди, 1393 йилда эса Табризга ўтказилди. Элхоний Ҳалокухон (1256—1265) нинг тахти Мироншоҳга насиб этди. Унинг улуси Ғарбий Эрон, Озарбайжон ва Ироқни ўз ичига олган эди. Ушанда Амир Темур Хуросонни кенжа ўғли Шоҳруҳга инъом этди. Отаси унга саккиз минг кишилик қўшин ажратди. Амир Темур бу ерда турк-мўғул халқларининг қадимги йўсинига амал қилган, Чингизхон ёсосига таянган.

Улуслар марказий ҳокимиятга бўйсунгани билан маълум даражада ўз мустақиллигини сақлаб қолганлар. Улус бошлиқларининг ҳам ўз давлат аппарати, хазинаси ва қўшини бўлган. Уларнинг марказий ҳокимиятга қарамлиги хирожнинг маълум қисмини марказий ҳукумат хазинасига жўнатиб туриш ва буйруққа биноан ўз қўшинини олиб подшоҳга ёрдамга етиб боришида ўз ифодасини топган. Амир Темур ҳаётлигида улус бошлиқларининг мустақилликка интилиши очиқ-ойдин кўзга ташланмаган эди, аммо соҳибқирон вафотидан кейин бошбошдоқчилик бутун кучи билан намоён бўлди.

«Тузукоти Темурий»да феодал ер эгалигининг турлари ва шакллари ҳақида ҳам маълумот бор. Масалан, иқтоъ, турлитуман солиқ ва жарималар шулар жумласидандир. Ҳосилнинг учдан биригача олинадиган хирож асосий солиқ бўлган.

«Тузукот»даги яна бир муҳим нарса — ижтимоий-иқтисодий муносабатларга доир маълумотлардир. Асарда айтилишича, Амир Темур қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирганларни рағбатлантирган. Бундай ишга қўл урганларга Амир Темур ҳукумати катта имтиёзлар берган. Бу ҳақда «Тузукот»да қуйидагиларни ўқиймиз: «Биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғилсин». «Ўлик» ерларни ҳосилдор ерларга айлантириш шарт-шароитлари ҳақидаги кўрсатмалар ҳам диққатга сазовордир: «Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса (давлат ерларини бошқарувчи маҳкама) тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин. Яна амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қурсинлар, бузилган кўприкларни тuzатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига кўприклар солсинлар, йўл устида, ҳар бир маъзилгоҳга работлар қурсинлар».

Амир Темур замонида олиқ-солиқлар муайян тартибда белгиланган эди. Энг муҳими, ердан олинадиган хирож миқдори ҳам, чорвадан олинадиган солиқ миқдори ҳам белгиланган эди. Муҳосиллар (солиқ йиғувчилар)нинг фаолияти устидан назорат ўрнатилган. «Амр қилдимки, — дейилади «Тузукот»да, — раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга тушириб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқ қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарур, чунки раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашувига олиб келади. Хазинанинг ғариб бўлиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг заифлашувига олиб боради».

Амир Темур армияси ташкилий ва ҳарбий тузилишда, шунингдек, жанг олиб бориш усуллари борасида ўз даврида энг катта ва қудратли армия эди. Лекин ташкил этилиши қадимги турклардагидек, Уғузхон ва Чингизхон тузгандек эди. Қўшин ўн минглик (туман) тартибда тузилиб, ўнлик, юзлик, мингликларга бўлинганди. Қўшинлар кўнгилчилар тарзида тузилган бўлиб, отлиқлар ва пиедалардан иборат эди. Қуроллар ўқ-ёй, найза, қилич, гурзи, табар, манжаниқ ва ҳоказолардан иборат бўлган. Жанговор тартиб, машҳур «жанги лой» (1365) даврида, қадимий турклар ва Чингизхон даврида бўлганидек, гул (марказ), баронғор (ўнг қўл), жавонғор (сўл қўл), қанбул (қанот ҳимояси), манглай (илғор қисм), ҳировул (орт томон) дан иборат қилиб тузилган. Бундай саф тузишда марказ қанотларга қараганда кучсиз бўлган. Унда қоровул, заҳира қисм бўлмаган. Кейинчалик 35 йил давомида ўтган узлуксиз юришлар ва урушлар жараёнида Амир Темур ўз армиясини такомиллаштирди ва ҳар қандай шароитда жанг қила оладиган қобилиятга эга қилди. Масалан, ўша даврнинг энг йирик жанги, яъни Амир Темур билан Тўхтамиш ўртасида 1391 йилда бўлган Қундузча мавзеидаги урушни олайлик. Бу уруш жараёни Шарфиддин Али Яздий томонидан батафсил баён қилинган ва М. Шармуа ва М. И. Иванин тарафидан махсус ўрганилган. Шунга кўра, Амир Темурнинг жанговор тартиби бутунлай бошқача кўринишда бўлган. Энг аввало Амир Темур ўз армиясини етти қўл (корпус) га бўлган. Уларга амир Сулаймоншоҳ, шаҳзодалар Муҳаммад Султон, Мироншоҳ ва Умаршайх, амир Бердибек кабилар қўмондонлик қилишган ва марказ, ўнг ва сўл, қанбулдан жой олганлар. Баъзи қўллар Амир Темур томонидан заҳирага эҳтиёт учун ажратилган. Бундай тартиб қанотларнигина эмас, балки марказни ҳам бирмунча кучайтирган. Марказ ихтиёрида энди илғор, қанбул ва эҳтиёт қисмлар бўлиб, у жанг тақдирини ҳал этган, албатта.

Қўшинни тўплаш ва уларни мурчилларга тақсимлаш билан тавочилар шуғулланишган. Юриш вақтида ҳар бир аскар ўзи билан камон ва 30 та ўқ, чапар ва тура, қилич ва бир ойга старли озуқа олиши лозим бўлган. Ҳар бир аскар икки от, ҳар ўн киши ўзи билан бирга бир ҳайма (чодир), икки соябон, бир

бел; ўроқ; арра, табар; жуволдўз, юз дона игна; арқон, чарм меш; қозон олган.

Қўшинлардаги ҳарбий қурилишнинг бу ва бошқа масалалари Амир Темурнинг «Тузукот»ида батафсил баён қилинади. Бу ҳол, ўз навбатида, Урта Осиё халқларининг ҳарбий тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга моликдир.

Амир Темур ҳаётини тажриба касб этган, инсонни қадрлай оладиган ва одамларни бир-биридан фарқ қила оладиган шундай бир арбоб эдики, ундайларни ўтмиш тождорлари орасида ҳам, замонамиз арбоблари орасида ҳам топиш амри маҳолдир. Ўзига ўринбосар, ноиб тайинлашда унга ҳаётини тажрибагина эмас, табиий, яъни худо берган қобилият ҳам жуда қўл келди. Унда шундай илоҳий қудрат бор эдики, шу куч туфайли у оғир кунларда ҳам, қозоқлик йилларида ҳам, жасур ва иқтидорли кишиларни ўзига эргаштира билди ва улардан садоқатли ҳамкорлар, фидокорлар тайёрлай олди. Жоқу барлос, амир Мусо, амир Жалолиддин, амир Ҳиндука, Ики Темур, Сулаймоншоҳ, Худойдод, Бердибек, Шоҳмалик, Шайх Нуриддин кабилар шундай кишилар сирасидан эди. Бир неча мисол келтирамиз. Мўғулистон хони Илёсхожага қарши кураш (XIV асрнинг 60-йиллари) чоғида бир гуруҳ амирлар уни тарк этмоқчи бўлганларида юз берган аҳволни тузатиш мақсадида у ўз қобилиятини ишга солди. «Тузукот»дан ўқиймиз: «Амир Жоқу, Ики Темур, амир Сулаймон ва амир Жалолиддинларни хилватроқ ерга чорладим ва уларни ўзимга иттифоқ қилмоқчи бўлдим. Хилватда улар билан суҳбат қуриб, «давлатимга шерик бўласизлар», — дедим. Бу билан ўзларига ишонч ва менга хизмат қилишда қатъият уйғотдим. Шунга ўхшаш мен билан иттифоқи бузилган тоифадаги бошқа амирларни ҳам бирма-бир ҳоли жойга чорлаб, ҳар қайсиси билан алоҳида гаплашдим. Булардан мол-дунёга ҳирс қўйган очкўз ва тамагирларига мол-ашё ваъда қилдим, мансаб-мартабага ва мамлакатларни бошқаришга кўз тиккан амалпарастларни қўлим остидаги мамлакат ва вилоятлардан бирига ҳокимлик қилишга номзод қилиб кўрсатдим. Уларнинг ҳаммасини умид ва қўрқинч орасида сақладим. Ҳар бирига биттадан ноиб ва кутвол тайинладим. Қолган лашкарларни ҳам луқма ва хирқа билан умидвор қилдим; ширин сўз ва очик юз билан уларни ўзимга ром этдим. Қилган бир хизматини ўн баробар қилиб тақдирлаб, дилларини хушнуд этдим. Натижада мени қўллаб-қувватлаганлар ҳам, тескари бўлган мунофиқлар ҳам барчаси энди атрофимда бирлашди. Ҳар ерда ва ҳар ишда бирлик-иттифоқликни қўлдан бермасликка, амру фармонимдан чиқмасликка ваъда бериб, мен учун мол-жонларини аямай, майдонда жонбозлик қилишга аҳд қилдилар». Оғир кунларда Амир Темур оддий сипоҳийларига нисбатан ҳам шу йўсинда иш тутган. «...лекин лашкарларим бу ишда мен билан ҳамжихатлик қилмади. Лашкарларимни атрофимга бирлаштирмоқчи бўлдим. Шунинг учун баъзиларига мурувват, меҳрибонлик қилдим, бошқалари билан келишишга интилдим».

яна бир гуруҳини эса молу дунё билан ўзимга эгмоқчи бўлдим. Яхши сўз, аҳду паймон ва ваъдалар билан қолганларининг кўнглини кўтаришни маслаҳат кўрдим», — дея хотирлайди соҳибқирон.

«Тузукот»даги далилларга қараганда, Амир Темурда яна бир муҳим ажойиб хислат — қўл остидагиларнинг гуноҳини кечира олиш қобилияти ҳам бўлган. Амир Темур эслайди: «Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим». Аммо у ҳам кўплар қатори уч маротабагача кечира олган. Жониқурбоний қавмидан машҳур Арғуншоҳнинг авлодидан Алибек Амир Темур хотини Ўлжой Туркан оға билан саргардонликда юрганларида бошларига кўп кулфат солган эди. Амир Темур салтанат тахтини эгаллагандан кейин ўша Алибек икки бор унинг қўлига тушди ва икки дафъа ҳам кечирилган ҳамда наслдор от ва зар қадалган камар, қимматбаҳо қурол ҳамда шоҳона сарупо билан тақдирланиб, хизматга қабул қилинган. Аммо у қасамни бузиб, вақтни ғанимат билиб, олий даргоҳни тарк этди ва саҳро сари қочиб кетди. Алибек учинчи бор қўлга тушгач, уни Амир Темур ўлимга буюрди. Амир Темур очкўз, зиқна, ёвуз ва нафс бандаларини ёқтирмас эди, айниқса ўзининг кечаги валинеъматини унутганларга нисбатан шафқатсиз эди. «Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб, менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим. Чунончи, Тўхтамишхон билан бўлган урушда унинг амирлари менга хабарлар ва шикоят-аризалар ёзиб, ўз ҳукмдори, яъни менинг душманим бўлмиш Тўхтамишхон берган туз ҳақини унутдилар, вафодорлик ва ҳақиқатни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, менинг ҳузуримга паноҳ истаб келганлари учун уларни лаънатладим, ўзимга «булар ўз соҳибига вафо қилмагач, менга қилармиди?» — деб ўйладим.

«Темур тузуклари»дан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ келтирилган мазкур парчалар Амир Темурнинг шахсини, ҳатто унинг суратини шунчаки бўлса ҳам кўз олдимизда гавдалантира олади. Бир дақиқа бўлса ҳам бу буюк зотнинг ички дунёсига назар ташлаш имконини беради.

Сўзимиз охирида «Тузукот»да келтирилган икки масала устида фикр билдирмоқчимиз. Биринчиси. «Тузукот»да Урта Осиё, Мовароуннаҳр истилоҳи билан бирга «Турон», «Туркистон» атамалари ҳам қўлланилган. Туроннинг аҳолисига келганда, у турку тожик деб аталган ва ҳар иккала элат асарда биргаликда келади. Тафсилотларга берилмасдан шуни таъкидлашни лозим топдикки, туркийзабон ўзбек, қирғиз, қозоқ, туркманлар ва эронзабон тожиклар қадим-қадимлардан буён шу заминда ёнма-ён истиқомат қилиб, моддий ва маънавий бойликларни биргаликда яратганлар, Урта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзларига яраша ўрин тутганлар. Шунинг учун баъзи олимлар-

нинг бу иккала биродар халқни бир-биридан ажратишга уришилари, бирдан иккинчисини устун қўйишга ҳаракат қилишлари мазкур халқлар ҳар бирининг асл манфаатларига зиддир.

Иккинчиси. Асарнинг Амир Темурнинг дастлабки ҳаёти ва фаолиятидан баҳс этувчи биринчи қисмида «Ўзбеклар», «Ўзбеклар тоифаси» деган иборалар тилга олиниб, уларнинг маҳаллий аҳолига нисбатан ўтказган жабру зулми ва уларга қарши Амир Темурнинг курашгани ҳақида гап боради. «Ўзбеклар», «Ўзбеклар тоифаси» дейилганда ўзбек элини назарда тутмаслик лозим. Бу ерда гап Дашти қипчоқнинг турк-мўғул қабилалари хусусида бормоқда, яъни уларнинг Хоразмнинг катта қисмида (1227) ва Чигатой улусида (1251 йилдан) ўз ҳукмронликларини ўрнатган бошлиқлари ҳақида гап кетади. XIV—XV асрларда араб ва форс тилларида битилган манбаларда, масалан, Ҳамдуллоҳ Қазвиний (1281—1350), Низомиддин Шомий, ал-Қалқошандий (вафоти 1418 йил), Шарафиддин Али Яздий асарларида, Муиниддин Натанзийнинг «Искандар мажҳули» асарида, Абдураззоқ Самарқандий, Хондамир ва бошқа олимларнинг асарларида улар умумий ном билан «Ўзбек», уларнинг Дашти қипчоқнинг шарқий қисмида жойлашган мамлакати «мамлақати ўзбак», «улуси ўзбак» деб аталган. Бунинг тарихи аслида бундай. Маълумки, Чингизхон ҳаётлигидаёқ ўзининг улкан давлатини ўғилларига тақсимлаб берди. Ушанда тўнғич ўғли Жўчихонга Иртиш дарёсидан тортиб то «Мўғул отларининг туёғи етган жойлар» гача улус қилиб берилди. Унинг улуси таркибига Сирғоқ, Барчинлиғкент, Янгикент, Ашанас шаҳарларидан иборат Сирдарёнинг қуйи оқими ва Хоразмнинг шимоли-ғарбий қисми (пойтахти Урганч билан) ҳам кирганди. Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойнинг улуси Қошғар, Еттисув, Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг Кот, Хивак шаҳарларидан иборат жануби-шарқий юрларни ўз таркибига олган эди. Кўриниб турибдики, ҳар иккала улус ҳудудлари жануби-ғарбда бир-бирларига туташ бўлган.

Жўчи улуси (Олтин Урда) айниқса Ботухон замонида кучайди. Олтин Урда Жўчи улусининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидагина эмас, Угадой қоон, Мунка қоон давридаги Мўғулистоннинг сиёсий ҳаётида ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. «(Ботухон) мўғулларнинг барча юришларида фаол қатнашиб, ўз қўшинларини асосий армияга ёрдамга жўнатган ва тушган ўлжадан ўз улушини олиш умидида эди». Эвазига у ўлжагина эмас, бутун-бутун вилоятларни ўз улусига қўшиб олган. Утамиш ҳожининг «Чингизнома» асарида айтилишича, Ботунинг бундай улуслари Мовароуннаҳрда ҳам, Эронда ҳам бўлган. Бу ҳол Ботухонга Чигатой улусининг ички сиёсий аҳволдан хабардор бўлиб туришга, кези келганда уни назорат қилиб туришга имкон яратган. Ҳужжатларга мурожаат қиламиз. Чигатойнинг набираси Қора Ҳалоку (Хара Хулаку) узоқ вақт тахтада муқим тура олмади (биринчи марта 1241—1247, иккинчи марта 1252). У Гуюк қоон (1246—1249) томонидан маъзул этил-

ди ва бу тўптаришда Ботухоннинг ҳам қўли бор эди. Чигатой улусида тахтга Чигатойнинг ўғли ва Гуюк қооннинг яқин дўсти Есу Мунка (1247—1252) ўтқизилди. Есу Мунка узоқ вақт ҳукмронлик қила олмади, чунки у ичкиликка берилди, давлат ишлари билан шуғулланмади. Гуюк қоон вафотидан кейин Мўғулистон давлатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида Ботухоннинг мавқеи ошди. Бу дафъа Ботухон тахтга Гуюк қооннинг беваси Уғул Гаймишни ўтқизди. Ботухоннинг бу ишига Уғадой қооннинг авлоди қарши чиқди. Буларни Чигатой сулоласидан Есу Мунка йўллаб-қувватлади. Шундан кейин Ботухон 1251 йили Қорақўрумда қурултой чақиртириб, Тулуй қооннинг ўғли Мунка (1251—1260) ни тахтга ўтқизди. Шуни ҳам айтиш керакки, Мунка қоон тахтга ўлтиргандан сўнг Ботухоннинг ташаббуси билан унинг душманлари ярғучи (қози)нинг қўлига топширилди. Ярғучининг ҳукми билан малика Уғул Гаймиш, Қадағоч хотун (Уғадой қооннинг набираси Шерамуннинг онаси) ва бошқа шаҳзодалардан иборат етмиш етти нафар шаҳзода ва амирлар қатл этилди. Есу Мунканинг тахтдан туширилгани эълон қилинди. Унинг ўрнига Қора Ҳалоку тайинланди. Аммо у пойтахтга етиб боролмай Олтойда вафот этди. Лекин қўшинлари йўлда давом этиб, Есу Мунка қароргоҳига етиб олдилар. Есу Мунка қўлга олинди, Ботухоннинг ҳузурига жўнатилди. Чигатой улуси хонлигига Қора Ҳалокунинг беваси Ариқ Буқонинг қизи Эргана хотун ва унинг вояга етмаган ўғли Муборакшоҳ тайинланди. Лекин булар номигагина хон эдилар. Асосий ҳокимиятни Ботухон ва Мунка қоон номидан машҳур Маҳмуд Ялавочнинг ўғли Масъудбек бошқарган.

Олтин Ҳрданинг Чигатой улусига таъсири Ботухон ва Беркахондан кейин ҳам давом этди, XIV аср бошларидан эса янада кучайди. Бу борада Мирзо Улуғбекнинг «Тарихи арбаъ улус» асарида келтирилган қуйидаги маълумот эътиборга моликдир. Асарнинг Олтин Ҳрда хони Беркага бағишланган бобида унинг ёшлиги Бухорода кечгани, машҳур олим Сайфуддин Бохарзий (вафоти 1261 йил) қўлида таълим олгани ҳақида гапирилади. Бошқа бир ўринда Туғлиқ Темур замонидан (XIV аср) Олтин Ҳрда қўшинларининг Мовароуннаҳр ҳудудига икки бор бостириб киргани ҳақида гап боради. Бу маълумотлар жуда қимматлидир. «Тузуқот»да ана шу «ўзбеклар» ҳақида гап боради. Амир Темур айни шу Олтин Ҳрда ўзбеклари, кўчманчи ўзбекларга қарши курашган.

Биз «Тузуқот»нинг айрим жиҳатлари борасида сўз юритиб, бу ажойиб ёдгорликдан айрим мисоллар келтирдик, холос. Уни жиддий тадқиқ этиш ишлари ҳали олдинда. Энг аввало, фикримизча, бу асарнинг танқидий матни тузилиши лозим, зеро, «Тузуқот»нинг бизгача етиб келган қўлёзма нусхалари сон-саноксиз бўлишидан ташқари, улар бир-биридан фарқ қилади, сукутли, баъзи ўринларда ўқиб бўлмас даражада. Юқорида қайд этилганидек, манбанинг чоп этилган нусхалари ҳам мав-

жуд. Аммо улар ҳам талабчан китобхонларни, айниқса илмий ходимларни қаноатлантира олмаса керак.

Юз йил муқаддам Н. П. Остроумов «Тузуқоти Темурий»нинг рус тилидаги нашрини чоп эттирди. Ушанда у «албатта, бу асарни форс тилидан таржима қилган афзал эди, аммо бу ишни келажак авлодга ҳавола этамиз», — деб ёзган эди.

Ушбу сатрлар муаллифи шогирдлари билан биргаликда «Тузуқоти Темурий»нинг рус тилига асл нусхадан қилинган тўла таржимасини нашрга тайёрлади. Шу нашрни кўриш умиди билан яшаб турибмиз. Лекин у қачон амалга ошишини айтиш қийин.

УЛКАН ТАЗКИРАНАВИС ОЛИМ

Урта асрнинг йирик тазкиранависларидан бири Давлатшоҳ Самарқандийдир. Олимнинг ҳаётига оид маълумотлар жуда кам. Унинг ҳақида фақат қуйидагиларни биламиз, холос. У, авваломбор, улуг Навоийнинг замондоши бўлган. Отаси Алоудавла ибн Бахтшоҳ ал-Ҳозий хоқони сайд Шохруҳнинг эътиборга сазовор бўлган амирларидан эди. Бинобарин, у ўғлининг тарбияси ва таҳсилига жиддий эътибор қилиб, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиб берган. Давлатшоҳни отаси даставвал атоқли олим ва шоир хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ Самарқандийга шогирдликка берган.

Бироқ Давлатшоҳ Самарқандий XV асрнинг 80-йилларига қадар илмий ёки адабий фаолият билан машғул бўлмай, сарой хизматчиси ва ҳарбий киши бўлиб қолди. У дастлаб султон Абу Саид, ундан кейин султон Ҳусайн Бойқаро олиб борган урушларнинг қўпчилигида иштирок этди. Давлатшоҳ умри беҳуда кечганини кейинчалик тушунди. «Мен осий банда, — деб ёзган эди у бу ҳақда, — йигитлик ҳангомини, фазл кашф этиш айёмини жаҳолату батолатда поёнига етказдим. Абдий саодатнинг сармоясини бўлмиш уч кунлик умрни беҳуда ўтказдим. Бир пайт ҳисоб-китоб қилиб, ҳаёт рўзномасига назар ташлаб қарасам қимматбаҳо умрим карвонини гумроҳлик биёбонида эллик манзилни босиб ўтибди». Давлатшоҳ Самарқандий бу гапларни асарининг муқаддимасида, демакки, уни ёза бошлаган пайтда, яъни 1485 йилда айтган. Агар у ўша 1485 йили эллик ёшда бўлса, унда 1435/36 йилни унинг таваллуд топган йили, деб ҳисоблаш мумкин.

Давлатшоҳ Самарқандий тахминан 60 йил умр кўрди ва «Миръот ус-сафо» («Поклик кўзгуси») нинг муаллифи Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад Содиқ Ҳусайний Нишопурий Нажафий Бурхонпурининг (XVII асрнинг иккинчи ярми — XVIII асрнинг биринчи ярми) сўзларига қараганда, у 1495 йили вафот этган.

Кўриниб турибдики, Давлатшоҳ Самарқандий биз фикр юритмоқчи бўлган асарини умрининг охирида ёзган. Асар муқаддимасида мана буларни ўқиймиз: «Фикр-мулоҳаза қилиб

кўриб ўзимга дедимки, фазлу камол мундарижаси бўлмиш дину дониш дафтаридан бирон ҳарф ўқимадинг, ота-боболаринг амалу мартабаларидан бебаҳра қолдинг, умрни бу қадар но-буд қилишдан мурод нимаю, бу бебаҳра савдойиликнинг бойси нима? Хижолат ва шармисорлик заҳмини тотгач, кўрдимки, надомат билан ўтказилган вақтнинг, қўлдан кетган бахтнинг тадбири йўқдир, [белгиланган] ҳаёт муҳлатидан ўзга умрни чўзиб бўлмас... [Охири] собитқадам бўлдим ва [унга] қимматли сармоя топдим... Хукмдорлар даргоҳидаги мулозимлик ғуссасининг қиссасидан не дейинг?! Бу русум гарчи бечора ота-бобомиз шиори бўлса ҳам, нафси бу хизмат маросимидан тийдим, заруратдан оёғимни ўша даргоҳдан тортдим... Охири ҳасрату пушаймонлик, ғам-андуху паришонликдан бахтсизлик бурчагида мужовир, танҳоликдан бир чеккада гўшанишин бўлдим... Маъвилар ганжини пайдо қилгандан кейин билдимки, қалам ўша ганжининг аждаҳоси экан... Важҳ шулким, уламо шу қадар фазлу камолоти бўла туриб, бу мушфиқ афсона (тазкира — Б. А.) устидан қаламини қийнатмаган, ҳиммати бошини унга эгмаган, бошқаларга эса вақт мусонда қилмаган, балки қуввайи сармояси етмаган.

Қиссага келсак, бу тоифанинг (шуаронинг — Б. А.) зикри ва тарихини фозиллардан биронтаси ёзмаган. [Шунинг учун ҳам] савоб важҳидан бирон нарса ёзилса, ҳақиқат учун яхшилик шул бўлур эди... Ул кам-кўстликларким, ҳаётлик чоғида кўриб эдим, ўшал яхшиларким, аларни карамли фозиллар хирманидан териб олган эдим, мўътабар тарих китоблардан, ўзларининг [барча] иқлимларда машҳур ва мазкур бўлган девонлардан бир тазкира жам қилдим, токи исломиятдан шу кунгача бўлган даврни ўз ичига олсин. Яна қўлимда бўлган бир қадар улуғ подшоҳлар тарихларидан, уларнинг замонида ўтган номдор шоирлар баённи ҳам ушбу тазкирага киритдим. [Ва] яна улуғларнинг асарлари, буюкларнинг латифалари, маъруф мамлакатлар ҳақидаги китоблардан нимаки билсам, нимагаки қодир бўлсам имкон қадар ушбу тазкирада қайд этдим».

Бундан маълумки, Давлатшоҳ Самарқандий умрининг охирида сарой хизматини тарк этиб, мушкул, аммо ҳайрли ишга, яъни ўзидан аввал ўтган шоир ва олимлар ҳақида китоб ёзишга бел боғлаган.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг бу асари «Тазкират уш-шуаро» деб аталади ва жуда катта давр — қарийб 500 йил мобайнида Мовароуннаҳр, Хуросон ва араб мамлакатларида яшаб ижод этган 150 нафар шоир ва адибнинг фаолиятини ўзининг тадқиқ қабзасига олган.

Асар хусусида фикр юритишдан аввал шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, тазкиранавислик анъаналари Давлатшоҳ Самарқандийгача ҳам бўлган. Давлатшоҳнинг қўлида ўзигача ёзилган Абу Тоҳир Хотуний (X аср охири — XI асрнинг биринчи ярми)нинг «Маноқиб уш-шуаро» («Шоирларнинг яхши сифатлари») ҳамда Нуриддин Муҳаммад Авфий (1172—1233)

нинг «Лубоб ул-албоб» («Қалблар қалби») деб аталган тазкиралари ҳам бўлган. Бу тазкираларда тоҳирийлар (821—873), сомонийлар (867—тахм. 1495), қорахонийлар (1041—1211) ва салжуқийлар (1038—1157) даврида ўтган форсийзабон шоирлар ҳақида қисқа маълумотлар келтирилади. Лекин улардан кейин, қарийб икки-уч аср мобайнида бирон адабиётшунос олим, Давлатшоҳ Самарқандий айтганидек, «бу мушфиқ афсона (тазкира) устида қаламнинг қийнамаган ва ҳиммат бошини унга эгмаган...». Бунга маълум даражада қирғинбарот урушлар ҳам сабаб бўлди. Ҳаммага маълумки, 1220—1223 йилларда мўғул босқинчилари талайгина олим ва шоирларни тўғдан ўтказдилар, уларнинг бир қисмини қўли гул ҳунармандларга қўшиб Мўғулистон тарафга ҳайдаб кетдилар, қирғиндан омон қолганлари эса ҳар ёқ-ҳар ёққа сочилиб кетдилар. Туркияга қочиб кетган фарғоналик улкан шоир Сайфулдин Фарғоний, Эроннинг жанубидаги вилоятларнинг бирдан паноҳ топган хоразмлик тилшунос олим Шамсиддин Муҳаммад ибн Қайс Розий, Ҳиндистонга қочиб қутулган ёзувчи ва адабиётшунос Саъдуддин Муҳаммад Авфий Бухорий ўша сарсону саргардон бўлганлар жумласидандир. Уларнинг илмий ва адабий фаолиятини таҳлил қилиб бир китобда жамлаш қийин, албатта. Давлатшоҳ Самарқандий бу қийинчиликлардан чўчимаган, кўп йил ва самарали меҳнат қилиб, «Тазкират уш-шуаро»дек муҳим бир асар яратишга муваффақ бўлди. У юқорида тилга олинган тазкиралардан ташқари, ўзигача ёзилган ўнлаб тарихий ва жўғрофий асарлардан ҳам кенг фойдаланган. Чунончи, Давлатшоҳ «Зайн ул-ахбор», «Тарихи Оли Салжуқ», «Тарихи Банокатий», «Китоб сувар ал-ақолим», «Нузҳат ал-қулуб»; шеърият илмига бағишланган «Ҳадоийқ ас-сеҳр», «Жавоҳир ул-асрор» рисолалари, ислом уламоларининг таржимаи ҳолини баён этувчи маноқиблар, беш аср мобайнида ўтган йирик шоирларнинг девонлари ва дostonларидан зарур маълумотлар тўплади. Мана шу катта меҳнатнинг самараси ўлароқ, Давлатшоҳ Самарқандий X—XV аср мобайнида Туркистон, Хуросон, Арабистон ва бошқа қўшни мамлакатларда яшаб ижод этган шоир ва адиблар фаолиятини ўрганиб мазкур китобга жамлади.

«Тазкират уш-шуаро» 1487 йили ёзиб тамомланган. Асар муқаддима, хотима ва етти қисм (табақа)дан иборат.

Муқаддимада одатда тангри таоло, расулуллоҳ ва унинг хонадонига айтилган ҳамду сано, подшоҳ Султон Ҳусайн ва унинг яқин кишиси ҳазрат Алишер Навоий мадҳига айтилган гаплардан кейин, асарнинг ёзилиш сабаблари айтилади, ўн нафар классик араб шоири: Лабид (VII аср), Мутанаббий (915—965), Абу Али ал-Мааррий (973—1058) ва бошқалар ҳақида қисқа маълумот келтирилади.

Тазкиранинг қолган етти қисмида X—XV асрларда Туркистон, Эрон ва араб мамлакатларида яшаб ижод этган машҳур шоирлар, адиблар ҳақида гап боради.

Хотимада эса тазкира муаллифи билан замондош бўлган

олтита йирик шоир: Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, хожа Афзалуддин Муҳаммад, Амир Аҳмад Суҳайлий, хожа Шаҳобиддин Абдулла Марварид ҳамда хожа Осафийлар ҳақида сўзланади.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг мазкур тазкирасида жамланган шоирлар, уларнинг ўзбек классик адабиётида ва умуман илм-фан тарихида тутган ўрни ҳали тўла равишда ўрганилмаган.

Тазкирада келтирилган шоирларнинг асарлари Шарқ классик адабиётининг умумий йўналиши, унинг тараққиёт йўллари, классик Шарқ шеърлятида кенг қўлланилган қасида, ғазал, рубоий ва ҳажв жанрларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, тарсий, тажнис, таржиъбанд, мураббаъ сингари шаклларни ўрганиш ва янгича тадқиқ этишда муҳим роль ўйнайди.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг асарида келтирилган шуаро ва фузало орасида Жавҳарий Заргар, хожа Қирмоний, Жалол Табиб, хожа Исмаилов Бухорий, Аминуддин Нузилободий каби дostonчилик жанрининг йирик намояндalари, шеърлят ва насрият илмига оид «Таржимон ал-Балоға» («Ногиқликни тушунтириб берувчи китоб») билан шуҳрат топган Фаррухий (1037/38 йили вафот топган), «Чор мақола» китобининг муаллифи Низоми Арузи Самарқандий (XII аср), форс тилининг изоҳли луғатини тузган Қатрон ибн Мансур Термизий (XII аср), «Ҳадоийқ ас-сеҳр» («Сеҳр боғи») асари билан ном чиқарган хоразмлик шоир ва адабиёт назариётчиси Рашидиддин Вотвот (1088—1182), «Нигористон» китоби муаллифи Муъинуддин Жувайний, «Шабистони хаёл» асари муаллифи Яҳё Себак Нишопурий, «Жавоҳир ул-асрор» («Сирлар жавҳарлари») асари билан ҳаманинг манзур назарига тушган олим ва сайёҳ Шайх Ориф Озарий (1382—1462), мусиқашунос олим Соҳиб Балхий, хаттотлик илмининг пири Симий Нишопурий ҳам борки, уларнинг ижод йўли классик адабиёт ва ўрта аср илм-фани тараққиёти тарихида муҳим ўрни тутади.

Тазкирада қайд қилинган шоирларнинг аксарияти ўз даврининг малик аш-шуароси деб эътироф қилинган кишилардир. Уларнинг кўпчилиги охир-оқибатда тамағир ва ҳасадчилар, фиқу фасод макони бўлмиш подшоҳлар саройини тарк этганлар. Авҳадиддин Анварий (XII аср), Рашидиддин Вотвот, Бухорий шарифда зуллисонайнчилик, яъни муламмах (бир шеърни икки тилда ёзиш) анъанасини бошлаб берган, шунингдек, ҳажв жанри ривожига катта ҳисса қўшган хожа Исмаилов Бухорий (1365—1426) ана шундай шоирлар жумласидан эдилар.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг ушбу асарида машҳур файласуф, шоир ва олим Носир Хусрав (1004—1088), йирик тарихчи олим ва шоир Фахруддин Банокотий (1329 йили вафот топган), Шарқ классик шеърляти даҳоларидан Хусрав Деҳлавий (1253—1325), Камол Хўжандий (1318—1401), Абдурахмон Жомий (1414—1492), Алишер Навоий (1441—1501) билан бирга, меҳ-

наткаш халқ орасидан чиққан шоирлар ҳам тилга олинган. Асли зироатчи табақасидан чиққан ва Низомий Ганжавийнинг «Махзан ул-асрор»ига бир минг байтдан иборат жавоб ёзган Жамолиддин ибн Жаъфар Фарраҳоний, бир умр кўш кўшиб, зироатчилик билан машғул бўлган, далада, иш устида илҳом келиб қолганда шеър тўқиб, уни кетмон дастасига ёзиб юрган кўҳистонлик Муҳаммад Ҳисомиддин, авом ун-носан (оддий халқдан) чиқиб, истеъдодли шоир, хаттот ва наққош бўлиб етишган Симий Нишопурий, бўйра тўқиб сотиб рўзгор тебратган самарқандлик Бисотий ҳақида келтирилган маълумотлар бу жиҳатдан ибрат бўлғуликдир.

Тазкирада қайд этилган шоирлар орасида шоҳлар ва турли даражадаги ҳокимлар, ноиблар ва қозиларни фoш этганлари ҳам учрайди. Яминуддин Фарюмадий ва унинг ўғли Амир Маҳмуд (ибн Ямин) ҳамда Убайд Зоконий шундайлар жумласидандир. Бу, шак-шубҳасиз, Давлатшоҳ тазкирасининг қимматини янада оширади.

Давлатшоҳ Самарқандий мазкур асарининг яна бир фазилати бор. Унда ўрта асрларда Эрон билан Туронда бўлиб ўтган муҳим тарихий воқеалардан баъзилари ўз аксини топган. Туркистон. Афғонистон ва Эрон халқларининг хоразмшоҳ султон Жалолиддин Мангуберди туғи остида 1221—1231 йиллари мўғул истилочиларига қарши олиб борган кураши, 1337—1381 йиллар орасида Хуросонни идора қилган Сарбадорлар давлати тарихи, Хуросон ва Ўрта Осиёнинг жанубий ноҳияларида XV асрнинг 40-йилларида бўлиб ўтган воқеалар шулар жумласидандир. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, сарбадорлар тарихи тўлиқ ҳолда фақат шу асарда келтирилган. Шунингдек, асарда машҳур арбоблар: салжуқийларнинг улуғ вазири Низомулмулк, исмоилия тариқатининг асосчиси Ҳасан Саббоҳ, буюк шоир ва олим Умар Хайём, улуғ риёзиёт ва фалакиёт олими Мирзо Улуғбек ҳақида ҳам муҳим маълумотлар учратамиз.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг Шарқ классик адабиётига қўшган катта ҳиссаси ўз давридаёқ юксак баҳоланди. Масалан, Алишер Навоий «Мажолис ул-нафoис» асарида у ҳақда бундай деб ёзган эди: «Ва амир Давлатшоҳким, Хуросон мулкининг асил мирзолари орасида фазлу дониш зевари била баҳрамаид, фақру қаноат тожи била сарбаланддур, ҳам «Тазкират уш-шуаро» отлиғ китоб битибдур, воқеан бaсe заҳмат тортибдур ва бу тоифани (шуаро тоифасини — **Б. А.**) яхши жамъ қилибдур».

Давлатшоҳ Самарқандий ва унинг «Тазкират уш-шуаро» асари янги замон даври илмий жамъатчилигининг ҳам эътиборини ўзига тортди келмоқда. Масалан, 1819 йилдан бери асардан айрим нарчалар Русияда (В. Жуковский ва Ф. Эрдман), Францияда (Силвестр де Саси), Англияда (Э. Браун ва А. Фальконер), Туркияда (Фаҳим Сулаймон афанди) ва Германияда (Хаммер) chop этилди. Асарнинг форсийча тўла матни 1887 йили Ҳиндистонда Мирза Муҳаммад, 1900 йилда Англияда Э. Браун ва 1958 йили Эронда Ҳожи Муҳаммад Рамазоний

тарафларидан нашр қилинди. Шу ўринда яна бир гапни айтиш жоизки, 1900 йили асар Хивада Муҳаммад Рафиъ томонидан эски ўзбек тилига таржима қилинган. Лекин бу таржима кўп жиҳатдан ҳозирги ўзбек тили талабларига жавоб бермайди. Таржима, авваламбор, ўзбек тилининг хоразм шеvasида, қолаверса асарнинг фақат бир нусхаси асосида амалга оширилган. Шунингдек, таржимада айрим жумлалар тушиб қолган, айрим жойлари қисқартириб ва мазмунан таржима қилинган, баъзан шеърӣ парчалар таржима қилинмай, кўп ҳолларда тушириб қолдирилган.

Ушбу сатрлар муаллифи 1967 йили асардан Туркистон ва эронлик 32 шоирнинг ҳаёти ва ижодига тегишли айрим парчаларни ўзбек тилига таржима қилиб, зарур изоҳлар ва тадқиқотлар билан нашр этган эди. Шундан кейин китобча ҳақида билдирилган айрим фикр ва мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда Давлатшоҳ тазкирасининг 60 нафар шоирнинг ҳаёти ва ижодига тегишли катта бир қисми ҳозирги ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилди. Мазкур таржима «Тазкират уш-шуаро»нинг 1958 йили чоп этилган Техрон нашрига асосланди.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг бу муҳим асари классик адабиётимизни ўрганишда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин. Агар Абу Тоҳир Хотунийнинг «Маноқиб уш-шуаро» си бизгача етиб келмаганлигини, Авфий тазкирасининг эса фақат бир қисмигина сақланиб қолганлигини эътиборга олсак, Давлатшоҳ Самарқандий ушбу асарининг қимматини яққол англаймиз.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Давлатшоҳ Самарқандий ва унинг «Тазкират уш-шуаро» асари устида ҳозиргача қилинган ишлар денгиздан бир томчи, холос. Ҳали қилиниши керак бўлган ишлар жуда кўп. Асарни тўла равишда ўзбек тилига таржима қилиб чоп этиш ана шундай ишлардан биридир.

УЛУҒБЕК ВА УНИНГ «ТАРИХИ АРБАЪ УЛУС» АСАРИ

Тарихда ўтган шахслар хусусида фикр-мулоҳаза юритганда ҳазрат Низомиддин Алишер Навоийнинг мана бу сатрлари беихтиёр хотирага келади:

Бу гулшан ичра йўқдир бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.

Ҳа, «яхши от» ҳар қандай шахснинг ҳаёти ва фаолиятига баҳо беришда аниқ ва тўғри мезон. Лекин яхши от қолдиришдек шарафга ҳамма ҳам, ҳатто ҳамма тождорлар ҳам муяссар бўлмас экан. Бунга етганлар ҳам бор, етмаганлар ҳам. Феодал синфнинг намояндаси ва тожу давлат соҳиби бўлган Мирзо Улуғбек бундай шарафга муяссар бўла олди. Лекин у бу шарафга оламшумул илмий муваффақиятлари туфайли эришди.

Мирзо Улуғбек фаннинг жуда кўп соҳалари, хусусан,

математика, астрономия, мусиқашунослик ва тарих илмлари устида қалам тебратган забардаст олим сифатида, улкан илмфан ва маданият ҳомийси сифатида абадул-абад тарихда қолди, у абадийликка дахлдор бўлди.

Олимнинг илмий мероси XVII асрдан бери бутун дунё илмий жамоатчилигининг диққат-эътиборини ўзига қаратиб келаяпти. Мирзо Улуғбек ва унинг илмий меросини ўрганишда бизнинг мамлакатимизда ҳам, хорижий юртларда ҳам кўпгина ишлар қилинди, қатор асарлар яратилди. Мен бу ерда Жон Гривс, Томас Хайд, Френсис Бейли, Л. Седий, В. В. Бартольд, В. Д. Вяткин, Е. Кнобл, Т. Н. Қориниёзий, Ғ. Жалолов ва бошқа бир қатор олимларни назарда тутяпман. Шундай бўлса-да, бизнинг Улуғбек, унинг бетакрор илмий кашфиёти, у таъсис этган ва раҳнамолик қилган Самарқанд мунажжимлар мактаби ҳақидаги тасаввурларимизни ҳали етарли деб бўлмайди. Масалан, олимнинг кўп йиллик илмий изланишларининг асосий маҳсули бўлмиш «Зичи жадиди Қўрагоний» («[Улуғбек] Қўрагонийнинг астрономик жадвали») асари ҳанузгача бирон тилга тўла равишда таржима қилиниб чоп этилганча йўқ¹. Олимнинг мазкур рисоласи хусусида XV—XVII асрларда битилган жуда кўп шарҳлар ҳам ўрганилганча йўқ. Умуман олганда, Темур ва темурийлар даврида ёзилган тарихий ва бошқа мавзудаги асарларни ўрганиш ва чоп этиш борасида ҳам аҳвол шундай. Хулласи қалом, Мирзо Улуғбекнинг кўп қиррали фаолияти ўзининг ҳақиқий тадқиқотчиларига интизордир.

Мирзо Улуғбек риёзиёт (математика), фалакиёт (астрономия), мусиқашунослик ва тарих илмлари соҳасида қалам тебратган олим. «Тарихи арбаъ улус» ҳам олим яратган асарлар орасида алоҳида ўрин тутаяди.

Авваламбор шуни айтиш керакки, «Тарихи арбаъ улус» Мирзо Улуғбекнинг илмий раҳбарлиги ва шахсан иштирокида яратилган. Асар 1425 йили ёзиб тамомланган.

Мазкур асарнинг умумий мазмунига ўтишдан аввал унинг номлари, асарни яратишда Мирзо Улуғбекнинг ҳиссаси, асарнинг ўрганилиши масалаларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Асар «Улуси арбаъи Чингизий» («Чингизийларнинг тўрт улуси») ва «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») номлари билан машҳур. Лекин Оврупо олимлари орасида ушбу асарни биринчилар қатори ўрганган ва унинг қисқартирилган инглизча таржимасини эълон қилган инглиз шарқшуноси полковник Майлс, етарли асоси бўлмагани ҳолда, уни «Шажарат ул-атроқ» («Турк [ҳоқонларининг] шажараси») деб атаган. Асарни чуқур ва атрофлича ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, унинг фақат Ёфас ўғлон ва унинг фарзанди Туркхон ва унинг фарзандлари (в. 116—156), татар-мўғул ва турк табақалари

¹ «Зичи жадиди Қўрагоний»нинг таниқли шарқшунос олим Ашраф Аҳмедов тарафидан рус тилига қилинган таржимаси охирига етказилди ва нашр бўлиш арафасида турибди.

ва уларнинг подшоҳлари (156—266) қандайдир «Шажарат ул-атроқ» номли китоб асосида ёзилган, холос. Асарнинг Чингизхоннинг улуг аждоди Бузунжор қоон ва Мовароуннахрни XIII—XIV асрнинг биринчи ярмида идора қилган Чигатойхон авлоди тарихини ўз ичига олган қисми «Улуси арбаъий Чингизий» ёки «Тарихи арбаъ улус» деб аталади. Бу қисм Мирзо Улуғбек ва унинг ёрдамчилари тарафидан ёзилган. Буни асарнинг ўзида келтирилган айрим қайдлар ҳам тасдиқлайди. Қайдлардан бирида мана буларни ўқиймиз: «Мўътабар тарихларда ёзилишича, унинг (Саинхоннинг — Б. А.) наслу насаби ҳаммага маълум ва Жўчихонга бориб тақалади. Аммо «Шажарат ул-атроқ» китобида унинг ҳақида ҳеч нарса назарга кирмагани учун ўша китобнинг сайланмаси бўлган бу китобда («Тарихи арбаъ улус» да — Б. А.) ҳам унинг ҳақида ҳеч нарса ёзилмади. Бироқ, хотирда қолгани шуки, у улугвор подшоҳ бўлиб, инъоми беҳисоб эди». Мазкур қайддан англашиладики, биринчидан, «Шажарат ул-атроқ» билан «Тарихи арбаъ улус» бошқа-бошқа асар. Иккинчидан, сўнгги асар («Тарихи арбаъ улус») маълум даражада «Шажарат ул-атроқ»га асосланган. Яна бир қайдда бундай дейилган: «Чингизхоннинг тўрт улуси тарихи» номли ушбу мажмуада Туркхон ибн Ефас ибн Нуҳ алайҳиссалом авлодидан бўлмиш подшоҳлар номи зикр этилади. Мазкур рисолада келтирилган Туркистон замин хоқонларининг номлари Султон ас-Санд Улуғбек мирзойи шаҳид, Оллоҳ унинг қабрини нурга тўлдирсин, тарафидан битилган тўрт улус хоқонлари ҳақидаги мажмуадан олинди». Келтирилган қайдлар, айниқса сўнгги қайд, биринчидан, асарнинг аниқ номи «Улуси арбаъий Чингизий» эканлигини, иккинчидан эса бу асар Мирзо Улуғбекнинг қаламига мансублигини кўрсатиб турибди. Шу ўринда асар ҳақида академик Бартольд айтган айрим фикрлар ҳам эътиборга моликдир. Аввало шунини айтиш керакки, олим ўзининг бир қатор илмий асарлари («Туркистон мўғул босқинчилиги даврида», «Улуғбек ва унинг даври» ва ҳ. к.) да Улуғбекнинг мазкур асаридан манба сифатида фойдаланган. Лекин, олим нима сабабдан уни муҳим тарихий манбалар қаторига қўшмайди, қолаверса унинг қимматини бир қадар пасайтирмақчи бўлади. Чунинчи, у бундай деб ёзади: «Шоҳруҳнинг ўғли ҳам тахт вориси Улуғбек «Тўрт улус тарихи»ни битган. Асар ўз номига кўра мўғуллар империясининг тўлиқ тарихини ўз ичига олади. Улуғбекнинг бу асари бизгача етиб келмаган, лекин баъзи манбаларда, ҳусусан, Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр»ида ундан олинган парчалар учрайди. Бу парчалардан кўриниб турибдики, мўғуллар давлати тарихи муаллиф (Хондамир — Б. А.) яшаган давргача баён қилинган. Аммо муаллиф ўша подшоҳликлар ҳақида тўла маълумот бермайди, аксинча хонларнинг номинигина қайд этиш билан кифояланган, холос. Шу сабабдан ҳам бу асарнинг бизгача етиб келмаганидан ортиқча қайғуриб ўтирмасамиз ҳам бўлади. Олимнинг бошқа бир асарида мана буларни ўқиймиз: «Улуғбек қаламига тааллуқли деб ҳи-

собланган тарихий асар аҳтимом адабий манба ва тарихни танқидий ўрганиш учун материал сифатида бирмунча қизиқиш уйғотиши мумкин, лекин мазкур асар нусхаси мабодо тапилганда ҳам Мўғуллар империяси ва унинг инқирозидан сўнг ташкил топган давлатлар тарихига оид бўлган мавжуд маълумотларни бойитади, деб айтиш шубҳалидир. Назаримда, «Тарихи арбаъ улус»га бундай муносабатда бўлишнинг сабаби учта: 1) В. В. Бартольд асарни кўрмаган ва Хондамир асарида кўрган парчалар асосида мулоҳаза юрнтаётир; 2) жаҳон кутубхоналарида мазкур асар тўлиқ нусхасининг сақланмаганлиги¹ ва нихоят 3) XV—XVII асрларга оид тарихий қўлёзма асарларнинг ҳали кам, қониқарли даражада ўрганилмаётганлигидир. Лекин ҳақиқат фақат маълум мавзуга бағишланган асарларни бир-бирига муқояса қилиб, синчиклаб ўрганиш ва улар келтирган маълумотларни диққат билан текшириш йўли билангина юзага чиқади. Биз буни, яъни Улуғбекнинг шундай асар ёзганлиги ва унинг аҳамиятини қуйидаги асарларни синчиклаб ўрганиш асосида аниқланган фактларда кўрамиз. Масалан, темирлийлар даврининг кўзга кўринган муаррихларидан бири Хондамир ўзининг «Хулосат ул-ахбор» ва «Ҳабиб ус-сияр» асарларида «Тарихи арбаъ улус»дан кенг фойдаланганлиги аниқ-равшан кўриниб турибди. Чунинчи, «Ҳабиб ус-сияр»нинг Туркистон хонлари, Чингизхон ва унинг Чигатой улуси тепасида турган авлоди тарихига бағишланган биринчи қисми (жузъи)нинг тўққизинчи мақоласи ва учинчи жузъининг биринчи қисми тўла равишда «Тарихи арбаъ улус»да келтирилган маълумотларга асосланган.

XVI—XVII асрларда яшаб ижод этган муаррихлар учун ҳам Улуғбекнинг бу асари асосий манба бўлиб хизмат қилган. Чунинчи, муаллифи номаълум «Таворихи гузида, нусратнома» асари (XVI аср бошида ёзилган) ҳам «Тарихи арбаъ улус»га таянган ҳолда ёзилган асарлар жумласидандир. «Зубдат ул-асар» (XVI асрнинг биринчи ярмида ёзилган) китобининг муаллифи турк-мўғул халқлари тарихини баён этар экан, «Мирзо Улуғбекнинг номи билан зийнатланган «Тарихи хоний» асарига таянгандим», деб айтади. Бу ерда гап, шубҳасиз, «Тарихи арбаъ улус», аниқроғи, унинг биринчи қисми ҳақида бораётганга ўхшайди. XVII асрда ўтган йирик қомусий олим Маҳмуд ибн Балининг «Баҳр ул-асрор» («Сирлар денгизи») номли катта асари, аниқроғи, унинг Мўғуллар империяси ва Чингизхоннинг ўлимидан кейин империя ўрнида ташкил топган Улуғ юрт, яъни Мўғулистон, Жўчи улуси, яъни Олтин Ўрда, Чигатой улуси ва Чингизхоннинг набираси Ҳалокухон асос солган Элхонийлар давлати (Эрон, Озарбайжон) тарихини ўз ичига олган ол-

¹ Машҳур шарқшунос Ш. Шефернинг тахмин қилишича, «Тарихи арбаъ улус»нинг иккита тўлиқ нусхаси Туркия кутубхоналарида сақланади. Лекин бу маълумотни аниқлаш борасида қилган ҳаракатларимиздан ҳозирча бирон натижа чиқмади.

тинчи жилди мундарижаси ва мазмуни жиҳатидан Улуғбекнинг «Тарихи арбаъ улус»ига ўхшаб кетади.

Улуғбекнинг бу асарни яратиш ишидаги иштирокига келсак, бу масалада шубҳа ёки иккиликка мутлақо ўрин йўқдир. Юқорида асарнинг сўнги қисмидан шу фикрни тасдиқловчи бир парча келтирилган эдик. Улуғбекнинг «Тарихи арбаъ улус»га дахлдорлигини бошқа тарихчилар ҳам тасдиқлайди. Масалан, XVI асрнинг машҳур тарихчиларидан бири Мирзо Муҳаммад Ҳайдар (1500—1551) ҳам Улуғбекнинг тарих илми соҳасида ҳам самарали меҳнат қилганлигини айтади. Масалан, унинг «Тарихи Рашидий» номли йирик китобида бу ҳақда мана буларни ўқиймиз: «Донишманд подшоҳ Мирзо Улуғбек бир тарихий асар ёзди ва унга «Улуси арбаъ» деб ном қўйди». Улуғбекнинг шундай асар ёзганлигини Хондамир билан Маҳмуд ибн Вали ҳам тасдиқлайдилар.

Юқорида келтирилган маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, «Тарихи арбаъ улус» Рашидиддиннинг машҳур «Жомеъ-ут-таворих» асари сингари тарихчи олимлар жамоаси тарафидан Мирзо Улуғбекнинг бевосита иштироки ва раҳбарлиги остида ёзилган.

«Тарихи арбаъ улус»нинг нусхалари кам. Юқорида айтиб ўтилганидек, асарнинг тўлиқ нусхаси ҳали топилганича йўқ. Бугунги кунда унинг қисқартирилган (мажмуа) тўртта нусхаси сақланган бўлиб, унинг иккитаси Англияда, бир нусха Ҳиндистоннинг Банкинур шаҳри кутубхонасида, тўртинчи нусха АҚШнинг Харвард университетида сақланади.

Асар бир талай тарихий, жўғрофий асарлар ва мапоқиблар асосида ёзилган. Муаллиф кўп ўринларда ўз манбаларини аниқ кўрсатмайди ва «айтишларича», «қисса ва тарих китобларида ёзилишича», «Чигатой улуси уламоларининг китобларида айтилишича», «бир гуруҳ одил, ҳақиқатгўй тарих арбобларининг айтишича» каби умумий иборалар билан чекланади. Лекин баъзи ўринларда ўзи фойдаланган асарлар ва уларнинг муаллифлари номи ҳам тилга олади. Булар орасида машҳур астроном Абу Маъшар Балхий (886 йили вафот этган), йирик олим, шоир ва сайёҳ Рашидиддин Вотвот, машҳур тарихчи ва давлат арбоблари Алоуддин Отамалик Жувайний (1226—1283), Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадоний, Ҳамдуллоҳ Муставфийи Қазвиний ва бошқаларнинг номлари тилга олинади. Олим тафсири ва ҳадис китоблар ҳамда ривоятлардан фойдаланганлигини ҳам айтади. Асарда Рашидиддин Вотвот, Хўжандий ва Низомийдан олинган шеърӣ парчалар ҳам учрайди. Шунга қараганда, Улуғбек мазкур асарини ёзишда жуда кўп, мазмун жиҳатдан хилма-хил (тарих, жўғрофия, астрономия, назмий) асарлардан кенг фойдаланган.

«Тарихи арбаъ улус»нинг мазмуни ҳақида икки оғиз сўз. Аввало шунга айтиш керакки, муаллифнинг ўзи мазкур асарини қисм ёки бобларга бўлмаган. Биз «Тарихи арбаъ улус» хусусидаги буздан бир неча йил муқаддам чоп этган кичик бир ма-

қоламизда мазкур асарни тўрт улус тарихини ўз ичига олганлигидан келиб чиққан ҳолда тўрт қисмдан иборат деб айтган эдик. Асарни синчиклаб ўрганиш ва таржима қилиш жараёнида унинг мундарижаси ҳақидаги фикримиз ўзгарди. Уни таҳминан муқаддима ва етти бобга бўлиш тўғрироқ, деган фикрга келдик.

Муқаддимада (в. 16—76), ўрта аср тарих илмида ҳукм сурган анъанага кўра, таигри таоло ва унинг элчиси пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассалам ва авлодлари шаънига айтилган ҳамдлар (мақтовлар), Одам Атонинг яратилиши ва исломиятдан аввал ўтган пайғамбарлар (Шис, Қайнон, Маҳлойил ва ҳ. к.), Нуҳ алайҳиссалом ва унинг фарзандлари тарихи қисқа тарзда баён этилади.

Биринчи бобда (в. 156—306) Туркхон ибн Ефас ва унинг Туркистон заминда подшоҳлик қилган авлоди (Абулжаҳон, Дибокуйхон, Куякхон ва б.), татар-мўғул ва турк қавмлари ва уларнинг подшоҳлари (Мўғулхон, Қорахон, Ўғизхон ва ҳ. к.) тарихи баён этилган. Кўп нарсалар бошқа асарлардан ҳам маълум, лекин бу ерда айрим муҳим маълумотларни ҳам учратамиз. Ўғизхон даврида (муаллифнинг сўзларига қараганда, Ўғизхон ва авлоди қадимги Эронда ҳукмронлик қилган пешодлийлар билан замондош бўлганлар) амалда бўлган сарой қабул маросимлари тартиби (в. 19аб), турк қўшинининг тузилиши (в. 19б—20а), улус тизими («Ўғизхон ҳар шаҳзодани бир ўлкага таъйин қилди ва уларга лақаб ва тамғалар белгилади»; в. 23б), усмонли турк султонларининг шажараси (в. 25б—26а) шулар жумласидандир. Мазкур бобда келтирилган турклар ва мўғул қавмлари ҳақидаги маълумотлардан кўринишича, турк ва мўғул қавмлари бир-бирига шу қадар яқин ва аралашма истиқомат қилганларки, ҳатто уларнинг шажараси ҳам аралашқуралаш бўлиб кетган. Бу ҳолни биз Рашидиддиннинг юқорида тилга олинган асари (биринчи жилди)да ва машҳур немис шарқшуноси Герхард Доёрфернинг «Янги форс адабиётида турк-мўғул элементлари» деган тўрт жилдлик изоҳли луғатида ҳам яққол кўрамаиз.

Иккинчи боб (в. 306—376) турк-мўғул халқларининг афсонавий онаси Аланкува ва ундан тарқалган авлод, яъни подшоҳлар (Бузунжор қоон, Буқоҳон, Дутименхон, Қобулхон, Бойсунгурхон, Бортон баҳодир, Ясугай баҳодир) тарихи баёнини ўз ичига олган. Бу бобда ҳам илм-фан учун маҳим маълумотлар учрайди. Турк-мўғул қавмларининг биргаликда, аралаш-қуралаш бўлиб яшаб келганлиги, уларнинг Турк диёри ва унинг бошқа қавмлари орасида тутган мавқеи (в. 30б), оддий халқнинг ерга (яйловга), аниқроғи, ўз ҳукмдорига бириктирилганлиги, яъни крепостной ҳуқуқ (в. 31б), жалоир қавми бошлиқларининг VIII асрга келиб кучайиб кетиши (в. 32а) ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидандир.

«Тарихи арбаъ улус»нинг учинчи бобида (в. 376—1016) буюк жаҳонгир Чингизхон тарихи баён этилган. Бу бобда кел-

тирилган маълумотлар ичида эътиборга моликларидан мўгул қўшинларининг тузилиши (в. 436—44а), Чингизхоннинг оқ рангдаги тўққиз пояли туғи (в. 476), қурултой ва бошқа қабул маросимларида амалда бўлган тартиб-қоидалар (в. 48а), турк эли, яъни найманлар, қорлиқлар, уйғурлар (в. 49а—526, 576), ёсо ва юсун ҳақидаги маълумотлар (в. 556—57а) муҳим аҳамият касб этади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Чингизхон замонида турк-мўгул қавмлари даҳа (ўнлик), сада (юзлик), ҳазора (минглик) ва туман (ўн минглик) ларга бўлиб қўйилган. Чингизхон замонида «ҳеч ким, — деб айтилади «Тарихи арбаъ улус»да, — ўз даҳаси, садаси ва ҳазорасидан бошқа жойга кета олмагай ва бошқанинг паноҳига ўта олмагай... Бунга хилоф иш туганларини халқ олдида қатл этадиларки, бошқаларга ибрат бўлсин» (в. 57а). Бу хусусда «Тарихи арбаъ улус» муаллифи келтирган мана бу факт ҳам диққатга сазовордир. Асарнинг тўртинчи бобида айтилишича, Чингизхон 1225 йили Хоразмшоҳлар давлатига қарши қилган катта ҳарбий юришдан қайтишда Сирдарёнинг ўнг соҳилида катта ов уюштиради. Ушанда хон тарафидан амр-фармон бўлдики «аркон давлат ва бошқа аскарлар уларнинг ҳар бири ўз қадри ва мавқеига мувофиқ ов майдонида Сирон ўлжани қўлга кирита олсинлар; тирик овларга ўз тамгаларини босиб сўнг қўйиб юборсинлар» (в. 1036). Бу факт Мўгул империясида нафақат ер ва сув, балки ов қилинадиган қўриқхоналар ва ундаги жониворлар ҳам феодалларга бириктириб қўйилганлигини кўрсатади ва турк-мўгул жамиятида мавжуд бўлган феодал муносабатлар ҳақидаги тасаввуримизни бир қадар кенгайтиришга ёрдам беради. Ёки Чингизхоннинг шу қадар тез вақт ичида кўп мамлакатлар устидан, хусусан ўша замоннинг энг қудратли давлатларидан бири ҳисобланган Хоразм империяси устидан ғалабасини таъминлаган сиёсатини тавсифловчи мана бу мисол ҳам диққатга сазовордир: «Соҳибирони аъзам Чингизхонни муаззам, — дейилади ушбу асарда, — Сирон дину миллатга ён босмаган. Бир миллатнинг иккинчи бир миллат устидан устунлиги таассубидан ўзини нари тутарди, муалломлар тоифасининг уламо ва зоҳидларини эъзоз кўрарди» (в. 56а). Яна бир муҳим мисол: «Одам Ато замонидан бугунгигача бирон подшоҳнинг сипоҳи туркларникидан муфассал бўлмаган» (в. 566). Фақат туркларнинг бир ўзидан тузилган катта-катта ҳарбий қисмлар Чингизхоннинг Мовароуннаҳр, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Озарбайжон ва бошқа мамлакатлар устига қилган юришларида фаол иштирок этганлар. Асарда «(Чингизхон) Жўчихонни Барчин (Барчин, Анкент) шаҳарини олиш учун бир туман туркий лашкар билан жўнатди» (в. 74а), «Турклар билан бўлган жангу жадалда Туркан Хотун авлоди билан асир олинган эди» (в. 105а), «Кошин¹ юртининг танғутларини турк отларининг оёғи остига ташладилар» (в. 1066),

«Ҳиндистоннинг об-ҳавоси туркларнинг мижозига тўғри келмай, кўпчилик касалга чалинди» (в. 103а) каби парчаларни учратамиз. Ёки ўша танғут уруши ҳикоясида келтирилган мана бу шеърга эътибор беринг:

Қамондори туркон ба-тири ҳаданг,
Зирихро кушод зи ҳам чашми танг,

Таржимаси

Турк камондорлар ҳаданг¹ ўқи билан.
Совутнинг тор кўзини очдилар.

Мазкур бобда яна бошқа диққатга сазовор маълумотлар ҳам бор. Уларнинг ҳаммасини бу ерда келтириб ўтириш имкониятига эга эмасмиз, чунки мақола ҳажми буни кўтармайди. Шунинг учун улардан яна бир нечасини шунчаки эслатиб ўтиш билан kifояланамиз. Булар: қорахитойлар тарафидан Эмил дарёси бўйида бунёд этилган шаҳар ва унга теварак-атрофдан кўчириб келтирилган 40 минг хонадон турклар (в. 576), хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад билан Тоёнку бош бўлган қорахитой қўшини ўртасида ҳижрий 607 йил раби ул-аввал ойининг 8-куни (милодий 1210 йил 30 август) Ила дарёси бўйида бўлиб ўтган катта урушнинг тафсилоти (в. 59аб), мўгуллар истилоси арафасида хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг Самарқандни мустаҳкамлаш борасида олиб борган ишлари (в. 69а), Балх шаҳрининг мўгуллар тарафидан қамал қилиниши (в. 83а) ва мўгул армияси таркибида Чингизхоннинг бошқа мамлакатларни босиб олишида фаол иштирок этган турк қўшинлари ва уларнинг сардорлари ҳақидаги маълумотлардир (в. 74а, 95б, 99а, 103а, 105а). Характерли яна икки мисол. «Тарихи арбаъ улус»да келтирилган маълумотларга кўра, мўгуллар хуружи арафасида хоразмшоҳнинг фармони билан 300 минг одам Самарқанднинг деворлари, қалъаси ва бошқа муҳофаа истехкомларини мустаҳкамлаш ишига сафарбар қилинган (в. 69а). Ушанда ҳақиқатан ҳам шаҳарни мустаҳкамлаш ва уни қамал жангларига ҳозирлаш борасида катта ишлар олиб борилган экан. «Тарихи арбаъ улус»да келтирилган бу маълумот 1960 йиллари Африкада олиб борилган археологик кузатиш ва қазिश ишларининг натижалари билан ҳам тасдиқланади. Иккинчи мисол. Маълумки, 1221 йилнинг баҳорида мўгуллар Хуросоннинг қадимги иқтисодий-сиёсий ва маданий марказларидан бири бўлмиш Балх шаҳрини ишғол қилиб, уни вайронага айлантирдилар. Ибн ал-Асир (1160—1232/33) нинг гувоҳлик беришича, шаҳар ўз ихтиёри билан душманга таслим бўлган, шунинг учун ҳам Чингизхон Балх халқига меҳру шафқат кўрсатган ҳамда шаҳар ва унинг халқини омон қолдирган. Алоуддин Отамалик Жувайнийнинг сўзларига қараганда, қудратли хон, яъни Чингизхон аввал шаҳар ва унинг халқига омонлик ваъда қилган, лекин

¹ Кошин — Танғут мамлакати; Хитойнинг шимоли-ғарбий ҳудудида жойлашган мустақил улус.

¹ Ҳаданг — оқ қайиндан тайёрланган камон ўқи.

сўзида турмай шаҳарни вайрон қилган. Мирзо Улуғбек бу ҳақда тамоман бошқача маълумот келтиради. Унинг таъкидлашича, Чингизхон балхликлар сўнги хоразмшоҳ Жалолиддин (1220—1231) нинг одамларига бошпана берганликлари учун шаҳар ва унинг халқини жазолаган. Унинг амри билан Балхоб дарёсига қурилган Банди амир тўғонини бузиб ташлаганлар. Ушанда Балх ва унинг туманлари олти ой мобайнида сув остида қолиб кетган (в. 846).

Асарнинг тўртинчи боби (в. 1016—1146) Чингизхоннинг Улуғ юрт, яъни Мўғулистон билан Шимолий Хитойни идора қилган бевосита ворислари тарихига бағишланади ва Уғадой қоон замонидан то Ариқ Буқо (1328) авлоди Ўрдоё қоонгача бўлган даврни ўз ичига олади. Айниқса, Чингизхон вафотидан кейин то Амир Темур замонигача Мўғулистонда ҳукмронлик қилган 21 хукмдордан 17 тасининг тарихи қисқача баён этилган. Муҳими шундаки, Рашидиддин улардан фақат бештаси (Чингизхон, Уғадой қоон, Гуякхон, Мангухон, Хубилой қоон)нинг номини, «Муқаддимаи зафарнома» муаллифи Шарафиддин Али Яздий эса улардан фақат 14 тасининг номини келтирган, холос.

Бешинчи боб (в. 1176—128а) Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўчихон наслдан бўлган 33 хон замонида Дашти қипчоқнинг тарихидан ҳикоя қилади. Воқеалар бу бобда ҳам жуда қисқа тарзда баён этилган. Лекин шундай бўлса ҳам диққатга сазовор айрим маълумотларни учратиш мумкин. Шулардан айримларини келтириб ўтмоқчиман:

1. Дашти қипчоқда, умуман мўғул қабилалари орасида исломнинг тарқатилиши масаласи. Маълумки, бир вақтлар қорахонийлар тасарруфида бўлган ерларда, хусусан Олтой, Ила водийси, Еттисув ва Қошғарда истиқомат қилувчи халқлар орасида ислом дини Х асрдаёқ Сотуқ Бугрохон (955/56 йили вафот этган) даврида тарқала бошлаган. Чингизхон Мовароуннахрни фатҳ этгандан кейин Мўғулистонда ислом асосини мустаҳкамлаш учун Бухородан бир гуруҳ йирик мусулмон руҳонийларни кўчириб олиб кетганлиги маълум. Қолаверса, Чингизхон ва унинг авлодлари, то Ўзбекхонгача яздонпараст бўлганлари ҳолда, мусулмон аҳолига ҳам, мусулмон руҳонийларига нисбатан ҳам яхши муносабатда бўлиб келганлар, уларни таъқиб остига олмаганлар. Бу ҳақда Жувайнийнинг юқорида тилга олинган асарига ҳам, Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таворих»ида ҳам, қолаверса, мусулмон руҳонийларининг маноқибларида ҳам, «Тарихи арбаъ улус»да ҳам айрим муҳим маълумотлар келтирилган. Дашти қипчоқда ислом динининг тарқатилиши масаласига келсак, ҳозирга қадар бу муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа XIV аср бошида, яъни Ўзбекхон даврида бўлганлиги таъкидланади. Лекин «Тарихи арбаъ улус»да бу жараён Ботухон ва Баракахон (Беркахон) подшолиги даврида бошлангани ҳақида маълумотлар учратамиз. Масалан, Баракахоннинг мусулмон аёли эмиб катта бўлгани, яхши мусулмон киши эканлиги, Бухорода машҳур илоҳиёт олими Сайфиддин Бохарзий (XII аср-

нинг иккинчи ярми — 1261)дан таълим олганлиги ҳақида ганирилади (в. 1206). Бошқа бир жойда, яъни Ўзбекхон подшолиги тарихи баён этилган ерда, ҳижрий 720 (милодий 1320) йилда ана шу подшоҳнинг саъй-ҳаракати билан Занги Ота ва унинг халфаси Сайид Оталар кўмагида Дашти қипчоқда кўчиб юрган турк-мўғул қавмлари мусулмонлик шарафига муяссар бўлганликлари ҳақида ҳикоя қилинади (122а).

Мазкур бобда «ўзбек» этнонимининг келиб чиқишига оид ўта муҳим маълумот алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, ўзбек халқининг келиб чиқиш масаласи ҳанузгача илмий жиҳатдан тўла ҳал қилинмаган бир муаммо бўлиб турибди. Илм-фанда бу масалага ҳар хил ёндашишлар ва қарашлар мавжуд. Бу хусусда «Тарихи арбаъ улус»да ўта муҳим маълумотлар келтирилганки, бу маълумотларнинг илм-фан учун, айниқса ўзбек халқининг этник тарихи ва келиб чиқишини ўрганиш учун аҳамияти бениҳоят каттадир. Асарда хусусан мана буларни ўқиймиз: «...Тўқтойхоннинг давлати поёнига етгандан кейин, ҳазрат Султон Муҳаммад Ўзбекхон... тахтга ўтирди. Ўзбек улусини унга нисбат берадилар. Ҳижрий 712 йилда (милодий 1312 йилда) салтанат тахтидан жой олди. Айтишларича, ... тахтга ўтиргандан саккиз йил ўтгач, машойихлар ва мусулмонлар шайхи, авлиёлар қутби ҳазрат Занги Отанинг, Оллоҳ унинг қабрини мунаввар қилсин, ишорати билан жаноби саййидзодалар, Оллоҳнинг иродаси билан, йўлдан адашувчиларни тўғри йўлга солувчи, муридларининг пиру муршиди, толибларнинг йўлловчиси ҳазрати Сайид Ота, Оллоҳ унинг сирини муқаддас қилсин, яъни Занги Отанинг халфаси орқали, ҳар иккалаларига ҳам Оллоҳнинг раҳмати ёғилсин..., ҳижрий 720 йили (милодий 1220 йили) ислом динини қабул қилиш шарафига муяссар бўлдилар. Бу қисқа баёнотнинг тафсилоти «Мақомати ҳазрати Сайид Ота» китобида ёзилган ва зикр этилган.

Султон Муҳаммад Ўзбекхон ўзининг эл-улуси билан илоҳий саодат ва фазилатга етишгач, ҳазрати Сайид Отанинг ғайб ишорати ва Оллоҳнинг инояти билан уларнинг барчасини Мовароуннахр диёри сари олиб келди. Ҳазрати Сайид Отага, унга Оллоҳнинг раҳмати ва ризолиги бўлсин, қулоқ солишдан бўйин товлаганлар, бу саодатдан бебаҳра ҳолда, у ерда (Дашти қипчоқда) қолдилар ва «қалмоқ» деган номга мансуб бўлдиларки, бунинг маъноси «қолган» демакдир. Ҳазрати Сайид Ота, унга Оллоҳнинг раҳмати ва ризолиги бўлсин, ҳамда Султон Муҳаммад Ўзбекхон билан ҳамроҳликда Мовароуннахрга келган кишилардан: «Бу келган ким?» деб сўрардилар. Уларнинг сардори ва подшоҳи Ўзбекхон бўлгани учун уларни «ўзбек» деб атадилар. Шу сабабдан уша замондан бошлаб Мовароуннахрга келган кишилар «ўзбек» деб атала бошланди. «Дашти қипчоқда қолиб кетган кишилар эса «қалмоқ» бўлдилар» (в. 1216—122а).

Юқорида келтирилган парчадан икки муҳим хулоса чиқарса бўлади: 1) Дашти қипчоқнинг шарқий қисми ва Ғарбий Си-

бирь Узбекхон Олтин Урда тахтига ўлтирмасидан бирмунча илгари ҳам «Узбек улуси» деб аталган. Демак, шу катта маконда кўчиб юрган турк-мўғул қавмлари умумий ном — «ўзбек» номи билан аталган; 2) Шу пайтгача фанда «ўзбек» номи халқ номи сифатида XV аср охири — XVI аср бошида Дашти қипчоқдан кўчиб ўтган деган фикр ҳукмрон эди. «Тарихи арбаъ улус»да келтирилган бу маълумотдан «ўзбек» номи, халқ номи сифатида, Мовароўннахрга XIV асрнинг биринчи ярмида, балки ундан ҳам олдин (Ботухон билан Баракашон тарихида келтирилган баъзи маълумотларни эътиборга олганда) кириб келганлиги маълум бўлади. Бу маълумотлар, шубҳасиз, ўзбек халқининг этник тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

«Тарихи арбаъ улус»нинг олтинчи боби (в. 128а—164а) Эрон билан Озарбайжон устидан қарийб бир аср мобайнида (1256—1353) ҳукмронлик қилган Элхонийлар давлати, шунингдек, Аршахон (1335—1336) даврида нуфузи орта бошлаган чўпонийлар (шайх Ҳасан кучак) ва жалоирийлар (шайх Ҳасан Бузург) тарихини ўз ичига олади. Бу бобда Элхонийлар давлатининг ички аҳволи ва ташқи сиёсатига оид бир талай қимматли маълумотлар бор. Мароға расадхонаси (Ҳалокухон даврида бино этилган), Ҳозонхон (1295—1304) замонида ўтказилган молиявий ва маъмурий ислохотлар ва Султония шаҳрининг бино қилиниши, Қайхотухон ҳукмдорлигининг сўнгги йилларида (1294) Эрон заминда хитойларга тақлид қилиб қоғоз пул (чов) чиқарилиши, Улжойтухон ҳукмронлиги йиллари (1304—1317) ўн икки имом номи билан зарб этилган тангалар чиқарилиши шулар жумласидандир. Элхонийлар давлатининг Миср, Шом (Сурия), Олтин Урда ҳамда Чигатой улуси билан бўлган сиёсий муносабатлари ҳақида ҳам эътиборга молик маълумотлар учратамиз.

«Тарихи арбаъ улус»нинг ҳалокуийлар тарихини ўрганишдаги яна бир муҳим тарафи ҳам бор. Унда Мусохондан кейин (1336—1353 йиллар ораси) улус тахтида ўлтирган бир неча хон: «Тўқой Темур ибн Сурий (в. 1556), Соқибегим бияти Улжойту султон (в. 1566—159а), Жаҳон Темурхон ибн ал-Афранг (Авраанг?) ибн Қайхотухон (159а), Сулаймонхон (1596)лар ҳақида ҳам эътиборга сазовор маълумотлар келтирилган. Яна бир муҳим нарса бу — Чингизхон амакиваччасининг авлоди Абу Шайх Али қовун ҳақидаги маълумот (в. 1596—1606) дир. Асарда бу шахс ҳақида хусусан бундай дейилади: «Абу Шайх Алининг бобоси 1305—1306 йили 10 минг хонадон хешу ақрабоси билан Қайдухон ибн Ҳози ўғил ибн Уғадой қоондан юз ўгириб, Хоразм ва унинг теварагидаги сарҳадларга кўчиб келган эди. Эл бўлиб келганда уни Улжойтухон ўлдирди, авлоди эса Журжон теварагига ўрнашиб қолди» (в. 1596—160а). Вақти келиб, XIV асрнинг 50-йилларида, маҳаллий феодаллар ана шу Абу Шайх Али қовунни Журжондан олиб келиб тахтга ўтказганлар. Бундан кўринадики, Чигатой улусида бўлгани каби

Эронда ҳам Уғадой қоон авлоди ҳокимият учун кураш олиб борган экан.

Асарнинг энг муҳим қисми — унинг еттинчи бобидир. Унда Чигатой улусининг Чингизхон замонидан то Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келишигача бўлган тарихи ҳикоя қилинади.

Маълумки, Чигатой улусининг қарийб 150 йиллик (1227—1370) тарихи ўрганилмаган. Қўлөзма манбаларда етарли маълумотлар бўлмаслиги бунга асосий сабабдир. Тўғри, Чигатой улусида ҳукмфармолик қилган хонлар ҳақида жуда қисқа маълумотлар Шарафиддин Али Яздийнинг «Муқаддимаий зафарнома» сида, Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор» ида ҳам келтирилган. Лекин «Тарихи арбаъ улус» уларга нисбатан бир қадар тўлароқ. Унда улусда ҳукмронлик қилган Чигатой ва Уғадой қоон наслдан (Али султон, Донишмандчахон, Суюргатмишхон ва Султон Маҳмудхон) бўлган 33 хоннинг тарихи қисқа тарзда баён этилган.

Бу бобда эътиборга молик бошқа маълумотлар ҳам кўп. Булар орасида Чигатой улусининг майдони (в. 164б), 1238 йили Бухорода бўлиб ўтган Маҳмуд Торобий бошлиқ халқ қўзғолони (в. 165а—166а), Чигатой улуси билан Элхонийлар давлати ўртасидаги сиёсий муносабатлар (в. 171а—172б), Чигатой улусининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида барлос амирларининг, хусусан Қорачор нўён, Ижил нўён, Алангиз нўёнларнинг тутган ўрни, Дувахон (тахм. 1201—1306) ва Кепакхон (1309, иккинчи бор 1318—1326) даврида юртни обод қилиш йўлида олиб борилган катта ишлар (масалан, Балх ва Андижон шаҳарларининг қайтадан тикланиши, маъмурий ва молиявий ислохотлар), Тормоширин (1326—1334)нинг Ҳиндистонга қилган юриши (в. 176б—177а), Чигатой улусининг XIV асрнинг 40—50-йиллардаги сиёсий аҳволи ва амир Қазағоннинг хуружи (178б—180а) каби воқеа-ҳодисалар муҳим аҳамият касб этади.

Чингизхон вафоти олдидан ўз тасарруфига кирган мамлакатларни ўғилларига тақсимлаганда, иккинчи ўғли Чигатойхонга Қошғар, Еттисув воҳаси ва Мовароуннахрни Хоразмнинг бир қисми билан қўшиб инъом этгани, ҳозирги Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон ерлари эса кейинчалик чигатойлар тасарруфига ўтгани ҳақида гапирлар эди. «Тарихи арбаъ улус»да келтирилган маълумотларга қараганда, Афғонистон билан Шимолий Ҳиндистон ерлари ҳам Чингизхоннинг ҳаёт чоғидаёқ Чигатойхонга хат қилиб берилган экан. Бу хусусда асарда қуйидагиларни ўқиймиз: «Чингизхон Турон замин мамлакати ҳокимлигини, Қошғар сарҳадларидан уйғурлар ери чегарасигача; Жайхун дарёси адоғигача ястанган ерлар; Эрон билан Турон оралигидаги Балх, Бадахшон, Қобул, Ҳазна, Синд дарёсигача бўлган ерларнинг кўп қисмини шу суюкли фарзандига (Чигатойхонга) берди» (в. 164б).

Тормошириннинг Ҳиндистон устига қилган юриши натижа-сида мамлакат пойтахти Деҳли ишғол қилинди. Чигатой қўшини ўшанда Гужорат, Сумнот ва Сурат шаҳарларини ҳам

ишгол қилдилар. Тўғри, боқинчилар Ҳиндистонни узил-кесил бўйсундирилмадилар, лекин беҳисоб ўлжа олиб қайтдилар (в. 1766—177а).

Чигатоёй улусида XIV асрнинг биринчи ярмида кучайиб кетган феодал тарқоқлик ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовордир. «Тарихи арбаъ улус»да ёзилишича, бу тарқоқлик Есу Темурхондан кейин бирмунча кучайиб кетди. Тахминан 1342 йили бир гуруҳ феодаллар Есу Темурхонни тахтдан тушириб, ўрнига Уғадой қооннинг авлоди Али Султонни тахтга ўтқаздилар. Али Султон Есу Темур тарафдорларини таъқибга олди, хазинани талон-торож қилди. Энг даҳшатлиси шу бўлдики, у Туминахон ва Амир Темурнинг бобокалони Қочули баҳодир замонидан бери хон хонадони билан барлослар хонадони ўртасидаги тожу тахт хон авлодига, мамлакатмадорлик, яъни амир ул-умаролик мансаби барлос бекларидан Қочули баҳодир хонадонига абад ул-абад тегишли бўлиши ҳақидаги аҳдномани йиртиб ташлади (в. 1776—178а). XIV асрнинг 50-йилларига келиб давлат жилоғи яна бир нуфузли феодал — амир Қазағон қўлига ўтиб қолди. Лекин Алангиз нўён барлоснинг авлоди Сайфиддин Ҳожи барлос ва унинг салоҳиятли жияни Амир Темур бўш келмадилар — мамлакатмадорлик мансаби учун амир Қазағон ва унинг авлоди билан мурасасиз кураш олиб бордилар ва охири ғалаба қозондилар.

Чигатоёй қўшинининг тузилиши, айниқса ҳарбий бўлинмалар номи ҳақидаги маълумотлар ўта муҳимдир. Масалан, қоровул қисм ўша вақтларда булунғор, ировул (илғор қисм орқасидан борувчи бўлинма) — бурунғор, маймана (ўнг қанот) — аванғор (ҳозирги авангард шундан олинган бўлиши керак), соқа (аръергард) — учқунғор деб аталган (в. 177аб ва ҳ. к.).

«Тарихи арбаъ улус»да бу ва шунга ўхшаш муҳим маълумотлар кўп. Шунга қарамай, асар айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Шу ўринда, агар таъбир жоиз бўлса, хотирга келган яна бир гапни айтиб ўтмоқчиман. Одатда, китобдан бирон хато ва камчилик топиб олгудай бўлсалар, кўпинча муаллифни маломат қиладилар. Бу — китобнинг каттами ё кичикми, бундан қатъи назар, не машаққат билан яратилишини билмаслик аломатидир. Маълумки, китоб, у қўлёзмами ёки босмами, бундан қатъи назар, ўқувчининг қўлига боргунча муаллифдан ташқари яна бир неча одамнинг қўлидан ўтади. Қўлёзма китобни оладиган бўлсак, у бир ёки бир неча хаттот (нусха кўчирувчи)нинг қўлидан ўтади. Кўп гап котибга ҳам боғлиқ. Асарнинг мукамал, хато ва камчиликлардан маълум даражада ҳоли бўлиши кўп жиҳатдан хаттотнинг билими, малакаси ва нигизомига ҳам боғлиқ. Лекин, қандай бўлмасин, китоб умуман маълум хато ва камчиликлардан ҳоли бўлолмайди. «Тарихи арбаъ улус», хусусан унинг бизгача етиб келган нусхалари ҳам айрим хатолардан ҳоли бўлмаслиги шу сабабдандир.

Асарда кўзга ташланган энг катта ва кўп хато — бу мўгулча ва хитойча номларнинг (атоқли, жўғрофий ва этник ном-

ларнинг) баъзи ўринларда тўғри ёзилмаганлигидир. Масалан, Ангур бовурчи ўрнига — Кўнғур, Дутум Мэнэн — Дутиминхон, Гью-Гин — Кевкик, Қутуқу нўён — Хатоқия нўён, Жомуқо — Шомуқо, Қора Субачу ўрнига Қуро Субонеу, Дайду ўрнига — Диду; Манзи — Мискин, Сақсин — Соқийн, Нангяс — Тақнос, Тайсу — Туйкайх, Ханжин — Хурбахт, Дули Шинг (Дяо-юй-шань) — Чақанду; жожират ўрнига — шонжират, тойжуит — тосчўт, кўнқутон ўрнига — кўнғон ва ҳ. к. ёзилган.

Айрим ҳолларда воқеаларнинг вақти (саналар) ҳам бузиб кўрсатилган. Масалан, элхонийлардан Ғозонхоннинг Миср билан бўлган уруши вақти асарда уч хил: ҳижрий 600 (в. 1436), 708 (144а) ва 703 (1446) деб кўрсатилган.

Баъзи ўринларда эса, масалан, элхоний хонларнинг ҳукмонлик навбати чалкаштириб юборилган.

Асарда ошириб юбориш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, мўғул қўшини Урганчи етти ой қамалдан сўнг истило қилгандан кейин 100 минг одамни ўлдирган, 100 минг аҳли ҳунар ва аҳли санъатни Мўғулистон тарафларга ҳайдаб кетган; Нишопур қатли ом қилинганда 743 минг одам ўлдирилган, деб айтилади (в. 866, 76); Чингизхон истилоси арафасида Марв аҳолиси 1 млн. 300 минг, Нишопур халқи 1 млн. 747 минг деб кўрсатилган (89а).

Лекин асарда учрайдиган бу ва шунга ўхшаш камчиликлар унинг илмий қимматига мутлақо путур етказмайди. Мирзо Улуғбекнинг «Тарихи арбаъ улус» асари Марказий ва Ўрта Осиёнинг XIII—XIV асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда муҳим ўрин эгаллаши шубҳасиз.

Юқорида айтилганидек, биз Чигатоёй улуси тарихини яхши билмаймиз. Мамлакатнинг Чингизхон истилосидан то Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келганига қадар кечган тарихи биз учун қоронғу. «Тарихи арбаъ улус»да келтирилган маълумотлар Шарафиддин Али Яздийнинг «Муқаддимаи зафарнома» ва Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор»ига ҳамда археология фани қўлга киритган маълумотларга қўшиб ўрганилса, шубҳасиз, фандаги бу оқ доғни ювиш мумкин.

ХИВА ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

Хива (Хивак) Хоразмнинг Кот (Қиёт), Журжония, Замаҳшар (Змухшир, Измухшир), Хазорасп ва бошқа шаҳарлари каби мамлакатнинг энг қадимги шаҳарлари қаторига киради. Афсуски, яқин кунларгача бу шаҳарнинг ёши ҳақида аниқ фикр айтиш имкони бўлмади. Бу ўринда 50-йилларда йирик тарихчи олим Я. Ғ. Ғуломов томонидан чиқарилган хулосалар диққатга сазовордир. У, жумладан, мана буларни ёзган: «Хива ҳам Жанубий Хоразмнинг қадимги шаҳарлари сирасига киради. Шаҳарнинг энг қадимги мустақкам қисми деб «Ичан қалъа»нинг ички қисми ҳисобланади. Археологик-меъморий изланишларнинг тасдиқлашича, Хива Хазорасп шаҳри каби кўп ур-йиқит-

ларни бошдан кечирган. Шаҳарнинг барпо бўлиши хусусида бир нима дейиш мушкул, чунки Хиванинг ўзида археологик қазиниш ишлари эндигина бошланяпти ва қадимги маданий қатлам стратиграфияси археологларга кўп ҳам маълум эмас. Аммо эски иншоотларнинг қолдиқлари ва баъзи бир бошқа белгилар шаҳарнинг барпо бўлиш тарихини бир қадар ойдинлаштиради. Шаҳар деворининг ички томонида, асосининг ўзида $36 \times 36 \times 9$, $38 \times 38 \times 10$ ва $37 \times 39 \times 10$ см ўлчовда терилган хом ғиштларнинг қолдиқлари топилди. Уларнинг ётиқ қаторлари 10—12 см қалинликдаги пахса қатламлари билан қоришиб кетган. Бу ерда ғиштнинг ҳажми, қалъа деворини кўтариш усули V—VIII асрлардаги қадимий суғориладиган ерлардаги бир қатор ёдгорликлар билан тўла мувофиқлигини кўрсатади. Диққат-эътиборни асосан шу нарса жалб қиладики, Хивадаги «Ахших бобо» қалъасининг асосий иншооти қадимий қалъалар каби ўйылган ерларда ёки табиий қумтепаларда барпо қилинган. Мазкур ҳол қадимий анъанавий усулга хослиги жиҳатидан махсус ўрганилгандан кейингина мазкур бинонинг ёши ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Албатта, нафақат «Ахших бобо», балки шаҳардаги бошқа иншоотлар барпо этилишининг аниқ вақтини белгилаш учун ўша ерларда махсус археологик изланиш ишларини олиб бориш зарур. Бундай тадбирлар 1988—1989 йилларда олиб борилди ва ажойиб натижалар қўлга киритилди. Хива замида кашф қилинган ашёвий далиллар Хива шаҳри камида 2300 йиллик тарихга эга экан деган фикрга келиш имконини беради.

Ёзма манбаларнинг хабар беришича, шаҳар X асрда юқори тараққиёт даражасига эришган. Масалан, Истахрий Хивани Хоразмнинг ўша даврдаги ўн учта энг йирик шаҳарлари: Кос, Даргон (Даргон ота), Хазорасп, Хива, Хушмисан, Ардахушмисан, Сафардод, Нузвор, Қардаранхўш (Қардаранхос), Қордор (Қудер), Боратегин қишлоғи, Мадминия (Мазминия), Журжония қаторига киритган. Бу ерда Хива Хазораспдан сўнг тўртинчи бўлиб тилга олинган. Шаҳар ва унинг теварак-атрофи ўша вақтда жуда обод бўлган. Хива ўша замонларда канал орқали Амударёдан сув ичган. Муаррих яна қуйидагиларни ёзади: «Ва Хазораспдан бошлаб Жайхуннинг бошқа қирғоқларида каналлар қазилган. Улар орасида Омул тарафдан Жайхунга туташувчи Хазорасп канали ҳам бўлиб, узунлиги жиҳатидан у Гаухаре канали (Гарабашпа қишлоғидан 40 км масофада Амударёдан қазилган канал; эни тақрибан 5 қулоч бўлган, чуқурлиги тахминан киши бўй-бастига икки баробар келади, кемалар қатнаб турган — Б. А.)нинг ярмича келади. Кейин эса Хазораспдан икки фарсах масофада Қардаранхўш канали бўлиб, у Хазорасп каналидан каттадир. Ундан сўнг Хива канали келади. Бу канал Қардаранхўшдан кўра катта, унда кемалар то Хивагача қатнаб турадилар».

Истахрийдан бир оз кейинроқ ўтган тарихчи, машҳур «Сурат ул-арз» («Ер [курраси]нинг сурати») асарининг (977 йилда

ёзилган) муаллифи Ибн Ҳавқал бундай деб ёзади: «Хоразм — катта мамлакат, кўплаб тобе жойлари ва шаҳарлари бор...» У ҳам Хоразмдаги ўн учта энг йирик шаҳарларнинг номини тилга олади. Фақат Истахрийдан фарқли ўлароқ, у Миздахкан шаҳрини ҳам кўрсатиб ўтади, лекин булар орасида юқорида Истахрий қайд этган Хушмисан йўқ.

982 йилда ҳозирги Афғонистоннинг шимоли-ғарбий қисмида, яъни Гузгон (Жузжон) вилоятида ўта ўқимишли, аммо исми номатълум муаллиф томонидан «Худуд ал-олам мин ал-машриқ ила-л-мағриб» («Дунёнинг шарқдан ғарбгача бўлган худудлари») номи нодир асар яратилган. Унинг Хоразмга аталган бўлимида (бобида) Кос (Хоразмнинг бош шаҳри), Хушмисан, Нуджабон, Гурганж, Қарданазхас (Қардаранхас), Бадминия (Мадминия), Дихи Қоратегин (Боратегин), Қирдор ва Хива шаҳарлари тилга олинган. Шу билан бирга, Хива шаҳрига «Гурганжга тобе, девор билан ўралган, унча катта бўлмаган шаҳар» қабилида таъриф берилади.

Фикримизча, Хива ҳақидаги энг тўла маълумот ал-Муқаддасий асарида мавжуд. Масалан, у бу қадимий мамлакатга тегишли шаҳарлардан қирққа яқинини келтириб ўтади. Булар қуйидагилардир: пойтахт шаҳар Кос, Гардман, Айхон (Вейхон), Арзахива (Ардахива), Нукфат, Қирдор, Миздахкан, Жашира, Садвор, Зардух, Боратегин қишлоғи, Мадминия (буларнинг барчаси Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган), Журжония, Нузвор, Замаҳшар, Рузанд, Вазарманд, Даскаханкас, Рахушмисан, Мадамисан, Хива, Қардаранхас, Хазорасп, Жигарбанд, Жуз, Даргон, Жит (Гит), Қичик Журжония, Иккинчи Жит, Садфар, Масосан, Қирдор (Қурдер) ва Андерастан (булар Амударёнинг чап қирғоғидаги шаҳарлар). Муқаддасий Хива ҳақида хусусан қуйидагиларни ёзади: «Хива чўл чеккасида жойлашган азим бир шаҳардир ва дарёдан чиқарилган канал бўйиладир. Унинг катта жомеъ масжиди бор». Муқаддасийнинг Хоразмда (шу жумладан, Хивада) ишлаб чиқариладиган товарлар ҳақидаги маълумотлари ҳам бениҳоят қимматлидир. У бундай дейди: «У ерда узум, кўплаб майиз, қандолат, кунжут, йўл-йўл матодан тикилган кийимлар, гиламлар, нафис парчалар, мулхам, қулфлар, ранг-баранг кийимлар, фақат кучли одамлар фойдаланиши мумкин бўлган ўқ-ёйлар, махсус пишлоқ, сузма, балиқ етиштирилади. У ерда [кичик] кемалар қурилади».

Хива Хоразмнинг бир шаҳри сифатида кейинги даврларда ёзилган манбаларда ҳам тилга олинади. Хусусан, у ҳақда гео-космографик характердаги манбаларда маълумотлар кўп. Масалан, Ҳамдуллоҳ Муставфийи Казвиний бундай деб ёзади: «Хоразм ва Журжония... бешинчи иқлимдан... Унинг пойтахти Урганч бўлиб, ҳозир Хоразм номи билан машҳурдир. Илгари Урганч Мансура деб аталган. У ерда Журжония деб ҳам аталувчи Кот шаҳри бор. Хоразмнинг бошқа шаҳарлари қуйидагилар: Хазорасп, Даргон, Хос, Ардахушмисан, Самрун (?), Нурзан (Нузвар), Қардарон (Хав), Ҳамиким (уш Боратегин ҳам

дейишади), Бадминия (Мадминия), Миздахкан ва Хиваким, Нажмуддин Кубронинг, Оллоҳ унга марҳаматини зиёда қилсин, ватанидир».

Хоразм ва Хива ҳақида шу каби маълумотни Амин Аҳмад Розий (XVI асрнинг икинчи ярми) ҳам келтиради. Чунончи, у ёзади: «Хоразмга тобе шаҳарлардан бири — бу Катта Урганч бўлиб, у ҳозир мамлакатнинг пойтахтидир..., яна бири Кичик Урганч бўлиб, Журжония деб ҳам аталади ва у Жайҳун дарёси соҳилида жойлашган йирик шаҳарлардандир... Хоразмнинг бошқа шаҳарлари қуйидагилар: Кот, Дарғон ва авлиёлар сардори шайх Нажмуддин Кубронинг ватани бўлмиш Хива».

Маҳмуд ибн Валининг маълумотлари ҳам диққатга сазовордир. Унинг «Баҳр ул-асрор» номли қомусий китобида Хоразм ҳақида мана буларни ўқиймиз: «Хоразм бешинчи иқлимдаги катта мамлакатдир; обу ҳавоси салқин. Қадимги форс подшоҳлари давридан то бундан йигирма йил муқаддам бўлган вақтгача унинг пойтахти Урганч бўлган. Ҳозир эса ундан Жайҳун дарёсининг йироқлашиши сабабли мамлакат пойтахти унга тобе бўлмиш Хивага кўчирилган. Хива — катта шаҳар; иқлими тоза; Нажмуддин Кубронинг ватани. Ҳозирда бу шаҳар илгариги даражада обод эмас. Унинг ҳокими Жўчихоннинг ўғли Тўқай Темурхон авлодидир, қўшини эса бутунлай бақа туркман деб аталувчи ўзбеклардан тузилган. Улар гуз қабиласининг авлоди. Айтишларича, Хоразмнинг фазоси шу даражада бўлганки, унга тобе ерларни 170 тумонга бўлганлар. Ҳозир улардан фақат иккитасигина ободон. Хоразм халқи жасур, куч-қувватли, зийрак, фаросатли ва жангда ҳеч қачон панд емайди».

Ва ниҳоят, Хива ҳақида яна бир қимматли, шу билан бирга кам ўрганилган манба «Ажойиб ат-табоқат» деган китоб бўлиб, унда шаҳар ҳақида мухтасар маълумот берилади. Асар муаллифи Муҳаммад Тоҳирдир (XVII аср биринчи ярми). Китобда хусусан бундай дейилади: «Хоразм—катта мамлакат, бешинчи иқлимдан; кўплаб шаҳарлари ва беҳисоб қишлоқлари бор. Даромади дон-дун ва мева ҳисобидан; ҳосили яхши битади; айниқса Хоразм қовунлари мазалидир. Пойтахти — Урганч.. Хоразм шаҳарларидан бири Хивак бўлиб, у ерда шайх Нажмуддин Кубро туғилган. Ҳозирги замонда Хива пойтахт шаҳардир».

Қўриниб турибдики, X—XVII аср манбалари Хива, умуман Хоразм ҳақида қисқа ва умумий характердаги маълумот бера олади, холос. Шундай бўлса-да, улар Хива ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Бундан ташқари, Муҳаммад Тоҳир ва Маҳмуд ибн Валининг маълумотларига кўра, Хива XVII аср бошларида, тахминан 1610—1612 йилларда Хоразмнинг пойтахтига айланган.

Хивага оид кўплаб маълумотларни маҳаллий тарихчи Худойберди ибн Қўшмуҳаммад Хивақийнинг «Дили ғаройиб» рисоласида ҳам учратиш мумкин. Асар 1831/32 йили юқори мартабали амалдор Раҳмонқули иноқ кўрсатмаси билан ёзилиб, Хива хони Оллоҳқулихон (1825—1842)га бағишланган.

«Дили ғаройиб» муаллифининг ҳаётига оид маълумотлар жуда кам. Узининг сўзларига қараганда, келиб чиқиши жиҳатидан ўрта ҳол руҳонийлардан (отаси Қўшмуҳаммад сўфи кубравия тариқати издошларидан бўлган), ўз даврининг зиёлилари жумласидан; охунд мавлоно Тангриқулининг шогирди бўлиб, шу туфайли кейинчалик саройга яқинлашган. Бу ерда Худойберди ибн Қўшмуҳаммад асосан қимматли тарихий, жўғрофий ва бошқа манбаларни ўзбек тилига таржима қилиш билан машғул бўлган. Улардан, масалан, бизгача етиб келганларидан бири Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сининг қисқартрилган ўзбекча таҳриридир. Асар 1822—1825 йиллар орасида кўзга кўринган давлат арбоби, шоир ва таржимон Шермуҳаммад Мунис (1828/29 йилда вафот этган)нинг кўрсатмаси билан амалга оширилган. «Дили ғаройиб»ни ёзаётган вақтида муаллифнинг ёши 60 дан ўтган эди.

Бизга яна шу ҳам маълумки, мазкур асар 1831 йили ёзиб тугалланган. Уша вақтда муаллифнинг ёши 60—61 ларда деб фараз қилсак, унинг туғилган йилини 1773 ёки 1774 йил деб олиш мумкин. Худойберди ибн Қўшмуҳаммаднинг вафот этган йили маълум эмас.

«Дили ғаройиб» — терма асар. Аслида юқорида зикр этилган «Ажойиб ат-табоқат» асарининг ўзбекча таржимаси бўлиб, фарқи шундаки, бунда Макка ва Мадина таърифи, Хоразмнинг XVIII—XIX асрдаги ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳамда дарёларнинг узунлиги ва энига оид маълумотлар алоҳида бобларга (олтинчи ва еттинчи) ажратилган. Шундай бўлса-да, бу манба муҳим иқтисодий ва тарихий маълумотларга эга бўлиб, улар Хоразм тарихини ўрганишда маълум қимматга эгадир. Бундай маълумотлар икки жойда — учинчи қисмининг аввали ва охирида келтирилган. Масалан, Хоразм ҳақида асарда бундай дейилган: «(в. 55а) Хоразм — жуда катта вилоят. Бир томондан у Сайхун билан, иккинчи тарафдан ҳозирда Боқирғон номи билан машҳур бўлган Оққўрғон, учинчи томондан Дашт, тўртинчи томондан Унгуз деган жой билан туташ. Хоразмнинг яна бир томонида Сарий султон жойлашган. Улар орасида (в. 55б) кўплаб катта-кичик қалъа ва турар жойлар бўлган. Унинг жанубида чўп-ёғочларга бой Қизилқум ястаниб ётибди. Қадимда Хоразмнинг 4—5 дарвозаси бор шаҳарлари сони кўп бўлган. Улардан бирини Журжония, яна биттасини Урганч деб атаганлар. Журжония Сирдарёдан сув ичган. Шаҳарнинг ўрни қуйидагича белгиланган: унинг шарқида Бағлон, шимолида Акча тенгиз, ғарбида Гурлан, жанубида эса Кот. Фараз қилишларича, Журжониянинг иңкирози сув туфайли бўлган. Сирдарёдан келадиган сув суғориш учун етарли бўлмаган ва шу сабабдан уч қир оша Унгуздан жануброқда оқиб ўтадиган Амударёдан наҳр қазилиб бир яф сув олинган. Утган йили ўша наҳрни узайтириб, ортиқча сувни Журжониянинг жануби орқали Урганчга олиб бордилар. Урганч орқали Абулхон тоғларининг шарқий томонидан ғарбга давом этиб, Угурча орқали ўша сув Мо-

зандарон денгизига¹ ташланган. Наҳрнинг ҳар икки тарафида қалъалар, серунум ерлар, экинзорлар ва боғу роғлар бўлган. Сув тошиб туриши сабабли Жўржония вайрон бўлган. Айтишларича, ўшанда фақат бир минорагина сақланиб қолган. Сўнгра минора Бойназар сўфи исмли бообрў бир киши томонидан буздирилиб, унинг тош ва гиштидан масжид қурилган. Масжид ҳозир тошқўприк устида қад кўтарган. Худди шу минора ўрнида мазкур сўфининг теварак-атрофга нур таратувчи мозори бор...

(в. 56а) Ҳозирда ёшлари 80 дан ошган кексаларнинг эшитган-кўрганларини сўзлашларича, минорани бузиш чоғида тошга ўйиб ёзилган бир битикни топганларки, битикда кўрсатилишича, мазкур минора 370 устулли жомеъ масжидининг энг кичик минораси экан, унинг устида хутба ўқилган. Баландлиги 30 қари² бўлган. Барчани намозга чорлашда чиқиладиган катта миноранинг балаидлиги 100 қаридан ортиқ бўлган. 30 нафар қори, имом, муаззин ва фарошнинг ойлик маоши 300 ақчадан белгиланган. Бу масжид атрофида 150 мадраса, бозор, қарвонсарой бўлган. Ўшанда уларнинг барчаси сув остида қолган.

Хоразмнинг бошқа шаҳарини Урганч деб атаганлар. У Чингизхон томонидан вайрон этилган. Бу золим келган вақтда у ерда 20 жомеъ масжид бўлиб, уларда жума намози ўқиларди; масжидларнинг ҳар бири 3 таноб майдонни эгаллаган эди. Шаҳарнинг тўрт томонида кўм-кўк намозгоҳлар бўлиб, уларда ҳайит кунлари 3—4 лак³ одам йиғиларди. Ҳар намозгоҳда минг одам хизмат қилган. Урганчнинг кўпчилиги аҳолиси ҳазрат Ёқуб пайғамбар авлодидир. Унинг катта ўғли Шамунинг худо сийлаган мозори ҳозир Хўжаэли (Хўжайли) номи билан машҳур бўлган Миздаҳконда.

Ҳозирги даврда Урганч қаровсиз қолган. У ерда шаҳид шайх Нажмуддин Кубро ва ҳазрат хожа Азизхоннинг⁴, сирлари муқаддас бўлсин, мақбаралари жойлашган.

Хоразмнинг яна бир шаҳри — Рамл. У Сом ибн Нуҳ томонидан бунёд этилган. Ҳозир у Хивак номи билан машҳур. Айтишларича, Хивак сўзида Паҳлавон Маҳмуд Вали вафоти тарихи яширинган. Шундай қилиб, бу тарих шаҳар номини билдиради. Илгариги номи эса Рамл, яъни қумга сероб жой маъносида бўлган. Кунлардан бир куни Сом ибн Нуҳ овдан кейин ерга ётиб ухлаб қолган. Тушида ўзини 300 та ёқилган машъал ўртасида кўрган. Яхши кайфият билан уйғонгач, ўзи ҳақида хотира қолдириш истагида шу ерга тупроқ сепиб шаҳар қурган, яна бир марта келишида [уни] девор билан ўраб, ғарбий қисмида булоқ очдирган. Қисқаси, айтишларича, Хивак кўп марта вайрон бўлиб, қайтадан тикланган. Ҳозирги вақтда Оллоҳ ёрла-

қаган ва жаннатмакон Абулғози Муҳаммад Раҳимхон, унинг отаси жаноби олийлари Оллоқулихон¹, унинг иниси дунёга машҳур Қутлуқ Мурод иноқнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Хивак гуллаб-яшнамоқда. Уларнинг ғайрати билан у ерда катта мадраса ҳамда хайрия муассасалари бунёд этилган. Бу ишга экир элланган иноқнинг энг афзал хизматкорларидан Шер девонбеги ва ушбу сатрларни битувчининг ҳомийсига ота бўлмиш улуг вазир Муҳаммад Ризо қушбегилар ҳам ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Жаннатда-фароғатда бўлган хоннинг фармони ила сарой, усти ёпиқ бозор ва уларнинг орасида катта мадраса ҳам қурилган.

(в. 57а) Хива қалъасида саййид Алоуддин Хиваки², унинг сирлари муқаддас бўлмай, ва 300 машҳур шайх дафн этилган. Қалъадан ташқарида эса ҳазрат шайх Абулвафо Хоразмий³, унинг сирлари муқаддас бўлсин, ва атрофида яна минг нафар шайх осудадириллар.

Ва яна. Бу шаҳарнинг жануби-шарқий тарафида, ундан 200 қадам нарида, ҳазрат шайх Ҳусайн бобонинг⁴, сирлари муқаддас бўлсин, қароргоҳи бор. У ерда гужум аталувчи катта серсоя дарахт ўсади.

Ва яна. Хивакнинг гуруч ва қовуни жуда ҳам ширин бўлади. Иқлими тоза, одамлари хушфеъл. Қиш у ерда бирмунча совуқроқ бўлади. Бу ерда қаттиқ қиш [фақат] бир ой давом этади. Шунда ер тахминан уч қарич музлик билан қопланади. Гурлон, Хўжаэли ва Қўнғиротда (в. 57б) музнинг қалинлиги уч-тўрт газга боради.

(в. 58б) Хоразмнинг яна бир шаҳри Бузмихшар (Замаҳшар). У Хивадан ғарбда, бир кунлик йўлда жойлашган. Сув йўқлиги туфайли харобаликка юз тутган. Ҳозир жаннатда-фароғатда бўлмиш жаноби олийлари Оллоқулихоннинг оталари Муҳаммад Раҳимхон у ердан наҳр ўтказиб, уни хуб обод этганлар.

Учинчи боб сўнгида Хива ҳақида яна қуйидаги диққатга сазовор маълумотлар келтирилади:

«(в. 198б) Ҳозирги вақтда Хоразмнинг пойтахти Хивакдир. Бундай аталишининг сабаби юқорида келтирилди. Шаҳарнинг иқлими жуда яхши; (в. 199а) кунига ўн марта овқатланиш мумкин ва бундан ҳеч қандай зарар етмайди. У ерда баъзи авлиёларнинг мозори бор. Уларнинг жумласига қутблар қутби, тариқат йўлидан борувчиларнинг афзали Кўзли бобо номи би-

¹ Сўз 1865—1910 йилларда Хивада ҳукмронлик қилган Муҳаммад Раҳим II ҳақида бораётир.

² Саййид Алоуддин Хиваки — фақиҳ; XIII аср бошида Хоразмда мухтасиб бўлган.

³ Шайх Абулвафо Хоразмий — йирик сўфий, мусиқашунос ва шоир (XV асрнинг ярми).

⁴ Шайх Ҳусайн бобо (тўлиқ исми — Қамолуддин Ҳусайн Хоразмий) кубравия тариқатининг машҳур шайхларидан (1427 ёки 1435 йилда оламдан ўтган).

¹ Қаспий денгизининг ўрта асрдаги номларидан.

² Қари — тахминан 2 рус аршинига тенг бўлган узунлик ўлчови.

³ Лак — юз минг кишилик қўшин, юз минг рупия (оқча), шунча одам.

⁴ Кубравия тариқатининг устунларидан; асл номи Жонмуҳаммад Азизхон Хоразмий (XIV аср охирида вафот этган).

лан машхур бўлган Ҳасан ота, Оллоҳ ундан марҳаматини дарир тутмасин, мазори киради. Шаҳардан шимоли-ғарбда, уч минг қадамдан ортиқ масофада жойлашган. Шу мазордан ғарбда, шаҳардан тўрт минг қадам масофада олтмиш аслзода-ётибдиларким, ҳар бирларининг исмлари «Муҳаммад» сўзила зийнатланган. Улар ҳазрат шайх Нажмуддин Кубронинг муридлари бўлиб, ул ҳазратнинг вафотидан уч йил олдин дунёдан кўз юмганлар. Ҳазратнинг яқинлари бўлганликлари сабабли уларнинг барчаси Ҳасан (яқин киши) лақаби билан машхур бўлганлар. Ҳозирги вақтда у ерда каминага ота бўлмиш Қўшмуҳаммад сўфи ҳам, Оллоҳ унинг руҳини шод этсин, осудадирлар. Бу манзилгоҳ фаровондир. Аммо бир нуқсон бор — қумлоқ ва сувни у ерга меш ва челақларда минг қадамдан ташиб келадилар.

Ва яна. Бу вилоятда Гурлон аталувчи бир шаҳар бор. Ёнидан дарё оқиб ўтади. (в. 1996) Дарёнинг шимолий тарафида тоғлик бўлиб, у ерда илгари олтин қазиб олинган. У ерда қайроқтош, қўрғошин, темир ва фируза конлари бўлган. Айтишларича, ўша тоғда мумиё ҳам топганлар. Олтингургуртни эса шаҳардан жанубда, тўрт манзил масофадаги қирли ерлардан келтиришган.

Хиванинг бозори унча катта бўлмаган майдонни эгаллаган. Уни тахминан 5—6 таноб майдонни эгаллаган ва шаҳарнинг шарқий тарафида жойлашган кўлча ҳисобига кенгайтирганлар. 1831/32 йили жаноби олийларининг фармонида кўра, Хива аҳли 45 кун ичида уни тупроқ билан тўлдириб, текислаган ва у ерда бозор бунёд этилган. Нарироқда илгари катта чорбоғ бўлиб, у ерда ҳашаматли, кошин парчалар билан қопланган қасрлар — подшоҳларнинг қароргоҳи бўлган ва [чорбоғда] ҳар навъ мевали ва манзарали дарахтлар бўлган. Эндиликда булардан фақат битта гужум қолган, холос. У ҳам қуриб қолган. Илгари унинг тагида дон бозори бўлар эди. Энди эса у ерда боққоллар, балиқ ва [бошқа] таомларни пиширувчилар ўтиришади. (в. 200а) Бу ер оддийгина раста-бозор деб аталади ва катта йўл бўйида жойлашган.

Ва яна. 1768/69 йили Хива шаҳрида вабо тарқалиб, қаҳатчилик бўлган. Ушанда ҳаммага ҳам омон қолиш nasib қилмаган.

Ва яна. 1783 йили дон экинларини ўриш ва шафтоли пишиғи арафасида осмонни баҳайбат булут қоплаб, ҳар бири товук тумидай дўл ёққан ва шаҳарга яқин экинзорларни нест-нобуд этган».

Шундай қилиб, Худойберди ибн Қўшмуҳаммад сўфи ва унинг зикр этилган асари ҳақида ҳамда умуман Хивага оид маълумотлар хусусида мана шуларни айтиш мумкин. «Дили ғаройиб»да келтирилган маълумотлар Хоразм ва Хиванинг XVIII—XIX аср биринчи чорагидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволини ўрганишда жуда муҳимдир. Шу билан бирга, бу маълумотлар Хива атамаси, унинг пайдо бўлиши ва афсонавий таъ-

рифи, шаҳар манзаралари, шунингдек, шаҳарнинг энг қадимги даврини — давлат барпо этилган, катта каналлар қазилиб, деҳқончилик ва ҳунармандчилик ривожланаётган даврини ўрганишда катта қизиқиш уйғотади.

Шундай қилиб, ёзма манбалардаги материаллар Хива тарихининг камида минг йилни кузатиш имконини беради, археологик изланиш ва тадқиқотлар эса унинг Кушан даври шаҳарларидан, милоддан аввалги III—II асрларга тааллуқли эканидан далолат беради.

ХОНДАМИР ВА УНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Хуросон ва унинг маркази Ҳиротда илм-фан ва маданият (меъморчилик, тасвирий санъат, яъни миниатюра ва наққошлик, мусиқа ва хаттотлик санъати) юксалди. Бунда Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод ва Мирхонд, мавлоно Сайфий Бухорий ва Камолиддин Ҳусайн Жалойир, мавлоно Хожи Муҳаммад ва Шамсиддин Муҳаммад Андижоний, шунингдек, Дарвишали сингари ўнлаб забардаст олим ва адибларнинг хизмати катта бўлди. Хондамирнинг ҳам бу улкан маданиятга қўшган ҳиссаси шубҳасиз оз эмас. У ўзининг ўлмас тарихий асарлари билан кўп асрлик маданиятимиз хазинасини бойитди ва илм-фан тарихида ўчмас из қолдирди.

Хондамир (тўлиқ исми: Фиёсиддин ибн Ҳумомиддин Муҳаммад ибн хожа Жалолиддин Муҳаммад ибн хожа Бурҳониддин) 1475 йили Ҳиротда туғилди. Унинг отаси Ҳумомиддин Муҳаммад ўқимишли, фозил киши бўлиб, Султон Абу Саиднинг ўғли Султон Маҳмуд мирзонинг вазири эди. Онаси эса машхур муаррих Мирхонднинг қизи бўлган. Хондамир Ҳиротда ўқиб воёга етди. У тарих, илму адаб (адабиёт) ва иншо илмларини мукаммал эгаллаб, замонанинг пешқадам олими бўлиб етишди. Унинг юксак камолотга етишишида ўткир зеҳни, теран фикри ва зўр ақл-фаросатидан ташқари, Алишер Навоийдек раҳнамо кишининг бўлиши ва унинг илму фан ва маданият равнақида бўлган олий ҳиммати ҳам сабаб бўлди, албатта. Навоий кўп олимлар, шоирлар, наққошлар, хаттотлар қатори Хондамирнинг ҳам илмий ишларига бевосита раҳбарлик қилди.

Хондамир тарих илмига кўпроқ қизиқар ва бу ҳавас у балоғатга етган ҳамоно уйғонган эди. «[Фақир у ҳақир], — деб ёзган эди Хондамир «Хулосат ул-ахбор»да (ЎзФАШИ қўлёзмаси, инв № 2209, в. 26), — балоғатга етиши биланоқ ҳамиша азиз умрини тарих китоблари ва маъруф ахборотларни мутолаа қилишга сарфлай бошлади». Бунинг учун унга тўла шароит яратилган эди. Уша замонда Хуросонда энг бой ҳисобланган Навоий кутубхонасининг калити Хондамирнинг қўлига топшириб қўйилган эди. Бу хусусда Хондамирнинг ўзи бундай деб ёзган эди: «Тарих ва хабарларни ўз ичига олган [ва] ул бузрукворнинг (Навоийнинг — Б. А.) кутубхонасида мавжуд бўл-

ган ҳар бир китоб бу гадонинг ихтиёрига топширилди» («Хулосат ул-ахбор», в. 26).

Навой Хондамир олиб бораётган илмий ишлардан доимо баҳабар бўлиб турди. Олим эса ҳамisha ўз режаларини Навой билан келишиб тузди, илм соҳасида нимаки қилмоқчи бўлса, у билан кенгашиди, валинеъматининг маслаҳатларини олди. Хондамир ўзининг тўнғич асари «Хулосат ул-ахбор»ни ёзишдан олдин Навой ҳузурига борганлиги ва у билан бу хусусда маслаҳатлашиб, унинг ризолигини олганлигини айтади: «Бу хаёлни (китобни ёзиш хаёлини — Б. А.) ул фазлу камол доирасининг нуқтасига (Навойга — Б. А.) етказганимда [бу хаёл] қабул ва розилик топиб, шу номдор номани (китобни — Б. А.) иншо қилишга ижозат олдим» («Хулосат ул-ахбор», в. 26).

Хондамир Навой вафотига қадар унинг ҳузурини қадр қатор муҳим тарихий асарлар яратди. Навой вафотидан сўнг, замоннинг зайли билан, у она юрти Балхга кетиб қолди ва ўша вақтда Балх салтанатида ўлтирган Бадиуззамон мирзо (1458—1511) нинг хизматига кирди. Бадиуззамон ҳам ўқимини киши эди. У билан Навой ўртасида ота-боладек яқинлик ҳам бор эди. Шунинг учун бўлса керак, Бадиуззамон Навойнинг бу шогирдини ўз қаноти остига олди ва унга зўр илтифотлар кўрсатди. Хондамир Султон Ҳусайн Бойқаронинг вафотидан кейин Бадиуззамон билан Ҳиротга қайтди ва то 1510 йилгача шу ерда истиқомат қилди. У Ҳиротнинг икки марта: биринчи бор 1507 йили Муҳаммад Шайбонийхон тарафидан ва иккинчи бор 1510 йили шоҳ Исмоил Сафавий (1502—1524) аскарлари тарафидан истило қилинишини ўз кўзи билан кўрди, истилолар вақтидаги қирғин ва талонларнинг шоҳиди бўлди. Унинг Шайбонийхон ёки кўчманчи ўзбекларнинг Хуросондаги ҳокими Жонкафо мирзо хизматига кирган-кирмаганлиги маълум эмас. Лекин унинг асарлари, хусусан, ана шу воқеаларни ўзида акс эттирган «Ҳабиб ус-сияр» асари Шайбонийхон ва кўчманчи ўзбекларга қарши руҳда ёзилган. Шунга қараганда, у ўзбек ҳукмдорлари хизматида ўтмаган бўлиши керак.

1511 йили Ҳирот шоҳ Исмоил аскарлари томонидан ишғол қилинди. Уша кунлари Хондамир Ҳиротда эди. У қизилбошлар¹ кўшини Хонқулибек бошчилигида 1510 йилнинг 9 декабрида Ҳирот остоналарида пайдо бўлганида бир гуруҳ Ҳиротлик аъёнлар (шайхулислом Сайфуддин Аҳмад Тафтазоний, амир Низомиддин Абдулқодир Машҳадий, саййид Гиёсиддин Муҳаммад Ҳазий, қози Садриддин Муҳаммад, қози Ихтиёрддин Ҳасан Турбатий ва бошқалар) билан бирга катта совғалар олиб унинг қаршисига чиққан.

Қизилбошлар ҳукмронлигининг дастлабки йилларида, яъни 1513 йили Хуросонда қаҳатчилик ва очарчилик бўлди. Натижада минглаб кишиларнинг ёстиғи қуриди («Ҳабиб ус-сияр»,

3/4, 81-бет)¹. Кўчманчи ўзбекларнинг тез-тез қилиб турган ҳужумлари ва талонлари натижасида Хуросоннинг теварак-атроф булуқлари ҳам оғир аҳволга тушиб қолди. Шоҳ Исмоил томонидан тайинланган Хуросон ҳокими Зайналхон ва Балх ҳокими Дев султон мамлакатда юз берган бу аҳвол туфайли бошланган сиёсий ва иқтисодий тагликнинг олдини олишдан ожиз эдилар. Мамлакатдаги бу оғир аҳвол 1515 йилгача давом этди. Уша йилнинг охирида Қоюн вилоятининг ҳокими амир Султон ва Балх ҳукмдори Дев султон Табризга, яъни шоҳ Исмоил ҳузурини бориб Хуросонда аҳвол жиддийлашгани ва Гаржистонда Бадиуззамоннинг ўғли Муҳаммад Замон ва Урдашоҳ қўзғолон кўтарганлигини маълум қилдилар. Шоҳ Исмоил Хуросонда тартиб ўрнатиш ва у ерда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида Таҳмосп мирзони Хуросон ҳукмдори қилиб тайинлади. Лекин у ҳали ёш эди. Шунинг учун ҳам Амир Султонни унинг оталиғи (озарбайжонча — лўла)² қилиб тайинлади. Таҳмосп мирзонинг вазири қилиб эса амир Гиёсиддин Муҳаммад тайинланди.

Хондамир Хуросонда, айниқса Ҳиротда аҳвол оғирлашгани туфайли 1514 йили пойтахтни ташлаб, Гаржистонга тобе бўлган Пушт қишлоғига кетишга мажбур бўлди. Айни шу вақтда Муҳаммад Замон шоҳ Исмоил саройидан қочиб кетди ва Астробод ҳокими Камолиддин Ҳусайн билан қўшилиб, қизилбошларга қарши исён кўтарди ва бу вилоятни (Астрободни) қўлга кiritиб олди. Шаҳзода кўп ўтмай Журжонни ҳам эгаллади ва ўша ерда туриб Атрак бўйидаги Саинхоний ва Гирай эли туркманларига элчи юбориб, улар билан иттифоқлашиш ниятини билдирди. Охир-оқибат, Муҳаммад Замон қизилбошларга қарши Атрак бўйи туркманлари билан ҳарбий иттифоқ тузиб олишга муваффақ бўлди. Бирталай хуросонлик амирлар ҳам биринкетин мирзога қўшилдилар. 1514 йил 5 ноябрда Астрободдан 8 фарсах масофада жойлашган Оқ Машҳад деган жойда Муҳаммад Замон ва унга қарши хожа Музаффариддин бошчилигида юборилган қизилбошлар ўртасида шиддатли уруш бўлди. Икки кун давом этган бу жангда Муҳаммад Замон ва унинг иттифоқчилари мағлубиятга учрадилар. Шаҳзода билан бириккан хуросонлик амирлар ўз юртиларига қочиб кетдилар. Муҳаммад Замон эса туркманлар билан бирга Атрак тарафга чекинди. У туркманлар орасида 2—3 ой истиқомат қилди. Худди ўша кунлари Бадиуззамоннинг собиқ амирларидан Урдашоҳнинг Гаржистон Кўҳистонини қизилбошлардан озод қилганлиги ва Хуросон амирларининг барчаси у билан қўшилганлиги тўғрисида хабар олинди. Шундан сўнг Муҳаммад Замон Обивард орқали Гаржистонга борди. Урдашоҳ уни зўр иззату иқром би-

¹ Қавс билан кўрсатилган биринчи рақам асарнинг жилдини, иккинчиси эса унинг қисмини кўрсатади.

² Оталиқлар шаҳзодалар баловатга етувчи қадар уларнинг улусларини бошқарганлар.

¹ Шоҳ Исмоил Сафавий аскарлари тўқ қизил ленталар ўралган бош кийими кийганлиги учун шундай аталганлар.

лап кутиб олди («Ҳабиб ус-сияр», 3/3, 369-бет). Хондамир шу вақтда Гаржистонда эди. У Муҳаммад Замоннинг бу ерга келганини эшитиб унинг ҳузурига борди ва шаҳзоданинг хизматига кирди.

1515 йилнинг бошларида Муҳаммад Замон ва Урдашоҳлар Ҳирот атрофини, шунингдек, Гаржистон атрофларида кўчиб юрган ҳазора ва никудорий қабилаларининг молу мулкани талон-торож қилдилар. 1516 йил 6 майда эса улар Дев султоннинг йўқлигидан фойдаланиб Балхни эгалладилар. Уша йили Шибирғон ҳам қўлга киритилди.

Лекин Муҳаммад Замон ва Урдашоҳ ўртасидаги иттифоқ узоққа бормади. Орадан икки ярим ой ўтгач, Урдашоҳ Балхдан Муҳаммад Замонни сиқиб чиқариб, ҳокимиятни қўлга олди. Шаҳзода анча вақт Балх атрофлари ва Гаржистонда юрди. У тез орада гаржистонликларни ўз тарафига қаратиб олиб, Қораёғоч деган жойга келди ва Хондамирни Урдашоҳ ҳузурига элчи қилиб юборди. Хондамир бу хусусда қуйидагиларни ёзди: «Маҳдумзода [мана шу] хомаки варақлар [муаллифи] га буюрдики, қуббат ул-ислом Балхга шошилсин ва ҳар на қилсинки, амир Урдашоҳ обо ва аждоддан он ҳазратга (Муҳаммад Замонга — Б. А.) қолган ул мамлакатни унинг олий мақом ходимлари тасарруфига қайтариб берсин, ўзи эса асл юрти бўлган Гаржистонга борсин» («Ҳабиб ус-сияр», 3/3, 371-бет). Лекин Урдашоҳ Муҳаммад Замоннинг талабини рад қилди. Шундан кейин Муҳаммад Замон Балхни бир ой қамал қилди. Урдашоҳ эса Қобулга, Бобур мирзо ҳузурига элчи юбориб, уни дарҳол Балхга таклиф қилди ва вилоятни унга топширажагини айтди. Урдашоҳ билан Муҳаммад Замон ўртасида бир неча бор борди-келди бўлди ва ниҳоят Балхдан 2 фарсах масофада жойлашган Тавахта деган жойда уларнинг ҳар иккови учрашиб, илгари Муҳаммад Замон қўйган шартлар асосида сулҳ туздилар. Шундан сўнг Муҳаммад Замон ва Урдашоҳ биргаликда Балхга қараб йўл олдилар. Лекин Гузаргоҳ деган мавзеда Муҳаммад Замон қочмоқчи бўлган Урдашоҳни ўлдирди. Шаҳарга соғ-саломат етиб борган Урдашоҳнинг мулозимлари унинг ўрнида қолган иниси Қавомбекни бу фожиали воқеадан хабардор қилдилар. Қавомбек шаҳар қалъасини мустаҳкамлаб, орадан бир неча кун ўтгач, бу ерга етиб келган Бобурнинг амирларидан Зафарбекка шаҳар дарвозаларининг калитини топширди.

Шундай қилиб, Муҳаммад Замон Шибирғонга кетишга мажбур бўлди ва бир неча вақт ўша ерда яшади. Бобур Қораёғочни олгандан сўнг эса иложсиз Гаржистонга қараб кетди. Лекин Бобурнинг Шибирғонга ҳам келаётганлиги ҳақида хабар топгач, Муҳаммад Замон Қандаҳорга кетишга қарор қилди. Шунда Хондамир Муҳаммад Замондан рухсат олиб яна Пушт қишлоғига келди ва бирмунча вақт илмий иш билан банд бўлди. Уша йилнинг ўзиде (1516) у Ҳиротга қайтди ва Хуросон ҳокими Дурмишхоннинг вазир амир Ҳабибулло Соважийнинг хизматига кириб, 1523 йилгача илмий иш билан банд бўлди.

Амир Ҳабибулло Хондамирга зўр меҳрибончилик кўрсатди, уни қўллаб-қувватлади. Шунинг учун ҳам олим ўзининг энг йирик асари бўлмиш «Ҳабиб ус-сияр»ни унга бағишлади.

1527 йили ёзда Хондамир Ҳиндистонга кетишга қарор қилди ва Қандаҳорга жўнади. 1528 йил 3 мартда Қандаҳордан чиқиб, Ҳиндистон томон йўл олди. 1528 йил 18 сентябрда Хондамир Ҳиндистонга, Бобур мирзо ҳузурига етиб келди. Бу вақтда Бобур Ауд шаҳрида турар эди. Ҳиротлик машҳур шоир Шаҳоб Муаммой ва Ҳиротдаги «Султония» мадрасасининг мударриси амир Иброҳим Машҳадий ҳам Хондамир билан бирга бу ерга келган эдилар («Бобурнома», 389-бет). Бобур уларни зўр ҳурмат ва эҳтиром билан қарши олди ва уларга сарой хизматчилари қаторидан жой тайин қилди.

«Ҳабиб ус-сияр»нинг форсча матнини нашрга тайёрлаган Муҳаммад Ҳусайн Қошонийнинг сўзларига қараганда, Бобурнинг ўрта осиелик, эронлик ва туркиялик элчилар шарафига 1528 йил 19 декабрда Аградаги Боғи Беҳиштда ўтказган зиёфатида Хондамир ва унинг номи юқорида зикр этилган ҳамроҳлари ҳам иштирок этганлар.

Хондамир Бобурнинг вафотига қадар ҳамма вақт у билан бирга бўлди.

1529 йил февраль ойида Бобур Бангол вилоятига, Султон Маҳмудга қарши юриш бошлади. Хондамир, амир Иброҳим Машҳадий, Шаҳоб Муаммой бу юришда унга ҳамроҳ бўлдилар («Бобурнома», 429-бет).

Бобур вафотидан сўнг Хондамир тож-тахт вориси Носируддин Ҳумоюннинг хизматида бўлди ва унинг яқин кишилари қаторидан жой олди.

Хондамир 1535 йилда, яъни Ҳумоюннинг Бурҳонпур (Гужорат вилояти)га қилган ҳарбий юриши вақтида вафот этди ва Деҳлида хожа Низомиддин Авлиё ва Ҳусрав Деҳлавий мазорида дафн этилди.

Хондамир бор-йўғи 62 йил умр кўрди. Лекин унинг умри сермазмун, келажак учун фойдали кечди. У яратган ўлмас асарлари туфайли ўз номини тарих саҳифасига абадий нақшлади.

Хондамирнинг бой илмий мероси ҳақида фикр юритишдан аввал шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, у сарой кишиси, ҳукмрон феодал синфнинг вакили эди. Шунинг учун ҳам у ўз синфининг мақсад ва манфаатларига садоқат билан хизмат қилди, ўз асарларида ана шу ҳукмрон синфнинг руҳи ва дунёқарашини акс эттирди. Меҳнаткаш омманинг оғир турмуши эса унинг назаридан четда қолди. Ўз турмушини яхшилаш учун курашган меҳнаткашларни эса «аҳли фитна», «бебошлар» деб атади. Шунга қарамай, унинг асарлари диққат билан ўқилса, ундан меҳнаткаш омма ҳақида ҳам бирмунча қимматли маълумот олиш мумкин.

Умуман, халқимизнинг ва биз билан қўшни бўлган Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон халқ-

ларининг узоқ ўтмишдаги тарихи ва юксак маданиятини ўрганишда машҳур муаррих Хондамирнинг ажойиб асарлари муҳим роль ўйнайди.

Хондамирнинг илмий мероси

Юқорида айтганимиздек, Хондамир ўрта аср фани, хусусан тарих илми тараққиётига баракали ҳисса қўшди. У Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон ҳамда Ҳиндистоннинг ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини ўз ичига олган 10 га яқин йирик асар яратди. Унинг кўпгина асарлари оригиналлиги ва турли-туман фактик маълумотларга бойлиги билан муҳим ўрин тутади.

Биз қуйида олимнинг айрим асарларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

«Хулосат ул-ахбор фи аҳвол ил-аҳёр» («Хайрли кишилар аҳволида [жаҳон] хабарларининг хулосаси»)

Бу асар 1498—1499 йиллар орасида Алишер Навоийнинг илтимоси билан ёзилган. Асар муқаддима, хотима ва 10 боб (мақола)дан иборат бўлиб, уни Мирхонднинг машҳур «Равзат ус-сафо» асарининг қисқартирилган варианты дейиш ҳам мумкин. Лекин унинг Султон Ҳусайн мирзо (1470—1506 йиллари ҳукмронлик қилган)га бағишланган ўнинчи боби ва хотимаси муҳим аҳамият касб этади¹. Шуни ҳам айтиш керакки, Хондамир мазкур асарини яратишда бобоси Мирхонднинг юқорида тилга олинган асаридан ташқари Табарий, Ҳамдуллоҳ Қазвиний, Жаъфарий, Низомулмулк ва Жувайний асарларидан ҳам кенг фойдаланган.

Асарнинг ўнинчи бобида Султон Ҳусайн мирзо билан Ёдгор Муҳаммад мирзо ўртасида бўлган Хуросон тахти учун 1469—1470 йилларда олиб борилган кураш ўз аксини топган. Хотимада эса Ҳирот шаҳри, унинг ичкари ва ташқарисидаги машҳур бинолар (мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, шифохоналар, кутубхоналар, қалъалар), боғу бўстонлар, шунингдек, Навоий билан замондош бўлган машҳур шайхлар, уламо, олим ва шоирлар, хаттот ва мусиқашунослар ҳақида ҳикоя қилинади.

Бинолар орасида Алишер Навоийнинг номи билан боғлиқ бўлганлари ҳам оз эмас. Ҳиротда қурилган хонақоҳ ва «Ихлосия» мадрасаси, «Дорушшифо» билан юрти, Сарипулдаги (Ҳирот ёнида жойлашган манзилгоҳ) масжид шулар жумласидандир. Ҳиротдаги энг улкан Жомий масжидни қайта тиклаш-

да (1498 йил) ҳам Навоийнинг саъй-ҳаракати катта бўлган. Маълумки, бу масжид XIII асрнинг бошида ғурийлар сулоласидан бўлган Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Сом (1203 йили вафот этган) томонидан қурила бошланган ва унинг жияни (иниси Султон Шаҳобиддиннинг ўғли) султон Ғиёсиддин Маҳмуд (1211 йили вафот этган) даврида қурилиб тамомланган эди.

Жомий масжиди Чингизхон истилоси вақтида (1221) вайрон қилинди. У XIV асрнинг биричи ярмида кертлар (куртлар) сулоласидан бўлган Ғиёсиддин Маҳмуд ва унинг тожу тахт воҳисиси Малик Ҳусайн (1331—1370) томонидан тикланган эди. Хуросонда бўлган кучли zilзила натижасида бу масжид ҳам вайрон бўлди. Навоий бу бинони тиклабгина қолмай, балки унинг ёнига қўшимча бинолар (кўшкли айвон, мрамар супа) ҳам қурдирди, теварак-атрофини обод қилди.

Хондамир бу асарида Навоий замонида ўтган шайхлар, саййидлар, фозиллар, шоирлар ва бошқа машҳур кишилар ҳақида қимматли маълумотлар келтиради. Улар орасида тарихчи олим ва кўзга кўринган давлат арбоби мавлоно Қамолiddин Абдураззоқ Самарқандий, атоқли қонуншунос Ихтиёрiddин Ҳасан, «Ихлосия» мадрасасининг мударрислари мавлоно Ғиёсиддин Хайрободий, мавлоно Муҳаммад Ханафий, мавлоно Муҳаммад Табризий, «Дорушшифо» мударрислари мавлоно Муҳаммад Муин, мавлоно Ғиёсиддин Муҳаммад табиблар бор. Шунингдек, хаттотлардан зўр санъати билан Шарқда донг чиқарган мавлоно Султон Али Машҳадий, хожа Ҳофиз Муҳаммад, мавлоно Султон Али Қоний ва «Бадоеъ ул-вақоъе» асарининг муаллифи Зайниддин Маҳмуд Восифийлар ҳақида ҳам асарда муҳим маълумотлар келтирилган.

«Хулосат ул-ахбор»нинг хотимасида келтирилган маълумотлар XV асрда Хуросон ва Ўрта Осиёда илм-фаннинг деярли ҳамма соҳалари кенг тараққий этганлигидан далолат беради.

«Дастур ал-вузаро» («Вазирлар учун дастур»)

«Дастур ал-вузаро» ёки «Тарихи вузаро»¹ номи билан маълум бўлган бу асар ҳам Алишер Навоийнинг топшириғи ва кўмаги билан ёзилган. Хондамир уни 1500 йили ёзиб тамомлади, лекин орадан 9 йил ўтгач, яъни 1509 йили қайта ишлаб, қисман кенгайтди.

«Дастур ал-вузаро» темурийлар сулоласининг инқирозига қадар Шарқда ўтган вазирлар ҳақида қисқача маълумот беради.

Муаллиф асарни маълум бир тартиб билан битган. Дастлаб Шарқда ҳукмронлик қилган сулолалар ва подшоларнинг номлари ҳамда уларнинг умумий сони қайд этилиб, сўнг уларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти фондида сақлаётган 2209-рақамли қўлёзмадан фойдаланилди. Бу қўлёзма 1591 йилда кўчирилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти фондида бу асарнинг бир қўлёзма нусхаси (инв. № 55/1) сақланмоқда.

даврида ўтган машхур вазирлар ҳақида ўта муҳим маълумотлар келтирилади.

Чингизхон, чингизийлар ва уларнинг вазирлари орасида хо-размлик Маҳмуд Ялавоч ва унинг ўғли Масъудбек ҳақидаги маълумотлар айниқса диққатга сазовордир. Хондамир Маҳмуд Ялавоч бошлиқ Чингизхон элчиларининг Хоразмга, султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳузурига келиши воқеасига тўхталиб, қизиқ маълумот келтиради. В. В. Бартольд бу маълумотни Муҳаммад ибн Аҳмад Шаҳобиддин Нисовийнинг 1241 йили ёзган «Сирот ас-султон Жалолиддин Мангуберди» («Султон Жалолиддин Мангубердининг таржимаи ҳоли») ¹ асаридагина мавжудлигига ишора қилади. Бизга маълум бўлган бошқа манбаларда ҳам бу ҳақда бирор фикр учрата олмадик. Шунинг учун ҳам Хондамирнинг Маҳмуд Ялавоч элчилиги ҳақида келтирган бу маълумоти эътиборга сазовордир. Шу боисдан Хондамир келтирган маълумотга қисқа тарзда тўхталиб ўтамиз.

«Дастур ал-вузаро»да айтилишича, Маҳмуд Ялавоч асли хоразмлик бўлиб, султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳокимият тепасига келгач, қандайдир сабаб билан мамлакатдан чиқиб кетган ва Чингизхоннинг хизматига кирган. Чингизхон эса уни Хоразмшоҳ ҳузурига элчи қилиб юборган. «Султон [Муҳаммад], — деб ёзади Хондамир, — элчиларни (Чингизхон элчиларини — Б. А.) зўр ҳурмат билан кутиб олди ва қози Маҳмуд [Ялавоч] ни хилватга тортиб [бундай] деди: «Сен мусулмон одамсан ва [шундай экан] бурчинг шулки, сендан нимаики сўрасам тўғри жавоб қил, [ҳеч нарсани] пинҳон тутма. [Султон] шу ондаёқ бир бўлак қимматбаҳо гавҳарни чиқариб Маҳмудга узатди ва [ундан] сўради: «Сенинг хонинг Хитой мамлакатини истило қилдими ёки йўқми?» Маҳмуд деди: «Тангрининг инояти билан Чингизхон Хитой мамлакатини истило қилди. Тўхтовсиз ва тўғри [берилган] бу жавобдан [султоннинг] қалби ёришаётгани кўринди, Султон [яна бундай деди]: «Маҳмуд [Ялавоч] дан умид шулки, [бундан буён] унинг мамлакатимга бўлган дўстлиги ортади. Хонингнинг ўзи ким бўлдики, мени «фарзандим» деб ёзибди... Унинг сипоҳи ва унинг сони қанча?». Маҳмуд бу сўзни эшитиб чўчиб кетди ва... султонга арз қилдики, «Чингизхоннинг қўшини сон жиҳатдан олий [даражалик] султоннинг лашкарига баробар келолмайди». Афтидан, Маҳмуд Ялавоч ўшанда Чингизхон ҳузурига қайтиб боргач, Хоразмшоҳ фойдасига айвоқчилик қилишга розилик берган ёки бу ерда айёрлик қилган.

Чингизхон Маҳмуд Ялавоч элчилигидан мамнун бўлган ва уни ўзининг вазири қилиб олган. Чингизхон вафотидан сўнг у тожу тахт вориси Уғадой қоонга ҳам вазир бўлган. Шимолий

¹ Асарнинг арабча матни ва таржимаси 1891—1895 йилларда машхур француз шарқшунос олими Хаудас томонидан нашр этилган. Русча таржимаси 1973 йилда Бокуда академик Э. М. Буниятов тарафидан чоп қилинган.

Хитой батамом истило қилингандан (1234) кейин Маҳмуд Ялавоч у ерга ҳоким қилиб юборилган. Маҳмуд Ялавоч умрининг охиригача Хитойни идора қилган.

Маҳмуд Ялавочнинг ўғли Масъудбек эса Чигатойхоннинг набираси Олғу ва унинг тахт вориси Бароқхоннинг ҳам вазири бўлган. 1267 йили Бароқхон Масъудбекни Эронга, Абақхон ҳузурига элчи қилиб юборди, у гўёки элхонийлар билан, хусусан, Абақхон билан дўстлик ва ҳамкорлик битими тузиб қайтиши лозим эди. Лекин Масъудбек Элхонийлар давлатининг умумий аҳволи, қўшинининг сони ва бошқа ҳарбий-сиёсий маълумотлар тўплаш ҳақида ҳам махфий топшириқ олган эди. Масъудбек Эронга Хутталон орқали йўл олди. Хуросонда уни соҳиб девон хожа Шамсиддин (тарихчи Жувайнийнинг акаси) бошлиқ аъёнлар кутиб олдилар. Абақхон уни зўр иззат-икром билан қарши олди. Лекин Масъудбек ўз хонининг топшириқларини бажариб қайтди. Бароқхон ўша йилиёқ Хуросонга ҳужум қилди.

«Маосир ал-мулук» («Подшоларнинг асрдошлари»)

Хондамирнинг бу асари ҳам 1500 йили ёзиб тамомланган. Лекин бизгача етиб келмаган, аниқроғи ҳали қидриб топилмаган. Афғонистонлик шарқшунос Гўё Эътимодийнинг сўзларига қараганда, асарда султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий билан замондош бўлган подшоҳ ва ҳукмдорлар, уламо ва ҳокимлар ҳақида сўз боради. Инглиз шарқшуноси Сторининг айтишича, Хондамир бу асарини бобоси Мирхонд ҳаётлик вақтидаёқ ёзиб тамомлаган ва унда ўша замондаги турли мафкуралар оқимлар хусусида ҳам маълумотлар келтирилган.

«Ҳабиб ус-сияр фи ахбор ва афрод ал-башар» («Инсон хабарлари ва фардларида дўстнинг таржимаи ҳоли»)

«Ҳабиб ус-сияр» Хондамирнинг энг йирик ва қимматли асари бўлиб, 1515—1523 йиллар ичида ёзилган. Лекин муаллиф Ҳиндистонда бўлган йилларида (1528—1535) уни яна икки марта қайта таҳрирдан чиқарган¹. Шунинг учун ҳам бу асарни шу йиллар орасида тугал тамомланган деб ҳисоблаш мумкин.

Хондамир бу асарини юқорида номи зикр этиб ўтилган вазир хожа Ҳабибулло Соважийга атаган, чунки у Хондамирга ўз вақтида кўп марҳамат ва илтифотлар кўрсатган эди.

Асарда қадим замонлардан то XVI асрнинг 30-йилларига қадар мусулмон мамлакатларида, хусусан, Эрон, Афғонистон, Ироқ ва Ўрта Осиёда содир бўлган воқеалар талқин этилади.

¹ «Ҳабиб ус-сияр»нинг матни 1854 йили Теҳронда, 1857/58 йили Бомбайда ва 1953 йили яна Теҳронда нашр этилган. Қўлёзма нусхалари жаҳондаги барча шарқ қўлёзмалари фондларида мавжуд.

«Ҳабиб ус-сияр» муқаддима, хотима ва уч бобдан иборат. Ҳар боб ўз навбатида тўрт қисм (жуз)га бўлинади.

Биринчи бобда жоҳилият, яъни исломиятдан илгари ўтган «пайғамбарлар» ва Араб ҳамда Ажам мамлакатларининг Араб халифалиги ташкил топгунга қадар бўлган умумий ижтимоий-сиёсий аҳволи, Муҳаммад пайғамбар, шунингдек, халифалар Абубакр (632—634), Умар (634—644), Усмон (644—656) ва Али (656—661) замонида юз берган воқеалар баён қилинади.

Асарнинг иккинчи бобида шиъа мазҳабидаги имомлар, уммавия ва аббосия сулоласидан бўлган халифалар даврида Араб халифалиги ва унинг босқинчилик урушлари, араблар замонида ҳукмронлик қилган бошқа сулолалар: тоҳирийлар, саффорийлар ва сомонийлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Учинчи боб Чингизхон ва унинг авлод-аждодлари, Чингизхон билан замондош бўлган бошқа сулолалар (қорахитойлар, хоразмшоҳлар, сарбадорлар ва бошқалар) ҳамда темурийларга бағишланган. Бундан ташқари, мазкур бобда Мовароуннаҳр, сўнгра Хуросоннинг Муҳаммад Шайбонийхон етакчилигида кўчманчи ўзбеклар томонидан босиб олинishi ва Исмоил Сафавий даврида Эрон, Афғонистон ва Ироқнинг сиёсий аҳволи ҳикоя қилинади.

«Ҳабиб ус-сияр»нинг муқаддимасида оламнинг яратилиши, хотимада эса жаҳоннинг ажойибот ва ғаройиботлари (иқлимлар, машҳур дарё, денгиз ва кўллар, саҳро ва тоғлар) хусусида гап боради.

Асарнинг учинчи боби, хусусан унинг 3-ва 4-қисм (жуз)лари оригинал бўлиб, унда темурий Султон Ҳусайн мирзо ва Исмоил Сафавий замонида Эрон ва Афғонистоннинг, шунингдек, XV аср охири ва XVI аср бошларида Ўрта Осиёнинг умумий ижтимоий-сиёсий аҳволи кенг ва атрафлича ёритилган. Шунинг учун ҳам бу қисмларни ўша даврни кенг ёритувчи ягона, тўлиқ манба деса бўлади. Шу муносабат билан асарда қўйилган ва тарихий китобларда кам ёритилган бир неча масалалар устида қисқача тўхтаб ўтмоқчимиз.

Маълумки, Шайбонийхон 1500 йили Мовароуннаҳрни темурийлардан осонгина тортиб олди ва бу ерда ўз ҳокимиятини ўрнатди. Марҳум проф. А. А. Семёнов Султон Аҳмад мирзо вафотидан (1494) сўнг темурийлар ўртасидаги тожу тахт учун бўлган талашувларнинг ниҳоятда кучайиб кетганлиги бу жараёни тезлаштирган омиллардан бири бўлганига ишора қилади. Лекин Шайбонийхон ғалабасини тезлаштирган бу омиллар тўла очилмай қолган. Бу ҳақда «Ҳабиб ус-сияр»да батафсил ҳикоя қилинади.

Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад 1494 йилнинг июль ойида Умаршайх мирзога қарши юришдан қайтишда Уратепада вафот этди. Самарқанд тахтини Термиз, Чағониён, Ҳисор, Хутталон, Қундуз, Бағлон ва Бадахшон вилоятларининг ҳокими бўлган иниси Султон Маҳмуд эгаллади. Султон Маҳмуд Бухорога ўгли Бойсунқурни тайин қилди. Лекин орадан беш ой

ўтар-ўтмас, яъни 1494 йилнинг декабрь ойида Султон Маҳмуд тўсатдан вафот қилди. Хондамир унинг авом ва аъёнларига кўп кулфатлар етказганини ҳикоя қилади. Демак, у ўз ажали билан ўлмаган, балки ундан норози бўлган нуфузли шахслар тарафидан ўлдирилган, деб айтиш мумкин.

Отаси ўрнига подшоҳ бўлган Бойсунқурнинг ҳукмронлиги ҳам узоққа бормади. У ҳокимият теласига келган кунлариёқ тархоний амирлар¹ унга қарши фитна уюштирдилар. Натижада мамлакатда беқарорлик ва танглик юз берди. Хондамир бундай деб ёзади: «[Ўша вақтда] тархоний амирлар [унга] қарши душманчилик камарини белга боғлагач, [мамлакатда] паришонлик юз берди» (3/3, 270-бет).

Мамлакатда бўлаётган беқарорликдан фойдаланган Султон Али мирзо Бухоро тахтини эгаллаб олди. Бойсунқур тангликдан қутулиш ва ҳокимиятни мустақамлаш мақсадида Ҳисордан ўзига содиқ бўлган амирлар ва бошқа мулозимларни чақиртириб олди ва уларни турли давлат лавозимларига тайин қилди. Лекин Бойсунқур бу билан ҳам ўз мавқеини мустақамлаб қололмади. Унга қарши фитна устига фитна уюштирилиб, фитнага ўша вақтда зўр нуфузга эга бўлган хожа Муҳаммад Яҳё (хожа Аҳрорнинг ўғли) ва Дарвиш Муҳаммад тархон бошчилик қилдилар. Бунинг устига ўша кунлари Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон Самарқандга қўшин тортиб келди. Лекин Самарқанд ёнида ҳар икки ўртада бўлган жанг Бойсунқурнинг ғалабаси билан тамом бўлди.

Хожа Муҳаммад Яҳё ва Дарвиш Муҳаммад тархоннинг Бойсунқурга қарши кураши кун сайин кучайиб борди. Улар ўша кунлари Қаршида истиқомат қилиб турган Султон Али мирзони Самарқандга — Боғи навга олиб келдилар, Бойсунқур мирзо ҳам ўша ерда эди. Дарвиш Муҳаммад тархон Бойсунқур соқчиларининг кўпларини ўлдириб, мулозимларини эса тумтарақай қилиб юборди. Ҳар иккала мирзо Самарқанд аркига олиб келинди, лекин Бойсунқур мирзо ўша ондаёқ Кўксаройга қамаб қўйилди. Бойсунқур ўзига хайрихоҳ бўлган кишилар ёрдамида тунда қамоқдан қочиб, қалъанинг шимоли-шарқий тарафида жойлашган Бўстон саройга, ундан амир Муҳаммад Али қавчин ва Ҳасан шарбатдор билан шаҳарнинг хожа Кафшир маҳалласига келиб, шайхулислом хожа Абулмакоримнинг яқинларидан бўлган Аҳмад хожининг уйига яширинди.

Хожа Муҳаммад Яҳё, Дарвиш Муҳаммад тархон ва уларнинг иттифоқчилари бўлган бошқа тархоний амирлар бу ерга келиб, Аҳмад хожидан Бойсунқурни уларнинг қўлига топширишни талаб қилдилар. Лекин Аҳмад хожи ва хожи Абулмакоримлар уларнинг бу талабини рад қилдилар. Шунга қарамай, хожа Яҳё ва унинг шериклари Султон Али мирзони Самарқанд тахтига ўтқазиб, уни Мовароуннаҳрнинг ягона ҳукмдори деб эълон қилдилар. Бу ҳол ҳар икки феодал гуруҳ: Бойсунқур та-

¹ Ҳукумат хазинасига солиқ ва жарималар тўлашдан тамоман озод қилинган ва бошқа катта имтиёزلарга эга бўлган амирлар.

рафдорлари ва Султон Али мирзони қўллаб-қўлтиқлаган хожа Яхё ва тархоний амирлар ўртасидаги зиддиятларни янада кучайтирди. Бу курашда дастлаб Бойсунқур мирзо тарафдорларининг қўли баланд келди. Улар Султон Алига қарши қора халқни ҳам кўтаришга муваффақ бўлдилар. Натижада Муҳаммад Мазид тархон оила аъзолари ва кўчлари билан Чорраҳа дарвозасидан чиқиб, Бухоро томон йўл олди. Султон Али мирзо ва Дарвиш Муҳаммад тархон эса асир олиндилар ва Бойсунқур мирзо ҳузурига олиб келиндилар. Бойсунқур мирзо рақибини сўроқ қилишга тутинди. Лекин иш жанжал ва бир-бирини қаттиқ ҳақорат қилиш билан тугади. Шундан сўнг Бойсунқур мирзо Султон Али мирзони ўлимга буюрди. Бироқ Султон Али мирзо сарой хизматчиларидан бирининг ёрдами билан жазодан қочиб кутулди. У 2—3 кун хожа Яхёнинг уйида жон сақлади, сўнгра Бухоро томонга қараб қочди. Бойсунқур унинг кетидан Бухорога қараб юрди, лекин Султон Али мирзо ва тархоний амирлар қўшин тўплаб уни тор-мор келтирдилар. Бойсунқур мирзо Самарқандга қараб чекинди. Унинг кўпгина амирлари, шу жумладан, амир Аҳмад хожи ҳам жангда ҳалок бўлди. Хондамирнинг ёзишича, Султон Али мирзонинг аскарлари асир олинган бирор кишини ҳам тирик қолдирмаганлар, чунки уларга тирик асир олиш ман этилган эди.

1496 йилнинг илк баҳорида Султон Али мирзо Самарқанд томон қўшин тортди ва Козиронга келиб тўхтади. Унга қарши Самарқанддан чиққан Бойсунқур эса Сарипулга келиб тушди. Худди ўша кунлари Ҳисори шодмон ва Бадахшон волийси Султон Масъуд ҳам катта қўшин билан Шаҳрисабзга келиб тушган эди. Фаргона подшоси Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса шу пайтлардан бошлаб Самарқанд тахти учун қаттиқ кураш бошлади.

Темурийлар ўртасида тожу тахт учун бошланган бу қонли кураш, шубҳасиз, Шайбонийхон ва кўчманчи ўзбекларнинг Мовароуннаҳр учун кўндан бери олиб бораётган курашини осонлаштирди ва ғалабани яқинлаштирди.

Шайбонийхон ва кўчманчи ўзбекларнинг истилоси арафасида Хуросоннинг ҳам сиёсий аҳволи анча оғирлашган эди. Мамлакатда феодал тарқоқлик шу қадар кучайган эдики, ҳатто ишбилармон ва тадбиркор Султон Ҳусайн ҳам уни баргараф қилиш ва тобора инқирозга юз тутаётган Темурийлар империясини ҳалокатдан сақлаб қолишга ожизлик қилди. Мамлакатда худди Темури ва Шоҳруҳ вафотидан кейин юз берган вазият ҳукм суради.

1495 йили Султон Ҳусайн билан унинг тўнғич ўғли, Балх ҳокими Бадруззамон мирзо ўртасида кўпдан бери давом этиб келаётган нонтифоқлик қуроли тўқнашувларга айланди. Бунга Султон Ҳусайннинг хотини Хадича бегимнинг тазйиқи остида Астрободни набираси (Бадруззамоннинг ўғли) Муҳаммад Мўмин мирзодан тортиб олиб, ўғли Музаффар Ҳусайн мирзога нигъм қилиши сабаб бўлди. Бадруззамон Астрободга чопар

юбориб, ўғлини подшонинг бу амридан хабардор қилди ва унга Музаффар Ҳусайнни вилоятга киритмасликни буюрди. Султон Ҳусайн қон тўкилишининг олдини олиш мақсадида Балхга вазири ва яқин кишиси Алишер Навоийни юборди. Бадруззамон амир Алишерга бўлган зўр ҳурмати туфайли унинг сўзларига қулоқ солди ва отасининг амру фармонидан чиқмасликка сўз берди. Хондамир битиб қолган иш подшонинг ноўрин хатти-ҳаракати билан бузилганлигини ёзади. Султон Ҳусайн амир Алишерни Бадруззамон ҳузурига юбориб, унинг кетидан Балх қалъасининг кутволи (комендант) Ислоҳ барлосга махфий фармон юбориб, Бадруззамон ов қилиш учун шаҳардан чиққанда қалъа дарвозаларини беркитиб, шаҳзодани шаҳарга киритмасликни буюрган экан. Бундан ташқари, Султон Ҳусайн Астрободга Музаффар Ҳусайн билан амир Муҳаммад Бурундук барлос ва Носириддин Умарбек бошчилигида катта қўшин юборди, ўзи эса Балх томон отланди.

Пули чироғда Бадруззамон билан Султон Ҳусайн ўртасида қаттиқ жанг бўлди. Уруш Султон Ҳусайннинг ғалабаси билан тугади. Бу воқеа, Хондамирнинг маълумотларига қараганда, 1498 йил 25 апрелда содир бўлди. Бадруззамон Қундуз томон чекинди, Султон Ҳусайн эса бир неча кун давом этган қамалдан сўнг Балхни эгаллаб, у ерга ўғли Иброҳим Ҳусайн мирзони ҳоким қилиб тайинлаб, Ҳиротга қайтди.

1498 йилнинг 23 майида Музаффар Ҳусайн мирзо билан бўлган урушда Муҳаммад Мўмин мирзо мағлубиятга учраб, асир олинди. Шаҳзода Ҳиротга келтирилди ва Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйилди. Ўша йилнинг сентябрь ойида Мурғоб дарёси ёқасида турган Султон Ҳусайн Муҳаммад Мўмин мирзони қатл қилиш тўғрисидаги фармонга мастлигида имзо чекиб юборди. Бу ҳол ота билан ўғил ўртасидаги, яъни Султон Ҳусайн билан Бадруззамон ўртасида кўпдан давом этиб келаётган адоват ўтининг янада алангалиниб кетишига сабаб бўлди. Бадруззамон Қундузда Хусравшоҳ билан отасига қарши битим тузди. Битимга кўра, Хусравшоҳ Қундуз, Бағлон, Хутталон ва Бадахшоннинг лашкари билан бир томондан, Бадруззамон амир Зуннун арғун ва унинг ўғиллари Шоджоҳбек ва Муҳаммад Муқимлар билан бирга Гармсир ва Қандаҳордан лашкар тўплаб иккинчи томондан Ҳиротга, Султон Ҳусайнга қарши отланишга аҳд қилдилар. Султон Ҳусайн бундан хабар топиб, Қандаҳор ва Гармсирга қўшин тортди. Бадруззамон амир Зуннун арғун, Шоджоҳбек ва Муҳаммад Муқим билан Буст, Қандаҳор ва Заминдовор қалъаларини мустаҳкамлаб жанг тарадудини кўрдилар. Султон Ҳусайн Буст ва Фароҳ қалъаларини эгаллади. Лекин, кўп вақт ўтмай, Султон Ҳусайннинг саломатлиги яна оғирлашиб, Ҳиротга қайтишга мажбур бўлди.

Худди ана шу кунлари Султон Ҳусайннинг ўғилларидан Муҳаммад Ҳусайн ва Абу Туроб мирзолар ҳам отасига қарши исён кўтардилар.

Улар бундан бир неча йил илгари Ироқ ва Озарбайжон тарафларга қочиб кетган эдилар. Мирзолар бир неча вақт сарсон-саргардон бўлиб, оўнг оқ қуюнлилар сулоласидан бўлган султонлар ҳузурига бордилар ва уларнинг хизматида бўлдилар. Муҳаммад Ҳусайн ва Абу Туроб мирзо 1498 йили оқ қуюнлилар ёрдамига таяниб, Хуросон устига юриш қилдилар. Султон Ҳусайн уларга қарши Муборизиддин Валибек, Умарбек ва Бобо Али бошчилигида 2 минг кишилик отлик аскар юборди. Мирзолар бу вақтда Машҳадда тўхтаб турган эдилар. Улар Султон Ҳусайн аскарларининг келаётганидан хабар топиб, Журжонга қараб қочдилар.

Султон Ҳусайн Валибек, Умарбек ва Бобо Алига Астрободга бориш ва Музаффар Ҳусайннинг ҳарбий қисмларини ҳам ўзига қўшиб, исёнчи шаҳзодаларни таъқиб қилиш ҳамда уларни тутиб келишни буюрди. Лекин шаҳзодалар Журжонни талон-торож қилиб Атракка, туркманлар орасига қочиб қутулдилар.

Бадиуззамон 1499 йилнинг ёзида Ғурга келиб арғин, ҳазора, никудорий, қипчоқ ва бошқа қабилалардан иборат кўп сонли қўшин тўплади ва отасига қарши янги уруш тарадудини кўра бошлади. Султон Ҳусайн ана шундай оғир кунларда Бадиуззамон билан ярашишга қарор қилди. Лекин шаҳзода ўз ҳузурига отаси қароргоҳидан элчи бўлиб келган шайх Жалолиддин Абу Саид Пуронийга Балх қайтариб берилгандагина отаси билан ярашуви мумкин эканлигини айтди. Султон бу шартга кўнамади ва 1499 йилнинг 29 августида Бадиуззамонга Фароқ ва Сеистонни бериш ҳақидаги фармонни имзолади, холос.

Султон Ҳусайн қанча ҳаракат қилмасин ва қандай чоралар кўрмасин, барибир, мамлакатда борган сари кучайиб бораётган феодал тарқоқликни бартараф қила олмади. 1500 йилнинг июнь ойи охирларида Муҳаммад Ҳусайн мирзо яна Астробод остоналарида пайдо бўлди. 21 июнда Астробод ҳокими Музаффар Ҳусайн билан Муҳаммад Ҳусайн ўртасида Гунбади Қобусда катта уруш бўлди. Оқибатда Музаффар Ҳусайн мағлубиятга учраб, Сабзаворга қараб қочди, Муҳаммад Ҳусайн эса Астрободни эгаллади. Султон Ҳусайн бу воқеадан хабар топиб, 1500 йилнинг сентябрь ойида Муҳаммад Ҳусайнга қарши Муҳаммад Бурундуқ барлос, Камолиддин Ҳусайн Али жалоир бошчилигида қўшин юборди ва ўзи ҳам улар кетидан боришга қарор қилди. Лекин Марвда юз берган бир воқеа туфайли Султон Ҳусайн ўз қарорини амалга оширолмай қолди. Уша кунлари Марв ҳокими Абулмуҳсин мирзо билан Абивард ҳокими Муҳаммад Муҳсин мирзо (Кепак мирзо) отасига қарши исён кўтардилар. Подшоҳ Марвга амир Қавомиддин Сорийни юбориб, исённи тинч йўл билан бартараф қилмоқчи бўлди. Лекин бу тadbир қутилган натижани бермади. Шундан сўнг Султон Ҳусайн 1500 йил 15 декабрь кун Марвга юриш бошлади. У Марвни тўрт ой қамал қилди, лекин ололмади. Ҳар иккала томон кўп талофат кўрди, шаҳар аҳолисининг аҳволи оғирлашди. Нати-

жада уруш икки ўртада тузилган сулҳ билан тамом бўлди. Хондамир бу сулҳнинг мазмунини бермаган. Афтидан, шаҳзодалар марказий ҳукуматга итоат қилишга сўз берган бўлсалар керак.

Аммо, бу сулҳ узоққа бормади. Султон Ҳусайн Марвдан қайтиб энди Мурғоб ёқасига (Бобо Ҳокий мавзеига) ҳам етган эдики, шаҳзодаларнинг яна исён кўтарганлиги тўғрисида хабар олинди. Улар 5—6 минг кишилик қўшин тўплаб бу гал Абиварда ҳаракат бошладилар. Султон Ҳусайн орқасига қайтишга мажбур бўлди. Шаҳзодалар бундан хабар топиб, Нисога чекиндилар, лекин Холва Чашмада бўлган жангда мағлубиятга учрадилар. Шундан сўнг Абулмуҳсин мирзо Марвга, Муҳаммад Муҳсин эса Астрободга қочиб кетдилар ва у ерда Муҳаммад Ҳусайн мирзо билан бирлашиб олдилар.

Лекин аҳвол ўзгармади. Муҳаммад Ҳусайн ва Муҳаммад Муҳсин иттифоқ тузиб, отасига қарши Астрободда исён кўтардилар. Султон Ҳусайн уларга қарши қўшин тортди. Шаҳзодалар отасига қарши қилич яланғочлашга журъат қилолмадилар ва бу сафар ҳам Атрак бўйларига, туркманлар орасига қочиб кетдилар. Султон Ҳусайн Астрободни тинч йўл билан эгаллашга муваффақ бўлди, бироқ Бадиуззамоннинг янги исёни туфайли бу ерда кўп вақт туролмади.

Бадиуззамон отасининг Астробод томон кетганидан хабар топгач, катта қўшин билан Сеистондан Ҳиротга қараб юрди. Амир Зуннун аргун ҳам Заминдовар ва Ғур томондан Ҳиротга қараб қўшин тортди. Улар (Бадиуззамон ва амир Зуннун) Ҳирот яқинида Лаклакхон деган жойда бир-бирлари билан қўшилдилар. Ҳирот хавф остида қолди. Уша вақтда Султон Ҳусайн томонидан Ҳиротда қолдирилган Муҳаммад Маъсум мирзо ва амир Валибек уларга қарши чиқди ва икки ўртада Уланг нишинда шиддатли жанг бўлди. Муҳаммад Маъсум ва амир Валибек мағлубиятга учраб чекиндилар. Амир Алишернинг зўр ғайрати ва оқилона тутган тadbирлари туфайли Ҳирот омон қолди ва беҳуда қон тўкишларнинг олди олинди. Навоий Бадиуззамон ҳузурига ўзи борди ва уни пойтахт бўсағаларни ташлаб кетишга кўндирди. Бадиуззамон Пули молон ва Пули солор орқали Мурғобга борди ва у ерда ҳазора, никудорий ҳамда бошқа қабилалар ҳисобидан қўшинини тўлатиб, Маручак қалъасига ўринлашди. Султон Ҳусайн ўглининг ҳарбий қудрати борган сари ортиб бораётганини кўриб, у билан ярашишга ва охир-оқибатда Балхни унга қайтариб беришга мажбур бўлди.

Лекин Бадиуззамон билан сулҳ тузилгандан кейин ҳам мамлакат тинч бўлмади. Сулҳдан кейин осойишталик бир-икки ойдан нарига ўтмади. 1500 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Муҳаммад Ҳусайн яна исён кўтарди. У Бадиуззамон ва амир Зуннун Ҳирот устига юрган ва шу муносабат билан Султон Ҳусайн Астрободдан қайтишга мажбур бўлган кунлари яна Астрободни эгаллади. Бу билан кифояланмай, Исфаройин томонга юриш қилди ва унинг ҳокими амир Бадриддинни мағлуб қилди. Унга Сабзавордан кўмакка келган Музаффар Ҳусайн

ҳам Муҳаммад Ҳусайн томонидан тор-мор келтирилди. Ушанда Муҳаммад Ҳусайн Астрободдан то Нишопур ва Сабзаворгача бўлган ҳамма ерларни талон-торож қилди.

1502 йили Сеистонда Султон Ҳусайн ҳукуматига қарши қўзғолон кўтарилди. Буни ўша вилоятда истиқомат қилиб турган арғин қабилалари бошлаб бердилар. Ибн Ҳусайн мирзо бошчилигида Ҳиротдан юборилган қўшин қўзғолончилар томонидан батамом тор-мор келтирилди.

1505 йили Фаридун Ҳусайн мирзо ов қилиш баҳонаси билан Ҳиротдан чиқиб, Астробод томонга қочиб кетди ва у ерда Муҳаммад Ҳусайн билан бирлашди.

Мана шуларнинг ҳаммаси Султон Ҳусайн салтанатининг Шайбонийхон истилоси арафасида нақадар заифлашганлигини кўрсатиб турибди. Бу тожух учун ва ўзаро феодал кураш Шайбонийхон ва кўчманчи ўзбекларнинг темурийлар устидан, хусусан Султон Ҳусайн ва унинг авлоди устидан осонгина галаба қозонишларини таъминлаган омиллардан бири бўлди.

Хондамир ўз асариде юқориде зикр этиб ўтилган воқеаларга батафсил тўхталиб ўтган ва бу ҳақда қимматли маълумотлар келтирган.

Юқориде айтганимиздек, «Ҳабиб ус-сияр» нинг сафавийлар, хусусан бу сулоланинг асосчиси шоҳ Исмоилга бағишланган қисми (3-бобнинг 4-қисми) ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, сафавийлар тарихини ёритувчи асосий манба ҳисобланади. Искандарбек Муншийнинг «Тарихи Оламоройи Аббосий» номли катта асари ҳам Хондамирнинг шу асарига асосланиб ёзилган. Бу қисмда XVI асрнинг бошларидаги кўчманчи ўзбеклар билан сафавийлар ўртасида, аниқроғи Ўрта Осиё билан Эрон ўртасидаги сиёсий муносабатлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган.

«Мақорим ул-ахлоқ» («Олижаноб сифатлар [ҳақида китоб]»)

Алишер Навоийга бағишланган бу асар 1501 йили ёзиб таъмомланган. Муаллиф бу ҳақда «Ҳабиб ус-сияр» да мана буларни ёзади: «Ушбу китоб Амир Алишер Навоийнинг юксак фазилатлари ва олижаноб ахлоқи, шеърлари ва бошқа адабий асарлари... ҳамда қурдирган иморатларини тавсиф қилувчи махсус рисола бўлиб, ҳижрий 906 йили, яъни Мир Алишер вафот этган йили тахрир ишига тизилган эди».

Асарнинг ягона нусхаси Британияда сақланмоқда. Алишер Навоийнинг туғилганига 500 йил тўлиши муносабати билан мамлакатимизда ўтказиладиган юбилейга тайёргарлик вақтида — 1939 йилнинг ёзида унинг микрофильми олинди. Машҳур ўзбек шарқшунос олими марҳум Ибодулло Одилов ана шу микрофильмдан кўчирган нусха асосида асарнинг янги нусхасини яратди. Ўзбекистонлик шарқшунос М. А. Салье Хондамирнинг бу асари ҳақидаги мақоласида унинг русча таржимасини ҳам

келтирган эди. Лекин, афсуски, бу таржиманинг тақдири маълум эмас.

«Мақорим ул-ахлоқ» 10 боб (мақсад), муқаддима ва хотимадан иборат.

Асар муқаддимасида Алишер Навоийнинг туғилиши ҳамда унинг болалик ва ёшлик йилларига оид айрим муҳим маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб Алишер Навоийнинг юксак ақлу идроки ҳақида ҳикоя қилади. «Агар кишининг димоғи фазоси ақлу тамиз нурларидан бебаҳра бўлса, — деб ёзади Хондамир, — дину ислом чироғи унинг дили хонасини ёритмайди» (в. 9а). Хондамир олижаноблик, донолик, башорат сингари хусусиятлар Навоийда мужассамлашганини таъкидлаб, мамлакат ҳаёти билан боғлиқ бўлган икки ҳикояни келтиради.

Биринчи ҳикояда мана бу тарихий воқеа ҳикоя қилинади: 1469 йилнинг июль ойида темурий мирзолардан Ёдгор Муҳаммад Ҳасанбек туркманнинг ёрдами билан Хуросонга қараб юрди. Султон Ҳусайн ҳам унга қарши отланди. Ҳар икки қўшин Машҳаднинг гэрб томонида саф тортиб турганда мунажжимлар фол очиб, жанг фурсати ҳали етишмаганини подшога арз қилдилар. Навоий уларнинг таъбирларига қарши чиқди ва Султон Ҳусайнга тўхтовсиз уруш бошлаш кераклигини айтди. Подшо Навоийнинг маслаҳати билан жангни биринчи бўлиб бошлаб берди ва Ёдгор Муҳаммад устидан галаба қозонди.

Иккинчи ҳикоя ҳам Ёдгор Муҳаммад номи билан боғлиқ. У 1470 йили Хуросон тахти учун Султон Ҳусайн билан олиб борган курашида галаба қилди ва Ҳиротни эгаллади. Султон Ҳусайн эса Маймана ва Форёб тарафга қараб чекинишга мажбур бўлди ва бирмунча вақт ўша томонларда бўлди. Қушлардан бир куни амир Алишер Навоий Ёдгор султон устига юриш фурсати келганлиги ва бу ишни энди асло кечиктириб бўлмаслигини подшога айтди ва фикрининг исботи учун Ҳиротдаги сиёсий вазиятдан (Ёдгор Муҳаммад билан бирга келган туркманларнинг бебошликлари, шаҳзоданинг эса бутунлай маишатга берилиб, давлат ишларидан йироқлашиб қолганлиги, халқ оmmasининг сабр қосаси тўлганлиги) подшога арз қилди. Султон Ҳусайн яқин дўстининг бу маслаҳатини мақбул кўрди ва Ҳирот устига отланди. Бу тадбир ҳам Султон Ҳусайннинг галабаси билан тугади.

«Тўғри йўл кўрсатувчи [бу] амир, — деб ёзади асарининг иккинчи бобида Хондамир, — болалик қушларидан то ҳаётининг охиригача барақани кўпайтирувчи вақтининг кўп қисмини илму камолот касб қилишга сарфлади» (в. 136). Хондамир Навоийнинг Абу Саид мирзо замонида Самарқандда таҳсил қилганини ҳикоя қилар экан, унинг замонасининг иккинчи ибн Синоси бўлган хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий билан бирга бўлганлиги ва ундан фикҳ (ҳуқуқ), фалсафа ва бошқа илмларни ўрганганлигини айтади. Ундан ташқари, яна шу бобда Навоийнинг Ҳиротга қайтгач (1469), аҳли илм ва шоирларга кўрсатган

зўр марҳаматлари, илму фаннинг ривожи йўлида қилган хизматлари, шу мақсадда Ҳиротда қурдирган мадраса (Мадрасай ихлосия, Мадрасай низомия), хонақоҳлари, «Шифохия» деб аталмиш тиббиёт билим юрти ва уларда дарс берган машҳур мударрислар ҳақида батафсил ҳикоя қилинади.

Олим «Хулосат ул-ахбор»нинг хотимасида қайд этилган олимлар ва улар яратган асарларга ҳам тўхталиб ўтади. Булар орасида икки жилдлик «Равзат ул-ахбор» («Дўстлар боғи») асари билан машҳур бўлган Жамолиддин Отауллоҳ Асирий, Қуръони Қаримнинг форсча тафсирини битган ва машҳур «Рашахоту айи ул-ҳаёт» («Ҳаёт чашмаларидан томчилар») асарининг муаллифи Ҳусайн ибн Али Вонз ал-Кошифий, «Хошияи мухтасар» («Мухтасар изоҳ»), «Хошияи Чағминий» («Чағминий изоҳ»), «Хошияи шарҳ ашкол ут-таъсис» («Шакллар асоси шарҳи» га изоҳ), «Шарҳи бист боби устурлар» («Устурлабнинг йигирма бобига шарҳ») сингари рисолалари билан оламга машҳур бўлган мавлоно Муҳаммад Интизомий, «Рисола дар илми фаросат», («Фаросат илми ҳақида рисола») китобининг муаллифи мавлоно Абдураззоқ Қармоний ва бошқалар бор.

Асарнинг учинчи боби Алишер Навоийнинг шеърятдаги маҳорати хусусидадир. Хондамир буюк шоир шеърятнинг турли жанрларида (қасида, ғазал, қитъа, рубоий, маснавий) зўр маҳорат билан ижод қилганлигини айтади. «Навоий, — деб ҳикоя қилади Хондамир, — гарчи ҳар иккала тилда, яъни форс ва турк тилларида баробар шеър ёза олиш қувватига эга бўлса-да, лекин турк тилида шеър ёзишни афзалроқ кўрарди» (186—19а). Муаллиф бу ерда Навоий билан Лутфийнинг учрашувларидан бири ҳақида ҳикоя қиларкан, барча туркий халқларнинг ҳар иккала буюк сиймоси ўртасида бўлган суҳбатни эсга олади. Суҳбат вақтида Лутфий Навоийдан ёзган шеърларидан бирор парча ўқиб беришини сўраганда, у мана бу мисралини ўқиб берган экан:

Оразинг ёпқоч кўзимдин сочилур бир лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғач қуёш.

«Жаноб Мавлавий (яъни Лутфий), — деб ёзади Хондамир, — бу ғазални эшитгач, ҳайрат дарёсига чўкиб дедиким: «ва Оллоҳ, агар насиб бўлса, ўзининг 10—12 минг байт форсий ва туркий [шеърлар] имни мана шу ғазалга бадал қилардим (яъни алмаштирардим)» (в. 19а).

Хондамир Навоийнинг шеърӣ асарлари («Хамса», «Чор девон», «Ғаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шобоб», «Бадое ул-васат», «Фавоид ул-кибар») га қисқача тўхталиб, унинг адабиёт назариясига, хусусан, аруз илмига бағишланган «Мезон ул-авзон» ва 6 минг байт, қасида ва ғазаллардан иборат форсча девон ҳам ёзиб, зўр шуҳрат топганини айтади. У Навоийгача ҳеч ким туркий тилда рубоий битмаганини, улуғ шоирнинг туркий тилда 260 рубоий ёзганини ҳам таъкидлайди. Навоий маш-

ҳур кишилар (шоирлар, уламо, амирлар)нинг ҳаёти билан боғлиқ воқеаларга, шунингдек зўр бинолар қурилишига таърихлар (хронограммалар) ҳам ёзган экан. Бу ҳақда Хондамир ўз асарида эътиборга молик маълумотлар келтирган.

Алишер Навоийнинг наср жанрида ва фаннинг бошқа соқаларида ҳам баракали ижод қилиб, ажойиб асарлар яратганлиги маълум. «Мақорим ул-ахлоқ»нинг тўртинчи бобида мана шу ҳақда сўз боради. Хондамир Навоийнинг «Мажолис ун-нафос», «Маҳбуб ул-қулуб», шунингдек унинг Абдурахмон Жомий, султон Ҳусайн Бойқаро ва бошқалар билан ёзишмалари ҳамда бошқа асарлари: «Рисолайи муфрадот» («Содда сўзлар ҳақида рисола»), «Ажам мулкининг баёнида», «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Паҳлавон Маҳмуд Абу Саид зикрида», «Амир Сайид Ҳасан аҳволи баёнида» сингари асарлари ҳақида ҳам мужассам маълумотлар келтирган. Муаллиф Навоийнинг фан ривожига қўшган зўр ҳиссаси ҳақида тўхталиб, Абдурахмон Жомийнинг «Рисола дар илми мусиқий» («Мусиқа илми ҳақида рисола»), Ихтиёриддин Ҳасан Турбатийнинг «Иқтисобат» («Ютуқлар»), Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», ўзининг «Маосир ул-мулк» ва «Хулосат ул-ахбор» асарлари Навоийнинг ҳомийлиги билан яратилганлигини айтади.

«Мақорим ул-ахлоқ»нинг бешинчи бобида Навоийнинг йирик давлат арбоби бўлганлиги, олимлар, хусусан кўзга кўринган шайхларга қилган катта ҳиммати, шунингдек дарвишлар, меҳнаткаш халққа кўрсатган марҳаматлари, улар учун қурдирган хонақоҳлари, мамлакат ободонлиги йўлида барпо қилган бошқа қурилишлари (работлар, лангарлар, кўприклар, ҳаммомлар, ҳовузлар ва бошқалар) хусусида ҳикоя қилинади. Бу бобда унинг шайхларга атаб ёзган «Насоим ул-муҳаббат» («Муҳаббатнинг ёқимли шабодалари») ва машҳур «Лисон ут-тайр» («Қушлар тили») асарлари ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Навоий эл-юртни ободонлаштиришда катта хизмат кўрсатди, бу ишга ўз жамғармаларидан катта маблағ сарфлади. «Мақорим ул-ахлоқ»нинг олтинчи бобида унинг 1499 йили Ҳирот атрофида улкан Жомий масжид қурдиргани, Ғиёсиддин ибн Муҳаммад ибн Сом даврида Ҳиротда қурила бошланган, кейинчалик вайрон бўлиб кетган Жомий масжидни қайта тикланлиги, шунингдек Ҳирот ва бошқа шаҳар ҳамда қишлоқлардаги 12 масжидни таъмирлатганликлари ҳақида сўз боради. Ундан ташқари, Навоий умрининг сўнгги йиллари (1499—1500) билан боғлиқ бўлган айрим сиёсий маълумотлар ҳам шу бобларда учрайди. Бу маълумотлар мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, феодал ва тожу тахт учун курашнинг бениҳоят авжга чиққанидан ҳамда Темурийлар империясининг инқирозга юл тутиб бораётган биниси улуғ Навоий кўрган чора-тадбирлари ва унинг зўр обрўси туфайлигина вақтинча тутиб турилганлигидан дарак беради. Бу хусусда Хондамир келтирган қуйидаги фактларни кўрсатиб ўтиш kifоя. 1499 йили султон Ҳусайн Бойқаро ўғиллари Абулмуҳсин мирзо ва Муҳаммад Муҳсиннинг

исёни туфайли Марвга юриш бошлашга мажбур бўлди ва уни камал қилди. Ана шу вақтда Навоий ҳаж зиёратини адо этмоқчи бўлди ва рухсат сўраб подшо ҳузурига мавлоно Низомиддин табибни юборди. Лекин султон Ҳусайн Ироқ ва Бағдод нотинч, қолаверса Шомда ҳам тўс-тўполонлар бўлмоқда, деган баҳона билан Навоийга ҳажга боришга рухсат қилмади. Шундан сўнг Навоийнинг ўзи подшо ҳузурига, Марвга отланди. Улар бир-бири билан Сарахсда учрашдилар, лекин бу сафар ҳам Навоий Арабистонга боришга рухсат ололмади. Султон Ҳусайн буни очик-ойдин айтиб қўя қолди: «Модомики, сиз Хуросонда турар экансиз, ҳар қандай илтимосингиз бажо келтирилади. Биламанки, бу мулк Сизнинг вужуди шарафингиздан холи бўлса, хосу авомдан иборат кишилар гуруҳининг аҳволи [тамом] бузилиб кетади» (в. 43а). Навоий ўз аҳдида туриб олди ва илтимосини бир неча бор такрорлагач, ниҳоят, 1500 йили унга ҳажга боришга рухсат берилди. Лекин аҳли аён ва аркони давлат унинг ҳузурига тўпланиб, мамлакатда нотинчлик кучайган, бунинг устига кўчманчи ўзбеклар Мовароуннаҳрни эгаллаб, Амудан ўтиш ва Хуросонни ҳам истило қилишга ҳозирлик кўраётганликларини ваҳж қилиб, ундан ҳаж қилиш ниятини орқага суришларини ёлвориб илтимос қилдилар. Улар, хусусан, бундай дедилар: «...Хуросон мамлакатининг оройиши ва инсон тоифаларининг осойишталиги Сизнинг [эмниятни] орттирувчи барокатингиз орқасидандир... Шундай бир пайтда [Сизга] ҳаж [қилиш] вожиб эмасдир. Илтимос шулки, яна бир марта хуросонликларнинг жонини [ўзларига] инъом қилиб, бу сафарнинг баҳридан кечсангиз ва бунинг саноиб етмиш марта пиеда ҳажга бориб келишдан ортиқ кўринадир» (в. 476—48а). Навоий уларнинг бу гапларини қулоққа олиб, ҳажга боришни бу сафар ҳам орқага суришга мажбур бўлди.

Асарнинг VII—IX бобларида Навоийнинг инсонийлик ва камтарлилик хислатлари баён қилинади. Хондамир бу бобларга улуг мутафаккирнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган кўпгина ҳикоятлар ҳам келтирган. Булардан баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

Бир вақт султон Ҳусайн мирзо Хуросондан 3000 оилани Хоразмга кўчириб юбормоқчи бўлди. Навоий бу ҳол одамларга, шунингдек мамлакат аҳволига путур етказишини подшога очик айтди. Султон Ҳусайн бир оз ўйланиб қолди, сўнг бу фикрдан қайтди.

1501 йилнинг бошларида султон Ҳусайн Астрободда ўғли Муҳаммад Ҳусайн исёнини бостириш билан овора эди. У ана шу кунлари Ҳирот ҳокими Муборизиддин Валибекка нишон юбориб, янгидан туғилган харажатлар учун (ихрожоти зарурия) Ҳирот ва унинг теварак-атрофидаги булуқлардан (туманлардан) 100 минг динор кепакий тўплаб жўнатишни буюрди. Амир Валибек булуқлардан фақат унинг ярмини тўплади, қолган қисмини эса Ҳирот аҳолисидан «сари шумо», яъни жон со-

лиғи сифатида ундиришга қарор қилди. Бундай қилганда меҳнаткаш халққа бениҳоят оғир бўларди. Навоий амир Муборизиддин Валибекнинг бу қарорини эшитиб, Ҳирот аҳолиси зиммасига солинмоқчи бўлган 50 минг динор маблағни ўзининг хусусий жамғармаларидан ажратиб, юқорида номи зикр қилинган амирнинг қароргоҳига жўнатди.

«Мақорим ул-ахлоқ» нинг ўнинчи бобида Навоий, Жомий, хожа Муҳаммад наққош хусусидаги 15 латифа ва Навоийнинг баъзи кишилар характеридаги номақбул хатти-ҳаракатлар хусусидаги насихагомуз гаплари келтирилган.

Асар хотимасида Навоийнинг болалик йиллари, Самарқандда таҳсил олиб юрган пайтлари билан боғлиқ бўлган баъзи ҳикоятлар, шунингдек Мовароуннаҳрнинг кўчманчи ўзбеклар истилоси арафасидаги ижтимоий-сиёсий аҳволига тегишли айрим фактлар баён қилинади. Бу хусусда қуйидаги ҳикоят характерлидир. 1500 йили Ҳиротда Самарқанддан олинган мана бу хабар кенг шуҳрат топган: хожа Аҳрорнинг тўнғич ўғли хожа Муҳаммад Яҳё Мовароуннаҳрда зўр шуҳрат топиб, амалда олий ҳокимият соҳиби бўлиб олди. Мазкур хожа Султон Алимирзони тамоман ҳокимиятдан четлатиб қўйди. Шу муносабат билан Навоий ўзига яқин кишилардан бирига, аниқроғи Мир Саид Юсуфга бундай деган: «Хожа Муҳаммад Яҳё қилаётган бу иш дарвишларга муносиб эмасдур. У хато иш қилаётир». «Орадан кўп вақт ҳам ўтмай, — дейди Хондамир, — маълум бўлдики, ўзбекларнинг подшоси Шохбахт (Шайбонийхон — Б. А.) Мовароуннаҳрни босиб олган ва хожа Яҳё икки ўғли билан бирга ўлдирилган» (в. 736—74а).

Алишер Навоий ҳаётининг сўнгги кунлари ҳам асар хотимасида баён қилинади. 1500 йил декабрь ойида султон Ҳусайн Бойқаро Астрободдан чиқиб Ҳирот томон йўл олди. Навоий уни кутиб олиш учун 2 январда Ҳиротдан чиқиб, Қавсия деган қишлоққа қараб юрди. У Работи париён деган мавзеда тунаб қолди ва ерталаб (1501 йил 3 январь куни) мазкур работ биноси деворларига нақшланган сурат ва ёзувларни кўздан кечирди, сўнгра отланиб Работи париёнга келди ва ўша ерда тўхтаб турди. Ўша куни кечки пайтда Султон Ҳусайннинг махсус чопари мавлоно Вайс Навоий ҳазратларининг ҳузурига келди ва подшонинг тунда Работи Шохмаликка етиб келишини хабар қилди. Навоий бу хабарни эшитиши ҳамано бомдод намозини ҳам тарк этиб, Султон Ҳусайннинг истиқболига отланди. Работи париёндан ўтгач, бир фарсах нарироқда подшо тушган миҳофа кўриди. Анчадан беморлиги ва бунинг устига босилган кўп йўл ўзини намоён қилди. Навоий ҳазратларининг умумий аҳволи заифлашди. У хожа Шаҳобиддин Абдуллани ёнига чорлаб, ўздан бохабар бўлиб туришини илтимос қилди. Сўнгра отдан тушиб султон Ҳусайн мирзонинг ҳузурига муқобил бўлди. Навоийни бир қўлтиғидан хожа Шаҳобиддин, иккинчи қўлтиғидан эса мавлоно Жалолиддин Қосим тутиб борардилар. Подшо ва Навоий қучоқлашиб кўришдилар, сўнг ҳол-

аҳвол сўрашган бўлдилар. Шу пайт Навоий бирдан беҳуш бўлиб қолди. Уни дарҳол подшонинг миҳофасига солиб Хитрот томон олиб кетдилар. Йўлда моҳир табиблардан мавлоно Шамсиддин Гилоний ундан қон ҳам олди, лекин бундан фойда бўлмади. Эртаси куни Навоийни шаҳар ҳовлисига олиб келдилар. Табиблар бор тажриба ва имкониятларини ишга солиб, Навоийни муолажа қилдилар, ammo бу уринишлар ҳам беҳуда кетди. Ҳижрий 906 йил жумоди аал-охир ойининг 12-кунида (1501 йил 3 январда) буюк шоир, адиб, йирик давлат арбоби, ажойиб инсон оламдан ўтди.

«Номайи номий» («Атоқли нома[лар]»)

Хондамирнинг «Номайи номий» асари қанузгача илмий жамоатчиликка яхши маълум эмас ва шу сабабдан бўлса керак, бу асар уларнинг диққат-эътиборидан четда қолиб келаётир. Тўғри, асар ҳақида қўлёзма асарлар каталогларида айрим маълумотлар келтирилган. Лекин улар жуда қисқа бўлиб, бу баёнотларни асарга берилган тўлиқ баҳо деб бўлмайди. Ваҳоланки, олимнинг бу асари ҳам зўр илмий қимматга эга. Унда Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг XVI аср бешларидаги сиёсий ва иқтисодий ҳаётига оид шундай ноёб маълумотлар борки, улар бошқа манбаларда ва ҳатто «Ҳабиб ус-сиёр» да ҳам учрамайди.

Асар қачон ва қаерда ёзилганлиги маълум эмас. Унда баён этилган воқеалардан энг сўнггиси 1521—1522 йилларга оиддир. Шунга қараганда, асарни 1523—1524 йилларда, балки ундан бир оз кейин ёзилган, деб тахмин қилиш мумкин.

«Номайи номий» 9 боб (сатр)дан иборат бўлиб, қадим замонлардан то 1521—1522 йилларгача мусулмон мамлакатларида ишю илмида қалам тебратган етук олимлар ва фозил кишилар ҳақида маълумот беради. Ундан ташқари, турли табата: подшо ва султонлар, улуг амирлар, садрлар, қозию куззотлар, шонрлар ва бошқаларга оид мактублар, подшо ва хонларнинг ёрлиқ ва фармонларидан намуналар, шунингдек, ёзма ва фармонларни битиш тартиб-қоидалари ҳам баён этилган. (Биз бу асарнинг УэФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган 801-рақамли нусхасидан фойдаландик.)

Асарнинг биринчи боби подшоҳ ва хонлар, олий мартабали амирлар, садрлар, вазирлар, парвоначилар, муншийлар ва муставфийларнинг ёзишмаларини ўз ичига олади. Бу ерда Муҳаммад Замон мързонинг Заҳриддин Муҳаммад Бобурга, Қирмон ва Исфаҳон ҳокими Саид Асиллидиннинг Бухоро хони Убайдуллахон (1533—1539) га ва номаълум бир шайхнинг (машойихи аъзам) Бадиуззамон мързога ёзган мактублари ҳам келтирилган. Шунингдек, асарда амир Урдашоҳнинг ҳам бир мактуби бор. Булар расмий ҳужжат сифатида диққат-эътиборга сазовор бўлиб, темурийларнинг Мовароуннаҳр ва Хуросондаги сўнгги вакиллари Заҳриддин Муҳаммад

Бобур ва Муҳаммад Замон ҳамда кўчманчи ўзбеклар билан сафавийлар Эрони ўртасида XVI асрнинг биринчи ярмидаги сиёсий муносабатларни англашда муҳим ўрин тутати. Шунинг эътиборга олиб, мактубларнинг мазмунига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Биринчи мактуб, яъни Муҳаммад замоннинг Заҳриддин Муҳаммад Бобурга йўллаган (1515) мактуби. Унда Муҳаммад Замон қуйидагиларни ёзган: «Шундай қилиб, фатху зафар сураси Мурод ойинасида жилва қилди. Агарда мазкур жой олий ҳазратларининг қароргоҳи бўлишга муносиб бўлса, бандага [ундан] асло қисиллиш йўқдир... Борди-ю, [он ҳазратнинг] дарё томчиларидай [сероб] хотири ул жойга мойил бўлмаса ва унинг ҳокимлигини бирор хизматкорига берадиган бўлмаса [унда] умид шулки, мерос ва ҳақдорликда аввал турган бу бандани мазкур вилоятнинг волийси этиб қўядилар... Қолган гапни давлат таянчи бўлган Муборизиддин Муҳаммад Боқий барлос осмон асос остонанинг ходимлари арзига етказди» (в. 15а—15б).

Исфаҳон ва Қирмон ҳокими Саид Асиллидиннинг Убайдуллахон номига юборган мактуби алоҳида қимматга эга бўлиб, ҳар икки қўшни мамлакат — Бухоро хонлиги билан Эрон ўртасида XVI асрнинг биринчи ярмидаги муносабатлар қай аҳволда бўлганлигини аниқлашга ёрдам беради. Бу мактубнинг ҳам ёзилган йили кўрсатилмаган. Лекин унинг мазмунидан 1521 йилда ёзилганлигини пайқаш мумкин, чунки унда хат ёзилгандан би- йил муқаддам, 1520 йил сентябрда Туркия ҳукмдори Султон Салимнинг вафот этганлиги ва тахтга унинг ўғли Султон Сулаймон ўлтирганлиги айtilган. Хат муаллифи, яъни Саид Асиллидин ўзиши «фалак ходими [бўлмиш] хоннинг давлатхоҳларидан бири» деб атайди. Саид Асиллидин Убайдуллахонга хусусан мана буларни хабар қилади: қизилбошлар (ғозийён) зўр бериб Мовароуннаҳрга ҳужум қилиш тараддудини кўрмоқдалар. Бу хусусда илгари элчилар орқали ҳам хабар қилган эдик. Агар бу мудҳиш аҳвол содир бўлгудай бўлса, фитна ва фасод кучайиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу мудҳиш аҳволнинг олдини олиш зарур. Мактубда яна Мовароуннаҳр қўшинларининг Қирмон ва Исфаҳон атрофларини талон-торож қилиши натижасида кўп кишининг ёстиги қуриганлиги айтилиб, Убайдуллахондан мавжуд яттифоқни яна ҳам мустаҳкамлаш учун бундан буён бундай аҳволга йўл қўймаслиги сўралган.

Номаълум шайхнинг Бадиуззамон мързога йўллаган мактуби давлатнинг оила ва мулкка бўлган муносабатлари масалалари ана шу вақтда Шарқ мамлакатларида, хусусан, Хуросонда қандай қўйилганлигидан маълум даражада гувоҳлик беради. Бу мактубда Маъийн деган кишининг вафот қилганлиги муносабати билан унинг молу мулкни давлат ихтиёрига олмай, қариндошларига, аяқроғи, инисининг сағир қолган болаларига қолдириш сўралган. «Диёнат ва мусулмончилик шунинг тақозо қиладики, — дейилади мактубда, — султонлик остонасининг хо-

димлари қолган молларни тасарруф қилишдан қўлларини торти-синлар» (в. 196).

Муборизиддин Ҳрашоҳнинг мактубида унинг Гаржистонда қипчоқ қавми устидан ғалаба қозонганлиги ва уларни ўзига бўйсундирганлиги хусусида гап боради. Афтидан, бу воқеа 1515 йили содир бўлган.

Биринчи бобнинг садрлар билан олий ҳукмдорлар ўртасида бўлган ёзишмаларига бағишланган учинчи қисмида садр лавозимининг қачондан жорий этилганлиги ва унинг сабаблари ҳақида маълумот келтирилган. «Комкор султонларнинг тарихларида айтилганки, — деб ёзади Хондамир, — садрлик мансаби Султон Маликшоҳ Салжуқийнинг кашфиётларидандир ва бу мансаб ихтиро қилинишининг сабаби шулки, жам [нишон] подшоҳ (Султон Маликшоҳ — Б. А.) фазлу камол аҳлининг яхши аҳволи ва ширин фароғати хусусида доимо саъй-ҳаракат кўрсатардилар, улуғ саййидлар ва марҳаматли уламоларнинг таъзим ва такримида бағоят тиришиб, уларнинг илтимосларини зўр илтифот билан қабул қиларди. Уша аснода унинг хотирида шу маъно акс этдики, бу шарафли тоифа халойиқ тўдасидан бўлганидан муносиб кўрдики, ўзининг муҳим [ва катта] ишларини саранжом қилиш учун [улар] турклар ва [маҳаллий] ҳокимлар мулозаматида борсинлар (в. 386—39а).

Хондамир садр лавозимини кейинги ўтган ҳамма подшолар ва хонлар ҳам жорий қилганлигини айтиб, бу лавозим эгаси бўлган шахслардан энг кўзга кўринганларини қайд этиб ўтади.

Хондамир садрлардан баъзиларининг яна ҳам юқори давлат мансабларига, хусусан, соҳиб ихтиёрлик (бош вазирлик) мансабига кўтарилганлигини эслатади. «Баъзи [садр] лар, — деб ёзади Хондамир, — қадамини бу мартабадан ҳам баландроқ қўйиб, мамлакат ва мулкни бошқарувчи соҳиб ихтиёр бўлганлар» (в. 396—40а).

Асарда яна бир қанча давлат лавозимлари хусусида ҳам маълумот мавжуд. Улардан айримларига тўхталиб ўтамиз.

Парвоначи. Марказий ҳукумат ва унинг девонлари тарафидан чиқарилган фармон ва мактубларни маҳаллий ҳукмдорларга етказиб турувчи мансабдор. Хондамир парвоначилар ҳақида мана бударни ёзади: «Ҳашамат равишлик султонлар баъзан бу мансабни уч қисмга тақсим қилиб, уларнинг ҳар бирини таво-чилар девони, девони мол (молия ишлари девони) ва садрлар бошлиғи (саркори садорат) га алоҳида парвоначи тайинлаганлар. Ва кўп вақтлар [уларни] якки қисмга бўлиб, молия девони ва садрлар бошлиғи парвоначилигини бир кишининг зиммасига юклаганлар. Ва аҳён-аҳёнда ҳар учала саркор учун [фақат] битта парвоначи тайин қилганлар» (в. 466).

Мунишийлар. Подшо ва хонларнинг шахсий котиблари, воқеанавислари. Биринчи табақали мунишийлар кундалик воқеалар тарихини ёзиб туриш, иккинчи табақадагилар мактублар ёзиш, ва ниҳоят, учинчи гуруҳ мунишийлар фармон ва ёрлиқлар ҳозирлаш билан машғул бўлганлар. Хондамир уларни ишро

фанининг етук намояндалари деб атайди ва бу фанда зўр маҳорат кўрсатиб шуҳрат топган мунишийларнинг номларини ҳам қайд этиб ўтади. Улар орасида машҳур «Зафарнома» асарининг муаллифи Шарафиддин Али Яздий, атоқли муаррих ва давлат арбоби мавлоно Камолиддин Абдураззоқ Самарқандий ва Мирхондларнинг номлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Хондамир айниқса, иккинчи ва учинчи табақага кирган мунишийларнинг зўр имтиёзга эга бўлганликларини алоҳида таъкидлайди. «Нишон ва мактублар битиш билан машғул бўлган фирқа, — деб ёзади у, — шон-шараф топганлар ва ҳаётининг кўп қисмини султонларнинг даргоҳи мулозаматида ўтказганлар».

Муставфий. Молия девонининг бошлиғи. Хондамир муставфийлар муҳим давлат мансабдорларидан эканлигини, баъзилари вазир ҳисобланганлигини айтади: «Бу тоифанинг баъзилари фозиллардан [бўлиб], иншода мунтазам бўлганлар». Бундайлардан «Тарихи гузида» («Танланган солнома») ва «Нузхат ул-қулуб» («Кўнгиллар беағи») асарлари билан ном қолдирган Элхон Абу Саиднинг муставфийси Ҳамдуллоҳ Қазвиний, теурий ҳоқонлардан султон Абу Саиднинг вазири Афзалиддин Қирмоний ва шоҳ Исмоил Сафавий молия девонининг бошлиғи мавлоно Шамсиддин Қирмонийнинг номлари асарда зикр этилган.

Ихтисоб (мухтасиб). Диний урф-одатлар ва шарият қондаларининг мусулмонлар тарафидан бажарилишини назорат қилиб турувчи мансабдор.

Ҳофизлар. Аслида ўрта асрларда Қуръони мажидни қироат билан ўқувчи кишилар шу ном билан аталганлар. Хондамир Қуръон оятлари ва шунингдек пайғамбар сўзларини (ҳадисларни) қироат билан ўқийдиган қорилар ҳофиз деб аталганлиги ва улар шу сабабдан зўр шуҳрат топганлигини ҳикоя қилади.

Мубашшир. Подшо ва хонларнинг вилоятларга мунтазам юбориб турадиган мухтор вакили. Хондамир мубашширларнинг халқнинг ўрта табақасига мансублигини айтади. Шунга қараганда, мубашширлар ўша замонда қуйроқ лавозимда турганлар ҳамда хон ва подшонинг махсус кузатувчилари бўлганлар.

Камончилар, тиртарош ва тирандозлар. Кўпроқ ҳарбийларга мансуб бўлган бу касблар шоҳ Исмоил Сафавийнинг 1522 йили чиқарган фармонида қайд қилинган. Унда камондан ўқ узишда шуҳрат топган бир амирнинг камончилар ва тирандозлар (ўқ отувчилар) қисмига бошлиқ қилиб тайинланганлиги айтилган. Бу шахснинг тиртарошлар (ўқ ясовчилар) ва камон ишлаб чиқарувчи усталарга ҳам бошчилик қилиши кўрсатилган.

Калонтар. Луғавий маъноси «энг катта», «энг улуғ», ва, умуман «бошлиқ» демакдир. «Номаий номий» да келтирилишича, бирон давлат муассасасининг бошлиғи ҳам шу ном билан аталган. Бу хусусда шоҳ Исмоил Сафавийнинг 1523 йил май ойида машҳур миниатюрист-мусаввир Камолиддин Беҳзодни подшо

кутубхонасининг бошлиғи (калонтари) этиб тайинлаш ҳақида чиқарган фармони диққатга сазовордир. Шуниси муҳимки, котиблар (котибон), наққошлар (наққошон), жадвал тузувчилар (жадвал кашон), риёзиёт (математика) ва бошқа аниқ фанларга оид масалаларни ечувчилар (халкор), зар билан нақш солувчилар (заркубон), ложувард (зангори) бўёқ билан ишловчилар (ложувардшуйён) ва бошқа шунга ўхшаш касб-ҳунарга эгалари ҳам кутубхоналар ҳузурида ишлаганлар. Фикримизнинг исботи учун шоҳ Исмоил Сафавий фармонидан парча келтирамиз: «...Асрнинг нодири, мусаввирлар бошлиғи, мазҳаблар етакчиси устод Камолиддин Беҳзодки... оёғини хилофат ошён оётонанинг мулозамати марказига маҳкам қўйиб, ҳисравона илтифот ва подшоҳона шафқат [имиз] ни топган бўлиб, [шу боисдан] ҳукм қиламизки [уни] ҳумоююн кутубхона хизматчиларининг калонтари ва мазкур ишга тегишли бўлган ва мерос мамлакатга тааллуқли бўлган котиблар, наққошлар, жадвал тузувчилар, халкорлар, заркублар, ложувардшуйлар унга тайин ва тааллуқлидирлар» (в. 1896).

Уша йили (1523) берилган яна бир фармонда меъморлар, нажжорлар (дурадгорлар) ва бошқа сарой усталари устидан ҳам калонтар қўйилгани айтилади.

«Номайи номий» да савдогарларга тархонлик имтиёзи бериш ҳақидаги бир фармон (шоҳ Исмоил Сафавий томонидан берилган бўлса эҳтимол) ҳам мавжуд. Фармон 1522 йил 27 апрелда чиқарилган. Фармонда савдогарлар (тужжарон) ўзларининг олди-сотди ишлари билан мулку миллатнинг, яъни мамлакат ва миллатнинг фаровонлигини орттираётганликлари, шу сабабдан уларнинг энг етуқларига тархонлик имтиёзлари берилганлиги айтилган. Биз фикр юритаётган фармон хожа Илès исмли савдогар номига берилган ва унда мана бундай дейилади: «...Хукми ҳумоююн содир бўлдики, номи зикр этилган хожа (хожа Илès) тархон бўлган [ва] ўз мамлакатига, ҳамма жойда олди-сотди билан машғулдир. [Уни] бож, хирож, закот, тамға ва бошқа таклифотлардан, яъни [жарималардан] озод ва марфиъ ул-калам [яъни солиқ дафтаридан чиқарилган] ҳисоблансин. Доруссалтанат (пойтахт) Хирот, унинг теварагидаги мавзелар ва бошқа ўлка ҳамда вилоятларнинг ҳокимлари, доруғалари, девонлари, бошлиқлари ундан (фармондан) бўйин товламасинлар, ундан саломий, суюғоний ва пешкаш талаб қилмасинлар... Мубашширлар, закотчилар ва тамғачиларнинг номи зикр қилинган хожадан бирор нарса олиши ёки махфий равишда талаб қилинишини манъ этсинлар ва хавф-хатарли йўллардан [ўтиш пайтида] кузатиб қўйсинлар. Қемачилар (кишти-бонон) ёки йўл кўрсатувчилар (роҳдорон) ҳумоююн ҳукмга амал қилиб, ундан сувдан ва йўлдан ўтиш ҳақи [яъни киштибоний ва роҳдорий] таъма қилмасинлар ва [уни] саломат ўтказиб, [ундан] бирон нарса талаб қилмасинлар» (в. 110 б).

XV—XVI асрларда савдогарларга тархонлик имтиёзи бериш ҳоллари Урта Осиёда ҳам бўлган. Масалан, Шайбонийхо-

нинг савдогарлар табақасидан булган Фозил исми бир шахсга айна шундай ёрлиқ берганлиги маълум (Бобурнома, 103-бет). Лекин Шайбонийхои даврида ва ундан кейин ўтган шайбонийхоилар замонига савдогарлар табақасидан бўлган бирон кишига тархонлик ёрлиғи берилгани маълум эмас.

Хуллас, Хондамирнинг «Номайи номий» асари Эрон ва Урта Осиёнинг XVI асрдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига оид қимматли маълумотларга эгадир.

Хондамирнинг чет эллардаги Шарқ қўлёмалари сақланаётган айрим кутубхоналарда бошқа асарлари ҳам бор. Булардан бири «Осор ул-мулк ва-л-анбиё» («Подшоҳлар ва пайғамбарининг нишонлари») бўлиб, «Ҳабиб ус-сияр»нинг мухтасаридир. Бу асар афғонистонлик шарқшунос олим Гўё Эътимодийнинг айтишича, 1525 йили ёзилган.

Хондамирнинг яна бир асари «Қонуни Ҳумоююн» ёки «Ҳумоююннома» дир. Гўё Эътимодийнинг таъкидлашича, бу асар «Ҳиндистон подшоҳи Ҳумоююннинг маноқибиде бўлиб, зоҳиран унинг (Хондамирнинг—Б. А.) сўнгги асаридир. Бу асар 1530/31 йили ёзилган».

Олимнинг бизгача етиб келмаган, аниқроғи ҳали қидириб топилмаган асарлари ҳам бор. «Аҳбор ул-ахёр», «Муктаҳаб ул-тавориҳи Вассоф» («Вассоф тарихидан сайланма»), «Ғаройиб ал-асрор» («Ғаройиб сирлар»), «Жавоҳир ул-ахбор» («Қимматли хабарлар») шулар жумласидандир.

Юқорида келтирилган фактлар ва маълумотлардан Хондамирнинг сермахсул олимлиги яққол кўриниб турибди. У ёзиб қолдирган асарлар, шубҳасиз, тарих фанига қўшилган катта ҳиссадир. Унинг бой илмий меросини ўрганиш олимларимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоғи лозим.

ЎЗБЕКИСТОНДА XVI—XVIII АСРЛАР ТАРИХИЙ МАНБАЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ БАЪЗИ БИР ЎҚУНЛАРИ

Мақола ўзбек халқининг ҳали жуда кам ўрганилган, аммо муҳим воқеаларга бой бўлган тарихини, яъни XVI—XIII асрлардаги тарихини чуқур таҳлил қилиш вазифаларига бағишланади. Ушбу даврнинг аҳамияти шундаки, у ўзбек халқининг, Ўзбекистоннинг тараққий этишида муҳим давр ҳисобланади.

Маълумки, тарихда ҳар қандай масалани аниқ тарихий материалсиз, манбаларсиз чуқур ва атрофлича ўрганиб бўлмайди. Бу борада медиовистлар (ўрта аср тарихини ўрганувчи мутахассислар) маълум қийинчиликларга дуч келадилар, чунки илмий тадқиқот олиб бориш учун зарур бўлган материаллар узоқ ўтмишда, турли тилларда ёзилган қўлёмза асарларнинг варақларида сочилиб ётибдики, уларни битта-битталаб териб олиш, бир-бирлари билан солиштириш ва шундан кейингина илмий хулоса чиқариш лозим бўлади. Яна шуниси ҳам борки, ўша ёзма асарларнинг ҳаммаси ҳам илмий тавсиф этилган ва

махсус каталогларда чоп этилган деб айта олмаймиз. Уларнинг айримлари эса ҳали қўл теккизилмай, қўлёзма асарларни сақлашга мослаштирилмаган кутубхоналарда ўз ҳолича ётибди.

Аммо шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, қўлёзмаларни ўрганиш соҳасидаги аҳвол бундан 60—70 йил аввалгига қараганда анча яхшиланган, албатта. Энг муҳими шуки, улар асосан бир жойга жамланган, уларни илмий ўрганиш, сақлаш ва системалаштириш бирмунча йўлга қўйилган.

Аср бошида бу қандай аҳволда эди? У пайтларда қўлёзма китоблар ва тошбосма асарлар сочилган ҳолда ҳар ер-ҳар ерда сақланиб эди. Улар асосан Тошкент, Самарқанд, Хива, Қўқон, Андижон ва бошқа шаҳарларда, кўпинча хусусий кишилар қўлида сақланган. Уларни бир ерга, чунончи Тошкент Давлат Халқ кутубхонасида (1870 йилда таъсис этилган) жаъм этиш 1933 йилдан, яъни Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1933 йил 25 апрелда чиқарган «Республика қўлёзма фондларини бирлаштириш тўғрисида» ги қароридан кейин бошланган эди. Натияжада кутубхонанинг қўлёзма фонди 1933 йилда (1930 йилларда 1025 та қўлёзма бор эди) 3300 тага етди.

Шарқ қўлёзмаларини тадқиқ этиш институтининг ташкил этилиши (1943 йил 3 ноябрь) нафақат қўлёзма ва тошбосма асарларни сақлаш, балки уларни чуқур илмий тадқиқ этиш ишига йўл очиб берди. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди эндиликда нафақат мамлакатда, балки бутун дунёда йирик фондлардан бирига айланди. Бу илмгоҳда Шарқ (араб, форс, турк) тилларидаги 18 минг жилдга яқин қўлёзма асарлар, 18 минг жилддан кўпроқ тошбосма асарлар ҳамда 3500 дан зиёд акт ва ҳужжатлар сақланиб келинмоқда. Бу асарлар Ўрта Осиё халқларининг ақл-заковатини ўзида акс эттирган, тахминан минг йиллик тарихга эга бўлган асарлардир.

Гарчи ёзма манбаларни ўрганиш ва илмий тадқиқ этиш билан бир пайтда уларни системалаштиришга аллақачон киришилган бўлса-да, афсуски, бу муҳим иш анча сусткашлик билан олиб борилмоқда.

Маълумки, 1889 йилда Е. Ф. Калнинг 126 та қўлёзма асар тавсифини ўз ичига олган «Туркистон Давлат кутубхонасида сақланаётган форс, араб ва турк тилларидаги қўлёзма китоблар» номли кичик каталоги (75 саҳифадан иборат) босилиб чиқди. Аммо бу соҳада илк тажриба узоқ вақтгача давом этмади. Шунингдек, А. А. Семёновнинг «Бухоро Марказий кутубхонаси тарих бўлимидаги қўлёзмалар каталоги» (Тошкент, 1925 йил), «Ўрта Осиёдаги ўзбеклар тарихига оид форс тилидаги адабиётлар» (Тошкент, 1926 йил), «Ўрта Осиё Давлат университетининг Бош кутубхонасида сақланаётган форс, араб ва турк тилларидаги қўлёзмалар тавсифи» (Тошкент, 1935 йил) ҳамда Б. С. Сергеевнинг А. Э. Шмидт таҳрири остида нашр этилган «В. Л. Вяткиннинг ЎзССР Давлат Халқ кутубхонасида сақланаётган Шарқ қўлёзмалари рўйхати» («ЎзССР Давлат

Халқ кутубхонаси асарлари». Тошкент, 1935, 60—91-бетлар) каби нашрлар ҳали унча тўлиқ ва мукамал эмас эди.

1944 йилдан бошлаб Шарқшунослик институти фондида сақланаётган қўлёзма китобларни илмий тавсифлаш иши катта режалар билан бошланди. Бу вақтда институт ходимларининг сони Москва ва Ленинграддан келган юқори малакали мутахассислар (А. Н. Кононов, Н. Д. Миклухо-Маклай, О. И. Смирнова, В. И. Беляев, К. Б. Старкова, А. С. Тверитинова ва ҳ. к.) ҳисобига бирмунча ўсган эди. 1952 йилдан бошлаб «ЎзССР ФА Шарқ қўлёзмалари каталоги» нашр этиб келинмоқда. Бундай мураккаб ишнинг бошида улкан шарқшунос олим, профессор А. А. Семёнов турган эди. Унинг вафотидан (1958) кейин эса бу ишни унинг шогирди ва яқин дўсти Д. Ф. Вороновский давом эттирди. 1952 йилдан бери ўтган давр мобайнида 9000 га яқин қўлёзма асар илмий тавсиф этилиб, каталогнинг 7574 асар ҳақидаги маълумотларни мужассамлаштирган ўн бир жилди нашр этилди. Бу, албатта, Ўзбекистон шарқшуносларининг катта ютуғи ҳисобланади. Аммо бу ҳали қилиниши лозим бўлган ишларнинг ярми ҳам эмас.

Авваламбор, шуни айтиш керакки, 40—50-йилларда қўлёзмаларни каталоглаштириш ва системага солиш борасидаги мунтазам ишлар кейинчалик анча сустлашиб кетди. Аввалги яхши кетаётган ишни давом эттириш ўрнига кимларнингдир ташаббуси билан кейинги 10—15 йил мобайнида илгари нашр этилган каталоглар асосида мавзу каталоглари тузишга киришилди. Бу ҳали тажрибада кўрилмаган воқеа. Бундан ташқари, каталогларимиз айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Каталогларни тузиш ишларининг ташаббусчиси ҳамда унинг илк муҳаррири А. А. Семёновнинг сўзлари билан айтганда, «айрим қўлёзмалар тўлиқроқ, батафсилроқ, бошқалари эса шунчаки умумий тавсиф этилган». Бу ҳол, албатта, тадқиқотчинини анча доводиратиб қўяди; у тегишли, зарур маълумотларни ололмайди. Камчиликлардан яна бири шуки, тавсифларда асарнинг бошланиши ва охири кўрсатилмаган. Айрим ўринларда эса муаллифи номаълум асарларнинг номи тўғри аниқланмаган бир ҳолда тўғри келгани ёзиб юборилаверган. Шунинг учун ҳам қўлёзмаларни тавсиф қилиш ва каталогларни нашр қилиш ишида қатъий чораларни кўрмоқ лозим. Кези келганда шуни айтиш керакки, институтнинг жуда катта тошбосма китоблар фондиди ўрганиш эса мутлақо қониқарсиз.

XVI—XVIII асрлардаги тарихий асарларни ўрганишнинг аҳволи тўғрисида гапирганда, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида Ўрта Осиё ва у билан қўшни бўлган хорижий Шарқ мамлакатларининг тарихига оид материалларга бой қўлёзма асарлар кўп. Улар ичида, айниқса, Абдуллоҳ ибн Насруллоҳийнинг «Зубдат ул-асар» китоби, номаълум муаллифнинг «Таворихи гузида, нусратнома» асари, Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома», Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Ра-

индий», Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳоннинг «Меҳмонномаи Бухоро», Масъуд ибн Усмон Кӯҳистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарафномаи шоҳий» (кўпроқ «Абдуллонома» номи билан машҳур), Муҳаммадёр ибн Араб Қатағоннинг «Мусаххир ал-билод», Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор», Абулғозихоннинг «Шажарайи турк», Хўжақулибек Балхийнинг «Тарихи Қипчоқхоний», Муҳаммад Вафо Карманагийнинг «Тухфат ул-хоний», Муҳаммад Яъқубнинг «Гулшан ул-мулук», мулла Шариф ва мулла Ибодуллоҳнинг «Тарих-и амир Ҳайдар», хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук», Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Муҳит ут-таво-рих» асарлари диққатга сазовордир. Ўзбек халқининг шаклланиши ва этник тарихини ўрганишда ҳажм жиҳатдан кичик бўлса-да, ўзида бой фактик материалларни мужассамлаштирган «Насабномаи ўзбек», «Асомийи наваду ду фирқайи ўзбек» ва «Зикр таъдод подишоҳони ўзбек» каби асарларнинг аҳамияти ҳам ғоят каттадир.

Ўрта Осиёнинг ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганиш ва тадқиқ этишда турли эсдаликлар, тазкиралар, яъни шоирларнинг таржимаи ҳоллари, нақшбандия, яссавия, кубравия ва бошқа дарвешлик тариқатлари кўзга кўринган арбобларининг маноқиблари ғоят муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Зайнуддин Восифийнинг «Бадоеъ-ул-вақоъ», хожа Ҳасан Нисорийнинг «Музаккир ул-аҳвоб», Мутрибийнинг «Тазкират уш-шуаро», Муҳаммад Бадиъ Самарқандийнинг «Музаккир ал-асҳоб», хожи Абулбақонинг «Жомеъ ул-мақомат», Абулаббос Муҳаммад Толибининг «Матлаб ут-Толибин», Бадруддин Кашмирийнинг «Равзат ар-ризвон ва ҳадикат ул-ғилмон» каби асарлари шулар жумласидандир.

Кўриб турибсизки, Ўрта Осиёнинг ўрта асрнинг охиридаги тарихини ёритиб берувчи асарлар анчагина. Аммо Ўрта Осиё халқларининг ана шу даври тарихи ҳамда Русия томонидан Ўрта Осиёнинг забт этилиши тарихи нисбатан анча кам ўрганилган ва тадқиқ этилган.

Хўш, ҳозирги кунда ана шундай ноёб асарлар тадқиқ этилишининг умумий аҳволи қандай? Уларни чоп этиш ишлари қай аҳволда? Ўрта Осиё халқлари тарихига оид асосий манбаларни ўрганиш ва тадқиқ этиш иши уларни илмий тавсифлаш ва каталоглаштириш жараёнида бошланган эди. А. А. Семёнов тарихий асарларни таржима қилиб, чоп этишнинг ҳам ташаббускори бўлган эди. Тахминан ўн йил ичида XVII—XVIII асрларга оид бир қатор қўлёзма асарлар, чунончи, «Тарихи Муқимхоний», «Убайдуллонома», «Тарихи Абулфайзхон» асарлари олим томонидан зарур изоҳлар билан рус тилида нашр этилди. А. А. Семёнов томонидан «Тарихи Амир Ҳайдар» ҳам таржима қилинган эди, аммо нимагадир бу нодир асар нашр этилмай қўлиб кетди. Агар «Тарихи Муқимхоний»да Ўрта Осиёнинг XVII асрдаги тарихи баён этилган бўлса, «Убайдуллонома» да

Бухоро хонлигининг Субхонқулихоннинг ўғли ва тахт вориси Убайдуллохоннинг (1702—1711) ҳукмронлиги давридаги сиёсий тарихи мукамал баён этилади. «Тарихи Абулфайзхон»да эса Бухоронинг аштархонийлар сулоласининг сўнгги намояндаларидан Абулфайзхон (1711—1747) нинг охириги 14 йилги ҳукмронлиги давридаги сиёсий тарихи мукамал баён этилади. «Тарихи Абулфайзхон» да эса Бухоронинг аштархонийлар сулоласининг сўнгги намояндаларидан Абулфайзхон (1711—1747) нинг охириги 14 йилги ҳукмронлиги давридаги тарихи ўз аксини топган. Шунга ўхшаш асарлар орасида аштархонийлар сулоласининг инқирози ва манғитлар сулоласининг бошланиши тарихига оид Муҳаммад Вафо Карманагийнинг «Тухфатул-хоний» ҳамда Муҳаммад Аминнинг ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаган, аммо бой материал жамланган «Мазхар ул-аҳвол» асарлари диққатга сазовордир. Сўнгги асар ягона нусхада бўлиб, Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 1936 рақами билан сақланмоқда. А. А. Семёнов умрининг охирида яна бир муҳим асар — «Тухфат ул-хоний» нинг таржимасига киришган эди. Аммо кўп ўтмай бу иш тўхтаб қолди. «Мазхар ул-аҳвол» устида шогирдимиз М. Қаримова катта илмий иш олиб борди. Ушбу асар нашрга тайёрланган бўлса-да, ҳалигача чоп этилмаган.

Ўрта Осиё феодал жамияти тарихининг етарли даражада ўрганилмаётганлигининг яна бир сабаби муассаса ва идораларнинг махсус фондларида тахланиб ётган турли-туман ҳужжатларни ўрганиш иши ҳам ёмон аҳволда эканлигидадир. Бу ишни қилмай туриб, феодал давлатларнинг маъмурий тузилиши, идора ва маҳкамалари, турли мансаб эгаларининг мавқеи, ҳуқуқ ва вазифалари, олиқ-солиқ ва уни йиғиш тартиби каби масалаларни ўрганиб бўлмайди. Идора ишларининг юритилиши тартибини тадқиқ этишда XVIII аср охирида ўтган бухоролик мансабдор Мирзо Бадиъ девоннинг «Мажмаъ ул-арком» («Рақамлар мажмуи») асари кўпдан бери шарқшунос олимларнинг диққат-эътиборини тортиб келмоқда. Мазкур асарда Бухоро хонлигининг маъмурий-молиявий тузилиши тўғрисида фикр юритилади. «Мажмаъ ал-арком» Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими А. Б. Вильданова томонидан махсус ўрганилиб, зарур изоҳ, сўзбоши ва бошқа тадқиқотлар билан қўшиб чоп этилди.

Бухоронинг XVI—XVIII асрлардаги тарихини, унинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганишда Ибодуллохожа ибн Орифхожа Бухорийнинг «Қитоб дар таҳқиқ арозийи ушрия ва хирожия» («Ушрий ва хирожий ерларни таҳқиқ этиш ҳақида рисола») асари қимматбаҳо манба бўлиб ҳисобланади. Мазкур асарни Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, марҳум Абдуллажон Жувонмардиев ўзбек тилига таржима қилган эди, лекин таржима хомакилигича қўлиб кетди, бевақт ўлим олимга бу муҳим ишни охирига етказишга имкон бермади.

Хуллас, XVII—XVIII аср тарихига оид қўлёзма асарларни

Ўртаги ва нашр этиш иши бир қадар йўлга қўйилган. Аммо бу факрни шайбонийлар даврига оид асарларга нисбатан айтиб бўлмайди. Тўғри, бу даврга оид қатор асарлар, чунончи, «Таворихи гузида, нусратнома», «Меҳмонномаи Бухоро», «Шарафномаи шоҳий»нинг икки жилди нашр қилинган. Аммо олдинда қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали кўп. Биринчидан, юқорида тилга олинган асарларнинг ҳаммасини ҳам тўла-тўқис амалга оширилган нашр деб бўлмайди. Масалан, «Меҳмонномаи Бухоро» қисқартирилган ҳолда нашр қилинган. «Таворихи гузида, нусратнома»нинг эса фақат танқидий матни чоп этилган. Тарихчи олимлар бундай ноёб асарнинг биронта Оврупо тилига таржима қилинган тўла нусхасига эга эмаслар. «Шарафномаи шоҳий» Ўрта Осиё, Қозоғистон ва қўшни хорижий мамлакатларнинг XVI асрдаги тарихи бўйича тенги йўқ асар ҳисобланади. Бу асар ўтган асрдан бери шарқшунос олимларнинг диққат-этиборини қозониб келяпти. Чунончи, В. В. Вельяминов-Зернов ва Л. А. Зиминлар уни рус тилига таржима қилишга уриниб кўришди. Лекин уларнинг орзулари амалга ошмай қолди. Мазкур асарни тадқиқ қилган кишилардан яна бири йирик шарқшунос олим И. И. Умняков эди. Олим мазкур асарнинг 17 та нусхасини чуқур ўрганиб чиқиб, унинг XVI асрдаги Ўрта Осиё тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутганини айтади. «Шарафномаи шоҳий»ни тадқиқ қилиш ишига таниқли ўзбек шарқшуноси, марҳум Содиқ Мирзаев ҳам катта ҳисса қўшди. Олим қарийб ўн йил давомида ушбу асарнинг ўзбек тилига таржимаси билан шуғулланиб, бу ишни 1951 йилда охирига етказди. Аммо таржима нима учундир олим ҳаётлик чоғида чоп этилмай қолди. Шарқшунослик институти раҳбарияти 1961 йили С. Мирзаевнинг таржимаси қўлёзмасини кўриб чиқиб, нашрга тайёрлаш ишини бизга топширди. Қўлёзмани кўриб чиқиш жараёнида унинг қўйидаги камчиликлари кўзга ташланди:

1) Таржима, айниқса биринчи мақола, таржимоннинг ўзи эътироф этганидек, «дабадали иборалардан холи этилган», яъни асарнинг оғир услуби бир қадар соддалаштирилган.

2) Айрим сўзлар, баъзан эса бутун-бутун иборалар, баён этилаётган воқеалар мазмунига путур етказмайдиган шеърый нарчалар тушириб қолдирилган.

3) Таржима асарнинг фақат бир нусхаси (ЎзФА ШИ қўлёзмалар фонди, № 2207) асосида амалга оширилганлиги сабабли уни бошқа нусхалар: Санкт-Петербург, Озарбайжон ва Тожикистонда сақланаётган қўлёзма нусхалар билан солиштириганда Тошкент нусхасининг тўлиқ эмаслиги, баён этилган воқеалар 1583 йилгача бўлган воқеаларнигина ўз ичига олганлиги, аслида эса асар 1589 йил воқеаларини ҳам ўз ичига олганлиги маълум бўлди. Асарнинг катта бир бўлими: шайбонийлар билан сафавий ҳукмдорлар ўртасида Хуросон учун олиб борилган курашлар, Абдуллахоннинг Бадахшон билан Қўлобни забт этганлиги ҳақидаги воқеалар таржима қилинмай қолиб кетган.

С. Мирзаев таржимасининг қўлёзмаси устида иш олиб бо-

риш жараёнида мазкур камчиликлар ҳисобга олинди ва имкони борича улар бартараф этилди. Бир сўз билан айтганда, «Шарафномаи шоҳий»нинг ўзбекча нусхаси камина томонидан (А. Жувонмардиев, Р. Ғофурова, М. Хўжаева ҳамда Ю. Ҳакимжоновлар иштирокида) 1968 йилда тўрт жилд қилиб нашрга тайёрланди. Аммо, бахтга қарши, ҳозиргача ушбу асарнинг фақат I ва II жилдлари (1966, 1969) чоп этилган. Асарнинг III—IV жилдлари эса ҳанузгача қўлёзма ҳолида нашр қилинмай ётибди. Кейинги жилдларни нашр этиш республиканинг ўша пайтдаги раҳбариятининг тарихга вольгар-социалистик қарашларининг натижасида тўхтатиб қўйилган эди. Ўзбек тилига қилинган таржима билан бир қаторда Санкт-Петербургда мазкур асарнинг рус тилига таржимаси устида ҳам иш олиб борилмоқда ва ҳозир унинг I—II жилди нашр қилинди.

XVI аср Ўрта Осиё тарихини ўрганишда Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» номли машҳур асари ҳам бағоят катта аҳамиятга эга. Мазкур асарнинг рус тилига қилинган таржимаси 1988 йили тайёрланган эди, аммо ҳанузгача чоп этилгани йўқ. Кўришиб турибдики, бизда XVI асрга оид ноёб асарларни ўрганиш ва нашр этиш борасида маълум даражада иш қилинди. Аммо бунини ҳали қониқарли деб бўлмайди. Мирхонд ва Хондамирларнинг «Равзат ус-сафо» ва «Ҳабиб ус-сияр» номли катта асарлари, Абдуллоҳ Насруллоҳийнинг «Зубдат ул-асар», Қамолiddин Биноийнинг «Шайбонийнома», Маъсуд ибн Усмон Кўҳистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний», Муҳаммадёр ибн Араб Қатагоннинг «Мусаххир ал-билод» ва Маҳмун ибн Валининг «Баҳр ул-асрор» каби ўнлаб ноёб дурдона асарлар ҳали таржимасиз қолиб келмоқда. Ваҳоланки, бу асарлар Ўрта Осиёнинг XVI асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон халқлари тарихига оид асарлар асосида монографик тадқиқотлар яратиш устида иш бошланди. Ҳозиргача айрим китоблар ҳам чоп этилади. Бу иш, шакл-шубҳасиз, қўлёзма асарларни илмий жамоатчиликка тезроқ етказиб бериш ишини бирмунча тезлаштиради.

ЎЗБЕКЛАРНИНГ ЭТНИК ТАРИХИНИ УРГАНИШДА ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАРНИНГ РОЛИ

Иморатни, у хоҳ катта бўлсин, хоҳ кичик, пойдеворсиз қуриб бўлмаганидек, тарихни ҳам манбаларсиз яратиш бўлмайди. Айниқса узоқ ўтмиш ҳақида ёзиш қийин. Сабаби шуки, орада жуда катта вақт ўтган. Бу биринчидан. Иккинчидан, ўша ўтмиш ҳақида жуда кам маълумот сақланган. Археолог олимларимиз узоқ ўтмишдан қолган осору-атиқаларни тадқиқ этишда кейинги 30 йил ичида озми-кўпми муваффақиятларни қўлга киритдилар. Лекин, барибир, Ўзбекистон ҳудуди археологик жиҳатдан ҳали етарли даражада ўрганилди, деб айта олмаймиз. Улуғ аждодларимизнинг ҳаёти ва ижтимоий фаолиятдан

сўзлаб бериш мумкин бўлган жуда кўп моддий ёдгорликларнинг жуда катта қисми ҳамон она замин қатъида ястаниб ётибди. Маънавий бойликларимиз, яъни ота-боболарнинг ақл-заковати билан битилган қўлёзма асарлар ҳад-ҳисобсиз бўлган. Лекин уларнинг катта қисмини уруш-талашлар, 20—30-йиллари амалга оширилган «маданий инқилоб» ва 30—50-йиллар ичида бўлган қатағонлар олиб кетди. Сара китобларимиз Русия ва бошқа хорижий мамлакатларга ташиб кетилди. Бу ҳам етмагандай, биз қарийб 130 йил мобайнида хоризм ва большевизм асоратига тушиб қолдик. Улкамизни босиб олган бу тузум бизларнинг тарихимизни унуттириш учун қўлидан келган ҳамма нарсани қилди...

Мана энди миллий мустақиллигимиз қўлга киритилган кунлар ҳам етиб келди. Бой ва кўҳна тарихимизни тиклаб олиш имкониятига ҳам эга бўлдик. Лекин бой бериб қўйилган 130 йилнинг ўрнини тўлдириш осон бўлмаса керак. Бунинг учун олимларимиз, қўйингки, барча зиёлилар бир бўлиб кўп меҳнат қилишимизга тўғри келади.

Асосий мақсадга кўчадиган бўлсак, тарихий манба дейилганда авваламбор шунини айтиш керакки, уларнинг турлари кўп. Асосан у икки турга: моддий ва маънавий манбаларга бўлинади. Моддий манбаларга қадим-қадим замонларда одамлар истиқомат қилган манзилгоҳлар, уларнинг мозорлари, қўҳна шарҳлар, мудофаа иншоотлари, қасрлар ва уларнинг қолдиқлари, ўша жойлардан топилган меҳнат қуроллари, уй-рўзгор буюмлари, зеб-зийнат ашёлари, олтин, кумуш ва мис танга-чақалар, қадимги суғориш иншоотларининг қолдиқлари, шунингдек, ибтидоий одамлар ва ҳайвонларнинг қоя тошларга ўйиб ишланган суратлари, тош ва бошқа қаттиқ предметлардаги ёзувлар киради. Маънавий манбалар туркумига эса ўша узоқ ўтмишдан қолган қўлёзма асарлар ҳамда одамларнинг туриш-турмушига урф-одатларини ўзида акс эттирувчи турли-туман ашёлар, шунингдек одамларнинг онгида сақланиб қолган узоқ одатлар ва анъаналар киради.

Хулласи калом, табиат ва жамиятнинг ўтмиши ҳамда кечмиши билан боғлиқ бўлган ҳар бир нарса тарихий манба ҳисобланади. Бу манбаларсиз, уларни топиб, атрофлича таҳлил қилмай туриб, ўтмиш билан боғлиқ тарихий масалаларни ҳал қилиб бўлмайди. Мисол тариқасида ибтидоий одамлар тарихини олиб кўрайлик. Маълумки, Ерда ҳаёт пайдо бўлганига кўп бўлди. Археолог ва антрополог олимларнинг маълумотларига қараганда, энг қадимги ибтидоий одамлар бундан икки миллион йил муқаддам пайдо бўлганлар. Ҳозирги замон одамлари типидagi кишилар эса тош даврининг юқори босқичида, яъни милоддан аввалги 30—10 минг йилликлар орасида шаклланган. Уларда фикр-мулоҳаза юритиш қобилиятининг пайдо бўлиши ва ривож топишига қадар эса кўп замонлар кечди. Хўш, бу одамлар қандай ҳаёт кечирганлар? Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиш тарихи қандай кечган? Бу савол-

ларга фақат улардан қолган меҳнат қуроллари ва юқорида тилга олинган бошқа ашёвий далилларни ўрганиш билангина жавоб топиш мумкин. Буни ўрганиш ва аниқлашда тарих фанининг асосий ва муҳим тармоқларидан бўлган археология ва манбашуносликнинг роли ниҳоятда каттадир.

Ёки тарихимизда катта муаммо бўлиб келаётган ўзбек халқининг келиб чиқиши ва халқ бўлиб шаклланиши масаласини олиб кўрайлик. Бу масала, маълумки, кўп вақтлардан бери нафақат илмий жамоатчиликни, балки бутун халқимизнинг диққат-эътиборини ўзига тортди келмоқда. Илмий тарихчи олимлардан Н. А. Аристов, А. Ю. Якубовский, П. П. Иванов, Х. Вамбери, Х. Ховорс, М. П. Пельо, М. А. Чапличка ва бошқаларнинг бу хусусда маълум фикрлари бор. Лекин фикрлар ҳар хил, аммо қатъий бир фикр йўқ. Қисқаси, аллақачонлар ечилиши лозим бўлган бу муҳим масала ҳанузгача муаммоларга қолиб келмоқда. Бу масалани узил-кесил ҳал қилиш учун ўтмишдан қолган барча ёдгорликларни, археологик топилмаларни ҳам, қадимий афсоналар, қиссалар, ривоятларни ҳам, шунингдек хитой, араб, форс ва туркий тилларда битилган ва бизнинг замонамизгача етиб келган барча ёзма ёдгорликларни ҳам кунт билан атрофлича ўрганиш ва таҳлил қилиш талаб қилинади. Бунинг учун етук археологлар, антропологлар, тилшунос ва адабиётшунослар, тарихчилар, биографлар, шунингдек Шарқ тиллари ва қўлёзма манбаларни яхши билган олимларнинг илмий уюшмасини тузиш ва уюшма ишига ҳар тарафлама ёрдам бериш талаб қилинади.

Туркистон замин, шунингдек Ўзбекистон ҳам кўҳна ўлкалардан ҳисобланади. Шундай экан, туркистонликларнинг тарихи ҳам қадимийдир. Ўзбек халқи, баъзи валламатлар ўйлагандай, кеча пайдо бўлган халқ эмас. Туркистон заминнинг тарихи қанча бўлса, ўзбек халқининг тарихи ҳам шунча. Хоразм ва Сурхон воҳасида, Шош (Тошкент) ва Фарғона ўлкаларида олиб борилаётган археологик кузатишлар ва тадқиқотлар Ўзбекистонда милоддан аввал, аниқроғи IV—II минг йилликлар орасида инсон истиқомат қилганлигини кўрсатади. Археолог олимларимиз Хоразм, Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларида олиб борган археологик кузатишлар натижасида узоқ аждодларимизнинг ижтимоий ва маданий турмуши қай даражада кечганлиги ҳақида жуда катта ва қимматли маълумотлар тўпладиларки, улар ўзбек халқининг шаклланиш тарихини ўрганишда қимматли манбалардан бири родини ўтайди.

Ушбу мақсадда ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганишда ўтмишдан қолган қўлёзма ва чоп этилган нодир асарларнинг роли ва ўрни ҳақида қисқача фикр юритмоқчимиз. Авваламбор, шунини айтмоқчиманки, ўзбекларнинг аждодлари бўлган ва Туркистон заминда истиқомат қилган уруғ, қабила ёки элатлар ҳақидаги мазкур асарларда учрайдиган маълумотлар муайян бир китобда ёки бобда келтирилмаган. Бу маълумотлар бутун асарнинг у ер-бу ерида «сочилиб ётибди». Улардан

бирор керакли маълумотни топиб олиш учун бутун асарни бошидан охиригача диққат билан ўқиб чиқиш ва бу маълумотларни худди бошоқ тергандай битталаб териб олишга тўғри келади. Шунингдек, бу маълумотлар жуда қисқа бўлиб, аниқ бир масала юзасидан келтирилган маълумот бошқа асарларда учрайдиган маълумотга тамоман зид бўлиши ҳоллари ҳам учраб туради. Демак, узил-кесил бирон фикрга келишдан аввал бир эмас, балки бир неча асарни диққат-эътибор билан ўқиб чиқиш, уларда келтирилган маълумотларни синчиклаб бир-бирига солиштириш ва уларни танқидий нуқтаи назар билан ўрганиб баҳолашга тўғри келади.

Қадим замонлардан Амударё (унинг қадимий туркийча номи Ҳузу) ва Сирдарё (қадимий номи Ҳашрат ёки Инжу Ҳуз) ¹ оралиғида, унинг шимоли-шарқий ва қисман жануб тарафларида истиқомат қилган саклар, массагетлар, тохарлар (Хитой солномаларида юэчжи), қонғилар, узлар ҳамда усунлар ўзбек, туркман, қозоқ ҳамда қирғиз халқларининг узоқ аждодаларидирлар. Улар кейинчалик истиқомат қилиб турган воҳалар номи билан хоразмийлар, бақтрияликлар, сўғдийлар, шошликлар ва паркана (Фарғона) ликлар деб аталдилар. Булар ҳақидаги маълумотлар қадимги Юнонистон ва Рим тарихчиларининг асарларида, қадимги Эрон манбаларида, Муғ қалъаси (Тожикистон) дан топилган сўғдий тилидаги ҳужжатларда, шунингдек, Кайюмарс, Жамшид, Сиёвуш, Афросиёб, Кайхусрав ҳақидаги афсоналарда, Аморт ва Спаретра, Тўмарис, Широқ қиссаларида кўплаб учрайди.

Мисол тариқасида қадимги юнон манбаларини олиб кўрайлик. Геродот (милоддан аввалги 490 ва 480 йиллар ўртаси — 425 йиллар), Страбон (милоддан аввалги 63—28 йиллар), Эфор (милоддан аввалги 405—330 йиллар), Дионисий (милоднинг II асри) каби тарихчи ва жўроф олимларнинг асарларида саклар ва массагетлар ҳақида, хусусан уларнинг аниқ яшаган юртлари, урф-одати ва туриш-турмуши ҳақида ўта қимматли маълумотлар келтирилган. Масалан, Эфорнинг «Умумий тарих» деб аталган 30 жилдлик асарида мана бу сатрларни ўқиймиз: «Кўйбоқар саклар скифлар таркибига кирувчи қабилалардан. Улар соддадил кўчманчилар тоифасидан бўлиб, дон етиштириладиган Осиёда истиқомат қиладилар. Саклар бир жойдан иккинчи бир жойга араваларда кўчиб юрадилар ва бия сути билан тирикчилик ўтказадилар». Ёки Клавдий Эллиан (тахм. милоднинг III аср охири — тахм. 244 йиллар)нинг кўп жилдлик «Турли-туман ҳикоялар» асарида келтирилган мана бу маълумотни олиб кўрайлик: «Саклардан бирон киши бир қизга уйланмоқчи бўлса, биринчи навбатда у билан пойгада кураш тушмоғи лозим. Борди-ю, йигит курашда енгилиб қолса, тамоман қизнинг ихтиёрига ўтади, асири ва қулига айланади.

¹ Қадимги юнон олимлари ва ёзувчилари ўз тилига мослаштириб, Амударёни Оксус, Сирдарёни бўлса Яксарт деб атаганлар.

Йигит фақат ғолиб келган тақдирдагина қизга уйланиши мумкин». Ҳар икки тарихчи келтирган бу маълумотларнинг асл маъносини тушуниш қийин эмас. Эфор кўчманчиларнинг турмуш тарзидан муҳим бир лавҳа келтирган бўлса, Клавдий Эллиан сакларнинг урф-одатидан қимматли бир фактни келтирган. Сакларнинг ўша одати қозоқларда ҳозиргача сақланиб қолган ва «қиз қувди» деб аталади. Қадимий юнон ва Рим олимларининг асарларида шунга ўхшаш маълумотларни кўплаб учратиш мумкин. Юқорида номи зикр этилган Страбоннинг 17 китобдан иборат «Жўрофия» деб номланувчи асарида, шунингдек милоддан аввалги I аср охири ва милоднинг бошларида ўтган Помпей Трог (милоддан аввалги I — милоднинг I асрлари)нинг 44 жилддан иборат «Умумий тарих» китобида («Филипп тарихи» деб ҳам аталади) саклар ва массагетларнинг қайси халққа мансублиги, улар истиқомат қилган ҳудуд хусусида кўп қимматли маълумотлар учратамиз. «Қаспий денгиздан бошлаб, — деб ёзади у, — скифларнинг катта қисми дэйлар¹, улардан шарқда яшовчи қисми эса массагетлар ва саклар деб аталади...». Скифлар ҳақида Помпей Трогнинг мана бу маълумоти ҳам диққатга сазовордир. «Скифларни, — деб ёзади у, — ҳамма вақт энг қадимий халқ деб ҳисоблаб келганлар. Қадимийликда улар мисрликлардан қолишмайдилар».

Энди Шарқ тилларида битилган манбаларни олиб кўрайлик. Оташпарастларнинг (бу дин милоддан аввалги VI асрда Балх билан Хоразм оралиғидаги ҳудудда пайдо бўлган) муқаддас китоби бўлмиш «Авесто» да (милоддан аввалги VI—IV асрлар орасида ёзилган) аҳамонийлар (милоддан аввалги 559—330 йиллар) ва сосонийлар (милоднинг 224—651 йиллари) асоратига тушиб қолган мамлакатлар ва халқлар, шулар қатори Туркистон замин халқлари ҳақида муҳим маълумотлар бор. Бу халқлар орасида «тур» (тхура) деб аталган халқ ҳам тилга олинади. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, Амударё билан Сирдарё оралиғида, Хоразм ва Фарғонада, шунингдек мазкур ўлкалар билан туташ ерларда истиқомат қилган халқлар Шарқ манбаларида умумий ном билан — «турк» номи билан, улар истиқомат қилган ерлар эса «Турон» ёки «Туркистон замин» деб аталиб келинган. Абулқосим Фирдавсийнинг жаҳонга машҳур «Шоҳнома» сида ҳам «Эрон» ва «Турон» атамалари кўп бор тилга олинади, ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ҳақида маълумотлар келтирилади. «Авесто» да баён этилган маълумотларга ўхшаш хабарлар сосонийлар замонида яратилган «Хвадай намак» асарида ҳам келтирилган. Маълумки, бу асар бизнинг замонимизгача етиб келмаган. Унинг машҳур шоир ва таржимон Ибн Муқаффа (халифа ал-Мансурнинг амри билан 757 йили қаттиқ азоб бериб ўлдирилган) тарафидан қилинган арабча таржимаси (таржима «Сияр ал-мулук» деб аталган) ҳам сақланмаган. Лекин «Хвадай намак» Ибн ал-Қутайба

¹ Дэйлар ва дербиклар асосан ҳозирги Қорақумда истиқомат қилганлар.

(828—889) ва ат-Табарий (838—923) ларнинг асарларига манба бўлган. Айниқса, ат-Табарий «Хвадай» намакдан женг фойдаланган, унинг маълум қисмларини эса деярли ўзгаришсиз асарига киритган.

Туркистон заминнинг қадимги, хусусан араб истилосигача бўлган тарихини ўрганишда Хитой солномалари (Хань, Вэй, Суй хонадони тарихи) нинг аҳамияти бениҳоят каттадир. Бу солномаларда туркий забон қанглилар, усунлар, юэчжилар, шунингдек фарғоналиклар, шошликлар ва бошқалар ҳақида, уларнинг туриш-турмуши ва урф-одати ҳақида қимматли маълумотлар учратамиз. Хитой солномалари ва уларнинг туркий халқларнинг этник тарихини ўрганишдаги аҳамияти ҳақида 1986 йили чоп этилган бир мақоламизда (Значение письменных источников в изучении этнической истории узбеков. Сб. «Материалы к этнической истории населения Средней Азии». Ташкент, 1986, 14—30-бетлар) махсус тўхталиб ўтганмиз.

Мамлакатимизнинг араб истилоси ва араблар ҳукмронлиги даври (VIII—IX асрнинг биринчи ярми) даги тарихи бир қатор араб, форс ва туркий тилларда битилган асарларда баён этилган. Ал-Воҳидий (747—823) нинг «Китоб ал-Мағозий» («Урушлар тарихи» ҳақида китоб»), Аҳмад ибн Вадиҳ ал-Яъқубий (892 йили вафот этган)нинг икки жилдлик «Тарих» номли китоби, ат-Табарийнинг «Тарих ар-расул ва-л-мулк ва хулафо» («Пайғамбар, подшоҳлар ва халифалар тарихи») деб аталган йирик асари, ибн Мискавайх (1030 йили вафот этган) нинг «Китоб тажориб ул-умам» («Халқлар қисматига тушган имтиҳон»), Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» си, Абу Наср Муҳаммад Утбий (961—1036) нинг «Тарихи Яминий» («Ямин уд-давла [яъни Султон Маҳмуд Ғазнавий] нинг тарихи»), Абу Саид Абдулҳай Гардизий (XI аср) нинг «Зайн ул-ахбор» («Хабарлар безаги»), йирик қомусий олим Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугатит-турк» («Туркий сўзлар луғати»), шунингдек ибн ал-Асир (1160—1234) нинг «Ал-комил фи-т-тарих» («Мукаммал тарих»), Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»и шулар жумласидандир.

Шу ва шунга ўхшаш жуда кўп асарларнинг саҳифаларида Туркистон замин ва унинг туркий халқи ҳақида қимматли маълумотлар сақланган. Масалан, ат-Табарийнинг маълумотларига қараганда, араб истилоси арафасида Балх, Бодҳиз, Хутталон, Чағониён, Шош ва ҳатто Бухоро аҳолисининг катта қисмини турклар ташкил этган. Бир-икки мисол келтирамиз. Ҳижрий 51 (милодий 671) йили Ахнаф ибн Қайс тарафидан Балх билан Қўҳистоннинг босиб олиниши ҳақида ҳикоя қилинган жойда (История Табари. Избранные отрывки. Перев. с арабского В. И. Беляева, Ташкент, 1987, 40—41-бетлар) бу вилоятлар аҳолисининг бир қисми турклар эканлиги айтилади. Ҳижрий 54 (милодий 674) йили Хуросон ноиб Абдуллоҳ ибн Зиёд Бухоро туманларига бостириб кирганда биринчи бўлиб турклар билан тўқнашган. «Убайдуллоҳ ибн Зиёд, — деб ҳи-

коя қилади: ат-Табарий, — Бухорода туркларни учратди: Уларнинг подшоси Қобож хотун эди» (История Табари, 44-бет). Яна ўша жойда ўқиймиз: «У [яъни Муҳаммад ибн Хаффе] бундай деди: «Мен Убайдуллоҳ ибн Зиёддан жасурроқ одамни кўрмаганман. Бизга Хуросонда турк қўшини қарши чиқди...» (История Табари, 44-бет). Ат-Табарий яна ўша жойда туркларнинг Убайдуллоҳ ибн Зиёд замонида Хуросонга беш марта ҳужум қилганликларини айтади. «Тарихи Табарий»нинг айнан ўша 44-саҳифасида келтирилган мана бу маълумот ҳам диққатга сазовордир: «Масламанинг хабар қилишича, Убайдуллоҳ ибн Зиёд Басрага олиб келган 2 минг бухоролик камончиларнинг ҳар бири ёғочдан ясалган ўқлар (нушшоб) отувчи аъло даражадаги мерганлар эдилар» (История Табари, 44-бет). Фикри-мизча, зим-зиё қоронғуда ҳам чумолининг кўзини бемалол мўлжалга ола билган бу мерганлар Басрага махсус хизматни ўташ учун олиб кетилган бўлса керак. Шунингдек, Табарийнинг Саъд ибн Абдулазиз бошчилигидаги араб қўшинининг ҳижрий 102 (милодий 720) йили Қаср ал-Боҳилийда сўғдийлар ва туркларнинг бирлашган кучлари тарафидан тор-мор келтирилиши, араблар билан турклар орасида Ахча (ҳозирги Шимолий Афғонистон) га қарашли Сидра қишлоғи ёнида ҳижрий 118 (милодий 736) йили бўлиб ўтган катта уруш ҳақидаги ҳикоя (История Табари, 177, 251-бетлар) ўта муҳимдир. Ат-Табарийнинг айтишича, турк ҳоқони тарафида Сўғд подшоси, Шош подшоси, Хутталон ҳокими Харабурру, Чағониён ҳокими Жабғу ҳам ўз қўшинлари билан қатнашган. Турклар билан араблар ўртасида яна бир катта тўқнашув ҳижрий 119 (милодий 737) йили Хутталонда ва Чу воҳасида (Навокат ёнида) ҳам бўлган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Орадан тахминан 100 йил кейин Табарийнинг турклар ҳақидаги маълумотларини яна бир катта олим — Маҳмуд Кошғарий янги фикр ва далиллар билан тасдиқлади. Шулардан бир нечтасини шу ерда келтирамиз. «Қоз—Афросиёб қизининг исми. Қазвин шаҳрини у қурдирган. Бу сўзнинг (Қазвиннинг — Б. А.) асли «қоз ўйини» — «ғоз ўйнайдиган жой» демакдир. Чунки у (Қоз — Б. А.) шу ерда турар ва шу ерда ўйнар эди. Шунинг учун баъзи турклар Қазвини турк шаҳарларидан ҳисоблаганлар. Шунингдек, Қум шаҳри ҳам чегара ҳисобланади. Чунки қум туркча сўздир. Афросиёбнинг қизи бу ерда ов қилар ва ўйнар эди. Баъзилар турк шаҳарлари чегараси Марви шоҳижжаҳонда бошланишини сўзлайдилар. Чунки Қознинг отаси Тонга Алп эр—Афросиёбдир. У Тахмурасдан (қадимги Эрон пешдодийлар сулоласидан чиққан иккинчи ҳукмдор — Б. А.) уч юз йил кейин Марви бино қилган. Баъзилар бутун Мовароуннаҳрни туркларнинг ўлкаларидан деб ҳисоблаганлар. У Янқанддан бошланади. Унинг (Янқанднинг — Б. А.) бир оти Дизруйиндир. У сариқлигига кўра мис шаҳри демакдир. У (Дизруйин — Б. А.) Бухорога яқиндир. Бу ерда Афросиёбнинг қизи — Қознинг эри Сиёвуш ўлдирилгандир. Мажусийлар (оташпарастлар) ҳар йили

бир кун бу ерга келиб. Сиёвуш бўлган жой атрофида йиғлайдилар. Моллар сўйиб, қурбонлик қиладилар. Сўйилган мол қонини унинг мозори тепасига тўкадилар. Уларнинг одатлари шундай. Бутун Мовароуннаҳр, Янқанддан Шарққача бўлган ўлкаларни турк шаҳарларидан деб ҳисоблашнинг асоси шулки, Самарқанд — Семизканд, Шош — Тошқанд, Ўзканд, Тунқанд помларининг ҳаммаси туркчадир. «Қанд» туркча шаҳар демакдир. Улар (яъни турклар — Б. А.) шу шаҳарларни қурдилар ва шундай ном қўйдилар. Ҳозиргача ҳам шундай келмоқда. Бу ерларда форслар кўпайгандан (бу воқеа аҳамонийлар замонида содир бўлди — Б. А.) сўнг улар Ажам шаҳарлари каби бўлган. Ҳозир турк ўлкаларининг чегараси Абескун денгизи (Каспий денгизи — Б. А.) билан ўралган. Рум ўлкасидан ва Ўзжанддан Чингача чўзилади. Узунлиги беш минг фарсах, эни уч минг фарсах, ҳаммаси саккиз минг фарсахдир» (Девону луғатит-турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов, 3-жилд, Тошкент, 1963, 163—164-бетлар).

«Бу гаплар бўлганига, — деб ёзган эди Бухоро тарихчиси Абубакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий, — ҳозир уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди» (Тарихи Бухоро. Форс тилидан А. Расулев таржимаси, Тошкент, 1991, 104-бет).

Демак, Маҳмуд Кошғарий келтирган бу маълумотлар фақат X—XI асрларга тааллуқли бўлмай, балки унинг замонидан қарийб 3 минг йил муқаддам содир бўлган экан.

«Девону луғатит-турк»дан яна иккита эътиборга молик парча келтирамиз.

Амударё билан Сирдарё оралиғи ҳамда унинг туташ мамлакатларида қадимдан истиқомат қилиб келган туркийзабон халқларнинг номлари асарда бирма-бир келтирилган, уларнинг тураб жойлари доира шаклида чизилган махсус харитада кўрсатиб берилган. Асарда бу ҳақда хусусан мана буларни ўқиймиз: «Турклар аслида йиғирма қабиладир. Улар ҳаммаси Нуҳ пайгамбар ўғли Ефас, Ефас ўғли Туркка бориб тақалади... Ҳар бир қабиланинг саноксиз аллақанча уруғлари бор. Мен булардан асосийсини, она уруғларини ёздим, шохобчаларини ташладим. Фақат ўғуз туркманларининг майда уруғларини ҳам, уларнинг молларига қўйиладиган белгиларини ҳам ёздим, чунки одамларда буларни билишга эҳтиёж бор эди.

Шарқдан бошлаб ҳар бир қабиланинг тураб жойларини бирин-кетин тартиб билан кўрсатдим.

Румдан кун чиқаргача бўлган мусулмон ва бошқаларни зикр қилдим. Румга яқин биринчи қабила бажанак, сўнг қипчоқ, ўғуз, ямак, башғирт, басмил; сўнг қой, сўнг ябоқу, сўнг тотор, сўнг қирғиз келади. Қирғизлар Чин яқинидадир. Бу қабилалар ҳаммаси Рум ёнидан кун чиқаргача чўзилгандир.

Сўнг чигил, сўнг тухси, сўнг яғмо, сўнг игроқ, сўнг жаруқ, сўнг жумул, сўнг уйғур, сўнг танқут, сўнг хитой. Хитой—Чиндир. Сўнгра тафғоч. Бу — Мочиндир. Бу қабилалар Жануб билан Шимол ўртасидадир. Бу қабилаларнинг тураб жойларини

бу доирада кўрсатдим» (Девону луғатит-турк, 1-жилд, таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов, Тошкент, 1960, 64-бет).

Бу қабилалар орасида ўзбек, туркман, қирғиз ва қозоқ халқларининг этник таркибига кирган қабилалар ҳам бор.

«Девону луғатит-турк» да «ўкуз» топоними ҳақида ҳам муҳим маълумот келтирилган. «Ўкуз, — деб ёзади Маҳмуд Кошғарий, — Жайхун, Фрот (Ефрат) каби дарёларга берилган ном. Ўғузлар бу сўзни ўзларининг шаҳарлари жойлашган Банокат водийси маъносига қўллайдилар. Уларнинг кўчманчилари ҳам шу дарёнинг (Сирдарёнинг — Б. А.) икки қирғоғига жойлашгандир. Турк мамлакатларидаги бир қанча бошқа дарёлар ҳам шу ном билан юргизилади» (Девону луғатит-турк, 1-жилд, 91-бет).

Абу Саид Абдулҳай Гардизийнинг «Зайн ул-ахбор» асари ҳам Ўрта ва Марказий Осиё халқларининг этник тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур асарда халлуклар (қорлиқлар), кимақлар, қирғизлар, тўқизғузлар, чигиллар ва тургашлар ҳақида, улар истиқомат қилган ҳудуд, уларнинг манзилгоҳларига олиб борадиган йўллар ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган.

Рашидиддин ва Шарафиддин Али Яздийларнинг асарларини олиб кўрайлик. Рашидиддин ўзининг жаҳонга машҳур «Жомеъ ут-таворих» («Солномалар мажмуаси») номли кўп жилдлик асарида XI, XII ва XIII аср бошларида Жанубий Сибирь, Олтой, Мўғулистон ва Еттисув ўлкасида истиқомат қилган ва кейинчалик жаҳонгир Чингизхон қўшинининг асосини ташкил этган жуда кўп турк ва мўғул қабилалари ҳақида ўта қимматли маълумотлар келтирган. Булар орасида ўзбек, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, татар, бошқирд ва бошқа туркийзабон халқларининг этник таркибига кирган қорлиқ, қипчоқ, бахрин, нукуз, қиёт, қўнғирот, сулдуз, уйғур, боёвут, чинос, манғит, барлос, дўғлот, жалоир, маркит, қурловут, уйрот, булғочи, керойт, найман каби қабилалар ҳам бор.

Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» сида Ўрта Осиё ва у билан қўшни мамлакатларда XIV—XV асрнинг биринчи ярмида истиқомат қилган 44 та туркий қабила ва уруғларнинг номлари қайд этилган. Булар орасида Сирдарё билан Амударё оралиғидаги ўлкаларга XIII асрда Чингизхон ва XVI аср бошида Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигида кўчиб келиб, ўтроқлашиб кетган қабила ва уруғлар орасида учрамайдиган 10 дан ортиқ қабилалар; қанғиллар, лочинлар, олчинлар, қатагонлар, беш юзлар, қозоқлар ва бошқалар бор. Бу қабилалар, шак-шубҳасиз, мазкур юртларда қадимдан истиқомат қилиб келган туркийзабон қабиладир.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон туркий халқларининг этник тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган асарлар кўплаб топилади. Бу асарларда тарихимизнинг маълум даврларида ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз,

татар, бошқирд ва бошқа туркийзабон халқларнинг этник таркибига қўшилган қабилалар ва баъзи ўринларда улар истиқомат қилган ўлка ва мамлакатлар ҳақида катта илмий ва амалий қимматга эга бўлган маълумотлар келтирилган. Масалан, уларда нафақат ўша қабилаларнинг номлари, балки айрим ҳолларда уларнинг умумий сони ва истиқомат қилиб турган юртлари, қабилаларнинг давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган мавқеи ҳақида маълумотлар бор.

Шу ўринда айтиш керакки, XVI аср бошида Дашти қипчоқдан икки дарё ораллигидаги ерларга (Мовароуннаҳрга) кўчиб келган турк-мўғул қабилалари маҳаллий туркийзабон халқдан сон жиҳатдан оз эди. Уларнинг умумий сони 24—26 қабиладан ошмас эди. «Таворихи гузида, нусратнома» китобининг муаллифи уларни номма-ном келтирган: қушчи, найман, уйғур, қурловут, гирайли, қиёт, қўнғирот, танғут, эчки, дўрмон, ёбоқу, хитой (асл хитой эмас, балки қадимги кидонлар авлоди), чимбой, шунқорли, шодбақли, ийжон, қавчин, манғит, журғун, минг, бачқирд (бошқирд), мжор, солур қозон, эчки байри. XVI асрда бу қабилалар сони, Ҳофизи Таниш Бухорийнинг «Шарафномаи шоҳий» асарининг маълумотларига қараганда, 40 нафарга етган: баҳрин, беш юз, дўрмон, жалоир, кенагас, мангут, минг, мжор, найман, олчин, орлот, сулдус тонгёруқ, уйғур, халож, хитой, ширин, ўтарчи, қанғли, катагон, қипчоқ, қўнғирот, қиёт, арғин, ёбу, мўғул, сажоват, тубойи, тама, кероит, қорлиқ, сарой, турк, уйшин ва ҳ. к. XVII асрга келиб, «Баҳр ул-асрор» муаллифининг гувоҳлик беришига қараганда, уларнинг сони 50 дан ортиқ бўлган, яна қуйидаги 20 га яқин қабилани қўшилган. Булар қуйидагилардир: буйрак, қирқ, қурама, дўғдоқ, юз, келачи, ўзз, қулон, аёнлик, кўка араб, қўш аёқ, уйрот, булочи (булғочи), макрит, фуловчи, шабоят, меҳит.

Бу ва бошқа тарихий манбаларни чуқур, атрофлича ўрганиш ўзбек халқи ҳамда Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг, шунингдек улар билан туташ ўлкаларда истиқомат қилувчи туркийзабон халқларнинг келиб чиқиши, уларнинг этник тарихини ўрганишга яқиндан ёрдам бериши мумкин.

ЎРТА ОСИЁ ТАРИХИГА ОИД МУҲИМ АСАР

Биз фикр юритмоқчи бўлган бу асар яқин йилларгача кўпчиликка маълум эмасди. Ҳатто мутахассис олимлар ҳам унинг муаллифи ким, номи нима, нима ҳақда, буни билишмас эдилар. Масалан, машҳур рус шарқшуносларидан К. Г. Залеман асар мазмуни билан танишиб, уни Ҳофизи Таниш Бухорийнинг юқорида тилга олинган «Шарафномаи шоҳий» асарида олинган бир парча, деб айтган. Инглиз шарқшуноси Ч. А. Стори эса бу асарни «Тарихи Шайбоний» деб атади. «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари мажмуаси» (1-жилд, 80-бет) да ҳам асар «Тарихи Шайбоний» деб аталган. Мазкур мажмуада хусусан мана буларни ўқиймиз: «Шай-

бонийхон замонидан то ҳижрий X (милодий XVI) асрнинг 80-йилларигача бўлган давр тарихини ўз ичига олади. Муаллифи маълум эмас... боши ва охири етишмайди; 89 ыарақдан иборат».

Санкт-петербурглик олима М. А. Салоҳиддинова 1973 йилда асарнинг номини ҳам, муаллифини ҳам аниқлашга муваффақ бўлди. Асарнинг номи «Мусаххир ал-билод» («Мамлакатларнинг фатҳ этилиши»), муаллифи эса Муҳаммадёр ибн Араб Муҳаммад қатагон экан.

Асар муаллифининг ҳаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотлар жуда кам. Асарда келтирилган маълумотларга кўра, у шайбоний Абдуллахон II даврида нашъу-намо топиб, камолотга етишган, хоннинг вафотидан кейин эса аштархонийлардан Боқи Муҳаммадхон хизматига кирган. Муҳаммадёр ибн Араб Муҳаммад қатагоннинг туғилган ва вафот топган йиллари маълум эмас.

«Мусаххир ал-билод» чамаси ўша Боқи Муҳаммадхон даврида ёзиб тамомланган. Унда Муҳаммад Шоҳбахт (Шайбонийхон) нинг туғилган давридан то Абдуллахон II нинг ўғли ва тожу тахт вориси Абдулмўминхон ўлдирилганга қадар Дашти қипчоқ ва Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган воқеалар қисқа тарзда баён этилган.

Асар, муаллифнинг режасига кўра, муқаддима, хотима ва олти бобдан иборат бўлиши керак эди. Лекин бахтга қарши, асарнинг бизнинг давримизгача етиб келган иккита нусхаси (Тошкент нусхаси, тартиб рақами 1505 ва Санкт-Петербург нусхаси, тартиб рақами С—465) ҳам қусурлик. Масалан, Тошкент нусхасининг бешинчи, олтинчи боблари ва хотимаси етишмайди. Бундан ташқари, бу нусхада тўртинчи бобнинг катта қисми ҳам воқеалар тафсилоти Ибодуллоҳ султоннинг ўғли Абд ал-Аминхоннинг 1598 йили Балх тахтига ўтқазилиши воқеаларида узилиб қолган. Санкт-Петербургда сақланаётган нусха нисбатан тўла. Унда асарнинг муқаддима қисми ҳам бор. Лекин унинг ҳам бешинчи ва олтинчи боблари, шунингдек хотимаси йўқ. Воқеалар тафсилоти Абдуллахон II тарафидан Бадахшоннинг фатҳ этилиши (1584) воқеаларидан кейин узилиб қолган. Шунга қарамай, асарда янги, «Абдулланома» дек шоҳ асарни ҳам маълум даражада тўлдирувчи маълумотлар кўпдир.

Асарнинг мазмуни ва унда келтирилган муҳим маълумотлардан баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

Муқаддимада (в. 26—8а) одатдаги тангри, расулulloҳи акрам ва тожу тахт соҳибига қилинган ҳамду санодан сўнг, муаллиф ўз номини ва асар номини, унинг мундарижасини келтиради; қисқа ва умумий тарзда Ўзбек улусининг Абулхайрхон давридаги тарихини баён этади.

Биринчи боб (в. 8а—54а) Ўзбек улуси, яъни Дашти қипчоқ ва Мовароуннаҳрнинг Абулхайрхоннинг ўғли ва тожу тахт вориси Шоҳ Будоғ султон ва унинг икки азамат ўғли: Шайбонийхон ва Маҳмуд Султон тарихини ўз ичига олган. Бошқа сўз билан айтганда, Дашти қипчоқ ва Мовароуннаҳрнинг XV асрнинг

80—90-йилларидан то 1510 йилгача тарихдан баҳс юритади. Асарнинг бу боби мустақил аҳамиятга эга эмас ва бизнинг тахминимизча, муаллиф уни ёзишда Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома», «Таворихи гузида, нусратнома» асарларига таянган. Шунга қарамай, «Мусаххир ал-билод» нинг мазкур бобида келтирилган айрим маълумотлар шубҳасиз диққатга сазовордир. Айниқса 1502 йили Шайбонийхон қўшини тарафидан Балхнинг қамал қилиниши, 1507 йили Шайбонийхоннинг кўрсатмаси билан ўтказилган пул ислоҳоти, ўша хон тарафидан босиб олинган мамлакатларнинг хоннинг қариндошлари ва яқинлари ўртасида улус-улус қилиб тақсимлаб берилиши; 1510 йили Марв остонасида, Маҳмудобод қишлоғида Шайбонийхон билан сафавийлар подшоси Шоҳ Исмоил I ўртасида бўлиб ўтган шиддатли уруш, Бобур билан қизилбошлар ўртасида шайбонийларга қарши тузилган ҳарбий-сиёсий иттифок, шайбонийлардан Муҳаммад Темур султон, Фўлод султон, Кўкбўри султон, Хуррамшоҳ султон, Суюнч Муҳаммад султон ва бошқаларнинг ўша Марв урушидан кейинги аҳволи, 1510—1523 йиллари шайбонийлар (Жонибек султон, Убайдуллахон, Кўчкунчихон ва ҳ. к.) нинг қизилбошлар ва Бобур билан Балх, Мовароуннаҳр ва Хуросон учун олиб борган курашлари шулар жумласидандир. Шунингдек, ўша пайтларда Карух (Ҳиротнинг булуқларидан) ва Бодғис (Бодҳиз) да кўчиб юрган турк-мўғул қавмларидан ғончи қавми тўғрисидаги, Убайдуллахон вафотидан кейин Абдулазизхон, Бурхон султон ва бошқаларнинг Бухоро тахти учун олиб борган ўзаро кураши ҳақидаги маълумотлар ҳам ўта муҳимдир.

Иккинчи бобда (в. 51а—61а) Кўчкунчихон ва унинг Самарқандда подшолик қилган авлоди (Султон Саид, Абдулла, Абдуллатиф ва ҳ. қ.) даврида (1510—1589) ўтган воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади. Бу бобда Шайбонийхон билан унинг мамлакатнинг катта-катта вилоятларида ҳоким бўлиб ўлтирган қариндошлари ўртасидаги муносабатлар бир қадар бузилиб қолганлиги ва бунинг оқибатлари ҳақида келтирилган маълумотлар ниҳоятда қимматлидир. «Мусаххир ал-билод» да бунинг тафсилоти қуйидагича берилган. 1507—1508 йиллари қозоқ султонлари Аҳмад султон, Жоний султон ва бошқалар Шайбонийхоннинг Хуросонда теурий султон Ҳусайн ва унинг авлоди билан курашда банд бўлганлигидан фойдаланиб, Мовароуннаҳрга бостириб кирдилар ва унинг Миёнқол ва Самарқандгача бўлган туманларини талаб кетдилар. Шайбонийхон бунга вилоят ҳокимларини, масалан, Туркистон ҳокими Кўчкунчихон, Тошкент ҳокими Суюнчхожахон, Фарғона ҳокими Жонибек султон ва Самарқанд ҳокими Муҳаммад Темур султонларнинг сусткашлиги ва бепарволигини сабаб қилиб кўрсатди ва уларга қаттиқ танбеҳ бериб, ўринларини алмаштирди. Ушанда Жонибек султон Фарғонадан чиқариб олиниб, Миёнқолга юборилди. Султонлар, албатта бундан норози бўлдилар ва Шайбоний-

хон 1510 йилнинг кузида Марвда ғоир аҳволга тушиб қолганда улар улуг қариндошини қўллаб-қувватладилар. Суюнчхожа, Кўчкунчихон, Суюнч Муҳаммад султон ўзлари бориш у ёқда турсин ҳатто, хонга биронта сиёсийни ҳам юбормадилар. Убайдуллахон билан Муҳаммад Темур султон бўлса Марвга вақтида етиб келган бўлишларига қарамай, ўзларини томошабиндай тутдилар. Лекин Шайбонийхоннинг қариндошлари билан келишолмай қолишига шу гина-кудуратгина эмас, балки улус ҳокимлари бўлимиш ўша султонларнинг марказий ҳукуматга бўйсунмай, мустақил сиёсат тута бошлаганлари ҳам сабабдир. Қозоқ султонларининг хуружи эса келишмовчиликка бир баҳона бўлди, холос.

Учинчи боб (61а—68а) Абулхайрхоннинг Тошкент ва Туркистонда ҳукмронлик қилган яна бир ўғли Суюнчхожахон ва унинг авлоди (Келди Муҳаммад, Наврўз Аҳмадхон, Дарвишхон ва ҳ. к.) тарихига бағишланган. Бу бобда Тошкент, Туркистон, Сайрам, Андижон, Ахсиқент ва Миёнқолнинг XVI асрнинг сўнги чорагидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, Хожа Муҳаммадхон билан Суюнчхожахон авлоди ўртасида марказий ҳокимият учун олиб борилган кураш, XVI аср охири ва XVII аср бошларида ўзбеклар (шайбонийлар) ва қозоқлар (тўқай теурийлар) ўртасидаги муносабатлар ҳақида ўта муҳим маълумотлар келтирилган.

Тўртинчи боб (в. 68а—89б) Абулхайрхоннинг иккинчи ўғли Хожа Муҳаммадхон (у отаси даврида ҳам, кейин ҳам бирон лавозимда турмаган) ва унинг Мовароуннаҳр устидан ҳукмронлик қилган Бахтиёр авлоди (Жонибек султон, Бубай султон, Искандархон, Абдуллахон ва ҳ. к.) тарихига бағишланган. Бу бобда баён қилинган воқеалар ичида муҳим ва қимматлилари кўп. Масалан, Мовароуннаҳр ва Балхнинг XVI асрнинг 30-йиллари ва ўрталари (40—50-йиллари) даги умумий аҳволи, Абдуллахон II билан унинг Балхда ҳоким бўлиб ўлтирган ўғли Абдулмўминхон ўртасидаги рақобат (бу худди Улуғбек билан ўғли мирзо Абдуллатиф ўртасида 1449 йилнинг кузида юз берган рақобатга ўхшар эди) тўғрисидаги фактлар алоҳида қимматга эга. «Мусаххир ал-билод» да айтилишича, ота-бола ўртасидаги келишмовчиликлар 1597 йилининг кузига бориб очиқ қуролли курашга айланди. Абдулмўмин Балх ва Бадахшондан катта қўшин тўплаб Амударёнинг нариги (сўл) соҳилида саф тортди. Абдуллахон эса асосий кучларни Пасаф атрофига тўплаб, ўзи қишни Самарқандда ўтказишга қарор қилди. Улус ҳокимлари ҳам Абдуллахоннинг талабига кўра, ўз қўшини билан бирин-кетин Самарқанд ва Пасафга келиб туша бошладилар. Масалан, Ўзбек султон Аҳси ва Андижон қўшини билан Самарқандда, Алиобод туманида ўрнилашди. Лекин тез орада Балх ва Бухоронинг сайиждлари, шайхлари ва уламоларининг воситачилигида ота-бола сулуҳга имзо чекдилар. Лекин, шунга қарамай, тарафларнинг қўшинлари тарқатиб юборилмади ва илгари турган ўрнида қолди. Агар Абдуллахон 1598 йилнинг

8 февралда тўсатдан вафот этиб қолмаганда икки ўртада уруш бешланиб кетиши муқаррар эди: Мазкур бобда Мовароуннаҳр ва Балхнинг 1598—1601 йиллар орасидаги аҳволи ҳам бошқа манбаларга қараганда батафсилроқ ёритилган.

Асарнинг бешинчи ва олтинчи боблари мазкур нусхаларда йўқ. Муқаддимадаги қайддан кўринишича, бешинчи боб шайбоний Абдулмўминхон ва унинг олти ойдан ошмаган ҳукмронлик тарихини ўз ичига олган. Олтинчи боб эса Бухоронинг диққатга сазовор осору атиқалари, муаллиф билан замондош бўлган шайхлар, олимлар ва шоирларнинг ҳаёти тафсилига бағишланган.

Муҳими шундаки, асарда «Шарафномайи-шоҳий» ни маълум даражада тўлдирадиган, унда баён этилган баъзи тафсилотларга аниқлик киритадиган фактик маълумотлар ҳам кўп.

«Мусаххир ал-билод» да мамлакатнинг ўша вақтлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволига оид материаллар, улус тизими, «тархонлик» ва «суюрғол» институтлари, турли солиқ ва жарималар: мол, молу жиҳот, тағор, улуфа, пишкаш, соворин, шунингдек барлос, арғин, билкут, жалоир, дўрмон, қолмоқ, қўнғирот, қўшчи, қипчоқ, орлот, уйшин, манғит, буркут, кероит, қатағон, ғончи, қизил айоқ сингари қавмлар ҳақида ҳам илмфан учун зарур маълумотлар кўп.

«Мусаххир ал-билод» да жўғрофий маълумотлар, яъни Дарби оҳанин (Бузголада), Танги чақчақ (Илон ўттида), Қоронгу тоғ (Қошғарда), Работи хожа (Самарқанд вилоятида), Маҳмудобод чорбоғи (Марвда), Кўли малик (Бухоро вилоятида), Навқа (Самарқанд вилоятида), Мулкат (Сирдарё бўйида), Учтепа (Самарқанд ёнида), Пули мирза (Қарши теварагида) ва бошқа мавзелар ҳақида ўта муҳим маълумотлар учратамиз.

«Мусаххир ал-билод» дан яна бир муҳим, бошқа манбаларда учрамайдиган бир маълумотни ҳам эслатиб ўтмоқчимиз. Бу — ўша вақтларда Сирдарёнинг ўрта оқими ноҳиясида истиқомат қилган қорақалпоқлар ва уларнинг Тошкент ҳамда Туркистон вилоятларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги маълумотлардир. Ана шу маълумотлардан маълум бўлишича, қорақалпоқлар қозоқ султонлари (Ишим султон, Баҳодир султон ва ҳ. к.) Абдуллахон II Бухорода бўлмаган пайтларда, ёки мамлакатда нотинчлик ҳукм сурган вақтларда марҳум шайбоний хонлардан биронтасининг номи билан атаб ўзларидан биронтасини хон кўтариб турганлар. Масалан, 1578 йили улар қандайдир Шайхимхонни (шайбоний Шайхим султон номидан), 1582 йили сохта Бароқхонни (шайбоний Наврўз Аҳмадхон номидан), 1604 йили аштархоний Боқи Муҳаммадхон ҳукмронлик қилган даврда сохта Абдулғаффорхонни (Абдулғаффор султон номидан) хон деб эълон қилганлар.

Асарда Тошкент, Туркистон, Балх, Кўлоб, Уратепа ва Фарғонанинг узоқ ўтмишдаги тарихи ҳақида ҳам маълумотлар учратамиз.

Муҳаммадёр ибн Араб Муҳаммад қатағоннинг мазкур асарида Бухоро хонлиги билан Эрон ҳамда қозоқ хонлиги ўртаси

да XVI—XVII аср башларидаги сиёсий муносабатлар ҳақида ҳам айрим эътиборга молик маълумотларни учратамиз.

«Мусаххир ал-билод» ни чуқурроқ ўрганиш, уни ўзбек тилида нашр қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

УТАМИШ ХОЖИ ВА УНИНГ «ЧИНГИЗНОМА» АСАРИ ҲАҚИДА

«Чингизнома» Олтин Урда ва Қозоғистоннинг кўҳна тарихдан, аниқроғи XIII—XVI асрлардаги тарихдан ҳикоя қилувчи қимматли тарихий асарлар жумласидан ҳисобланади. Лекин асар ҳозиргача жуда кам ўрганилган, тадқиқотчи олимлар унинг факт ва маълумотларидан деярли баҳраманд бўлишмаган. Бунинг асосий сабаби асарнинг кам нусхада етиб келганлигидадир. Бизга маълум бўлишича, «Чингизнома» нинг фақат битта нусхаси сақланиб қолган, холос. Уша яққою ягона нусха ҳозир Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти кутубхонасида 1552/V рақам билан сақланмоқда. У бошқа олтига асар билан бирга муқоваланган. Бу асарлар орасида хивалик машҳур тарихчи олим Абулғозихоннинг «Шажарайи тарокима» («Туркман халқининг шажараси») деган машҳур асари ҳам бор. Лекин, афсуски, «Чингизнома» нинг бу нусхаси тўлиқ эмас. Воқеалар баёни машҳур Олтин Урда хони Тўхтамишхон тарихи билан узилиб қолган.

«Чингизнома» бир вақтлар Хоразмда ҳукмронлик қилган шайбонийлардан Эш султон (1558 йили ўлдирилган)нинг топшириғи билан XVI асрнинг биринчи ярмида ёзилган. Бу ҳақда муаллифининг ўзи асар муқаддимасида батафсил гапирган.

Асар муаллифи Утамиш хожи ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Унинг ҳақида фақат қуйидагилар маълум. Отаси мавлоно Муҳаммад Дўст ўзига тинч ва нуфузли одамлар жумласидан бўлиб, шайбонийлардан Илборсхоннинг саройида хизмат қилган. Утамиш хожининг бобоси эса ўз вақтида шайбонийхонлардан Ёдгорхоннинг хизматида бўлган. Ёдгорхоннинг улуси Сирдарёнинг қуйи оқидамида жойлашган бўлиб, хоннинг ўзи XV асрнинг 80-йилларида Шайбонийхон билан бўлган тунги тўқнашувда ҳалок бўлган. Утамиш хожининг ўзи ҳам Илборсхон саройида мунший (котиб) бўлиб ишлагани маълум. Олим ҳақида ҳозирча бошқа бирор нарса дейиш қийин.

«Чингизнома» ҳақидаги дастлабки маълумотни Е. Ф. Каль (1863—1891), В. В. Бартольд ва А. В. Валидийлар беришган. Ҳар учала олим ҳам «Чингизнома» ни диққатга сазовор асар деб баҳолаганлар. Лекин шунинг алоҳида айтиб ўтмоқчимизки, «Чингизнома» ни ўрганиш борасида қозоғистонлик шарқшунос олим, марҳум В. П. Юдиннинг хизмати салмоқли бўлди. Олим бу асарни рус тилига таржима қилиб, нашр этди (1992), «Чингизнома» материаллари асосида бир неча муҳим илмий мақолалар ёзди.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, «Чингизнома» диққатга молик муҳим тарихий асар бўлиб, асосан ривоятлар, муаллифнинг эшитган-уққанлари ва кўрганлари асосида ёзилган. «Тарихий китоблардан, — деб ёзган эди академик Бартольд, — Утамиш хожи фақат айрим хонларнинг номини қайд этган, холос. Хонлар ҳақида батафсил маълумот тополмаган... Утамиш хожи ўтган замонлар ҳақида билимдон одамлардан сўраб-суриштириб кўп ривоятлар тўплаган ва тез фурсат ичида ўзи ҳам ривоятларни яхши билувчи киши сифатида танилган». Хулласи калом, Утамиш хожи ўзига керак бўлган ривоятларни қунт билан битта-битталаб йиғиб, Дашти қипчоқ ва Қозоғистон тарихидан катта фактик материал тўплади. Лекин улардан фойдаланганда танқидий услубга амал қилди, ривоятларни бирма-бир ақл тарозисида тортиб, сўнг китобига киритди. «Уларнинг (Олтин Урда хонларининг — Б. А.) кечмишини ўрганиш борасида менда катта хоҳиш-интилиш бўлгани сабабли, — деб ёзади «Чингизнома» муаллифи, — фалон ривода тарих ривоятларини яхши билган кекса одам борлигини эшитгудай бўлсам, тўхтовсиз унинг ҳузурига бордим ва сўраб-суриштириб, ҳақиқатни билиб олдим, эшитганларимни бирма-бир ақл тарозусида тортиб, маъқулларини хотирамда сақладим, маъқул бўлмаганларини рад этдим». Утамиш хожига маълумот берганлар орасида савдогарлар, сайёҳлар, аслзодалар ва ҳатто хонлар ҳам бўлган. Бу хусусда муаллиф юқорида номи зикр этилган Илборсхонни алоҳида тилга олади. «У ривоятларни жуда яхши билар эди», — деб эслайди Утамиш хожи унинг ҳақида. Утамиш хожига тарих ривоятларини йиғишда яқиндан ёрдам берганлар орасида Султон Ғози султон¹ хизматида бўлган хожитархонлик (астраханлик) хожи Ниёз, хитой-қипчоқ қабиласига мансуб бўлган Бобо Алибийлар ҳам бўлишган. «Бир сўз билан айтганда, — дейди Утамиш хожи пировардида, — хитой-қипчоқ қабиласидан чиққан ва илгари хожитархон хони Абдулкаримхоннинг катта бекаридан бўлган Бобо Али хожаси, яъни ўша Абдулкаримхон вафотидан кейин Маккаш Мукаррамани бориб зиёрат қилиб, хожи бўлиб қайтди. Шундан кейин у Султон Ғозихоннинг хизматига кирди. Султон Ғозихон ҳам тарих ривоятларини яхши кўрарди. Шу сабабдан хон ҳазратлари мендан сўрадилар: «Айтишларича, Тўхтамишхон Урусхон даргоҳидан қочиб бориб бу ерга келганмиш. Бу қандай юз берди?» Банда ўша Бобо Али хожидан эшитганларимни унга ҳикоя қилиб бердим».

«Чингизнома» муаллифи ҳақида яна қуйидагилар маълум. У Хоразм ва Олтин Урданинг жанубий вилоятлари, хусусан Каспий денгизи соҳилидаги юртлар ва Волганинг қўйи оқимида жойлашган вилоятлар бўйлаб кўп саёҳат қилди. Бу ерда у нафақат тарихий, балки жўрофий маълумотлар ҳам йиғди. Масалан, Олтин Урда хони Беркахон билан Дарбанд (Озарбай-

¹ Шайбоний, XVI асрнинг 30-йилларида бўлган исён пайтида ўлдирилган.

жон)га бостириб кирган Элхон Ҳалокухон қўшинлари ўртасида бўлган уруш ҳақида батафсил ҳикоя қилади. Шу билан бирга диққатга сазовор мана бу маълумотларни ҳам эътиради: «Қузиум (Каспий) денгизи соҳили бўйлаб юрилганда, кўплаб дарё ирмоқлари ва кўрфазларига дуч келасиз. Йўл ўша дарё ирмоқлари устидан ўтади. Уша ерда кўплаб қум уюмларидан ҳосил бўлган баланд-паст тепаликларга дучор келасиз. Бу ерларни Қир мачақ деб аташади. Банда ўша ерларни бориб кўрганман».

Айрим ўринларда олим Эш султоннинг оғаси Дўст султоннинг (у ҳаммаси бўлиб Хоразмни бир йил — 1557—1558 йили идора қилган) эсдаликлари (дафтари)га суянган. Биз бунди Беркахон билан Ҳалокухон қўшинлари ўртасида Дарбандда бўлиб ўтган урушга бағишланган бобда яққол кўрамиз. Бу ерда хусусан бундай дейилган: «Баъзи тарихчиларнинг айтишларича, ўша урушда Ҳалокухоннинг ўзи шахсан иштирок этган. Унинг қўшини тор-мор этилган, Ҳалокухоннинг ўзи бўлса ҳалок бўлган. Бироқ, унинг ўша урушда ҳалок бўлганини ҳеч ким билмайди. Лекин ҳазрати олийлари Дўст султоннинг тарихида бундай дейилган: «Ўша урушда ҳалок бўлган қўшин хусусида қайғу чекиб, у (Ҳалокухон — Б. А.) оғир дардга чалиниб, ётиб қолди ва орадан икки ой ўтгандан кейин вафот этди». Яна бир мисол. Туғлуқ Темур (шахсини аниқлаб бўлмади. Шайбон ўғилларидан бири Мергандан туғилган бир набираси Туға Темур деб аталган. Ушами ёки бошқасими, ҳозирча бу ҳақда аниқ бир нарса дейиш қийин) ҳақидаги ҳикоятда мана бу сатрларни ўқиймиз: «Султонлар ифтихори олий ҳазрат Дўст султоннинг хотира дафтарида ёзилганки, мазкур Туға Темур улуғ подшоҳ бўлган ва Самарқанд билан Бухорони идора қилган».

«Чингизнома» нинг манбалари мана шулардан иборат.

Энди асарда келтирилган муҳим ва диққатга сазовор тарихий маълумотлардан айримларини келтирамиз. Бу маълумотлар баъзида учраб турадиган воқеаларга бир тарафлама баҳо бериш ҳолларини ҳисобга олмаганда, ўта муҳим ва қимматлидир.

Маълумки, Бердибек ҳукмронлиги (1357—1361) дан кейин Олтин Урдада феодал ва тожу тахт учун кураш ниҳоятда кучайди. Утамиш хожи бу ҳақда мана бу маълумотларни келтиради: «Жонибекхоннинг (Ўзбекхоннинг ўртанча ўли; 1341—1357 йилларда Олтин Урда хони) онаси Тайдули бегим Мангутой Хизрхонни чақиртириб олиб, Сарой Берка мамлакати тахтига ўтқазди». Хўш, бу Хизрхон дегани ким бўлди ўзи? «Чингизнома» муаллифи уни «Шайбон наслдан бўлган Мангутойнинг ўғли ва Хизр ўғлон деб атардилар ва Соинхон (Ботухон) унга (Мангутойга) Оққўл деган ердан улус тайин қилган эди», дейди. Энди Хизр ўғлоннинг отаси Мангутойнинг шахсини аниқлайлик. Машҳур Эрон тарихчиси Рашидиддиннинг берган маълумотларига кўра, Шайбоннинг ўғиллари орасида Мангутой дегани ҳам бўлган. Рашидиддин хусусан бундай деб ёзади: «Шайбоннинг учинчи ўғли Қадақ. Унинг бир ўғли бўлган —

исми Тўла Буқа. Мазкур Тўла Буқанинг икки ўгли бўлган. Тўнғичи Мангуттой, кенжатоғи Тумон Темур». Лекин Хизр ўғлоннинг Мангуттойнинг ўғли эканлиги ҳақида маълумот учратмадик. Аммо, нима бўлганда ҳам, Олтин Урда хонлари орасида Хизр номли хоннинг ўтганлиги маълум. У ҳақиқатан ҳам Шайбон насладан бўлиб, Иброҳим ўғлоннинг ўғлидир ва XIV асрнинг 60—70-йилларида Олтин Урданинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаган шайбоний хонлардан бири бўлган. Умуман олганда, Утамиш хожининг Бердибекдан кейин Олтин Урдада ҳокимият шайбонийлар қўлига ўтганлиги ҳақидаги бу маълумоти ўта муҳимдир.

Маълумки, Шайбон оғаси Ботухоннинг Русия, Қрим ва Шарқий Оврупо мамлакатлари устига қилган ҳарбий юришлари (1234—1238, 1239—1240) да фаол иштирок этган. Бу воқеалар Рашидиддиннинг юқорида тилга олинган китобида умумий тарзда қисқача баён этилган. «Чингизнома» да эса бу хусусда келтирилган маълумотлар бирмунча кенг бўлиб, орасида янгилари, шунингдек Рашидиддин келтирган маълумотларга аниқлик киритувчи далиллар ҳам бор. Бир-икки мисол келтирамиз. Рашидиддин Шайбоннинг биродарлари Бучак ва Бўри билан биргаликда 1238 йили Қримга қилган юриши ва ўшанда Татқор қалъасини (Қримнинг мустаҳкам қалъаларидан бири) тасарруфига киритгани ҳақида ҳикоя қилади. Утамиш хожи Шайбоннинг ўша йили Қримнинг яна бир мустаҳкам қалъаси — Қирқёрни қамал қилгани ва узоқ вақт давом этган жанглардан сўнг ишғол қилгани ва уни олишда ишлатган ҳарбий найранги ҳақида қизиқ маълумот келтиради: «Шайбонхон қамал муддати чўзилиб кетгач, охири амирларга ва қўшинга: «қоронгу тушиши билан то эрта тонгга қадар овоз чиқариши мумкин бўлган идишларни бир-бирига уриб овоз таратинглар», деб буюрди. Шу зайлда аскарлар ўн кун мобайнида кечаси билан тақир-туқир қилиб, қалъа аҳлининг қулоғини қар қилдилар. Бир гуруҳ аскарлар шу иш билан банд бўлиб турганда, нақбчилар (зовур қазувчилар, ер ости йўли қурувчилари) чор тарафдан қалъа дарвозаларига қараб нақб қазидилар. Натижада қамалдагиларнинг қулоғи қар бўлиб, чўқмоқ, теша ва жетмон овозини эшитмай гафлатда қолдилар». «Нақбларнинг қолдиги ҳозир ҳам кўзга ташланиб турибди», — дейди Утамиш хожи. Муҳими шундаки, Шайбонхон Қримда бир эмас (Татқор), балки икки қалъа (Қирқёр)ни забт этган. Қозоғистонлик олима М. Х. Абусейтова ўзининг «Чингизнома» нинг русча нашрига ёзган изоҳларида Қирқёр Чўфит қалъа номи билан машҳур бўлганлиги ва унинг Бахчасарой атрофида жойлашиб, 1299 йили туманбоши Мамай тарафидан вайрон этилганлигини айтади.

Шайбон Ботухоннинг Келор, Бошқирд ва Булор (Булғор)га қилган юришида ҳам иштирок этган ва жангларда ўзини яхши тарафдан кўрсатган. Бу ҳақда Утамиш хожининг мазкур асарида муҳим маълумотлар учратамиз. Муҳими шундаки, китобда маз-

тилга олинган. Поляклар ва мождарлар (венгерлар) мамлақати Келар (Қозар) деб аталган. Буни мутахассис олимлар яхши билишади. Улоқ эса — бу мўгуллар 1239 йили забт этган Улокут бўлиши мумкин. Утамиш хожининг мана бу ахбороти ҳам диққатга сазовордир. У бундай деб ёзади: «Шундан кейин Шайбонхон Керол вилоятни устига қўшни тортди. Керол — катта вилоят. Уни ишғол қилиш учун кўп уруш бўлди. Охир-оқибатда Шайбонхон уни забт этди ва ўз пойтахтига айлантирди. Шайбонхон ўша вилоятда вафот этди».

Олтин Урда ва Қозоғистон тарихини ўрганувчилар учун хон Бердибек вафотидан кейин Дашти қипчоқда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида «Чингизнома»да келтирилган мана бу маълумот ҳам ўта муҳимдир. «Унинг (Бердибекнинг — Б. А.) замонида, — деб ёзади Утамиш хожи, — фитна ва қўзғолонлар кўп бўлди. Қиёт қабиласига мансуб бўлмиш [туманбоши] Мамай қўшиннинг ўнг қанотини олиб, ўзига тобе қабилалар билан Қримга кетиб қолди. Жир Хутлининг ўғли Денгиз Буқо эса унинг сўл қаноти билан Сирдарё соҳилларига кўчиб кетди. Бердибекхон Сарой Беркада фақат ичкилар (хон хизматчилари) билангина қолди. У уч йил Сарой Беркада хон бўлди, сўнг ўша ерда вафот этди».

«Чингизнома»да келтирилган маълумотларнинг муҳимларидан яна бир-иккитасини келтирамиз. Булардан бири — Дашти қипчоқда ислом динининг шойиъ бўлиши, унинг вақти ҳақидаги маълумотдир. Маълумки, кўпчилик тарихчиларнинг, ўтмишдагиларнинг ҳам, ҳозиргиларнинг ҳам фикрича, ислом бу улкан мамлакатда XIV асрнинг биринчи ярмида, яъни Ўзбекхон тахтда ўлтирган йиллар (1312—1342) да тарқалган. Утамиш хожи бу ҳақда бошқача, эътиборга молик фикр айтган. Унинг сўзларига қараганда, бу катта тарихий воқеа Ўзбекхондан қарийб 60—70 йил муқаддам, яъни Беркахон замонида юз берган. «Дашти қипчоқ мамлақати Беркахонга бўйсунгандан кейин, — деб ёзади Утамиш хожи, — у динсизларнинг кўпчилигини ислом динига киргизди. Лекин Беркахон вафот этгандан кейин улар яна диндан чиқиб, эски аслига қайтдилар». Бундан Дашти қипчоқ халқи орасида ислом динини шойиъ этишга уриниш Ўзбекхондан 60—70 йил муқаддам юз берган, деган хулоса қилиш мумкин.

Яна бир факт. Жўчихон билан отаси Чингизхон ўртасидаги муносабат, айниқса ҳар иккалаларининг умри охирида қандай кечганлиги ҳақида тарихий китобларда ҳар хил фикр айтилган. «Табақоти Носирий» (тахм. 1260 йилда ёзилган) китобининг муаллифи қози Минҳожиддин Жузжоний (1193 йилда туғилган) бундай деб ёзади: «Жўчихон қипчоқ чўлининг об-ҳавоси ва сувларини кўриб, фазоси кенг, об-ҳавоси ёқимли, суви ширин, яйловлари кенг бунақа мамлакат дунёда йўқ, деб ҳисоблади ва кўнглидан отасига қарши исён кўтариш хаёли кечди ва яқин кишиларига деди: «Чингизхон ақлдан озибди, чунки

кўп одамларни ўлдириб, мамлакатларни вайрон қилмоқда. Фикримча, уни овга маҳлиё қилиб, ўлдириш лозим. Сўнг Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ билан яқинлашиб, давлатимизни равнақ топтиришимиз ва мўмин-мусулмонларни қўллаб-қўлтиқлашимиз зарур». Муаллиф сўзида давом этиб, Жўчихоннинг нияти ва режаларини Чигатойхоннинг отасига етказганлигини, Чингизхоннинг эса фитнанинг олдини олиб, бир гуруҳ одамларни Жўчихон ўрдасига жўнатганлигини ва фитначи ўғлини бир ёқлик қилганлигини таъкидлайди. Ота-бола ораси яхши бўлмаганлигини Рашидиддин ҳам айтган. У хусусан бундай деб ёзади: «Хоразм фатҳ этилгандан кейин Жўчихон Ардиш (Иртиш — Б. А.) бўйларига қараб йўл олди ва бориб уруқ ўрдусига қўшилди. Бундан сал илгари Чингизхон Жўчига шимолий мамлакатлар, яъни Келор, Бошқирд, рус, черкас, Дашти қипчоқ ва бошқа мамлакатлар устига қўшин тортиш ва уларни бўйсундиришни буюрган эди. У эса бундан бош тортиб, ўз юртига кетиб қолгандан кейин Чингизхон беҳад дарғазаб бўлди ва деди: «Мен уни жазога тортаман, [бундан буён] мендан меҳр-шафқат кўриб бўлибди», деди. Сўнг Чингизхон Чигатойхон ва Угадойхон бошчилигида унга қарши аскар юборди, лекин шу пайт Жўчихоннинг вафот этганлиги ҳақида мудҳиш хабар олинди». Шунга ўхшаш гап Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор» китобида ҳам учрайди. Хоразмлик машҳур тарихчи Абулғозихон бу воқеа (Жўчихоннинг вафоти) отасининг ўлимидан (1227 йил 25 августда) олти ой аввал содир бўлганлигини айтади. Хўш, бу ҳақда «Чингизнома»да нима дейилган? Унда бу ҳақда мана бу гаплар ёзилган: «Жўчихон Чингизхоннинг тўнғич ўғли эди. Чингизхон унга катта қўшин бериб, Дашти қипчоққа тайин қилди ва жўнаб кетаётганда деди: «Майли, ўша мамлакат отларинг учун яйлов бўла қолсин. Унга Хоразмни ҳам қўшиб берди. Жўчихон Дашти қипчоққа жўнаб кетди ва унинг машҳур жойларидан бўлмиш Улуғтоққа келиб тушди. Кунлардан бир кўни тоғда кийик овда отдан йиқилиб тушди ва бўйни синиб, қазо қилди». «Чингизнома» да келтирилган бу маълумотни батафсил изоҳлаб ўлтиришга эҳтиёж бўлмаса керак. Ҳаммаси ўз-ўзидан равшан. Биринчидан, «Чингизнома»нинг шарофати билан энди Жўчихон ўлган жойини аниқ биласми — бу Улуғтоғ, Марказий Қозоғистонда жойлашган машҳур манзил экан. Жўчихоннинг айнан овда ўлганлиги масаласига келсак, бу масала ҳам тушунарли. Айнан ов феодал ҳукмдорлар учун ўз рақибларидан қутиладиган, уларни бир ёқлик қиладиган бир чора бўлган.

Хулласи калом, Утамиш хожининг «Чингизнома» асари Жўчи улуси ва Хоразмнинг ўрта асрлардаги тарихининг қоронғи тарафларини ёритишда муҳим манба ролини ўйнайди.

Урта Осиё, Қозоғистон ва улар билан қўшни бўлган хорижий мамлакатларнинг XVI асрдаги тарихи бўйича асосий манбалардан бири «Шарафномайи шоҳий» дир. У кўпинча «Абдулланома» номи билан ҳам машҳур. Асар Шайбоний Абдуллахон II нинг топшириғи билан 1584—1590 йиллар орасида ёзилган.

Асар муаллифи бухоролик машҳур шоир ва муаррих Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад ал-Бухорийдир. Унинг ҳаёти ва илмий-адабий фаолиятига оид маълумотлар кам. Айрим қисқа маълумотлар «Шарафномайи шоҳий» муқаддимасида ва баъзи тазкираларда учрайди. Ана шу маълумотларга қараганда, Ҳофиз Таниш Бухорий ва унинг отаси Мир Муҳаммад шайбоний ҳукмдорларга яқин одамлар бўлишган. Масалан, отаси мавлоно Мир Муҳаммад, нақшбандия тариқатининг намояндаларидан бири, йирик олим Маҳдуми Аъзам Косоний (хожа Аҳмад ибн Жалолиддин Косоний; 1462—1542) нинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Жомеъ ул-мақомат» да ёзилишича, шайбоний Убайдуллахон (1534—1539) саройида хизматда бўлган; XVI асрнинг 50-йиллари бошида Кошғарга кетиб қолган ва орадан икки йил ўтиб ўша юртда қазо қилган. Ҳофиз Таниш Бухорий 1583 йили Абдуллахон II нинг хизматига кирган ва умрининг охиригача шу хоннинг ҳузуринида воқеанавис бўлиб хизмат қилган. Олимнинг туғилган йилини баъзи фактларга таяниб аниқласа бўлади, лекин вафот этган йилини аниқлаб бўлмади. «Шарафномайи шоҳий»да мана буларни ўқиймиз: «...Абулғозий Абдулла Баҳодирхон, тангри таоло унинг подшоҳлигини, салтанатини абадий қилиб, фарқадон¹ дан [ҳам] баланд қилсин, Мовароуннаҳр мамлакатини зўр билан ўзига бўйинсундирди ва шарқ қуёшидек адолат ва инсонпарварлик соясини ўша мамлакатнинг илм аҳллари бошига туширди. Фахрланишга муносиб Бухоро шаҳарини халифалик тахтининг оромгоҳига айлантирди... [ўша пайтда] фақир у ҳақирнинг ёши ўттиз олтида эди». Маълумки, Абдуллахон Бухорони 1557 йили эгаллаган. Лекин Мовароуннаҳр фақат XVI асрнинг 80-йиллари бошида батомом Абдуллахон қўлига ўтди. Бунга қараганда, Ҳофиз Таниш Бухорий Абдуллахоннинг хизматига у отаси ўрнига тахтга ўтқазилган йили — 1583 йили хоннинг яқин кишиси Қулбобо Қўқалтошнинг воситачилиги билан кирган. Агар у ўша пайтда 36 ёшда бўлса, унда Ҳофиз Таниш 1547 йили туғилган бўлиб чиқади.

Ҳофиз Танишнинг қачон вафот этгани маълум эмас. Машҳур адабиётшунос олим ва шоир Мутрибий «Тазкират уш-шуаро» асарида «Жаноби Ҳофиз Таниш уламо жумласидандир. У Маҳдумий Ҳасан хожанинг тазкирасида тилга олинади. Юқорида зикр этилган Ҳофизнинг ога-инилари унинг вафотидан кейин

¹ Фарқадон — Шимолий қутб яқинидаги икки ёруғ юлдуз.

хотинини қандайдир жиноят қилганликда аюлао унга даъвогар бўлганлар ва олий фармонга кўра унинг Бухоро минорасидан ташлаб юборилишига эришганлар, деган миш-мишлар бор» деб ёзган. Бундан чиқадикки, Мутрибий таъриқасини ёзиб тамомлаган йили (1604) Ҳофизи Таниш ҳаёт бўлмаган.

Шу ўринда яна бир далил муҳим аҳамият касб этади. Ҳофизи Таниш бошда «Шарафномаини шоҳий» асарини муқаддима, икки мақола ва хотимадан иборат қилиб ёзишни режалаштирган эди. Муқаддима ва ҳар иккала мақола ёзилган (асарда баён этилган сўнги воқеа Абдуллахон тарафидан Ҳиротнинг олиншидир, 1588 йил). Лекин хотима ёзилмай қолган. Муаллиф бошда тузган режага кўра, хотимада Абдуллахоннинг мақтовга муносиб сифатлари, унинг замонида ўтган шайхлар, вазирлар, амирлар, шоирлар, олимлар, шунингдек Абдуллахон даврида қурилган олий бинолар ҳақида ҳикоя қилиниши керак эди. Шунга қараганда, Ҳофизи Таниш 1590 йиллари оламдан ўтган. Агар ҳеч бўлмаса у Абдуллахонгача тирик бўлганда асарнинг бу муҳим қисми ҳам ёзилган бўларди.

Ҳофизи Таниш Бухорий оғир бир замонда, яъни Мовароуннаҳрда феодал тарқоқлик кучайган, Абдуллахон II нинг мамлакатни бирлаштириш ва марказий давлат аппаратини мустаҳкамлаш учун тинимсиз урушлар олиб борган бир замонда ҳаёт кечирди. Олим бунга мана бу ибораларда ифодалади: «Ҳар тарафдан тескари шамол эсарди. Ҳар бурчакдан фитна гарди осмонга кўтариларди. Ҳар кунни жигарни ўртайдиган олов ёқиларди. Ҳар замон бало тўфони юқори кўтариларди. Соғу саломатлик анқодек¹ махфийлик пардаси остига яширинган эди. Тинчлик ва хотиржамлик кибрити ахмар² ва ақлу хунарнинг ривожкоридек кўринмай кетганди. Омонлик ва тўғрилик жаҳондан нафратланиб, интизом ҳам жамият юлдузлари тўдасидагина чегараланиб қолганди» («Шарафномаини шоҳий», 1-жилд, 38-бет).

Асар мазмунига ўтишдан аввал шунга ҳам айтиш керакки, Ҳофизи Таниш Бухорий, замон тақозосига кўра, асарда маълум даражада ҳукмрон синфнинг мақсад ва манфаатларини ифода қилишга ҳаракат қилган, хон ва унинг атрофидаги аслзодаларни, бойлар ва нўёнларни кўкларга кўтариб мақтаган, меҳнаткаш халқнинг ҳол-аҳволи бўлса кўп ўринларда сояда қолган. Лекин асар фактик материалга бой, воқеалар озми-кўпми объектив ёритилган, айрим ўринларда хонлар, султонлар ва амирларнинг баъзи хислати ва характери ҳам очиб берилган. Масалан, олим Абдуллахоннинг бобоси Жонибек султон ҳақида гапирар экан, уни мўмин-мусулмон, динпарвар ва одил бир киши сифатида таърифлайди: «[У] шундай динпаноҳки, — деб ёзади Ҳофизи Таниш Бухорий, — дин ҳукмларини танқид қилиш [ва] саййид мурсалиннинг (ҳазрати пайғамбаримизнинг)

¹ Анқо — номи бор, лекин ўзи йўқ бир афсонавий қушнинг номи.

² Кибрити ахмар — қизил олтингургурт; иксер.

«шаръий амр-фармонларини [мўмин-мусулмонларга] етказиш ишини тўла бажо келтирадиди; ҳукумат ва сиеъат ишларини қувватлаш ва ижро этишда ошққмас эди. Лекин жаҳли чиққан пайтларда ихтиёр жиловни [унинг] ҳайрат ва гурур қўлидан тушарди; [лекин] тойилувчиларнинг хатолари устига афву каромат этагини ёпарди» («Шарафномаини шоҳий» 1-жилд, 113-бет). Муҳими шундаки, олим тож-тахт соҳибларини адлу-инсофга чақиради: «Бу дунё ўтиб кетувчи соядир, [чунки] соя гоҳ олдинда, гоҳ орқада бўлади. Имконият борида [одамларга] яхшилик қил. [Билгилки] ҳамма вақт [ҳам бунга] имкон бўлавермайди. Жаҳонда агар [бир] заҳира талаб қилсанг, яхши ном [энг] яхши заҳирадир» («Шарафномаини шоҳий», 1-жилд, 98-бет).

Хуллас, «Шарафномаини шоҳий» йирик шоҳ асар бўлиб, уни Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонкушой» ва Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таворих» асарлари қаторига қўйса арзийди. Йирик шарқшунос олим В. В. Вельяминов-Зернов жуда тўғри айтганидай, «Шарафномаини шоҳий» устида қанча кўп ишласанг, унда ўрганиш лозим бўлган шунча кўп янги фактлар очилади. Шунинг учун ҳам бу асар кўп вақтлардан бери шарқшунос олимларнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келаётир. Ўз вақтида асар ҳақида В. В. Вельяминов-Зернов, академик В. В. Бартольднинг шогирди Л. А. Зимин, Содиқ Мирзаев, М. А. Салоҳиддинова, Н. Сайфиев, инглиз олимлари Г. Эте, Ч. А. Сторилар ўз фикрларини айтиб ўтишган. В. В. Вельяминов-Зернов, Л. А. Зимин, Содиқ Мирзаев ва М. А. Салоҳиддиновалар асарнинг бир қисмини рус ва ўзбек тилларига таржима ҳам қилган эдилар. В. В. Вельяминов-Зерновнинг таржимаси (у асарнинг жуда оз қисмини ташкил этган) чоп этилмаган. Л. А. Зиминнинг таржимаси эса, И. И. Умняковнинг сўзларига қараганда, 1918 йили қисман Тошкентда чоп этилган, лекин олимнинг тез орада Ўзбекистондан кетиб қолиши натижасида бу иш тўхтаб қолган. В. В. Бартольд 1924 йили Л. А. Зиминнинг таржимаси ва «Шарафномаини шоҳий» ҳақидаги материалларини тўплаб нашр қилиш зарурлигини айтган эди. Афсуски, бу иш ҳам амалга оширилмади. Содиқ Мирзаев ва М. А. Салоҳиддинова асарнинг тўртдан бир қисмини ўзбек ва рус тилларига таржима қилиб улгурдилар, унинг шу кунгача фақат I—II жилдларигина чоп этилди, холос.

«Шарафномаини шоҳий» саж (қофиялашган наср) билан ёзилган, тили ва услуби бирмунча оғир. Олим турли ўхшатиш ва истиоралардан кенг фойдаланган. Бир-икки мисол келтирамиз: «[Юнусхон] содиқлик ипини тугиб, уни ўзига боғлади» (уйланди демоқчи). «...боғу роғ саҳни етти хил ранглик либос кийиб, тоғу саҳронинг сирти чиний нақшлик хонанинг рашкини келтирадиган бўлганда...» (эрта баҳорда). «...унинг буюклик ва улуғлик офтоби... [ўзининг] махфий пардасига яширипти; умид ва орзулари фалокат офтобининг шаҳодат магрибига ботди» (ўлди демоқчи).

Бундан ташқари, асарда оят, ҳадис, турли араб иборалари (мақоллар) ҳам кўп. Ҳофиз Таниш ҳамма жойда воқеаларни на ср ва назм билан берган. Шеърлар (тўртликлар, маснавийлар, қитъалар, марсиалар) нинг кўпчилиги муаллифнинг қаламига мансуб бўлиб, зўр маҳорат ва санъат билан ёзилган. Баъзилари бошқа шоирлар, хусусан Мушфиқийга тегишлидир.

Муаллиф асарни ёзишда хон саройида юритилган махсус кундаликлар, ишончли ва воқеаларнинг шоҳиди бўлган кишилар оғзидан ёзиб олинган маълумотлардан фойдаланган. Биринки мисол. У 1551/52 йили Абдуллахон билан Наврўз Аҳмадхон (Бароқхон) ўрталарида Қосон (Қашқадарёга қарашли Қосон) ёнида бўлган уруш тафсилотини баён этаркан, уни «ўша воқеа тепасида бўлган ва [уни] ўз кўзи билан кўрган бир гуруҳ одамлардан эшитдим», деб ёзади. Яна ўша Абдуллахоннинг Наврўз Аҳмадхоннинг ўғли Дўстим султон билан Фороб¹ ёнида 1554 йили қилган уруши тафсилоти ҳам ўша уруш қатнашчиларининг маълумотига асосланган. Ҳофиз Танишнинг ахборотчилари кўпроқ кекса ва хоннинг яқин кишилари бўлган: «Ушбу сатрлар муаллифи ул ҳазратнинг (Абдуллахоннинг) ёки паҳлавонларидан бўлган мулла Келдидан шуни [ҳам] эшитган эдимки...». Асарда баён этилган кўп воқеалар муаллифнинг иштирок этган ва ўз кўзи билан кўрган воқеалардир. Манбаларнинг бу қадар ишончли бўлиши, шубҳасиз, асарнинг қимматини оширган.

Асар муқаддима ва икки қисмдан иборат (асарнинг иккинчи талқинида ҳар иккала қисм (мақола) қўшиб юборилган).

Муқаддимада Абдуллахоннинг наслу насаби, унинг ўша замоннинг йирик руҳонийларидан хожа Муҳаммад Исломога муридлиги, Чингизхон, Жўчихон, Муҳаммад Шайбонийхон ҳақида, шунингдек Мовароуннаҳрнинг XV аср охири ва XVI аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳақида қисқа маълумот келтирилади.

Биринчи мақола Мовароуннаҳр, Жанубий Туркистон (ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисми) ва Хуросонда 1557—1583 йиллар орасида бўлиб ўтган воқеалар, яъни Абдуллахон II давлатининг зуҳуридан то Абдуллахоннинг хонлик маснадига ўлтириши ва ўз номига хутба ўқитиб, худ зарб эттиришигача кечган катта даврни ўз ичига олади. Маълумки, бу давр ичида Абдуллахон II ўзаро феодал урушлар орқасида майда-майда қисмларга бўлиниб кетган Мовароуннаҳрни ўз туғи остига бирлаштириб, марказий давлат тузиб олишга муваффақ бўлди.

Иккинчи мақола 1583—1588 йиллар, яъни Абдуллахон II нинг тахтга ўлтиришидан то Ҳиротнинг узоқ муддат давом этган қамалдан сўнг шайбонийлар қўшини тарафидан фатҳ этилишигача бўлган даврни ўз ичига олган. Шу давр ичида кечган тарихий воқеалар батафсил ва атрофлича баён этилган.

¹ Фороб — Жайхуннинг ўнг соҳилида, Чоржўй рўпарасида жойлашган ўрта аср шаҳари.

Асарда тарихий воқеалар баёни билан бир қаторда Бухоро хонлигининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, маданий ҳаёти, Шайбонийлар давлати ва қўшинининг тузилиши, Бухоро хонлигининг Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон ва Русия давлатлари билан олиб борган сиёсий ва савдо алоқалари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган.

Хонлиқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи борасида келтирилган маълумотлар орасида «иктоъ», «суюрғол», «танҳо» ва «жогир» феодал институтлари, улус тартиби ва унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги моҳияти ва ўрни, аҳолидан йиғиладиган турли-туман солиқ ва жарималар: хирож (мол), ихрожат, тағор, улуфа, қўналға, бегор, мадади лашкар, бож, тамға, тансуқот, туҳфа (совғот, тортиқ, ҳадя) ва ҳ. к. маълумотлар, шунингдек ҳарбий-феодал зодагонлар ҳаётида катта ўрин тутган ҳарбий ўлжа ҳақидаги маълумотлар алоҳида қимматга эгадир. Қўшни юртлар ва халқлар устига тез-тез уюштириб туриладиган урушлар ва бундай урушларнинг феодал жамиятда тутган ўрни ҳақидаги маълумотлар ҳам муҳимдир. Асарда хонлар, йирик феодаллар тарафидан Жиззах, Насаф, Ҳисори Шодмон ва Жайхуннинг сўл қирғоғидаги вилоятлардаги қўриқ ерларнинг маҳаллий аҳолини сафарбар қилиш йўли билан (мардикор ишлатиш йўли билан) ўзлаштирилиши, шаҳар, сув омборлари, сардобалар қурилиши ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Шунингдек, ҳунармандчиликнинг умумий аҳволи ҳақида ҳам кўп муҳим маълумотлар учратамиз.

Асарда Шайбонийлар давлатининг тузилиши ҳақида ҳам муҳим маълумотлар учратиш мумкин. Масалан, марказий давлат аппарати — девонлари турли-туман мансабдорлар: оталиқ, нақиб, вазири аъзам, вазир, девонбеги, мушриф, хазиначи, шиғовул, эшик оғабоши, парвоначи, садр, мирохур, чухра оғаси, тавочи, жарчи, мунший, туғбеги, қурчибоши, баковул, фаррош кабилар ва уларнинг жамиятда тутган ўрни, ҳуқуқ ва вазифалари ҳақида диққатга молик маълумотлар учратамиз. Шайбонийлар қўшини эса Ҳофиз Таниш Бухорий келтирган маълумотларга қараганда, отлиқ ва пиёда аскарлар, шунингдек ўзига хос замбаракчилар (нафтандозлар, манжапқчилар, тош отувчилар) дан ташкил топган. Унинг асосий қисмини лашкар, яъни ҳарбий юриш олдидан вилоятлардан тўнланадиган аскарлар ташкил этган. Аскарлар, асосан, ўқ-ёй, найза, қилч, гурзи ва нарвонлар билан қуролланган. XVI аср ўрталарига келиб шайбонийлар қўшинида асосан хорижий мамлакатлардан келтирилган пилта милтиқлар ва кичик замбараклар пайдо бўлди.

Асарда мамлакатда XVI асрда, айниқса унинг иккинчи ярмидан бошлаб илм-фан ва маданият ҳам бир қадар ривожланганлигини кўрсатувчи маълумотлар бор. Фан ва маданият айниқса хонлик пойтахти бўлмиш Бухорода равнақ топди. Биринчидан, Абдуллахон даврида шаҳар атрофидаги, унда тахминан бир фарсах (6—7 км) масофада бўлган Сумитон (Жуйбор) қишлоғини ҳам шаҳарга қўшиб, унинг жануби-ғарбий тарафи-

да янгидан девор олинди. Ана ўша Сумитонда, Жуфйбор жокаларининг бобокалони Абубакр Саъд мақбараси атрофида мачит, мадраса ва хонақоҳ бино қилинди, бинолар теварагида эса ниройли чорбоғ бунёд этилди. Сумитондан то шаҳар марказигача кенг хиёбон чиқарилиб, унинг икки тарафига анвойи дарахтлар ўтқазилди. «Шарафномаи шоҳий» муаллифининг гувоҳлик беришича, Сумитонни шаҳарга қўшиб олиш ва уни обод қилиш ишлари, Бухоронинг ҳам обод бўлиши қарийб ўн йил (1559—1568) давом қилган («Шарафномаи шоҳий», 1-жилд, 279—280-бетлар). Бундан ташқари, Абдуллахон II даврида фақат Бухоронинг ўзида бир эмас, балки тўртта мадраса (Абдуллахон, Гавкашон, Фатхулла қушбеги, Хожя Муҳаммад Порсо мадрасаси), янги Чорсу (1570 йили), Кармина яқинида Зарафшон устига кўприк (1582) қурилди. Шаҳар марказида қурилган Абдуллахон тими деб аталган усти ёпиқ бозор эса нафақат Мовароуннаҳрда, балки бутун жаҳонда машҳур бўлди. Масжид, мадраса, карвонсарой, ҳаммом ва бошқа олий бинолар Самарқанд, Тошкент ва Балх сингари катта шаҳарларда ҳам қурилди. Карвон йўллари устида эса кўприклар, сардобалар қурилди; Вахш, Зарафшон ва Жайхундан наҳрлар чиқарилиб, кўплаб қишлоқ ва шаҳарлар сероб қилинди. Асарда нафақат Бухоро, Самарқанд ва Балх шаҳарлари, балки Тошкент, Термиз, Кўлоб, Ҳирот шаҳарлари ҳақида ҳам эътиборга сазовор фактли маълумотлар бор.

Бу ўринда ҳижрий 966-976 (1559—1571) йиллари Абдуллахон II тарафидан Бухорога яқин Сумитон қишлоғида қурдиртирилган мадраса, масжид, хонақоҳ ва бошқа иморатлар ҳақида келтирилган маълумот диққатга сазовардир. Асарда бу ҳақда, масалан, мана буларни ўқиймиз: «Тангри таолонинг қўллаб-қувватлаши билан хонлик курсиси ва жаҳондорлик мансаби соҳибқирон ҳазратларига қарор топиб, кунлар саҳни ул ҳазратнинг адолат нурлари ва марҳамат асарлари билан безалгач, ўзидан кейин нодир нишонлар, яхши ном ва эсдаликлар қолдиришни истади... Халқ муқтадосининг (хожа Муҳаммад Ислонинг — Б. А.) улуг боболари имом Абубакр Саъднинг¹ нурлари файзли мазори ёнида хонақоҳ, масжид, мадраса ва бошқа олий бинолар қуриб, атрофини ажойиб ва зебо боғу бўстонлар билан безашни кўнгли саҳифасига ёзган эди. Шунинг учун тарих 966 йилда тажрибали муҳандислар, синчков меъморлар вақт толеъини аниқлаб, бино вақтини белгиладилар... Йиллар, ойлар ва кунлар ўтиб, андак замонда, тахминан ўн йил ичида, шундай бир (мухташам) бино... қурилиб битдики, каримлар ҳимматининг фазоси каби кенг саҳнини турли мевали дарахтлар билан безатдилар. Унинг ўртасига ғоят тоза ва тиниқликда офтоб чашмаси каби ярақлаган кавсар мисол ҳовуз ҳам қурдилар. Ул кўнгил очадиган бинолардан ҳар бири баланд пештоқларни ва кенг равоқларни ўз ичига олиб, қутли асар усталар, моҳир нақ-

¹ Абубакр Саъд — сомонийлар даврида ўтган нуфузли дин арбоби (970 йили вафот этган).

қошлар уларнинг юзига олтин ва ҳал билан ажиб нақшлар солиб, бениҳоят латиф ва зебо қилиб турлича такаллуфлар билан, кошнлар билан безадилар. Олий масжидда беш вақт намоз ўқилар эди. Ҳушнов ҳофизлари Қуръон оятларини оҳанг билан ўқишларидан осмон авжида фаришталар рақса тушардилар. Мадрасасида машҳур олим ва фозиллардан бири муаллимлик маснадида ўлтириб, диний ва дунёвий илмлардан дарс берарди...

У ерда таълим олувчилар ҳам яхши маош билан таъмин этилиб, хотиржамлик билан илм муталаа қилиш билан банд эдилар. Файзгоҳ хонақоҳнинг ходимлари ҳар куни мискин, етим ва есирга таом беришга аҳамият берардилар.

Нурлари файзли мазор ёнига комкор (Абдуллахон) учун олий жаннатнинг рашки келадиган бир чорбоғ ҳам қурдирдилар. [Боғ ўртасига]. Чин нақшхонаси тақлидида бир бино қурдирдиларки, олам пайдо бўлгандан бери унга ўхшашини ҳеч ким кўрмаган...

Шаҳар дарвозасидан то ўша боғгача бўлган тахминан бир фарсах масофада, йўлнинг икки тарафига иккита ариқ қаздилар ва унинг четларига дарахт ўтқаздилар.

Хон ҳазратларининг аркони давлати ва аъёнлари, хусусан ўша пайтда олий муҳрдорлик мансабида бўлган амир Халифа мазкур иморатларни битиришда тамом эҳтимом кўрсатди. Иқтидорли амир Жонкелдибий, эътиборли амирзода Валижон мирзо ҳамда амир Жултойбий боғу гулзорларни файз асар мазорнинг атрофига тартиб, зийнат ва такаллуф билан экдилар. Бинолар ва боғ ҳазрат соҳибқироннинг қуввати ва олий ҳиммати орқасида қисқа вақт ичида тамом битказилиб, басийрат аҳлининг кимё асар назарига мақбул бўлди...»

Хонлик шаҳарларида илм-фан, адабиёт ва китоб санъати ҳам ривож топди. Биз сўз юритаётган «Шарафномаи шоҳий» ҳам ибн Араб Муҳаммад қатағоннинг «Мусаххир ал-билод», Амин Аҳмад Розийнинг «Ҳафт иқлим» каби қимматли тарихий асарлари, Мутрибийнинг «Тазкират уш-шуаро», «Нухайи зебойи Жаҳонгир» биографик асарлари каби Абдуллахон даврининг маҳсулидир. Асарда Бухорода яшаб ижод этган Мушфиқий, Низом Муаммойи, Муҳаммад Дарвиш Охунд, Қози Поянда Зоминий, мулла Амир Муҳаммад Амин Зоҳид, мавлоно Абдулҳаким каби кўплаб илоҳиёт олимлари, табиблар ва шоирлар ҳақида ҳам маълумотлар бор. Шунингдек, ўзига хос хатотлик ва наққошлик мактаби шакллангани ҳақида ҳам муҳим далиллар бор. Ҳофизи Таниш Бухорий машҳур Султон Али Машҳадий, Маҳмуд ибн Исҳоқ аш-Шаҳобий, Дарвиш Муҳаммад Бухорий, мавлоно Маҳмуд Музаҳҳиб, Жалолиддин Юсуф, Муҳаммад Мурод Самарқандий каби жуда кўп намояндаларнинг номини ҳам тилга олиб ўтган.

Асарда Бухоро хонлигининг Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Қошғар, Русия ва бошқа мамлакатлар билан XVI асрда олиб борган элчилик, савдо ва маданий алоқалари ҳақида ҳам илм-фан


учун ўта муҳим маълумотлар келтирилади. Бу маълумотлар орасида Бухоро хонлиги билан Ҳиндистон ўртасидаги 1572—1573, 1577, 1578, 1586 йиллари элчилик алмашинуви, 1583 йили Бухоро элчисининг Москвадан қайтиб келиши, 1584 йили Шарқий Туркистон, Мўғулистон, Хоразм ва Эрон элчиларининг Бухорога келиши, туркиялик мерган ўқчиларнинг шайбонийлар кўшинида хизмат қилиши, Бухорода фаолият кўрсатиб турган ҳинд савдогарлари уюшмаси ҳақидаги тафсилотлар зўр қимматга эга. Умуман, «Шарафномаи шоҳий» да келтирилган бу ва бошқа маълумотлар Бухоро хонлигининг ташқи сиёсатини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

«Шарафномаи шоҳий» муаллифи мусулмон руҳонийларининг, масалан, Мовароуннаҳр ва Хурсонда жуйборий хожаларнинг, Бадахшонда Шайх Ҳалиллуллоҳнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва роли ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтирган. Маълумотлар Абдуллаҳон ва унинг давлати тепасида турганлар ана шу улкан давлатни бошқаришда хожа Муҳаммад Ислоҳ ва хожа Саъд каби йирик руҳоний намояндаларнинг кўмагига, қўллаб-қўлтиқлашига суянганликларини яққол кўрсатади.

Ҳофизи Таниш Бухорийнинг бу асарида Мовароуннаҳр ва унинг ҳудудларида, шунингдек Жанубий Туркистонда XVI асрда истиқомат қилган турк-мўғул қабилалари: жалоир, найман, қорлиқ, қипчоқ, қатағон, ўтарчи, беш юз, шақоқу, қулон оёни, керонт, олчин, минг, баҳрин, уйғур, қангли, қўнғирот, дўрмон, қўшчи, можор, уйшун, чашму абру, булачи, арғин, ёбу, кенас, манғит, тубайи, нукуз, қиёт, бошқирд кабилар ҳақида ҳам фавқулодда муҳим маълумотлар келтирилади. Бу маълумотлар нафақат ўша қавмлар тарихини, балки ўзбек халқининг этник тарихини ўрганишда ҳам муҳимдир. Бундан ташқари, хон ва султонларга ҳадя, тортиқ қилиш (ҳар бир нарсадан тўққиз нафардан) тартиби, одамлар орасида амалда бўлган одатлар ҳақида ҳам қизиқ фактлар бор.

«Шарафномаи шоҳий» тарихий асар бўлиш билан бирга, XV—XVI асрга хос бадий асар ҳамдир.

«Шарафномаи шоҳий» нинг қўлёзма нусхалари кўп. Унинг яхши нусхалари Санкт-Петербург, Тошкент, Боку, Қозон ва Душанбе кутубхоналарида, шунингдек Англия, Ҳиндистон кутубхоналарида сақланади.



III. СИЙМОЛАР, СУЛОЛАЛАР, АТАМАЛАР

Абдурахмон Толеъ (Абдурахмон Давлат)

Бухоролик мунажжим ва тарихчи олим. Ҳаётига оид маълумотлар жуда кам. Ўзининг айтишига қараганда, у Бухоро хони Абулфайзхон (1711—1747) замонида ўтган ва ҳукумат доираларига, хусусан, амир Абдуллоҳ қушбегига яқин киши бўлган. Абдурахмон Толеъ «Тарихи Абулфайзхон» номли муҳим бир асар ёзиб қолдирган. Бу XIII асрнинг биринчи ярмидаги Урта Осиёнинг сиёсий аҳволига оид қимматли манба бўлиб, Аштархонийлар давлатининг феодал кураш кучайиб кетган ва Эрон подшоси Нодиршоҳ (1736—1747) нинг босқинчилик юриши натижасида инқирозга юз тутган даври ҳақида ҳикоя қилади. Олимнинг мазкур асари ҳукмрон феодал синфнинг мақсад ва манфаатларини кўзлаб ёзилганига қарамай, аниқ, муҳим маълумотларга бой. Асар ўша даврда Ражабхон бошлиқ мустақил Самарқанд беклигининг ташкил топиши (1722—1728), Зарафшон воҳаси ва Шаҳрисабз водийсида бўлиб ўтган ғалаён ҳамда кўзғолонлар ва уларнинг асосий сабабларини кўрсатиб бера олган. Асарни проф. А. А. Семёнов рус тилига таржима қилиб, тегишли изоҳ ва иловалар билан 1959 йилда Тошкентда чоп этган.

Абулғози Баҳодирхон

Шайбонийлар сулоласидан, Хива хони (1645—1663) ва йирик тарихчи олим, табиб. Ҳабаш султон ва Илборс султонлар оталари Араб Муҳаммадхонни енгиб, уни Қум қалъасига қамадилар. Отасининг тарафдорлари бўлган Исфандиёр Эронга, Абулғози султон эса Бухорога Имомқулихон (1611—1642) ҳузурига қочди. 1623 йилда Исфандиёрхон билан ўрталарида шизо чиқиб,

1627 йилда қозоқ хони Эшимхон ҳузурига қочиб борди, сўнг икки йил Тошкент ҳокими Турсунхон ҳузурига бўлди. Кўп ўтмай, хивалик туркманларнинг тақлифига биноан у яна Хоразмга қайтди. Исфандиёр уни Хива ҳокими этиб тайинлашга мажбур бўлди. 1629 йилда Хива туркманлари Эронга тобе бўлган Нисо ва Дурунга босқин қилдилар. Исфандиёрхон Хиванинг Эрон билан муносабатларининг бузилиб кетишидан чўчиб айбни бутунлай Абулғози султонга тўнкади ва уни 1630 йилнинг қишида Эрон подшоси шоҳ Сафи I (1629—1642) ҳузурига гаров тариқасида жўнатди. Абулғози султон шу тариқа ўн йил Эронда, Исфаҳон яқинида жойлашган Таборак қалъасида қамоқда яшади. 1639 йилнинг ёзида у тутқунликдан қутулишга муваффақ бўлди. 1641 йилнинг ўрталаригача Абулхон ва Мингқишлоқда истиқомат қилди. 1643 йилда ороллик ўзбеклар уни хон қилиб кўтардилар. Орадан икки йил ўтгач, Абулғози султон Хива тахтига ўтирди. У Хивада феодал тарқоқликни тугатиш, марказий давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг мустақиллигини таъминлаш учун кураш олиб борди. Абулғози хон 1663 йилда ҳокимиятни ўгли Анушахонга топширди ва орадан кўп ўтмай, ўша йилнинг 12 августига ёруғ жаҳондан кўз юмди.

Абулғози Баҳодирхон етук тарихчи олим сифатида эътиборга сазовордир. Унинг «Шажарайи тарокима» ва «Шажарайи турк» асарлари Урта Осиё халқлари тарихига оид қимматли манбалардан ҳисобланади. «Шажарайи тарокима»да туркларнинг афсонавий подшоси Уғузхон, унинг авлоди ва уларнинг замонида юз берган воқеалар қисқача баён этилиб, туркман уруғлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Иккинчи асар асосан Чингизхон ва унинг авлодлари, хусусан Хоразмда 1512 йилдан ҳукмронлик қилган шайбонийлар ҳақидадир. Абулғози хоннинг бу асарлари рус, француз, немис тилларига таржима қилиниб чоп этилган. Абулғози тибб илмига оид «Манофиъ ул-инсон» («Инсон учун фойдали тадбирлар») деган китоб ҳам ёзган. Асар тўрт қисмдан иборат: биринчи қисмда — турли оддий дорилар, иккинчисида — мураккаб дорилар, учинчи қисмда — умумий даволаш усуллари ҳақида, тўртинчи қисмда эса олим ўзидан олдин ўтган табибларнинг беморларни даволаш хусусидаги фикр-мулоҳазалари ва айни пайтда ўзининг фикр-мулоҳазаларини ҳам келтиради. Асарнинг аҳамияти шундаки, унда муаллиф халқ табobatiда қўлланилган дорилар ҳақида қимматли маълумотлар келтирган.

Анқара жанги

1402 йил 20 июлда Амир Темур билан усмонли турк султони Боязид I Йилдирим (1389—1402) қўшинлари ўртасида Анқара ёнида бўлган уруш. Унда ҳар икки тарафдан 200 мингдан ортиқ аскар қатнашди. Яқин Шарқда усмонли турклар, шунингдек Миср султони ал-Фараж (1399—1405) нинг, шунингдек,

жалоиррийлар (1336—1432) ва қорақуюнлилар (1380—1468) нинг сиёсий ва ҳарбий қудрати ошиб, Темур империясининг жануби-ғарбий вилоятларига хавф туғдирганлиги бу урушнинг очилишига асосий сабаб бўлди. Амир Темур бу урушга қарийб икки йилдан ортиқ тайёргарлик кўрди: ўша йиллари Кичик Осиё ва Суриянинг бир қатор шаҳарлари (Сивас, Халаб ва ҳ. к.) ни ишғол қилди. Урушга Боязид I ҳам пухта тайёрланиб, Сивасдан 150 км ғарбда Амир Темурнинг отлиқ қўшинлари учун ноқулай бўлган ўрмонзор тоғ ёнбағрида шайланиб турди. Амир Темур Боязид I қўшинлари билан бу ерда жанг қилиш режасидан воз кечиб, ўз қўшинларини Қизил йрмоқ дарёсининг сўл соҳилидан туркларнинг орқа томонига олиб ўтиб, Анқарани қуршаб олди. Боязид I орқага қайтишга ва ўзи учун ноқулай шaroитда жанг қилишга мажбур бўлди. Жанг 11 июль тонгда усмонли турк қўшинларининг ҳужуми билан бошланди. Турклар Амир Темур қўшинларининг ўнг қанотидан ҳужум қилдилар ва унинг орқа тарафига ўтиб, асосий кучларни эҳтиётдаги қисмлардан ажратиб қўймоқчи бўлдилар. Лекин бу ҳужумни Темурнинг отлиқ қисмлари қайтара олди. Шундан сўнг ўнг қанотдаги қўшинлар тўхтовсиз қарши ҳужумга ўтиб, туркларнинг асосий кучларини эҳтиётдаги қисмлардан ажратиб қўйди ва уни қуршаб олди. Темурнинг манглай ва сўл қанот қисмлари ҳам ҳужумга ўтиб, турк қўшинининг иккала қанотини тор-мор этди. Уларнинг марказдаги сара кучлари ҳам янчиб ташланди. Турк қўшинларининг омон қолган қисмлари тумтарақай қоча бошладилар. Боязид I нинг ўзи асир олинди. Амир Темур лашкарлари Боязид I қўшинларининг қолган-қутган қисмини таъқиб этиб, Туркиянинг шаҳарларидан Бурса (Брусса) ни ағаллади ва Мармар денгизи соҳилларига чиқиб олди. Боязид I ва қўшинларининг мағлубияти усмонли турк империясининг марказлашувини, Константинопол (Стамбул) нинг турклар томонидан босиб олинишини тўхтатди.

Араб халифалиги (632—1258)

Арабистон ярим ороли, Яқин ва Урта Шарқ мамлакатлари, Шимолий Африка, Испания, Урта Осиё ва Кавказ ортини ўз ичига олган йирик феодал давлат. VII—VIII асрларда ташкил топган. Халифалиkning асосчиси Муҳаммад пайғамбарнинг яқин сафдоши халифа Абубакр (632—634) дир.

Араблар юқорида зикр этилган мамлакатларни 633—715 йиллар орасида босиб олдилар ва ўз ҳукмронлигини ўрнатдилар. Бу мамлакатлар асосан хулафойи Рошидин (632—661) ва Муовиялар (661—750) замонида истило этилди. Лекин аббосийлар (750—1258) бу улкан ҳудудни бир бутун тарзда сақлаб қололмадилар. Ички феодал кураш ва халқ қўзғолошларининг таъсири остида Араб халифалиги VIII асрнинг охиридан бошлаб майда-майда қисмларга парчаланиб кета бошлади: 788 йили Мағрибнинг ғарбий қисмида (ҳозирги Марокаш) ид-

рисиёлар (789—926), унинг шарқий қисмида (ҳозирги Тунис) аглабийлар (800—909) ҳукмронлиги ўрнатилди. Эрон ва Мовароуннаҳрда эса IX асрнинг 20-йилларидан бошлаб маҳаллий сулолалар: тоҳирийлар (821—873), саффорийлар (867—1495) ва сомонийлар (819—1005) мустақиллик эълон қилдилар. Улар Араб халифалигига номигагина тобе бўлиб, аслида мустақил давлатлар эдилар. Шундай қилиб, аббосийлар ҳукмронлиги даврида Араб халифалигига фақат Ироқ, Кавказ орти ўлкалари, Сурия, Фаластин ва Миср қарар эди, холос.

Босиб олинган мамлакатларни халифа томонидан юборилган ноиблар идора қилдилар. У ерлардаги ишлаб чиқарувчи кучлар, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тараққиёти ва маданият арабларникига қараганда бирмунча юқори эди. Шунинг учун ҳам араблар бу муносабатларга бирор-бир ўзгартиш кирита олмадилар ва фақат асоратга солинган халқлардан хирож, жузья (жон солиғи) ва ўлпон олиш билан кифояландилар. Араб халифалиги 1258 йили мўғуллар тарафидан битрилди.

Аштархонийлар (жонийлар)

Шайбонийлардан (1500—1601) сўнг Мовароуннаҳрни идора қилган сулола. Аштархонийлар (1601—1757) Жўчихон наслдан бўлиб, XIV асрнинг 80-йилларидан бошлаб Астрахан (Хожи тархон) ва унинг атрофидаги ерлар ва халқлар устидан ҳукмронлик қилган. 1556 йил Астраханни Русия босиб олгандан кейин аштархонийлардан Ермуҳаммадхон болалари ва қариндошлари билан Искандархон ҳукмронлиги йилларида (1561—1583) Бухорога келди. Тарихий маълумотларга қараганда, Искандархон Ермуҳаммад ва унинг ҳамроҳларини иззат-ҳурмат билан кутиб олиб, қизи Зухраҳонимни унинг ўғли Жонибек султонга берган. Жонибек султон Зухраҳонимдан уч ўғил (Динмуҳаммад, Боқи Муҳаммад, Вали Муҳаммад) кўрган. Динмуҳаммад Абдуллахон II замонида Нисо ва Абивард ҳокими бўлган. Абдулмўмин ўлдирилгандан кейин амирлар ва руҳонийлар наслдан тожу тахтга муносиб бошқа бирон киши топилмагач, Жонибек султонни хонлик тахтига ўтказмоқчи бўлдилар. Лекин катта ўғли Динмуҳаммад номига хутба ўқилди. Аммо у Ҳирот яқинида сафавийлар билан бўлган урушда ҳалок бўлди. Охири тахтга Жонибек султоннинг ўртанча ўғли Боқи Муҳаммад ўтказилди. Шундан бошлаб Бухоро хонлиги яна бир ўзбек сулоласи—аштархонийлар қўлига ўтди. Аштархонийларнинг ҳукмронлиги йилларида мамлакатда феодал тарқоқлик, тож-тахт учун кураш бениҳоят кучайди. Дашти қипчоқ кўчманчилари, Хоразм хонлари (Абулғозихон, Анушахон) Мовароуннаҳрга тез-тез ҳужум қилиб, кўпгина қишлоқларни, ҳатто Бухоро ва Самарқанд атрофларини ҳам талон-торож қилдилар. Эрон ва Ҳиндистон ҳукмдорлари эса Мовароуннаҳрнинг ички ишларига аралашиб турдилар. Феодал тарқоқлик Убайдулла-

хон II замонида (1702—1711) шу даражага бориб етдики, Маҳмудбий оталиқ (қатағон қабиласи бошлиқларидан) 1706 йили Балхда ҳокимиятни бутунлай қўлга киритиб олди. Самарқанд ва Ҳисорда юз қабиласи, Шаҳрисабз билан Насафда кенгас ва манғит қабилалари марказий ҳукуматга қарши исён кўтардилар. Самарқандда эса найман ва сарой қабилалари ўртасида кўпдан бери давом этиб келаётган зиддиятлар очик тўқнашуга олиб келди. Бухорода феодал зулмга қарши халқ ғалаёнлари бошланиб кетди. Убайдуллахон II феодал тарқоқликни бартараф қилиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар кўрди: қабилла бошлиқларнинг маълум қисмини марказий ҳокимиятдан четлаштирди, руҳоний феодалларга жарима-солиқлар солмоқчи, пул ислоҳоти ўтказмоқчи бўлди. Лекин бу тадбирлар ички зиддиятларни янада кучайтириб юборди. Амирлар ва руҳонийлар хонга қарши фитна уюштирдилар ва охиросида 1711 йили Убайдуллахон бир гуруҳ сарой фитначилари тарафидан ўлдирилди. Унинг ўрнига тахтга ўтказилган Абулфайзхон (1711—1747) номигагина хон бўлиб, ҳокимият асосан бир гуруҳ нуфузли амирлар қўлига ўтиб қолди. Бухоро хонлигида юз берган иқтисодий, сиёсий тангликдан фойдаланган Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ 1740 йилнинг баҳорини Балхни эгаллашди ва ўша йилнинг кузида катта қўшин билан Амударёдан ўтиб Бухоро устига қараб от сурди. Муҳаммад Раҳим (манғит қабиласи бошлиқларидан) эронликлар билан тил бириктирди. Шундан сўнг Абулфайзхон душман олдида тиз чўкишга мажбур бўлди. Бухоро Нодиршоҳнинг ўлимигача (1747) Эронга қарам бўлиб қолди. 1747 йили Абулфайзхон ҳам бир гуруҳ фитначилар томонидан ўлдирилди. Муҳаммад Раҳим унинг 9 яшар ўғли Абдулмўминни тахтга ўтказди, лекин ордан бир йил ўтгач, у ҳам ўлдирилди. Хон қилиб кўтарилган Убайдулла III (Абулфайзхоннинг кенжа ўғли) ҳам фақат номигагина хон бўлиб, давлат ишлари тамоман ўша Муҳаммад Раҳим қўлига ўтиб қолган эди. Муҳаммад Раҳим 1757 йилда Бухоро тахтини эгаллади. Шу вақтдан бошлаб ҳокимият манғит феодаллари қўлига ўтди. Бу сулола 1920 йилгача ҳукмронлик қилди.

Ўрта Осиё уч мустақил хонликка: Бухоро, Қўқон, Хива хонлиқларига ажралиб кетди.

Аштархонийлар сулоласининг асосий ҳукмдорлари: Боқи Муҳаммад (1601—1605), Вали Муҳаммад (1605—1611), Имомқули (1611—1642), Нодир Муҳаммад (1642—1645), Абдулазиз (1645—1680), Субҳонқули (1680—1702), Убайдуллахон II (1702—1711), Абулфайзхон (1711—1747), Абдулмўмин (1747—1748), Убайдулло III (1748—1757).

Авлиё Чалабий

Туркиялик машҳур сайёҳ ва олим. Тўлиқ исми: Авлиё Чалабий Муҳаммад Залли ибн Дарвиш; 1611 йилда Стамбулда

заргар оиласида дунёга келган. Илмга интилиш Авлиё Чалабийни ўз замонасининг кенг маълумотли кишиси қилиб етиштирди. У араб, форс ва юнон тилларини, тарих, жўғрофия ва шеърят илмини чуқур эгаллади. Авлиё Чалабий бирмунча вақт Стамбулдаги Аё Сўфия масжидида ҳофизлик (қориллик) қилган, сўнг султон саройига хизматга олинади; кўп ўтмай ҳарбий хизматга жўнатилади. У бир неча бор турк армиясининг Азов (1641) ва Венгрияга (1656) қилган юришларида қатнашган. Авлиё Чалабий Кичик Осиё, Қурдистон, Сурия, Фаластин, Месопотамия, Миср ва Ҳабашистоннинг кўп жойларини кезиб чиққан (1640). У Жанубий Русия (1665), Қрим ва Кавказ (1644—1648), Украина (1656, 1680) бўйлаб саёҳат қилган. Бу мамлакатларнинг тарихи, иқтисодий-сиёсий аҳволи ва халқининг урф-одати ҳақидаги қимматли маълумотлар олимнинг «Сайёҳнинг тарихи» ёки «Саёҳатнома» деб аталган асариде келтирилган. Асарнинг қўлёзмалари Туркия, Франция, Англия ва бошқа мамлакатларнинг қўлёзма асарлар фондларида сақланмоқда «Саёҳатнома» 1897—1938 йиллар орасида турк тилида 10 жилдада нашр этилган. Унинг айрим қисмлари Фарбий ва Шарқий Оврупо тилларига, Молдавия ва Украинага оид қисмлари рус тилига таржима қилиниб, 1961 йили нашрдан чиқарилган. Авлиё Чалабий 1683 йилда вафот этган.

Абулфазл Алломий

Ҳиндистонлик йирик давлат арбоби, олим ва адиб; 1551 йилда туғилган. Абулфазл Алломий (тўлиқ исми: Шайх Абулфазл ибн Шайх Муборак) бобурий Акбаршоҳ (1556—1605) нинг вазири, бош муншийси ва энг яқин дўсти бўлган.

Абулфазл Алломий йирик ва ўта қимматли асарларнинг муаллифидир. Хусусан, унинг «Акбарнома» асари ўша Акбаршоҳга бағишланган. Олимнинг «Макотиботи Алломий» (бошқа номи «Иншои Абулфазл») асари ҳам бўлиб, унда Акбаршоҳнинг 12 вилоят ҳокимлари, Бухоро хонлиги, Эрон подшоҳлари ва Туркия султонлари билан олиб борган ёзишмалари жам қилинган. Бу мактублар Бобурийлар давлатининг қўшни Шарқ мамлакатлари билан бўлган иқтисодий (савдо) ва сиёсий муносабатларини ўрганишда қимматли материал ҳисобланади. Абулфазл таржимон сифатида ҳам ном қолдирди. У қадимий ҳинд файласуфи Пилпойк асарларидан айрим парчаларни форс тилига таржима қилиб, «Айёри Дониш» номи билан бир китобга жамлади.

Абулфазл Алломий 1603 йили Акбаршоҳнинг Деканда ҳоким бўлиб турган тўнғич ўғли шаҳзода Салим (Жаҳонгир) нинг кўрсатмаси билан Декандан Аграга қайтиб келаётганда урушқоқ бундала қабиласининг бошлиғи Сингха Деву тарафидан йўлда ўлдирилади.

Бароқхон (Наврўз Аҳмадхон)

Шайбоний Абулхайрхоннинг невараси, Суюнчхөжахоннинг ўртанчи ўғли; Тошкент ҳокими. Туғилган йили номаълум. Наврўз Аҳмад (Бароқ) хон XVI аср ўрталарида Бухоро хонлигида кучайиб кетган феодал курашдан фойдаланиб, Мовароуннаҳрни қўлга киритиб олди. Сўнгра қўшин билан Шайбонийхоннинг жияни Муҳаммад Раҳимни Бухоро устига отлангирди. Лекин Муҳаммад Раҳим йўлда тўсатдан вафот этди. Унинг ўғли Бурхон султон отасига қарашли ҳарбий қисмлар ва мулозимлари билан Бухоро остонасига етиб келди. Айни шу вақтнинг ўзиде Бароқхон Тошкентдан, Абдуллатифхон эса Самарқанддан Бухоро устига қўшин тортиб, охир-оқибат уни эгалладилар (1540). Наврўз Аҳмадхон Бурхон султонни Бухорони бошқаришда вақтинча ҳукмдор бўлиб турган Муҳаммадёр султонга шерик қилиб қўйди. Иттифоқчилар (Бароқхон ва Абдуллатифхон) Бурхон султонни ҳам ўзларига қўшиб, Миёнқол ҳукмдорлари Искандархон ва Абдуллахонга қарши юриш бошладилар. Абдуллахон Миёнқолни Бароқхонга қолдириб, Балхга кетишга мажбур бўлди ва у ерда туриб амакиси Балх хони Пирмуҳаммадхон (1546—1567) нинг ёрдами билан Бароқхонга қарши уч марта (1553, 1554, 1555) қўшин тортди. Лекин ҳар гал мағлубиятга учради. Бароқхон Абдуллатифхон вафотидан (1551) кейин Самарқандни ҳам эгаллади. Шундай қилиб, 1551—1556 йиллари Бароқхон Мовароуннаҳрни Наврўз Аҳмадхон номи билан идора қилди. Ўз помидан пул зарб эттирди. Мовароуннаҳрнинг кўп шаҳарларида унинг номи хутбага қўшиб ўқилди. Тошкентда мадраса қурдирди. У Даргом сойига яқин Работи хожа деган жойда 1556 йилда тўсатдан вафот этди.

Беркахон

Олтин Урда хони (1257—1267). Чингизхоннинг невараси: Жўчихоннинг учинчи ўғли; 1257 йилда туғилган. Беркахон (рус солиномаларида Беркай) давлатининг иқтисодий қудратини ошириш мақсадида 1257 йилда босқоқлик деб аталган махсус ҳарбий-сиёсий ташкилот тузди. Бу ташкилот ўша замонларда Олтин Урдага қарам бўлиб қолган ерларда маҳаллий ҳокимларнинг фаолияти устидан назорат ўрнатди: босиб олинган ерларда, жумладан, Русияда аҳолини рўйхатга олиш ишларини ҳам амалга оширди. Солиқ йиғиш пайтларида шафқатсизлик билан иш кўрди. Бунга жавобан айрим князликларда (1259 йилда Новгородда, 1262 йилда Ростов, Суздаль, Ярославла ва ҳ. к.) халқ қўзғолоңлари бўлиб ўтди. Беркахон Озарбайжонни Олтин Урдага бўйсундириш мақсадида Эрон элхонийларини билан қуролини кураш олиб борди. 1264 йилда Кура дарёси соҳилида Беркахон қўшинлари билан Ҳалокухон (1256—1265) қўшинлари ўртасида шиддатли жанг бўлиб, Беркахоннинг қўли баланд келди. 1265 йилда у Озарбайжон устига яна қўшин торт-

ди, ammo Тифлистан ўтгандан кейин 1267 йилда йўлда тўсатдан вафот этиб, қўшинлари орқага қайтишга мажбур бўлди.

Беркахон замонида Озарбайжон масаласида Олтин Урда билан Миср ўртасида музокаралар олиб борилди. Беркахон Озарбайжонга қарши курашда Мисрни ўзига иттифоқчи қилиб олишга уринди. Айни шу даврдан бошлаб Олтин Урда аҳолиси ислом динига киритила бошланди. Беркахон ўз ҳукмронлиги даврида савдо ва ҳунармандчиликнинг ривожланишига ҳомийлик қилди ва Олтин Урданинг иккинчи пойтахти бўлган Сарой Беркани қурдирди (1266—1267).

Бобурийлар

1526—1858 йилларда Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган сулола. Унга темурийлардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур асос солган. Чет элларда, Русияда, ҳатто Ҳиндистонда ҳам Бобури ва унинг авлодини «Буюк мўғуллар» деб аташ одат бўлиб келган. «Буюк мўғуллар» деган ибора Чингизхон ва ундан кейинги мўғул қоонлари (Ўғадой қоон, Гуюк қоон, Мунка қоон) га тааллуқли бўлиб, бобурийлар аслида юртдошимиз темурий Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг авлодларидир. Улар тарихий ҳужжатларда ўзларини «Бобурий мирзолар» деб юритишган. Академик В. В. Бартольд дунёда тарқалган «буюк мўғуллар» иборасининг хато эканлигини кўрсатиб, «Европаликлар Темурни ва унинг ўғиллари ҳамда набираларини мўғулдан тарқалган деб ҳисоблаб, [Бобур] салтанати учун «Буюк мўғуллар» деган ном тўқидилар» деб ёзадир. Бу ибора эса Европадан Ҳиндистонга «кўчиб» келиб, ҳиндлар орасида инглизча китоблар воситаси билан тарқалгандир. Сўнгги йилларда «Буюк мўғуллар» деб аталган хато ибора ўрнига «Бобурийлар» ибораси қўлланила бошландики, бу ибора тарихий ҳақиқатни тўғри акс эттиради.

Бобурийлар Ҳиндистонда 332 йил ҳукмронлик қилдилар. Бобурийларнинг вакиллари: Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1526—1530), Ҳумоюн (1530—1540, 1555—1556), Акбаршоҳ (1556—1605), Жаҳонгир (1605—1627), Шоҳ Жаҳон (1628—1657), Аврангзеб Оламгир (1658—1707), Баҳодиршоҳ I (1707—1712), Жаҳондоршоҳ (1712—1713), Фаррух Сияр (1713—1719), Муҳаммадшоҳ (1719—1748), Аҳмадшоҳ (1748—1754), Оламгир II (1754—1760), Шоҳ Олам I (1760—1788), Бидар Бахт (1788), Шоҳ Олам II (1788—1806), Акбар II (1806—1837), Баҳодиршоҳ II (1837—1858).

Бурка Султон

Шайбоний султонлардан. Сирдарёнинг қуйи оқимидаги ерлар унинг улуси бўлган. Кўчманчи ўзбеклар давлатининг асосчиси Абулхайрхон Дашти қипчоқнинг шарқий қисмини тамоман бўйсундириш учун кураш олиб борган йилларда (1431—1446)

Ибоқхон, Жонибек ва Гирайхонлар каби Бурка султон ҳам унга бўйсунидан бош тортди. XV аср ўрталарида Абулхайрхон Жўнхон наслидан бўлган кўнгина султонларнинг қаршилигини синдириб, ўз давлатини мустақамлаб олгандан кейин Бурка султон Абулхайрхонга итоат этишга мажбур бўлди. Бурка султон Олтин Урда хони Аҳмадхон, Ибоқхон, Жонибек султон ва манғит амирларидан Мусо мирза ҳамда Ёмғурчилар билан қўшилиб Абулхайрхон вафотидан (1468) сўнг тахтга ўтирган унинг ўғли Шайх Ҳайдархонга қарши уруш очди ва иттифоқчилар уни мағлубиятга учратдилар. Бурка султон 1480 йилгача ўз улусида ҳукмронлик қилди. Абулғозихоннинг ёзишича, у Абулхайрхоннинг набираси Муҳаммад Шайбонийхон томонидан ўша йили тунда тўсатдан қилинган ҳужум вақтида ўлдирилган.

Бурхонийлар

XII асрда Бухорони идора қилган ва Садри жаҳон уивони билан машҳур бўлган бадавлат ҳукмдор хонадон. Бурхонийлар аслида шаҳарнинг ханафия мазҳабидаги мусулмонлар жамоаси бошлиғи бўлиш билан бирга шаҳар маъмурияти ҳам уларнинг қўлида бўлган. Шунинг учун Бухорони босиб олган ажнабий ҳукмдорлар ҳам бурхонийларга ва уларнинг мол-мулкига дахл қилмаганлар. Бурхонийларнинг замондоши бўлган Бундорий ва Низоми Арузи Самарқандийларнинг маълумот беришича, 1141 йили қорахитойлар Самарқанд ёнида, Қатавон тўлида Султон Санжар (1118—1157) қўшинини тор-мор келтириб, Самарқанд ва Бухорони Хоразмшоҳ Отсизнинг қариндоши Отмтакинга топширган. Отмтакин эса бурхонийлар оиласидан бўлмиш имом Тож ул-ислом ибн Абдулазизнинг ихтиёрига топшириб, унга имомнинг сўзларидан чиқмасликни буюрган. «Китоби муллазода» муаллифининг айтишича, бурхонийлар хонадонига Абдулазиз ибн Умар вафотидан кейин бу лавозим ўғли Муҳаммадга берилган. Абдулазиз ибн Умарнинг авлодлари 1207 йилгача Бухорода мустақил ҳукмронлик қилдилар. Сўнг Садри жаҳон Бурхониддин ибн Аҳмад ўша йили Хоразмшоҳ Такаш (1172—1193) тарафидан мансабидан туширилди. Бурхонийларнинг баъзи намояндалари илгаригидек нуфузга эга бўлмасалар-да, имтиёзлари мўғуллар даврида ҳам асосан сақланиб қолган. Улар сомоний амирларидек тўқ ва фаровон ҳаёт кечирганлар. Саройи ҳаминша уламо, шуаро жамоаси билан гавжум бўлган.

Бухоро хонлиги

XVI—XVIII асрнинг биринчи ярмида (1500—1753) Урта Осиёда Муҳаммад Шайбонийхон асос солган йирик феодал давлат; 1533 йилга қадар мамлакат маркази Самарқанд бўлган. Убайдуллахон даври (1533—1539) да пойтахт Бухорога

жўчирилди. Давлат шу даврдан бошлаб Бухоро хонлиги номини олган. Хонликни икки сулола: шайбонийлар ва аштархонийлар едора қилди. 1510 йили Шайбонийхон Марв ёнида шоҳ Исмоил дўшинларидан енгилди, ҳалок бўлгандан кейин Мовароуннаҳр қисқа вақт Заҳириддин Муҳаммад Бобур қўлига ўтди. Лекин орадан кўп вақт ўтмай, 1512 йили шайбонийлар Бобурни мамлакатдан суриб чиқардилар ва яна Мовароуннаҳрни қўлга киритдилар. Шу вақтдан бошлаб Мовароуннаҳр тамоман шайбонийларга тобе бўлиб қолди. Уша вақтларда хонликка ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистон, Балх ва Бадахшон кирар эди. Убайдуллахон вафотидан кейин Бухоро хонлиги майда қисмларга бўлиниб кетди. Бухорода Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхон, Самарқандда эса Кўчкинчиҳоннинг ўғли Абдуллатиф мустақиллик эълон қилдилар. Балх ва Бадахшонда шайбонийлардан Пирмуҳаммадхон мустақил ҳукмронлик қилар эди. Шу йиллари шайбоний султонлар ва маҳаллий феодалларнинг ҳокимият учун кураши кучайди. Тошкент ва Туркистонда Наврўз Аҳмадхон (Бароқхон), Қармана ва Миёнқолда Искандархон, Балхда Пирмуҳаммадхон ва бошқалар мустақил бўлиб олдилар. 1551—1556 йиллари Мовароуннаҳр учун шайбонийлар ўртасидаги курашда Искандар султоннинг ўғли Абдуллахон ғолиб чиқиб, у Бухоро хонлигида ўз ҳокимиятини ўрнатди. 1557 йилдан бошлаб Бухоро узил-кесил хонлик пойтахтига айланди. Бухоро хонлиги Искандархон (1561—1583) ва унинг ўғли Абдуллахон II (1583—1598) даврида бирмунча кенгайди, унинг сиёсий мавқеи ортди. Абдуллахон II Балх (1573), Самарқанд (1578), Тошкент (1582), Фарғона (1583), Бадахшон (1584), Кўлоб (1585), Хуросон (1588), Хоразм (1595/96) устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатди, марказий давлат аппаратини мустақамлади. Шундай қилиб, XVI аср охирига келиб хонлик марказлашган улкан феодал давлатга айланди. Чегаралари Шарқда Қошғар билан, ғарбий ҳудуди Орол ва Каспий денгизи соҳилларигача бориб туташди. Хонлиkning шимолдаги чегаралари Туркистон ва Сайрамгача етиб, жанубда Хуросоннинг шарқий қисмини ўз ичига оларди.

Шайбонийлар ҳукмронлиги йилларида, айниқса, Абдуллахон II замонида Бухоро хонлигида зироатчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ривожланди, маданий ҳаёт анча юксалди. Жуда кўп суғориш иншоотлари (Зарафшон сув айирғич кўприги, Туятортар канали, ўзига хос Оқчопсой сув омбори, Вахшдан чиқарилган кўлаб ариқларнинг қурилиши) зироатчиликни бирмунча ривожлантирди. Бу вақтларда Бухоро хонлигида бугдойнинг ўн нави, сули, қўноқ, жўхори, мош, нўхат, маккажўхори, ловия, шоли, пахта, кунжут, беда, арпа, сабзавот ва полиз экинлари; боғдорчилик, поллизчилик ва ипакчилик ривожланган эди. Самарқанд, Бухоро, Хўжанд, Марғилон, Андижон, Тошкент, Жиззах, Уратепа, Шаҳрисабз ва бошқа йирик шаҳарларда ҳунармандчилик ривожланди. Самарқанд қози калонининг ҳужжатларидан маълум бўлишича, XVI асрда Самарқандда ду-

шарнинг 61 тури мавжуд бўлган. Мовароуннаҳрлик касиблар турли металл буюмлар, ип ва ипак матолар, аёло навли қоғозлар ишлаб чиқарганлар. Бухоро шаҳри кенгайтирилди, девор ва ҳарбий истеҳкомлар қайта қурилди. Малрасалар, хонақоҳ ва карвонсаройлар, янги расталар барпо қилинди. Шаҳарлар ўртасидаги савдо йўлакларида тим (усти берк раста) лар, кўчалар, чорраҳалар, ҳаммомлар, карвон йўлларида сардобалар, кўприklar қурилди.

Шайбонийхон даврида Бухоро хонлигининг Ҳиндистон, Туркия, Русия билан савдо ва элчилик муносабатлари ривожланди. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, 1572—1578 йиллари Ҳиндистонда Бухоро хонининг кўлаб элчилари бўлган. Бухорода эса Ҳиндистон подшосининг элчилари турган. 1583—1595 йиллари Бухоро элчилари ва савдо карвонлари Москва ҳам бўлишган.

1598 йилда бошланган ички сиёсий низолар натижасида Абдуллахон ва унинг ўғли Абдулмўмин ўлдирилди. Кейин тахтга ўтказилган Пирмуҳаммад II нинг ҳукмронлиги узоққа бормасди (1601 йилда ўлдирилди). Шу билан шайбонийлар сулоласи барҳам топиб, Бухоро тахтига аштархонийлар сулоласининг вакиллари ўтиришди. Шундан кейин хонликда сиёсий низо ва бошбошдоқлик яна ҳам кучайиб кетди. Феодал эксплуатациянинг зўрайиши ва ўзаро урушлар оқибатида Бухоро хонлиги янада занфлашди. 1605 йилда Балх аҳолиси элим Шоҳбек кўкалтошга қарши кўзғолон кўтариб, уни ўлдирди. 1681 йилда Зарафшон водийсининг кўп жойларида халқ ғалаёнлари бўлиб ўтди, 1708 йилда Бухорода энг катта халқ кўзғолони бўлди. Бунга Убайдуллахон ҳукумати тарафидан ўтказилган пул ислоҳоти ва пул қийматининг тушиб кетиши сабаб бўлди. 1702 йил кўзғолон кўтарган Самарқанд халқи шаҳар ҳокими Султон тўқсоболи шаҳардан қувиб юборди. Меҳнаткашларнинг феодал зулмга қарши бош кўтариб чиқишлари XVIII асрнинг 20—40-йилларида Бухоро хонлигининг кўнгина шаҳарларида: Қармана, Миёнқол, Шаҳрисабз ва бошқа ерларда ҳам бўлиб ўтди. 1722 йилда Самарқанд вилояти ҳам Бухоро хонлигидан ажралиб чиқиб, ҳокимият Ражабхон исмли бир шахснинг қўлига ўтди.

Бухоро хонлигида асосан феодал-ер эгаллигининг тўрт тури: мулк султоний (давлатга қарашли ерлар), мулк (хусусий ер эгаларига қарашли ерлар), вақф (мусулмон руҳонийлари, малраса ва масжидларга қарашли ерлар) ҳамда жамоага қарашли ерлар мавжуд эди. Аштархонийлар замонида ҳам савдо-сотиқ ишлари тараққий этди. Бухоро хонлигида феодал зулм жуда кучли бўлиб, аҳолининг кўпи ижарага ер олиб кун кечирарди. Ҳунармандлар турли солиқлардан ташқари, жарима ҳам тўлардилар. XVIII аср бошларида Мовароуннаҳрда феодал курашнинг кучайишидан фойдаланган Эрон подшоси Нодиршоҳ 1740 йили хонликка қарашли ерларнинг катта қисмини босиб олди ва у ерларга ўз одами Муҳаммад Ҳаким оталиқни юбор-

ди Натижада аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакиллари (Абулфайзхон ва ҳ. к.) ўз нуфузларини йўқота бошладилар. Манғит қабиласи бошлиқларидан Муҳаммад Ҳаким оталиқнинг ҳокимиятдаги таъсири кучайиб кетди. 1747 йили Нодиршоҳ ўлдирилгандан кейин отасининг ўрнига оталиқ этиб тайинланган Муҳаммад Раҳим Абулфайзхонни қатл эттирди ва Бухоро тахтини эгаллади. Муҳаммад Раҳимнинг қилмишларидан норози бўлган вилоят ҳокимлари унга қарши исён кўтардилар. Мазкур кўзғолонлар шафқатсизлик билан бостирилди. 1757 йили у ўзини амир деб эълон қилди ва шу билан Бухорода манғитлар сулоласига асос солинди.

Бугролар

X—XI асрларда қорахонийлар ҳоконлигининг ғарбий қисми (Етгисув, Кошғар ва Жанубий Қозоғистон) ни ҳокон номидан идора қилган сулола хонларининг лақаби. Унинг йирик вакиллари Абдулкарим Сотуқ Бугрохон ва унинг набираси Хорун ибн Мусо даврида Етгисув ва Кошғардаги кўпчилик туркий халқлар ислом динини қабул қилдилар. Хорун ибн Мусо Сомонийлар давлатида кучайиб кетган феодал курашдан фойдаланиб, 992 йилнинг май ойида Мовароуннахрни эгаллади. Аммо ўша йилнинг 12 августида Бухоро ва Самарқандни ташлаб, Кошғарга чекинишга мажбур бўлди. XI аср бошларида бугролар давлатида ички феодал кураш кучайиб, давлат инқирозга юз тутди.

Березин Илья Николаевич

Машҳур шарқшунос олим; 1818 йилда туғилган. Яқин ва Урта Шарқ халқларининг тарихи, археологияси, тили, адабиёти ва фалсафасига оид кўпгина асарлар ёзган. И. Н. Березин Муҳаммад Шайбонийхон ва кўчманчи ўзбеклар тарихига бағишланган «Тарихи гузида, нусратнома» асарини эски ўзбек тилидан рус тилига таржима қилган. У Русияда биринчи бўлиб Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таворих» («Солномалар мажмуаси») асарининг биринчи жилдини рус тилига таржима қилиб чоп эттирган. Березин турк-татар тилларининг магистри В. Ф. Диттель (1816—1818) билан бирга Доғистон, Кавказ орти ўлкалари ва Эрон бўйлаб уч йил (1842—1845) саёҳатда бўлиб, икки жилдлик «Шарққа саёҳат» деган асар ёзган. И. Н. Березин ўзбек, қорақалпоқ, татар ва бошқирд шевалярига бағишланган бир неча асарлар ҳам ёзган. «Шарқ тарихчилари кутубхонаси» (1849—1854) ва 16 жилдлик «Рус энциклопедик луғати» (1872—1879) ни нашр эттиришда ҳам қатнашган. Олим 1896 йилда вафот этган.

Сосонийлар сулоласидан бўлган Хусрав I (531—578) ва Хўрмузд IV (579—590) даврида бир қатор маъмурий ислоҳотлар ўтказилиб, бадавлат аслзодаларнинг сиёсий мавқеи чеклаб қўйилди. Баҳром Чубин шундай аслзодалар жумласидан эди. У ҳам саркардалиқдан четлатилди. Баҳром Чубиннинг мансабдан четлатилиши катта кўзғолонга баҳона бўлди. У қўшни тўплаб мамлакат пойтахти Ктесифонга қараб юрди (590). Айнан шу вақтда пойтахтда подшога қарши фитна уюштирилиб, Хўрмузд IV ўлдирилди. Тахтга унинг ўғли Хусрав II (591—628) ўтирди. Баҳром Чубин кўзғолонни давом эттириб, пойтахтни эгаллади ва ўзини подшо деб эълон қилди. Хусров II Византияга, император Маврикий (582—602) ҳузурига қочди ва унинг ёрдамида тахтни қайта қўлга киритди. Баҳром Чубиннинг сўнгги тақдири маълум эмас.

Бичурин Никита Яковлевич (Накинф)

Машҳур хитойшунос олим; миллати чуваш; 1777 йилда туғилган. Русия ФАнинг мухбир аъзоси (1828), Париждаги Осие жамиятининг аъзоси (1831). Н. Я. Бичурин 1786—1799 йиллари Қозон диний академиясида таҳсил кўрди ва ўқишни тамомлагач, шу ерда ўқитувчилик қилди. Бичурин 1802 йили роҳиб (монах) ликни қабул қилди ва Иркутск губернасидаги Вознесенский черковига архимандрит (черков руҳонийларининг бошлиғи) қилиб гайинланди. Н. Я. Бичурин 14 йил (1807—1821) мобайнида рус диний миссиясининг бошлиғи лавозимида Пекинда истиқомат қилиб, хитой тили, адабиёти ва тарихини мукаммал эгаллади. Миссионерлик ишига лаёқатсизлик билан қарагани учун архимандрит лавозимидан туширилди ва 1823 йили Валаам монастирига қамалди. 1826 йили қамоқдан чиқиб, Русия ташқи ишлар вазирлигининг Осие бўлимида таржимон бўлиб ишлади. Бичуриннинг Хитой, Хибет ва Мўғулистоннинг тарихи, жўгрофияси ва этнографиясига оид олти китоби нашр этилган. Унинг Урта Осие халқларининг қадимий тарихига бағишланган «Қадимги даврда Урта Осиеда яшаган халқлар ҳақида маълумотлар тўплами» номли уч қисмдан иборат асари катта илмий қимматга эга бўлиб, 1950—1953 йиллари қайта нашр қилинди.

Бувайҳийлар

Эрон феодал ҳукмдорлар сулоласи. Унинг асосчиси Бувайҳ қадимий Эрон подшоҳлари наслидан бўлиб, аввал Дайламдаги урушқоқ тоғлиқларининг йўлбошчиси эди. 930 йили Бувайҳ сомонийларга бўйсунганидан бош тортди, Табаристон ва Журжонда ташкил топган Зиёрийлар давлати (927—1090) га қўшилди. Мардовиж ибн Зиёр (927—935) Бувайҳнинг ўғли.

лари Аҳмад билан Ҳасанни йирик ҳарбий қисмларга, Алини эса Қоража шаҳрига ҳоким этиб тайинлади. Ака-укалар Жилон билан Дайламдаги тоғли қабилалар ва зиёрийларнинг ёрдами билан 932—935 йиллари Арражон, Нубияжон, Исфажон, Ҳамалдон, Рай, Кирмон, Аҳвоз, Шероз шаҳарларини қўлга киритиб олдилар. Бағдод халифаси ал-Муттақий (940—944) ака-укаларни ўзлари босиб олган вилоятларга ноиб қилиб тайинлашга мажбур бўлди. Алига «Имодуддавла» («давлат таянчи»), Ҳасанга «Рукнуддавла» («давлат устуни») ва Аҳмадга «Муиззуддавла» («давлатни эъзозловчи») деган фахрий унвон ҳам берди. Шундай бўлса-да, улар халифага номигагина бўйсуниб, аслида мустақил ҳукмдор эдилар. Қолаверса, улар халифага қарши кураш олиб бордилар. Натижада Аҳмад 945 йили Бағдодни эгаллади. Халифа ал-Мустақфий (944—946) уни амир ул-умаролик (амирлар амири; амири аъзам) мансабига тайинлашга мажбур бўлди. Шундай қилиб, халифаликда бутун сиёсий ҳокимият Аҳмаднинг қўлига ўтди, халифа бўлса номигагина ҳукмрон бўлиб қолди.

Бувайҳийлар давлати айниқса Азуддуддавла Фанно Ҳусрав замонида (949—983) кучайди. Бу даврда Форсати Азуд тўғони қурилди. Шероз, Бағдод ва бошқа шаҳарларда масжид, мадраса ва бошқа юксак бинолар қурилди. Фанно Ҳусрав даврида илм-фан ҳам ривожланди. Унинг вафотидан кейин ўзаро феодал кураш кучайгандан фойдаланган ғазнавийлар ҳукмдори Султон Маҳмуд 1029 йили Рай, Ҳамалдон ва Исфажонни эгаллади. 1055 йили салжуқийлардан Тўғрулбек мамлакатга бостириб кирди ва Бувайҳийлар давлатини тугатди.

Бадавийлар

Бадавийлар Арабистон ярим ороли ва Шимолий Африка чўлларида истиқомат қилган кўчманчи, ярим кўчманчи араб қабилалари. Бадавийлар Судан, Шимолий Африка, Марказий Арабистон, Сурия, Иордания, Ироқ, Миср ва бошқа мамлакат ва ноҳияларда истиқомат қиладилар. Араб тарихчилари тузган шажарага (VIII аср) кўра бадавий қабилалари икки гуруҳга бўлинган: Жанубий Арабистон, яъни Яман қабилалари (бану тойи, бану Ҳамдон, бану масхиж, бану омил, бану жузам, бану лахм, бану хассан, бану кинд, бану азд, бану хазраж, бану химяр ва бошқа қабилалар) ва Шимолий Арабистон қабилалари (бану қайс, бану сулайм, бану Ғатофон, бану ҳилол, бану Қушайр, бану мурра, бану тамим, бану асад, бану абдулкайс, бану-кбакр, бану тағлиб ва бошқа қабилалар). Бадавийларда бир неча оила бирикиб аҳлини (байт, фаха, хомула), кўп сонли оила уруғни (батн, фирқа, ошира), уруғлар эса қабилаларни ташкил этган. Ривожланиб келаётган янги ижтимоий муносабатлар бадавийлар ҳаётига ҳам таъсир қилиб бормоқда, бу қабилалар тобора ўтроқлашмоқда. Бадавийлар ўртасида уруғ-қабилачилик муносабатлари ҳозир

ҳам бир қадар сақланиб қолган. Бадавийлар асосан чорвачилик, овчилик ва киракашлик билан шуғулланадилар. Йўловчи савдогарлардан олинадиган бож ҳам бадавийларнинг тирикчилик манбаларидан бири ҳисобланади.

«Тавочи» ва «жарчи» атамалари ҳақида

XIII—XVIII асрларда ёзилган қўлёзма асарларда ўша замонларда амалда бўлган ҳарбий ва маъмурий мансаб ҳамда лавозимга оид кўпгина атамаларни учратамиз. Ана шундай атамалар сирасига кирган «тавочи» ва «жарчи» сўзлари ҳақида А. Ю. Якубовский, А. А. Семёнов, М. А. Абдураимовлар тарафидан айрим фикрлар айтилган. Масалан, А. Ю. Якубовский Шарафиддин Али Яздий, Низомуддин Шомий ва Абдураззоқ Самарқандий асарларига таяниб, «тавочи» аталмиш мансаб эгаси ҳақида мана буларни ёзган: «Тавочилар махсус топшириқларни бажарувчи ҳарбий мансабдорлар, ўзига хос адъютантлар бўлиб, Темур ёки бошқа олий ҳарбий бошлиққа (қўмондонга) жанг пайтида у ёки бу бўлимининг умумий аҳволини маълум қилиб турганлар, ёки туман, минг ва қўшин бошлиқларига унинг фармойишини етказиб турганлар. Тавочилар айниқса лашкар тўплаш вақтида алоҳида роль ўйнаганлар. Уша чоғда Темур уларга фавқулодда ҳуқуқлар берган ва улардан маълум миқдорда лашкар тўплаб келиш тўғрисидаги буйруқни аниқ ва кўрсатилган муддатда бажаришни талаб қилган. Тавочиларга ҳатто ҳарбий юриш вақтида ов уюштириш ҳам топширилган. Айрим ҳолларда тавочиларнинг ҳарбий юриш вақтида қўшинни душман қароргоҳи ёнида ўрнаштириш ёки ғалаба билан тамомланган жангдан кейин ўлжа тақсимотида фалол иштирок этганликларини ҳам кўраамиз».

Тавочи ва унинг мавқеи ҳамда вазифалари ҳақида айтилган бу фикр илмий адабиётда мустаҳкам ўрин олди ва олимлар тавочи ҳақида гап борганда шу фикрга таяниб келдилар. Масалан, ушбу сатрлар муаллифи ўзининг Ҳофизи Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома» асарига ёзган изоҳида ва Асомиддин Уринбоев Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъ ас-саъдайн ва мажмаъ ал-бахрайн» асарига ёзган изоҳли лугатида А. Ю. Якубовскийнинг юқорида айтган фикрига тўла таянганлар.

«Жарчи» тўғрисидаги (масалан, М. А. Абдураимов тарафидан) айтилган фикрлар эса асосан Бухоро амири Шоҳмурод (1785—1800) замонида ёзилган бир рисолага, яъни Муҳаммад Бадеъ девонинин «Мажмаъ ул-арқом» («Рақамлар мажмуаси») асарига¹ ва эски лугатлардаги галқинларга (жарчи — олий

¹ Асарнинг катта қисми А. А. Семёнов тарафидан таржима қилиниб, 1953 йили «Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях посетителей их в средневековой Бухаре» номи билан («Советское востоковедение», 1953. 5-жилд. 137—153-бетлар), сўнг тўла равишда А. Б. Вильдашова тарафидан 1981 йилда чоп этилган.

ёки маҳаллий ҳукмдорнинг фармойишларини халқ орасида эълон қилувчи) асосланган.

Лекин қўлёзма асарларни синчиклаб ўрганиш «тавочи» ва «жарчи» мансаби ҳақида, айниқса «тавочи» ҳақида юқорида айтилган фикрларнинг тўла ва қатъий эмаслигини кўрсатди. Чунончи, Л. З. Будагов тавочининг Чингизхон ва мўғул хонлари замонида қўшинга одам чақириш, унинг умумий аҳволини тафтиш қилиб туриш, шунингдек жинойатчиларни жазолаш устидан назорат қилувчи мансабдор эканлигини айтган. Лекин бу фикрнинг манбаини кўрсатмаган. Бу ҳақда мўғуллар замонида ёзилган манбаларда, хусусан Жувайний (1226—1283) ва Рашидиддиннинг (1247—1318) маълум ва машҳур асарларида ҳам маълумот учратмадик. Шарафиддин Али Яздий «Муқаддима-и зафарнома» асарида тавочи лавозими Чингизхон замонида ҳам бўлганлиги ва унга қўшин тўплаш ва унинг аҳволини назорат қилиб туриш вазифаси юклатилганлигини қайд қилиб ўтган.

XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тавочининг вазифалари бирмунча кенгайди. Тавочининг вазифаларига ўтишдан аввал шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, XIV—XVIII аср манбаларида тавочи ва жарчи атамалари бирга, ёнма-ён келади. Манбаларда келтирилган маълумотлардан шу нарса англашладикки, тавочи ва жарчилар ҳарбий юриш олдида олиқ ҳукмдор томонидан вилоят ва туманларга бирга юборилган. Бу вақтда жарчи етарли озиқ-овқат, от ва қурол билан хон ҳузурига тўпланиш ҳақидаги буйруқни халқ ўртасида эълон қилган; тавочи зиммасига эса аскарликка юбориладиган кишиларни тўплаш, уларнинг озиқ-овқат, от-улов ва қурол-аслаҳаларини кўздан кечириш, сўнгра уларни хон тайин қилган жойга ўз вақтида етказиб келиш вазифаси юклатилган. Жарчи, бундан ташқари, хон ёки маҳаллий ҳукмдорнинг турли фармойишларини халқ ўртасида эълон қилиб туриш вазифасини ҳам бажариб турган.

Манбаларда келтирилган жуда кўп маълумотлардан тавочилар зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилганлигини кўрамиз:

1. Тобе вилоятлардан кўрсатилган миқдорда лашкар тўплаб келиш. Мисол: «Аскар тўплаш учун теварак ва атрофга тавочи ва жарчилар юборган эдилар...»

2. Вилоят ва туманларда турган амир ва мансабдорларни ҳарбий юриш бошланишидан хабардор қилиш ва уларни ўз қисмлари билан белгиланган жойга олиб келиш. Мисол: «Ва қисқа вақт ичида тавочилар мамлакатнинг теварак-атрофларига шошилди равишда бориб, лашкар бошлиқлари ва вилоят ҳукмдорларини ҳозирлашга тутундилар».

3. Юриш олдида қўшинларни кўрикка ҳозирлаш. Мисол: «Ва шундай фавқулодда фармон эшитилдики, ишбилармон тавочилар ва баланд овоз жарчилар барча зафар паноҳ сипоҳ устига бориб, уларни кўрикка тақдим қилсинлар».

4. Душман қароргоҳига ёки у жойлашган қалъага яқинлашгандан кейин қўшинларни жой-жойига тақсим қилиб ўринлаштириш ва жанг олдида уларнинг ўринларини белгилаш: «Ва тавочилар эрта тонгдан то шомгача лашкарни жойлаштириш билан машғул бўлдилар. Ҳар бир киши турар жойини билган ва муносиб жойга ўринлашган ҳолда душмандан кўзқулоқ бўлиб турдилар».

5. Қўшинлар душман қароргоҳига яқин жойлаштирганларидан сўнг кечалари амирларни жанговар ҳозирлик билан ҳушёр туриши ва доимо ўз қисми ҳузурда бўлишини огоҳлантириб туриш: «Ярим кечада ўзбекнинг тамом жамият билан келатган хабари эшитилди ва шу ондаёқ тавочилар тамом лашкарга тонггача барча уруш асбобларини шай қилиб қўйсин, деб хабар қилдилар».

6. Ҳарбий юришлар вақтида йўлда, дам олиш чоғларида, одатда катта овлар ўтказилиб турилган. Ов қўшинларнинг озиқ-овқат захираларини тўлатиш билан бир қаторда, тактик машғулот вазифасини ҳам ўтаган. Овни қаердан ва қандай бошлаш, унда қайси қўшин қаерда жойлашиши ва унинг аниқ вазифаларини ҳам олий ҳукмдорнинг амри билан тавочилар белгилаган. Мисол: [1391 йил 6 май куни Тўхтамишхонга қарши юриш вақтида] «соҳибқирон ҳазратлари ов қилишга ихтиёр қилдилар ва тавочилар ўнг ва сўл тараф амирларига «сипоҳ карвон-карвон бўлсин ва ўша бепоеён саҳрони ўраб олиб, беҳисоб қушлар галасини ов қилсин», деган хабарни етказдилар».

7. Қалъа ёки шаҳар ишғол қилингандан кейин ўша замонларда одатда кўпинча оммавий қирғин ўтказилган, «бошқаларга ибрат бўлсин», деб ўлдирилганларнинг бошларидан миноралар қурдилар. Тавочилар шу ишга ҳам бошчилик қилганлар. Мисол: «Ва тавочилар бошқаларга ибрат бўлсин учун уларнинг бошларидан миноралар қурдилар».

8. Ғалабадан кейин давлат маркази ва хон белгилаган шаҳар ва вилоятларга фатҳномалар олиб бориш. Мисол: «Тавочилар фатҳномани олиб мўътабар кишилардан бир неча бошлиқлар билан давлат марказига ва бошқа вилоятларга йўл олдилар».

9. Қўшин ҳарбий юриш вақтида озиқ-овқатдан қийналиб қолганда олий ҳукмдор талон-торождан тўпланган ўлжанинг бир қисmini аскарларга бўлиб берган. Бу ишни ҳам одатда тавочилар бажарган. Мисол: [«Соҳибқирон ҳазратлари»] подшоҳона марҳамат қилиб, Ҳожин тархон (Астрахань — Б. А.) ва Сарой олинганда тўпланган галла, молу ашъ ва турли навъ моллардан иборат ўлжани лашкарларга инъом қилди ва тавочилар уни уларга тақсимлаб бердилар».

10. Фотиҳлар ўзга мамлакатларга ҳарбий юришлар уюштирганларида, хусусан бу юришлар бир неча йилга мўлжалланганда қўшини билан душман мамлакатига яқин келиб, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қулай бир манзилда қишлар ва бўлажак урушларнинг тайёргарлигини ўша ерда битирар эдилар. Маса-

лан, Темур ва темурийлар учун Муғон дашти ва Қорабоғ (Озарбайжон) ана шундай манзиллардан ҳисобланган. Улар бундай шароитда ўз эҳтиёжлари учун бинолар қуради, ариқлар қазиб, сув келтирар эдилар. Мана шундай қурилишлардан бирини Темур Байлақонда (Озарбайжон) XIV асрнинг 90-йилларида амалга оширган эди. Шунда узунлиги 10 фарсах (36—42 км) ва кенлиги 15 газ канал қазилиб, шаҳарга сув келтирилган эди. Шарафиддин Али Яздийнинг айтишича, бу канални аскарлар қурган ва иш тепасида тавочи турган: «Ва тавочилар ариқ ўрнини осмон қудратли аскарга тақсимлаб берди».

11. Қамал хавфи туғилганда теварак-атрофдаги қишлоқ халқини қалъага кўчиртириб келтириш ҳам тавочининг вазифасига кирган. Мисол: «Абдуллахон тавочиларга «халқни қаердан бўлмасин кўчириб қалъага киргизинлар», деб буюрди».

Тарихий манбаларда бир қатор олий давлат муассасалари (девоңлар) орасида «девоңи тавочи» аталмиш муассаса ва «тавоңигири» деган лавозим ҳам қайд қилинган. Демак, тавочилар махсус олий ҳарбий идора қарамоғида бўлиб, «тавоңигири» бу девоңнинг бошлиғи ҳисобланган.

Юқорида келтирилган далиллардан тавочиларнинг юқори даражадаги ҳарбий мансабдорлардан бири эканлигини кўра-миз.

Баримта

Қарзни тўлашдан бош тортган ва уни ундириб олиш мақсадида вақтинча сақлаб туриш учун зўрлик билан олинган ўлжа ёки мол. Баримта дастлаб айбдор уруғ ёки қабила ўзи етказган моддий зарарни тўлашдан бош тортган тақдирда бий (қабила, уруғ бошлиғи) лар тарафидан уюштирилган. Илгари баримта кўчманчи туркий қабилалар орасида кўп тарқалган бўлиб, бир қабила иккинчи қабиланинг молини зўрлик билан тортиб оларди. Кейинчалик у феодал муносабатларнинг ривожланиши билан қасос олиш, бирор нарсани баҳона қилиб талаш мақсадида ҳам ўтказиладиган бўлиб қолган.

Барот

1) Мактуб ёки подшоҳ, хон тарафидан берилган гувоҳнома, патент. Подшоҳ, хон томонидан бирор солиқ ёки жаримдан озод этиш, маълум шарт билан бирор мулк ёки мансабни бериш, халқдан солиқ тўлаш ёки пул, ғалла ҳамда ем-хашак олиш учун берилган махсус ёрлик, гувоҳнома. Бундай гувоҳнома олган киши баротдор деб аталган. Шайбоний ҳукмдорлардан бирининг 1497 йили Қароскон кенти (ҳозирги Наманган вилояти Янгиқўрғон туманига қарашли қишлоқ) баротдорларига юборган ёрлиғида қуйидагилар ёзилган: «Бу нишонни кўргач, мазкур бўлган раиятлар ўз еру юртларига келиб, зироат ва иморатларига машғул бўлгунча, барот важҳингизни [улар-

дан] олманглар, [уларга] зарар ва заҳмат еткурмангиз». Тарихчи Абдулғозихоннинг айтишича, товоң ундирувчига берилган гувоҳнома ҳам барот деб аталган. Баротда уни олувчиларнинг исми ва мансаби, мазкур ҳужжат қандай муносабат билан берилганлиги, баротдорга қандай вазифа юклатилганлиги кўрсатилган. Барот подшоҳ, хоннинг туғроси (герб, давлаг нишонаси) ва муҳри билан тасдиқланган. Эронда ҳозирги вақтда почтадан юборилган пул ва бошқа қимматли қоғозларни олиш учун берилган квитанция ҳам барот дейилади. 2) Ҳижрий йил ҳисоби билан саккизинчи ой (шаъбон) ҳам барот деб аталади.

Дашти қипчоқ

Сирдарёнинг қуйи оқими ва Балхаш кўлидан то Днепр дарёсининг қуйи оқимларигача бўлган ҳудуд XI асрдан бошлаб Дашти қипчоқ деб аталган. Бу атамани дастлаб Носири Хусрав (1003—1088) қўллаган. Шундан бошлаб, Дашти қипчоқ атамаси араб ва форс тилларидаги асарларда учрайди. В. В. Бартольднинг сўзларига қараганда, Дашти қипчоқ аҳолиси (Шарқ манбаларида — қипчоқлар; рус солномаларида — половецлар; Византия хроникаларида — куманлар) 1030 йили Хоразмга кўшни бўлган. Дашти қипчоқ аҳолиси рус солномаларида келтирилган маълумотларга кўра, 1054 йили рус ерларига бостириб кирган. Марквартнинг далилларига қараганда, қипчоқлар XII аср бошларида катта ҳарбий ва сиёсий кучга эга бўлган ва 1120/21 йили Кавказда грузинлар билан иттифоқ бўлиб, эронлик мусулмонларга қарши курашган. Дашти қипчоқ икки қисмга: Шарқий ва Ғарбий қисмга бўлинган. Унинг шарқий қисми Ёйиқ (Урал) дарёси ва Сирдарёнинг қуйи оқимидан то Балхаш кўлигача бўлган ерлар ва ғарбий қисми Ёйиқ ва Волга дарёларидан то Днепргача бўлган ҳудуд (Волганинги ўрта ва қуйи оқими, Қрим ва Жанубий Русия ерлари) ни ўз ичига олган. Дашти қипчоқнинг бир қисмини XIII асрнинг 20-йилларида Жаба нуйон ва Субутай баҳодир бошчилигида келган мўғул кўшинлари босиб олди. 1236 йили Дашти қипчоқни Чингизхоннинг набираси Ботухон эгаллади ва ўша улкан мамлакатда тарихда Жўчи улуси номи билан машҳур бўлган Олтин Урда давлати ташкил топди. XIV асрнинг бошларида Жўчи улуси икки қисмга бўлиниб кетди. Унинг шарқий қисмида Оқ Урда давлати ташкил топди. XIV асрнинг бошларидан Дашти қипчоқнинг шарқий қисми «Ўзбеклар мамлакатини», аҳолиси эса «Ўзбеклар» деб атала бошлади (қ. Дашти қипчоқ ўзбеклари). XV асрнинг 20-йилларидан бошлаб Шарқий Дашти қипчоқни аста-секин Абулхайрхон эгаллади ва у бу ҳудудда кўчманчи ўзбеклар давлатига асос солди. Абулхайрхон вафотидан (1468) кейин Шарқий Дашти қипчоқда унинг авлоди ҳукмронлик қилди. Дашти қипчоқнинг асосий аҳолиси кўчманчи ва ярим кўчманчи бўлиб, чорвачилик ва овчилик, дарё ва кўл ёқаларида

истиқомат қилувчи аҳоли деҳқончилик, шаҳарлари (Сарой Боту, Сарой Берка, Урду бозор, Сигноқ, Арқуқ ва ҳ. к.) даги аҳоли эса ҳунармандлик ва савдо-сотиқ билан шуғулланган.

Дашти қипчоқ ўзбеклари

Қадимдан Дашти қипчоқнинг шарқий қисмида, хусусан Ғарбий Қозоғистон, Тобольск, Тура ва Тюменда кўчиб юрган турк-мўғул қабилалари: арлот, баҳрин, буркут, дўрмон, ийжон, хитой, қорлуқ, можор, қипчоқ, қиёт, қўнғирот, манғит, найман, нукуз, танғут, қушчи, туман-минг ва бошқа қабилалар XIII аср охири ва XIV—XVI асрларда яшаб ижод этган Шарқ тарихчилари томонидан умумий бир ном билан «ўзбек» деб аталган. Ҳамдуллоҳ Муставфийи Қазвиний (1281—1350) нинг «Тарихи гузида» («Танланган тарих») асарида Олтин Урда хони Ҳубекхонга тобе ерлар ва халқлар ҳақида фикр юритилади ва бу қабилалар «ўзбекиён» («ўзбеклар»), улар кўчиб юрган ерлар, яъни Шарқий Дашти қипчоқ эса «мамлақати ўзбек» («ўзбек мамлақати») деб аталган. «Ўзбек» атамаси қабилалар уюшмаси ва шу қабилаларга қарашли ерларнинг номи сифатида Ҳубекхонга қадар ҳам қўлланилган. Масалан, Мирзо Улуғбек ўзининг «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») номли тарихий асарида Ҳубекхоннинг ҳокимият тепасига келиши зикрида «ўзбек улуси унга берилди» деб ёзади. Амир Темурнинг замондоши тарихчи олим Низомуддин Шомийнинг «Зафарнома» китобида Оқ Урда хони Урусхон «ўзбек подшоҳи» дейилган. Араб тарихчиси ал-Қалқошандий (1418 йилда вафот этган) Олтин Урда хони Тўхтамишни «ўзбек мамлақатининг подшоҳи» деб атайди. Ғиёсиддин Хондамир яна ҳам аниқроқ маълумот келтирган: у Тўхтамиш хоннинг қўшинини «сипоҳи ўзбек» («ўзбек қўшини») деб номлайди. Хондамирнинг бу сўзларини султон Муъинуддин Натанзий ва Абдураззоқ Самарқандийлар ҳам тасдиқлайдилар. Улар Тўхтамишдан кейин Олтин Урдада хон бўлган Темир Қутлуғ, Шодибек, Пўлодхон, Улуғ Муҳаммадхонни «Дашти қипчоқ ва ўзбек вилоятининг ҳукмдори» деб атаганлар. Жувайний (1226—1283), Рашидиддин ва улардан бирмунча вақт кейин ўтган тарихнавислар: Масъуд ибн Усмон Қўҳистоний, Қамолуддин Биноий, Рузбехон, «Таворихи гузида, нусратнома» китобининг номаълум муаллифи (XVI аср боши) ва Маҳмуд ибн Валилар Дашти қипчоқ ўзбеклари ва улар кўчиб юрган ерлар, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида жуда кўп маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Шайбонийхоннинг замондоши Рузбехоннинг «Меҳмонномаи Бухоро» китобида ҳам муҳим маълумотлар учрайди. У Дашти қипчоқ ўзбеклари уч тоифадан: шайбонийлар (Шайбон улусида кўчиб юрган ўзбеклар), қозоқлар ва манғитлардан ташкил топганлигини айтади.

Шайбон улуси, ишончли манбаларнинг маълумотларига кўра, 1238 йили ташкил топган ва Урал тоғининг жанубий этак-

ларидан то Тобол ва Сарисув дарёлари соҳилларигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Унинг жанубий ҳудуди Орол денгизининг шимолий соҳили, шимолий чегараси эса Чинги Турада (Тюмень) бўлган.

Манғит улуси эса Эмба билан Ёйиқ дарёлари ораллигидаги ерларни ўз ичига олган. Манғитлар XV асрнинг 30-йилларида кўчманчи ўзбеклар давлатининг асосчиси шайбоний Абулхайрхонга бўйсунганлар.

Дашти қипчоқ ўзбеклари асосан чорвачилик билан машғул бўлганлар, воҳаларда қисман зироатчилик билан ҳам шуғулланганлар. Ҳайвон терисидан турли буюмлар тикканлар. Дашти қипчоқ ўзбеклари фақат Ҳубекхон замонидан ислом динини қабул қилганлар, лекин уларнинг урф-одатларида маъжусийлик (зороастризм)нинг айрим аломатлари («яда тоши»нинг қароматларига ишониш, Қуёшга сиғиниш ва ҳоказо) сақланиб қолган. Дашти қипчоқ ўзбекларининг фаолиятида талончилик урушлари муҳим ўрин эгаллаган. Улар Урта Осиё ва Шарқий Туркистондаги бир неча халқнинг таркибига ҳам кирган.

«Жомеъ ут-таворих»

«Жомеъ ут-таворих» («Солномалар мажмуаси») қомусий олим Рашидиддин Фазлуллоҳ ибн Имомуддава Абулхайр томонидан 1302—1311 йилларда ёзилган. Уч қисмдан иборат. Биринчи қисми («Тарихи Ғозоний»)да турк-мўғул халқларининг Чингизхонгача бўлган тарихи, Чингизхон тузган йирик феодал давлат, Чингизхоннинг юришлари, унга қарам бўлган мамлакатлар тарихи, XII—XIII асрларда Шимоли-Шарқий Осиёда кўчиб юрган турк ва мўғул қабилаларининг келиб чиқиши ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни кенг шарҳланиб, Ғозонхон (1295—1304) ўтказган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар батафсил ёритилган. Асарнинг иккинчи қисми Султон Улжойтухон (1304—1317) нинг топшириғи билан элхонийлар саройида истиқомат қилиб турган чет эллик олимлар (кашмирлик баҳши Камалашри, хитойлик олим Ли Да-чжи, франциялик бир монах, иккита форс олими ва ҳ. к.) иштирокида ёзилган. Асарда мўғул истилосига қадар мусулмон оламининг тарихи, шуингдек яҳудийлар, Оврупо, Византия, Рим, Хитой ва Ҳиндистон тарихи баён этилган. Учинчи қисм жўғрофий асар бўлиб, «Етти иқлим», яъни оламнинг инсон истиқомат қилиб турган тўртдан бир қисми тавсифига бағишланган. Бу қисм бизгача етиб келмаган.

Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таворих» асари Шарқ ва Ғарб олимларининг эътиборини кўпдан бери жалб этиб келяпти. XV асрда Эроннинг йирик тарихчиларида бири «Жомеъ ут-таворих»нинг давомини ёзиб, Эрон тарихини 1371 йилгача давом эттирган. Ҳофизи Абрунинг бу асари «Зайли жомеъ ут-таворих» («Жомеъ ут-таворих»га қўшимча») номи билан машҳур.

Асар 1937—1938 йиллари проф. Хонбобо Баёний томонидан Техронда нашр этилган. Асарнинг биринчи қисми, яъни «Тарихи Ҳозоний» француз шарқшунос олимлари М. Катрмер (1836), Э. Блоше (1911) ва чех олими К. Ян (1941) томонидан чоп этилган. Рус шарқшуноси И. Н. Берёзин «Тарихи Ҳозоний»ни изчил ўрганди ва унинг форсча матни билан русча таржимасини нашр эттирди (1858, 1868, 1888). «Жомеъ ут-таворих» рус шарқшунос олимларидан А. А. Ромаскевич, Е. Э. Бертельс, Л. А. Хетагуров, А. А. Ализода, А. К. Арендслар тарафидан, русча изох билан 1968 йилда Москвада нашр қилинди.

Мўғуллар истилоси

Мўмай ҳарбий ўлжалар олиш, Осиё ва Шарқий Оврупо халқларини асоратга солиш ва талаш мақсадида мўғул феодаллари тарафидан уюштирилган қатор феодал босқинчилик урушлари (XIII аср). Мўғул феодаллари ўзига хос ҳарбий ташкилот тузиб, кўп халқларни, кўпроқ туркий халқларни босқинчилик урушларига тортдилар. Мўғул қўшинининг асосий кучи кўчманчи аратлар ва турклардан иборат кўп сонли ва жуда ҳаракатчан отлик аскарлар эди. Мўғул феодаллари босиб олинган мамлакатларнинг ҳарбий кучи ва техника ютуқларидан ҳам фойдаланган. Қўшин бирлашган қўмондонликка эга бўлиб, қаттиқ интизомлилиги ва яхши қурулланганлиги ҳамда ўзининг жанговар сифатлари билан қўшни мамлакатлар қўшинларидан устун турар эди. Осиё ва Шарқий Овруподаги жуда кўп мамлакатларда содир бўлган ички низолар ва ҳукмрон табақанинг хоинлиги мўғулларнинг осонлик билан ғалабага эришишига ёрдам берди.

Мўғуллар истилоси Чингизхон бошлиқ мўғуллар илк феодал давлатининг ташкил топишидан (1206) кейин бошланиб, XIII аср охирига қадар давом этган. 1207—1211 йилларда Сибирь ва Шарқий Туркистон халқлари (бурят, ёкут, ойрот, қирғиз ва уйғурлар) бўйсундирилди. Тангут (Си Ся) давлатига қарши бир қанча юришлар уюштирилди. 1211 йили Чжурчжэн давлати (Шимолий Хитой) га ҳужум бошланди. Мўғул қўшинлари 90 га яқин шаҳарни вайрон қилиб, 1215 йили Пекинни босиб олдилар. 1217 йилга келиб, Хуанхэ дарёсининг шимолидаги ерларнинг ҳаммаси мўғуллар қўлига ўтди. 1218 йили Еттисув ҳам мўғул феодаллари тарафидан бўйсундирилди.

1219 йили Чингизхон қўмондонлигидаги 150 мингдан зиёд мўғул аскарлари Ўрта Осиёга бостириб кирди. Муҳаммад Хоразмшоҳ ўз қўшинини бир жойга тўплаш ўрнига, бўлиб-бўлиб, шаҳарлардаги қалъаларга жойлаштирди. Бу билан мўғулларнинг осонлик билан мамлакатни босиб олишига қулайлик туғдирди. Мўғул қўшини Утрор, Хўжанд, Урганч ва бошқа шаҳарларни босиб олди. Бухоро ва Самарқанд жангсиз таслим бўлди. Муҳаммад Хоразмшоҳ Каспий денгизидagi ороллардан бирига қочиб, ўша ерда ўлди. 1221 йили Хоразмнинг босиб

олиниши билан Ўрта Осиё бутунлай бўйсундирилди. Ҳарбий ҳаракатлар ҳозирги Афғонистон ҳудудига кўчирилди. У ерда Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўғли Жалолоддин курашни давом эттираётган эди. Чингизхоннинг қўшинлари Хинд дарёсига қадар уни таъқиб этиб бориб, 1221 йилнинг 24 ноябрида тор-мор келтирди. 1225 йилга келиб, мўғул қўшинларининг асосий қисми Мўғулистонга қайтиб кетди. Жаба ва Субутой қўмондонлигидаги 30 минг кишилик мўғул қўшини ғарбда урушни давом эттирди. Улар Шимолий Эрон орқали Кавказ орти ўлкаларига бостириб кирди ва Грузия билан Озарбайжоннинг бир қисмини вайрон қилди. 1223 йил 31 майда Қалка дарёси бўйидаги жангда мўғуллар бирлашган рус-кипчоқ қўшинини енгиб, уни Днепр дарёси этагига таъқиб этиб бордилар. Охири мўғуллар Волга-Кама Булгориясида мағлубиятга учраб, Мўғулистонга қайтиб кетдилар (1224). Бу мўғул отлик аскарларининг Ғарб мамлакатлари устига қилинадиган юришлари олди-дан қилган разведкаси эди, холос.

Ўғадойни Улуғ хон (қоон) деб кўтарган қурултой (1229) дан сўнг мўғуллар истилоси икки йўналишда олиб борилди. Шарқда Шимолий Хитой тўла босиб олинди (1231—1234) ва Қурия билан уруш бошланди (1231—1232). Мўғуллар бир қанча йирик юришлардан сўнг, 1273 йили Қуриянинг катта қисmini босиб олишга муваффақ бўлдилар. 1229 йили Субутой 30 минг кишилик қўшини билан Ёйиқ дарёси бўйига чиқиб олди. Жўчи улусининг олми ҳукмдори Боту қўшини билан биргаликда Каспий бўйи даштларидан саксин ва кипчоқларни сиқиб чиқаришга эришди. 1232 йили мўғул қўшинларининг Волга-Кама Булгориясига ёриб киришга уринишлари беҳуда кетди. Ушанда Жўчи улусининг асосий кучлари билан Ғарбга қилинган ҳужум ҳам натижа бермади.

1235 йили қурултой чақирилиб, унда бошқа улусларнинг ҳарбий кучларини Ботуга ёрдамга юборишга қарор қилинди. Юришда 14 мўғул хони иштирок этиб, қўшиннинг умумий сонини 150 мингга етди. 1236 йилнинг кузида мўғул қўшинлари яна Волга-Кама Булгориясига ҳужум қилиб, уни вайрон қилди. Улар 1237 йилнинг баҳори ва ёзда алавлар, кипчоқлар ва Ўрта Поволжье халқларини билан урушни давом эттириб, кузда Русиянинг шимоли-шарқий районларига юриш қилиш мақсадида ҳозирги Воронеж районига тўпланди. 1237 йилнинг қишида Боту Рязань князлигига ҳужум қилиб, маҳаллий князлик дружинасини тор-мор қилди. Олти кунлик қамалдан сўнг ўша йилнинг 21 декабрида Рязань таслим бўлди. 1240 йили Жанубий Русия ерларига юриш бошланди. Киев, Владимир, Галич ва бошқа шаҳарлар босиб олинди. Бироқ Данилов, Кременец ва Холм мўғулларнинг ҳамма ҳужумини қайтарди. 1241 йилнинг баҳорида мўғул қўшинлари Русия ҳамда Шарқий Оврупо халқларининг кўрсатган қаҳрамонона қаршилиги натижасида анча заифлашиб қоллишига қарамай, Ғарбга томон илгарилади. Боту қўшинининг асосий қисми Карпат довоилари орқали Венг-

рияга кириб борди, қирол Бела IV нинг 60 минг кишилик қўшинини тор-мор келтирди (1241 йил 11 апрель). Мўғулларнинг иккинчи қўшини Польшага бостириб кириб Легница шаҳри остонасида поляк, немис князликларининг бирлашган қўшинларини мағлубиятга учратди. Баъзи мўғул қўшинлари Шарқий Чехиягача кириб бордилар. Бироқ, қирол Вацлавнинг қаттиқ қаршилигига учраб, орқага қайтишга мажбур бўлдилар. 1241 йил охирларида Боту ўз қўшинларини Австрия ва Хорватия орқали Адриатика денгизи бўйларига бошлади. 1242 йили денгиз соҳилида жойлашган қалъаларни забт эта олмаган Боту Босния, Сербия ва Булгория орқали орқага чекина бошлади. Шундай қилиб, мўғулларнинг Марказий Оврупога қилган ҳужуми шу билан тугади.

XIII асрнинг иккинчи ярмида мўғуллар Шарқ ва Жануби-Шарқ мамлакатларини забт қилишга киришдилар. 1258 йили мўғул қўшинлари ҳар тарафдан Жанубий Хитойга бостириб кирдилар, бироқ Улуғ хон Мунканинг тўсатдан вафот этганлиги (1260) туфайли Жанубий Сун империясини забт этиш кечикди. 1267—1279 йиллардагина Жанубий Хитой янги Улуғ хон Қубилой (1260—1294) томонидан ишғол қилинди. 1281 йили мўғул феодаллари Японияни босиб олиш мақсадида 1000 кема, 100 минг кишилик қўшин жўнатдилар. Аммо мазкур флот тўфонда қолиб, ғарқ бўлди. Мўғул феодаллари ўзларининг Жануби-Шарқий Осиёга қилган юришларида Хитой армияси ва флотидан фойдаланган бўлсалар-да, муваффақиятга эриша олмадилар. Мўғул-Хитой қўшинлари ва флоти бир неча марта (1257, 1258, 1284, 1285, 1287—1288) Вьетнамга ҳужум қилиб, уни бўйсундира олмади. Мўғул феодаллари Ява оролига 1000 кема, 70 минг аскар юборган бўлсалар-да, ҳеч қандай натижага эриша олмадилар.

Мўғуллар истилоси 1300 йили Бирмага қилинган янги юришдан сўнг тугади. Мўғул феодаллари шундан кейин фаол ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиб, босиб олинган мамлакатларни Хитой маъмурияти ва Хитой усулича идора этиш йўли билан режали равишда эза бошладилар.

Мўғуллар истилоси Осиё ва Шарқий Оврупо халқлари бошига оғир кулфатлар келтирди. Натижада сон-саноксиз кишиларнинг ёстиги қуриди, кўп ерлар пайҳон қилинди, шаҳарлар харобага айланди. Мўғуллар истилоси Мўғул феодал империяси таркибига кирган мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий тараққиётининг жуда орқада қолиб кетишига сабаб бўлди.

Мўғул феодал империяси

Мўғуллар истилоси натижасида ташкил топган феодал давлат. Чингизхон ва Мунка қоон ҳукмронлиги даврида Мўғул феодал давлатига Мўғулистон, Шимолий Хитой, Қурия, Танғут

давлати, Марказий ва Ўрта Осиё, Кавказ орти, Афғонистон ва рус ерларининг анчагина қисми қараган. Давлат тепасида шаҳзодалар, улус ҳукмдорлари иштирокида чақириладиган Олий Кенгаш (қурултой) сайлаган қоон (улуғ хон) турган. Империя ихтиёрида бўлган бутун ер-сув ва яйловлар уруғнинг — Чингизхон авлодининг мулки ҳисобланган. Қоон империяни ўз ўғиллари, яқин қариндошларига улус-улус қилиб тақсимлаб берган (Жўчи улуси, Чигатой улуси. Халоқуийлар давлати ва Улуғ юрт), аслида эса улар ўз улусларига бормай, қоон ўрдасида ёки ўз ўрдасида истиқомат қилганлар. Уларнинг улусларини махсус имтиёзга эга бўлган доруғалар ва танмочилар бошқарган. Чингизхон вафотидан сўнг улус эгалари ўз улусларида турадиган бўлдилар. Навкарлар ва аслзодалар ҳам яши ва садоқатли хизматлари эвазига кичик улус билан тақдирланганлар. Ҳар бир улус ўз навбатида кичик маъмурий бирликларга: юз, минг ва туманга бўлинган бўлиб, уларни махсус ёрлиқ олган юзбоши, мингбоши ва туманбошилар бошқарган. Улар нўён (хўжайин) деб аталиб, қоон ва улус эгалари шаҳзодаларга тобе бўлган. Юзбоши, мингбоши ва туманбошилар уруғ ва қабила йиғини—қурултойда сайланган. Айрим ҳолларда эса юзбоши ва мингбошиларни ўзи тайинлаган.

Мўғул феодал империяси марказий давлатининг тузилиши ҳақида етарли маълумот йўқ.

Ўқтой қоон даврида давлат ишлари асосан икки маслаҳатчи: Елюй Чу-кай (Хитой бўйича) ва Чжэнь-хай (Туркистон ва Эрон бўйича) қўлида бўлган. Ундан ташқари (катта улусларда ҳам) вазир, ёргучи, бахши, танмочи, битикчи каби лавозимлар бўлган. Мўғуллар асоратига тушиб қолган ўлкаларнинг аҳолиси ва оддий мўғул меҳнаткашлари оғир ва мудҳиш зулм остида кун кечирганлар. Уларни мўғул ҳарбий бошлиқлари истаганича турли-туман солиқ ва жарималар тўлаб туришга мажбур этганлар. Оддий мўғуллар ўз мингбошисига қатъий бириктириб қўйилиб, уларнинг бошқа ерларга кўчиб кетиши қатъиян ман қилинган. Шундай ҳол юз берган пайтда улар мўғул қонунини (ёсо) га бинноан ўлим жазосига ҳукм этилган. Асирга олинган, шунингдек қарзини узолмаган кишилар қулга айлантирилган. Хунармандлар ва зироатчилар хон ва шаҳзодаларнинг шахсий мулки ҳисобланган. Шарқ ва Хитой манбаларининг маълумотларига қараганда, аҳолидан марказий ҳукумат хазинаси учун қуйидаги солиқлар ундирилган: 1) Ер ёки даромад солиги. Ерининг шаронти ва сифатига қараб йиғилган. Олий мансабдорларгина бу солиқдан озод қилинган; 2) Қўбчур. Қўчманчи аҳолидан олинган; 3) Тарғу. Хунармандлар ва савдогарлардан олиниб, ишлаб чиқарилган ёки сотилган молнинг ўттиздан бир қисми ҳажмида белгиланган; 4) Туз солиги; 5) Жоо ёки кумуш солиги. Аҳоли турли-туман жарималар ҳам тўлашга мажбур этилган. Масалан, ёмда элчилар тўхтаган пайтларда ҳар бир онла улар учун кунига бир цзинь (596, 8 гр.) гўшт, ун, бир шен гуруч ва бир шинна ароқ етказиб беришга мажбур

эди. Бундан ташқари, аҳоли ёмлар учун от-улов етказиб беришга ҳам мажбур этилган. Босиб олинган мамлакат хунармандлари дин тугунь деб аталган махсус ўлпон тўлаб турганлар.

Мўғул феодали империясида қоон номигагина ҳукмдор бўлиб, аслида унинг ҳукми Мўғулистон ва Шимолий Хитойдан нарига ўтмас эди. Угадой қоон ҳукмронлиги вақтидаёқ Жўчи улуси ундан ажралиб чиқди ва мустақил Олтин Урда давлатига айланди. Мунка қоон вафотидан кейин Мўғул феодали давлатидан Эрон ва Хитой ажралиб чиқди ва бу ерда Ҳалокуийлар ва Юань давлати ташкил топди. Хубулай қоон даврида Хитойнинг қолган қисми Мўғул феодали империясига қўшиб олинди ва пойтахт Қорақўрумдан Чжунду (Пекин) га кўчирилди. 1368 йили Хитойда халқ қўзғолон кўтариб, мўғулларни мамлакатдан қувиб чиқарди. Куликово жанги (1380) Русда мўғуллар зулмининг тугатилишига шунчаки бир туртки бўлди. XIV асрнинг иккинчи ярмида Эрон, Кавказ орти ўлкалари ва Урта Осиёда мўғуллар ҳукмронлиги тугатилди. XIV асрнинг охири чорагида Мўғул феодали империяси тамоман инқирозга учради.

Олтин Урда

XIII асрнинг 40-йиллари бошида Ботухон бошчилигида ташкил қилинган феодали давлат (Жўчи улуси деб ҳам аталади). Олтин Урда хонлари Қуйи Дунай ва Фин қўлтиғидан Иртиш ҳавзаси ва Қуйи Обгача, Қора, Каспий ва Орол денгизлари ҳамда Балхаш кўлидан Новгород ерларигача бўлган ҳудудда ҳукмронлик қилган. Бироқ, русларнинг туб ерлари Олтин Урда давлати таркибига кирмас, балки унга тобе бўлиб, ўлпон тўлар эди. Ботухон даврида Олтин Урда пойтахти Сарой Боту (ҳозирги Астрахань яқинида) бўлган; XIV асрнинг биринчи ярмида эса у Сарой Берка шаҳри (Беркахон асос солган; ҳозирги Волгоград яқинида)га кўчирилган. Олтин Урда заиф, сунъий бир давлат уюшмаси бўлиб, аҳолиси миллий жиҳатдан хилма-хил эди. Олтин Урда аҳолисининг ижтимоий ва маданий тараққиёт даражаси ҳам турлича бўлган. Кўчманчилар ҳаётида ярим патриархал, ярим феодали муносабатлар мавжуд эди. Мўғул феодали зодагонлари экин майдонлари ва яйловларнинг асосий қисмини эгаллаб олган эдилар. Олтин Урданинг кўчманчи аҳолиси орасида хунармандчилик суст бўлиб, шаҳар бозорларидаги мавжуд буюм ва матолар Хоразм, Шимолий Кавказ ва бошқа ерлардан келтирилган усталар томонидан ишлаб чиқаришлар эди. Давлатни Жўчихон хонадонидан чиққан хонлар идора қилган. Сиёсий ҳаётнинг айрим жабҳаларида ҳукмрон сулола вакиллари бошчилигида қурултойлар — ҳарбий феодали зодагонларининг йиғинлари чақирилиб турилган. Давлат ишларини асосан беклар беги олиб борган. Халқдан солиқ йиғиш иши билан босқоқлар шуғулланган.

Олтин Урда давлатининг табиатан заифлиги ва, айниқса, унинг асоратига тушиб қолган халқлар миллий озодлик курашининг кучайиши давлатнинг таназзулга юз тутишига яна бир сабаб бўлди. Олтин Урда ўзининг ташкил топиши давридаёқ 14 улусга бўлинган бўлиб, уларни Жўчининг 14 ўғли идора қилган. Булардан 13 таси ярим мустақил давлат бўлган ва Ботухоннинг олий ҳокимиятига бўйсунган. Мангу Темур (1267—1280) вафотидан сўнг Жўчи хонадонига мансуб шахзодалар ўртасида феодали урушлар бошланган даврда марказий идора муассасаларига ерли кишиларни жалб қилиш тенденциялари кўзга ташлана бошлади. Тўда Мангухон (1280—1287) ва Тўда Буғахон (1287—1290) ҳукмронлиги даврида давлат бошлиғи расман Нўғай ҳисобланар эди. Фақат Тўқтухон (1290—1312) Нўғай ва унинг тарафдорларидан қутулишга муваффақ бўлди. Беш йилдан сўнг янги бошланган тўс-тўполонга Узбекхон (1312—1342) чек қўйди. Узбекхон ва унинг вориси Жонибек (1342—1357) ҳукмронлиги даврида Олтин Урданинг ҳарбий қудрати ниҳоят даражада ошди. Қўшинлар сонни 300 мингга етди. Бироқ, 1357 йили Жонибекнинг ўлдирлиши билан бошланган тўс-тўполонлар Олтин Урданинг тушкунликка учраганидан далолат берар эди. 1357—1380 йилларда Олтин Урда тахтида 25 марта хон алмашинди. Бу вақтда давлатни расман Мамай (1381 йили вафот этган) идора қилди. XIV асрнинг 60-йиллари бошида Олтин Урдадан Хоразм, Астрахань ажралиб чиқди. Польша ва Литва Днепр дарёси ҳавзасидаги ерларни босиб олди. Бундан ташқари, Олтин Урданинг нуфузли улус амирларидан Мамай Москов князи бошлиқ кучли рус князлари иттифоқи билан тўқнашишга мажбур бўлди. У Русияни заифлаштириш мақсадида катта қўшин билан юриш бошлади, бироқ Куликово жангида тор-мор этилди.

Тўхтамышхон даврида ур-йиқитлар барҳам топди, марказий ҳокимият асосий улусларни ўз назорати остига олди. Тўхтамышхон Мамай қўшинларини Қалка дарёси бўйида енгиб, 1382 йили Московга ҳужум бошлади, уни қўлга киритди, шаҳарга ўт қўйди. У ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олгач, Амир Темурга қарши уруш очди. Амир Темур бир неча қонли жанглардан сўнг, Тўхтамыш қўшинларини янчиб ташлади, Волга бўйидаги бир қатор шаҳарларни вайрон қилди. Олтин Урда бу қақшатқич зарбадан сўнг ўзини сира ўнглай олмади. XV асрнинг 20-йилларида Сибирь хонлиги, 40-йилларида Нўғай Урда, кейинроқ Қозон хонлиги (1438), Қрим хонлиги (1443), 1460 йили Манғит, Астрахань хонликлари вужудга келди. XV асрда Русиянинг Олтин Урдага тобелиги сезиларли даражада камайди, 1480 йили Катта Урда хони Ахмат (Лҳмад) Улуғ рус князи Иван III (1462—1505) ни ўзига итоат эттиришга уриниб, муваффақиятсизликка учради. 1480 йили рус халқи татар-мўғул зулмидан бутунлай халос бўлди.

Оқ Урда

Олтин Урданинг бир қисми Ботухон авлодлари томонидан идора қилинган. Иккинчи қисмини Жўчихоннинг бошқа ўғли Урдахон бошқарган. Бу ҳолат XIII—XIV асрлар давомида ўзгармай келган. Ботухон авлодларига номигагина қарам бўлган Урдахон авлодлари кейинчалик тўла мустақил бўлиб олганлар. Олтин Урда атамаси Ботухон ҳукмронлиги давридан бошлаб бутун Жўчи улусига, XIV аср бошидан эса Оқ Урдага нисбатан қўлланилган. Бу даврда Оқ Урда фақат Ботухоннинг ўз улуси (Волга бўйи) ва укалари: Беркахон (Шимоли-Шарқий Кавказ), Шайбон (Ғарбий Қозоғистон ва Ғарбий Сибирь) ҳамда Мовал (Қора денгиз бўйида жойлашган ерлар) улусларидан иборат бўлган. Ботухон ва Беркахон улуслари кейинчалик (Беркахон ҳукмронлиги даврида) бириштирилган. XV асрда Оқ Урда ҳудудида Урданинг давоми сифатида янги давлатлар (Катта Урда, Нўғай Урда, Қосимов подшолиги ҳамда Ўзбек, Қрим, Қозон, Сибирь хонликлари ва ҳ. к.) вужудга келди.

Салжуқийлар давлати

Урта ва Яқин Шарқда салжуқийлар сулоласи бошқарган феодал давлат. Салжуқий турклар XI асрнинг 30-йилларида ҳарбий хизматлари эвазига Хуросонда ғазнавийлардан мулклар олдилар. 1038 йили улар Нишопурни эгаллаб, ўз етакчилари Тўғрулбекни султон деб эълон қилдилар. Аста-секин салжуқийлар бутун Хуросонни (1038—1044), Хоразмни (1043) бўйсундириб, Ғарбий Эрон (1042—1051), Озарбайжон (1054) ва Ироқни (Бағдод билан бирга, 1055) босиб олдилар.

Халифа ал-Қоим (1031—1075) Тўғрулбекни султон ҳамда «Шарқ ва Ғарб подшоҳи» деб тан олишга мажбур бўлди. Тўғрулбек Райни, унинг укаси Чағрибек Марвни ўзларига пойтахт қилиб олдилар. Алп Арслон (1063—1072) даврида салжуқийлар Арманистонни эгалладилар, византияликларни енгиб (1071) бутун Кичик Осиёни (1071—1081), кейинчалик Сурия ва Фаластинни босиб олдилар. Улар Гуржистон, Ширвон ва Мовароуннахрни ўзларига бўйсундириб, у мамлакатлардаги ҳукмдорларни ўз вассалларига айлантирдилар. Салжуқийларнинг қўшини Арабистон ярим оролидаги Яман ва Баҳрайн ерларини ҳам ўз тасарруфига олди. 1074 йили Термиз, Бухоро, Самарқанд, кейинчалик Фарғона ҳам эгалланди. Маликшоҳ I ҳукмронлиги даврида (1072—1092) салжуқийлар ҳарбий-сиёсий жиҳатдан жуда кучли эдилар. Бу вақтда пойтахт Исфаҳонга кўчирилди.

XI аср охирига келиб Салжуқийлар давлати таназзулга учрай бошлади. Чунки биринчи солиб юриши натижасида Салжуқийлар давлати Гуржистон, Ширвон ҳамда Кичик Осиёнинг

қирғоқ бўйи ҳудудларидан, Сурия ва Фаластиннинг бир қисмидан ажралдилар. Бунинг устига феодал тарқоқлик кучайди, вассаллар мустақиллик учун кураш бошладилар. Тўғрулбек ўз вақтида авлодига йирик мулклар туҳфа қилган эди. Уларнинг баъзилари султонликлар тузиб, мустақил бўлиб олдилар. Қирмон султонлиги (1041—1187), Сурия султонлиги (1074—1117), Қўния султонлиги (1077—1307) шулар жумласидандир. Маликшоҳ вафотидан сўнг унинг ўғиллари ўртасида тахт учун кураш авж олди. Унинг ўғиллари Маҳмуд I (1092—1094), Беркёруқ (1094—1105), Маликшоҳ II (1105), Муҳаммад I (1105—1118) феодалларнинг ғалаёнларини бостириш билан бирга исмоилийлар ҳаракатига қарши кураш олиб бордилар. Тахт учун кураш натижасида салжуқийлар иккига бўлиниб кетдилар. Ғарбий Эрон, Ироқ ва Озарбайжонни Ироқ султонлиги (1118—1194) номи билан Муҳаммаднинг ўғли Маҳмуд бошқарди. У Ҳамдонни пойтахт қилиб олди. Хуросон, Сеистон, Хоразм ва Мовароуннахрда Маликшоҳнинг ўғли Султон Санжар (1118—1157) ҳукмронлик қилди. Унинг пойтахти Марв бўлди.

XII аср ўрталарига келиб қорахитойлар Урта Осиёга бостириб кирдилар. Салжуқийлар билан қорахитойлар ўртасида бўлган жангда Султон Санжар енгилди ва 30 минг кишилик қўшинидан ажралди. XII асрнинг 50-йилларида Балх яқинида кўчиб юрвчи ўғузлар олиқ-солиқнинг кўпайиб кетишига қарши қўзғолон кўтариб, Султон Санжар қўшинига қақшатқич зарба бердилар ва Султон Санжарнинг ўзини асир олдилар (1153). Ўғузлар Хуросонни таладилар, Марв, Нишопур ва бошқа шаҳарларни батамом вайрон қилдилар. 1156 йили Султон Санжар асирликдан қочиб, қўшин йиғишга ҳаракат қилди. Султон Санжар вафоти (1157) дан кейин салжуқийларнинг Хуросондаги ҳукмронлиги тугади. 1194 йили хоразмшоҳ Такаш (1172—1193), Ироқ султонлигини тор-мор келтирди, Қўния султонлиги эса XIV асргача ҳукм сурди.

Темур Малик

Хоразмшоҳлар давлатининг Хўжаддаги ҳокими, халқ омасини мўғуллар истилосига қарши курашга уюштирган саркарда, халқ қаҳрамони. 1219 йил декабрь ойида 5000 кишилик мўғул қўшини Хўжадани қамал остига олди. Темур Малик бунга қадар, ҳар эҳтимолга қарши, Сирдарёдаги ороллардан бирига қалъа қурдириб қўйган эди. Мўғул қўшини сон ва қурол-аслаҳа жиҳатдан устун бўлгани учун шаҳарни ҳимоя қилиш мушкулланди. Оқибатда Темур Малик 1000 нафар йигити билан ўша оролга кўчиб ўтиб (1220 йил, апрель) курашнинг давом эттирди. Мўғуллар Темур Маликнинг сўнги истеҳкомини олиш учун 50 минг ҳанарчинини ишга солиш ҳамда 20 минг кишилик қўшинини жангга туширди. Шундан сўнг Темур Малик оролни ташлаб кетишга мажбур бўлди. У ёнидаги аскарлар билан 70 та қайиқда Сирдарёнинг қуйи оқими бўйлаб сузиб кетди.

Жўзичон Барчинлигкент яқинида дарёни занжирлаб қўйди. Темур Малик одамлари билан қирғоққа тушиб, мўғуллар билан жанг қилишга мажбур бўлди. Кўп талафот бериб, якка ўзи Қизилқум орқали 1220 йилнинг ёзида Урганчга етиб келди. У ерда аскар тўплаб, Жўзичон қўшинига қақшатқич зарба берди ва Янгикент шаҳрини мўғуллардан озод қилди. Бироқ мамлакатда юзага келган мушкул вазият туфайли тез орада Хуросон тарафга кетишга мажбур бўлди. Темур Малик 1221—1231 йиллар мобайнида Жалолиддин Мангуберди билан биргаликда Афғонистон, Синд, Эрон ва Ироқда мўғулларга қарши курашди. Жалолиддин ўлдирилгандан (1231) сўнг ўз юртига қайтиб келди. Лекин халқни мўғулларга қарши кўтара олмади. Темур Маликни қоон ўрдасига бораётганда мўғуллар йўлда қатл этдилар.

Темурийлар

1370—1507 йилларда Мовароуннаҳр, Афғонистон, Эрон, Озарбайжонда ҳукмронлик қилган сулола. Асосчиси—машҳур саркарда ва йирик давлат арбоби Амир Темур. У XIV асрнинг 40-йилларида Чигатой улусида кучайиб кетган феодал тарқоқлик оқибатида ҳокимият тепасига келган. Самарқанд ва Ҳирот Темурийлар давлатининг пойтахти бўлган. Темурий ҳукмдорлар: Амир Темур ибн Тарағой баҳодир (1370—1405), Халил султон ибн Мироншоҳ (1405—1409), Шоҳруҳ ибн Амир Темур (1409—1447), Улуғбек ибн Шоҳруҳ (1409—1447 йилларда Мовароуннаҳр ҳокими; 1447—1449 йиллари олий ҳукмдор), Абдуллатиф ибн Улуғбек (1449—1450 йиллари Мовароуннаҳр ҳокими), Абулқосим Бобур (1449—1457 йилларда Хуросон ҳокими), Абдуллоҳ мирзо ибн Иброҳим султон (1450—1451 йилларда Мовароуннаҳр ҳокими), Султон Маҳмуд ибн Абулқосим Бобур (1457—1459 йилларда Хуросон ҳокими), Абу Саид ибн Султон Муҳаммад (1451—1458 йилларда Мовароуннаҳр ҳокими, 1457—1469 йилларда олий ҳукмдор), Султон Аҳмад ибн Абу Саид (1457—1494 йилларда Мовароуннаҳр ҳокими), Султон Али ибн Султон Маҳмуд (1498—1500 йилларда Мовароуннаҳр ҳокими). 1500 йили Мовароуннаҳр Шайбонийхон бошлиқ кўчманчи ўзбеклар тарафидан босиб олинди, темурийлар қўлида фақат Хуросон қолди: султон Ҳусайн Бойқаро (1470—1506). 1407 йил 23 майда Шайбонийхон Ҳиротни эгаллади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур кўчманчи ўзбеклар таъқибидан Афғонистонга қочиб бориб, уни забт қилди ва мустақил давлат тузди (1508). 1526 йилда эса у Шимолий Ҳиндистонни ҳам босиб олиб, тарихда Бобурийлар империяси (Буёк мўғуллар империяси) номи билан машҳур бўлган давлатга асос солди. Бу давлат 1858 йилга қадар давом этди.

Темурийлар давлати

Темур асос солган феодал давлат (1370—1506). Дастлаб Мовароуннаҳр ва Хоразмдан ташқари Темурнинг 1380—1402 йиллардаги босқинчилик урушлари натижасида итоат эттирилган Эрон, Ироқ, Озарбайжон, Ҳиндистоннинг шимолий қисмини ўз ичига олган.

Темурийлар томонидан майда улусларга бўлинган ҳолда идора қилинган. Темур ҳукмронлик қилган йиллари унинг давлатига қарашли ўлкалар асосан тўрт қисмга бўлинган бўлиб, Хуросон, Журжон, Мозандарон, Сеистон (маркази Ҳирот), Шоҳруҳга; Фарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Арманистон (маркази Табриз) Мироншоҳга; Форс, яъни Эроннинг жанубий қисми (маркази Шероз) Умаршайхга; Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон (маркази Газна, кейинчалик Балх) Пирмуҳаммадга суюрғол қилиб берилган эди. Улуслар номигагина марказий ҳукуматга итоат этиб, аслида ўзига хос мустақил давлат бўлиб қолган эди. Улусларнинг алоҳида давлат аппарати, мустақил қўшини ҳам бўлиб, марказий ҳукуматга тобелиги асосан аҳолидан тўпланадиган солиқнинг бир қисмини Самарқанд (кейинчалик Ҳирот) нинг марказий девонига юбориб туриш ҳамда олий ҳукмдор уюштирган ҳарбий юришларда қатнашиш билан чекланган эди. Улусларнинг мустақиллиги Султон Абу Саид вафотидан кейин, айниқса Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлигининг иккинчи ярмида яна ҳам кучайди. Масалан, XV асрнинг 70-йилларида Мовароуннаҳрнинг ўзи уч мустақил давлатга бўлиниб (Самарқанд ва унга тобе бўлган вилоятларда — Султон Аҳмад; Фарғонада — Умаршайх; Ҳисор, Хутталон ва Бадахшонда — Султон Маҳмуд ҳокимлик қилган), султон Ҳусайн Бойқарога Хуросон ва Эронгина тобе бўлган, холос. Лекин бу ерлар унинг ўғиллари ўртасида тақсим этилганди. Масалан, Балх — Бадиуззамон, Марв — Абулмуҳсин, Нисо ва Обивард — Муҳаммад Муҳсин, Астробод — Музаффар Ҳусайн қўлида бўлган.

Темурийлар давлатида ер-сувнинг асосий қисми, шунингдек ҳунармандчилик корхоналари олий ҳукмдордан суюрғол ва тархонлик ёрлиғи олган бир гуруҳ феодаллар қўлида бўлиб, моддий бойлик яратувчи зироатчиларнинг кўпчилиги оғир шартлар билан феодалларнинг ерини ижарага олиб ишлашга, қатор солиқ ва жарималар (хирож, жон солиғи, миробона, доруғаги, аворизот, совари ва ҳ. к.) тўлашга, давлат ва феодалларнинг оғир юмушларини бажаришга, ўз от улони билан ҳукумат юкларини ташиб беришга мажбур эди. Ҳунарманд ва савдо аҳлидан тамға ва бож, кўчманчи аҳолидан закот каби оғир солиқлар ҳам олинадди.

Темурийлар давлатининг тузилиши яхши ўрганилмаган. Тарихий манбаларга қараганда, вилоят ва туманларда ҳокимият марказий ҳукумат ёки улус ҳукмдорлари томонидан тайинланган мансабдор (доруға)лар қўлида бўлган. Марказий ҳукумат-

ни асосан уч бош давлат муассасаси (девон): девони олий (олий ижрония органи), девони мол (молия ишлари бошқармаси) ва девони тавочи (ҳарбий ишлар бошқармаси) идора қилган. Дин ва шариат билан боғлиқ масалалар, шунингдек суд ишлари қози ва шайхулислом қўлида бўлган.

Мамлакатни улус тизими билан идора қилиш ҳамда муттасил давом этган ўзаро феодал урушлар натижасида феодал тарқоқлик кучайиб, марказий ҳокимият заифлашган. XVI аср бошида кўчманчи ўзбеклар Шайбонийхон бошчилигида Урта Осиё ва Хуросонга бостириб кирди ва Темурийлар давлатини тугатди.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида	3
I. Олис асрлар садоси	
Академик В. В. Бартольд Тошкентда	5
Атоқли шарқшунос олим (А. Қ. Арендснинг туғилган кунига 80 йил тўлиши муносабати билан)	12
Берунийнинг ўрта осиелик жавҳаршунос издошлари (XVI—XVII асрнинг биринчи ярми)	15
Бухоро хонлигининг XVI—XVII асрлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётида	
Жуйбор хожаларининг тугган мавқеи ҳақида	24
Ибн Сино даври	37
Иқтоъ феодал институти (Урта Осиё, XVI—XVIII аср бошлари)	51
Кўчманчи ўзбеклар давлати	59
Мирзо Улуғбек (ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти)	105
И. П. Петрушевский асарларида ижтимоий-иқтисодий масалалар ва шаҳарлар тарихининг таҳлил этилиши	130
Сўнги темурийлар ва Бадахшон учун кураш	137
Ал-Хоразмий даври	153
Хоразмнинг XV асрдаги сиёсий тарихидан	162
Чингизхон ва унинг ворислари даврида Марказий Осиё	170
Чўқан Валихонов Урта Осиё тарихи ҳақида	179
Шайбонийлардан кейин аштархонийларнинг ҳокимият тепасига келиши санаси хусусида	184
Ўзбеклар (ўтмиши, кечмиши, келажаги)	195
Қирғизистоннинг XV асрдаги сиёсий тарихини ўрганишга доир	211
II. Қадимги қўлёзмаларни варақлаганда	
Абулғозихон ва унинг «Шажарайи турк» асари	217
Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор» асари ва унинг ўрганилиши	223
Афғонистоннинг XVII аср охири—XVIII асрнинг биринчи ярми тарихини ўрганишда Маҳмуд ибн Вали «Баҳр ул-асрор» асарининг аҳамияти	235
Балх хонлигининг Русия билан савдо ва элчилик алоқалари ҳақида янги ҳужжат	243
Биноий «Шайбонийнома» асарининг номаълум нақли	245
Қлавихо ва унинг «Қундалиги»	249
«Маноқиб»лар—муҳим тарихий манба	255
Марказий Осиё тарихий манбаларининг ўрта асрларда Урта Осиё билан Хитой ўртасидаги савдо, сиёсий ва маданий алоқаларни ўрганишдаги ўрни	269
Мутрибий ва унинг таъкирлари	277
«Равзат ар-ризон»—Қошғар тарихи бўйича муҳим манба	286
«Тарихи Абулхайрхоний»—ўзбеклар тарихига оид муҳим манба	291
«Темур тузуқлари»—муҳим тарихий манба	299
Улкан таъкиранавис олим	311
Улуғбек ва унинг «Тарихи арбаъ улус» асари	316
Хива тарихига оид янги маълумотлар	329
Ҳондамир ва унинг илмий мероси	337
Ўзбекистонда XVI—XVIII асрлар тарихий манбаларини ўрганишнинг айрим якунлари	363
Ўзбекларнинг этник тарихини ўрганишда қўлёзма манбаларнинг роли	369
Урта Осиё тарихига оид муҳим асар	378
Утамиш хожи ва унинг «Чингизнома» асари ҳақида	383
Ҳофиз Таниш Бухорий ва унинг «Шарафномаи шохий» асари	389

III. Сиймолар, сулолалар, атамалар

Абдураҳмон Толеъ (Абдураҳмон Давлат)	397
Абулғози Баҳодирхон	397
Анқара жанги	398
Араб халифалиги (632—1258)	399
Аштархонийлар (жонийлар)	400
Авлиё Чалабий	401
Абулфазл Алломий	402
Бароқхон (Наврӯз Аҳмадхон)	403
Беркахон	403
Бобурийлар	404
Бурка султон	404
Бурҳонийлар	405
Бухоро хонлиги	405
Буғролар	408
Березин Илья Николаевич	408
Баҳром Чубин	409
Бичурин Никита Яковлевич (Накиф)	409
Бувайҳийлар	410
Бадавийлар	411
«Тавочи» ва «жарчи» атамалари ҳақида	414
Баримта	414
Барот	415
Дашти қипчоқ	416
Дашти қипчоқ ўзбеклари	417
«Жомеъ ут-таворих»	418
Мўғул феодали империяси	420
Мўғуллар истилоси	422
Олгин Ғрда	424
Оқ Ғрда	424
Салжукийлар давлати	425
Темур Малик	426
Темурийлар	427
Темурийлар давлати	427

БУРИБОЙ АҲМЕДОВ
ТАРИХДАН САБОҚЛАР

Тошкент «Уқитувчи» 1994

Муҳаррир И. Шоймардонов
Бадий муҳаррир Н. Нурманов
Техник муҳаррир Г. Золотилова
Мусаввир Ш. Тўлаганов

ИБ № 6366

Теришга берилди 16.02.93. Босишга рухсат этилди 22.10.93. Формати 60×90^{1/16}. Тип. қоғози. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 27,0+ +0,25 фоз. Шартли кр.-отт. 27,69. Нашр. л. 29,5+0,24 фоз. Тиражи 60000. Буюрт-ма № 2328.

«Уқитувчи» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30, Шартнома 07—05—93.

Ўзбекистон Республикаси Маъсуот давлат қўмитасининг 1-босма хонасида босилди, 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-бек кўча, 2-уй. 1994.